

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент молия институти
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети**

**Наим Обломуратов
Файзулла Толипов**

Ў з б е к и с т о н т а р и х и
(Дарслик)

Тошкент – 2019

Н.Обломуродов, Ф. Толипов. «Ўзбекистон тарихи». Дарслик
(Номутахассислик олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалари учун)

«Ўзбекистон тарихи» фанидан мазкур дарслик номутахассислик олий таълим муассасалари тарих фани профессор-ўқитувчилари ва бакалаврият босқичи барча йўналишлари талабалари учун мўлжалланган. Унда ўзбек халқи ва унинг давлатчилиқ тарихининг илк даврларидан бугунги кунгача бўлган тарихий жараёнлар даврий кетма-кетликда ёритилган. Дарслик Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 18 августда тасдиқланган ва №БД 1.01 рақам билан рўйхатга олинган фаннинг намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган.

Такризчилар:

Н.Мусаев ТошДАУ профессори т.ф.д
Ф.Зияев ТМИ доценти т.ф.н

Мазкур даслик _____ Илмий кенгашида муҳокама қилинган (№ сонли мажлиси) ва нашрга тавсия этилган.

Н. Обломуродов, Ф. Толипов

Кириш

Ўзбекистон дунёдаги бой тарихга эга давлатлардан биридир. Инсоният тарихининг ажралмас қисми бўлган халқимиз ва унинг давлатчилик тарихи кишилик жамиятининг узоқ даврларига бориб тақалади. Унда халқимиз тарихининг ибтидоий давридан ҳозирги кунларгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўли, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти ўз аксини топган.

Ўзбекистон тарихи халқимизнинг тарихий тараққиёти, аجدодларимиз қолдирган бой моддий ва маънавий меросини, ўлкамизда давлатчиликнинг ташкил топиши ва уларнинг ривожланиши, аجدодларимизнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашларини ва унда мардлик, жасорат кўрсатган халқ қаҳрамонлари ва давлат арбоблари фаолятларини кенг миқёсда ўргатади. Шу билан биргаликда халқимизнинг мустақилликка эришиши, мустақиллик йилларида жамиятимизда миллий, ҳуқуқий давлатчилик қурилиши, демократик, фуқаролик жамият қуриш, эркин бозор иқтисодиётини яратиш жабҳаларидаги фаолияти ҳам ўз аксини топган.

Малумки, юртимиздан дунё цивилизасияси тарихий тараққиётида муҳим из қолдирган олиму фузалолар, давлат арбоблари, саркардалар етишиб чиққанлар. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса республикамизнинг турли ҳудудларидан қадимги ва ўрта асрларга оид кўплаб манзилгоҳлар, шаҳар қолдиқлари, турар жойлар, аҳоли томонидан ясалган қадимги ашёлар, уй- рўғор буюмлари топилаётганлиги халқимиз ва унинг давлатчилик тарихи бой эканлигини тасдиқлайди.

Жумладан, бундай қадимги манзилгоҳлар ва шаҳар харобалари Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги *Сополитена*, *Жарқўтон*, *Қува*, *Ерқўрғон*, *Афросиёб*, *Чоч*, *Ахсикент* манзилгоҳлари ва шаҳристонларидан топилган бўлиб, мазкур археологик топилмаларга кўра, ушбу манзилгоҳларда яшаган аҳоли турмуш тарзи ва маданияти юксак даражада бўлганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, ўша кезлардаги шаҳарларнинг маълум қисмлари ўзига хос ҳунармандчилик марказлари бўлган. Масалан, Қува шаҳарининг шарқий томонида шиша ишлаб чиқарувчи, ғарбий томонида симоб кўзача ишлаб чиқарувчи устахоналар бўлган. Даҳалар алоҳида хўжаликлардан ташкил топган. Ҳар бир хўжаликда бир неча оила аъзолари биргаликда яшаганлар. Бу ерлардаги уйлар атрофидан кундалик овқат тайёрлашда ишлатилган ўчоқ қолдиқлари, турли ашёлар топилган. Демак қадимги Қува, Ерқўрғон, Афросиёб, Чоч, Ахсикент шаҳристонлари қадимги кишилар уюшқоқлигининг илк манзилгоҳлари бўлган.

Ана шундай қадимги ноёб ёдгорликлар, маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати, уларни асраб авайлаш, халқимиз, жумладан ёш авлод тарбияси ва маънавиятида тутган ўрни хусусида гапирган мамлакатимиз **Президенти Шавкат Мирзиёев**, буни биргина **Ахсикент** археологик ёдгорлиги мисолида қайд этади. Тарихий манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да бу кентнинг алоҳида аҳамияти ҳақида кўп ёзилган. Қадимдан

бу ерда ер ости сув иншооти бўлгани боис мудофаа учун қулай саналган 60 гектарга яқин қисми сақланиб қолган Ахсикент харобалари Фарғона водийсидаги энг катта археологик ёдгорликдир. Археологлар томонидан темирчилар устахонаси, X-XIII асрларга оид ҳаммом қолдиқлари, аскарлар хоналари, жоме масжиди, мудофаа деворлари, ер ости ирригация тармоқлари, хунармандлар маҳалласи, ҳукмдор қароргоҳи – Арк қазиб ўрганилган.

Бундай тарихий ёдгорликлар Ўзбекистон ҳудудида кўплаб топилади. Тарих фанини ўрганиш кўп маънода тарихий манбаларга таянади. Бусиз умуман фанни ва унинг объектини тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, бизгача етиб келган бундай моддий ва ёзма манбалар Ўзбекистон тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан характерлидир”.

Тарих фани ва унга оид билимлар жамият манфаатларига, инсонларнинг маънавий дунёсига ижобий таъсир қилиши, кишиларда тарихий хотира, аجدодлар меросидан фахрланиш туйғусини уйғота олиши лозим. Бу борада ўз фикрларини баён қилган Президентимиз Шавкат Мирзиёев **2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномада, олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур¹**, деган эди.

Айнан ушбу Мурожаатномада халқимиз тарихи, моддий ва маънавий маданиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси негизида **“Ўзбекистон телеканалли”** ни ташкил қилиш таклифини илгари сурган эди. Мазкур таклиф асосида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ушбу телеканал иш бошлаши маълум қилинди.

Юқорида такидланганидек, халқимиз ўзининг бой тарихи, маънавий мероси ва маданиятига эга. Буларнинг барчасига бугунги кунда янгича тафаккур ва дунёқараш асосида муносабат билдирилмоқда. Улар хусусида китоблар, монография ва ўқув қўлланмалари чоп этиш, ёшлар, умуман кенг халқ оммасига етказиш пайти келганлигини таъкидлаш ўринли. Бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган туб иқтисодий-сиёсий ислохотлар билан бир қаторда фан ва таълим соҳаларида ҳам асрларга татиғулик чуқур, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қамровли янгиланишлар ва ислохотлар даврида халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда келажак авлодларга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса халқимизнинг ўтмиш тарихи, миллий урф-одатлари, кадриятлари ўзига қайтарилди. Совет тузуми йилларида оёқ ости қилинган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

маънавиятимиз мустақиллик шарофати билан тикланиб, уни бойитиш йўлида қатор ҳайрли ишлар қилинди. Халқимиз ўз олдига “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” мақсадини қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун юртимизда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун ҳар томонлама маънавий баркамол инсонларни вояга етказиш, улар онгида тарихий қадриятларига нисбатан ҳурмат, ўз ватанига нисбатан миллий ғурур ва ифтихор ҳиссини шакллантириш лозим.

Тарихчи олимлар учун Ватанимиз тарихини ҳар қандай мафкура ва таъйиқлардан ҳоли тарзда ёритиш ва ҳолисона ўрганиш имкониятларига кенг йўл очилди. Шундай бўлсада бугунги кунда Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихининг вужудга келиши ва тараққий топиши бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш борасида олим ва мутахассислар билан биргаликда илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш масалалари долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Тайёрланган мазкур дарслик ушбу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Умуман, мазкур дарслик Ўзбекистон тарихининг қадимги даврларидан бошлаб, ҳозирги кунгача бўлган катта даврни ўз ичига олади. Ундаги мавзуларни ёритишда ва таҳлил қилишда намунавий ўқув дастурига асосланган ҳолда мавзуларнинг туб моҳияти, тарихий-маданий жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари ва оқибатлари ҳамда натижаларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, Ватанимиз ҳудудида бўлиб ўтган тарихий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳақида ҳолисона хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинди.

Муаллифлар ушбу дарсликни ёзишда «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишнинг долзарблиги ҳамда аҳамиятини баён этиш билан бирга, мазкур фаннинг тузилиши, мазмуни ҳамда фан бўйича ўқитишнинг ўқув ва назарий моҳиятини очиб беришга интиланлар. Шунингдек, фаннинг ўқув дастури асосида маъруза ва амалий машғулотларнинг матни, режаси ҳамда машғулотлар юзасидан назорат саволлари, мустақил таълим мавзулари ва фойдаланиладиган адабиётлар берилган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда назарий ва амалий машғулотларнинг дарс ишланмалари ҳам берилган. Шу маънода дарсликдаги амалий машғулотлардаги ҳар бир режа ва топшириқлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларда мустақил фикрлашни, ўз фикрларини асосли равишда ҳимоя қилишни, баҳслашиш кўникмаларини шакллантириш учун баҳс-мунозара олиб боришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу борада бугунги кунда дарсларни замонавий педагогик технологиялар ва янгича ўқув-услубий ёндашувлар асосида ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Шу боисдан Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти, Ўзбекистоннинг умумжаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлиги, Ўзбекистон тарихининг жамиятимиз учун ҳар томонлама етук, миллий ғоя руҳида тарбияланган ёшларни тарбиялашдаги ўрни катта эканлигининг ўзиёқ ушбу ўқув қўлланманинг ўрни ва аҳамияти муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Муаллифлар ушбу ўқув қўлланмани ёзишда қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа манбалардан фойдаландилар.

1-мавзу. «Ўзбекистон тарихи» фанининг предмети, уни ўрганишнинг назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти.

Режа:

1. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, объекти, уни ўрганишнинг назарий-методологик тамойиллари. Ўзбекистон тарихининг жаҳон халқлари тарихи билан бевосита уйғунлиги.

2. Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни.

3. Инсонларни ҳар томонлама етук, маънавиятли ва комил этиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамияти

1. Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, объекти, уни ўрганишнинг назарий методологик тамойиллари. Ўзбекистон тарихининг жаҳон халқлари тарихи билан бевосита уйғунлиги. Тарих фани инсониятнинг ўтмиши, аҳолининг турмуш тарзи, жамият ижтимоий тараққиётига оид содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни, инсоният жамиятининг барча тадрижий (эволюцион) ривожланиш жараёнларини ўрганади. Ватанимиз тарихи жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлиб, у аجدодларимизнинг босиб ўтган тарихий йўли, турмуш тарзига оид маълумотларни маълум изчилликда ва кетма-кетликда ўрганади. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш орқали биз аجدодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи хусусида тушунчаларга эга бўлиш баробарида, уларнинг жаҳон халқлари тарихий тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳақида зарур маълумотларга эга бўламиз.

Тарих хусусида холис маълумотларга эга бўлиш учун фаннинг предмети ва объектини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган муҳим масалалардан бири бу, ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихини фаннинг предмети ва уни ўрганиш объектидан келиб чиқиб, маълум назарий-методологик тамойилларга суянган ҳолда ҳаққонийлик, холислик асосида ёритишдан иборатдир.

Тарих фани ҳам бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби мустақил фан ҳисобланади. У барча фанлар қатори алоҳида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, ижтимоий-гуманитар ва бошқа айрим фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Биринчидан, у ўз хусусиятига кўра, ўтмиш ҳақида сабоқ беради, инсонларни содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақида керакли хулосалар чиқаришга ундайди, кишиларни аجدодларимизнинг ўтмишдаги ҳаёт тарзини, улар яратган моддий ва маънавий меросини кадрлашга ундайди.

Иккинчидан, тарих фанини ўрганишда барча ижтимоий-гуманитар фанлар учун хос барча шакл ва услубларга таянилади, ҳатто уни ўрганишда математик усулдан ҳам фойдаланилиши бежиз эмас. Тарихий воқеа ва ҳодисалар қатъий аниқликда, даврий кетма-кетликда, хронологик асосда ўрганилади. Уларни ўрганишда тарихий ҳужжат ва далилларнинг ҳақиқий эканлиги, улар қачон, қаерда, қандай тарихий муҳит ва шароитда яратилганлигига ҳам аҳамият бермоқ лозим. Ўзбекистон тарихи фани ўтмишдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни, уларнинг ривожланиши ва таназзулининг сабаб ҳамда оқибатларини ўрганади,

кишиларни улардан келажак учун сабоқ ва хулосалар чиқаришга ундайди. Бу эса бўлғуси авлодлар камолотида катта аҳамиятга эга.

Фаннинг предмети шу минтақада содир бўлган жамики воқеа ва ходисалар, улардаги умумийлик ва алоқадорлик қонуниятлари, тарихий ходиса ва жараёнлар, умуман инсониятнинг барча тарихий фаолият жараёнларини ўрганишдир. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганиш объекти Ўзбекистон тарихида содир бўлган барча воқеа ва ходисалардир. Тарихий объект (макон)га нисбатан фаннинг мақсади, вазифаси, йўналишини белгилайди. Маълум бир маънода объект билан предмет бир-бирига жуда яқин тушунча бўлса-да, улар тарих фанида тутган ўрни ва вазифаси билан фарқланадилар.

Объект, аниқ тарихий давр, макон, замон ва географик ва умумий минтақавий чегаралар, маълум халқлар, мамлакатлар тарихи билан боғлиқ жараёнлар бўлиб, улар воқеа ва ходисаларни бир бутун ва яхлитликда қамраб олади. Шу боисдан ижтимоий гуманитар фанларнинг объекти, аниқ реалликда содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ўзгаришлар, воқеа ва ходисалардир. Предмет эса мана шу объект ичидаги аниқ тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан иборат бўлган аниқ воқеа ва ходисаларни ўрганишдир.

Юқорида тарих фани бир қатор фанлар, хусусан ижтимоий-гуманитар фанлари билан мустаҳкам ва узвий алоқада ўрганилади, дедик. Шунини ҳам айтиш лозимки, тарих ва бошқа аксарият ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрганиш объекти инсон, давлат ва жамиятдир. Шунинг учун ҳам бошқа фанлар тарих фани тараққиётига ҳисса қўшади, тарихий ҳақиқат рўёбга чиқишига бевосита ёрдам беради. Тарих фанини яъни, Ватан тарихини ҳолис ўрганиш халқимиз ўтмиши ҳақида зарур маълумотларга эга бўлишда муҳим ўрин тутди, халқимиз келажак тақдирини раванқ топишида муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, ўзбек халқи ва Ўрта Осиё минтақасида азалдан бирга истиқомат қилиб келётган халқлар тарихи ўзаро муштарак бўлиб, улар инсоният тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади. Фанни ўқитишдан асосий мақсад, ватанамиз тарихининг қадимги давридан ҳозирги кунгача босиб ўтган узоқ ва мураккаб тарихий йўлини, халқнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини ҳолисона ўрганиш орқали фуқаролар, айниқса ёшлар онгида тарихий хотира, улар қалбида ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Талабалар фанни ўрганиш жараёнида ўтмишда халқимизнинг, яъни аجدодларимизнинг ҳаёти, турмуш-тарзи, уларнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашлари, мардлиги ва жасорати ҳақида керакли маълумотларга эга бўладилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, олиму-фузалолар кенг фаолиятларини ўрганадилар. Шу билан биргаликда талабалар мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, мустақиллик йилларида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, халқимиз маънавий кадриятларининг тикланиши, демократик

фуқаролик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ўзгаришлар хусусида маълумотларга эга бўладилар.

Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ғоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий асосларига таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан Биринчи Президент Ислом Каримов тарихнинг энг муқаддас миллий ва умуминсоний хотира ҳамда қадрият эканлигини таъкидлаб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Юксак маънавият-енгилмас куч» номли асарларида "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади, "Тарих-халқ маънавиятининг асосидир" деган сўзларида тарихий ҳақиқатни ва маънавий ўзликни ангалашга ундовчи, теран илмий-назарий фикрларни илгари сурган эдилар.

Ушбу тамойиллар кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан изчил давом эттирилиб, мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни рўй рост таҳлил қилиниши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу борада ўз фикр мулоҳазаларини билдирган Президентимиз қуйидагиларни қайд этади: **”Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади. Шунинг учун Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарур.**

Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида “Ўзбекистон тарихи” каналини ташкил этиб, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда унинг дастурларини пухта шакллантириш керак. Мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш лозим”².

Энди барча фанларнинг асосий назарий жиҳатини ташкил қилувчи “методология” сўзининг луғавий маъноси ҳақида. Умуман, ушбу сўз грекча «методос» ва «логос» каби икки сўзлар бирикмасидан иборат бўлиб, метод яъни усул тадқиқот олиб бориш усули (йўли), логос” эса фан маъноларини англатади. Демак, методология илмий тадқиқот олиб бориш ёки бирор бир масалани илмий-назарий ўрганишнинг қулай усуллари, тўғри ва мукамал

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2019. 20-бет.

ғояси, назарияси ва таълимотлари маъносини англатувчи тушунчадир. Бошқа маънода эса методология илмий билиш ёки маълум бир илмий фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда қўлланиладиган усуллар ҳақидаги фандир. Уни ўрганишда қуйидаги икки йўналишни келтириш мақсадга мувофиқ.

Авваломбор, тарих фанини ўқитишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ҳамда ғоявий асосларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Бунда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

-биринчидан, тарихга халқнинг миллий ва умуминсоний қадрияти ҳамда муқаддас маънавий мероси сифатида қараиш лозим;

-иккинчидан, тарих ҳаққоний бўлиши учун, унга умуминсоний қадрият сифатида ёндашиш муҳим;

-учинчидан, тарих жамият ва давлатлар ҳамда инсоният тараққиётининг маълум диалектик ҳамда синергетик қонуниятлари асосида ривожланишини тўғри англаш зарур;

-тўртинчидан, тарих инсонлар онгида тарихий хотира туйғусини шакллантирувчи моддий ва маънавий меросни вужудга келтирувчи муҳим манба, халқни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан жипслаштирувчи асос эканлигини тушуниш муҳим.

- бешинчидан, тарихий ҳақиқат рўёбга чиқиши учун, у объектив ва холис ўрганилиши, ҳар қандай ғоявий ва мафкуравий тазйиқлардан холи бўлиши зарур. У маълум бир сиёсий, диний уюшмалар ёки давлатлар манфаатига эмаса, балки халқ учун хизмат қилиши лозим.

Афсуски, сўнги йилларда ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи хусусида мутахассислиги тарихдан йироқ, ёки эндигина тарих фанига кириб келиб, унга тўлиқ кириб улгурмаган, фан борасида зуваласи қотмаган, унинг назарий жиҳатларини тушуниб етмаган, айрим зиёлилар ёки тарихчилар дарслик ва ўқув қўлланмалар чиқаришга қўл уришлари натижасида, турли чалкашликлар келиб чиқмоқдаки, бу баъзан фан мазмуни ва обрўсига путур етказиб, ёш авлодни фанга бўлган муносабатини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бундай "хилма хилликлар" ёки чалкашликлар фаннинг асл моҳиятига соя солмоқда.

Бу борада биргина Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Дарҳақиқат, тарихни тўғри даврлаштириш асосида мактаб, ўрта махсус ўқув юртлари ва олий таълим тизимида ёшларга фанга оид билимларни мукамал етказиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихни тўғри даврлаштирмасдан туриб, уни холис ўрганиб бўлмайди.

Жумладан, мамлакатимиз тарихини ягона назарий концепция асосида даврлаштириш масаласи анча йиллар талай баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Аммо кейинги йилларда Ўзбекистон тарихи фанида бой ўтмишимизни даврлаштириш масаласи ўз ечимини топди, десак муболаға бўлмайди. Ваҳоланки, ҳар бир халқ ва миллат тарихи маълум маҳаллий шарт шароитлар ва қонуниятлар асосида ривожланади ва шу асосда даврлаштирилади. Чунки, инсоният тарихи дунёнинг турли минтақаларида турли тарихий даврларда турлича кечган бўлиб, бирон бир минтақадаги тарихий жараёнлар иккинчи минтақадаги тарихий жараёнлардан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Айнан Ўзбекистон тарихини янгида даврлаштириш борасида ўзининг назарий концепциясини илгари сурган академик А.Асқаров бу борада тўғри таъкидлаб, ўзига хос илмий тависияларини илгари суриб, қуйидагиларни қайд этади: “Шўролар даври тарих фанида кишилик жамияти тарихини 5 та ижтимоий-иқтисодий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм)га бўлиб ўрганиш анъанага айланган эди. Собик СССР парчаланиб, коммунистик ғоя ва социализм системаси барбод бўлгандан сўнг, жамият ижтимоий ва иқтисодий қонунлари ўзгарди. Шу боисдан бугунги кунда ҳаёт тарихга, жамият тараққиётининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда объектив, аниқ ва бирламчи манбалар асосида ёндашишни тақоза этмоқда.

Зеро, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини 5 та формацияларга бўлиб ўрганишлик эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки, Ўрта Осиё халқлари тарихи мисолида оладиган бўлсак, кулдорлик тузуми махсус ижтимоий-иқтисодий формация сифатида бизда бўлмаган. Социалистик жамият эса тарих тақоза этмаган ҳаёлий бир ўйдирма бўлиб чиқди. Ўрта Осиё шароитида ана шу 5 ижтимоий-иқтисодий формациянинг фақат учтасигина (ибтидоий жамоа тузуми, феодал жамияти ва капиталистик муносабатларнинг дастлабки босқичлари) юз берганлигини таъкидлаш мумкин. Совет даври жамияти эса давлат монополистик капитализми шаклида ривожланди.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласида совет даврида мутлақо бошқача ёндошувлар мавжуд эди. Бундай тарихий даврлаштиришдан фарқли равишда минтақамизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб академик А. Асқаров томонидан таклиф этилган назария ҳам эътиборга моликдир. Олим Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги еттита асосий даврни кўрсатиб ўтади:

- 1) Ибтидоий тўда даври (2,5 млн-40 минг йилликлар)**
- 2) Уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври (40 минг йилликдан милодий V асрларгача)**
- 3) Илк Ўрта асрлар даври (IV аср охирлари - V асрдан - IX аср ўрталаригача)**
- 4) Ўрта асрлар даври (IX аср ўрталаридан-XIX асрнинг биринчи ярмига қадар)**
- 5) Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври. (XIX аср ўрталаридан-1917 йилгача)**
- 6) Советлар даври (1917-1991 йиллар)**
- 7) Миллий мустақилликка эришиш, демократик ва фуқаролик жамияти қуриш даври**

Олим қайд қилганидек, эндиликда, тарихимизни ўрганишда тарихни бундай даврлаштирилишни маъқул топмаётган эканмиз, биз барпо этаётган демократик жамият мустақиллик талаблари асосида тарихга янгида

ёндашиш, тарихий жараённи объектив ўрганиб, бирламчи манбалар асосида тўғри ёритишни талаб этмоқда³.

Шу ўринда тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маънавий бой, маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилшини қайд этиш зарур. Уларни талабаларга етказишда қуйидаги омиллар муҳим ўрин тутади.

Биринчидан, талабаларда тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, ўзлигини англаш қобилияти шаклланади, уларда истиқболини белгилаш туйғуси кучаяди.

Иккинчидан, талабалар тарихий тафаккур орқали ўтмиш ва бугунги ҳаётни солиштириш, таққослаш ва зарур хулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар, ўтмиш ва бугунги кун мазмуни чуқурроқ англаш фалсафаси юзага келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феъл-атворининг ривожланишига хизмат қилади.

Учинчидан, ёшлар тарихни ўрганиш орқали турли қирғинбаротлар исканжасида ўзлигини йўқотган, ўз қадру қимматини унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишига даъват этади.

Тўртинчидан, аждодлари буюк, жаҳон тараққиёти ва тамаддунига катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор халқ қалбида ўтмишини ўрганиш миллий ғурурнинг уйғониши катта ижтимоий-маънавий қудрат бўлиб хизмат қилади. Ушбу жараён инсоннинг ўзини-ўзи янгилашига ёрдам беради.

Бешинчидан, жамиятда инсоннинг маънавий-руҳий қувватини юксалтириш орқали жамиятни янгилаш, инсон турмуш тарзини ўзгартириш каби чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги янгиланаётган Ўзбекистондаги кенг қамровли ислоҳотлар даврида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ғоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар тарих фанининг мазмун ва моҳиятини чуқурроқ англашга, шунингдек фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам уни маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий-назарий асосларига таянган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Дарсларда тарих фанини ўрганишда маълум илмий, методик тамойилларга таяниш ҳам муҳимдир. Шунингдек этнография, археология, антропология фанларида қабул қилинган моддий ва ёзма маълумотларга таянган ҳолда иш юритиш ҳам фанни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишда тарихий манбаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Улар халқнинг бебаҳо моддий ва маънавий мероси, бойлиги ҳисобланиб музейларда, архивларда, кутубхоналарда сақланмоқда. Манбалар ўз мазмунига кўра, моддий ва ёзма турларга бўлинади. Ёзма манбалар энг қадимги расмлар, ёзувлар, битиклар,

³ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015 70-бет.

хужжатлар ва китоблардан иборатдир. Ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида ва бошқа ҳудудларда битилган қадимги ва ўрта асрларга оид ёзма манбаларни ўрганиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу йўналишда бажариладиган ишлар ҳали кўп. Жумладан, мавжуд манбалар ҳам халқимиз тарихи, моддий ва маънавий қадриятлари хусусида тўлиқ, зарур ва етарли маълумотларни беравермайди. Шу боисдан уларни синчиклаб ўрганиш, таржима қилиш илмий тадқиқ этиш муҳим.

Хусусан, Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқлари тарихида муҳим ўрин тутувчи энг қадимги манбалар қаторида зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто», қадимги давр тарихига оид муҳим манба, Эрондаги Беҳистун қоятош битиклари, қадимги Рим, Юнонистон тирихчиларининг ёзиб қолдирган айрим асарларида ҳозирги Ўрта Осиё халқлари тарихи, турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятига оид зарур маълумотлар мавжуд. Тарихий манбалар қаторида шунингдек Абулғозийнинг «Шажари турк», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» ва шу каби бошқа асарларни ҳам тарихий манба сифатида мисол қилиш мумкин. Шу билан бирга Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларининг ҳам муҳим ёзма манба сифатида келтириш ўринли.

Тарихни ўрганишда археологик, этнографик, нумизматик ва топонимик манбалар ва маълумотларнинг ҳам ўрни катта. Улар қаторига қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳарлар харобалари, мазор ва қўрғонларнинг қолдиқлари, аҳоли турмуши ва ҳўжалигида ишлатилган буюмлар, меҳнат ва жанг куроллари, турли-туман рўзғор ашёларини киритиш мумкин. Шундай манзилгоҳлар бугунги кунда республикамизнинг **Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент воҳаси, Хоразм, Фарғона водийси** ҳудудларидан кўплаб топилмоқда. Аслида маоддий манбалар, бу инсон кўли ва меҳнати билан яратилган моддий ашёлар ва нарсалардир. Моддий манбаларга қуйидагилар мисол бўлади:

- уй-жойлар, рўзғор буюмлари;
- кийим кечаклар ва озик овқатлар;
- транспорт воситалари, машина ва жиҳозлар;
- турли тарихий топилмалар, моддий ашёлар;
- бино ва иншоотлар, тарихий ёдгорликлар, заводлар, корхонлар ва бошқалар.

Тарихий моддий манбалар бу, асосан аждодларимиз томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ашёлар, нарса ва буюмлардир. Моддий ва ёзма манбалар асосида тарихий маълумотларни солиштириб, ҳаққоний тарихни талқин этиш ва ўрганиш бугунги муҳим вазифалардан биридир. Умуман, талабалар манбаларни ўрганиш жараёнида ўтмишда халқимизнинг, яъни аждодларимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашлари, мардлиги ва жасорати ҳақида керакли маълумотларга эга бўладилар. Халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, олиму-фузалолар фаолиятларини ўрганадилар. Манбалар

орқали талабалар мамлакатимизнинг мустақилликка эришиш йўлининг мураккаб жараёнларда кечганлигини, унга улкан курашлар эвазига эришилганига, мустақиллик йилларида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, халқимиз маънавий қадриятларининг тикланиши, фуқаролар онгида тарихий хотира туйғусини шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар хусусида маълумотларга эга бўладилар.

Шунингдек дарс жараёнида муҳим манбалар қаторида **архив материаллари**дан ҳам фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Зеро, архивларда халқ ва давлат тарихига оид ёзма ҳужжатлар сақланади. Маълумки архив материаллари барча моддий ва маънавий ҳамда ёзма манбалар қатори тарихий жараёнларни ҳаққоний, холис ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан фанга оид мавзуни ёритишда архив материалларидан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Зеро тарих фанини ўрганиш кўп жиҳатдан тарихий манбаларга таянади, усиз фанни ва унинг объектини тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан Республикамиз Марказий Давлат Архиви, вилоятлар ва туманларда жойлашган архивлар мамлакатимиз тарихига оид кўплаб ҳужжатлар сақланадиган муҳим марказлардир. Дарсда уларда сақланаётган ҳужжатлардан унумли ҳамда ўз ўрнида фойдаланиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади.

Узоқ йиллик совет тузуми ҳукмронлиги йилларидаги мафкуравий таъйиқлар, тарихни сохталаштиришга уринишлар, маънавий чеклашларга қарамасдан ана шу ҳужжатлар ва китобларнинг архивларда сақланиб қолганлиги ватанимиз тарихини янада тўлароқ, холисона ёритилишига, тарихимиз саҳифаларидаги «оқ» ва «қора» доғларнинг барҳам топишига кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда улардан унумли фойдаланган ҳолда олий ўқув юртларида турли усулда дарслар ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Умуман архив ҳужжатларидан илмий-тадқиқот, халқ хўжалиги, илмий- маърифий ва ўқув мақсадларида кенг фойдаланилади. Ҳужжатли манбалар тарих фанини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, олимлар уларга асосланиб тарихимизни ҳаққоний ёритишга эришмоқдалар. Авваломбор архив ҳужжатларидан нусхалар олиб кўрғазмалар ва музейлар ташкил этилиши мумкин ёки Ўзбекистон тарихининг айрим мавзулари бўйича ҳужжатлар тўплами тайёрланиб, улардан маъруза ёки семинар дарсларида фойдаланиш мумкин.

Дарсда **архив ҳужжатлари**дан фойдаланишда бошқа идоралар билан ҳамкорликда ишлаш ҳам мумкин. Масалан, ҳужжатлар кўрғазмасини музейлар билан биргаликда тайёрлаш, ҳужжатларни газета ва журналлар орқали эълон қилиш, улар асосида радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш, газета ва журналлар таҳририятлари, телестудиялар, радиоқўмиталар билан ҳамкорликда амалга ошириш ҳам мумкин. Қуйида олий ўқув юртларида архив ҳужжатларидан ўқув мақсадларида фойдаланиш хусусида фикр юритамиз. Давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлардан дарсларда ёки дарсдан ташқари машғулотларда қуйидаги усулларда фойдаланиш мумкин:

- *Архив ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари*дан бири, улардан архивнинг ўзида фойдаланишидир. Ҳар бир архивда ўқув хоналари бўлади. Ўқитувчи ёки тадқиқотчи ҳужжатлардан талабалар иштирокида ёки илмий мақсадларда яъни, индивидуал ҳолда, бевосита архив ўқув хоналарида фойдаланишлари мумкин.

- *Кўргазмалар ташкил этиши, альбомлар, плакатлар тайёрлаш.* Муҳим тарихий саналар, муҳим воқеаларга, машҳур тарихий шахсларнинг юбилейларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилиш, альбомлар, стендалар, плакатлар чиқариш, кўргазмаларда ҳужжатлар, фотосуратлар, хариталар, китоблар, варақалар ва бошқа манбалар намойиш қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

- *Архив ҳужжатларига оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда мақола, илмий-оммабон рисоаларни матбуот нашрларида чоп этиши, оммавий ахборот воситаларида радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар тайёрлаш.* Илмий ходимлар архив ҳужжатлари ҳақида, айрим тарихий мавзулар бўйича рисоалар тайёрлашлари мумкин. Уларнинг мавзулари муҳим тарихий воқеаларга бағишланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари улар матбуотда архив, унинг ҳужжатлари тўғрисида мақолалар ёзиши, телевидение ва радиода чиқишлар қилишлари мумкин, шунингдек, муҳим аҳамиятга молик ҳужжатларни чоп этишлари мумкин.

- *Архивнинг ўзида тарих дарслари ўтишини ташкил қилиш.* Олий ўқув юртлари, хусусан университетлар, институтлар талабалари учун тарих дарсларини архивларнинг ўзида ташкил этиш мумкин, уларда сақланаётган ҳужжатлардан ўша ерда бевосита фойдаланиш энг самарали усулдир. Шу билан бирга тарих фани бўйича кичик фильмлар олиш, ҳужжатларнинг фото ёки ксеронусха тўпламларини олиш ҳам мумкин.

Албатта, тарихчи олимлар архив ҳужжатлари асосида, қимматли далилларга таянган ҳолда изланиш олиб боришлари, ҳаққоний тарихимизни холислик асосида ўрганилишида катта аҳамият касб этади. Дарс жараёнида улардан унумли ҳамда ўз ўрнида фойдаланиш профессор-ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади. Ўқитувчи манбаларнинг тури, шакли, вазифалари ҳамда улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари хусусида талабаларга тўғри тушунчалар бериши мақсадга мувофиқ. Шундай экан ёзма манбалар тарихни илмий-назарий жиҳатдан холис ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши бежиз эмас.

Шу билан бирга бугунги кунда яқин ва узоқ тарихимиз билан биргалиқда, тарихнинг энг янги даврини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг энг янги тарих даврини ўрганишнинг аҳамияти шундаки, бунда биз нафақат мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақида маълумотларга эга бўламиз ёки ўрганамиз, балки буюк келажак билан боғлиқ истиқболдаги стратегик мақсадларимизни ҳам теран англаймиз.

Авваломбор биз бугунги тинч осойишта кунларнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлод яқин тарихимизни чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан

эришмаганимизни тушуниб, англаб етмоғимиз зарур. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи – бу тарих фанининг янги йўналишидир. Шу боис, у ўз институционал характериға, ўз тадқиқот методологияси, тадқиқот изланишларига ва ўқув-методик таъминотига эға бўлган фан сифатида шаклланганлиги бежиз эмас.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз тарихидаги воқеалар кўлами ва ўсиш суръати фан ва таълим олдига уларни тизимли равишда ўрганиш вазифасини қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик Кенгашини тузиш тўғрисидаги” Қарорининг қабул қилиниши ҳамда Кенгашнинг ишчи органи бўлган Мувофиқлаштирувчи-методик марказнинг ташкил этилиши бундай тизимли англашнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Кенгашнинг вазифаларига Ўзбекистоннинг янги тарихини тизимли ўрганишни ташкил этиш, тарихийлик ва объективлик тамойилларига асосланиб, ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунини тарихий баҳолашда догматизм, бир томонлама ёндашувларға йўл қўймаслик, дарслик, илмий, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр қилиш ишларини мувофиқлаштиришдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий давлатчилигининг вужудға келиши ва тараққий топишининг энг янги тарихи бўйича ўқув-методик, илмий-оммабоп, маърифий адабиётларни ўрганиш, тайёрлаш ва чоп этиш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш, ёшларда, авваламбор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчиларида, олий ўқув муассасалари талабаларида мамлакат тарихи ҳақидаги чуқур билимларни шакллантириш масалалари долзарб муаммо сифатида эътироф этилди.

Президент Қарорида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини тизимли равишда тарихийлик ва холислик принципларига асосланган ҳолда ўрганишни ташкил этиш, шунингдек буюк тарихий-маданий меросға эға бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларға, ақидапарастликка йўл қўймасликка йўналтирилган бўлиб, унда Ўзбекистон илмий жамоатчилиги олдига ўқув, илмий, ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва янги авлод нашрларини чоп этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, уларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини умумжаҳон ва минтақавий жараёнлар билан, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган халқлар ва давлатлар цивилизациясининг тарихий-маданий мероси билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таъминлаш каби вазифалар белгилаб қўйилди. Ушбу масаланинг яна бир жихатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мафкура ва миллий ғоя, маънавият ва маърифат бўйича илмий мақолалар, нашрлар ва телевидениедаги кўрсатувлар, маърузалар таҳлили шуни кўрсатдики, замонавий ҳаёт (энг янги тарих) масалаларининг, воқеалар ва жараёнларнинг муҳокамаси ҳам муҳим ҳисобланади.

Энг янги тарихни ўрганишда яна бир муҳим омил борки, у бугунги кун бутунжаҳон тадқиқотлари тизимида устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Бу “тарихдаги инсон” мавзусини тадқиқ қилиш, бошқача айтганда, шахсинг, тарихий сиймонинг ҳамда оддий инсоннинг уни ўраб турган дунёдаги ролини ўрганиш. Энг муҳим вазифа энг янги тарихни жиддий методологик ва илмий асосга қуришдан иборат. Агарда биз фаннинг назарий-методологик асосни чуқур англаб етсак, бу бир вақтнинг ўзида тарихни қалбакилаштириш ва бузиб кўрсатишнинг олдини олади.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлининг мазмун-моҳиятини объектив баҳолаш ҳамда шунга хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи даврини бир қатор босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

3. Инсонларни ҳар томонлама етук, маънавиятли ва комил этиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни. Бугунги кунда дарсларни янгича ўқув-услубий ёндашувлар, янгича манбалар ва материалларга таянган ҳолда ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, бу Ўзбекистоннинг умумжаҳон цивилизациясининг қадим ўчоқларидан бири эканлигини, унинг жамиятимиз учун ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни катта эканлигидан келиб чиқиб, тарих авваломбор инсонларни ғоявий тарбилаб, уларда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришга катта ҳисса қўшишини таъкидлаш ўринли.

Шунингдек, талабалар фанни ўрганиш жараёнида ўтмишда халқимизнинг яъни аجدодларимизнинг ҳаёти, турмуш-тарзи, уларнинг ажнабий босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун курашлари, мардлиги ва жасорати ҳақида назарий маълумотларга эга бўладилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, олиму-фузалолар кенг фаолиятларини ўрганадилар. Шу билан биргаликда талабалар мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, мустақиллик йилларида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, халқимиз маънавий кадриятларининг тикланиши, демократик фуқаролик жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар хусусида маълумотлар оладилар.

Албатта, бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозиллар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Кўплаб диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача ўз кўркини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқларимиз қадим қадимдан юртимизда дехқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик, шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

Тарихнинг муҳим асосларидан бири бу илм ва маърифатга интилишдир. Маърифий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм – фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, хунар эгаллашга иштиёқ бўлмайди. Шу сабабли, жамият тараққиётининг барча босқичларида аввало ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаб, уларни тарихли қилишга муҳим аҳамият қаратилган. Тарихпарвар аллома Абдулла Авлоний фикрича: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят муқаддас бир фазилатдур,

зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дарахт кабудур”.

Аллома илмнинг назарий аҳамиятини кўрсатибгина қолмасдан, балки амалий фаолият учун тарихий зарурият эканлигини ҳам таъкидлаб ўтади. “Илм бизни жаҳолат қоронғусидан қутқарур, маданият, тарих дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуқ ишлардан қайтарур, яхши хулқ, одоб соҳиби қилур. Бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илмга боғлиқдур”.

Тарихга эътибор жамиятга эътибордир. Унинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ундаги узвийлик жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтирмоқда, давлатнинг ижтимоий ва илмий-техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда.

Тарих инсоннинг умумий маънавий маданияти савиясини юксалтиришга қаратилган таълим ва тарбиядир. Тарихий билимлар турли соҳалар, услублар орқали инсонларга сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари ва бошқалардир. Тарих том маънода инсоннинг бугунги ва ўтмиш фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади.

Агар ўтмишга мурожаат қилсак, тарихнинг асосий манбалари сифатида зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто», ислом динининг муқаддас китоби **Қуръони Карим, ҳадислар, Қобуснома, Зафарнома, Бобурнома, Темурнома, Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар», Абу али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандийларнинг тариқатлари, Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғитлари** ва бошқа манбаларни келтириш мумкин.

Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан жойда, аввало, илму тарих, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо булмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб беради.

Бунда асосий манба сифатида халқимизнинг чуқур моддий ва маънавий мероси, халқ оғзаки ижодиёти намуналари, Ватанимизнинг бой тарихий меросига мурожаат қилиш орқали уларнинг теран негизларини тушунтириш зарур. Ёшларларда миллий кадриятларни ўрганиш, уларни асраб-авайлаш, миллий қаҳрамонларимиз, улуғ аждодларимиз ҳаётига қизиқишни уйғотиш муҳим. Айниқса оммавий тадбирларда, байрамлар ва турли йиғинларда, маҳаллаларда, таълим муассасаларида турли машғулотлар ва тўғаракларда, дарсларда ва дарсдан ташқари тадбирларда юқорида қайд қилинган масалалар хусусида маълумотлар бериб бориш, бугунги кунда қўлга киритилаётган ютуқларимиз замирида буюк ўтмишимиз ва ота боболаримизнинг тинимсиз меҳнатлари ётганлигини тўғри тушунтирмоғимиз

лозим. Шу билан бирга мавжуд ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил этиш, ёшларни шахсий жавогарлик, танқидий таҳлил асосида иш юритишга ўргатишимиз лозим. Айниқса бунда таълим муассасалари, хусусан профессор-ўқитувчининг шахсий ибрати, таълим ва тарбияси муҳимдир.

Ота-боболаримиздан бизга мерос қолган бебаҳо асарлар инсонларнинг янада маънавиятли, маърифатли бўлишига ундаб келмоқда. Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Бурхониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқа улуғ алломаларимиз асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шунингдек қадимий ёдгорликларда халқимизнинг азалий урф-одатлари, турмуш тарзи акс этади. Маънавий мерос бу, маданиятнинг таркибий қисмлари: тарихий маданий бойликлар, ёдгорликлар, қадриятлар, адабиёт, санъат дурдоналари, ривоят ва эртаклар, фольклор намуналари, урф-одатлар, инсонлардаги поклик, ҳалоллик, комил инсонни тарбиялаш, ота-онага ҳурмат-иззат, диний эътиқод, кийиниш маданияти ва бошқалардир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аجدодларимиз жамият тарққиётидаги маънавий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа турли соҳаларни ўзларида мужассамлаштирган ва шу соҳаларда ўз билим малакалари орқали битмас-туганмас мерос қолдирганлар.

Бинобарин, Абу Наср Форобий фалсафа, сиёсат, адабиёт, мусиқа, мантиқ, Абу Али Ибн Сино тиббиёт, фалсафа, математика, адабиёт; Абу Райҳон Беруний минералогия, геодезия, фалсафа, тарих, география, мантиқ, математика; Ал-Хоразмий математика, астрономия; Мирзо Улуғбек астрономия, тарих; Алишер Навоий адабиёт, тасаввуф, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тарих, адабиёт ва илм-фаннинг бошқа соҳаларида битмас-туганмас мерос қолдирдиларки, бу мерос ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Буюк саркардалар, олимлар, мутафаккирларнинг давлат ва жамиятни бошқариш усуллари ҳақидаги панд-насиҳатлари сифатида қолдирган маънавий ва моддий мероси маънавиятимиз учун муҳим манбалардир. Хусусан Соҳибқирон Амир Темурнинг «**Темур тузуклари**» ўз ҳукмронлиги давридаги бинолари, иншоотлари каби маънавий ва маданий мерос намуналари сифатида асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда. Биз эса уларни кўз-қорачиғидек асрашимиз зарур.

Соҳибқирон даврида ўрнатилган бошқарув тизими мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг халқаро мавқеининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Шуни айтиш мумкинки, Амир Темур томонидан олиб борилган адолатли бошқарув сиёсати халқ турмушининг яхшиланишига, ривожига катта таъсир кўрсатди. Иккинчидан эса ташқи сиёсий алоқалар, савдога бўлган эътибор туфайли хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама иқтисодий алоқалар кучайиб, қарвонлар қатнови йўлга қўйилган бир шароитда четдан келтириладиган маҳсулотлар таннархининг арзонлашишини таъминлади. Бу эса, ўз навбатида, халқ фаровонлиги ва турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилган.

Демак, юқоридаги фикрларимизни мухтасар қилиб айтганда, авваломбор ўқитувчи ўз соҳасини яхши биладиган, фидойи, замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланадиган, уларнинг янги усулларини кашф эта оладиган, ижодкор педагог бўлиши лозим. Таълим тарбия беришда ўқитувчи ҳар қандай вазиятда оддий усулларда ҳам мукамал таълим ва тарбия бериш йўлларини излаб топмоғи ва уларни моҳирона қўлламоғи керак.

Вилоятлардан келаётган ёшларларни мамлакатимиз пойтахтининг ва тарихий шаҳарларимизнинг диққатга сазовор жойлари, майдон ва хиёбоналари, музейларига ташрифларини кўпроқ ташкил этиш лозим. Биргина пойтахт Тошкент шаҳридаги “Мустақиллик” майдони, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси, иккинчи жаҳон урушида жонини фидо этган халқимизнинг муносиб фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган **“Хотира майдони”**, **“Амир Темури хиёбони”** га уюштириладиган ҳар бир ташриф ёшларларда мустақиллигимиз, она-юртимизнинг шон-шухратига юксак ҳурмат туйғуларини юксалтириши табиий.

Албатта, тарихий меросимизнинг бир қанча турлари мавжудки, улар орасида музейлар фаолиятининг ҳам ўрни беқиёсдир. Ҳозирда биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд бўлиб, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир. Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилган. Музейлар ҳам ёшларларда миллий ғурур ва ифтихорни, бой маданий меросимизга меҳр муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади

Ёшларларга урф-одат ва анъаналаримиз, миллий тарбия анъаналари, тарихий ва маънавий қадриятларимиз халқни ягона мақсад сари бирлаштирувчи байроқдир. Ёшлар қалбида ва тафаккурида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” қуриш руҳини шакллантириш муҳим масала ва долзарб вазифадир. Ана шу руҳ қалбида барқ урган ёшлар миллат ва халқ манфаатини юқори даражага кўтара олади. Шу боис Президаентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакатимиз стратегик тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда мактабгача таълим, ўрта ва ўрта махсус таълим, олий таълим соҳаларини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири, шахс манфаати, тарбияси ва таълим устуворлиги деб белгиланди.

Тарихий билимлар орқали фуқароларда Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантирилади. Ёшларларни тарихий қадриятларимизга ҳурмат ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш жараёнида ҳар бир педагог ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятини ёшлар жамоасининг умумий тайёргарликларига индивидуал ёндошган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш лозим. Маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда таълим тарбия

сифатини тўғри ташкил этиш, таълим жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш, муаммони ҳал этиш вариантларини шакллантириш, муаммони ҳал этишга доир маънавий тадбирлар дастурини ташкил қилиш ҳамда уларни амалга ошириш ва ёшларларни баҳолаш тизимини яратиш бутун маънавий маърифий жараёнларга доир муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Таълим тарбия сифати бу шахсининг, инсоннинг жамиятнинг, давлатнинг хилма-хил эҳтиёжлари, манфаатларига мувофиқ таълим ва тарбия олаётган шахсни ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашдир. Бунда таълим тарбия олаётган шахсни ҳар томонлама ривожланиши учун улар эҳтиёжларини таъминловчи хизматларнинг истеъмол хусусиятлари муҳим ҳисобланади. Таълим жараёнининг ҳар қайси субъекти (педагог, таълим тарбия олувчи, ота-она, маъмурият ва б.) таълим сифатини таъминланишдан манфаатдордир.

Ҳозирги жадал ўзгаришлар ва янгиланишлар шароитида ёшлар дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тарбия сифати ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ёшларга тарихий, маънавий, ғоявий билим ва тарбия бериш ҳамда уларда жамият манфаатларига зид зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш орқали Ўзбекистонни буюк келажагига эришиш, ҳар томонлама етук, ёшларни вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирларга соҳа олимларини таклиф этиш орқали баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ўтказиш, профессор-ўқитувчиларнинг ғоявий тарғиботни ташкил этиш учун етарли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишини таъминлаш, миллий ғояни ёшларлар онгига сингдиришда фанлараро боғлиқлик ва узвийликни таъминлаш жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш жараёнида уни ёшларлар онгига сингдириб бориш ишларини такомиллаштиришни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда тарих фанини ўрганиш соҳасидаги янгиланишлар Ўзбекистонда фуқаролар, айниқса ёшлар дунёқарашида тарихий хотира туйғусини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Юртимизда амалга оширилаётган демократлаштириш жараёнлари, ёшлар тафаккурининг янгиланиши ўзига хос тарихий хотира ва тафаккур туйғуси орқали амалга оширилмоқда. Бунда тарих фанини ўрганишда маълум назарий-методологик тамойиллар, илмий ғоя ва назарияларнинг ўрни ва аҳамияти муҳим рол ўйнамоқда.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар

Ўзбекистон тарихи, фаннинг предмети, объекти, назарий-методологик асослари, холислик, тарихий манбалар, инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғояга ҳурмат тамойиллари, миллий ва умуминсоний қадриятларга

содиклик, анъана ва урф-одатлар, моддий ва ёзма манбалар, цивилизация, метод ва методология.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ўзбекистон тарихи фанининг фан сифатидаги ўрни ва аҳамияти қандай ?
2. Тарихни ўрганишда холислик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, тамойилларининг ўрни ва аҳамияти.
3. Ўзбекистон тарихи фанининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти.
4. Тарихий манбалар ва уларнинг ўтмишни ўрганишдаги ўрни.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишнинг назарий-методологик асослари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон тарихи фанини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг аҳамияти қандай?
3. Кишилар онгида Миллий ғояни шакллантиришда тарих фанининг ўрни қандай?.
4. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаққоний тарихимизни ўрганиш борасида бугунги кунда қандай ғоялар илгари сурилмоқда. ?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.. 2019 йил.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2000 .
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015.
4. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш. Т., «Ўқитувчи», 1995 .
5. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Университет», 1996.
6. Каримов, Ш, Шамсутдинов Р. «Ватан тарихи» Т., «Ўқитувчи», 1997.
7. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»././ Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
8. Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик». Т., 2006.
9. Хўжаев А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Т. :“Маънавият”. 2001. й

2-мавзу. Ўзбекистон- жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми. Қадимги даврда Ўзбекистон.

Режа:

1. Ўзбекистон қадимги цивилизация бешикларидан бири. Қадимги давр (палеолит, мезолит, неолит ва энеолит) одамларининг турмуш тарзи ва маданияти.
2. Ўзбекистон тарихида бронза, темир даври ва илк шаҳар маданиятининг шаклланиши.
3. Авесто қадимги аجدодларимиз маънавий ҳаётини ўрганишда муҳим манба.

1. Ўзбекистон қадимги цивилизация бешикларидан бири. Қадимги давр (палеолит, мезолит, неолит ва энеолит) одамларининг турмуш тарзи ва маданияти. Ўзбекистон инсониятнинг қадимги ўчоқларидан бири эканлиги, ўлкамиз ҳудудларидан топилган қатор моддий ёдгорликлар, хусусан қадимги аҳоли манзилгоҳлари, шаҳарлар ва қўرғонлар, қадимги қабрлар, уй-жой қолдиқлари ўрнидан топилган ашёлар тўла тасдиқлайди. берилади. Булар қаторида Мачай, Қўшилиш, Селунғур, Обирахмат, Омонқўтон, Тешиктош, Қўтирбулоқ, Замонбобо, Сополлитепа, Жарқўтон, манзилгоҳлари ва ёдгорликлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек Фарғона водийсидаги **Селунғур** (Сўх туманида жойлашган) ғори илк палеолит даврига оид манзилгоҳ бўлиб, у ўн учта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланган.

Бу қатламлардан жуда кўплаб ибтидоий тош қуроллар, турли ашёлар ва буюмлар топилган бўлиб, олимларнинг фикрича уларнинг ёши 1 млн. йилдан зиёдроқ эканлиги қайд этилмоқда. Селунғур топилмалари орасидан энг аҳамиятлиси қадимги одам жағ суяклари, тишлари ва елка суяклари қолдиқлари бўлиб, ушбу топилма фанда "Фарғона одами"- "Фергантроп" деб номланган. Бу қазилмалар ва қадимги одам қолдиқлари Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийсида ибтидоий одамлар излари мавжуд эканлигини тасдиқлайди. Зеро, бу даврда дунёнинг бошқа минтақаларида Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп ва Неандерталь каби инсониятнинг илк вакиллари яшаганлар.

Маълумки, одамзот биринчи бор меҳнат қила бошлаганидан бошлаб то дастлабки уруғ жамоалари бўлиб уюшишига қадар бўлган «*ибтидоий тўда*» даврини бошидан кечирган. Бу давр одамзотнинг илк шаклланиш босқичи бўлиб, бу даврда Зинжантроплар, Питекантроплар, Синантроп ва Неандерталь каби илк инсон аجدодлари табиатдан ўз ризқини термачилик ва йирик ҳайвонларни ов қилиш йўли билан топган ўлжаси ҳисобига яшаганлар. Бу даврда на ишлаб чиқариш, на жамоатчилик бўлган эди. Аслида, «ибтидоий уруғчилик жамоаси даври» тарихи уруғ жамоаларининг ташкил топишидан, яъни она уруғи жамоаси қарор топган даврлардан бошланади.

Инсоният тарихини археологик даврлаштиришда бу давр қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичига тўғри келади. Бу даврга келиб, одамзот

хар томонлама мукамал одам ҳолига келади. Шунинг учун ҳам бу давр одами «**homo sapiens**» одами, яъни ақл-идрокли одам деб юритилади. Бу даврга келиб кишилиқ тарихида қатор ихтиролар юз берган. Хусусан одамзотнинг илк жамоаси, жамиятнинг дастлабки куртаги-матриархат, яъни она уруғи, уруғчилик жамоаси таркиб топган. Буюк музликлар эриб, шимолга чекиниши билан одамлар ғор ва унгурлардан чиқиб биринчи бор ўзларига кулбалар қуришни ўрганадилар. Айнан шу даврга келиб, инсониятнинг уч ирқи шаклланади. Шу даврдан бошлаб «**ибтидоий уруғчилик жамоаси**» даври тарихи бошланади.

Умуман олимларнинг тадқиқотларига кўра энг қадимги давр **илк палеолит** яъни *илк тош даври*, бундан тахминан 3-2,5 миллион йилликлардан, 100 минг йилликларгача бўлган даврни, **ўрта палеолит** бундан тахминан 100-40 минг йилликларни, **сўнги палеолит** милоддан тахминан 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади. *Ибтидоий жамиятнинг иккинчи босқичи мезолит даври* деб юритилади. Бу давр милоддан аввалги 12-7 минг йилликларни, **неолит даври** яъни *янги тош даври* эса милоддан аввалги 6-4 минг йилликларни, **энеолит** яъни *мис-тош даври* эса милоддан аввалги 4-3 минг йилликлар бошларини, **бронза даври** милоддан аввалги 3-2 мингинчи йилликлар охири ва **илк темир даври** эса милоддан аввалги 2 минг йилликлар охири ва 1 мингинчи йиллар бошларини камраб олади.

Ибтидоий тўда даври -энг қадимги одамларнинг улкан жамоаси яшаган давр бўлиб, бўлиб, инсоният тараққиётининг бу босқичида одамлар тўда тарзида ҳаёт кечирганлар. Ибтидоий тўда даври одам пайдо бўлганидан то уруғчилик жамоасига қадар, яъни 40-35 минг йилликкача давом этган.

Илк палеолит. Илк палеолит даври одамлари жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги қиёфадаги ақл-идрокли одамлардан анчагина ажралиб турганлар. Улар асосан термачилиқ ва овчилик билан тирикчилик ўтказганлар. Улар табиат олдида анчагина ожиз бўлиб, асаосан табиатдаги тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш ҳисобига яшаганлар. Тошкент воҳасидаги **Кўлбулоқ** маконидан қадимги ёдгорликлар очиб ўрганилган бўлиб, унинг энг остки қатламлари илк палеолит даврига оиддир.

Бу давр шунингдек ўзлаштирувчи хўжалиқ даври деб ҳам аталади. Бу даврда одамлар табиат инъом этган нарсалардан фойдаланиб ҳаёт кечирганлар. Кишиларнинг энг қадимги машғулотлари бўлган термачилиқ ва овчилик ўзлаштирувчи хўжалиқ деб юритилади. Ўзлаштирувчи хўжалиқ тарзи одам пайдо бўлганидан то мезолит-неолит даврига қадар давом этган.

Илк палеолитнинг охири даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб «ўрта» ёки «мустье» деб номланади (200 минг йил олдинги даврдан 40 минг йилгача бўлган давр). Бу қонуний ҳодиса бўлиб, мустье даврида неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар кенг ҳудудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрлаган, маълум маросим ва маданият кўринишлари шаклланган. Неандерталлар яшаган ғорларда оловдан қорайган тош супаларда маълум маросимлар ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча Шарқ - Ғарб йўналиши бўйича жойлашиб, мурда «ёнбош ҳолатда, тиззалари энгагига қайирилган, ёнига тош қуроллар қўйилган» ҳолда кўмилган. Бу

маросим ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги ҳақидаги дастлабки тасаввурларнинг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Неандерталлар қабри Ўзбекистонда **Тешиктош ғоридан, шунингдек, Омонқўтон, Зирабулоқ, Обираҳмат, Қўлбулоқ, Учтут** ва бошқа жойлардан ҳам топилган.

Бу даврда ибтидоий одамларнинг билим даражаси анча чекланган бўлсада, бироқ яшаш учун кураш жараёнида атроф-муҳитни кузатиб тажриба тўплаганлар. Натижада янги тушунча ва тасаввурлар пайдо бўлиб, тафаккур ва нутқ ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштирди. Билим ва тажрибанинг тўпланиши натижасида ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш содир бўлди.

Дастлаб, ибтидоий одамлар озиқ-овқат қидириб ўзилари яшаётган муҳитни яхшироқ ўрганиши, уларнинг географик тасаввурларини оширган. Инсоннинг истеъмолга яроқли ўсимлик ва меваларни қидириб топиши ва табиатни кузатиши натижасида ботаникага оид билимлари тўпланган. Ёввойи ҳайвонлар овлаш жараёнида ҳайвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими шакллана бошлади. Бундай билимларни ўрганиш ибтидоий одамлар учун зарурий бўлган ҳаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Касалликни даволаш учун ўша замоннинг ўзига хос табобати бўлиб, унда ўсимликлар, мевалар, ҳайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланилган. Баъзи касалликларни даволашда силаш, укалаш усулидан, шунингдек, фолбинлик, сеҳиргарлик ва жодугарлик усулларида ҳам фойдаланганлар. Қадимги одамларда табиатни, иқлимни кузатиш асосида об-ҳавони олдиндан билиш қобилияти пайдо бўлди. Тарбия меҳнат ва турмуш шароити билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одат ва удумлар унинг асосини ташкил этган.

Ибтидоий санъат одамларнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган. Уруғчилик жамоаси давридаёқ ҳали ибтидоий одамлар санъатнинг нималигини тўла англамаган ҳолда санъат турларини шакллантира бошладилар.

Умуман, ибтидоий санъат кишиларнинг дастлабки умумий ижоди бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолияти, ички руҳияти ва диний тасаввурлари билан уйғун бўлган. Айтиш мумкинки, диний тасаввур ва эътиқод шакллари маданиятнинг моддий ва маънавий турларининг ривожига самарали таъсир кўрсатган.

Диний тасаввур ва эътиқод ибтидоий жамоа тузумининг кейинги даврларида шаклланиб, айрим унсурлари ўрта палеолит даврларида вужудга келган. Ибтидоий одамлар табиатдаги турли ҳодисаларнинг сабабларини тушуна олмаган. Улар ҳодисалар негизида сирли, ғайритабиий кучлар яширинган деб тушунишиб, шу ғайритабиий кучларга эътиқод қилишган.

Ибтидоий одамларнинг тирикчилик илинжида турли минтақаларга тарқалиши, табиат, шароит ва турмуш тарзининг хилма-хиллиги турли эътиқодларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Табиат ва жамият ҳодисалари билан боғлиқ ғайритабиий кучларга ишониш ибтидоий эътиқодлар - тотемизм, анимизм, сеҳргарлик, фетешизм ва бошқаларни келтириб чиқарди.

Ўрта палеолит. Қадимги тош даврининг муҳим босқичи ҳисобланиб, бу даврга оид ёдгорлик Сурхондарё вилоятининг Бойсунтоғ этакларидаги Тешиктош ғоридан (манзилгоҳи) топилган. Мазкур макондаги ибтидоий бола қолдиқлари ва унга тегишли буюмлар 1938 йилда археолог А.Окладников томонидан очиб ўрганилган. Шу билан бирга Ўрта Осиё ҳудудларида тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ўрта палеолит даврига оид кўплаб маконлар аниқланганлиги ва улар синчиклаб ўрганилган. Булар қаторида Омонқўтон, Кўтирбулоқ ва Зирабулоқ, Обираҳмат, Кўлбулоқнинг юқори қатламлари, Хўжакент каби кўплаб маконлар ўрта палеолит даврига оид бўлиб, улардаги топилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўрта палеолит дарининг машҳур ёдгорликларида бири Тешиктош манзилгоҳи ҳисобланади. Ўрта палеолит даврига мансуб ушбу макон Марказий Осиёдаги энг кўхна ибтидоий инсонлар манзилгоҳи бўлиб, унинг жойлашиш кенглиги 20 м, баландлиги 9 м, чуқурлиги 21 м га тенг. Тадқиқотлар натижасида манзилгоҳдан бешта маданий қатлам аниқланиб, бу қатламлардан 3000 га яқин тош қуроллар топилган. Ундан ташқари турли ҳайвонлар, қоплон, ёввойи от, эшак, қуён ва турли қушларнинг суяк қолдиқлари ҳам аниқланган. Тош қуроллар орасида қирғич-тарашлағичлар алоҳида ўрин эгаллаб, уларнинг баъзилари кескич қурол вазифасида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Муҳими шундаки, Тешиктош манзилгоҳинининг юқори қатламларидан 9 яшар боланинг скелет суяклари топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу бола неандертал типидagi қадимги одам вакилидир. У ибтидоий дафн маросимларига амал қилиниб, жасад атрофига тоғ эчкиси шохлари қадаб қўйилган, шунингдек, ғор-макондан гулхан излари ва кул қолдиқлари топилиб, гулхан ўрни ва атрофларидан тоғ эчкисининг суяк қолдиқлари топилган. Тешиктош одами Ўрта Осиёдаги неандертал қиёфадаги қадимги одамларнинг ягона вакили ҳисобланади.

Шу билан бирг ўрта палеолит даврига оид Обираҳмат манзилгоҳи – Тошкент вилоятидаги Тяньшань-Чотқол тизмасидаги Палтов сойининг юқори оқимидан топилган қадимги яшаш манзилгоҳидир. Манзилгоҳ кенг, ёйсимон шаклда жанубга қараган бўлиб, саҳни кенг, қуруқ ва ёруғ, ғорда 10 метр қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланган. Ушбу қатламлар қадимги одамлар бу ерда узоқ вақтлар яшаганилигдан далолат беради. Маданий қатламлардан оҳак тошли чакмоқ тошдан ясалган хилма-хил меҳнат қуроллари, жумладан, парракчалар, ўткир учли сихлар, қирғичлар, куракчалар, турли тош кескичлар топилган бўлиб, уларнинг умумий сони 30 мингдан ошади. Шунингдек, Обираҳматдан ҳайвон суяқларидан ясалган бигизлар ҳамда буғу, тоғ эчкиси, тўнғиз, жайрон, архар ва бошқа ҳайвонларнинг суяқлари, гулхан, кул, кўмир ва бошқа нарсалар қолдиқлари ҳам топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу топилмалар Обираҳматда қадимги одамлар милoddан 120-40 минг йил илгари яшаб териb-термачилик билан шуғилланиб, ёввойи ҳайвонларни овлаб тирикчилик қилганликларидан далолатдир.

Сўнги палеолит даври узок давом этган қадимги тош асрининг охири босқичи бўлиб, мил. авв. 40-12 минг йилликларни ўз ичига олади. Ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиёда бу даврга оид 30 дан зиёд маконлар очиб ўрганилган. Жумладан Кўлбулоқ (Тошкент вилояти), Қоракамар (Тожикистон), Ачисай (Қозоғистон) ёдгорликлари шулар жумласидандир.

Тошкент вилоятининг (Оҳангарон тумани) **Кўлбулоқ** маконининг юқори учта қатлами сўнги палеолит даврига оид манзилгоҳдир. Бу қатламлардан нисбатан такомиллашган тош қуроллар ҳамда кўплаб ҳайвон суяклари топилган. Шунингдек, сўнги йилларда Тошкентнинг ғарбидаги Бўзсув макони ҳам сўнги палеолит даврига оид эканлиги аниқланган. Сўнги палеолит даврига келиб одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам турли ўзгаришлар содир бўлган, хусусан, одамлар ғорлардан енгил турар жойлар, чайла ва ярим ертўлаларга кўчиб ўтадилар. Улар энди фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларидаги сой ҳавзаларида жойлашадилар ҳамда қариндош-уруғчилик жамоаларига бўлинадилар. Натижада жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади, улар айрим уруғларни бирлаштириб уруғ жамоасини ташкил этганлар.

Уруғ жамоаси-биргаликда яшаган ва ҳамкорликда меҳнат қилган, умумий меҳнат қуроллари ва қурол-яроққа эга бўлган қон-қариндошлар жамоаси. Уруғ жамоаси сўнги палеолит даврига келиб (40-35 минг йилликларда) пайдо бўлган.

Тотемизм-жамоанинг ҳайвон ёки ўсимлик тури билан ғайритабиий қариндошлик алоқасига ишониши бўлиб, овчилик ва термачилик ривожланган даврда пайдо бўлган. Бу эътиқодда тотем-ҳайвон ёки ўсимлик ниҳоятда ҳурмат қилинган. Тотемизмнинг илк босқичида ҳайвон мукқадас саналиб, унинг ўлдириш ёки гўштини истеъмол қилиш таъқиқланган. Фақат уруғнинг урф-одат маросимлардагина бу ҳайвон гўшти истеъмол қилинган холос.

Анимизм – «руҳ», «жон» маъносини билдириб, бу дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги ғайритабиий кучларнинг борлигига ишониш кучайган. Табиатдаги ғайри-оддий нарсалар, одамлар ва бошқаларнинг руҳларига, шунингдек, уруғчилик жамоасининг ривожланиши билан уруғ бошлиқлар, ҳарбий йўлбошчилар руҳига-аждодларга сифиниши пайдо бўлган. Матриархат даврида руҳлар аёллар номи билан аталган. Хўжалик шакллари пайдо бўлгач табиатдаги нарсалар (қуёш, сув, ер) нинг руҳига топиниш кучайган. Сеҳргарлик – одамнинг ғайритабиийлик кучларга таъсир кўрсатиш қобилиятига асосланган амаллардир. Бу ибтидоий санъатда ҳам ўз ифодасини топган. Қоя тош тасвирларидаги яраланган ҳайвон ифодасида овчилар бўлғуси овнинг бароридан келишини кўзлаб, ҳайвонларни сеҳрлашганлигини кузатиш мумкин.

Мезолит (ўрта тош) даври - Ўрта Осиёда мезолит даври мил. авв. 12-7 минг йилликларни ўз ичига олган. Мезолит даври қадимги одамларнинг ер юзи бўйлаб кенг тарқалиш даври бўлиб, улар шимол томонга ҳам, Помир каби баланд тоғли ҳудудларга ҳам тарқала бошладилар. Каспий денгизи

бўйларидан Тяньшань –Помирғача ҳамда Копетдоғ этакларигача бўлган худудлардан мезолит даври ёдгорликларининг манзилгоҳлари топиб ўрганилган. *Мачай (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Бўзсув, Қўшлиш (Тошкент воҳаси)* кабилар шулар жумласидандир. Мезолит даврига келиб ер юзидаги улкан музликнинг яна шимолга томон силжиши натижасида иқлим барқарорлашиб ҳозирги даврдагига анча ўхшаб қолган эди. Бунинг натижасида Ўрта Осиё ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсида анча ўзгаришлар содир бўлди.

Диний эътиқод. Қадимги даврларда оила турмушида диний эътиқодлар ҳам муҳим рол ўйнай бошлаган. Археологлар томонидан қадимги даврларга тегишли қабрлардан уй-рўзғор буюмлари, зеб-зийнат, иш қуроллари, кийим-кечаклар қолдиқлари, меъморчилик, санъат буюмлари, ноёб топилмалар топиб ўрганилган. Баъзан кўҳна қабрлардан дафн қилиш қоидаларига асосан қабрдаги жасад ёнида ов қуроллари, идиш товоқлар, тақинчоқларга ҳам дуч келинган, баъзан эса куш ва ҳайвонларнинг, маъбудаларнинг ҳайкаллари, турли нарсалардан ясалган шакллари, ниқоблар топилганки, уларнинг айримлари диний мазмунга эга бўлган. Масалан, Сурхондарё вилоятининг Тешиктош, Мачай, Фарғона вилоятидаги Сел-унғур ғоридан, Наманган вилоятининг Поп шаҳридаги Мунчоқли тепа манзилгоҳларидан палеолит даврида то эраиздан аввалги II-I асрларга оид манзилгоҳларда одамлар оила турмуш тарзига оид ов қуроллари, идиш- товоқлар, зеб-зийнат буюмлари билан бирга дафн этилганлиги маълум бўлди.

Қадимги давр одамларида «у дунё» тўғрисидаги илк тасаввурлар шакллана бошлаган. Оила турмушида меҳнатнинг овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик каби тарихий турлари, одамларнинг касб-кори билан боғлиқ ҳолда ҳам шаклланиб борган. Оиланинг ҳомийси ҳисобланган турли маъбудаларга сиғиниш рўй бера бошлаган.

Қадимги оила: шаклланиши ва ривожланиши. Сўнгги палеолит даврига келиб одамларнинг оилавий ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Хусусан, одамлар ғорлардан чиқиб енгил турар жойлар, чайла ва ярим ертўлаларда яшай бошлайдилар. Улар энди фақат тоғли худудларда яшаб қолмай, воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликларда, дарё ва кўллар бўйларида жойлашадилар ҳамда қариндош-уруғчилик жамоаларига бўлинадилар. Натижада жамиятда жуфт оилалар пайдо бўлади ҳамда улар айрим оилаларни бирлаштириб оила-уруғ жамоасини ташкил этадилар.

Она уруғи даврида, яъни уруғчилик тузумининг биринчи босқичида пайдо бўлган оиланинг илк шакли, бу матриархал оиладир. Матриархат даври палеолит даврининг сўнгги босқичида пайдо бўлиб, у неолит ва энеолит давригача давом этган. Бу даврда полигамияга асосланган никоҳ кенг тарқалган. Полигамия - кўп никоҳлилик, кўп хотинлик, кўп эрлилик бўлиб, бир эркакнинг бир неча хотин билан никоҳда, ёки аксинча бир хотиннинг бир неча эркак билан никоҳда бўлиб яшашидир. Полигамия никоҳ тартиби ибтидоий оила тузуми даври (матриархат) га хос бўлиб,

кейинчалик бу никоҳ шаклига аста-секин барҳам берилиб, моногам оилалар пайдо бўла бошлаган.

Эндогам оила - бир оила аъзолари ёки бир уруғ доирасида тузилган оила. “эндос” (юнонча) ички, “гамос” никоҳ маъноларини англатади.

Экзогам оила – бир оила ёки, уруғ доирасидан ташқари, бошқа оила ёки уруғ вакиллари билан тузилган оила. ”Экзо” (юнонча) ташқи, “гамос” никоҳ маъноларини англатади.

Шу ўринда оиланинг тарихий типи ва этник хусусиятларига кўра, ўзбек халқининг ўзига хос миллий менталитетига хос шаклланиши, моҳияти, характерли хусусиятлари ҳақида сўз юритиш ўринли. Жумладан у ўтмишда патриархал оила фаолиятида яққол намоён бўлган.

Мамлакатимиз ҳудудидан неолит даврига доир кўплаб археологик ёдгорликлар, хусусан бир жойда ғуж (компакт) ҳолда алоҳида алоҳида оилалар яшаган манзилгоҳлар топилган. Масалан, Амударёнинг қадимги Оқчадарё дельтаси ёнидаги Калтаминор канали яқинидан неолит даврига доир оилалар манзилгоҳи, Амударёнинг Юқори Узбой ирмоғи ва Орол денгизининг шимолий-шарқий бўйларидан яна кўплаб оилавий жамоалар маконлари топиб ўрганилган. Калтаминор маданиятининг энг муҳим манзилгоҳларидан бири Жонбос-4 ҳисобланади. Жонбос-4 да ўтказилган қазиш ишлари натижасида майдони 300 кв.м. келадиган катта-кичик оилалар яшаган турар жойлар, ярим ертўла шаклидаги кулбалар очилиб ўрганилган.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит (милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар) даврида Фарғона водийси, Бойсун тоғларида Мачайсой ёнидаги қоя этагидан топилган манзилгоҳларда овчилар ва балиқчилар оилалари яшаганлиги маълум. Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой қоя тасвирлари мезолит даврига оид бўлиб, неолит даврида овчи ва балиқчи оилаларнинг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги манзилгоҳларга силжиш жараёнлари кузатилади. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида жойлашган Замонбобо-милоддан аввалги 3-2 минг йилликларда яшаган қадимги чорвадорлар ва зироатчилар ёдгорлигидир.

Ибтидоий тасвирий санъат. Маълумки, Ўзбекистон тарихи ҳам жаҳон тарихининг ажралмас қисми сифатида бой моддий ва маънавий маданияти билан умумжаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган минтақалардан бири ҳисобланади. Бунда тасвирий санъат тарихи ҳам муҳим рол ўйнайди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудларидан ушбу моддий ва маънавий маданият ва санъат турига оид кўплаб манбалар топилган бўлиб, улар ўз навбатида тарихимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Зеро, тасвирий санъат бошқа санъат турлари каби анчагина бой тарихга эга бўлиб, унинг дастлабки шаклланиш босқичлари тарихимизнинг ибтидоий даврига бориб тақалади. Ушбу даврга оид ана шундай моддий маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан топиб ўрганилган. Улар қаторида сўнгги палеолит даврига оид тасвирлар 30 дан ортиқ манзилгоҳларда мавжуд бўлиб, улар орасида қоятош расмлари алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, бундай қоятош расмларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Теракисой каби

худудлардан топилган. Мазкур жойлардаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ҳайвонот олами турларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ҳамда бўрилар, буғу ва жайронлар кабилардир. Расмлар орасида ўқ-ёй, қопқон каби нарсалар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Мавжуд қоятош расмлари мазмунан бой ва манзараси жиҳатдан хилма-хил бўлиб, уларда ўша давр аҳолисининг турмуш тарзи ўз аксини топган. Бундай расмларда одамларнинг ов машғулотлари, йиртқич ҳайвонлар тўқнашувлари манзаралари тасвирланган.

Мамлакатимиз ҳудудида ибтидоий тасвирий санъат намуналарининг энг қадимгиси мезолит-неолит даврларига оид бўлиб, улар жаҳон тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисмидир. Бундай тасвирий санъат тарихи бир қатор алоҳида ўзига хосликларга эга бўлиб, қуйидаги турларга бўлинади. Масалан, ғорлар, қадимги тошлар ва турли қояларда сақланиб қолган ибтидоий тасвирлар ҳамда лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган қадимги ҳайкаллар намуналари ва турли ҳунармандчилик буюмларидаги тасвирлар шулар жумласидандир.

Айниқса мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида кенг тарқалган қоятош тасвирларидаги расмларда қадимги “петроглиф” (қоя тошларга битилган расм) лар тасвири алоҳида кўринишга эга. Бундай қоятош тасвирларининг намуналарида қадимги Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами ифодаланган. Қоя тош расмлари мазмунан бой ва манзараси хилма хил бўлиб, уларда ов манзаралари, турли рақслар, ов ва меҳнат қуроллари тасвирланган. Бундай тасвирларни қадимги одамлар ўз ҳаёти ва турмуш тарзини янада кенгрок ифодалаш учун яратганлар. Шунингдек, бу суратлар қадимги аждодларимизнинг ғоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ҳам акс эттирган.

Ҳаттоки ибтидоий одамлар бундай тасвирий санъат намуналари орқали бир-бирларига ўз фикр-муносабатлари ва истакларини чизиқлар, турли шакллар, содда тасвирлар орқали етказишга интиланлар. Масалан, ов қуролларининг тасвирлаш орқали улар овга бориш зарурлигини ифодаласалар, турли ҳайвонлар тасвирлари орқали, ўша ҳайвонларни овламоқчи эканликларини билдирганлар.

Тасвирий санъатнинг ибтидоий даврга мансуб яна бир намуналаридан бири Кўҳитанг тоғининг юқори қисмида жойлашган «**Зараутсой**» ғори алоҳида ўринга эга. Бу ерда ов манзарасидаги турли расмларни кўриш орқали овчилик илмининг айрим жиҳатларини ҳам ўрганамиз. Жиззах вилоятидаги Такатошдаги тасвирларда фикр, сезги, амалий эҳтиёж каби туйғулар акс эттирилган бўлса, Зарафшон этакларидаги Сармишсой дараси қоятошларида силлиқ юзасига солинган турли расмларни кўриш мумкин. «Сармишсой» тасвирларида ёввойи буқалар, шохдор буғи ва кулонлар, елиб бораётган тоғ такаси, оҳу, тўнғиз, бўри, қоплон, итлар ҳамда бир-бири билан олишаётган ҳайвонлар, шунингдек, овчиларнинг ов манзаралари тасвирланган.

Биз бундай қадимги тасвирий санъат намуналарини кузатиш баробарида қадимги рассомлар фаолиятида ҳам кузатувчанлик, расмлар орқали

бўлаётган воқеаларнинг характерини, мазмунини ёритиб бера олиш қобилиятларини ҳам англаш мумкин. Тасвирлар орқали одамларнинг муштарак туйғулари юзага чиқиб, ҳар бир тасвир ёки шакл ўзига хос фикрни, хатто сеҳр- жодуларни ифодалаган.

Умуман, Ўзбекистон тарихини ўрганишда тасвирий санъат намуналари, яъни моддий маданиятнинг ушбу компонентининг ўрни беқиёс бўлганлигини кўриш мумкин. Демак, қадимги халқлардан қолган ҳар қандай тасвирий ва амалий санъат намуналари улкан моддий ва маънавий манбалар бўлиб, нафақат тарихимизни чуқур ўрганиш, балки ёшларнинг ўтмишга ва тасвирий санъат соҳасига бўлган қизиқишларини янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бугунги замонавий тасвирий санъатнинг ривожланишида анъанавий амалий санъат ёдгорликларини ўрганишнинг ўрни алоҳида аҳамиятлидир.

Биринчи йирик меҳнат тақсимоти-деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши. Мезолит-Неолит давридан бошлаб инсоният ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклига ўта бошлайди. Энеолит ва бронза даврига келиб меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва ерга ишлов бериш усуллариининг мукамаллашуви натижасида ортиқча маҳсулот пайдо бўлади. Бу ҳол биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотини юзага келтирди.

Жанубий ўлкаларда, шунингдек, Ўрта Осиёда турли геометрик шаклдаги майда қуролчалар яъни микролитлар пайдо бўлади. Ундан ташқари, бу даврда инсоният ўз тарихидаги дастлабки мураккаб мослама - **ўқ-ёйни** кашф этганлигидир. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мезолит даврига келиб Олд, Яқин ва Ўрта Осиёнинг баъзи жойларида термачиликдан ёввойи ўсимликларни хонакилаштиришга ҳамда овчиликдан чорвачиликка ўтиш бошланади, бу жараён илғор, унумдор ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва табиий-географик иқлим билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ўлкамиздаги қоятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсойдан топилган бўлиб (Сурхондарё), бу расмлар мезолит, неолит даврларига оиддир. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар қуролларини билиб олишимиз мумкин. Топилган қоятош расмлари ўзига хос санъат асари бўлиб, улар орқали биз ибтидоий ва қадимги одамларнинг санъати, эстетик истеъдоди ўша давр нуқтаи назаридан юқори даражада бўлганлигини билиб олишимиз мумкин. Ўрта Осиё худудларида ёзувнинг кашф этилиши бошқа минтақалар қатори, бу ерда ўз даврида маънавий маданиятнинг хуссан, ёзма маданиятнинг шаклланишига туртки бўлганлиги шубҳасиз.

Неолит. Ўрта Осиё тарихида неолит даврининг (янги тош асри) юқори чегараси мил.авв.VI, қуйи чегараси IV-III минг йилликлар билан белгиланади. Неолит даври қабилалари аксарият ҳолларда дарё соҳиллари ва ирмоқлари ёқасида, кўл бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда балиқчилик ва овчилик, баъзан деҳқончилик ва чорвачилик, айни вақтда қисман ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Неолит даври

турли шароитларда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари мезолит давридагига нисбатан такомиллаша борган.

Хусусан Жойтун маконидан қўлда ишланган сопол идишлар намуналари ҳам топилган бўлиб, улар Ўрта Осиёдаги дастлабки сопол намуналаридир. Жойтун қишлоғи аҳолиси мил. авв. VI-V минг йилликларда яшаб асосан деҳқончилик, чорвачилик, қисман эса овчилик билан шуғулланганлар. Жойтунда Ўрта Осиёдаги дастлабки деҳқончилик маданияти ривожланади ва бу макон ҳозирча минтақадаги дастлабки деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади.

Неолит даври моҳиятига кўра архаик маданиятининг охири ҳисобланиб, бунда ишлаб чиқариш фаолиятининг янги тури деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намоён бўлди. Агар архаик маданиятда жамоа фикри уруғ аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида етакчи фаолият кўрсатган бўлса, энди индивидуал онг ва қизиқиш кучая бошлади. Неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барҳам топди. Бу даврда жамоа мулки ўрнига хусусий мулк вужудга келиб, ҳунармандчилик ажралиб чиқади ва маҳсулот айр бошлаш шаклланди. Энди оқсоқоллар ва қабила йўлбошчилари йиғиндисининг аҳамияти сезиларли ошди, бу қабила йўлдошчиларига сиғинишни шакллантира бошлади. Йўлбошчиларга сиғинишда уларнинг жамоа ҳаётида тутган ўрни, яъни ўз худудини кўриқлашдан ташқари ҳарбий юришга, шунингдек, муҳим жамоа ишларини бажариш учун хонадонларни бирлаштириб, уруғдошларини канал қазиш, муҳофаза тўсиқлар ўрнатишга жалб қилади.

Билимнинг ошириши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди. Сувда сузувчи қайиқлар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. Хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди. Айримлари ҳозиргача сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фольклор намуналари, вужудга келади (мифлар, дostonлар, ҳикоялар, маросим, кўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктография (расм-ёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари.

Калтаминор маданияти га оид маконлар дастлаб Амударё этаклари ва Хоразм худудидан топилган бўлиб, булар орасида Хоразмдаги **Жонбосқалъа** макони диққатга сазовордир. Бу ерни қазиш пайтида чайла ва ярим ертўла шаклидаги макон очилган, бу макон ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Устига қўндаланг ёғочлар ташланиб, усти қамиш билан беркитилган. Чайла ўртасидан катта марказий ўчоқ қолдиғи, атрофида майда ўчоқ қолдиқлари аниқланган. Макондан найза пойконлар, камон ўқларининг учлари ва бошқа тош қуроллар топилган.

Ушбу маконларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, неолит даврига келиб, мезолитнинг сўнгги босқичларида кашф этилган тош болталар анча кенг тарқалади. Парракчалар, найза ва камон ўқларининг учлари, пичоқлар, тешгичлар, пармалар, қирғичлар, ёрма тошлар, ўроқ ва бошқа қуроллар такомиллашади. Энг қадимги даврнинг дастлабки даврида қўлга киритилган барча ютуқлар бу даврга келиб яқунланади. Неолит даври одамлари ўзларининг тинимсиз меҳнати, кузатувчанлик

қобилияти, ибтидоий билимларини сафарбар қилиб, хўжаликнинг илғор, унумдор шаклини - деҳқончилик ва чорвачиликни кашф этдилар. Неолит даврида қадимги аждодларимиз лойдан идишлар ясаб уларни оловда пишириш йўли билан кулолчиликка асос солдилар. Шунингдек, ип йигириш асосида тўқимачиликни кашф этдилар. Одамлар ёғоч ва қамишдан қайиқ ясаб (қайиқсозлик) сувда сузишни ҳам ўзлаштирдилар. Хуллас, неолит даври ютуқларга бой бўлиб, ўзидан илгариги даврларга нисбатан юксак ривожланиш даври бўлди.

Энеолит- тадқиқотлар натижаларига қараганда тош ва бронза даврлари ўртасида мис-тош (энеолит) даври содир бўлган. Бу давр металл қуролларнинг барчаси бронзадан қилинмай, соф мисдан ясалганлиги маълум. Ўрта Осиёда энеолит даври нисбий тарзда мил. авв. IV минг йилликнинг охири-III минг йилликнинг бошларини ўз ичига олади. Бу даврда мис ўзининг кимёвий хоссалари (тез эрувчанлик, эгилувчанлик) туфайли хўжалик ҳаётда устунлик қила олмади. Ишлаб чиқаришда аввалгидек тош қуроллар асосий ўринда бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу давр мис-тош асри деб юритлади.

Иккинчи йирик меҳнат тақсимоти-деҳқончилик ва чорвачиликдан хунармандчиликнинг ажралиб чиқиши. Бу жараён асосан энеолит-бронза даврларида содир бўлган.

Мезолит охирида ва неолит даврида териб-термачлаб, овқат топишдан ёввойи ўсимликларни экиш ва ўтказиш йўли билан маданийлаштириш орқали вужудга келган деҳқончилик энеолит даврида юқори хўжалик турига айланиб борди. Деҳқончилик билан уй чорвачилиги ортиқча маҳсулот етиштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос бўлган. Энеолит даврида Ўрта Осиё ҳудудларида қуйидаги тарихий-маданий жараёнлар содир бўлган:

- *Хўжаликнинг бошқа турларига қараганда сугорма деҳқончиликнинг устунлик қилиши;*
- *Тошдан ишланган қуроллар билан биргаликда мис қуролларидан фойдаланишнинг шаклланиши;*
- *Ўтроқликка ўтиш жараёнларининг жадаллашиши, турмушда жамоа яшаш тарзига ўтилиши, қурилишда гувала ва хом гиштнинг кенг фойдаланилиши;*
- *Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол идишларнинг ишлатилиши.*

Ўзбекистон ҳудудларида қадимги даврга оид олиб борилган изланишлар. Ўлкада олиб борилаган археологик тадқиқотлар асосидаги илмий изланишлар ўзининг салмоғи, кўлами, моҳияти ва методологиясига кўра олдинги даврлардаги ишлардан тубдан фарқ қилар эди. Жумладан, олимлар томонидан қадимги аждодларимизнинг хўжалик ҳаётини ўрганиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудидан неолит даврига доир кўплаб археологик ёдгорликлар, хусусан бир жойда ғуж (компакт) ҳолда алоҳида алоҳида одамлар яшаган манзилгоҳлар топилган.

Агар масалага даврий нуқтаи назардан ёндошсак, XX асрнинг 40-50 йилларида биргина Амударёнинг қуйи ҳавзалари, хусусан қадимги Оқчадарё дельтаси ёнидаги Калтаминор канали яқинидан неолит даврига доир алоҳида хўжалик турмуш тарзида яшаган манзилгоҳлар, Амударёнинг Юқори Ўзбой ирмоғи ва Орол денгизининг шимолий-шарқий бўйларидан яна кўплаб жамоалар маконлари топиб ўрганилганлиги минтақанинг етук билимдонларидан бири С.П Толстов илмий изланишларида ўз аксини топган.

1949-1953 йилларда академик С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм воҳасига махсус “Археологик - этнографик экспедиция” уюштирилган. Амударёнинг қуйи ҳавзалари, Хоразм воҳасининг қадимги Орол бўйи ҳудудларида ўтказилган қазил ишлари натижасида қадимги деҳқончилик маданияти “Ўзбекистоннинг шимолий ғарбий минтақаларида табиий иқлим ҳамда минтақанинг географик хусусиятларидан келиб чиқиб анчагина эртароқ таркиб топган ҳамда овчи-балиқчиларнинг дастлабки жамоалари илк ўтроқлик турмуш тарзига ўта бошлаган” -, деган хулосга келинган. С.П. Толстов фикрича “Юқорида қайд этилган минтақаларда овчилик ва балиқчилик эндиgina илдиз отиб келаётган янги хўжалик – чорвачиликка ўз ўрнини бўшатиб улгурмаган эди. Айнан ана шу кезларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида ибтидоий жамоаларнинг хўжалик ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлаган”.

С.П.Толстовнинг яна муҳим хизматлари шу эдики, унинг раҳбарлигида 1948-1954 йиллар мобайнида Ўзбекистонда археология фани доирасида яратилган илмий адабиётларнинг библиографик кўрсаткичлари тузилади ва қатор илмий мақолалари “Советская археология” журнали саҳифаларида доимий чоп этиб борилган. Ушбу мақолаларда ўзбек халқининг маданий хўжалик излари қадимги даврига бағишланган, биз таҳлилга тортган қатор мақолаларни учратиш мумкин.

Таниқли археолог В.М Массоннинг Жойтун маданияти маданий-хўжалик анъаналари асосида таркиб топган энеолит ва бронза даврининг Анов-Номозгоҳ хўжалик маданиятини тадқиқ этиши Ўрта Осиё халқлари хўжалик ҳаётини қадимги шарқнинг бошқа минтақалари билан солиштириш имкониятини юзага келтирди. Унинг фикрича, Ўрта Осиё марказий минтақалари, айниқса Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида таркиб топган ўтроқ хўжалик излари жанубдан минтақанинг шимолий-шарқий ҳудудлари томон, хусусан шимолий Копетдоғ бўйлаб кенг ёйилади.

Олим асарлари умумий, тавсифий характерга эга бўлсада, унинг “Средняя Азия и Древний Восток” асари ўзбек халқи хўжалик ҳаёти ўрганиш ва унинг динамикасини бойитиш имкониятини вужудга келтирди . В.М Массон концепциясига кўра Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий минтақаларида Қадимги Шарқ цивилизацияси таъсирида хўжаликда ўтроқ деҳқончилик маданиятига асосланган ҳаёт тарзи неолит давридан қарор топа бошлаган (Жойтун маданияти).

XX аср 50-йилларидан кейинги археология ва унда хўжалик ҳаётга оид тадқиқотлар орасида ўзбек халқининг хўжалик ҳаёти йўналишларини академик Я. Ғуломов аниқ кўрсата олди. Олим изланишларига хос бўлган

улкан фактик манба ва статистик материалларнинг жалб этилганлиги бир қатор муҳим назарий хулосалар қилиш имконини берди. Буни XX асрнинг 50 йилларида олим топиб ўрганган ибтидоий деҳқончилик хўжалигининг илк босқичига доир Замонбобо маданияти ёдгорлиги тасдиқлайди.

Академик олимнинг археология фани соҳасидаги улкан ютуқларидан бири шунда эдики, у илк бор Хоразм воҳасидаги қадимги суғориш тизимлари, мавжуд ирригация системалари ва магистрал каналларнинг дастлабки кўринишлари хусусидаги “Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли фундаментал асрида қимматли маълумотларни беради. Я.Ғуломовнинг фикрича, “воҳада илк суғорма деҳқончилик нафақат Амударёнинг қуйи ҳавзаларида, балки даштли, адирли туманларда ва лалми воҳаларда ҳам таркиб топа бошлаган”.

А.В Виноградов изланишлари эса, Хоразмнинг шимолий сарҳадларида мезолит даврларида ибтидоий жамоалар ҳали овчилик билан кун кечирганлигини тасдиқлайди (Калтаминор маданияти). Олимлар мавжуд археологик материаллар асосида минтақа аҳолиси қадимги хўжалик ҳаётини ўрганар эканлар, деҳқончилик, овчилик, балиқчилик билан биргаликда қадимги чорвадор ва ҳунарманд аҳоли манзилгоҳларига ҳам эътиборни қаратадилар. Муаллиф таҳлилига кўра Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой қоя тасвирлари мезолит даврига оид бўлиб, неолит даврида овчи ва балиқчи оилаларнинг Амударё ва Сирдарё оралиғидаги манзилгоҳларга силжиш жараёнлари кузатилади. Бундай хўжалик манзилгоҳлар муаллиф концепциясига асосан “Қадимги Ўрта Осиё иккидарё оралиғининг овчи ва балиқчи манзилгоҳлари” сифатида фанга машхурдир.

Айна ушбу тезис кейинчалик ўзбек халқи тарихининг етук билимдонлари **Я.Ғуломов, А.Асқаров, Ў, Исломов, А. Сағдуллаев** каби маҳаллий олимлар томонидан янада ривожлантирилган ва бойитилган ҳамда ўзбек халқи қадимги аجدодларининг хўжалик фаолияти кенг миқёсда ўрганилган. Аммо ўша кезлардаги мафкуравий ҳукмронлик фанни ҳам шубҳасиз ўша давр талабларига мослаштиришни тақоза қилган.

Хусусан, тарих фани ҳам ўз даври мафкуравий қолипларидан четга чиқа олмаган бир пайтда, академик А.Асқаровнинг илмий тадқиқотлари археология тадқиқотлари талаблар даражасида бажарилгани ва илмий таҳлилларга бой эканлиги билан ажралиб туради. Муаллифнинг “Сапаллитепа” ва “Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана” номли асарларида жануб аҳолиси хўжалик ҳаётида ўтроқлик турмуш тарзи устун бўлган ва деҳқончилик катта аҳамиятга эга бўлган ва “улар Жанубий Ўзбекистон ҳудудининг энг қадимги деҳқонлари эди” - дея тўғри таъкидлаган эди муаллиф. Жануб аҳолисининг қадимги Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси каби минтақалар билан хўжалик алоқалар ўрнатганликлари уларда ўз аксини топди.

Шунингдек, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи қадимги турмуш тарзининг излари Қадимги Сўғдиёна, Бактрия тарихий-маданий минтақалари мисолида қатор тадқиқотчи олимлар ишларида ўз аксини топганлигини ҳам қайд этиш ўринли. Булар қаторида маҳаллий олимларнинг

илмий изланишлари ҳам анчагина салмоқли бўлиб А. Сагдуллаев, Н. А. Аванесовалар собиқ шўро даври тарихшунослиги принциплари ва методологиясидан фарқли ўлароқ ўз концепциялари ва назариялари билан чиқа бошладилар.

Яъни, сўнги бронза ва илк темир даврида яна бир маданий хўжалик маркази, яъни Сўғдиёна вилояти таркиб топади, унинг қадимги деҳқончилик хўжаликлари билан шуғилланган этник қатламининг излари Зарафшон водийсининг Кўктепа, Афросиёб, Хўжабўстон, Қозимонттепа ёдгорликларининг қуйи қатламлари мисолида **А. Сагдуллаев** томонидан ўрганилган.

Ю. Ф. Буряков илк антик даврда Ўрта Осиёда минтақавий ривожланишнинг натижаси сифатида таркиб топган яна бир вилоят Чоч ўлкаси ҳақида маълумотларни милоддан аввалги I-минг йилликнинг 2-ярмига тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Муаллиф ўлкада юз берган урбанизация жараёнлари заминида ерли ўтроқлашаётган аҳолининг бурғулук маданияти ётишини, улар қадимги деҳқончилик хўжалиги билан илк бор шуғуллана бошлаган Чочнинг қадимги аҳолиси бўлиб, унинг тарихий илдизлари Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари деҳқончилик маданиятлари таъсирида секин-аста ўтроқ ҳаётга ўтиб бора бошлаган. “Бу даврнинг илк ёдгорликлари Тошкент воҳасининг Оққўрғон туманидаги Қанқаттепа, Янгийўл шаҳридаги Қовунчитепа, “Катта Тошкент” доирасидаги Шоштепа (Чочтепа) ва бошқалар бўлиб, бу масканларда қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос белгилар милоддан аввалги III-II асрларда таркиб топа бошлаган - дея қайд этади муаллиф.

3. Ўзбекистон тарихида бронза, темир даври ва илк шаҳар маданияти ҳамда давлатчиликнинг вужудга келишидаги омиллар. Ўрта Осиёда бронза даври мил. авв. III минг йилликдан II минг йилликнинг охирларигача бўлган даврни ўз ичига олган бўлиб, у учта катта хронологик даврга, яъни илк, ривожланган ва сўнги бронза даврларига бўлинади. Ўзбекистон худудида бронза даврида асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган жамоаларнинг моддий-маданий ёдгорликлари Хоразмда воҳасида кўплаб ўрганилган бўлиб, улардан энг машҳури Тозабоғёб маданияти номи билан машҳурдир. Бу маданиятга мансуб сопол буюмлар Қозоғистон ва Сибир худудларидан топилган сопол буюмларга анча ўхшаб кетсада, ўзига хос хусусиятлари билан Шарқий Европа чорвадорлари яратган бронза даври маданият намуналари ҳамда Қозоғистон ва Сибирдаги Андроново маданиятидан ҳам фарқланиб туради. Бунга асосий сабаб, тозабоғёбликлар орасида деҳқончилик кенг тарқалганлигидир.

Милоддан аввалги II-минг йилликнинг биринчи ярмида Мурғоб воҳасини қадимги деҳқончилик жамоалари томонидан ўзлаштирилиши ва ушбу маконда **Каунчитепа, Гонуртепа** каби қатор аҳоли пунктларини пайдо бўлади. Бу даврда Жанубий Ўзбекистонда **Сополлитепа** ва **Жарқўтон** каби ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари қад кўтаради. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарёнинг Шеробод туманида жойлашган бўлиб, бу манзилгоҳда ҳам оила жамоалари биргаликда қалъа ва қўрғонларда

яшаганлар. **Тозабогёб** маданияти милоддан аввалги 2-минг йиллик ўрталарида Амударёнинг қуйи оқимида яшаган зороатчи ва чорвадор қабилалар маданиятидир. Милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларидаги Амиробод ёдгорлиги, **Чуст маданияти** қадимги зироатчи оилаларнинг бронза даври охирларидаги манзилгоҳи (милоддан аввалги 2-минг йиллик охири- 1-минг йиллик бошлари) дир.

Бронза даври охирларида асосан шимолдан жанубга чорвадор оилалар ўтроқ деҳқон жамоалари яшайдиган воҳаларга силжиши рўй бера бошлаган. Натижада этник жараёнлар кучайиб, шимол ва жануб оилаларининг дастлабки консолидациялашув жараёни юз беради. Яъни, академик А.Асқаров қайд этганидек, бронза даврига келганда (милоддан аввалги II – минг йиллик охири 1 минг йиллик бошлари) ибтидоий аждодларимиз ҳаётида туб социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг илдизи милоддан аввалги III-минг йилликнинг охири чорагида ҳар икки дунёда, яъни қадимги деҳқончилик ва овчи-балиқчи қабилалар жамоаларида бир вақтда юз беради.

Бронза даврига оид Сополлитепа манзилгоҳидан тўртбурчакли истехком, истехком ичида турар-жойлар ва хўжалик хоналари, хунармандчилик устахоналари учта маданий қатламдан иборат эканлиги аниқланган. Бронза даврининг етук билимдони академик *Аҳмадали Асқаров* тадқиқотларига кўра, Сополлитепада қурилиш, шаҳарсозлик белгилари, хунармандчилик ва иқтисодий муносабатлар анча ривож топганлигини тасдиқламоқда. Олим бошчилигидаги бир гуруҳ археологлар манзилгоҳларда асосий қурилиш ашёси пахса ва хом ғиштдан иборат эканлигини аниқлайдилар. Сополлитепадаги турар-жойлар харобаларидан олим томонидан бронза даври қабрлари очиб ўрганилган. Кўпчилик қабрлар якка қабрлар бўлиб, жамоа қабрлари ҳам учрайди. Аёллар қабрларидан асосан сопол буюмлар, ойна ва безаклар топилган бўлса, эркаклар қабрларидан асосан сопол, меҳнат ва жанговар қуроллар топилган.

Манбаларга кўра Мил.авв.XVIII-X минг йилликка оид Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларида шарқ типидagi илк цивилизациянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни кузатилади. Сополлитепа лабиринтнома (қаср) тўғри бурчакли кўча тармоғи ва истехком тизими бўлган манзилгоҳлар мажмуидан ташкил топган. Жарқўтонда ҳам монументал меъморчилик хом ғиштдан қурилган. Марказда қалъа жойлашган, улар хом ғиштдан баланд кўтариб қурилган. Ҳар бир гузарда бинонинг ўртасида юмалоқ ўчоқ шаклида девор токчасида олов меҳробдан иборат сиғинадиган маркази бўлган. Иккала манзилгоҳда жез эритиш, тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик; суяк, тош, ёғоч ишлов бериш гуллаб-яшнаган. Турли кулолчилик буюмларини кулолчилик дастгоҳида тайёрланганлиги, шаклининг чиройлилиги бу соҳасининг технологияси юқориликдан далолат беради.

Бронза даврида шаклланган «кўчманчи чорвадорлар» маданияти Замонбобо манзилгоҳида ўрганилган. Замонбобо аҳолиси катта ярим ертўлаларда яшаб, бронза ва тош қуроллар ишлатишган. Кулолчилик

дастгоҳисиз қўлда ишланган таги юмалок, ясси сопол идишлардан фойдаланилган. Жез даврида маданият ёдгорликлари Амударё ва Зарафшоннинг қўйи оқимидан, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Самарқанд вилоятидан топилган. Улар чорвадор қабилалар маданиятининг вужудга келиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Чорвадор қабилалар жез даврида ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлади, қисман деҳқончилик билан шуғулланади, кейинчалик кўчманчи чорвадорларга айланишган.

Шу ўринда Жарқўтон ёдгорлиги хусусида батафсилроқ тўхталамиз. Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб узлуксиз олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Шаҳарсозлик маданияти мутахассисларидан бири **Б. Эшов** таъкидлаганидек, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилган. Ундан ташқари Жарқўтон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиш ўрганиш имкониятини берди.

Умуман, илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

- *аҳолининг ўтроқ деҳқончиликка ўтиши ва кенг воҳалар бўйлаб ёйилиши;*
- *ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва айрим соҳаларга ихтисослашиши;*
- *қадимги савдо йўлларининг ривожланиши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотиқнинг тараққий этиши;*
- *табiiй-географик шарт-шароитлар.*

Минтақада шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг бир минтақадан иккинчи минтақага силжишига сабаб бўлган. Хусусан Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё ҳудудида шаклланган маданият кейинчалик шимолга Сўғд, Хоразм, Шош ва Фарғона ҳудудларига тарқалади. Уларга Афросиёб, Қизилтепа, Узунқир, Ерқўрғон манзилгоҳларини мисол қилиш мумкин. Умуман шаҳарлар тарихини ўрганиш жараёнида даставвал, энг қадимги шаҳарлар шаклланиши ва ривожланиши, аниқ ҳудудлар ва вилоятлардаги тарихий-маданий шарт-шароитнинг таъсири, экологик-географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик муҳитларнинг даражаси ва таъсир доираси, шаҳарларнинг вазифаси, қадимги шаҳар марказларининг тарихий-маданий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти масалаларига кенг эътибор қаратиш лозим.

Бронза даврининг охири, илк темир даврида кулолчилик чархи, нақш билан безатилган сопол буюмлар кенг тарқалади. Темирчилик босқони, қўл тегирмони вужудга келади, металлга ишлов бериш ривожланади. Оилада ип йигириш ва матолар тўқиш, кийим тикиш тобора кенгайиб борди,

оилаларнинг турар-жойлари қурилиши бир мунча яхшиланади, 10-20 тадан хонаси бўлган катта майдонли уйлар қурилиши билан бирга, ғиштдан, синчдан алоҳида кичик оилаларга мўлжалланган уйлар қуриш кенг тарқалади.

Демак, Марказий Осиё халқларининг қадимги шаҳар маданияти тарихи бир неча минг йилликларни ўз ичига олади. Эрамиздан аввалги даврлардаёқ бу ҳудудларда энг қадимги аждоларимиз хусусан сак, массагет, сўғдийзабон халқлар, бақтрийлар, хоразмликлар истиқомат қилганлар. Уларнинг ўз маданияти, санъати, турмуш тарзи, ўзига хос маънавияти бўлган. Шаҳарларда улар ўзларининг дунёқараши, урф- одатлари асосида ҳаёт кечирганлар. Шаҳар ва шаҳар атрофларида дарёлардан суғориш ишларида фойдаланиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш, маҳсулот айрибошлаш ва бошқалар такомиллашган. Булар албатта, ўша давр шаҳар маданиятига, маънавиятига таъсир этмай қолмаган.

Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо тараққий этиши шаҳарларнинг пайдо бўлишига туртки бўлган. Натижада шаҳарсозлик маданияти шаклланган, сўнгра давр талабидан келиб чиқиб улар ўзгариб борган. Марказий Осиё минтақаси ўша даврларда ҳам иқтисодий, географик ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам юксак маънавият ривожини учун қулай ҳудуд бўлганлиги қадимги манбалардан маълум.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. II минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг жанубида Қадимги Бақтрия ва Марғиёна ҳамда унга қўшни бўлган ҳудудларда Бақтрия - Марғиёна археологик мажмуига кирувчи юқори даражада ривожланган маданий ёдгорликлар мавжуд бўлган. **Гонур, Дашли, Сополлитепа, Жарқўтон** шаҳар маданияти қолдиқлари шулар жумласидандир.

Уларнинг кўпчилиги дастлабки шаҳар марказлари бўлиб, уларда арки аъло, шаҳристон, диний марказлар ҳамда шаҳар олди ҳудудлари мавжуд эди. Яъни, улар ўша давр нуқтаи назаридан етарли даражада ривожланган шаҳарлар эди. Кўпчилик тадқиқотлардан бизга маълумки, илк шаҳарлар давлатчилик пайдо бўлишининг муҳим ва асосий белгиси ҳисобланади.

Албатта, илк темир даврининг муҳим хусусиятлари ҳам минтақамиз учун ўзига хосдир. Жумладан, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза даврида, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси ҳудудларида эса илк темир даврида шакллана бошлади. Тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича, аслида илк давлатчиликнинг вужудга келишига сунъий суғоришга асосан деҳқончилик ҳамда аҳолининг доимий ўтроқликка ўта бошлашидир. Бундай жараён қадимги Ўзбекистон ҳудудларида Зарафшон, Амударё, Мурғоб воҳаси, Бухоро ҳамда Қашқадарё воҳаларида таркиб топди.

Дастлабки темирга ишлов бериш, ҳунармандчилик, савдонинг ривожланиши, дастлабки пул муомаласининг тобора кенгайиши каби омиллар ҳам давлатчилик шаклланишининг асосий омилларидандир. Бундай жараён айниқса Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари. Яъни **Сополли,**

Жарқўтон, Қизилтепа, Анов, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратепа, Чуст, Далварзин ва бошқа ҳудудларда таркиб топа бошлайди. Ваҳоланки металлга ишлов бериш ва меҳнат қуролларининг металдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига ҳамда меҳнат тақсимотининг кенгайишига имкониятлар яратади. Бу шубҳасиз, мулк тақсимоти, улкан ҳудудларни қўлга киритиш ва ўз чегараларини белгилаш, ўзаро курашлар учун ҳам шароит яратади. Шунингдек хунармандчиликнинг ихтисослашуви, алоҳида хўжалик тармоғи сифатида ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун муҳим бўлган кўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлади. Натижада кичик-кичик конфедерациялар йирикроқ давлат уюшмаларига биралаша бошлайдилар.

Шу тариқа мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг деҳқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб аҳолинининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар - ўтроқ деҳқончиликнинг ривожланиши, аҳоли зичлигининг юқори даражаси, хунармандчиликнинг тараққий этиши, ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимининг мураккаблашишига олиб келди ҳамда илк давлатчиликнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бундай дастлабки давлат бирлашмалари, бу шубҳасиз Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Парфия, Марғиёна каби давлат бирлашмалари бўлган.

4. Авесто қадимги аجدодларимиз маънавий ҳаётини ўрганишда муҳим манба. “Авесто”- Туронзамин ҳудудларида шаклланган қадимий дин-зардуштийликнинг муқаддас китобидир. Унда ўзбек, тожик, туркман, озарбайжон, форс, афғон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий ахлоқий тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий-ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топган.

“Авесто”да зардуштийларнинг муқаддас олови-“азар-хурра” биринчи марта ёқилган мамлакат, ҳамда Ахурамазда Зардуштга номоён бўлган мамлакат сифатида “Арёнам вайжо” эслатиладики “Авесто”да келтирилган географик-иқлимий шароитлар кўпроқ Хоразмга мос келади. Шунингдек, “Авесто”да Ахурамазда томонидан яратилган мамлакатлар санаб ўтилган. Биринчи ўринда “Арянам-вайжо” (Хоразм) туриб, “гўзалликда у билан дунёда ҳеч нарса тенглаша олмайди” дейилади. Кейин “одамларга ва чорвага бой Гава (Сўғд)”, “Қудратли ва муқаддас Моуру (Марғиёна)”, “Байроқлари баланд кўтарилган мамлакат Бахди (Бақтрия)” таърифланади. Юқоридаги маълумотларга асосланиб “Авесто” Ватани Ўрта Осиё эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин.

“Авесто”ни француз олими Анкетил Дю Перон биринчи бўлиб тадқиқ этган. 1771 йилда у “Авесто”ни француз тилига таржима қилади. Дастлабки “Авесто” 21 та китобдан иборат бўлган. Бизгача “Авесто”нинг Ясна – “қурбонлик келтириш”, Виспрат –“ҳамма ҳукмронлар”, Яшт –“қадрлаш”, Видевдат –“девларга қарши қонун” қисмлари сақланиб қолган. “Авесто”да аҳмонийларгача бўлган географик, худудий номлар, атамалар, ижтимоий-

иктисодий маълумотлар, сиёсий тарих, диний фалсафа ва турли маълумотлар сақланган.

“Авесто”да тилга олинган кўплаб мамлакатлар - Марказий Осиё (Хоразм, Зарафшон воҳаси) ва Ўрта Шарқ, Афғонистон, Эроннинг шимолий-шарқий ҳудудлари билан боғлиқдир. Яшт қисмлари орийларнинг ерлари ҳақида қуйидагича эълон қилади: “У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан кўп ҳарбий юришлар қилади, Унинг кенг яйловларга эга, сувга сероб тоғларида чорва тинч ўтлов ва емиш билан таъминланган, бу ердаги серсув чуқур кўллар тўлқинланиб туради, кема қатнайдиган кенг дарёларнинг оқими Поурутадаги Эскта, Харавайдаги Моуру, Сўёдаги Гава ва Хваризам томонига тошиб интилади”.

“Авесто” маълумотларига кўра, Каёнийлар сулоласининг сўнгги вакилларидан бири Кави Виштасп пайғамбар Заратуштрага ҳомийлик қилади. Заратуштра яшаб фаолият кўрсатган давр ҳақида аниқ фикр йўқ. Тадқиқотчилар бу даврни мил.авв. II минг йиллик ўрталаридан милодий I минг йиллик ўрталаригача деб белгилайдилар.

“Авесто” дастлаб 21 китобдан иборат бўлган. Бизгача унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган. Бу қадимги қисмлар Ясна, Виспарат, Яшт ва Видевдат деб номланади. Замонамизгача етиб келган Авесто қисмлари милоднинг III-VII асрларида таҳрир қилинган. “Авесто” боблари “пахлавий”-ўрта форс алифбоси асосида 48 та белгили ёзувдан иборатдир.

Зардуштийлик дини Аҳмонийлар салтанатининг (мил.авв. VI-IV аср) давлат динига айлантирилган. Зардуштийликнинг ғоялари матнлари милоддан аввалги IV асрда тўпланиб, 21 китоб қилинади. Абу Райҳон Бериунининг ёзишича “Подшо Доро ибн Доро ҳазинасида 12 минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусха бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон этиб, уларда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтида уни куйдириб юборди. Шунинг учун ҳам Авестонинг 3|5 қисми йўқолиб кетди”.

Сосонийлар (224-651) даврига келиб “Авесто” тили “ўлик”, тушунарсиз бўлиб қолган, аммо тўпламда эски сўзлар ва тушунчаларнинг ҳаммаси сақланган. “Авесто” тили эроний тилларнинг энг қадимги шеваларидан бири бўлган ва, олимлар фикрига кўра, қадимги форс тилига нисбатананча олдинги босқичда, милоддан аввалги II минг йилликнинг охири-I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган.

Авестога кўра жамиятнинг бошқарув тартиби ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Манбада келтирилишича, орийлар ўлкаси қуйидаги тўртта маъмурий ҳудудий бирликка бўлинади: 1-патриархал оилага тегишли бўлган турар-жойлар (нмана); 2-қишлоқлар (вис); 3- туманлар (занту); 4-вилоят - ўлка (дахю). Ушбу бирликларнинг ҳар бири ўз йўлбошчисига эга бўлган: 1-нманопати (уй бошлиғи); 2-виспати (қишлоқ бошлиғи); 3-зантупати (туман оқсоқоли); 4-дахюпати (вилоят-ўлка йўлбошчиси).

Энг йирик уюшма «дахюсасти» (вилоятлар устидан ҳукмронлик ёки вилоятлар уюшмаси) эди. Бундай уюшманинг ҳукмдори «бутун дахюлар дахюпатиси» деб аталган. Қиёсий таҳлиллар асосида аҳмонийлар давридаги «шоҳлар шоҳи» унвони Авестодаги унвонга бориб тақалашини тахмин

қилиш мумкин. Авестода шунингдек, «кави», «састар» ва «хатра» каби бошқарув билан боғлиқ бўлган унвонлар ҳам учрайди. «Кави» (форсчада «кай») унвони Авестода кўп учрайди. Бу унвон нафақат катта ўлкалар подшолари, балки кичик мулклар ҳукмдорларига ҳам берилган. Қалъалар, туманлар ва вилоятлар ҳукмдорлари «састар» унвони билан аталган. «Ҳокимият», «қудрат» маъноларини берувчи «хшатра» унвони тумандан тортиб ўлкалар ҳукмдорларигача берилган.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар

Ибтидоий жамият, ибтидоий манзилгоҳлар, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, “homo Sapiens”, кроманьон, уруғчилик жамоаси, матриархат, патриархат, чопперлар, петроглифлар, ўқ-ёй, диний тассавурлар, мис-тош даври, бронза даври, темир даври.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ибтидоий давр ва унинг ўзига хос хусусиятлари .
2. Ибтидоий жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва мулкчилик шакллари.
3. Палеолит даври ва унинг ривожи.
4. Ўрта Осиёда мезолит даври ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар.
5. Бронза даврининг ўзига хос хусусиятлари.
6. Ибтидоий санъатнинг шаклланиши, ривожланиши ва инсон ҳаётида тутган ўрни.

Назорат саволлари:

1. Ўрта Осиёда инсониятнинг дастлабки аجدодлари қаерларда яшаган ва уларнинг турмуш тарзи қандай бўлган?
2. Ибтидоий жамиятни даврлаштириш деганда нимани тушунасиз?
3. Ақл-идрокли (homo Sapiens) одамлар қандай хусусиятларга эга бўлганлар?
4. Меҳнат қуролларининг тақомиллашувининг жамият тараққиётига таъсири қандай бўлган?
5. Уруғчилик жамоаси она уруғи (матриархат) ва ота уруғи (патриархат) жамоасининг шаклланиши ва унинг тарққиётида қандай фарқлар мавжуд?
6. Мезолит (ўрта тош) даврининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
7. Диний тассавурларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг шакллари ҳақида гапиринг.
8. Бронза даврида Ўрта осийё худудларида қандай ўзгаришлар содир бўлган?

Адабиётлар рўйхати

1. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962.
3. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии. Средняя Азия в эпохи камня и бронзы. М., 1966.
4. Асқаров А. Энг қадимий шаҳар. Т.: «Маънавият», 2001 й.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015.
6. Асқаров А. Сапаллитепа. Т.: “Фан”. 1973.
7. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: 1994 г.
8. Кабиров А, Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.
9. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: «Университет», 1996.
10. Эшов Б. Ж. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. «Зар қалам»Т., 2004.
11. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
12. Муртазаева Р.Х ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Маърузалар матни).Т., 2000.

3-мавзу. Ўзбек халқи давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки таракқиёт босқичлари

Режа:

- 1. Ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг шаклланишидаги асосий омиллар ва бошқарув.**
- 2. Қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғд (Сўғдиёна) ва қадимги Фарғона давлатларидаги ижтимоий-иқтисоди ва маданий ҳаёт.**
- 3. Эрон Ахамонийлари ва Юнон Македон қўшинларининг Ўрта Осиёга ҳужуми ва уларга қарши миллий озодлик курашлари**
- 4. Ўрта Осиёда антик давр ва илк ер эгаллиги давлатлари.**
- 5. Қадимги савдо йўллари ва Буюк ипак йўлининг шаклланиши ҳамда ривожланиши.**
- 6. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи хусусида**

1. Ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг шаклланишидаги асосий омиллар ва бошқарув. Юқорида қайд қилганимиздек, жаҳон тарихида илк давлатчиликнинг шаклланиши масаласи ҳозирги кунда тадқиқотчилар орасида энг долзарб бўлиб турган масалалардан бири ҳисобланади. Масалани ўрганиб, унга аниқлик киритишдан олдин талабаларни давлатчиликнинг илдизлари ва пайдо бўлиш шарт-шароитларига диққат-эътиборларини қаратмоқ лозим.

Сўнгги бронза даврига келиб кулолчилик чархининг ишлатила бошлаши натижасида Ўрта Осиёда Сополли, Олтинтепа, Гонур, Жарқўтон каби манзилгоҳларда кулолчилик маҳаллалари пайдо бўлади. Шунингдек, хунармандчиликнинг тошга, металлга, ёғочга, суюкка ишлов бериш турлари ҳам кенг тарқалади. Хунармандчиликнинг ихтисослашуви, алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий таракқиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун муҳим бўлган қўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлади. Аҳолининг ўтроқлашиш жараёнларининг тезлашуви, ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши, меҳнат тақсимотининг янгича кўриниши, хунармандчиликнинг ўсиши, ўтроқ аҳоли манзилгоҳлари атрофларининг тош ва пахса деворлар билан ўраб олиниши кабилар ҳам давлатчилик шаклланишидаги илк омиллардан биридир.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида аجدодларимиз темирни ишлатишни, ундан қурол-яроғлар таёрлашни ўзлаштирганлар. Шу тарзда меҳнат қуролларининг такомиллашиши ҳам минтақада давлатчиликнинг шаклланишига туртки бўлган муҳим омиллардан эди. Бу эса ўз навбатида инсон фаолиятининг муҳим маҳсули бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг барча соҳаларида иқтисодий, маданий, ижтимоий соҳалар ривожига туртки бўлган.

Умуман бу даврда аҳоли ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаларига деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликка ихтисослашиб борди. Бу

жараён ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши учун замин яратди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ўз навбатида маҳсулот ҳажмининг ўсишига, қўшимча маҳсулот пайдо бўлишига сабаб бўлган. Демак, қадимги хўжаликларнинг ихтисослашуви, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, металлнинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши, ҳунармандчиликда турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро айирбошлаш ва савдо-сотик тараққий этиши натижасида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатилади. Бу юксалиш илк давлатчиликнинг асосий пойдевори ҳисобланган.

Кўпчилик тадқиқотлардан бизга маълумки, илк шаҳарлар давлатчилик пайдо бўлишининг муҳим ва асосий белгиси ҳисобланади. Ушбу маълумотлар мил.авв. II минг йиллик охири I минг йиллик бошлари Қадимги Бақтрия ҳудудларида давлатчилик кўринишлари пайдо бўла бошлаганидан далолат беради. Ктесий берган маълумотларга кўра, мил.авв. II минг йилликнинг дастлабки асрларида Бақтрия қудратли подшолик бўлиб, минтақада ҳукмронлик мавқеини қўлга киритиш мақсадида Мидия ва Оссурия ўртасидаги урушларда иштирок этган.

Давлатчилик пайдо бўлишининг муҳим белгиларидан яна бири жамиятнинг ижтимоий табақаларга бўлиниши ҳисобланади. Кўпчилик манбалардан бизга маълумки, Авесто жамияти қуйидаги тўртта табақага бўлинган: 1) қоҳинлар, 2) ҳарбийлар, 3) деҳқон-чорвадорлар, 4) ҳунармандлар. Жамиятнинг бундай табақалашуви қадимги, яъни, зардуштийликкача бўлган аъаналарни ҳам акс эттиради. Бу аъаналар айрим ўзгаришлар билан кўп асрлар, Авестодан кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган.

Дастлабки икки табақа анча имтиёзларга эга бўлиб, жамиятни бошқарганлар. Айниқса, қоҳинлар жуда юқори мавқеда турганлар. Заратуштра ўз ғояларини тарғиб этиш жараёнида подшо Виштаспнинг энг яқин одами ва маслаҳатчисига айланади. Ўша даврдаги жамиятнинг ҳар бир бўлаги - уй, кишлок, воҳа ва вилоят - ўлка маълум унвони бўлган ўз диний йўлбошчисига эга бўлган. Манбаларга кўра, давлатнинг бош қоҳини «заратуштротем» унвонига эга бўлган. Ундан ташқари «заутара» (диний кўшиқлар ижрочиси), «атурпат» (олов бош қоҳини), «хирпат» (ибодатхона ва диний тадбирлар бошлиғи) каби диний унвонлар ҳам мавжуд бўлган. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчилари ва моддий яратувчилари деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар эдилар. Авестода қуллар ҳам бир неча бор эслатиб ўтилади. Улар табақаларга кирмаган ва жамият ҳаётида унчалик катта рол ўйнамаганлар.

Мил. ав. бир мингинчи йилларнинг бошларида аждодларимиз темирдан меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар, безакли буюмлар ясашни ўзлаштирадилар ва темирдан фойдаланиш кенг тарқалади. Одамлар ҳаётида темир даври бошланади. Темирдан ясалган омоч, кетмон, белкурак ва бошқа меҳнат қуроллари оила юмушини енгиллаштирган, улар билан анча кенг майдонларни ҳайдаш, тўғонлар қуриш, канал ва ариқлар қазиб сув чиқариш имкони пайдо бўлган. Бу деҳқончиликнинг юксалишига олиб келган.

Темирнинг кашф этилиши хунармандчиликни янада юқори поғонага кўтарди. Темирдан қаттиқ ва ўткир пичоқлар, ўроқлар ясалиши меҳнат умумдорлигини оширишга ёрдам берган.

2. Қадимги Хоразм, Бактрия, Сўғд (Сўғдиёна) ва қадимги Фарғона давлатларидаги ижтимоий-иқтисоди ва маданий ҳаёт. Инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти натижасида мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг нисбатан ривожланган ҳудудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлайди. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб, Бактрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ҳудудларида ана шундай сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Ўша даврда Марғиёна ва Сўғдиёна қадимги Бактрия ва Хоразмда давлатчилик шакллана бошлаганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қадимги Хоразм давлати Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатлардан бири бўлиб, бу давлат бирлашмаси мил. авв. VII-VI асрларда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Орол ҳавзаларида вужудга келган. Бактрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтганлиги аниқланди. Хоразмнинг йирик суғориш иншоотлари мил. авв. VII-VI асрларга оиддир. Манбаларда қайд этилишича VII-VI асрларда Хоразмда улкан суғориш иншоотлари мавжуд эканлиги маълум.

Қадимги Хоразмда балиқчилик, кейинроқ деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ривожланган. Иқлим шароитидан келиб чиқиб, дастлаб табиий тошқинлар ва ёмғир сувларидан фойдаланилган бўлса, кейинроқ деҳқончиликда сунъий суғоришга ўтила бошланган. Натижада ишчи кучидан фойдаланиш шакллари ҳам ўзгара борган. Содир бўлган бундай ўзгаришларни Марказий Осиёнинг турли жойлардан топилган археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди.

Ҳатто юнон тарихчиси Страбон (мил. авв. 63-милодий 24 й.) хоразмийларнинг аждодлари массагетларга бориб тақалишини уқдиради. Дарҳақиқат, массагет қабилалари тотемларида от культи марказий ўринда турган. Шунинг учун ҳам Хоразм тангаларида от култани илохийлаштириш бежис эмас эди. Археологик материалларга кўра, Хоразм тарихининг массагетларгача бўлган даврида бу заминда сувёрган ва тозабоғёб маданиятлари симбиозида таркиб топган қовунди қабилалари яшар эдилар. Улар милоддан аввалги II-минг йилликнинг охири чорагида қадимги Хоразмнинг массагет номи остида юритилган кўчманчи қабилаларининг асосини ташкил этган.

Академик А. Асқаровнинг фикрича, уларнинг бир қисми Амударёнинг куйи тармоқлари ҳавзаларидаги деҳқончиликка қулай пасткам, сернам текисликларда зироатчилик билан шуғуллана бошлаган бўлса (Амирабод маданияти), бошқа қисми тўқайзор жилғалар ва даштларда чорвачилик билан шуғулланишда давом этадилар (Куйи сой маданияти). Маҳаллий аҳолининг деҳқончилик хўжалиги бронза даврининг номозгоҳ ва сополли маданиятлари соҳибларининг деҳқончилик хўжалигидан тубдан фарқ қиларди. Қадимги Хоразмнинг амирабод маданиятида ибтидоий деҳқончилик эндигина шакллана бошлаган, унинг аҳолиси эса ярим ертўла

типидаги кулбаларда яшар, қадимги шаҳар маданиятига хос ҳаётдан хали жуда узоқ эди. Номозгоҳ ва сополли маданиятлари аҳолиси аллақачон қадимги Шарқ цивилизацияси-нинг илк давлатчилик босқичини ўтамоқда эди.

Милоддан аввалги VI асрнинг иккинчи ярмига келганда Амударёнинг куйи ҳавзаларида сиёсий-иқтисодий ва этномаданий вазият ўзгарди. Ярим ертўла шаклидаги кулбаларда яшаб, мотиға деҳқончилиги ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиб келаётган Хоразмда атрофи осмон ўпар мудофаа деворлари билан ўралган Кўзали-қир ва Қалъали-қир каби қалъа-шаҳарлар қад кўтарди. Хоразм ҳақидаги маълумотлар Авестонинг Митра Яштида, Яштнинг Шарқий Эрон вилоятлари ҳақида яратилган мисраларда келтирилади.

Қадимда Марказий Осиё ҳудуди, хусусан Қадимги Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Чоч, Қанғ давлат биланшмалари хусусида жумладан, академик **С.П.Толстов**, маҳаллий олимлардан академик **Я.Ғуломов**, академик **А. Сағдуллаев**, **Э. Ртвеладзе**, **К.Шониёзов**, **А. Буряковлар** томонидан олиб борилган илмий изланишлар таҳсинга лойиқдир. Улар турли даврларга мансуб бўлган қадимий шаҳарлар, кўрғонлар, мақбаралар, суғориш иншоотлари, турли хил истехкомларни очиб ўрганганлар. Шу сабабли, бизнинг давримизга келиб бу ҳудудларда кўплаб илмий текширишлар олиб борилганлиги масаланинг илмий тадқиқ қилинишида муҳим омил бўлмоқда.

Қадимги даврлардаёқ Хоразм воҳасининг қирларида Кўзали қир, Қалъали қир, Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа каби маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган қалъа-шаҳарлар, канал ва ариқлар асосида ривож топган суғорма деҳқончилик маданияти шаклланди.

Ўрта Осиёнинг қадимги давлатлари нафақат минтақа давлатлари билан, балки Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия каби давлатлар билан ҳам жадал савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйганлар. Бундай алоқалар шубҳасиз чет эллик савдогарлар, катта ер эгалари, ҳукмдорлар, тадқиқотчилар, ҳатто тарихчиларни ҳам ўлкага қизиқшини орттирган. Хусусан, қадимги грек ва римликлар Ўрта Осиёнинг табиий-географик ўрни, аҳолисининг турмуш тарзи хусусида маълумотлар бериб ўтганлар, бу эса минтақалар ўртасида ўз даврида савдо-иқтисодий алоқалар ривожланганлигидан далолатдир. Жумладан, ана шундай қадимги маълумотлар ҳозирги икки дарё ўртасида умргузаронлик қилиб келаётган халқларнинг ота-боболари, қадимги сакларга ва улар юртига тегишлидир. Унда шундай дейилади:

"Апасиаклар Окс ва Яксартнинг оралиғида яшайдилар. Дарёларнинг биринчиси Гиркан денгизига, иккинчиси Меотида кўлига қуйилади. Иккаласи кемалар қатнайдиған даражада салмоқлидир. Кўчманчиларнинг отдан тушмай улардан Гирканиёга ўтиб юришлари жуда қизиқ. Бу ҳақда икки хил гапиришади. Биринчиси жуда оддий, иккинчиси эса ғаройи бу, бироқ имконсиз деб бўлмайди. Окс сувларини Кавказ тоғларидан олиб, уларнинг қўшулуви ҳисобига Бақтрияда улкан дарёга айланади-да, кенг текисликдан узоқ оқади. Кейин сахрога етиб борганида катта ва тик қояларга

дуч келади. Пастга ташланаркан, оқимнинг тезлигидан суви қоялардан бир стадиядан ортиқроқ нарига бориб тушади. Апасиаклар ана шу шаршаранинг тагидан куп-куруқ жойдан Гирканияга ўтаверадилар. Қуйидаги маълумот эса янада қизиқарлидир. Дарё оқиб ўтадиган ерларда кенг майдон ва текисликлар кўп. Тоғу қояларга дуч келган дарё ана шу майдон-ларга шиддат-ла тушиб, уларни тешиб киради-да, бир оз масофага ер остидан оқиб, яна юзага чиқади.

Минтақанинг табиий-географик ўрни, иқлим хусусиятлари хўжаликнинг қадимдан сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик, ер эгалиги, дашт ва чўл табиий шароитига мос кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик каби турлари муттасил ривожланганлигидан далолатдир. Бу ҳолат Хоразм давлатининг ишлаб чиқариш даражасининг юксалишига, унинг қудрати ўсишига туртки бўлган. Ўз ўрнида бундай хусусият доимо мамлакат бюджетини шакллантирувчи, унинг ҳарбий ва маданий тараққиёти учун асос бўлувчи солиқ тизимини шакллантиришни тақозо этган. Масалан ўлкада сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланганлиги учун қадимдан улкан миқдордаги ишчи кучларига эҳтиёж сезилган. Хусусан, милоддан аввалги VII – VI асрлардаёқ Хоразмда улкан суғориш тизимлари мавжуд бўлганлиги, уларни барпо этишда эса минглаб чоракорлар хизмат қилганлиги тарихдан аён.

Қадимги Бактрия мил.авв VII-VI асрларда шарқдаги энг муҳим ҳарбий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳолининг, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, ҳунармандчиликнинг равнақи қабилар билан шўҳрат топган. Қадимги Бактрияга ҳозирги Жанубий Ўзбекистон (Сурхондарё), Жанубий-Ғарбий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерлари кирган. Илк ўрта асрлар даврига келиб қадимги Бактрия ерларида кўчманчи туркий қabila-тохарлар кенг ёйилиши муносабати билан Тоҳаристон деб юритилган.

Минтақанинг табиий-географик ўрни, иқлим хусусиятлари хўжаликнинг қадимдан сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик, ер эгалиги, дашт ва чўл табиий шароитига мос кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик каби турлари муттасил ривожланганлигидан далолатдир. Бу ҳолат давлатларнинг ишлаб чиқариш даражасини юксалишига, уларнинг қудратининг ўсишига туртки бўлган. Масалан ўлкада сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланганлиги қадимдан улкан миқдордаги ишчи кучларига эҳтиёж сезилган. Хусусан, милоддан аввалги VII – VI асрлардаёқ Хоразмда улкан суғориш тизимлари мавжуд бўлганлиги, уларни барпо этишда эса минглаб чоракорлар хизмат қилганлиги тарихдан аён. Сунъий суғоришга бунчалик катта аҳамият берилганлиги мазкур давлатларда аждодларимиз ҳаётида деҳқончилик нақадар катта ўринга эга эканлигидан гувоҳлик беради.

Ушбу давлат хусусидаги маълумотлар шунингдек, қадимги юнон муаррихлари асрларида ҳам учрайди. Жумладан, Қадимги Бактрия подшолиги юнон тарихчиларининг фикрига кўра, дунёнинг шарқий чегараларидаги охириги давлат бўлган. Унга чегарадош қадимги Бактрия эса

олтин ва лаъли ложувард тош конларига бой ўлка бўлганлиги таъкидланади. Масалан юнон муаллифларидан бири Ктесий Оссурия подшоси Нин ва Бактрия подшоси Оксирд (бошқа манбаъларда Заратушра) урушлари ҳақида, Кир II нинг бактрияликлар билан тўқнашуви тўғрисида ҳикоя қилади. Бактриянинг жуда кўп истехкомлари ва қалъалари тўғрисида, унинг баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган пойтахти Бактра номли шаҳар бўлгани, унда подшо қасри жойлашгани тўғрисида маълумотлар келтиради.

Олимларнинг изланишларига кўра қадимги Бактрия ҳудудида милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмига оид икки юздан ортиқ қишлоқ-кўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган. Аҳолиси суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Уй-қурилиши, диний ва дунёвий монументал бинолар қурилиши, кўп тармоқли хунармандчилик ва савдосотик, айниқса унинг кулолчилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва кўнчилик сохалари Бактрияда юксак даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (Сополли, Жаркўтон ва б.) кейинги даврларда янада жадаллик билан ривожланади. Натижада Мил. авв. IX-VIII асрларда Бактрия ҳудудида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади.

Мил. авв. VIII-VII асрларга келиб Қадимги Бактрия давлати Шарқдаги кучли давлатлардан бирига айланади. Ушбу жараённи археологик ва ёзма манбалар маълумотлари ҳам тўла тасдиқлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бу давр Бактрия таркибига Марғиёна ва Сўғдиёна ҳам (Тарихий-маданий бирлик сифатида) кирган бўлиши мумкин. Бактриянинг табиий бойилклари қадим даврлардаёқ Шарқ давлатларида машҳур эди. Буюк Ипак йўлидан анча илгариёқ қадимги йўлларнинг Бактрия орқали ўтганлиги бежиз эмас.

Ушбу давлатнинг пойтахтидан топилган кўп сонли турли-туман топилмалар бу ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, шунингдек, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида ҳамда Яқин Шарқ ва Олд Осиё билан ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар гуркираб ривожланганлигидан далолат беради.

Агар Авестода Бактрияни “энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка” деб таърифланса, юнон муаллифлари “минг шаҳарли давлат” деб атайдилар. Герордотдан олдин “бактрия халқи” тушунчасини буюк Эсхил “Форслар” трагедиясида ишлатади ва форсларда ёш бактриялик жангчилардан Тенаган ва Аритом исмларини тилга олиб, уларни Саламин жангида (милоддан аввалги 480 йилда) қаҳрамонларча курашиб халоқ бўлганини эслайди.

Олимлар томонидан ўлкамиз ҳудудларида бу даврга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар харобалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар, хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган бўлиб, аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шаҳарларда хунармандчилик ривожланганлиги ҳақида талаблаларга маълумотлар берилади. **Сўғдиёна**-географик ҳудуд. Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзаси. Хозирги

Тожикистоннинг Панжикент тумани, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ўрнига тўғри келади.

Сўғдиёна ҳақида «Авесто», аҳмонийлар даври, миххат ёзувлари ва юнон-рим тарихчилари маълумотлар берадилар. Қашқадарёдаги бир қатор турар-жойлар ва уй-қўрғонлар қолдиқлари мил. авв. IX-VIII асрларга оиддир. Сўғдиёнада Афросиёб, Ерқўрғон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари ҳамда қўшни вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланади. Дарвоқе, ўз ўрнида ўлканинг табиий шароити, иқлим хусусиятларига мос кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, дончилик, боғдорчилик, полизчилик каби соҳалар ривож топган.

Ўлкада сунъий суғоришга бунчалик катта аҳамият берилганлиги ажодларимиз ҳаётида деҳқончилик нақадар катта ўринга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Дарвоқе ўз ўрнида ўлканинг табиий шароити, иқлим хусусиятларига мос кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, дончилик, боғдорчилик, полизчилик каби соҳалар ривож топиши баробарида, улардан олинаётган даромад ҳисобидан келаётган солиқлар ҳам ҳукмрон давлатларнинг бюджетини бойишига хизмат қилган.

Ушбу давлат ҳукмронлиги даврида чет давлатлар билан жадал савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатар эканлар, ҳарбий юришлар маҳалида мағлуб давлат ғолиб томонга ўлпон тарзида катта миқдорда солиқлар тўлаганлар. Шунингдек, ўлкада етиштирилган қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари, шиша, қоғоз, жун, қорақўл тери, ковун, тарвуз, от, туя кабилар чет элликлар эътиборини тортган.

Милоддан аввалги II - I асрларда ривожланган давлатлардан бири, **қадимги Фарғона** (Довон, Даван) давлатидир. Ушбу давлатнинг Хитой билан алоқалари кучайган. Шу мақсадда хитойликлар ушбу ўлкага бир неча маротаба юришлар қиладилар. Биринчи юриш муваффақиятсиз тугагач, улар милоддан аввалги 102 йилда бу ерга иккинчи марта юриш қиладилар, уларнинг эътибори асосан ушбу давлатнинг пойтахтини забт этишга қаратилган эди. Бу юришда қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат билан яхшилаб таъминланган 60 минг кишилик қўшин иштирок этади.

Душман пойтахтни қамал қилиш билан бир вақтда, яқин атрофдаги чорвадор халқларни ҳам талар эдилар. Бу воқеалардан хабар топган Гуйшан оқсоқоллари йиғилиб, маслаҳат қиладилар. Уларнинг фикрича, «Ю» шаҳрида Довон подшоси Мугуан томонидан биринчи юриш даврида «Хитой элчисининг ўлдирилиши ва Довон отларини босқинчиларга бермасдан, яшириб қўйилиши Хитой қўшинларини иккинчи марта бостириб келишларига сабаб бўлган. Энди Довон арғумоқлари уларга тақдим этилса, хитойликлар урушни тўхтатишлари мумкин» - дейдилар⁴. Агар хитойликлар босқинчилик урушини тўхтатишмаса, ўлгунча курашишини асосий мақсад қилиб қўядилар.

Хитой қўмондонлиги билан музокаралар олиб бориш учун пойтахтнинг обрўли оқсоқолларидан бирини элчи қилиб юбордилар. Элчи Хитой

⁴ Ўша асар. 94 бет.

саркардаси Ли Гуан-ли хузурига бориб, оқсоқоллар йиғинида бўлган гапларни унга айтиб, «арғумоқлардан ташқари фарғоналиклар Хитой армиясини етарли даражада озиқ-овқат билан таъминлайди. Агар бу шартлар қабул қилинмаса, довонликлар барча арғумоқларни ўлдирадилар, шу орада қанғуйлардан кутилаётган ёрдамчи куч ҳам етиб келади» - деб Хитой кўшинини қуршовда қолганлигини билдиради.

Шундай қилиб, Қадимги Фарғонада мавжуд бўлган «арғумоқлар» («самовий наслдор отлар») ҳамиша хитойлик савдогарлар, ҳарбийларни ўз эътибори билан лол қолдирганлиги аён. Милоддан аввалги II-I асрларда Хитой ҳукмдорлари бир неча бор бу давлатни босиб олмоқчи бўлсалар-да, бироқ уларнинг ҳаракатлари беҳуда кетади. Ҳарбий юришларнинг бирида улар Довон давлатининг пойтахти Эршини қўлга киритадилар, бироқ аҳолининг тазйиқи остида ўлпон ва солиқлар эвазига уни ташлаб чиқиб кетганлар. Иккинчи бор юришларида хитойликлар Эрши шаҳрини қамал қилдилар, шаҳарга келадиган сув йўллари тўсиб қўядилар. Довон ҳукмдорлари қалъага бекиниб олдилар ва сулҳ тўғрисида музокаралар бошлайдилар, ниҳоят хитойликларга самовий отлардан беришга розилик билдирилади. Акс ҳолда, барча арғумоқларни қирғин қилмоқчи бўладилар. Қанғ давлатидан мадад етиб келишидан чўчиб, хитойликлар сулҳга рози бўладилар. Улар Эршига кирмасдан зарур миқдордаги наслдор отлардан товон олиб, ватанларига қайтадилар.

Фарғонанинг деҳқончилик воҳаларида аҳолининг ўтроқлашуви кучаяди. Бунинг оқибатида эса обикор ерларга бўлган эҳтиёж ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш техникаси такомиллашади, суғориш тармоқлари кегаяди. Ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган йирик суғориш тармоқлари таркиб топишига ўша пайтлардаёқ тамал тоши қўйилган.

Эрон Аҳмонийларининг Ўрта Осиёга ҳужуми ва уларга қарши миллий озодлик курашлари (Тўмарис, Широқ, Фрада қўзғолонлари мисолида) Мил. авв. 559 йилда Эронда подшо Кир II аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил. авв. 545-540 йилларга келиб аҳмоний подшолари Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна каби вилоятлар ва кўчманчи қабилалар устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Хусусан, кўчманчи массагет қабилалари аҳмонийларнинг катта қўшинларини тор-мор этдилар (мил. авв. 530 йил). Бу жангда форс подшоси Кир II ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, мил. авв. 522 ва 519-518 йилларда Марғиёнада ҳамда саклар ўлкасида форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади. Шундай қўзғололар **Тўмарис** ва **Широқ** бошчилигида кўтарилган бўлиб, унинг асосий сабаби босқинчиларнинг ўлкадаги зўравонликлари ҳамда маҳаллий халқлар бошига солинган катта миқдордаги бож ва ўлпонлар эди.

Тўмарис ва Широқ ҳақидаги тарихий ўғитлар ва пандлар гарчанд афсона бўлсада, азалдан улар инсонларни маънавиятли бўлишга чорлаган. Хусусан Тўмарис афсонасини оладиган бўлсак, унда қаҳрамонлик хислатлари ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Тўмарис массагет қабилаларининг

раҳбари, ҳукмдор аёл. У ўз фаолиятини мамлакат тинчлигига, барқарорлигига бағишлайди. Халқпарвар аёл сифатида майдонга чиқади. Аммо аҳмонийлар ҳукмдори Кир массагет қабилаларининг барқарор турмуш тарзига хавф туғдириб, аввало массагетларни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. Тўмарис ўз қаҳрамонлиги билан душманга зарба бера олди.

Қайд қилинишича, сак қабилаларининг вакили бўлган Широқ исмли чўпон хийла йўли билан форсларнинг катта қўшинларини сувсиз сахро ичкарасига адаштириб қўяди. Широқ ҳам, форс қўшинлари ҳам очлик ва ташналикдан ҳалок бўладилар.

Умуман, ўша даврда яшаган маҳаллий халқлар ва уларнинг қаҳрамонликлари, абжир ва чаққон чавандоз, моҳир мерган ва чайир ва чабдаст жангчи бўлганликлари тўғрисидаги маълумотлар кўплаб учрайди. Жумладан, зод, моҳир ва абжир бўлишига интилиш ҳар бир ёшнинг кундалик ҳаракат дастурига айланиб борди. Оқибатда ана шу жангавор ҳарбий руҳияти жараёнида суворий орийлар таркиб топиб, улар томонидан ўзга юртларни босиб олиш чорвадор қабилаларнинг муҳим даромат манбаига айланди. Ана шу чорвадор қабилаларнинг суворий ҳарбийлари ҳаётда ўзларини озод ва эркин, ҳеч кимга қарам ва тобе ҳис этмас, улар ўзларини доимо ҳаётда иқтисодий ва сиёсий мустақил ҳис этувчи озодлар-орийлар эдилар. Уларнинг Уруғ-аймоқлари ҳам қабила анъанасига кўра, ўзларини орийлар деб аташган. Чунки, ўша давр чорвадор жамоаларида ҳарбий демократия тизимига хос тартиб-қоидалар ҳукмрон эди. Ҳар бир оилада туғилган фарзанд ёшлигидан қабила удумларига содиқлик руҳида тарбияланади. Тарбиянинг мақсад йўналиши эса ҳар бир нуфузли чорвадор сиймосида орийни шаклланиши билан яқунланади.

Мил. авв. 522-йилда аҳмонийлар тахтига Доро I ўтиради. У тахтга ўтириши биланоқ Парфия, Марғиёна ва саклар ўлкасида форсларга қарши кўзғолонлар кўтарилади. Беҳистун ёзувларига қараганда, 522-йилнинг охирида Марғиёнада кўтарилган кўзғолонга **Фрада** исмли киши бошчилик қилади. Доро I Бактрия сатрапи Дадаршиш бошчилигидаги қўшинларни кўзғолончиларга қарши жўнатади. Кўзғолон шавқатсизларча бостирилиб 55 минг марғиёналик ҳалок бўлади. Фрада ҳам қўлга олиниб қатл этирилади.

519-518-йилларда бўлиб ўтган бу курашда саклар форслар томонидан мағлубиятга учрайди. Сакларнинг кўпчилиги ўлдирилиб, кўпчилиги асир олинади. Уларнинг йўлбошчиси Скунҳа асир олиниб, ўрнига бошқа йўлбошчи тайинланади. Хуллас, форслар Ўрта Осиёдаги маҳаллий аҳолинининг қаҳрамонона қаршилигини қийинчилик билан синдирганидан кейингина бу ҳудудларни батамом ўзларига бўйсундирдилар.

Аҳмонийлар даврида давлат бошқаруви шоҳлар шоҳига (шаҳаншоҳга) тегишли эди. Шаҳаншоҳнинг чекланмаган ҳокимияти нафақат форс зодагонларига, балки, маълум даражада солиқлардан озод қилинган ва аҳмонийлар давлатида кўпгина имтиёзларга эга бўлган озод форс жамоаларига ҳам таянган. Шунингдек, босиб олинган вилоятларнинг маҳаллий зодагонлари ҳам ҳокимиятнинг таянчи ҳисобланган.

Ҳокимият иерархиясида шаҳаншоҳдан кейин бой форс оилаларининг бошлиқлари турган. Шаҳаншоҳ саройида кенгаш мавжуд бўлиб унинг таркибига бой оила бошлиқлари, сарой аёнлари, юқори лавозимдаги амалдорлар ва ноиблар кирган. Давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар ушбу кенгашда кўриб чиқилса-да, ҳал қилувчи қарорни шаҳаншоҳ чиқарган.

Доро I ҳукумронлиги даврида унинг авлодларидан бўлмиш, Куруш ва Камбис (529-522 йй) ўзларига қарам мамлакатлардан муайян солиқ олмаганлар бироқ, тобе мулклардан уларга совға-саломлар юбориб турилган. Дорони форслар савдогари дейилишига сабаб, у биринчи бўлиб солиқ тизимини жорий этганлигидир. Шу билан биргаликда босиб олинган мамлакатлардан қимматбаҳо совға-саломлар (ўлжа, ҳадя тарзида) олиниши билан бирга, катта миқдорда солиқлар ҳам тўланган. Ҳақиқатда, Доро қўл остидаги ҳар бир мамлакат ва вилоят уларга катта миқдорда тайинли солиқ тўлаб турганлар. Хусусан, ахамонийларга тобе округлар (сатраплик) дан ўн иккинчисига кирган «бактрияликлардан» «эгллар» гача (Хўжанда атрофларида яшаган қадимги уруғ шундай аталган) бўлган ҳудуд йилига 360 талант (1 кг талант 30 кг кумушга тенг бўлган) тўлаб туриши керак бўлган.

Мил. авв. 329 йилга келиб, македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юришлари бошланади. **Искандар ўз қўшинлари билан милоддан аввалги 329 йида Окс** (Амударё)дан ўтиб, Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келди. Аммо, Ўрта Осиёда Искандар ва унинг истилочи қўшинига осон бўлмади. Улар Ўрта Осиёда, унинг эрксевар халқининг қаттиқ қаршилиқларига учради ва катта талофатлар эвозига уни босиб олди. Искандар қанчалар кучли ва тажрибали қўшин ва лашкарбошиларга эга бўлишига қарамай, Ўрта Осиё халқидан чўчиб қолади. Чунки Ўрта Осиёнинг эрксевар маҳаллий туб жойли аҳолисининг ташки душмонга қарши нафрати кучли эди. Унинг қўшинлари Сўғдиёна ва Уструшона ерларида жуда қаттиқ қаршилиқка дуч келдилар. Жангларида Александрнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлади. Мил. авв. 329-327 йиллар давомида маҳаллий Сўғдий аҳоли **Спитамен** (баъзи манбаларда Спитамен тарзида учрайди) бошчилигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талафот етказди. Македонский қўшинлари ҳеч қачон Сўғдиёнадагидек қаршилиқка учрамаган эдилар.

Юқорида қайд қилинганидек, Сўғдиёнада мил. авв. 329 йил кузида Спитамен бошчилигидаги кўзғолон кўтарилади. Шиддатли жанглардан сўнг душманнинг осонликча босиб олмоқчи бўлган режаларини пучга чиқарди. Аммо Сўғдиёна ҳудудларида босқинчилар қадами етмаган жойларда кўзғолончилар яшириниб олган эдилар. Сўғдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитамен томонида бўлиб, унинг ғалабаларига катта умид боғлаган эдилар. Искандар эса, мил. авв. 329-28 йиллар қишлоқини Бақирияда (баъзи манбаларда Навтакада дейилади) ўтказар экан вақтни беҳуда кетказмади. У бу ерда Хоразм хукмдори Фарасман билан музокаралар олиб борди. Натижада Искандарнинг Хоразмга юриш режаси тўхтатилди.

Мил авв. 328-йилнинг баҳоридан юнон-македонларга қарши кураш яна авж олди. Маҳаллий аҳоли йирик шаҳарлар, қалъалар, тоғли ҳудудларда курашни давом эттирдилар. Юнон-македонларнинг шафқатсиз урушлари

натижасида кўпгина маҳаллий аҳоли қирилиб кетди. Қолганлари ҳам тоғли худудларда курашни давом эттирдилар. Аммо мил. авв. 328-йилнинг охирида Спитамен жангларининг бирида ҳалок бўлади. У тажрибали саркарда сифатида босқинчиларни она-юртидан ҳайдаб чиқариши учун имконияти бўлган барча тадбирни кўрди, чоралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У моҳир саркарда бўлиб душмanning кичик хатосидан ҳам унумли фойдаланар ва унинг зайиф томонларини топишга ҳаракат қиларди. Аммо, Искандар ҳарбий куч-қудрати жиҳатдан Спитамендан устун эди.

Мил. авв. 323 йилда македониялик Александр вафот этганидан сўнг Ўрта Осиё ерлари Салавка ҳукмронлиги остига ўтади (мил. авв. 306 йил). Салавкилардан бўлган Антиох I даврида (мил. авв. 280-261 йй.) Ўрта Осиё вилоятларида тинч ҳаёт бошланиб, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Мил. авв. III асрнинг ўрталарига келиб, салавкилар давлатида тахт учун ўзаро курашлар авж олиб кетади. Натижада дастлаб Парфия, кейин эса **Юнон-Бақтрия** давлатлари салавкилардан ажралиб чиқади. Мил. авв. 250 йилда биринчи Юнон-Бақтрия подшоси Диодот ўзини ҳукмдор деб эълон қилди ва тангалар зарб этади.

Юнонлар мустамлака ўлкаларни бошқаришда барча зарурий чоралар кўришга киришадилар. Биринчи навбатда истилочилар маҳаллий аслзодалар билан тил топиш, улар билан қон-қориндошлик иplarини боғлаш, шу йўл билан маҳаллий аҳолига яқинлашиш чораларини кўриш зарурий эканлигига қатъият билан берадилар. Бу масалада Искандарнинг ўзи бошқаларга намуна бўлди. Унинг буйруғи билан барча ҳарбий бошликлар, ҳатто оддий жангчигача маҳаллий аҳоли қизларига уйланиб, қон-қориндошлик иplarини боғлашлари зарур эди. Тўғри, кўпчилик, айниқса оддий аскарлар узоқ давом этган ҳарбий юришларда чарчаган, она ватани ва оиласини соғинган, тезроқ уйларига қайтишни истар эдилар. Бу масалада бўйин товлаганлар дастлаб жазоланганлар.

Яқинлашишнинг яна бир зарурий чораси сифатида маҳаллий аҳоли маънавий дунёсига юнон худолари таъсирини олиб кириш, диний ва дунёвий сиёсатни маҳкама ҳимоясида олиб бориш, эллин маданиятини ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боришини таъминлашни давлат сиёсатининг бош йўли қилиб олдилар. Ўрта Осиёнинг жанубида, Шимолий Афғонистон ва шимолий-ғарбий Ҳиндистон худудларини ўз ичига олган географик кенгликда Юнон-Бақтрия давлатини тузилиши бу муаммоларни греклар фойдасига ҳал этилишида муҳим рол ўйнади.

Ахамонийлар империяси ва Марказий Осиё ерлари Юнон-македонлар томонидан босиб олинган Марказий Осиё маданиятига элинизм элементлари кириб келди. Ахамонийлар салтанатини емириб ташлаган Юнон-Бақтрия босқини Марказий Осиё минтақасини, хусусан Суғд маданиятини айлантирди. Александр сипоҳиларига ҳеч ерда Марказий Осиёдагидек қаршилик кўрсатилмаган бўлса керак. Озодлик ҳаракатини бешафқат маҳв этган Александр ерли аҳолини кўмагига муҳтожлигини сеза бошлади. Вақт ўтиши билан у онгли тарзда барча этник тўсиқларни олиб ташлашга, ўз

салтанати худудида турли халқларни қоришиб кетишига ҳамда ягона маданият ва тил бирлигини қарор топтиришга ундирди. У ўз саройида Шарқ либослари ва удумларини жорий этди, турли этник гуруҳ вакилларининг никоҳларини кенг йўлга қўйди, армиясида суғдлик ва бактриялик қисмларни киритди, ўттиз минг ўғил-болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди.

Шундай қилиб Александр Македонский Марказий Осиё мамлакатларининг эллиништарини бошлаб берди. Эллинистик жараён славкийлар давлатидан мустақил бўлган Парфия ва Юнон-Бактрия давлатида юқори даражадаги ривож билан ажралиб туради. Юнон харбий манзилгоҳлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар Юнон-Бактрия шаҳарларида очиб ўрганилди. Иншоотлар тош ва хом ғиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Юнон-Бактрия подшолигида театр санъати ва мусиқани ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Юнон-Бактрия подшолигида маданият синкретизми (қоришиқлиги) турли тилларни ёнма-ён фаолият кўрсатиши, ҳар хил ёзувлар тизими ва динларнинг ўзаро сингиб кетишига ҳам кўринади. Эрамиздан аввалги III-II асрларда оромий, юнон-бактрия ёзувлари кенг ишлатилган, юнон алифбоси асосида унга битта ҳар қўшиб (жами 25 та) бактрия ёзуви вужудга келган. Зардуштийлик ҳукмрон дин сифатида аҳоли юнон худолари тимсолига сиғиниш аломатлари пайдо бўлган.

Аҳамонийлар, Александр юришлари ва ҳукмронликлари даврида ғарб ва шарқ ўртасида жадал ички ва ташқи алоқалар ўрнатилган, бунинг баробарида икки томоннинг ўзаро розиликлари муносабати билан гарчанд ҳар бир давлатнинг ўз солиқ тизимлари мавжуд бўлсада, етказилган ҳарбий-иқтисодий зарарни қоплаш учун ўлжаларни тақсимлаш, бож-хирож, товон тўлови эмас, балки ўзаро маҳсулот айрибошланганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди. Бу даврда Эрон ва Турон худудлари эронлик ва юнон ҳукумдолари томонидан қатор сатрапликлар ҳамда вилоятларга бўлиб идора қилинган, ҳар бир маъмурий-худудий бирликлар маълум солиқлар ва ўлпонлар йиғиш орқали қатъий тарзда бошқарилган, сатрапликларни бошқарувчи ҳукмдорлар эрон ва юнон ҳукмдорлари томонидан тайинланган, солиқ йиғиб олиш ҳам улар томонидан идора этилган.

4. Ўрта Осиёда антик давр ва илк ер эгалиги давлатлари. Мил. авв. III асрнинг ўрталарида мустақил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил. авв. 247 йили тахтга ўтирган. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб, Парфия подшолари ўз ерлари худудларини кенгайтириб бордилар.

Аммо Парфия давлатининг улкан империяга айланиб халқаро сиёсат майдонига чиқиши Митридат I ҳукмронлиги билан боғлиқдир. **Р. Муртазаева** раҳбарлигида, ҳаммуаллифлар томонидан ёзилган Ўзбекистон тарихи китобида қайд қилинишича, ўттиз беш йил (мил.авв. 171-137-йй.) ҳукмронлик қилган бу подшо кўплаб ҳарбий юришлар қилган. Унинг ҳукмронлик даврида ғарбга қилинган кўп йиллик урушлар, ички низолар ва

беқарорлик туфайли Салавкийлар давлати зайифлаша бошлаган эди. Бундан унумли фойдаланган Митридат I дастлаб Эқбатанни, кейин эса Ҳиндистонни босиб олди. Мил.авв. 141-йилда Бобил бўйсундирилди. Шу тариқа Митридат I Парфияни қудратли давлатга айлантириб, Аршакийларнинг кўпгина эркинликларини қайта тиклади.

Шу тариқа милоднинг III асрига қадар Парфия давлатига Аршакийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Милоднинг 207-222-йилларида Парфия давлати иккига бўлиниб кетади (213-й.). Шу даврда Парфиядан жануби шарқда янги давлат-сосонийлар давлати ташкил топади. Тез орада сосонийлар улкан Парфия салтанатини ағдариб ташлайдилар. Шундай қилиб, милодий III асрнинг биринчи чорагида сосонийлар аршакийлар ҳукмронлигини тугатиб, Парфияда ҳокимиятни тўла қўлга олдилар.

Антик даврда Парфия қишлоқ хўжалигида ёлланма ишчилар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. авв. III аср ўрталаридан бошлаб Парфия давлати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қадимги вилоятлар – Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна билан сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларни айнақса ривожлантиради. Антик даврларда жамият ва давлатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучини ва ишлаб чиқариш асосини эркин деҳқон жамоа аъзолари ҳамда қишлоқ оқсоқоллари ва уларнинг хусусий мулки ташки этган, шу билан бирга қишлоқ жамоаларига тегишли яйловлар, чорва моллари ҳам мавжуд эди. Парфияликлар беш аср давомида Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Хитойнинг Ғарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилдилар. Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо ҳужжатлари) ёзуви бўлиб, зардуштийлик динига эътиқод қилишган.

Антик даврларда Ўрта Осиёнинг қадимги давлатлари нафақат минтақа давлатлари билан, балки Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия каби давлатлар билан ҳам жадал савдо, иқтисодий, маданий алоқалари йўлга қўйилган. Бундай алоқалар шубҳасиз чет эллик савдогарлар, катта ер эгалари, ҳукмдорлар, тадқиқотчилар ҳатто тарихчиларни ҳам ўлкага қизиқшини орттирган. Хусусан, қадимги грек ва римликлар Ўрта Осиёнинг табиий-географик ўрни, аҳолисининг турмуш тарзи хусусида маълумотлар бериб ўтганлар, бу эса минтақалар ўртасида ўз даврида савдо-иқтисодий алоқалар ривожланганлигидан далолатдир.

Антик даврда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган давлатлардан яна бири **Юнон-Бақтрия** давлатидир. Ушбу давлат ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон жануби, Зарафшон воҳаси, Афғонистоннинг шимолий, Турманистоннинг шарқий ҳудудларида таркиб топган. Мил. авв. 250-140, 130 йиллар давомида Юнон-Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, бу даврда Диодот, Евтидем, Евкратид каби подшолар ҳокимиятни бошқарганлар. Давлатнинг маркази Бақтра шаҳри эди, ҳукмдорлари эса асосан юнон аслзодалари бўлган. Мустақил Юнон-Бақтрия давлатига асос солган, ўзини шоҳ деб эълон қилган Диодот ва унинг ўғли даврларида бир мунча юксалади.

Бу жараён Евтидем ва эвтидимийлар сулоласи бошқаруви даврида янада кучаяди. Бақтрия давлати сарҳади кейинчалик Шарқий Туркистон, Шарқий

Эрон, шимолий-ғарбий Ҳиндистон, Синд ўлкаси ҳудудларигача кенгайган. Унинг хўжалик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳам анча юксак даражага кўтарилганлигидан гувоҳлик беради. Давлатнинг пойтахти халқаро қарвон савдоси - Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашганлигидан, унда савдо-хунармандчилик соҳалари бир мунча ривож топган. Мамлакатнинг Эрон, Хитой, Ҳиндистон, сингари ўша даврнинг ривожланган давлатлари билан олиб борган савдо-тижорат муносабатлари асосан мана шу шаҳар орқали ўтган. Шунингдек, эски Термиз, Марв, Қўҳнақалъа, Мароканда (Самарқанд) сингари шаҳарларнинг ҳам савдо-сотикнинг йирик марказлари сифатидаги мавқеи юксак бўлган.

Юнон-Бақтрия давлати ўзининг пул бирлигига эга бўлган. Олтин, кумуш ва мисдан танга пуллар зарб этилиб муомалага чиқарилган. Бундан ташқари бу мамлакатда турли хил дон экинлари, серунум эрларида узумзор боғлар кўп бўлган, шарбатли мевалар этиштирилган. Бу ҳол унда деҳқончилик маданияти ўсганлигидан, сунъий-суғориш иншоотлари тизими кенг тармоқ отганлигидан яққол далолатдир. Гарчанд Юнон-Бақтрия давлатида айрим кулдорлик муносабатлари мавжуд бўлса-да, бироқ унда эркин деҳқон жамоалари меҳнати салмоқли рол ўйнаган. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнларининг нисбатан тез ўсишига, шаҳарлар ҳаётининг ривожланишига муҳим туртки берган.

Милоддан аввалги II аср ўрталарига келиб бир қатор ички ва ташқи вазият тақозоси билан юз берган кескин ўзгаришлар оқибатида Юнон-Бақтрия давлати тушкунликка юз тутди. Бунинг муҳим сабабларидан бири-кўшни Парфия давлатининг кучайиб кетиши ва ўз ҳудудларини Юнон-Бақтрия ҳисобига кенгайтиришга интилиши бўлди. Бу ҳол Юнон-Бақтрия давлатини мушкул аҳволга солиб қўйди. Тез орада Ҳинд эрлари ҳамда Суғдиёна унинг таркибидан ажралиб кетди. Мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудудларига эса шарқдан келган кўп сонли катта юечжи қабилаларининг ҳужуми кучайиб, улар аста-секин Фарғона, Сурхондарё ҳудудлари сари силжий боради.

Қадимги давлатчилик ҳукмронлик қилган кезларда ҳамда антик даврлардаёқ Суғдиёна, қадимги Хоразм, Бақтрия, қадимги Фарғона, Қанғ давлат бирлашмалари чет давлатлар билан жадал савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатар эканлар, ҳарбий юришлар маҳалида мағлуб давлат ғолиб томонга ўлпон тарзида катта миқдорда солиқлар тўлаши билан бирга, гаровга кўплаб миқдорда асирлар ва қулларни ҳам ҳадя этганлар. Хусусан, чет элликларни ўлкада этиштирилган қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмлари, биргина шиша, қоғоз, жун, қоракўл тери, қовун, тарвуз, от, туя қабилар эътиборни тортган.

Масалан, юқориги параграфларда қайд қилинганидек, қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Паркана қаби номлар билан эслатиб ўтилади. Яъни, қадимги Фарғонада маҳаллий қадҳудотлар, виспати ва зантупати мақеидаги ҳокимликлар сиёсий уюшмасидан иборат Даван давлати таркиб топди.

Мил. авв. III асрлар бошларида пайдо бўлган **Қанғ давлатининг** ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар эди. Мил. авв. II-I асрларда Қанғ давлати ерлари кенгайиб, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик даврида Қанғ давлати анча ривожланган давлат эди. Ўтроқ аҳоли асосан водийларда яшаб, деҳқончилик, Боғдорчилик ва хунармандчилик билан шуғулланиб келишган. Қанғ ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни ўтрорда (ҳоз. Арис ва Туркистон оралиғида), қишлоғни эса Қанға (ҳоз. Тошкент вилояти Оққўрғон туманида) шаҳарларида ўтказар эдилар.

Қанғ давлати аҳолиси ярим ўтроқ, ярим кўчманчи суғдий ва туркий қабилаларнинг давлати эди, яъни Ўрта Осиё ҳудудларида икки хил тилда (туркий ва суғдий) сўзлашувчи қабилаларнинг илк бор таркиб топган давлати эди. Қанғ давлати доирасида, унинг марказий минтақалари-Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, Тошкент воҳасида янги этнос-қанғар элати таркиб топади. Унинг этник асосини маҳаллий суғдийлар ва Сирдарё бўйи туркий қабилалари ташкил этганлиги тарихий манбаларда учрайди. Қанғ аҳолиси асосан деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланганлар. Улар арпа, буғдой, тарик, нўхат, шоли ва бошқа донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтзор ва узумзорлари кўп бўлган. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғарлар асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар.

Давлат бевосита туташ бўлган Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик хунарининг ривожланиши учун керакли маъданлар бўлган. Бу жойлардан жуда кўплаб мис, темир, кумуш ва бошқа металллар отинган. Усталар турли металфарни бир-бирига қўшиб, мустаҳкам қуроллар ясашни ҳам ўзласбтирганлар. Шунингдек, кундалик эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарилиб ички ваташқи савдо учун турли маҳсулотлар тайёрланган.

Қанғ шаҳарлари қалин ва баланд деворлар билан ўралган. Деворларнинг ташқарисида қалъа атрофи гир айлантирилиб чуқур ва кенг қилиб ҳандақ қазилган. Шаҳарлар ичида мустаҳкам истехком (арк) ва шахрислонларнинг ҳам баланд мудофаа деворлари, бир неча дарвозалари бўлган. Йирик шаҳарлардан ташқари, Тошкент воҳасида юзга яқин аҳоли яшайдиган катта ва кичик қўрғонлар ҳам мавжуд бўлган. Бу даврда қанғарларга хос маданият Қовунчи маданияти таркиб топади.

Антик даврда таркиб топган яна бир вилоят **Чоч ўлкасидир**. Чоч ўлкаси ҳақида ёзма маълумотлар милоддан аввалги I-минг йилликнинг 2-ярмидан бошлаб учрай бошлайди. Аммо, Чоч атамаси биринчи бор милодий III асрда сосонийлар подшоси Шафур I нинг “Зороастра Каъбаси”да, унга тобе мамлакат ва вилоятлар рўйхатида тилга олинади. Чочнинг қадимги аҳолиси Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари деҳқончилик маданиятлари таъсирида секин-аста ўтроқ ҳаётга ўтиб бораётган Турон турлари-сакларга бориб тақалади. Милоддан аввалги III асрга келганда бу ўлкада қадимги деҳқончилик қишлоқлари асосида илк шаҳарлар қад кўтара бошлайди. Атрофи мудофаа иншоатлари билан ўраб олинган ана шундай қишлоқлар дастлаб Чирчиқ дарёсининг ўрта ва куйи ҳавзаларида пайдо бўлиб, унинг аҳолиси таркибини суғдий ва туркий тилли қабилалар ташкил этди.

Мил. авв. I асрга келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида ўша даврнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган **Кушонлар давлати** ташкил топади. Кушон давлатига жанговар хунн қабилаларининг таъқиби натижасида Шимолий-шарқдан Юнон-Бақтрия давлатига милоддан аввалги 140-130 йилларда бостириб кирган юэчжи қабилалари асос солганлар. Суғдиёна ва Бақтрияга келиб ўрнашган *юэчжилар* хюми, шуанжи, гуйшуан, хи - сэ ва думи (дюми) каби йирик, бир-бирига қариндош хонадонлардан иборат эдики, улар ўртасида ҳокимият учун курашда Гуйшуан хонадони ғолиб чиқади ва Гуйшуан (Кушон) подшолигига асос солинади.

Қадимги хитой манбаларига кўра юэчжи қабилалари милоддан аввалги IV-III асрлар чегарасида Монголия ҳудудида яшовчи хуннларнинг кўшнилари бўлишган. Милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмига келиб юэчжилар жуда катта кучга айланганлар. Хуннларнинг бошлиғи уларга ўлпон тўлашга мажбур бўлган. Аммо бир оз вақт ўтгач хуннлар сардори Маодун хунларни кучли ҳокимият остида бирлаштириб, бу кўчманчи қабилаларни қудратли кучга айлантirdи. Милоддан аввалги 176 йилда хунн лашкарбошиларидан бири юэчжиларни жангда мағлубиятга учратади. Маодуннинг ўғли Лаошин мил.авв. 174 йилда юэчжиларни яна тор-мор келтиради ва ҳукмдорини ҳам ўлдириб бош чаноғидан май қадахи ясаттиради. Мағлубиятга учраган кўчманчи юэчжилар ғарбга-Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар. Аммо бу ҳудудларида юэчжилар хитой манбаларидан “усун” деб аталувчи кўчманчи чорвадор қабилалар билан тўкнаш келадилар. Ўзаро урушларда охир оқибат усун қабилаларининг кўли баланд келиб, юэчжи қабилалари Тяньшань, Фарғона ва Помир тоғлари оша Шимолий Ғарбий Ҳиндистон ва Бақтрия ерларига кириб келадилар.

Юэчжи қабилалари ҳақида маълумотлар фақат қадимги ва ўрта аср хитой манбаларида сақланган. Қадимги юнон-рим тарихчилари (Страбон, Помпей Трог) асарларида эса бу ном умуман учратилмайди. Афтидан улар юэчжиларни бошқа номда атаган бўлсалар керак. Улар Юнон-Бақтрия давлатининг қулаши ҳақида берган маълумотларида эса асианлар, пасианлар, тохарлар, сакарауллар ҳақида ёзадилар.

Юэчжиларнинг келиб чиқиши ҳақида тадқиқотчилар ўртасида яқдил фикр йўқ. Баъзи олимлар юэчжиларни массагетларнинг авлоди деб ҳисобласалар (С.П.Толстов), баъзилар уларни тохарларнинг авлоди деб ҳисоблайдилар (И.Маркварт, Э.Пуллейбленк). Ўзбек олими академик А.Асқаров фикрига кўра, юэчжилар скиф-сак қабилалари иттифоқига кирувчи тохарларнинг Хитойча номланишидир. Юэчжиларнинг географик жойлашуви, моддий ва маданий ҳаёт даражасига қараб туркий қабилалардан деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан япон олими К.Еноки “милоддан аввалги III асрлардаги юэчжилар жойлашган ўрни ва хўжалик ҳаётига кўра VI асрдаги турклар билан жуда ўхшаш” деб қайд қилади.

Умуман **юэчжи** кушон подшоларининг шажараси қабила сардори Герайдан бошланган, дейилади. Унинг вориси Кудзулла Кадфиз (15-51) ва Вима Кадфизлар даврида (51-78) кушон подшolari мустақил давлат

сифатида ўз номларида мис, олтин ва кумуш тангалар зарб этишни бошлайдилар. Канишка даврида (78-123) Ҳиндистоннинг жанубий вилоятлари, Хоразм, Чоч, Фарғона ва ҳатто Ғарбий Хитой ҳам Кушон давлати таркибига киритилади. Буддизм дини давлат динига айлантирилади. Давлатнинг пойтахти Далварзинтепадан (Сурхондарё вилоятида) Пешавор(Ҳиндистон-Покистон)га кўчирилади. Канишка подшолик қилган даврда Кушон салтанати Осиёдаги энг йирик давлат даражасига кўтарилган. Нумизматик манбаларда Канишқадан кейин Васишка (4 й подшо бўлган), Хувишка (32 й подшо бўлган), Васудева (34 й подшо бўлган) каби подшоларнинг номлари сақланган бўлиб, улар ушбу давлат тарихида кескин ажралиб турадиган из қолдиришмаган.

Милодий IV асрнинг охирига келиб ички низолар, ғарбдан сосонийлар давлати ва шимолдан кўчманчи туркий қабилалар берган зарбалар натижасида Кушон подшолиги батамом емирилади ва барҳам топади.

Дастлабки ҳукмдорлар Кадфиз I ва Кадфиз II лар давлат ерларини кенгайтириб, пул ислоҳоти ўтказадилар. Милодий II асрга келиб Кушон давлати ерлари Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Кушон ҳукмдорлари, хусусан Канишка (II аср) даврида савдо-сотиқ, ички ва ташқи савдо айниқса ривожланади. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик ҳам анча тараққий этади. Бу жараёнда Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Кушон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, юнон, зардуштийлик ақидаларига ҳам эътиқод қилинар эди.

Антик давр Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлди. Кушон даврига келиб яна бир ёзув-Кушон (Бақтрия) ёзуви шаклланади. Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг гуллаб яшнаганидан далолат беради. Айритом ва Кўҳна Термизда Будда ибодатхоналари очилган. **Фаёзтепа, Қува, Холчаён, Далварзинтепа** каби кўҳна шаҳарларда ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятга эга эканлиги кузатилган.

5. Қадимги савдо йўллари ва Буюк ипак йўлининг шаклланиши ҳамда ривожланиши. Маълумки Буюк ипак йўли қадимги давр, ўрта асрларда шарқ ва ғарбни боғловчи асосий тармоқ ҳисобланган. Давлатларда истеъмол буюмлари, хусусан, кийим-кечак, озиқ-овқат бозори анча тараққий этган эди. Қадимги халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларнинг аҳамияти катта бўлган. Тарихий адабиётлардан маълум бўлишича, Буюк ипак йўли ташкил топмасдан анча илгариёқ Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд бўлган.

Бронза давридаги (мил. авв. III—II минг йилликлар) ана шундай йўллардан бири «*Ложувард йўли*» деб аталиб, унинг бир тармоғи Бадахшон, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Сўғд, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Яна бир тармоғи эса, Бақтрия ва Марғиёнани

Месопотамия билан боғланган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср орқали ўтган. Бадахшон Ложувардининг Ҳинд водийси, Месопотамия ва Мисрдан топилиши бу қимматбаҳо тошнинг Қадимги Шарқда ниҳоятда қадрланганлигидан далолат беради.

Қадимги йўллардан яна бири, Эрон аҳмонийларининг йўли бўлиб, бу йўлнинг бир тармоғи мил. авв. VI—IV асрларда кичик Осиё шаҳарларини ҳамда ўрта Ер денгизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрон-Бактрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозоғистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган. Тарихий адабиётларда бу йўл «**Шоҳ йўли**» деб аталади.

Мил. авв. II-I асрларга келиб Хитойни Ўрта ва Ғарбий Осиё билан боғлайдиган карвон йўли пайдо бўлади. Бу йўл **Буюк ипак йўли** деб аталиб, умумий узунлиги 12 000 км дан иборат эди. Илк ўрта асрларга келиб, Ипак йўлининг янада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта ер денгизигача чўзилган.

Аслида Буюк ипак йўли атамаси ушбу йўлдан ташилган қимматбаҳо товар -Хитой ипаги билан боғлиқдир. Буюк ипак йўлини тарихий, географик ва маданий жиҳатларини илмий ўрганиш амалда кўплаб мамлакат олимлари томонидан XIX асрнинг 2-ярмидан бошланган. Уни тадқиқ этишга Ғарбий Европа, Россия ва Япония олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Хусусан, Японияда «Буюк ипак йўли энциклопедияси» нашр қилинди. 1877 йилда машҳур немис олими Карл Рихтгофен ўзининг «Хитой» номли йирик илмий асарида улкан Евроосиё материгининг турли қисмларини боғловчи йўллар тизимини «Ипак йўли» деб атаган, кейинчалик «Буюк ипак йўли» атамаси қабул қилинган.

Марказий Осиё ва Қадим Шарқ мамлакатларининг иқтисодий-маданий алоқаларида муҳим ўрин тутган алоқа-савдо йўллари илмий адабиётларда турли рамзий номлар билан аталиб келинаётганлигини кўрамиз. Юқорида тилга олинганидек, улар ичида халқаро алоқаларда муҳим ўрин тутган маҳсулотлар номи билан аталувчи йўллар (Ложувард йўли, Олтин йўли, Ипак йўли, Нефрит йўли), тарихий шахс фаолияти (Шоҳ йўли) ёки географик ҳудуд номи ва хусусияти (Дашт йўли, Бадахшон йўли, Самарқанд йўли, Кавказ йўли ва боншқалар) билан боғлиқ номларни кўришимиз мумкин. Аҳамиятига кўра трансминтақавий, минтақалараро ва маҳаллий йўлларга бўлинадиган ушбу коммуникация тизими фаолиятини ўрганиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилган.

Мил. авв. II асргача ҳам Шарқ билан Ғарб ўртасида Ўрта Осиё карвон йўллари орқали амалга оширилган алоқалар мавжуд бўлган. Бунга Кичик Осиёда тайёрланган ва Тоғли Олтойдан топилган,

буюмлар, Афғонистон ва Ўрта Осиёдан топилган кулолчилик буюмлари мисол бўлиши мумкин. Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) салтанати тузилиши билан бу алоқалар тўғри йўлга қўйилган. Буюк ипак йўлининг шарқий қисмини барпо этишда суғдийлар катта рол ўйнаганлар. Искандар Зулқарнайн томонидан Суғдиёна мамлакати истило этилиши билан, кўплаб суғдийлар шарққа томон кўчганлар ва Буюк ипак йўлининг марказий қисмини —Марказий Осиёдан тортиб, то Хитойнинг Чанан шаҳригача бўлган оралиқ масофада савдо манзилгоҳлари бунёд этганлар. Ўз навбатида Хан империяси мил.ав. 1-минг йиллик охирида ўз ҳудудини Ўрта Осиё томон кенгайтириш сиёсатини юргизиб, бу йўналишга алоҳида эътиборини қаратади ва бу йўл ҳақида маълумот тўплаш ва дипломатик мақсадларида элчи Чжан Сзянни юборади.

Чжан Сзян - Хитойнинг буюк саёхатчиси ва Ўрта Осиёга келган биринчи элчиси мил.авв 140 йилда “Ғарбий ўлкалар”га иттифоқчи топиш мақсадида элчи сифатида жўнатилган. Унга келиб чиқиши хунлардан бўлган Танфу Хунуганфу, деган киши йўлбошчилик қилган. Элчилик миссияси (аъзолари 100 дан ортиқ бўлган) бошланган биринчи ойларида хунлар томонидан тўхтатилиб, Чжан Сзян хунлар мамлакатида 10 йил давомида "асирликда" қолиб кетади, бу вақт давомида у хун аёлига уйланиб, ўғиллик ҳам бўлади. У сафдошлари билан қочишта муваффақ бўлгач, ғарбга бориб, Давон давлатига (Фарғона водийсига) етиб келади. Бу ердан махсус йўлбошловчилар (кузатувчилар) ҳамроҳлигида Қанғ давлатига ва Катта Юечжигга (Бақтрия) келишга муваффақ бўлади. Бу ерда **Чжан Сзян Парфия, Ҳиндистон, Рим империяси** ва бошқа мамлакатлар ҳақида муҳим маълумотлар тўплашга эришади. Бақтриядан Помир тоғ доvonлари орқали орқага қайтган Хитой элчиси Хутанда (Шарқий Туркистон) яна хунлар қўлига тушиб, бу ерда 1 йил қолиб кетади. Хун подшоси ўлимидан кейин бошланган тартибсизликлардан фойдаланиб, хотини ва йўлбошловчиси Танфу билан қочишга ва мил.авв. 127 йилда юртига кетишга эришади.

Шу тариқа Чжан Сзяннинг саёхати 13 йил давом этиб, саёхат тафсилотлари махсус ҳисобот тарзида Императорга топширилади (Чжан Сзян ҳисоботи тарихчи Сима Сяннинг "Тарихий йилномалар" асарига киритилган). Хунларга қарши курашда иттифоқчилар топиш вазифаси бажарилмаган бўлсада, бу саёхат хитойликларнинг "Ғарбий ўлкалар" ва уларга олиб борувчи йўллар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтди. Бу саёхат Хитой ва Ўрта Осиё ўртасида изчил алоқалар бошланишига ва тегишли йўллар фаолиятига асос бўлди.

Аммо Ўрта Ер денгизининг шарқида жойлашган Гиерапол шаҳридан Хитойгача бўлган масофа бўйлаб тузилган дастлабки

батафсил харита македониялик савдогар Май Титсиан (мил. 100 й.) томонидан тузилган. Бу маълумотлар Клавдий Птолемейнинг «Географик қўлланма»сида сақланган. Птолемей эса ўз навбатида бу маълумотларни тарихчи Мариннинг тахм. 107— 114 йиллар оралиғида ёзилган ва бизгача етиб келмаган асарларидан олган.

Ушбу маълумотларга кўра, Буюк ипак йўли икки катта қисмга бўлинган Гиераполдан Тошминор (Тошқўрғон)гача ва Тошминордан Серикагача борган. Йўлнинг Ўрта Осиё қисми Ария (ҳозирги Туркманистоннинг жануби ва Афғонистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган қадимги вилоят) дан бошланган. Ариядан йўл шимолга Марғиёнадаги Антиохияга (кўхна Марв шаҳри ҳаробаси) борган, сўнгра шарққа бурилиб, Бақтрия (Шимолий Афғонистондаги Балх шаҳри)га борган. Бу ердан йўл шимол томон йўналиб, Термиз атрофида Амударёдан ўтган ва сўнгра иккига йўналган.

Биринчиси, шимоли бўйлаб Мароканда (Самарқанд)га ва у ердан Фарғонага йўналган. Иккинчиси, яъни жанубий қисми эса Сурхондарё водийси бўйлаб, комедларнинг тоғли ўлкасига (ҳозирги Қоратегин) олиб борган. Ҳар икки йўналиш ҳам Тошминорда туташган. Уни айрим олимлар Тошкент худудида, бошқалари Олой водийсида жойлашган, деб ҳисоблайдилар. Тошминордан сўнг йўл Ўрта Осиё худудидан ташқарига чиқиб, Иркештом орқали йўл буюк мўғул саҳроси, Такла Макон чўлидан ўтиб, Дунъхуанга, сўнгра Хитойнинг қадимги пойтахти — Чананга борган. Бу ердан йўл бизнингча, эҳтимол шимоли-ғарбга Корея ва Японияга ўтган бўлса керак.

Мил. ав II-III асрларда Буюк ипак йўлининг Еттисув орқали Чоч (Тошкент воҳаси) га, сўнгра Пойкенд, Марв бўйлаб Хуросонга элтувчи шимолий қисми муҳим аҳамият касб этган. Айти шу даврда Эрон орқали Византияга ипак олиб ўтиш тақиқанганлиги муносабати билан Суғд савдогарлари Византия ва Турк хоқонлари воситачиликларида Суғд ва Хоразмдан Каспий денгизини айланиб ўтиб, Шимолий Кавказдаги доволардан ошиб Қора денгиз ва кейинчалик Константинополгача олиб боровчи янги йўл тармоғини очадилар.

Қадимги Хитойдаги **Сиан шаҳри** (Шенси вилояти) «Ипак йўли»нинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Юнон муҳаррирларининг маълумотларига қараганда, Хитой ипаги Шимолий Қора денгиз туманларида ва Яқин Шарқ мамлакатларида милоддан аввалги II асрдан бошлаб маълум. Ўрта Осиё худудларида эса Сополлитепада олиб борилган изланишларга қараганда, ипакчилик жанубий вилоятларда бронза давридан (милоддан аввалги II мингйиллик ўрталаридан) мавжуд бўлган.

Юқорида Марказий Осиё — Хитой ўртасидаги илк алоқаларга тўхталганда, Хитой ипак буюмлари ғарбий ўлкаларга мил.авв. I минг

йиллик ўрталаридаёқ чиқарила бошланганлигини ва тегишли савдо йўллари йўналишлари шакллана бошлаганлигини қайд этдик. Лекин ипак етиштирувчи асосий мамлакат бўлган Хитойликлар “Ғарбий ўлкалар” деганда, ўз мамлакатларининг бевосита ғарбида жойлашган худудларни, яъни ҳозирги Шарқий Туркистон ерларини тушунишган. Кейинчалик қадимги хитойликларнинг географик билимлари ошиб боришига мос равишда, “Ғарбий ўлкалар” Марказий Осиё (Ўрта Осиё), Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайиб борди.

Буюк ипак йўлининг Шимолий тармоғи (Бейдао) Марказий Осиёнинг ички худудлари орқали ўтган. Ғарбий Чеш ҳокими қароргоҳидан бошланган бу йўналиш "Шимолий тоғ" - Тяншаннинг шарқий тизмалари ёнбағрлари бўйлаб дарё оқими йўналишида Қашғарга, Тяншан тоғидаги довон орқали Давон (Фарғона)га, Қанғга, Янсай ва Ансига борган.

Хитойнинг йирик стратегик ҳарбий-сиёсий мақсадларини, хусусан, ички ва ташқи хавфни (биринчи галда, шимолдаги кўчманчи хун қабилалари хужумларини) бартараф этиш, салтанат худудини босқичма-босқич кенгайтириб бориш ва бошқа вазифаларни амалга оширишда асосий куч сифатида фойдаланиш бўлган. Хитой тезкор отлик кўшинлари учун зарур бўлган Фарғонанинг машҳур "самовий отлари"га эга бўлиш режаси ҳам муҳим рол ўйнаган. Аммо бу режа иш бермагач, бу мақсадга куч билан эришиш учун **Довон ёки Давон (Фарғона)**га уюштирган ҳарбий юришлари ҳам бу эҳтиёжнинг Хитой учун тутган аҳамиятидан далолат беради.

Аммо Хитой Фарғона "самовий отлар"ини қўлга киритишга эришади. Тузилган тинчлик сулҳига кўра, фарғона (давон) ликлар Хитойга 3000 та бия ва отларни беришга мажбур бўлишган. "Бу кўшинни озиқ-овқат (Хитой кўшини ҳарбий сафарда, асосан, қайнатилиб, қуритилган гуруч билан таъминланган) билан таъминлашда енгиллик бўлиши учун амалга оширилган.

Умуман, ўтмишда ушбу йўл чорраҳасида жойлашган мамлакатларнинг Марказий Осиё билан алоқалари муҳим сиёсий, иқтисодий ва савдо аҳамиятига эга бўлган. Аммо Марказий Осиёга келувчи йўналишларида дастлабки худуд сифатида Фарғона водийси муҳим ўрин тутган. Чунки ушбу минтақа Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги этномулоқот худуди саналган. Бу худуд орқали ўтган транзит савдо йўллари йўналишлари бўйича кейинги йилларда қатор янги маълумотлар пайдо бўлди. Уларнинг тахлилига асосланиб, Марказий Осиёдаги йирик шаҳар ва қишлоқларнинг бу трансминтақавий алоқа йўлида тутган ўрни ва аҳамияти муҳим эканлигини қайд этиш ўринли.

Демак, мил. авв. II асрда пайдо бўлиб, милонинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк ипак йўли шу давр ичида Шарқ ва Ғарб халқларининг кенг миқёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл орқали алоқалар қилган қадимги халқларнинг ўзаро ҳамкорлик, алмашинув ва маданиятларининг бойиб бориши, тинчлик ва тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қилди. ЮНЕСКО томонидан «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг ишлаб чиқиши Европа ва Осиёдаги кўплаб давлатларнинг илмий-маданий фаолияти учун йўналиш бўлмоқда.

6. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи хусусида. Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқининг шаклланиш тарихи ҳам жуда узоқ давом этган этногенетик жараёнлар маҳсулидир. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганишнинг долзарблиги ва унинг аҳамияти шундаки, олинган назарий билимлар орқали ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг халқ, миллат бўлиб шаклланиш тарихий жараёнлари ҳақида талабаларга зарур тушунчалар берилади. Уларни ватанпарвар, ўз юртига садоқатли қилиб табиёлаш, улар онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Шу боисдан ҳар бир инсон у зиёлими, олимми, талабами, оддий фуқароми, ким бўлишидан қатъий назар ўз ота-боболари ва аجدодларининг келиб чиқишини, минтақада узоқ давом этган иқтисодий ва этномаданий алоқалар ва уларнинг туб моҳиятини тўғри англамоқлари лозим.

Зеро ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳам узоқ давом этган турли этномаданий омиллар таъсирида шаклланди. Бу хусусда ўзбек олимларидан академик А.Асқаров, К.Шониезовларнинг энг сўнги илмий ишланмалари доирасидаги илмий-назарий концепциялари муҳим ўрин тутди. Хусусан А.Асқаровнинг фикрича, этногенетик жараён, яъни ўзбекларнинг этногенези **бронза даврининг сўнги босқичларидан бошланиб XI асргача давом этди ва у ғарбий қорахонийлар давлати доирасида, XI-XII асрлар давомида ўзбек халқи узил-кесил шаклланди.** Шундан сўнг ўзбек халқининг этник тарихи бошланади. Ўзбекларнинг этник тарихи давомида, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар узил-кесил шаклланди ўзбек этноси таркибини деярли ўзгартириб юбора олмаганлар, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий даврдан сўнг этнос таркибига сингиб кетганлар.

Ўзбек халқининг миллат тарихи эса XIX аср охири - XX асрнинг бошларидан бошланади. Миллатнинг шаклланиши халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник тарихининг энг юксак юқори чўққиси, камолат босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади. У суверен давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, умум миллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, даҳлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни онглаш даражаси юксак, миллий ғурур, ватанга фидойлик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқораларининг ҳаёт мазмунига,

кундалик турмуш тарзига айланади. Миллатга хос миллий менталитет шаклланади, давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат миллатнинг ҳошиш-иродасини бажарувчи жонли механизмга айланади.

Академик А. Асқаров ўзбек халқи этногенезига бағишланган сўнгги йиллардаги ишларидан бирида ҳар бир халқ этногенези ва этник тарихини ўрганишда қуйидаги назарий ва илмий методологик тамойилларга амал қилиш талаб этилишини кўп бора таъкидлайди:

- **биринчидан**, этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда ўргананётган халқ этногенези қачондан бошланганлигини аниқлаб оломоғи керак. Чунки этнос фақат кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган «аждодларига» бориб тақалади. Бу жараён мил. авв. II минг йиллик охирларида юз берди.

- **иккинчидан**, этнос бу биологик ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. У кишилиқ тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради. Ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник қатламлидир. Дарҳақиқат, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан, то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар унинг асосий таркибини ташкил этган маҳаллий (автохтон) сўғдий-хоразмий ва қадимги туркийзабон қатламлардан ташқари ўзига турли даврда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теваарак атрофлардан келиб қўшилган этник гуруҳларни сингдириб борди.

- **учинчидан**, ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш, этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичидан бошлашни тақозо этади. Чунки этник бирликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши қадим замонлардан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этаётган бутун бир тарихий жараёндир.

- **тўртинчидан**, ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирликнинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги даврларини, унга хос этник белги ва аломатларни аниқлаб, ўрганиб бориш талаб этилади.

- **бешинчидан**, этногенетик жараёни ўрганишда масалага ҳар томонлама ёндошиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимига объектив илмийлик бағишлайди. Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланилаётган бириламчи манбаларнинг нисбати ва хусусиятини билиш муҳимдир. Бу манбалар антропология, археология, этнография, ёзма ёдгорликлар, тилшунослик, эпиграфика ва бошқалардир.

Агар ўзбек халқи шаклланишининг қадимги ва ўрта асрлар даврига эътибор қаратилса, Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётида туркий этник гуруҳлар жуда катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва бу қатламнинг илдизлари анчагина қадимий эканлиги археологик маълумотлар асосида исботланганлигига гувоҳ бўламиз. Қадимги даврнинг бронза босқичига келиб, аждодларимиз ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ва

маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг илдизи милоддан аввалги III-минг йилликнинг охиригача чорагида ҳар икки дунёда, яъни қадимги деҳқончилик ва овчи-балиқчи қабилалар жамоаларида бир вақтда юз беради. Қадимги деҳқончилик жамоаларида иқтисодий-ижтимоий табақаланиш юз беради, минтақада янгидан янги маҳаллий марказлари пайдо бўла бошлайди. Қадимги Бактрия ҳудудларидан илк шаҳарсозлик маданиятининг куртаклари таркиб топади.

Шу минтақага хос сунъий суғорма деҳқончилик ва нисбатан ривожланган ҳунармандчилик хўжалигининг Сополли маданияти вужудга келади. Мазкур маданиятлар билан бир даврда мил. авв. II–минг йилликнинг биринчи ярмида Мурғоб воҳасида Каунчи, Гонур манзилгоҳлари таркиб топади. Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа ва Жарқўтон каби шаҳар типигаги манзилгоҳлар вужудга келади. Бундай маданий марказларнинг шаклланиши мил авв. Биринчи минг йилликлар биринчи ярмида **Қадимги Бактрия** давлатининг таркиб топишига туртки бўлган.

Дарсда талабаларга ушбу аҳоли манзилгоҳларида яшаган қадимги халқлар Ўрта Осиёнинг бронза даврида кенг тарқалган асосий аҳолиси эканлиги улар тарихий адабиётларда “тозабоғёб”, “қайроққум” ёки “андронова маданияти” соҳиблари бўлганлиги тушинтирилади. Илк темир давридан бошлаб (мил. авв. IX-VII асрлар), ўлкамизнинг қадимги деҳқончилик воҳаларида яшовчи ўтроқ аҳоли ўзлари яшаб турган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Хусусан улар Сўғдиёнадаги-сўғдийлар, Қадимги Хоразмдаги-хоразмийлар, қадимги Бактриядаги-бохтарлар, қадимги Чочдаги-чочликлар, Фарғонадаги-парканаликлар. Бу тарихий номларнинг айримларини илк ёзма манбаларда, хусусан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да, Аҳамонийлар миҳхат ёзувларида, юнон-рим муаллифлари асарларида ҳам учратиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг қадимий-тарихий минтақаларидан бири шубҳасиз **Хоразмдир**. Ушбу минтақада ҳам милоддан аввалги VI-V асрларда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаётда туб ўзгаришлар содир бўлади. Дастлаб Хоразм воҳасида Кўзали қир, Қалъали қир, Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа каби маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган қалъалар, шаклланади. Зеро бу бепоён ҳудудлар Арьянам Войчаҳнинг Амударё этакларида таркиб топа бошлаган воҳалар Авестода “хвари-зам”, юнон муаррихлари асарларида “хорасмия” номи, аҳолиси эса хоразмликлар деб аталганлиги қайд этилади. Ушбу маданият соҳибларининг Хоразм ҳудудларига кириб келиши сўнги бронза ва илк темир даврининг маҳаллий ҳокимликлари конфедерациясининг парчаланишидан сўнг, хорасмийларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига кириб келиши билан боғлиқдир. Шу даврдан бошлаб массагетлар юртининг воҳалари Хоразм, яъни “Қадимги Хоразм” деб аталадиган бўлди.

Тарих фанида Ўрта Осиёнинг қадимги Фарғона, Тошкент воҳаси, Сирдарё ҳавзаларида яшаган халқлари этногенези хусусида ҳам қатор маълумотлар мавжуд. Милоддан аввалги III-I ва милодий эра бошларида қадимги Фарғонада суғорма деҳқончилик маданияти анъаналари асосида

ривожланган **Фарғона (Хитой манбаларида “Даван”** деб аталган) илк давлати ташкил топади. Ушбу давлат пойтахти Эрши эканлиги тилга олинади. Манбаларга кўра Фарғона давлати милоддан аввалги II-I асрларда Ўрта Осиёнинг юксак тараққий этган, аҳолиси кўпсонли, яхши қурулланган ва машқ қурган кучларга эга давлати ҳисобланган. Аҳоли шоли экиш, ерга ишлов бериш, боғдорчилик узумчилик билан шуғилланганлар.

Минтақанинг антик даврда таркиб топган яна бир вилояти Чоч ўлкасидир. Чоч ўлкаси ҳақида ёзма маълумотлар милоддан аввалги I-минг йилликнинг иккинчи ярмига мансуб бўлиб, ушбу минтақада яшаган аҳоли чочликлар деб аталган. Чочнинг қадимги аҳолиси ва унинг тарихий илдизлари Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари деҳқончилик маданиятлари таъсирида секин-аста ўтроқ ҳаётга ўтган қадимги сакларга бориб тақалади.

Милоддан аввалги III асрга келганда бу ўлкада қадимги деҳқончилик қишлоқлари асосида илк шаҳарлар қад кўтара бошлайди. Атрофи мудофаа иншоатлари билан ўраб олинган ана шундай қишлоқлар дастлаб Чирчиқ дарёсининг ўрта ва қуйи ҳавзаларида пайдо бўлиб, унинг аҳолиси таркибини суғдий ва туркий тилли қабилалар ташкил этган. Шундай манзилгоҳлар ҳамда сакларга тегишли маълумотлар Тошкент воҳасининг Оккўрғон туманидаги Қанқатепа, Янгийўл шаҳридаги Қовунчитепа, Шоштепа (Чочтепа) ва бошқалар бўлиб, бу масканларда қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос белгилар милоддан аввалги III-II асрларда таркиб топган.

Қадимги ва антик давр минтақа аҳолиси этногенезида муҳим икки жиҳат характерли бўлиб, академик **К. Шониёзов**нинг қайд этишича Ўрта Осиё қадимги жамоаларининг урбанизациялашуви икки йўлдан борди. Биринчиси Амударё ва унинг ирмоқлари ҳавзаларида ташкил топган цивилизация ўчоқлари; иккинчиси Сирдарё ва унинг ирмоқлари ҳавзаларида таркиб топган цивилизация ўчоқлари. Амударё ҳавзалари билан боғлиқ маданий хўжалик марказларининг шаклланиш жараёни бронза давридан бошланган ва уларнинг таркиб топишида Қадимги Шарқ цивилизациясининг таъсири кучли бўлган.

Биринчи йўлга хос урбанизация жараёни Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбидан унинг шимолий-шарқи томон кенгайиб, бу минтақада сўнги бронза давридан бошлаб бирин-кетин тарихий маданий вилоятлар шаклланиб боради. Ўрта Осиё ҳудудида дастлаб бронза даврида (милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида) Парфия, Марғиёна ва Бактрия вилоятлари таркиб топади. Уларнинг маданий хўжалик таъсирида илк темир даврида (милоддан аввалги IX-IV асрлар давомида) Суғдиёна маданий маркази ташкил топади.

Суғдиёна маданий марказининг уч ўчоғи мавжуд бўлиб, уларнинг шаклланиши Суғдиёнанинг барча ҳудудларида бир вақтда, бир хил ривожланишда бўлмаган. Агар бу жараён жанубий Суғдда милоддан аввалги IX-VI асрларда юз берган бўлса, у марказий Суғдда милоддан аввалги VII-V асрларда содир бўлди. Ғарбий Суғд, яъни Бухоро вилоятида шаҳарсозлик маданияти улардан кейин, милоддан аввалги VI-IV асрларда юз берди.

Нисбатан кечроқ антик даврида юз берган Қадимги Фарғона ва Чочда шаҳарсозлик маданияти, урбанизация жараёни Қадимги Шарқ цивилизация ўчоқларининг билвосита таъсирида ривожланди. Бу минтақада чорвадор сак қабилаларига хос ҳаёт тарзи кучли эди. Турон сакларининг ўтроқлашиш жараёни анча суст кечди. Сирдарё ҳавзалари аҳолиси ҳаётида маҳаллий анъана, тарихий миллийлик кучли эди. Ўрта Осиёда Македониялик Александр ҳарбий юришларидан кейин, Салавкийлар ва Юнон-Бактрия подшоликлари даврида юнон маданиятининг таъсири сезила бошлайди. Моддий ва маънавий маданиятда баробарлашув жараёни кўзга ташланади. Қадимий маданий хўжалик анъаналари асосида шаклланган Фарғона ва Чоч маданий хўжалик марказлари таркиб топади. Бир вақтни ўзида ана шу маданий хўжалик марказларининг, цивилизация ўчоқлари негизида маҳаллий бахтарий, сўғдий, хоразмий, Чоч ва Фрағона халқлари шаклланиб боради.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқларининг этник шаклланиши ва этномаданий жараёнларда бу ҳудудга кўчиб келган турли халқлар ҳам фаол иштирок этганлар. Юечжилар, хионийлар, кидарийлар, эфталийлар шулар жумласидандир. IV асрнинг охирларидан бошлаб, Ўрта Осиёда йирик туркий этнослар хионийлар ва эфталийларнинг ўтроқлашув жараёнлари кучаяди. V-VI асрларга келиб, эфталийлар ва хионийларнинг асосий қисми турғун ҳаётга ўтадилар. Бу қабилалар ўтроқ ҳаёт кечириб чорвачилик билан бир вақтда деҳқончилик билан шуғулланганлар.

VI асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда **эфталийлар** ва **турк** хоқонлиги ўртасида кураш бошланади. Тарихий манбалардан бизга маълумки, VI асрнинг ўрталарида Олтойда, Жанубий Сибир, Еттисув, Шарқий Туркистондаги бир неча қабилалар бирлашуви натижасида йирик Туркий хоқонлик ташкил топади. Қисқа вақт ичида хоқонлик кучайиб, Ўрта Осиёнинг катта қисмини босиб олади.

Туркий хоқонлик даврида (VI-VIII асрлар) дастлаб Шарқий Туркистон Тошкент воҳаси, Зарафшон, Қашқардарё воҳалари, Сурхондарё ва Фарғона водийлари Хоразм ҳудудларига туркийзабон гуруҳларнинг кириб келиши янада кучаяди ва уларнинг кўпчилиги бу ҳудудларда турғунлашиб қоладилар. VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларига бостириб кирган вақтларда бу ҳудудларда ўтроқ ва ярим ўтроқ туркийзабон аҳоли, сўғдийлар, тохарлар, чочликлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб бориб араб халифалиги таъсирига тушиб қоладилар.

Маълумки, VIII асрнинг 2 ярмидан Шарқий Туркистон, Еттисув ҳудудларида туркий қарлуқ, чигил, яғмо қабилалари кучая бошлайдилар. Улар орасидан IX асрнинг ўрталарига келиб қорлуқларнинг нуфузи ортиб Еттисув, Чимкент вилояти, Тошкент воҳаси, Фарғонанинг шимолий-шарқий қисмларини ўз ичига олган **Қарлуқлар** давлати ташкил топади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этилишларича, ўзбек халқининг шаклланишида туркий Қарлуқ давлатининг аҳамияти катта бўлган. Зеро X аср ўрталаридан бошлаб бу давлат Тарихий манбаларда **Қорахонийлар** давлати номи билан тилга олинади.

Ёзма манбаларнинг маълумот беришича IX-X асрлар қарлуқлар эгаллаб турган ҳудудларда 20 дан ошиқ шаҳар, кўплаб қишлоқлар бўлган. Қарлуқлар кўп сонли, нуфузли "халқ" бўлиб, бир қисми чорвачилик билан, бир қисми деҳқончилик билан шуғулланган. Қарлуқлар яшаган ҳудудларда йирик этнослар-чиғиллар, яғмолар, халачлар ҳам яшаган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрича, улар бир-бирига қон-қариндош бўлиб туркий тилда сўзлашганлар. XI асрнинг биринчи ўн йиллигидаёқ жанубий ҳудудларнинг то Балх вилоятигача бўлган ерлари дастлаб қорахоний туркийлар, сўнг эса ғазнавийлар қўлига ўтади. Бунинг натижасида навбатдаги катта туркий қатламларнинг Сўғдиёна, Хоразм ва Тохаристон ерларига кириб бориши содир бўлади. Қорахонийлар даврида Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида туркий қатламлар яшар эдилар.

Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил туркий тил лаҳжаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий туркий тил юзага келиб, уни Маҳмуд Қошғарий "энг равон тил" деб атаган эди. Туркий тилда IX-XII асрлар мобайнида бир қатор асарлар ёзилган бўлиб, **Аҳмад Югнакий**нинг (775-869) "Ҳибатул ҳақойиқ" (Ҳақиқатлар тухфаси) достони, **Юсуф Хос Ҳожиб**нинг {XI аср), "Қутадғу билик" (Саодатга йўлловчи билим) асари, **Аҳмад Яссавий**нинг (1041-1167 "Ҳикматлар"и ҳамда "Ўғузнома", "Алпомиш", "Гўруғли" каби дostonлар шулар жумласидандир.

Мовароуннахр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилда сўзлашувчи аҳолиси X асрдан бошлаб ўзини "тозик" яъни "тожик" деб юрита бошлайдилар. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўрталаридан 1213 йилгача)дан кейин ҳукумронлик қилган кейинги сулолалар, Ғазнавийлар (997-1187), Салжуқийлар (1040-1147), Хоразмшоҳ ануштегенийлар (1097-1231)нинг барчаси туркий қавмга тегишли бўлиб, ўз вақтида нафақат Ўрта Осиё, балки Ўрта Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқега эга бўлганлар.

Илк ўрта асрларда Мовароуннахр ва Хоразм ҳудудларига кетма-кет бир неча туркий қабилаларнинг кириб келиши кузатилади. Даврий жиҳатдан уларни қуйидаги тарзда қайд қилишимиз мумкин: Юэчжилар (мил.авв. II-I асрлар), Хионийлар (милодий IV аср), Кидарийлар (IV-V асрлар), Эфталлийлар (V аср), Туркийлар (VI-VII асрлар), Қарлуқ, Жикил, Яғмолар (IX-X асрлар), Ўзузлар, Қорахитойлар (XI-XII асрлар).

Бу жумладан, ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқлари минг йиллар давомида азалдан ҳозирги яшаётган минтақаларида яшаб келганликларини тасдиқлайди. Лекин улар бу пайтда ҳали ҳозирги номлари билан аталмаганлар. Улар умумий ном билан "туркий" деб ёки бўлмасада, ўз қавмлари, қабила-уруғлари номлари билан аталганлар. Ягона этник номнинг халқнинг умумий номига айланиши яъни "этноним" маъно касб этиши кейинги даврларда содири бўлганлиги аниқ. Бунинг ўзбек атамасининг пайдо бўлиши, халқининг умумий номининг вужудга келишида ҳам кўришимиз мумкин.

Жумладан, "ўзбек" атамасининг келиб чиқиши хусусида фанда турли ёндошувлар мавжудлиги аён. Бир гуруҳ олимлар "ўзбек" атамасининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) билан боғласалар,

иккинчи гуруҳ олимлар “ўзбек” атамаси ўрта асрларда Дашти Қипчоқда яшовчи кўчманчи халқларнинг бошқаларга тобе бўлмаган, “ўзига бек”, “ўз-ўзига бек”, талқинидан келиб чиққан деб ҳисоблашади.

Юқоридаги фикрларга кўра, “ўзбек” атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхонга қадар ҳам қўлланилган. Жумладан Мирзо Улуғбек ўзининг “Тарихи арбаъ улус” асарида “ўзбек улуси Ўзбекхонга берилди” деб қайд қилади. Бундан ташқари Ўзбекхондан олдин ҳам шу номда бир неча тарихий шахслар ўтган. Жумладан, XIII- аср бошларидаги Озарбайжон ҳукмдорининг исми ҳам Ўзбек Отабек бўлган.

Масалан, илк ўрта асрларда Мовароуннаҳр ерларида яшовчи аҳоли ҳали “ўзбек” номи билан юритилмай тарихий манбаларда умумий ном билан “туркийлар” деб юритилар эди. XVI аср бошларида Дашти Қипчоқ ерларида қатор ўзбек уруғ ва қавмлари истиқомат қилишган. Тарихий манбаларда “Ўзбек” атамаси XIII - аср охирига тааллуқли асарларда илк бор учрасада, XV - асрда Дашти Қипчоқда (ҳозирги Қозоғистон ва Фарбий Сибир чўлларига тўғри келади) Абулхайрхон (1428-1468) томонидан кучли давлатга асос солинади. Қудратли давлат шу даврлардан бошлаб Мовароуннаҳрдаги сиёсий жараёнларга аралаша бошлайдилар.

Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) даврида Дашти Қипчоқдаги айрим ўзбек қавмларининг темурийлар давлатига таъйиқи янада кучаяди. Натижада Мовароуннаҳрдаги темурийларнинг сиёсий тарқоқлигидан унумли фойдаланган Шайбонийхон бошлиқ уруғлар бу ерларни истило этиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга оладилар. Яъни Мовароуннаҳрни ўзбек уруғлари эгаллаб олганлиги учун, мазкур ерларни ўзбеклар юрти, шу ерда азалдан яшаётган туркий аҳоли эса, умумий ном билан ўзбеклар, деб юритила бошланади.

Бундан шундай хулосага келиш керакки, асли Мовароуннаҳр ҳудудларида азалдан ўзбекларнинг кўпгина аجدодлари яшаб келган. Аммо Шайбонийхон бошчилигидаги туркий қавмлар бу ерга келиб жойлаша бошлагач, улар сўнгги кўшилиш бўлганлар, холос. Яъни, бу ердаги маҳаллий уруғ ва қавмларга ўз номларини бериб, бутун икки дарё оралиғида яшовчи халқлар, умумий ном билан ўзбеклар, деб юритила бошланади.

Юқорида таъкидланганидек, XI-XII асрларга келиб ўзбек халқи халқ сифатида шаклланиб, ўзининг антропологик-этник хусусиятини олиб бўлган эди. Ана шу халқ ўзининг “Ўзбек” номини XVI асрга келганда олади. “Ўзбекистон” сиёсий атамаси ва ўзбек миллати атамаси 1924-1925 - йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий давлат чегараланишидан сўнг шаклланди.

Миллат - ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб бориши, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши билан элатлар ва халқлар миллатга айланади. Миллат кишилар уюшувининг энг олий формаси бўлиб, у кишиларнинг маданий ва психологик онги (менталитети) билан ажралиб турадиган шаклидир.

Миллат билан халқ таърифига қўйилган талаблар ташқаридан қараганда бир-бирларига ўхшаш кўринсада, аммо моҳият жиҳатидан улар бир-биридан бирмунча фарқ қилади.

Биринчидан, халқ узил-кесил шаклланган феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули, миллат эса капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсулидир.

Иккинчидан, халқ ўзаро уюшган шароитда унинг чегаралари тарих тақозосига кўра, ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлиши мумкин (масалан урушлар, халқнинг кўчиши, савдо, иқтисодий алоқалар ва бошқа омиллар туфайли). Аммо, миллат давлат чегаралари қатъий, мутлақо дахлсиз, жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган ва муҳофазали бўлади.

Учинчидан, халқ шаклланган пайтда ҳамма вақт ҳам унинг этник номи бўлавермайди, халқ миллат даражасига кўтарилганда эса унинг этник номи бўлиши шарт. Масалан ўзбек халқи номи унинг элат (халқ) сифатида шаклланиб бўлгандан анча кейин пайдо бўлган.

Тўртинчидан, халқнинг сиёсий уюшмаси яъни давлати тарих тақозосига кўра, ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталаверилмайди, аммо халқ миллатга айланганда давлат номи ўша миллат номи билан юритилиши шарт.

Бешинчидан, этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ватан фидоиси бўлиш, ўз халқидан фахрланиш ҳисси ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра, кўпчиликда бир хил, юксак даражада бўлавермайди. Аммо халқ миллат даражасига кўтарилганда бу сифатлар юксак даражада бўлади.

Олтинчидан, этноснинг тил бирлиги элатнинг халқ даражасида ҳамма вақт ҳам давлат моқомини олавермайди, халқ миллат даражасига чиққанда унинг тили албатта давлат мақомини олади. Миллат ўзининг тили учун қайғуради ва уни ҳимоя қилади, унинг адабий тили таркибига ҳар қандай чет сўзларни тикиштиравермайди. Миллат вакили ҳар жойда ўз она тилида гапиради.

Еттинчидан, миллий менталитет этноснинг халқ даражасида эмас, балки миллат даражасида шаклланади ва ниҳоят, *саккизинчидан*, миллат узил-кесил шаклланганда давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат халқ хизматчиси, барча соҳаларда миллат талаби ва ҳоҳиш-иродасини бажарувчи механизмга айланади.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олган. Ўзбек халқи асосан икки тил (туркий ва форсий)да сўзлашувчи халқлатларнинг аралашуви ва қоришувидан таркиб топган бўлиб, бу икки тилда сўзлашувчи жамоаларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви сўнги бронза даври (мил. авв. II - минг йилликнинг охири)да юз берди. Бу даврни ўзбек халқи этногенезининг бошланиши яъни **биринчи босқичи** деб ҳисоблашимиз мумкин.

Сўнги бронза давридан бошланган ассимиляция жараёни антик даврга келиб (мил.авв. IV-II асрлар), ўзбек халқига хос иқтисодий хўжалик, этномаданий ва антропологик тип бирликларини ўзида мужассамлаштирувчи, ўтроқ ҳаётга мослашган туркий худудий майдон

таркиб топди, ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланди. Натижада милоддан олдинги II-милодий I асрлар давомида туркий тилли элат таркиб топди. Бу даврга ўзбек халқи этногенезининг **иккинчи босқичи** сифатида қараш мумкин.

Ўзбек халқи этногенезининг **учинчи босқичи** илк ўрта асрлар даврини ўз ичига олади (Милодий IV-VII асрлар). Илк ўрта асрлар даври кушонлар империяси ва Қанғ давлатининг инқирозидан бошланади. Ўрта Осиё худудларига туркийгўй хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк ҳоконлиги кириб келди ва улар билан бирга кириб келган қабилалар таркибида қарлук, чигил, тухси, аргун, турк, қалтатой, мусабозори каби туркий забон қабилалар кўп эди. Ю.А.Якубовскийнинг таъкидлашича, бу даврда Ўрта Осиёнинг бирор жойи қолмадики, у ерларга туркий қабилалар кириб бормаган бўлса.

Моварауннаҳр ерларини араблар эгаллагач, улар бу заминга туркий қабилаларини мунтазам кириб келишини тўхтатиш йўлини қидирдилар. Бу заминга олдинроқ кириб келиб ўрнашиб қолган туркийларнинг ўтроқлашиши жадаллашди. Натижада, бутун VIII - аср давомида Мовароуннаҳр худудларида яхлит туркий этник қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга келди. Маҳаллий суғдий забон аҳоли орасида туркийлашиш жараёни жадаллашди. IX-X асрларда Мовароуннаҳрда гарчи сиёсий ҳокимият сомонийлар қўлида бўлсада, Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлди. Бу кучли этник асосни ўтроқлашган турғун турклар ташкил этарди. Бу даврга даврга ўзбек халқи этногенезининг **тўртинчи босқичи** сифатида қараш мумкин. Қорахонийлар даврида Моварауннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолалар қўлига ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг яқунлови **бешинчи босқичи** бошланди. Ўзбекка хос туркий этнос минтақада қарор топди. Элатга хос барча этник омиллар рўёбга чиқади. Демак, ўзбек элати халқ сифатида XI-XII асрнинг биринчи ярмида узил-кесил шаклланди

Ўзбек халқининг шаклланиши билан унинг этник тарихи бошланади. Ўзбек халқининг этник тарихи ҳам узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, бу жараён минтақада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топа бошлаган давргача, яъни XIX-асрнинг охири XX-асрнинг бошларигача давом этди. XX аср бошларига келиб ўзбек миллатининг узил-кесил шаклланиши ниҳоясига етди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг таъминланиши. Бугунги кунда Ер юзида 6 миллиарддан зиёд аҳоли яшаб келмоқда. Ўзбекистон ҳам кўп миллатли мамлакатлар қаторига қиради. Жаҳон динларининг муқаддас китобларида қайд этилишича, Оллоҳ асли инсонни бир ота, бир онадан яратган, лекин улар бир-бири билан мулоқот қилиши, танишиши учун миллатларга бўлиб қўйган. Давлатлар бу борада кўпмиллатли (полиэтник) ва бирмиллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакиллари мавжудлиги азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам

бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг хал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқдир. Халқимизнинг «қўшнинг тинч – сен тинч» деган мақолида ана шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда, биринчи навбатда, қўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар орасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Шу билан бирга бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тўла қондириш, улар ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри хал қилишга ёрдам беради. *Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.*

Биринчи Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, қуйидагича таъкидлаган: *«Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташиқил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир».* Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бермоқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар аждодлардан-авлодга ўтиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Ўзбекистон ривожига қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалани оқилона, халқаро тамойилларга мос йўл билан ечиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш чора-тадбирларини кўрди. Бу борада конституциявий талаблар асосида иш тутилди. Юртимизнинг кўпмиллатли халқи онгида **«Ўзбекистон — ягона Ватан»** деган ғоя асосида ҳақиқий ватандошлик

туйғусини шакллантириш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро хурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган.

Бу борада мамлакатимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «**Байналминлал маданият**» маркази ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 150 га яқин марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди, улардан 14 таси республика миллий маданий маркази мақомига эга. Шунингдек 10 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар, 10 тилда газеталар, 8 тилда журналлар босилмоқда. Олий, ўрта-махсус таълим тизимида 7 тилда таълим олиб борилмоқда. Қаердаки миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади, — улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсиқ — тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат, зарарли ғоя тузоғига тушиб қолган жамият табиий равишда халокатга юз тутади. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина фашизм ғояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, офат-балолар ёғдириб, охир-оқибатда ўзи ҳам халокатга учради. Лекин ханузгача шовинизм, иркчилик, терроризм ғояларини миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғоясига қарши юриш уюштиришга уринаётган кучлар борлиги барчамизни хушёр торттирмоқда. Демак, фақат миллатлараро тотувлик ғоясига таяниб, умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидек олижаноб мақсадларга эришиш мумкин.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар

Илк шаҳарсозлик, Қадимги Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм, зардуштийлик, Авесто, зардуштийлик, қадимги Фарғона, Қанғ давлати, Кушонлар давлати, Бронза даври, савдо ва транзит йўллари, «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», Буюк ипак йўли, савдо ва маданий алоқалар, этногенез, этник тарих, миллат, элат.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Қадимги Хоразм давлатининг ўзбек давлатчилиқ тарихида тутган ўрни.
2. Қадимги Бактрия давлати ва унинг ривожланиши.
3. Қадимги Сўғдиёна давлати ва тараққиёти.
4. Эрон аҳамонийларининг Ўрта Осиёга юришлари ва уларнинг оқибатлари.
5. Юнон–македон кўшинларининг Ўрта Осиёга юришлари ва унинг оқибатлари.

Назорат саволлари:

1. Қадимги Ўзбекистон ҳудудларида шаклланган илк давлат бирлашмалари қайсилар?
2. Қадимги Хоразм ва Қадимги Бактрия давлатларининг ўзбек давлатчилиқ тарихида тутган ўрни қандай.
 1. Кушонлар давлатининг ташкил топиши ва сиёсий уюшувига туртки бўлган омиллар нима эди?
 2. Кушонлар даврида маданий ҳаёт ривожланганлигини қайси соҳаларда кўриш мумкин ?
 3. Буюк ипак йўлининг тарихий ривожланиши ҳақида гапиринг.
 4. Амир Темур ва темурийлар даврида Буюк ипак йўлининг раванк топишига туртки бўлган омиларни айтинг.
 5. Буюк географик кашфиётларнинг Буюк ипак йўли мавқеининг пасайишига таъсири нималарда намоён бўлган эди?
 6. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳақида гаприб беринг.

Адабиётлар рўйхати

2. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. -Т., 1999.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т., 2015
4. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. (Қадимги давр ва ўрта асрлар) Т., 2001.
5. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Т., 1991.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Т., 2002.
7. Сағдулаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. -Т., 1996.
- 8.8. Ўзбекистон халқлари тарихи. (академик А.Асқаров таҳрири остида). 1 қисм. Т., 1992.
9. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент., 1982.
10. 10.Эшов Б. Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. (Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма). Т., 2006.
11. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
12. Усмонов Қ, Содиков М, Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I қисм. Ўқув қўлланма. Т.: «Мерос», 2002.
13. Усмонов Қ, Содиков М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик». Т., 2006.

4-мавзу. Илк ўрта аср давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Режа:

1. Кидарийлар, Хионийлар ва Эфталий (Эфталит)лар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
2. Турк ҳоқонлиги ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари.
3. Ўрта Осиё араб халифалиги даврида. Ўлкада ислом динининг кенг тарқалиши ва араблар юришларининг натижалари.
4. Араблар босқинидан кейин Мовароуннахр ва Хуросондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, солиқлар.

1. Кидарийлар, Хионийлар ва Эфталий (Эфталит)лар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Милодий 4 аср ўрталарида, аниқроғи 353 йилда ўлкага Еттисув ва Шарқий Туркистондан Грумбат бошчилигида хионийлар номли кўчманчи қабилалар бостириб кирадилар. Хионийлар Кушонларга зарба бериб, Сирдарёдан то Амударё ҳавзасигача бўлган худудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатадилар. Аммо 359 йил хионийларга ғарбдан ушбу давлатга Эрон тажовуз қила бошлайди. Натижада Эрон шоҳи Шопур II билан Сурия худудида бўлган жангда Грумбатнинг ўғли ҳалок бўлади.

IV-асрнинг 60-70 йилларда Эрон билан муносабатлар яна кескинлашиб, Эрон шоҳи Шопур II хионийлар билан кураш олиб боради ва икки маротаба енгилади. Адабиётларда бу курашда **хионийлар кидарийлар** билан иттифоқчиликда бўлган бўлишлари ҳақида маълумотлар тахмин қилинади. Чунки бу даврда Сирдарё бўйидан Амударёгача чўзилган худуд хионийлар таъсири остида бўлган.

Шундан сўнг IV-V асрларда Ўрта Осиё худудига кидарийлар, эфталийлар номли туркий этник гуруҳлар кириб келадилар. Кушонлар сулоласи ағдарилиб, ҳокимият аввал кидарийлар, кейинроқ эфталийлар қўлига ўтади. Кидарийлар ҳақидаги тарихий маълумотлар фанда жуда кам бўлиб, улар хионийлар билан иттифоқда бўлганликлари ҳақида учрайди, холос. Аммо улар Ҳиндистонда 15 йил ҳукмронлик қилганликлари, 477 йил Гандхардан Хитойга элчилар юборганликлари маълум холос. Баъзи манбаларда улар Шарқий Туркистондан Ўрта Осиёга кириб келган кушон қабилаларининг аجدодлари бўлиши мумкинлиги айтилади. Бу тарихий жараёнда Ўрта Осиёда яна этник аралашув юз беради. Ташқаридан кириб келган бу туркий этник гуруҳлар маҳаллий аҳоли таркибига қўшилиб кетадилар.

Тарихдан аёнки милоднинг V аср бошлари VI аср ўрталаригача Ўрта Осиёда эфталитлар давлати ҳукмронлик қилган. Бу даврга келиб **эфталитлар** давлати ижтимоий иқтисодий жиҳатдан анча юксалад. Натижада Эрон билан ушуб давлат ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, улар ўртасида бир неча

марта тўқнашувлар бўлиб ўтади. Улар ўртасидаги биринчи тўқнашув V-асрнинг 30-йиллардидек содир бўлган эди.

Аммо давлатнинг кучайиб кетиши Хитой билан алоқаларни юмшатишни тақоза қилади. Натижада, 456 йилдаёқ эфталитлар ўз элчиларини Хитойга жўнатадилар. Эфталитлар тобора жанубга қараб силжий бошлайдилар ва ўз навбатида уларнинг Эрон билан муносабатлари кескинлаша боради. Эрон билан ҳал қилувчи курашлар даври шоҳ Пероз (Феруз) даврига (459-484 йй.) тўғри келади. Тахминан 457 йили Вахшунвар Эфталон бошчилигидаги эфталитлар Чағониён (ҳозирги Сурхондарё вил. Термиз шаҳридан шимолдаги ерлар), Тоҳаристон, Бадахшонда ўз ҳокимиятларини ўрнатадилар ва унингш ҳудудлари кенгаяди.

459 йилда Эрон шоҳи Пероз ва Эфталитлар ўртасида жанг бўлиб ўтади. Аммо биринчи урушда Пероз мағлубиятга учрайди ва асирга тушади. Византия императори Зенон ўртага тушиб уни озод қилиб олади. Пероз чегарадаги Талқон (Таликон) шаҳрини эфталитларга топшириш чегарадан ўтмаслик мажбуриятини олади. Бу мағлубиятдан хулоса чиқариб олмай, у яна иккинчи марта эфталитлар устига юриш бошлайди. Бу курашда ҳам мағлубиятга учрагач Пероз асирга олинади ва 30 хачир кумуш танга тўлаш мажбуриятини олади. Бироқ хазинадан 20 та хачирга етгулик маблағ топилади холос. Перознинг ёш ўғли Кубод эфталитлар қўлида гаровга қолдирилади, шундан кейин Пероз тутқунликдан халос этилади. У эфталитларга 2 йил мобайнида солиқ тўлаб туриш мажбуриятларини ҳам олади. Пероз ўлпон тўлаб бўлгач, эфталитлар билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қилади. У эфталитларга сулҳ тузишни ва ўзининг тинч мақсадларини намоён этади. Аммо ўртадаги вазият кескинлашгач, эфталитлар ва сосонийлар ўртасида 484 йили охирги жанг бўлиб ўтади. Бу кураш Марв яқинида сосонийларнинг мағлубияти билан якунланади. Шундан сўнг Ўрта Осиёга Сосонийлар тажовузи ва қудратига эфталитлар томонидан чек қўйилади.

Аммо бу кезларда Эронда бошланган тенгсизликларга қарши **Маздак қўзғолони** бўлиб ўтади. Яъни маздакчилар «З» ҳарфи билан бошланадиган 4 нарсанинг аҳоли ўртасида тенг баҳам кўрилишини ёқлаб чиққандилар: Замин (эр), Зар (олтин, бойлик), Зўрлик (куч-ҳокимият) ва Зан (хотин). Маздакчилар илгари сурган бу хил ғоялардан шуни англаш мумкинки, улар ижтимоий адолат тушунчасини биринчи ўринга қўйиб, бунда эр-мулк, бойликларни аҳоли ўртасида баровар тақсимлаш талабини илгари сурганлар.

Уларнинг асосий талаби, давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг дахлсизлиги ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини, аёллар тенглигини ёқлаганлар. Бироқ ўша даврда, синфий табақаланиш тобора кучайиб, мулкий тенгсизлик авж олаётган бир пайтда маздакчилик ғояларининг тантана қилиши ёхуд ҳаётга татбиқ этилиши мумкин эмас эди. Шу боис ҳам **Маздак қўзғолони** тез орада ҳукмрон тузум кучлари томонидан бостирилди. Маздак ва унинг кўплаб тарафдорлари қўлга олиниб ўдирилади. Шунга қарамай Эрон ва Турон аҳолисининг кенг қатламлари орасида Маздак ғоялари сақланиб, уларнинг ҳақ, адолат йўлидаги курашларига хизмат қилди.

Ушбу давлатда дастлаб ер эгалиги мунсабатлари шакллана бошлаган ва унга хос белгилар шакллана бошлаган. Мазкур давр илк ўрта асрларнинг бошланиши сифатида Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида ер эгалиги ҳукмронлиги даври бўлиб, ушбу соҳа аста-секинлик билан жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этган. Шу тариқа илк феодал мунсабатлар таркиб топа бошлади. Ўрта Осиёнинг қадимги кашоварзлар ер эгалиги ва деҳқонзодалари жамият иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўткази бошлайдилар. Натижада, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг барча жабҳаларида, савдо-сотикда йирик мулк эгалари деҳқонзодалар ва ўрта ва майда мулк эгалари—*кашоварзлар* ҳал қилувчи рол ўйнай бошлайдилар.

Илк ўрта асрлар Ўрта Осиёнинг **деҳқонзодалари** ва майда мулк эгалари—**кашоварзлар, озоқдорлар** ва **гувақорлар** (ғувақор) биргаликда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим рол ўйнаганлар. Улар жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланганлар. Натижада, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг барча жабҳаларида, савдо-сотик ер эгалиги ривож топди. Жамиятда ҳарбий ҳокимият ўрнатган туркий сиёсий куч эса Ўрта Осиё шимолий – шарқидан тўхтовсиз туркий этник гуруҳларни кириб келишини тезлатади. Жойларда бошқарув тизими турк аслзодалари қўлига ўта бошлайди. Эфталитлар даврида янги мунсабатлар, яъни ер эгалиги муносабатларининг таркиб топа бошлаши билан суғориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари—**"деҳқонлар"** қўлида тўплана бошлаган эди. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин қўшчилари **кашоварзлар** секин-аста зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам **кадиварларга** айлана бошлаганлар.

Ер эгалиги муносабатлари ривожланиши баробарида ерлар бир неча тоифаларга бўлинган. Хусусан давлат ерларидан ташқари ибодатхоналар, яъни диний маҳкамаларнинг ер-мулклари ҳам таркиб топа бошлайди. Хусусан бу даврга келиб асосий ерлар деҳқонлар яъни қишлоқнинг ҳокимлари қўлида тўплана бошлаши баробарида, ибодатхоналарга тегиши ер-мулклар ҳам таркиб топа борган. Улар **"вағнзе"** деб юритилган. Шу даврларда воҳа ва водийларда эфталитларнинг ўтроқлашуви кучаяди. Бунинг оқибатида эса суғориладиган ерларга бўлган талаб ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади.

Эфталитлар даврида ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Айниқса кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик касб-ҳунарлари раванқ топган. Чочда ясалган ўқ ва ёй "камони чочий" номи билан машҳур бўлган. Катта-кичик шаҳарлар сони кўпайган. Эфталитлар ҳалқаро савдо соҳасида **Эрон, Византия, Ҳиндистон, Хитой** билан савдо-сотик муносабатларини олиб боришган. Эфталитлар Буюк ипак йўли савдо йўлини назоратда тутишга ҳаракат қилганлар. Ипак йўли савдосида ва умуман савдогарлар ичида сўғдийлар етакчи ўринни эгаллашган эди. Бу пайтда Ўрта Осиёдан ўтин, қумуш, Бадахшон лаълиси, рангли шиша ва шиша буюмлар,

турли хил мевалар, ип-газлама, қоракўл, зотдор тулпорлар четга олиб чиқилган.

Шаҳарлардаги қалин мудофаали деворлар ва қўрғонлар илк ўрта асрнинг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Наҳшаб воҳасидаги Заҳоки-Морон қалъаси, Хоразмдаги Фир қалъаси воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилишга хизмат қилган. Шу мақсадда бир неча чақиримлаб узунликдаги қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган "Девори қиёмат", Бухоро воҳасидаги узунлиги 336 километрли "Кампирак", Тошкент воҳасидаги "Кампирдевор" истехком деворлари шулар жумласидандир.

Шунингдек шаҳарларда қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хонадан иборат бўлган. V асрдан сарой, қасрлар қурилишида паҳса ва хом ғишт билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилина бошланган. Сарой ва ибодатхоналар деворлари одатда рангдор тасвирлар билан безатилган. Бундай тасвирий санъат намуналаридан бири Болаликтепа (Сурхондарё) қасри деворларида қайд этилган. Бу нодир тасвирий санъат асарида башанг кийинган аёл ва эркакларнинг зиёфат тасвири туширилган расмлар катта дид ва маҳорат билан ишланган. Шу давр моддий маданият ёдгорлиги сифатида Хоразмдаги Тупроққалъа харобасини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ўша давр меъморчилигининг нодир намуналаридан бири Бухоро яқинидаги Варахша саройидир. Бу қўрғон улкан квадрат шаклдаги тепа устига қурилган. Деворлари ганч қилиниб, деворий суратлар билан безатилган. Хоналар кенг-кенг бўлиб қалин деворлар билан бир-биридан ажралиб турган. Мазкур давлат ҳукмронлиги даврида минтақада ўзига хос маънавий, моддий маданият таркиб топди. Хусусан, сўғдча, хоразмча, бухороча, эфталлийча ёзувлар бўлганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилади.

2. Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё халқлари. Милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда Турк ҳоконлиги ҳукмронлиги ўрнатилади. Натижада минтақада туркий қавмларнинг нуфузи орта бошлаган. Бу даврда маҳаллий ҳокимликлар туркий сулола вакиллари томонидан бошқарила бошланди. Баъзи бир вилоятларда, масалан Жанубий Қозоғистон ва Тошкент воҳасида маҳаллий ҳокимликлар деярли туркийлар қўлига ўтиб кетган эди.

Турк, туркийлар - жаҳондаги энг қадимги ва йирик этнослардан бири. Маълумотларга кўра, ушбу атама бундан 3,5-4 минг йил муқаддам расмсимон иероглифлар билан ёзилган битикларда "тиек" ва "тиаук" шаклида учрайди. Турк сўзи бақувват, кучли, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади. Бир неча минг йил мобайнида туркий қабилалар кўп маротаба бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг қабилавий таркиби ўзгариб турган.

Мил. авв. II-асрдан милодий III-асргача бўлган даврда Турклар Хунн ҳоконлиги таркибида бўлганлиги сабабли Хитой манбаларида сунну, хунну

деб ҳам аталганлар. Мазкур ҳоқонлик емирилгач кейинги 300 йил давомида Хитойликлар Туркларни тиеклэ (теле) деб атаганлар. VI асрда Туркийларнинг Ашина авлоди кучайиб Турк ҳоқонлигига асос соладилар.

Маълумки азалдан ҳозирги Жанубий Сибир, Олтой ҳудудларида туркий этник қатламга мансуб қабилалар яшаб келганлар. VI аср бошларида мазкур туркий қавмлар орасида Ашин (ашина)уруғининг мавқеи кўтарилди бошлайди. Ашин уруғидан Асан (Ашан) ва Туулар 460-545 йилларда бошқа уруғларни ўзларига бўйсундирадилар ва Олтойда туркий қабилаларнинг ягона иттифоқига асос соладилар. Туу ўғли Бумин Теле қабиласини ҳам бўйсундиради.

Бумин маҳаллий Жужан хонлигига тобеликдан чиқиш учун курашади ва 551 йилда Жужан хони кўшинларини енгиб, уларни ўзига бўйсундиради. Бумин 551 йилда Олтойда янги давлат - Турк ҳоқонлигига асос солади. Манбаларда қайд этилишича, унинг пойтахти Олтойдаги Ўтукан шаҳри бўлган. Ҳоқонлик тез орада кучайиб, унинг довуғи ортиб борган. 552 йилда Буминхон вафот этгач, ҳокимиятга унинг катта ўғли Муғанхон (553-572) ўтиради. Муғанхон 558 йилда жўжанларга сўнги бор қакшатқич зарба бериб, ўз давлати ҳукмронлигини Тинч океанигача бўлган ҳудудларда мустаҳкамлайди. Унинг амакиси Истами (унга «Ябғу» - баҳодир унвони берилган эди) бўлса, бу даврда ҳоқонлик ҳудудини ғарбга томон кенгайтириб, Еттисув, Қашқар, Урал, Волга бўйлари ва бошқа ҳудудларни эгаллайдилар.

563-567 йиллар давомида Истами Ябғу кўшинлари эфталийлар давлатига кетма-кет зарбалар бериб унинг ҳудудларини, яъни ҳозирги Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллашга муваффақ бўлади. Бунинг оқибатида Эфталийлар давлати қулатилади. Турк ҳоқонлиги Ўрта Осиё ерларини ишғол этгач, унинг ҳудудлари бевосита Эрон чегарасига туташади..

Шу тариқа милодий VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Турк ҳоқонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан бу заминда туркий қабилаларнинг кириб келиши жадаллашади. Натижада Ўрта Осиёнинг шимолий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий вилоятларида туркий этнос жамиятнинг ҳукмрон этник қатламига айлана бошлайди. Ҳоқонликнинг қарийиб бир асрдан зиёдроқ давом этган ҳукмронлик даврида жамиятнинг ижтимоий таркибида туркийгўй этник қатламлар нуфузи орта бошлади.

Милодий III-IV асрдан эътиборан таркиб топа бошлаган маҳаллий ҳокимликлар аввал маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилган бўлса, Турк ҳоқонлиги сиёсий майдонга чиққач, улар турк сулолалари вакиллари билан алмаштирилади бошланди. Баъзи бир вилоятларда, масалан Жанубий Қозоғистон ва Тошкент воҳасида маҳаллий ҳокимликлар деярли туркийлар кўлига ўтади. Бу ҳол, ёзма манбаъларда тақидланишича, Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига ҳам ёйилган эди. Турк ҳоқонлиги ишончига кирган маҳаллий сулола вакиллари эса ўзларига турк номларини қабул қилиш даражасигача бориб етган эдилар.

Минтақада илк ўрта асрларда Турк хоқонлигининг яна бир қисми бўлган **Уструшона** давлати ҳам ҳукм сурган. Ўша даврда Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий минтақаларидан бири бўлган Суғддан шарқда, Жиззах воҳаси, Зомин, Ўратепа мазилгоҳлари ва Сирдарё ҳавзасида илк ўрта асрлар даврида Уструшона вилояти жойлашган. Истахри маълумотларига кўра, унинг таркибида қатор туманлар жойлашган бўлиб, улар Куркет, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дизак, Бунжикат, Харакана, Фекнан, Фагкат, Минк, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вакр, Шагар, Бургар, Буттам каби рустаклар бўлиб, улар тепасида турган хукмдорлар афшинлар деб аталган.

Биринчи бор Уструшона номи илк ўрта аср Хитой манбаларида учрайди. (Шуайдушана, Судуйшана, Судушина). Бунга кўра, Уструшона IV-V асрлардаёқ мустақил хоқимлик сифатида тилга олинади. Ҳозирги Жиззах шаҳри ҳудудлари ҳам ушбу давлатнинг муҳим марказаридан бири бўлган. Унинг ёш, ташаббускор хукмдори VIII аср бошларида Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади. Араб географларининг хабарига қараганда, Уструшонанинг бош шаҳри Бунжикат (ҳозирги Шахристон) бўлган.

Шахристондан топилган кумуш тангаларга кўра, Уструшонани дастлаб Чирдмиш, Сатачари, Раханч каби маҳаллий афшинлар бошқарган. VIII аср биринчи чорагидан Уструшонани туркий сулола вакиллари бошқара бошлаган. Дарҳақиқат, араб тарихчиси Истахрий 737 йил воқеалари муносабати билан Уструшона афшини турк Харабуға эканлигини эслайди. (чунки ўша кезларда маҳаллий хукмдорлар турклар билан бирга арабларга қарши ҳарбий иттифоқ тузган эдилар). Ундан сўнг яқин 60 йил Уструшона афшинлигини турк Ханахара эгаллайди. У машхур халиф Маъмун ибн Хорун хизматида бўлиб, Ироқ ва Мисрда кўтарилган кўзғолонларни бостиришда қатнашган.

Давлатнинг иқтисодий ҳаётида хом ашё қазиб чиқариш муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, Уструшонанинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда ўтин, кумуш, Зоминда мис ва бошқа металллар, Тузкон кўлида туз, Исфара яқинида Тошкўмир қазиб олинган.

Шунингдек тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик каби соҳалар анча ривож топган. Илк ўрта асрларда мустақил Уструшона давлати ҳудудида Жиззах шаҳри, Зомин, Ўратепа манзилгоҳларининг ривожланиши деҳқончилик, ҳунармандчилик, шаҳарлар тараққиётига, ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада узвийлашувига олиб келади. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди, иккинчи томондан шаҳар ва қишлоқларни қўшни давлатлар билан алоқаси ривожланади.

Ёзма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда ҳам бўлган. Айниқса, карвон йўллари бўйлаб жойлашган ҳудудларда катта бозорлар бўлган. Жиззах, Қизилқир, Зомин рустакларида бозорлар катта ва гавжум бўлган. Истахрийнинг ёзишича, Ўратепа ва Жиззахда ўлканинг катта бозорлари жойлашган. Бу ерга ҳамма ердан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқалган.

Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган. Бу борада Ўратепа шаҳри муҳим аҳамият касб этади.

Манбаларда ёзилишича бу даврда савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотик ишлари олиб боришган. Шаҳар ҳокимлари савдогарлар учун ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда карвонсаройлар бўлган, улар бозорга яқин жойларда жойлашган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган.

Қадимги Уструшонада сунъий суғоришга катта аҳамият берилган. Бунда авваломбор ҳудуднинг табиий иқлим шароитлари муҳим омил бўлган бўлса, иккинчидан ажодларимиз ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик нақадар катта ўринга эга эканлигидан гувоҳлик беради. Дарвоқе ўз ўрнида Уструшона ҳудудларининг табиий шароити, иқлим хусусиятларига мос кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, дончилик, боғдорчилик, полизчилик каби соҳалар ривож топиши баробарида, улардан олинаётган даромад ҳисобидан келаётган солиқлар ҳам давлатнинг бюджетини бойишига хизмат қилган. Минтақада сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ривожланганлиги учун қадимдан улкан миқдордаги ишчи кучларига эҳтиёж сезилган. Хусусан, ўрта асрлардаёқ Уструшонада улкан суғориш тизимлари мавжуд бўлганлиги, уларни барпо этишда эса минглаб хизматчилар меҳнат қилганлиги тарихдан аён.

3. Ўрта Осиё араб халифалиги даврида. Ўлкада ислом динининг тарқалиши ва араблар юришларининг натижалари. Талабаларга дастлаб милодий VI асрнинг иккинчи ярми, VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида ибтидоий уруғ-аймоқчилик муносабатлари эндигина куртак очиб келаётган феодал муносабатлар билан чатишиб кетганлиги ва шу тарзда бу ерда ўзига хос ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланганлиги тўғрисида тушунчалар ҳосил қилинади.

Ислом сўзи "итоат этиш", "**бўйсун**иш" маъноларини билдиради. Бу диннинг асосчиси **Муҳаммад пайғамбардир**. Муҳаммад (сав), Аҳмад ибн Абдуллоҳ (570/571 - 632) - ислом дини пайғамбари ва мусулмонларнинг биринчи жамоаси асосчисидир. Мусулмонлар эътиқодига кўра, Аллоҳнинг охирги пайғамбари ва унинг элчиси. У зот орқали одамларга Қуръон нозил қилинган. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад номларини айтган ёки эшитган киши "саллалоҳу алайҳи васаллам" (сав) - "унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин" ёки "алайҳиссалом" - "унга саломлар бўлсин" деб саловат айтиб қўйиш вожиб ҳисобланади. Қурайш қабиласининг ҳошимийлар уруғига мансуб, Маккада унча бой бўлмаган, лекин Макка зодагонларига яқин оилада туғилганлар. Муҳаммад (сав) гўдакликларидаёқ етим қолганлар. оталари Абдуллоҳ - пайғамбар (ас) туғилмасларидан аввал, олти ёшлиқларида эса - оналари Омина вафот этган. Сўнг М. (сав)ни ўз тарбиясига олган боболари Абдулмутталиб ҳам кўп ўтмай оламдан ўтади. Етим болани тарбия қилишни амакилари Абу Толиб ўз зиммасига олади. 12 ёшларида Муҳаммад (сав) бир муддат Абу Толиб қўлида тарбия топадилар, кейин тижорат ишларига жалб қилинганлар. 21 ёшларида Абу Толиб Муҳаммад

(сав)ни Ҳувайлид ибн Асъаднинг қизи, бадавлат бева аёл Хадича хонадонига дастёрликка беради.

Хадичанинг савдо ишлари билан шуғулланган Муҳаммад (сав) Сурияга сафар қилганлар. Хусусан. Халаб ва Дамашқ Қурайш I Абд Манаф I Ҳошим I Абд ал –Муттолиб Абдуллох, Абу Толиб Аббос (сав) Умар (халифа) Абу Бакр (халифа) Хафса - (пайғамбар) – Ойша Усмон (халифа)-Руқийа I Абд Шамс Умайя шаҳарларига борадилар. Муҳаммад (сав) 595 й. 25 ёшда 40 ёшларга бориб қолган Хадичага уйланганлар. Хадича ҳаётлигида Муҳаммад (сав) бошқа хотин олмаганлар. Муҳаммад (сав)дан Хадича уч ўғил (Қосим, Тоҳир, Таййиб) ва тўрт қиз (Руқия, Зайнаб, Умму Кулсум, Фотима) кўрган. Ўғиллари гўдаклигидаёқ вафот этган. Қизларидан Фотимагина Муҳаммад (сав) авлодларини давом эттирган. Хадича вафотидан сўнг Муҳаммад (сав) бир неча бор уйланганлар (лекин, Ойшадан бошқа бокира қиз хотин олмаганлар), улардан фарзанд кўрмаганлар. Фақат жориялари Мориядан Иброҳим исмли ўғил бўлган. У ҳам ёшлигида нобуд бўлган.

610-йилда Муҳаммад (сав) Маккада ўзларининг худодан ваҳий олаётганларини эълон қиладилар. Буни биринчилардан бўлиб Хадича, Муҳаммад (сав)нинг амакиваччалари Али ибн Абу Толиб ҳамда асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса эътироф этиб имон келтиришган. Кўп ўтмай, Макканинг энг нуфузли савдогарларидан Абу Бакр, Зубайр, Талха, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдураҳмон ибн Авф ва Усмон ибн Аффон Муҳаммад (сав)нинг чин пайғамбар деб тан олишган.

Манбаларда қайд қилинишича, Муҳаммад (сав) издошлари жамоаси дастлабки пайтларда 50 кишидан ошмаган. Макканинг қолган аҳолиси, айниқса, нуфузли курайшийлар эса, М. (сав) таълимотларини очикдан-очик душманлик б-н қарши олган. Бунинг натижасида Муҳаммад (сав) тарафдорларидан 11 хонадон (50 га яқин одам) Ҳабашистон (ҳоз. Эфиопия)га кўчиб кетган. Муҳаммад (сав) жамоаларига жасур жангчилар сифатида танилган Ҳамза б-н Умарнинг қўшилиши жамоанинг мавқеини оширди. Айни вақтда Курайш зодагонларининг Муҳаммад (сав) ва у зотнинг тарафдорларига душманлиги янада кучайди. 620 й.да Хадичанинг, сўнгра Абу Толибнинг вафотидан сўнг Маккада вазият ёмонлашади, у муайян хатар остида қоладилар. Ҳар йилги анъанавий Макка зиёратига келган Ясриб (ҳозирги Мадина ш.)лик Авс ва Хазраж қабилаларининг вакиллари Муҳаммад (сав) билан учрашиб, содиқлик билдиришади ва ёрдам қилишга ваъда беришади, Муҳаммад (сав)ни Ясрибга кўчиб боришга даъват қилишади.

Аввал Муҳаммад (сав)нинг издошлари (асҳоблар) ўз оилалари билан курайш зодагонларидан махфий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчади. Охирида Муҳаммад (сав)нинг ўзлари Абу Бакр (ра) билан жўнаб кетадилар. 622 й.да юз берган бу кўчиш пайти (араб. хижра)дан мусулмонлар эраси - хижрий йил ҳисоби бошланади. Дастлаб, кўпчилик Маккалик мусулмонлар, кейинчалик Муҳаммад (сав)нинг ўзлари ҳам Ясрибга кўчиб ўтишган (Рабиул аввал ойининг 12 ёки 8-санасида ёки 622 й.нинг 24 ёки 22 сент.ида). Ясриб Мадинат ан-Набий ("Пайғамбар шаҳри") ёки шунчаки, Мадина деб атала

бошланди. Шанба ўрнига мусулмонлар учун жамоа бўлиб намоз ўқиладиган жума куни белгиланади. Мадина даврининг аввал бошидан жамоани жипслаштириш ва уни кенгайтиришнинг шаклларида бири маккалик мушрикларга қарши курашиш эди. 623 й. мусулмонларнинг Макка савдо карвонларига ҳужумлари бошланди.

Каъба ичидаги бутлар ва санамлар бузиб ташланди, у янги диннинг энг муқаддас саждагоҳига айлантирилди, бу ерга зиёрат (ҳаж) қилиш бу диннинг шартларидан бири деб эълон қилинди. Маккаликларнинг ўзлари эса Муҳаммад (сав) жамоаларига қўшилди. Бу ҳол Муҳаммад (сав) жамоаларининг бадавийларга таъсирини янада кучайтиришда ва улар ўртасида исломни кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этди. 631 й.да кўп қабилалар Муҳаммад (сав)га бўйсунди ва исломни қабул қилди. Ҳижранинг 10-йили (632 й. мартада) Муҳаммад (сав) ўз оила аъзоларини олиб, Мадина атрофларидаги 100 мингдан ортиқ киши билан Маккага биринчи ва охири марта зиёрат (ҳаж)га бордилар. Буни исломда ҳажжат ул-вадоъ дейилади. Мана шу зиёрат Макканинг ислом диний маркази сифатидаги мавқеини узил-кесил ҳал этди. Ўшандан буён ўтган барча асрлар давомида мусулмонлар Маккани зиёрат қилади. Ана шу зиёратдан уч ой кейин узок давом этмаган касалликдан сўнг Муҳаммад (сав) Мадинада вафот этадилар. Пайғамбар (ас)ни ўз ҳужраларига дафн қилишган, мақбаралари кейинчалик у ерда қурилган катта масжид ичига олинган, мусулмонларнинг зиёратгоҳига айлантирилган.

Муҳаммад пайғамбар муслим (мусулмон)ларнинг ягона Аллоҳ олдида тенг эканликларини, Яратганнинг ўзи ризқ-рўз улашишини, жамиятдаги адолатсизликка қарши жазо муқаррар ва ҳар бир киши бу дунёдаги ишларига кўра тақдирланиши, инсон Яратган, ёлғиз Аллоҳгагина эътиқод қилишини тарғиб қилади. Ислом таълимоти ўз мазмунида яқка Аллоҳга иймон келтиришни тарғиб қилгани, унда инсоф, диёнат, меҳр-оқибат тамойиллари биринчи ўрина қўйилгани боис, аҳоли манфаатларига мос бўлиб, тез орада барча аҳоли орасида тарқала бошлайди.

Юқорида таъкидланганидек, Мадинага кўчиб келган пайғамбар Муҳаммад ўз таълимотини давом эттиради ва эл орасида тезда шуҳрат қозонади. Муҳаммад пайғамбар вафот этгач (632 й), **Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар** (661 йилгача) пайғамбар сиёсатини давом эттириб, Арабистон ярим оролида марказлашган Араб халифалиги давлатига асос соладилар. Халифа-ўринбосар, ноиб, муовин. Муҳаммад Пайғамбар вафотидан сўнг вужуга келган Араб халифалигининг (632-1258) диний ва дунёвий бошлиғи. Биринчи тўрт халифа Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Алилар (656-661) “ал-Хулафо ар-рошидун” -тўғри йўлдан борувчи халифалар номи билан машҳур бўлганлар.

Ислом динининг ёйилишида муқаддас китоб Қуръон каримнинг ўрни каттадир. **Қуръони карим** - мусулмонларнинг муқаддас китоби. Муҳаммад Пайғамбаримиз 40 ёшга тўлган вақтларида Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали пайғамбарлик ваҳийсини юбора бошлаган. Қуръони каримнинг биринчи ояти ҳам шу кундан нозил бўла бошлаган. Қуръони

Каримнинг саҳифаларини жам қилиш ва тўлиқ китоб шаклига келтириш Муҳаммад Пайғамбар вафотидан кейин бошланган. Бу иш халифа Абу Бакр даврида бошланиб, халифа Усмон даврида (644-656) якунланади. Яъни китобларнинг барчаси жамланиб ягона китоб ҳолига келтирилади. Шу боисдан у мусҳафи Қуръон, саҳиҳи Қуръон (ҳақиқий Қуръон) деб аталган. Бу китоб Соҳибқирон Амир Темур даврида Мовароуннаҳрга олиб келиниб, узок йиллар Самарқандда Хожа Ахрор мадрасасида сақланган. У ҳозирда Ҳазрати Имом мажмуасида сақланмоқда. Қуръони Каримда 114 та сура, 6236 та оят оят бор.

Ўз даврида Муҳаммад пайғамбар ишларини саҳобалар давом эттирганлар. **Саҳобалар** (араб.- ҳамроҳ, дўст)-Муҳаммад Пайғамбарнинг яқин ёрдамчилари, сафдошлари ҳисобланганлар. Илк ислом даврида Мадинадаги мусулмонлар жамоасида мухожирлар ва ансорлардан бир гуруҳи Муҳаммад пайғамбарга яқин турганлар. Шу боисдан улар пайғамбар маслаҳатчилари сифатида хизмат қилганлар. Улар саҳоба (кўпликда асҳоб) деб ном олган ва ислом тарихида обрўли шахслар сифатида танилганлар.

VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Халифалик кенгая бориб ўз чегараларини ғарб ва шарқ томон кенгайтиришга ҳаракат қилди. Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой вилоятлари қўлга олиниб, ниҳоятда уюшган ва жанговар араб қўшини шиддат билан ҳаракатларини бошлаб юборган эди. Араблар Амударёдан (Жайхун) шимолда жойлашган ерларга «**Мовароуннаҳр**» яъни, "дарёнинг нариги томонидаги ерлар" деб ном беришади. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган худудлар эса Хуросон деб юритилган. Аввал бошда Хуросоннинг марказий шаҳри **Марв** кейинчалик **Хирот** шаҳри бўлган.

651 йили ноиб Абдуллоҳ ибн Амир ҳукмронлиги даврида араблар Хуросондаги катта-кичик кўрғон шаҳарларни эгаллайдилар. 654-йили Суғддаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми бўлади. 657-йили Чағониёнга араблар қайта юриш қилиб эфталитларга қарши қатъий зарба бердилар. Араблар кенг миқёсдаги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Халифалик ичидаги ўзаро ҳокимият учун ички низоларнинг кучайиши натижасида арабларнинг Мовароуннаҳр ерларига ҳужумлари бир оз тўхтаб қолади. 676-йили Хуросоннинг янги ноиби Сайид ибн Усмоннинг Бухоро ва Самарқандга юришида Муҳаммад пайғамбарнинг жияни Қусам ибн Аббос ибн Абдул-Муталлиб иштирок этади. Самарқанд ёнидаги жанглардан бирида ҳалок бўлиб, сўнг кейинчалик Шоҳи Зинда (тирик шоҳ) номини олган қабристонга дафн этилади.

704 йилда **Қутайба ибн Муслим** Хуросон ноиби этиб тайинланади. Янги тайин этилган Хуросон ноиби Қутайба Мовароуннаҳрни буткул эгаллашни ва қатъият билан ҳаракат қилишни бошлайди. Арабларнинг Мовароуннаҳрга юриши арафасида ўлкада турли катта-кичик давлатлар ҳукмронлик қилган, уларнинг қарийиб барчаси мустақил давлатлар ҳисобланганлар. Араб қавмларини дин тарғиботи билан биргаликда ўлканинг серунум тупроқлари, ям-яшил воҳа ва водийлари, катта миқдордаги ер ости

ва ер усти бойликлари эътиборни тортганликлари шубҳасиз. Босиб олинган мамлакатларда араблар дин тарғиботи йўлида турли солиқлар, мажбуриятлар ва йиғимларни жорий этадилар, кимда-ким ислом динини қабул қилса, уларни солиқлардан озод этиш тўғрисидаги ҳукумлар ҳам аҳоли эътиборидан четда қолмаган, албатта. Хусусан, арабларнинг Хуросондаги ноиб **Убайдуллоҳ ибн Зиёд** босқинчиликлари даврида Пойкент ва Бухоро шаҳарлари ҳамда уларнинг теварак атрофидаги ерларни талон-тарож қиладилар ва катта миқдордаги ўлпон, 1 млн дирҳам пул ва 4000 асир билан орқага қайтганлар.

769-783 йилларда Мовароуннаҳрда **Муқанна** (ниқобдор) бошчилигида араб истилочиларига қарши кўзғолон кўтарилади. Кўзғолон раҳбари Муқаннанинг исми Хошим ибн Ҳаким бўлган. Тарихий маълумотларга кўра Хошим ибн Ҳаким ҳокимият учун кураш жараёнида зиндонга ташланади. Зиндонда у касалликка чалиниб, юзига чечек тошиб, бадбашара бўлиб қолган. Юзини халқдан яшириш мақсадида оқ ниқоб тақиб олган ва шунинг учун муқанна лақабини олган. Уни Хошим ул аъвар-бир кўзли Ҳошим деб ҳам аташган.

710 йилдан 737 йилгача Сўғдада подшолик қилган **Ғурак** (Ғурак) арабларга қарши курашлар олиб борган. Хусусан Кармана билан Каттакўрғон оралиғидаги Арбинжон деган жойда жанг бўлиб ўтади. Аммо кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли Ғурак чекинади. Шош ва Фарғонадан ёрдамга юборилган отрядлар ҳам йўлда Қутайба томонидан тор-мор этилгач, Самарқанд қамали бошланади, у 6 ой давом этади. Хусусан, 712 йилда Қутайба ўзаро ички урушлардан фойдаланиб, Хоразмни ўзига бўйсундиради, ўша йилнинг ўзида араблар Ўрта Осиёнинг йирик савдо, иқтисодий-сиёсий марказларидан бири Самарқандни ҳам босиб оладилар.

Ислом ривожига жараёнида ўлкада суннийлик таълимоти кенг ёйилади. **Суннийлик** оқими ислом динидаги иккита асосий йўналишлардан биридир. Бугунги кунда жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 % суннийликка мансуб. Бу йўналиш VII асрнинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. VIII-XII асрларда араб халифалигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида исломдаги энг йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон билан бирга суннага эътиқод қиладилар. Суннийликда 4 та мазҳаб мавжуд (*ҳанафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия*).

Шиалик - исломдаги иккинчи асосий йўналишлардан бири. Ўзининг кенг ёйилиши жиҳатдан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларини қўллаб-қувватловчи гуруҳ томонидан вужудга келган. Шиалар суннийлар каби Қуръони Каримни илоҳий деб эътироф этадилар, лекин халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайдилар. Улар фақат Али номи билан боғлиқ ҳадисларни тан олганлар. Шундай ҳадислардан иборат мустақил тўплам “Ахбор”ни тuzганлар.

Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани “муқаддас” ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган йирик шиа имомлари

кабрларини ҳам зиёрат қиладилар. Шиаликда ҳам бир нечта мазҳаблар мавжуд бўлиб шариатида жаъфария мазҳаби муҳим рол ўйнайди.

Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг 10 фоизи шиаликка мансуб. Шиалик ҳозирги вақтда асосан Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Ливан, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон ва Озарбайжонда, Туркияда ҳам шиалар бор.

Ўрта Осиё араблар қўлига ўтгандан сўнг, бу ерлар аббосий халифалар назоратида бўлган. Ушбу сулола араб халифалари сулоласи бўлиб (749-1258), бу сулолага Муҳаммад Пайғамбар (570-632) нинг амакиваччаси Абул Аббос ас-Саффоҳ (749-754) асос солган. Аббосийлар сулоласи беш аср яъни 749 йилдан 1258 йилгача ҳукм сурган. Халифа Ал Мансур (754-775) халифалик пойтахтини Дамашқдан Боғдодга кўчирган. Шунинг учун ҳам тарихий адабиётларда Боғдод халифалиги деган тушунча ҳам кенг ишлатилади.

Мовароуннаҳр ерлари ҳам халифаликка бўйсунган. Сомонийлар давридан бошлаб (874-999) Мовароуннаҳр мустақилликка эришиб халифалик таркибидан чиққан.

Аббосийлардан 38 киши халифа бўлган. Охирги халифа Мустасимни (1242-1258) Чингизхоннинг невараси Хулағухон 1258 йилда Боғдодни эгаллаб тахтдан туширган. Аббосийлардан бўлган энг машҳур халифлар: Абулаббос Саффоҳ (750-754), Мансур (754-775), Махдий (775-785), Хорун ар Рашид (785-809), Амин (809-813), Маъмун (813-833), Мустасим (1242-1258)

Араб қавмларини дин тарғиботи билан биргаликда, ўлканинг серунум тупроқлари, ям-яшил воҳа ва водийлари, катта миқдордаги ер ости ва ер усти бойликлари эътиборни тортганликлари шубҳасиз. Фатҳ қилинган мамлакатларда араблар дин тарғиботи йўлида турли солиқлар, мажбуриятлар ва йиғимларни жорий этадилар. Кимда-ким ислом динини қабул қилса, уларни солиқлардан озод этиш тўғрисидаги ҳукмлар ҳам аҳоли эътиборидан четда қолмаган, албатта.

Хусусан, арабларнинг Хуросондаги ноиб **Убайдуллоҳ ибн Зиёд** боқинчиликлари даврида Пойкент ва Бухоро шаҳарлари ҳамда уларнинг теварак атрофидаги ерларни талон-тарож қиладилар ва катта миқдордаги ўлпон, 1 млн дирҳам пул ва 4000 асир билан орқага қайтганлар.

Аста-секин Мовароуннаҳрда арабларнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатила бошлагач, илгариги деҳқонзодалар тасарруфидаги қишлоқ жамоаларининг мулклари ҳам араб ҳукмдорлари ва ноиблари қўлига ўтиши баробарида, маҳаллий ҳукмдорлар фақатгина айрим солиқ турларни тўлаш орқали аввалги ҳукмдорликларини давом эттираётган эдилар. Босиб олинган шаҳар ва қишлоқларнинг ислом динини қабул қилмаган барча тоифасидан бирдек **жузья** (жон солиғи) фақат мол-мулкка эгалик ҳуқуқига эга эркаклардан ундирилган. Хотин-қизлар, кексалар, ерсиз, мулксиз тоифа кишилар бундай солиқни тўлашдан озод этилганлар.

Қолган барча тоифадаги аҳоли эса умумий ер солиғи **хирож** тўлашлари шарт бўлган. Хирож миқдори ҳосилнинг $\frac{1}{3}$ (баъзи манбаларда унинг миқдори $\frac{1}{5}$, $\frac{1}{10}$ эканлиги қайд этилади) қисмига қадар етган эди, баъзан

ундан ортиқ бўлган. Жузья, хирож ва бошқа солиқлардан ташқари, зироатчи аҳоли гарданида бошқа оғир солиқ турлари ҳам бўлган.

Дехқонлар ўз қурол-аслаҳалари билан каналлар қазиш ва тозалаш, йўл қуриш ва эски йўллари таъмирлаш, кўприклар, шаҳар қалъа деворлари барпо этиш ва шу кабиларни бажаришга мажбур қилинганлар. Дастлабки йилларда Мовароуннаҳрда солиқлар ва уларнинг турлари анча кенгайиши билан бир қаторда, араблар ўз босқинчилик мақсадларини оқлаш учун аҳолининг айрим қисмларига солиқ тўлашда имтиёзлар ҳам беришган. Хусусан, араблар мусулмончилиқни қабул қилган кишиларни солиқлардан озод қилишган.

704 йилда **Қутайба ибн Муслим** даврида маҳаллий ҳукмдорлар билан тузилган сулҳ шартномасига биноан бухороликлар ҳар йили арабларга **бож-хирож** тўлаб туриш мажбуриятини оладилар. Шу билан бирга, араблар учун ўтин, от-улов учун ем-хашак ва сув ташиб бериш мажбурияти ҳам мавжуд эди. Яна шундай жанглари Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам содир бўлиб турган. Самарқанд ва Сўғдиёна халқи арабларга ҳар йили 2 миллион 200 минг дирҳам миқдорда ўлпон тўлаш ва араб қўшинига 100 минг киши тўплаб беришга мажбур этилади

Маҳаллий аҳолига нисбатан арабларнинг жабр-зулми янада кучая бошлагач, Мовароуннаҳрнинг аксарият шаҳарларида оммавий халқ кўзғалонлари бирин-кетин содир бўла бошлаган. Бу эса ҳукмдорларнинг маҳаллий халқларга нисбатан илтифот кўрсатишган бўлсаларда, шу билан биргаликда, уларнинг қаҳр-ғазабини янада кучайтирган эди. Жумладан 723 йилда Хўжандда бўлиб ўтган йирик халқ кўзғалони куч билан бостирилгач, араблар жамоачиларни хирож ва жузья тўлашга мажбурлаб, уларнинг бўйинларига маҳсус кўрғошиндан қилинган муҳрлар осиб юришни талаб қилганлар. Бундай муҳрларда *рустоқ* ёки маълум жойнинг номи билан бир қаторда, тўланадиган солиқ миқдори ҳам қайд этилган.

Шу билан бир қаторда маҳаллий халқлар араблар босиб олган ерлардан ҳар йили халифалик хазинасига катта миқдорда ўлпон тўлаб туришлари билан биргаликда, маълум миқдорда қўшин учун одам ҳам тўплаб берганликлари тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Араблар асосан диний тарғиботни ўзларининг асосий мақсадлари деб билган ҳолда, «*ғайридинларга қарши кураш*» ниқоби остида фаол иш олиб боришлари билан биргаликда, талончиликдан иборат истилочилиқни ҳам асосий мақсад қилганлар. Солиқларнинг муттасил ортиши ва жабр-зулмлар ўлкада қудратли халқ чиқишларини авж олишига туртки бўлган.

Таянч сўз ва иборалар:

Хионийлар, кидарийлар, эфталитлар, Эрон сосонийлари, кашоварлар, кадиварлар, Маздак таълимоти, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, шарият, ахлоқ-одоб номалари, ҳадислар, тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар,

Тошкент “Ислом маданияти пойтахти” Муқанна, хирож, ушр, жузья, закот, фитр.

Мустақил таълим мавзулари

- 1.Эфталитлар ҳукмронлиги даврида ўлкамизда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
- 2.Маздак таълимотининг асосий ғоялари ва унинг Ўрта Осиёга тарқалиши.
- 3.Эфталитлар даврида Ўрта Осиёда маданият, диний эътиқод.
- 4.Турк хоқонлигининг вужудга келиши ва тарққиёти.
- 5.Арабларнинг Ўрта Осиёга босқинчилик юришлари ва уларнинг оқибатлари.
- 6.Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлиги даврида солиқ тизими.

Назорат саволлари

- 1.2007 йил Ислом Конференцияси ташкилоти томонидан Тошкент шаҳрининг “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинишининг тарихий аҳамияти нимада.
- 2.Мовароуннаҳрда араблар босқинига қарши халқ ғалаёнларининг характери ва моҳияти нимларда намоён бўлди.
3. Муқанна кўзғолони ва унинг тарихий аҳамияти ҳақида гапиринг.
- 4.Араб халифалигининг заифлашуви сабалари нимада эди.
- 5.Мовароуннаҳрда араблар даврида жорий этилган солиқлар, уларнинг турлари қайсилар.
- 6.Араб халифалигидаги ички сулолавий курашнинг ўлкамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсири қандай эди.

Адабиётлар рўйхати

1. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. («Халқ сўзи» газетаси 2006 йил 26 август).
2. Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах Средней Азии в древние времена. Л., 1950.
3. Масон В.М. Средняя Азия и древний восток. М., 1964.
4. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т., 1996.
5. Пидаев Ш. Сирли кушонлар салтанати. Т., 1990.
6. Эшов Б. Ж. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи. (Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма). Т., 2006.
7. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.

5-мавзу: IX–XII асрларда ўзбек давлатчилиги тарихи. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари

Режа:

1.Тоҳирийлар, Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр.

2. Мовароуннаҳрда Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги.

3. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи.

4. IX–XII асрларда Мовароуннаҳрда уйғониш даври, илм-фан, маданият ва диний таълим.

1.Тоҳирийлар, Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр. Араб халифалиги ҳукмронлиги йилларида, айниқса сўнги ҳукмдорлар бошқарган 786-809 йилларда халифаликда ички, сулолавий низолар авж ола бошлайди. Айниқса халифа Хорун ар Рашид вафотидан сўнг халифалик тахтини эгаллаш учун унинг ўғиллари Амин ва Маъмун ўртасида ўзаро келишмовчилик ва тахт учун талашлар натижасида кураш бошланиб кетади. Бир неча йилга чўзилган бу сиёсий можаро нафақат халифалик марказини танг аҳволга солиб қолмасдан, балки унга тобе бўлган ҳудудлардаги воқеалар ривожига ҳам таъсир кўрсатди. Айниқса халифаликнинг бир қисми ҳисобланган Хуросонда ҳам ички сиёсий вазият кескинлашган бўлиб, бундан фойдаланган Маъмун ўз иниси Аминга қарши кураш бошлайди. Бундан унумли фойдаланган Хуросонлик Тоҳир ибн Ҳусайн Маъмун томонда туриб курашади. 813 йилда Маъмун Тоҳирнинг кўмаги билан Ироқнинг бир қисми, айниқса халифалик пойтахти Бағдодни қўлга киритади.

Хуросонлик Тоҳирнинг ушбу хизматлари эвазига Маъмун уни, дастлаб саройда юқори лавозимларга кўтаради, ҳатто ўз қўшинига қўмондон этиб тайинлайди. 821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн ўзининг алоҳида хизматлари эвазига Хуросонга ноиб этиб тайинланади. Бу пайтда Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннаҳрда араб халифалигига қарши олиб борилган курашлар натижасида маҳаллий сулола вакилларининг мустақилликка бўлган интилишлари кучайиб кетади. Натижада халифаликнинг ички ҳудудларида ҳам зиддиятлар кескинлаша бошлади. Ўша пайтда Мовароуннаҳр ҳам Хуросон таркибида эди.

Тоҳир ибн-Ҳусайн Нишопур шаҳрини ўзининг қароргоҳи этиб танлайди. У ўзи ноиблик қилаётган вилоятларни халифаликдан мустақил бошқаришни орзу қилар эди. Натижада Тоҳир халифаликдан мустақил сиёсат юргизишга ҳаракат қилади. Шунинг қайд қилиш зарурки, тоҳирийлар даврида армия, яъни ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказилади, қишлоқ хўжалигида ислохотлар амалга оширилди, ер сув масалалари бирмунча бўлсада ўз ечимини топади. Бу даврда ислом дини бутун минтақа бўйлаб кенг ёйилди, Хуросон ва

Мовароуннаҳрда машухур диний уламо ва авлиёлар етишиб чикди, дин кириб бормаган шаҳар ва қишлоқларга ҳам у кенг ёйилди, ислом дини тўла давлат динига айланди.

Аммо мамлакатдаги ички низолар, оддий халқ турмуш тарзининг оғирлиги натижасида аҳоли, айниқса деҳқонлар оғир аҳволга тушиб қолган бўлиб, ҳаддан зиёд солиқ-ўлпонлар тўлашга мажбур этилганди. Биргина 844 йилда улардан олинган солиқ миқдори 48 млн. дирхамни ташкил этганлиги тарихий адабиётларда қайд қилинади. Маъмунга қўл келади, Натижада бундан фойдаланган Маъмун халқни Тоҳирийларга қарши қўйишга интилади. Бу эса маҳаллий аҳолининг норзилигига сабаб бўлади, натижада Хуросоннинг қатор вилоятларида деҳқонлар ғалаёнлари содир бўла бошлайди. Айниқса. Хуросоннинг шарқий ҳудудларида юзага келган ғозийлар ҳаракати ва деҳқончилик воқаларидаги ғалаёнлар кенгайиб кетади. Ушбу ғалаёнларнинг бирига асли келиб чиқиши мисгар бўлган, ака-ука Ёқуб ва Амир ибн Лайслар бошчилик қиладилар.

Улар деҳқонлар ва ҳунармандларнинг қўзғолонлари ёрдами билан 873 йилда дастлаб Сейистонда ҳокимиятни қўлга олгач, 873 йилда тоҳирийларнинг қўшинларига катта зарба бериб, Хуросон пойтахти Нишопурни эгаллайдилар. Тоҳирийлар сулоласини ағдариб ташлашга муваффақ бўладилар. Шу тариқа **Ёқуб ибн Лайс бошчилигида Саффорийлар (мисгарлар) давлати** ташкил топади ва янги сулоласи ҳокимият тепасига келади. Тоҳирнинг ҳукмронлиги ниҳоясига етгач, унинг авлодларидан бўлган Талҳа (822-828), Абул Аббос Абдуллоҳ (830-844), Тоҳир ибн Абдуллоҳ (844-862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873) даврларида Тоҳирийлар давлатининг мустақиллиги хийла бўлсада таъминланди, мамлакатда ички вазият бирмунча яхшиланади.

Тоҳирийлар давлати ўрнига саффорийлар давлати ўрнатилгач, аҳвол барибир ўзгармади. Яъни ҳукмдор **Ёқуб ибн Лайс** даврида ўлкада қишлоқ хўжалиги, суғориш тизимларини яхшилаш, халқнинг аҳолини юмшатиш борасида халққа қанчалик ваъдалар берилмасин, у ўз армиясининг жанговарлигини кучайтириш, аскарларни маош билан таъминлашга уринмасин, меҳнаткаш халқнинг айниқса оғир солиқлардан тинкаси қуриди. Халқ орасида ушбу сулола вакилларига нисбатан ҳам ишонч йўқола бошлайди. Бу ҳол охир-оқибатда саффорийлар давлатидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни тобора кескинлашишига олиб келади. Хуросон ва Моварауннаҳр устидан ҳукмронлик қилиб турган тоҳирийлар сулоласининг инқирозга учраганлиги Моварауннаҳрдаги маҳаллий ҳокимларнинг ўлкани тўла мустақиллигини таъминлаш сари ҳаракатлари учун қулай имкониятлар яратиб беради. Ваҳоланки, бу даврда Мовароуннаҳрда сомонхудотлар сулоласи вакилларидадан бўлган Сомонийлар ҳокимият учун курашаётган эди.

Бу даврда Мовароуннаҳрда Сомонийлар давлати ташкил топади, бу IX аср бошларига тўғри келади. Бунда ҳам халифа Маъмун ўзига содиқ хизмат қилган балхлик маҳаллий ҳукмдорлардан Сомонхудот I авлодлари (унинг набиралари)га Мовароуннаҳр ҳудудларини бошқариш ҳуқуқини топширган эди. Шу тариқа IX аср ўрталарига келиб Аҳмад ва унинг катта ўғли Наср

Сомонийлар Мовароуннахрнинг кўпчилик ҳудудларини бирлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Сомонийлар давлати. Ушбу давлатга Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда эса, - Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлари асос солган. Халифа Маъмунга бўлган садоқатлари эвазига 819-820-йилларда Сомонхудотнинг набираларига турли вилоятларни бошқариш тақдим қилинган эди. Хусусан, Нух Самарқандга, Аҳмад Фарғонага, Яҳё Чоч ва Уструшонага, Илёс Ҳиротга ҳоким этиб тайинланадилар.

Умуман, ушбу сулола Ўрта Осиёда 875-999 йилларда ҳукм сурган. Сомонийлар сулоласи келиб чиқиши жиҳатидан Сосонийлар давлатининг (224-651) машҳур саркардаси турк Баҳром Чубиннинг авлодларидан бўлган. Баҳром Чубинга ўз даврида давлат олдидаги катта хизматлари учун Балх ва Термиз оралиғидаги ерлар иқтаъ (иқто) сифатида берилган. У эса бу бу жойларга ўз яқинларини жойлаштирган. Сомонхудот Балх атрофининг йирик мулк эгаси-аслзодаларидан бири бўлиб, унинг набиралари халифа Хорун ар-Рашид (785-809)нинг Хуросондаги ноиб ўғли Маъмунга садоқат билан хизмат қилганлар.

Маъмун 813 йилда халифалик тахтини эгаллаб, 819 йилда Сомонхудотнинг набираларига Мовароуннахр вилоятларини бошқаришни топширади. Сомонийлардан Нух ибн Асаддан бошланган мамлакатни мустақил бошқаришга интилиш Исмоил Сомоний даврида ниҳоясига етади. 839-840-йилларда Нух ибн Асад Исфижоб вилоятини босиб олди ва уни мустаҳкамлади. У Сўғднинг бир қисми ва Фарғонага ҳоким бўлиб олди. Лекин сомонийлар давлатини бунёд этишда Аҳмаднинг ҳиссаси кўпроқ бўлди. Унинг Наср, Яъқуб, Яҳё, Асад, Исмоил, Исъҳоқ ва Ҳомид исмли ўғиллари бор эди. Нух ибн Асад 842 йили вафот этгач, Самарқандни укалари Аҳмад ва Яҳё бошқарди; кейин ҳокимлик Наср (865-892) қўлига ўтди.

Тез орада Бухоро давлат пойтахтига айлантирилади. X асрнинг биринчи ярми бу давлатнинг гуллаган давридир. Мовароуннахр, Хуросон, Шимолий ва Жанубий Эронни ўз ичига олган ҳамда Хоразм, Сейстон, Журжон ва Табаристон (Мозондарон) бу давлатга итоат этган. Сомонийлар даврида Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур Урганч, Хирот, Балх энг йирик ва савдо-хунурмандчилик тараққий этган шаҳарлар бўлган.

859-йилда Яҳё ибн Асад вафот этгач, Чоч ва Уструшона Аҳмаднинг иккинчи ўғли Яъқубга насиб этади. Кейин ташаббус Исмоил ибн Аҳмад қўлига ўтди. Бухорода тоҳирийлар мавқеи суст эди. 874 йилда Ҳусайн ибн Тоҳир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари илтимоси билан Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмад (849-892)ни ҳоким қилиб жўнатади.

Наср Мовароуннахрда марказлашган давлат тузишга киришди. Халқ бу ишда унга хайрхоҳ эди. 875-йилда у Шарқий Туркистонни қўлга киритгач, халифа Муътаמידдан Мовароуннахрни бошқариш учун ёрлиқ олишга муваффақ бўлади. Бу пайтда Бухорода кучайиб кетган Исмоил акасига тобеъ бўлишни истамас эди. 888-йили икки ўртадаги жангда Наср енгилади, 892-

йилда Наср вафот этгач, Исмоил Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб колди (892-907). 893 йилда у Тарозни, сўнг Уструшонани қўлга киритади.

Акаси Наср вафотидан сўнг (892й) **Исмоил Сомоний** Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдорига айланади. Шу тариқа, Ватанимизда давлат мустақиллиги қайта тикланади ва юксалиб боради. Бухоро - давлат пойтахти сифатида мустаҳкамланади. Исмоилнинг 893 йилда шарқдаги даштлик қабилаларга қарши қилган муваффақиятли юриши, Тарозни эгаллаб, катта ўлжа ва асирлар билан қайтиши ҳам Сомонийлар қудрати юксаклигидан яққол далолат беради. Исмоил Сомоний давлати қудратининг ўсиб боришидан чўчиган, уни заифлаштиришни ва ўз таъсирини қайта тиклашни қўзлаган Бағдод халифаси Хуросондаги Саффорийлар ҳукмдори Амр ибн Лайсга (879-900) Хуросон билан бирга Мовароуннаҳар устидан ҳукм юритиш ҳуқуқи берилгани ҳақида фармон чиқаради ва уни Исмоилга қарши гиж-гижлайди.

Бу эса 900 йилда иккала давлат ўртасида катта урушга сабаб бўлади. Урушда Сомонийлар қўли балан келади ва Хуросон ҳам Сомонийлар қўли остига ўтади. Шу тариқа халқ халифалик истебодидан халос бўлди. Исмоил Сомоний бу ҳудудда кечган узоқ йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таяниб, марказий давлат бошқаруви тизимини ва шунга мувофиқ келадиган маҳаллий идора органларини вужудга келтиради. Бу тизим Аҳмад ибн исмоил (907-914), Наср ибн Аҳмад (914-943), Нуҳ ибн Наср (943-954) даврида ҳам давом эттирилади.

Сомонийлар давлатининг бошқарув тизими. Давлат ҳукмдори Амир Олий даргоҳ ҳисобланган.

Қорахонийлар-Ўрта Осиёда, асосан Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон ҳудудларида Сомонийлардан кейин 999-1212 йилларда ҳукмронлик қилган мусулмон туркий сулола. Уни барпо этишда қатор туркий қабилалар иштирок этган, булардан қарлуқ, чигил ва яғмо қабилалари етакчи бўлган. Асосчиси яғмо қабиласидан чиққан Абдулкарим Сотуқ Буғроҳон (Қорахон). Яғмолар X аср ўрталарида ислом динини қабул қилганлар. 992 йилда Хорун ибн Мусо Сотуқ Бухорони, 996-999 йилларда унинг вориси Наср I Мовароуннаҳрни бутунлай босиб олди. Қорахонийлар давлати пойтахти дастлаб Қошғар, кейин Боласоғун, Ўзган шаҳарлари бўлиб, кайинчалик яна Қошғарга кўчирилган. XI асрнинг 60-70 йилларда қорахонийлар ички сиёсий кураш ва салжуқийлар тазйиқи остида давлати заифлашиб, кучсиз давлатга айланиб қолади. 1212 йили қорахонийларнинг сўнгги вакили Қилич Арслон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ўлдирилган.

Сотуқ замонида Қорахонийлар давлати иккига бўлиниб кетади. Бирининг пойтахти Боласоғун бўлиб, олий ҳокимият ёши катта бўлган ҳокон томонидан бошқарилган; иккинчи давлатнинг пойтахти Тароз, кейинчалик Қошғар бўлиб, кичик ҳокон томонидан бошқарилган.

996 йили Қорахонийлар хони Наср Бухорони яна босиб олади. Сомонийлар лашкарбошиси Абул Иброҳим Исмоилнинг Бухорони озод этиш йўлидаги уринишлари 1005 йилда муваффақиятсизликка учради. Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Сабуктегин 997-йилда вафот этди. Ўрнига

унинг ўгли Маҳмуд Ғазна ҳокими бўлди. Сомонийлар амири Мансур ибн Нух (997-999) унинг таъсирида эди.

1001 йилда Султон Маҳмуд Қорахонийлар ҳокони Наср билан шартнома тузиб, Амударёни икки ўртадаги чегара қилиб белгилади. Сомонийлар давлати ўрнида икки улкан давлат ташкил топди. Биринчиси Қошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисмида, Еттисув, Шош, Фарғонанинг қадимги ҳудудларини ўз ичига олган Қорахонийлар давлати. Иккинчиси Шимолий Ҳиндистон сарҳадларидан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган ҳамда ҳозирги Афғонистон ва шимолий-шарқий Эронни ўз ичига олган Ғазнавийлар давлати эди. Илоқ ҳокимлари номигагина қорахонийларга қарам бўлиб, ўз юртларини мустақил равишда бошқарганлар.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги даврида ички низолар ва турли сулолавий урушлар, зиддиятли жараёнлар содир бўлиб турган. Шу билан бирга кўшни давлатларнинг қорахонийлар билан алоқалари ижобий бўлмаган. Айниқса хонликнинг муҳим ҳаётий марказлари ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Балх ва Термиз каби жойларни қўлга киритиш учун салжуқийлар, қорахитойлар билан кўп бор уруш ҳаракатлари олиб борилган. Хусусан, салжуқийларнинг сўнги подшоҳи Султон Санжар (1118-1157) Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмдори Арслонхон (1102-1130)нинг заифлашиб қолганлигидан ва маҳаллий рухонийлар фитнасидан фойдаланиб, Самарқанд ва унинг атрофларини босиб олади. Шундан сўнг Қорахонийлар сулоласига мансуб маҳаллий хонлар амалда Султон Санжарга тобе бўлиб қоладилар.

Бироқ кўп ўтмай бу ҳудудлар янгидан шарқдан бостириб келган Қорахитойлар таъсирига тушиб қолади. XII аср бошларида қорахитойлар Боласоғунни ҳам эгаллайдилар. 1138 йилда қорахитойлар гўрхони Султон Санжарнинг қариндоши, Самарқанд ҳукмдори Маҳмудни Хўжанд яқинида мағлуб этади. Шаҳар таланиб катта товон ундирилган бўлса-да, босиб олинмади. 1141 йилда қорахитойлар яна Мовароуннаҳрга бостириб кирадилар. Бу гал жанг Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлди. Жангда султон Санжар билан Маҳмуднинг бирлашган кучлари тор-мор келтирилди. Ҳар икки томондан 30 мингга яқин киши ўдирилди. Султон Санжар ва Мабмуд Термиз томон чекиндилар.

Қорахонийларда дастлаб Боласоғун пойтахт саналиб, улуғ хон шу шаҳарлардан бирида қароргоҳда ўтирган. XI аср ўрталарига келиб Қорахонийлар ҳокимияти 2 га бўлиниб кетди: биринчиси маркази Самарқанд бўлган, Мовароуннаҳрнинг катта ҳудудларини ўзида жам этган Ғарбий қорахонийлар давлати, иккинчиси Марказий Боласоғун бўлган Талас, Исфижоб, Шош (Тошкент), Шарқий Фарғона, Еттисув ва Қошғар ерларини таркибига олган Шарқий қорахонийлар давлати.

Айнан давлатни бошқарувчи олий унвон- қорахонийлар даври китобларида “**тамғачхон**” унвони билан ютирилганлиги қайд қилинади. Қорахонийлар давлатининг бошқарув тизими маҳаллий ҳудудий бошқариш тартибига асосланган бўлиб, вилоятлар элокхонлар (маҳаллий ҳукмдорлар)

томонидан идора қилинган. Элоқхонлар тегишли миқдордаги йиллик хирож ёки тўловларни марказий ҳокимият ҳукмдори - тамғачхонга юбориб, амалда ўз мулкларини мустақил бошқарганлар. Қорахонийларга қарашли ерлар тамғачхон томонидан унинг ўғиллари, қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки, жиянлар ҳамда ака-ука, амакиваччалар ўртасида доимий низолар юз бериб бу сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турган. Еттисувдан туриб Моварауннахрни бошқариш кийин бўлган даврда Самарқанд илоқхони анча кучайиб кетган эди.

Қорахонийлар давлатида давлатни ҳоқон бошқарган. Маъмурий идоралар иккига бўлинган: даргоҳ ва девонга. Улуғ хожиб хоқоннинг фуқаролар ўртасидаги воситачиси саналган. Ҳоқон саройида оғичи-шойи кийимлар хазиначиси; бирук-меҳмонларни қабул қилиш бўйича мутасадди; ошчи-ҳоқон ошхонаси бошлиғи (боғарчи); битикчи-мунший; котиб-мирза; кушчи-ҳоқон овининг ташкилотчиси кабилар иш юритганлар.

Ҳоқон ҳарбий кўшинлари черик, элчи ялавоч, оддий халқ будун, солиқ тўловчи фуқаро райият деб аталган. Қабила бошлиқлари бек дейилган. Ҳоқонлик ҳудудлари эл, вилоятларга бўлинган. Ижтимоий тузумда мавқеи анча баланд ҳисобланган йирик заминдорлар-деҳқонлар қатлами қорахонийлар даврида ўз аҳамиятини йўқотди. Ўрта Осиё кўҳна зодагон тоифасининг бундай аҳволга тушишига асосий сабаб сиёсат майдонида юз берган сулолалар ўртасидаги тахт алмашуви, энг таъсирли жиҳати эса кўчманчилик шароитига мослашган эл-улусларининг ўтроқ аҳоли ҳудудларининг ишғол этишидир. Шу тариқа илк ўрта асрларда мавқеи баланд бўлган “деҳқон” деган ном бу даврга келиб оддий, ерда ижарачи ёки ерга ишлов бериб, ундан ҳосил олувчи табақага нисбатан ишлатила бошланган. Чунки, катта ернинг хўжайинлари ўзларининг даромад манбайи-ер-мулкдан маҳрум бўла бошлаган сари, оддий жамоатчи зироаткорлар ижарачиларга айлана бордилар.

Давлатда ички ва ташқи савдо бирмунча ривожланган. Айниқса, Хоразм, Шарқий Туркистон, хусусан Хитой, Хуросон (Ғазна), Нишопур билан савдо алоқалари йўлга қўйилган. Аҳоли асосан хунармандчилик (кулолчилик, тўқувчилик, шишасозлик, темирчилик, заргарлик), шунингдек зироат ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи соҳалар билан шуғилланган. Тоғлардан қимматбаҳо тошлар, мис, темир қазиб олинган.

2. Мовароуннахрда Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмронлиги. Ғазнавийлар-977-1187 йилларда Ўрта Шарқ (Шимолий шарқий Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Ҳиндистон) да мавжуд бўлган давлат ва уни бошқарган сулола. Ғазнавийлар давлатида туркий сулола ҳукмронлик қилган. Асосчиси сомонийларнинг лашкарбошиси Алп такин (Алп тегин). У 962 йил қўл остидаги ғуломларига таяниб, Ғазна вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Унинг вориси Сабуктегин (977-997) ва Маҳмуд Ғазнавийлар даврида (998-1030) Ўрта Шарқнинг энг қудратли давлатига айланган.

Ғазнавийлар давлати раванқ топган даврда саройда ва шаҳарларда буюк олимлар яшаб, ижод этганлар (Беруний, Утбий, Абулфазл Байҳакий, Гардизий, Фирдавсий ва бошқ.) Масъуд I даври (1030-1041)да Хоразм қўлдан

кетди, Мовароуннахрнинг катта қисмини қорахонийлар тортиб олди. XII асрнинг 70-йилларида ғурийлар ғазнавийларни Шимолий Ҳиндистонга сиқиб чиқардилар, Лаҳор уларнинг кейинги пойтахти бўлди. 1187 йилда ғурийлар лаҳорни ҳам босиб олиб бу давлатга барҳам бердилар.

Ғазнавийлар сулоласининг вакиллари: Алптегин (962-977), Собиктегин (977-997), Исмоил (997-998), Маҳмуд Ғазнавий (998-1030), Масъуд (1030-1041), Мавдид (1041-1048), Масъуд II (1049), Али Абӯҳасан (1049-1051), Абдурашид (1051-1099), Масъуд III (1099-1115), Шерзод (1115-1116), Баҳромхон (1117-1153), Ҳусравшоҳ (1153-1160), Ҳусрав Малик (1160-1187)

Маҳмуд Ғазнавий даврида ушбу давлат минтақанинг кучли давлатига айланади. Бу давлатнинг ҳудуди Маҳмуд Ғазнавийнинг истилочилик юришлари туфайли шимолий ва шимолий-ғарбий Ҳиндистондан Чағониён ва Хоразмгача чўзилган бўлиб, унга Эроннинг катта қисми ҳам кирган эди. Маҳмуд Ғазнавий Мовароуннахрдаги қорахонийлар сиёсатига ва айниқса Хоразмга катта таъсир кўрсатар эди. Ўз даврининг иқтидорли саркардаси ва қаттиққўл ҳукмдори бўлган Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда вафот этади. Шундан сўнг тахтни унинг ўғли Маъсуд (1030-1041) эгаллайди. Лекин Маъсуд отаси тузган давлатни бутунлигича сақлаб қололмади.

Чунки Ғазнавийлар учун асосий хавф, бу ўша даврнинг йирик туркий давлати Слжуқийлар бўлган. Ўзаро келишмовчиликлар ва зиддиятлар туфайли Ғазнавийлар султони Маъсуд Хуросонга юриш қилган салжуқийлар билан бир неча бор жанг олиб боришга мажбур бўлади. Маҳмуд Ғазнавийнинг рухсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган салжуқийлар бу даврга келиб, ғазнавийлар учун катта хавф туғдира бошлайди. 1035-йилда салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади. Нишопурдан Нисо шаҳрига етиб келган ғазнавийлар кўшини салжуқийларга зарба берадилар, аммо орадан икки йил ўтиб, яъни 1037 йил апрел ойида салжуқий туркманлар Мари (ҳозирги Туркманистондаги Мары шаҳри) вилоятини узил-кесил эгаллашга эришдилар ва Салжуқийлар давлатига асос соладилар.

Аммо ҳали ғазнавийлардан тўла қутилмаган туркманлар сардори Тоғрулбек бошчилигида бир неча марта Хуросон ерларига юришлар уюштирадилар ва заифлашиб қолган давлатни бутунлай тугатиш пайига тушадилар. Натижада Хуросоннинг шимолий ғарбий ҳудуларини ҳам эгаллайдилар. Ҳал қилувчи жанг Ғазнавий Маъсуд кўшинлари билан 1040-йилда Мари яқинидаги Данданакон деган жойда бўлиб ўтади. Ушбу жангда Маъсуд бошчилигидаги ғазнавий кўшинлари мағлубиятга учрайди. Кўп ўтмай Маъсуд укаси Муҳаммад томонидан қатл қилинади (1041й). Тез орада ҳокимиятни эгаллаган Маъсуднинг ўғли ҳам бир неча бор куч тўплаб салжуқийлар билан уруш олиб борган бўлса-да, аммо ўз кўшинини мағлубиятдан сақлаб қола олмади. 1059 йилда Ғазнавийлар давлатининг йирик шаҳри бўлган, Балхнинг Салжуқийлар қўлига ўтиши Ғазнавийларнинг тарих саҳнасида мустақил давлат сифатида барҳам топишига олиб келди.

Салжуқийлар давлати. Манбаларда келтирилишича, ушбу давлатнинг ташкил топишида бош султон, туркий Салжукбек ва кейинчалик Тоғрулбек

(1038-1063-й.) ларнинг хизмати катта бўлган. Айниқса Тўғрилбек даврида катта истилочилик юришлари олиб борилиб, у Балхни, Ироқнинг шимоли, Озарбайжонни, Курдистонни ва Қўҳистонни ҳам босиб олишга эришади. Аслида ушбу давлатнинг ташкил топиши учун дастлабки асос Сомонийлар ҳукмронлиги давридаёқ бошланган.

Тарихий адабиётларда қайд қилинишича, азалдан Орол ҳавзасида яшаган, туркий қавмлар ўғузлар, деб аталган. Улар асосан кўчманчи ва ярим ўтроқ яшаб чорвачилик билан шуғилланганлар. Ушбу қавмларга илк бор Ўғузхон номли буюк шахс бошчилик қилган. IX аср охири X аср ўрталарига келиб Оролбўйи ва Каспий денгизи шимолида Ўғуз уруғларининг янги иттифоқи шаклланган. Сирдарё этагидаги Янгикент шаҳри давлатнинг пойтахти ҳисобланган. Аммо узок йиллик ҳукмронликдан сўнг XI аср ўрталарига келиб, бу давлат шимолий шарқдан бостириб келган қипчоқлар зарбасига учрайди, натижада ўғузлар туларнинг катта қисми жанубга, ҳозирги Қорақум саҳроларига (ҳозирги Туркменистон) ва ҳудудига ўтиб, ерли аҳоли билан қўшилишиб, қиниқ-туркманлар, деб аталиб келинган.

Шу тариқа Қорақум даштларидан Сирдарё куйи оқимигача бўлган катта ҳудудларда мазкур қабила ва уруғлар тарқалдилар ва ўзларига ябғу (ёбғу, подшо) сифатида Салжукбекни сайлайдилар. Унинг авлодлари Туғрулбек, Довудбек, Чағрибек (Чағрилбек) ва Шакарбеклар бўлган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида, уларнинг рухсати билан салжуқий қавмларнинг бир қисми Зарафшон воҳасига ва катта қисми Нурота тоғининг этақларига жойлашадилар.

Кейинроқ Мовароуннаҳр ҳудудлари қорахонийлар сулоласи томонидан эгалланиб, уларнинг чорвадор хўжаликлари бу ерларни банд этгач, салжуқийлар ҳаёти мушкуллашади. Шу боис улар жануби-ғарбга томон силжишга мажбур бўладилар. XI асрнинг 20-30 йилларига келиб салжуқий уруғ- қабилалари Ғазнавийлар тасарруфидаги Хуросон ҳудудларига кириб борадилар. Аммо уруғ қавмларнинг ғарбга силжиши жараёнида уларнинг бир қисми ҳозирги Нурота тоғи атрофларида қолиб кетадилар ва ўзбек-туркман уруғларининг шаклланишига таъсир кўрсатадилар. Улар тарихий манбаларда Нурота туркманлари тарзида қайд этилади. Мазкур уруғлар кейинчалик 92 боғли ўзбек уруғлари таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, маҳаллий ўзбеклар таркибига сингиб кетадилар ва унинг муштарак қисмига айланадилар.

Юқоридаги мавзуларда айтиб ўтганимиздек, 1038 йилда Сарахсда, 1040 йилда Данданаконда бўлиб ўтган ҳал қилувчи урушлар давомида Салжуқийлар Ғазнавийларни енгиб, бутун Хуросон ерларини эгаллаб, ўз давлати марказини шу ҳудудга кўчирадилар. Шу тариқа, Нишопур шаҳри Салжуқийлар пойтахтига айланади. Салжуқийлар ҳукмдори Салжукбекдан сўнг тахтга ўтирган Тўғрулбек, эгалланган Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларини ўз авлодлари - Чағрилбек ва Довудбеклар тасарруфида қолдириб, ўзи ғарбга томон ҳарбий юришларини давом эттиради. Тўғрулбекнинг 1038-1063 йилларни ўз ичига олган ҳукмронлик даври олд Осиё ва Кичик Осиёнинг катта ҳудудларини қўлга киритилганлиги билан

тавсифланади. Бу давр мобайнида Салжуқийлар Гургон, Табаристон, Хоразм, Озарбайжон, Курдистон ҳудудларини, ҳозирги ғарбий Эрон вилоятларининг бир қисмини, шунингдек, Форс, Кермон вилоятларини эгаллайдилар.

1055 йилда у катта қўшин билан Бағдодга кириб келди. Унинг ҳукмронлиги даврида салжуқийлар Кавказда Византия қўшинларига ҳам катта зарба берадилар. У Моварауннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Лекин унинг вориси Алп Арслон (1063-1072) Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштиради. Султон Санжар (1118-1147) даврида Салжуқийлар давлатининг пойтахти Марв шаҳрига қўчирилади.

3. Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи. Хоразмда исломдан олдин ва исломдан кейин қуйидаги тўртта хоразмшоҳлар сулоласи ҳукмронлик қилган: Африғийлар (305-995), Маъмунийлар (995-1017), Олтинтош сулоласи (1017-1034) ва Ануштегинийлар сулоласи (1077-1231).

996 йилгача Хоразм икки қисмга-Шимолий Хоразм (пойтахти Урганч) ва Жанубий Хоразм (пойтахти Кат) га бўлинган эди. Шимолий Хоразмдаги Маъмунийлар сулоласи ва кили Маъмун ибн Муҳаммад 995 йилда ҳар иккила Хоразмни бирлаштириб, хоразмшоҳ унвони билан идора қила бошлади. Унинг вориси Маъмун ибн Маъмун даврида Хоразмнинг қудрати янада ошди. Урганчда “Маъмун академияси” фаолият юритган.

Тарихдан аёнки, Хоразмшоҳлар номи билан ҳукмронлик қилган сулола ҳозирги Хоразм воҳасида қадимиги Хоразм давлати ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб мавжуд бўлган. Аммо илк ўрта асрлар (305-995 йиллар) да дастлаб африғийлар, сўнгра маъмунийлар (995-1017 йиллар), Олтинтошийлар (1017-1034) сулолалари Хоразмшоҳлар номи билан юритилган. Бироқ мазкур ҳудудларда, умуман Туронзамин ерларидаги турли давлатлар ўртасидаги зиддиятлар дастлаб, Хоразмшоҳлар давлатининг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади. Масалан, 1017-1044 йилларда бу ерларни дастлаб Ғазнавийлар, сўнгра Салжуқийлар босиб оладилар. XI асрнинг 40 йилларида шарқдан бостириб келган кўп сонли Қорахитойлар ҳам Хоразм ерларини ишғол этган эди.

Бироқ минтақада ўз ҳукмронликларини ўрнатган Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлатларининг ҳам ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Тўғрироғи, XI аср иккинчи ярмига келиб Хоразм ҳудудларида янги сулола вакиллари, Ануштегинлар (Ануштагин, Ануштегин, Алптегин) сулоласи (1097-1231) тарих сахнасига чиқди. Тарихий манбаларда ва адабиётларда Ануштагинлар сулоласи вакиллари сифатида қуйидаги сулола вакиллари қайд қилинади: Ануштегин (1077-1097), Қутбиддин Муҳаммад (1097-1127), Жалолиддин Отсиз (1127-1156), Алп-Арслон (1156-1172), Алоуддин Такаш (1172-1200), Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1221), Жалолиддин Мангуберди (1221-1231).

Хоразмшоҳлар сулоласи янги вакилларининг ҳукмронлиги ушбу даврда бевосита 1077 йилда Ануштегиннинг ҳокимият тепасига келиши билан боғлиқ. Ушбу ҳукмдор давлатни 1097 йилгача бошқарган ҳамда кўп ўтмай

унинг Хоразмшоҳ унвонига сазовор бўлиши улкан воқеа бўлади. 1097 йилда унинг ўрнига Хоразм тахтига ўзининг вориси Қутбиддин Муҳаммад ўтиради. Унинг даврида Хоразмшоҳлар давлати ўзининг тўла мустақиллигини қўлга киритади. Шу билан бирга, у ўлканинг ҳар томонлама ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишига ўз ҳиссасини қўшди. 1127-1156 йилларда Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Жалолиддин Отсиз отасининг ўрнига тахтга келгач, унинг асосий вазифаси давлат ерларини янада кенгайтириш бўлди. Чунки, бу даврда Қорахонийлар ва Салжуқийлар давлатлари анча заифлашиб қолган бўлиб, бу унинг учун катта имконият эди. 1141 йилда у ўз номидан олтин тангалар зарб эттириб, давлатнинг молиявий кудратини ҳам мустаҳкамлади, Хоразмнинг нафақат ички, балки ташқи савдо алоқалари ҳам янада жонлана бошлади.

Зеро, олтин тангаларни муомалага чиқарилиши Хоразм мустақиллигини янада мустаҳкамлаганлиги шубҳасиз. **Қ. Усмонов ва М. Содиқов** ва бошқалар ҳаммуаллифлигида ёзилган Ўзбекистон тарихи дарслигида қайд этилишича, Жалолиддин Отсиз Қорахитойлар билан келишиб, уларга ҳар йили 30 минг дирхам миқдорда тўлов тўлаш шарти билан амалда ўз давлатининг ички мустақиллигини таъминлаган. Аммо кейинчалик Алоуддин Такаш Жалолиддин Отсиз даврида ваъда қилинган ва қорахитойларга тўланиши керак бўлган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Унга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар.

Бироқ қорахитойларнинг Хоразмга юриши муваффақиятсиз тугайди, натижада Такаш ўз давлатини янада мустаҳкамлайди. Мовароуннаҳрга, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар қилади. У Мовароуннаҳрни эгаллай олмаган бўлса-да, Хуросоннинг шимолий ғарбий қисмларини босиб олади. Лекин Хоразшоҳ Такашнинг Хуросон билан алоқалари яхши бўлмаганлиги қайд қилинади. Жумладан, Р.Муртазаева раҳбарлигида чоп қилинган Ўзбекистон тарихи ўқув қўлланмасида ёзилишича, унинг асосий рақиби ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ғурийлар давлати бўлган. 1150-1151 йилларда ғурийлар ҳокими Алоуддин Ғазнавий сулосаси султони Баҳромшоҳ устидан ғалаба қозониб, Ғазна шаҳрини вайрон қилган эди. Ғазнавийларга сўнгги зарбани 1186-1187 йилларда Ғурийлар ҳокими Ғиёсиддин Муҳаммад берди.

Зеро, Хуросонда Салжуқийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб, Ғурийлар султони Ғиёсиддин Муҳаммад 1175 йилда Ҳиротни эгаллади ва Хуросоннинг марказий ҳудудларига тез тез хужумлар уюштириб турган. Мазкур ўқув қўлланмада қайд қилинганидек, Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Такаш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлади. Фақат XII асрнинг 80-йилларида у Хуросонни баъзи бир ҳудудларини қўлга киритади. 1187 йилда у Нишопурни, 1392 йилда Рай шаҳрини, 1193 йилда Марвни эгаллайди.

Хоразмшоҳларнинг тобора кучайиб бораётганидан хавфсираган Халифа Наср қўшинлари Такашга қарши чиқадилар. 1196 йилнинг июл ойида хоразмликлар халифа қўшинларини енгадилар. Шу тариқа Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтади ва давлат ҳудуди янада кенгайди. Хоразм

давлати энди Бағдод халифаси ва Ғурийлар билан чегарадош бўлиб қолади. Такаш хукмронлик даврида (1172-1200) Хоразм воҳасида катта ижобий ўзгаришлар юз беради. Шаҳарсозлик, савдо-сотик, хунармандчилик, қишлоқ хўжалигида зироатчилик ривожланди, кўплаб каналлар, сув иншоотлари барпо этилади.

Албатта, Хоразмнинг янада тараққий этиши, кейинчалик **Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ** номи билан ҳам боғлиқдир. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатни 1200 йилдан то 1220 йил охиригача бошқаради. Унинг даврида марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви тизими мустаҳкамланди, аммо давлатда талай ички низолар бўлиб турган. Авваломбор, бу жиҳат ички сиёсат ва хукмдорнинг олиб борган ташқи алоқаларида ҳам акс этди. Ваҳоланки, Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам худди Такаш каби, ўз худудларини кенгайтириш, уларни ўз тасарруфларига киритиш борасида анчагина ишлар олиб борди. Натижада, мамлакат худуди янада кенгайиб, унинг шуҳратини оширган бўлса, иккинчидан, бу ҳол давлатнинг чуқур ички инқирозга учрашига ҳам сабаб бўлади.

Масалан хукмдор тезда ўзининг жанубий ғарбий қисмида жойлашган ва унга чегарадош бўлган Хормуз, Форс қўлтиғи, Ироқнинг шарқий худудларини қўлга киритди. Адабиётларда келтирилишича, унинг таркибига 400 дан зиёд шаҳарлар кирган. У 1211 йилда қорахитойларни ўз худудидан қувиб чиқаради. Бундан гўёки ўзича, Хоразм доврўғини баланд кўтардим, деб ҳисоблар эди. Бу билан у ўзини “Искандари Соний”, лақаби билан атайтиди. Аммо унинг ўзини бунчалик юқори даражада улуғлаши маҳаллий аҳоли орасида унга нисбатан ишончли камайишига ва зиддиятларга сабаб бўлади. Чунки, олиб борилаётган ташқи урушлар, албатта авваломбор халқнинг машаққатли меҳнати ва ички молиявий маблағлар эвазига бўлаётган эди. Бу эса мамлакат миқёсидаги ички ғалаёнлар содир бўлишига сабаб бўлади. Ана шундай қўзғолонларни 1206-1207 йилларда Бухорода, 1212 йилда Самарқандда кўтарилган қўзғолонлар мисолида қайд қилиш мумкин.

Ҳали Бухоро тўла Хоразмшоҳлар давлати тасарруфига кирмаган 1206-йилда шаҳарда кўтарилган қўзғолон Бухоронинг ҳокими Муҳаммад ибн Абдулазизга қарши қаратилган эди. Ушбу қўзғолоннинг келиб чиқиш сабаби, бевосита халқдан йиғилган катта солиқлар халқнинг тинқасининг қуритгани эди. Хукмдорга қарши халқ ҳаракатининг асосий кучлари шаҳар хунармандлари эди, қишлоқ аҳолиси-деҳқонлар бу ҳаракатни қўллаб-қувватлайди. Бу қўзғолоннинг бошлиғи қалқон ясовчи устанинг ўғли Малик Санжар бўлган. Қўзғолончилар садр Муҳаммадни шаҳардан қувиб чиқардилар. Аммо у қорахитойлардан ёрдам сўрайди. Лекин Хоразмшоҳ Муҳаммад қорахитойлардан олдинроқ ҳаракат қилиб, Бухорони босиб олади ва шу тариқа Мовароуннаҳр ва унинг йирик шаҳри Бухоро тўла Хоразм таркибига қўшиб олинади.

Қўзғолончиларнинг бошлиғи **Малик Санжар** Урганчга олиб кетилади, чунки у олий ҳокимиятга халқни қарши қўйганликда айбланади. Бу пайтда ички келишмовчиликлар, хусусан, Хоразмшоҳ билан унинг онаси Туркон

Хотун тарафдорлари ўртасидаги ички сиёсий кураш ҳам Хоразм давлатининг ички инқирозидан дарак берар эди.

Албатта, Хоразмшоҳлар давлати ичида кетаётган ўзаро бундай зиддиятлардан қўшни давлатлар ҳам хабардор бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса ушбу давлат билан Шарқий Туркистон орқали чегарадош бўлган Мўғуллар давлати ҳукмдори Чингизхон ўзининг жосуслари ва айғоқчилари орқали Хоразмдаги ички муҳитдан яхши хабардор бўлганлиги, унинг катта ҳарбий тайёргарлик билан Хоразмшоҳлар давлатига бостириб кириш учун кенг имконият яратади.

Хоразмшоҳларда давлат бошқаруви икки тизимдан, даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган. Даргоҳда улуғ хожиб мансаби алоҳида ўрин тутган. У ҳукмдорнинг хос кишиси саналиб, лозим бўлган ҳолларда вазирлар фаолиятини ҳам назорат қилган. Хожиблар ҳукмдор номидан муҳим давлат аҳамиятига дахлдор масалаларда музокаралар олиб борганлар.

4. IX–XII асрларда Мовароуннаҳрда уйғониш даври, илм-фан, маданият ва диний таълим. IX-XII асрларда Ўрта Осиё минтақасида маданият юксалиши, жаҳонга машхур буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги бу худуднинг илм-маърифат, илмий кашфиётлар бешиги сифатида тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркем шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва мусиқа санъати бекиёс даражада ривожланган, кутубхоналар фаолият кўрсатган. Ўша пайтда «Бухорода баланд тош деворлар билан ўралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, моҳирлик билан барпо этилган боғлар, хиёбонлар, ҳовузлар» мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади.

Археологик қазилмалар ва қўлёзма манбаълардан маълум бўлишича ўша даврда мусиқа ва мусиқашунослик ҳам кенг ривож топган ва у математика илмининг таркибий қисми саналган. Мазкур даврнинг буюк олими Абу Наср Фаробий мусиқанинг назарий асослари, кўплар, асбоблар, мусиқа маданиятининг мезонлари, атамалари таҳлилига бағишланган «Катта мусиқа» китобининг муаллифидир. («Китоб ал мусиқи ал Кабир»). Ўрта аср мусулмон шарқи мусиқа назариясига бағишланган ушбу 2 қисм, 3 китобдан иборат бўлган. Фаробий «Катта мусиқа»дан ташқари «Мусиқа ҳақида сўз», «Ритмлар тартиби ҳақида китоб», «Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида» асарларининг ҳам муаллифидир.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликка эришган Сомонийлар шажарасининг биринчи ҳукмдорлари миллий маданий кадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Араб ёзувида бадий ижодни таъқиқламаган ҳолда, Сомонийлар оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб-қувватладилар. Сомонийлар нафақат адабиёт аҳлига, барча олимларга

хомийлик кўрсатиб, Шероз кутубхонаси билан рақобат даражасида бўлган улкан кутубхонани яратдилар. Улуғ аллома Ибн Синонинг ёзишича, кутубхона кўпхонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошқасида фикҳга оид китоблар тахланган. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган.

Китоб ёзишнинг кучайиши, ҳаттотлик санъатини, уни безаш, нақшлар билан кўркам қилиш мусаввирлик санъатининг ривож топишига олиб келган. Умуман, бу даврда қўлёзмаларни кўчириш, тайёрлаш, тўплаш маданий ҳаётнинг муҳим соҳасига айланган. Маълумки, асар фақат қўлда бир нусхадангина ёзилар эди. Босмаҳона эса бир неча асрдан сўнггина пайдо бўлган. Ёзилган асарни нусхасини кўпайтириш, бошқаларга етказиш, ундан нусха олиш зарур эди. Шунинг учун нусха кўчириш, асарни кўпайтиришга катта эътибор берилди. Аста-секин махсус нусха кўчириш санъати ва ҳунари шаклланди, шу туфайли бир жойда ёзилган асарларни бошқа шаҳар, ўлкаларда тарқатиш имкони вужудга келди.

Махсус нусха кўчириш билан шуғулланувчилар, хусни хат соҳиблари пайдо бўлиб, улар буюртма ёки сотиш учун асарлардан нусха кўчириш билан шуғулланганлар. Китобдан нусха кўчириш, китоб савдосининг кенг йўлга қўйилиши ҳамда маърифат аҳлини тинимсиз фаолияти туфайли Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод, Дамашқ сингари шаҳарларда катта кутубхоналар вужудга келди. Бозорларда китоб расталари кўпайди, китоб савдоси, уни тарқатиш билан шуғулланувчилар фаолият кенгайди. Марказий осийё Бағдод, Миср, Эрон ва Испаниянинг турли шаҳарларидан қўлёзмалар келтирилиб, юртдошларимизнинг қўлёзма асарлари бошқа ўлкаларга олиб кетиладиган бўлди.

Мазкур даврда Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданият ривож топди. Машҳур олимлар, диний уламолар етишиб чиқди. Шу боисдан бу давр шарқ уйғониш даври деб аталади. **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850)**. Машҳур математик ва астроном. Хивада туғилиб, Боғдодда вафот этган. Боғдоддаги “Байтул ҳикма”да фаолият юритиб, унга мудирлик қилган. 20 дан ортиқ асар ёзган бўлиб улардан 10 таси бизгача етиб келган. Мамлакатимиз халқлари 1983 йилда ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллиги тантанали нишонланган.

Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний (797-865). Фарғонада таваллуд топган буюк астроном, математик ва географ. Шарқда “Ҳосиб” (математик) деган лақаб олган. Илм йўлида Боғдодга кетиб қолади ва шу ерда яшайди. Халифа Маъмун (813-833) даврида Боғдодда ва Дамашқ яқинидаги расадхоналар унинг раҳбарлигида қурилган. “Маъмун академияси”да кўплаб кашфиётлар қилган. 812 йилги куёш тутилишини олдиндан айтиб берган, ернинг думалоқлигини исботлаб берган. Нил дарёси сувини ўлчайдиган янги асбоб “миқёс жаид” ни яратди. Унинг астрономияга оид асарлари XII асрдан Европа тилларига таржима қилиниб бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан қўлланма сифатида ишлатиб келинган. Боғдодда вафот этган.

Абу Наср Форобий (873-950). Буюк мутафаккир-файласуф. Сирдарё яқинидаги Фороб шаҳрида туркий оилада туғилган. Унинг ўткир зеҳни ва хотирасини сезган отаси Боғдодга кўчиб келади. Дамашқ, Ҳалаб, Ҳаррон шаҳарларини кезиб, у ерлик олимлар суҳбатини олади.

Аристотел, Афлотун (Платон) каби қадимги юнон файласуфлари асарлари билан танишади. Натижада унинг атрофига шогирдлар тўпланади ва у мадрасаларда дарс бера бошлайди. Шундай буюк мутафаккир бўлишига қарамай Форобий йўқчиллик билан фақирона ҳаёт кечирган, ҳатто ёзишга қоғоз ва чироғига ёғ топа олмаган вақтлари бўлган. У Аристотел асарларига жуда кўп шарҳлар ёзади ва бу шарҳлар Шарқ олимларини тушуниш қийин бўлган юнон фалсафаси билан таништиради ва шунинг учун ҳам Шарқда Форобий “Муаллим ус-соний” (Иккинчи муаллим) номини олган. Форобий мусиқа соҳасида ҳам билимдон бўлиб, жуда кўп куйлар яратган, ҳатто мусиқа куйларини ҳарфлар билан ифодалаш (нота)ни дастлаб Форобий топган ва “қонун” деган чолғу асбоби яратган.

Абу Райхон Беруний.(973-1048) Буюк қомусий олим. Ўз замонасининг ҳамма фанларини пухта эгаллаб олган ва бу фанлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган улкан сиймо. Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот шаҳрида туғилган. Жаҳоннинг бир нечта тилларини билган. 22 ёшида Рай шаҳрига, 995 йилдан кейин Журжонга Қобус ибн Вушмгир саройига келади ва шу ерда ўзининг машҳур асари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ёзади. 1000-1017 йилларда Хоразмдаги “Маъмун академияси”да фаолият кўрсатади. 1017 йил Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни эгаллагач Беруний бошқа олимлар билан Ғазнага олиб кетилади ва олимнинг бу ердаги фаолияти анча сермахсул бўлади. Ғазнада вафот этади.

Берунийнинг илмий мероси 152 китоб ва рисоладан иборат. Афсуски буларнинг бизгача 28 тасигина маълум. Энг йирик асарлари: “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Қонун ал-Маъсудий”, “Минералогия”, “Геодезия”, “Сайдана”

Абдуҳолик Ғиждувоний (1103-1179)-Тасаввуф таълимотининг йирик номоёндаси, машҳур авлиё. Хожагон номи билан шуҳрат қозонган Ўрта Осиё тариқатининг асосчиси ва раҳномаси. Бухоро яқинидаги Ғиждувон қишлоғида имом оиласида туғилган. Отаси Абдул Жалил асли Рум (Византия) диёридан бўлиб, Ғиждувоннинг машҳур имомларидан бўлган. Абдуҳолик машҳур тасаввуф Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1141 й) га шогирд тушиб, ундан халифалик фирқасини олади. Устоз ва шогирд биргаликда Боғдод, Балх, Исфаҳон, Марв, Самарқанд шаҳарларида бўлиб, тасаввуф илмининг сир-асрорларини эгаллаганлар.

Абу Али ибн Сино (980-1037).Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган машҳур энциклопедист олим. У Шарқда “Шайхур раис”, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган. Бухоро вилоятининг Ромитан туманида жойлашган Афшона қишлоғида туғилган. 10 ёшида Қуръонни ёд олган. Фалсафа илмини устози Абу Абдуллох Нотилийдан, тиб илмини Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрийдан ўрганади. 16-17 ёшида машҳур табиб бўлиб таналади. 1000 йилда Хоразмга боради в Урганчдаги “Маъмун

академияси”да ижод қилади. 1017 йил Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни эгаллагач, ундан қочиб Обивард, Тус, Нишопур орқали Журжонга келиб, Қобус ибн Вушмгир саройида табиблик қилади. 1019-1021 йили Ҳамадонда вазирлик қилади, лекин ҳоким билан келишмай қолиб 4 ой қомоқда ётади. 1023 йил Исфаҳонга қочади. Ўзаро феодал урушлар натижасида Исфаҳон, Рай, Ҳамадон шаҳарлар орасида сарсон саргардонликда ҳаёт кечиради. Ҳамадонда 57 ёшида қулунж касалидан вафот этган.

Ибн Сино асарлари 280 дан ортиқ. Булардан 43 таси тиббиётга оид. Асарларидан бизга 160 га яқини етиб келган. Энг йирик асарлари: “Ал қонун фитиб”, “Китоб аш-шифо”, “Китоб лисон ал-араб”, “Китоб ан-нажот”. Қиссалари: “Донишнома”, “Саломон Ибсол”, “Қиссат ат-Тайр”.

Аҳмад Югнакий (XII-XIII асрлар). Машхур шоир, Югнак қишлоғида туғилган. Бу номдаги қишлоқ Самарқанд атрофи, Фарғона водийси ва Сирдарё бўйларида бўлган. Аҳмад онадан кўзи ожиз туғилади.

Адиб Аҳмад Югнакий салоҳиятли шоир ва одоб-ахлоқ муаллимидир. Ундан бизгача фақат “Ҳибат ул-ҳақойик” (Ҳақиқатлар тухфаси) достони етиб келган холос. Асар 484 мисрадан иборат. Унинг ҳозиргача 3 та тўлиқ кўлёмаси ва 2 та айрим парчалари сақланиб қолган.

Достонда туркий элатларга исломий одоб қоидалари, маънавий-ахлоқий камолот сираларидан таълим берилади. Биринчи боб “Илм манфаати ва жаҳолатнинг зарари ҳақида” деб аталиб, унда илм ҳақида жуда ҳикматомуз сўзлар айтилган. Асарнинг қолган бобларида инсоннинг юксак фазилатларини таърифлаш, нуқсонларини қоралашга, саҳоват, камтарлик, инсонпарварлик, кечиримлилик бўлиш тарғиб қилиниб, инсонга хос ҳамма салбий ҳислатлар қораланади. Китобда Қуръон ва ҳадислардан жуда кўп мисоллар келтирилади.

Аҳмад Яссавий (Қул Хожа Аҳмад Яссавий) (1041-1166)-Машхур мутасаввиф шоир, тасаввуф йўналишининг энг йирик номоёндаларидан бири. Туркистон (Ясси) шаҳрида туғилган. Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф таълимотини ўрганган. Туркистонга қайтиб келиб, шайх, пир сифатида шуҳрат қозониб, Ислому, унинг қонун-қоидалари, азиз авлиёларига эътиқодни тарғиб қилувчи диний оқимнинг куйчиси, машхур шоири сифатида кенг шуҳрат қозонди. Унинг шеърлари маджмуаси “Девони ҳикмат” номи билан 900 йилдан буён қўлдан-қўлга ўтиб, оддий халқ орасида ўқилиб келмоқда. Бу ҳикматлар Ислому мафқурасининг содда ифодаси бўлиб, уларда золимлар танқид қилинган. Аҳмад Яссавий ижоди қадимги ўзбек адабий тили ва ўзбек шаърияти санъатини ўрганишда муҳим ёдгорлик ва манбалардан бири ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбандий (1318-1389). Йирик авлиё ва тариқат раҳнамоларидан, нақшбандия тариқати асосчиси ва раҳнамоси. Бухоро яқинидаги Касри Орифон деган қишлоқда туғилган. Бухорода таҳсил олади. Хожа Маҳаммад Самосий уни ўзига ўғил қилиб олади. Кейин Амир Кулолнинг қўлида тарбия олиб, сўнг етти йил Маавлоно Ориф ва 12 йил Халил Ото деган авлиёлар суҳбатида бўлган. Икки марта ҳаж қилган. Ҳаждан қайтишида Нишопур ва Ҳиротнинг улуғ машойихлари билан учрашиб, бир

муддат Марвда яшади. Сўнг Бухорога қайтиб, қолган умрини шу ерда ўтказди в ашу ерда вафот этди.

Бурхонуддин ал-Марғилоний (тахм.1116-1197). Шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиққан, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига доир йўл-йўруқларни кўрсатиб берган буюк алломадир. Риштонда туғилган. Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида олий диний таълим олди. Қуръони каримни ёдлади ва ханафия мазҳабининг мусулмон қонуншунослиги бўйича буюк назарий ва амалий фикҳ олими сифатида шуҳрат қозонди.

Бурхонуддин Марғилоний “Нашр ал-мазҳаб” (Мазҳабнинг тарқалиши), “Китоб ат-тажнис ва-л-мазид” (Тажнис ва зиёда қилиш), “Китоб ал-фароиз” (Фарзлар ҳақида китоб), “Мухтасарот ан-навозил” (Нозил бўлганларнинг баёноти), “Китоб маносих ал-ҳаж” (Ҳаж қонунлари ҳақида китоб), “Мухтор ал-фатво” (Танланган фатволар) ва бошқа ўнаб асарлар муаллифидир. Марғилонийнинг “Бидоя ал-мубтадий” (Ўрганувчилар учун бошланғич китоб) асари чуқур назарий илм асосида ёзилган йирик асар бўлгани учун ундан ҳамма ҳам фойдалана олмаган. Шунинг учун Марғилоний бу асарни 8 жилддан иборат “Кифоя ал-мунтақий” (Охирги мақсадга эришувчи учун кифоя) номли кенг шарҳни ёзган. Кейинчалик “Кифоя ул-мунтаҳий” асосида машҳур китоб “Китоб ал-Ҳидоя” (Тўғри йўлга бошловчи китоб) асари вужудга келди ва бу китоб “ал-Ҳидоя” номи билан бутун Ислом оламида шуҳрат топди.

2000 йил 16 ноябрда юртимизда Бурхониддин Марғилонийнинг 910 йиллик юбилейи ўтказилди.

Имом ал-Бухорий (810-870). Бухорода туғилган. 825 йили оталари ва биродарлари билан ҳаж сафарига бориб, бу ерда қолиб кетган. У ерда илмларини такомиллаштириб, пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаш, тартибга солиш, улардан қайсилари тўғри, қайсилари пайғамбарга тааллуқли эмаслигини аниқлаш мақсадида Макка, Мадина, Шом, Миср, Фаластин, Ироқ шаҳарларини кезиб, ранжу-машаққатлар билан жами 600 минг ҳадис тўплаб, булардан 100 минг “саҳих” ва 200 минг “ғайри саҳих” ҳадисларни ёд олганлар. 600 минг ҳадисдан 7265 тасини “Жомеъ ис-саҳих” (Ишончли тўплам) китобига киритдилар.

Имом ал-Бухорийнинг машҳур асарлари 15 та бўлиб, улардан энг йириклари “Жомеъ ис-саҳих” (Ишончли тўплам), “Ал-Адаб ал-муфрад” (Адаб ҳақида ягона китоб), “Ат-Тарих ас-сағир” (Кичик тарих), “Ат-Тарих ал-асват” (Ўртача тарих), “Ат-Тарих ал-кабир” (Катта тарих) ва “Ат-тафсир ал-кабир” (Катта тафсир) асарларидир.

1998 йил октябрда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейи ўтказилди.

Имом ат-Термизий (824-894). Машҳур муҳаддислардан бири. Унинг бобоси Марвлик бўлган. Кейин Термизга кўчиб келган. Ёшлигидан илм ва ҳадисга қизиқиб, Ҳижоз, Ироқ ва Хуросонда ўқиган. Умрининг охирида касал бўлиб кўр бўлиб қолган. 70 ёшида Термизда вафот этган. Ат – Термизийдан жуда кўплаб Ислом олимлари дарс олганлар.Абу Исо ат-Термизийнинг асарлари: “Китоб ал-жомеъ” (Ҳадислар мажмуаси китоби),

“Китоб илол” (Иллатлар китоби), “Китоби тарих”, “Китоб аш-шамоил ан-набийя” (Пайгамбарлик аломатлари китоби). 1995 йилда Имом ат-Термизийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланди.

Маҳмуд Замахшарий (1075-1144). Машхур олим, муфассир, тилшунос, шоир ва ёзувчи. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Урганч, Бухоро мадрасаларида таълим олади. Бу ердан Хуросон ва Исфаҳонга боради. Салжуқийлар саройида хизмат қилади. Хоразмга қайтиб, қаттиқ касал бўлиб, бир оёғидан ажралади. Соғайгач, илм олиш учун Боғдодга жўнайди, у ердан Маккага ўтади. Икки йилдан кейин ватанига қайтиб, бир қанча вақт ўтгач Шомга ва яна Маккага боради. Маккада яшаб у ерда тафсирга оид “ал-Кашшоф” (Ошкор қилувчи) асарини тугатади ва “Жоруллох” (Оллоҳнинг кўшнисини), “Араблар ва ғайри араблар устози”) унвонига эга бўлади. Сўнг юртига қайтиб Хоразмда вафот этади.

Маҳмуд Замахшарий 50 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Энг йирик асарлари “Ал-Кашшоф”, “Асос ал-балоғат” (Балоғат асослари), “Ал-Фоиқ фи ғариб-ил-ҳадис” (Ҳадислардаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи), “Ал-Муфассал” (Араб грамматикасига бағишланган), “Муқаддимат ул-адаб (Хоразмшоҳ Отсизга бағишланган), “Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб”, “Нотиқлик асослари”, “Арузда ўлчов”.

Маҳмуд Қошғарий (XI аср). Туркшунослик илми асосчиси, қомусий олим. 1029-1038 йиллар орасида Қошғарда туғилган. Кейин Бухоро ва Нишопурда таълим олган. Кўп йиллар туркий қабилалар орасида кезиб, илмий кузатишлар олиб борган ва тўплаган бой маълумотлари асосида ўзининг машхур “Девон луғот-ит-турк” асарини ёзган. Бу асарда ўша даврда туркий тилдаги сўзлар ва иборалар тўпланган ва улар арабчага таржима қилиниб, изоҳлаб берилган. Аввал сўзлар келтирилиб, кейин ўша сўз ишлатиладиган жумла, мақол ва шеърлар берилади. Асарга Маҳмуд Қошғарий тузган дунё харитаси, дунёнинг доира шаклидаги тасвири ҳам илова қилинган. Унинг марказида Марказий Осиё жойлашган. XI аср география илмининг наъмунаси бўлмиш бу харита Қошғарийнинг қомусий олимлигининг далилидир. Ҳозирги замон жаҳон илмий жамоатчилиги бу олимни қиёсий тилшуносликнинг асосчиси деб тан олмоқда.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё минтақасида маданият юксалиши, жаҳонни ҳайратга солган буюқ мутафаккирларни етиштириб берганлиги бу ҳудуднинг илм-маърифат, илмий кашфиётлар бешиги сифатида тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва мусика санъати беқиёс даражада ривожланган, кутубхоналар фаолият кўрсатган¹⁸. ўша пайтда «Бухорода баланд тош деворлар билан ўралган саройлар, турли расмлар билан безатилган меҳмонхоналар, моҳирлик билан

¹⁸ Пугаченкова Г. Ремпель П., История искусства Узбекистана. Т., 1965 г. 121 стр.

барпо этилган боғлар, хиёбонлар, ҳовузлар» мавжуд бўлганлиги ҳақида манбаларда қайд этилади. Абдул Вафо ал Бузжоний ўзининг «Геометрик қоидаларнинг ҳунармандларга керакли томонлари ҳақида» асарида турли геометрик усуллар ёрдамида ҳар хил нақшлар, бино безаклари яшаш йўллари, қурувчи усталарнинг тажрибалари, бадий усуллари ҳақида ҳикоя қилади. Бошқа манбаларда бу даврдаги тасвирий ва мусаввирлик санъати, хусусан портрет чизиш ҳақида маълумотлар келтиради¹⁹.

Археологик қазилмалар ва қўлёзма манбаълардан маълум бўлишича ўша даврда мусиқа ва мусиқашунослик ҳам кенг ривож топган ва у математика илмининг таркибий қисми саналган. Мазкур даврнинг буюк олими Абу Наср Фаробий мусиқанинг назарий асослари, кўплар, асбоблар, мусиқа маданиятининг мезонлари, атамалари таҳлиliga бағишланган «Қатта мусиқа» китобининг муаллифидир. («Қитоб ал мусиқи ал Кабир»). Ўрта аср мусулмон шарқи мусиқа назариясига бағишланган ушбу 2 қисм, 3 китобдан иборат бўлган. Фаробий «Қатта мусиқа»дан ташқари «Мусиқа ҳақида сўз», «Ритмлар тартиби ҳақида китоб», «Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида» асарларининг ҳам муаллифидир.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликка эришган Сомонийлар шажарасининг биринчи ҳукмдорлари миллий маданий қадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Араб ёзувида бадий ижодни таъқиқламаган ҳолда, Сомонийлар оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб-қувватладилар. Сомонийлар нафақат адабиёт аҳлига, барча олимларга ҳомийлик кўрсатиб, Шероз кутубхонаси билан рақобат даражасида бўлган улкан кутубхонани яратдилар. Улуғ аллома Ибн Синонинг ёзишича, кутубхона кўпхонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошқасида фикҳга оид китоблар тахланган. Шу тартибда ҳар бир хонада фаннинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган.

Таянч сўз ва иборалар

Мовароуннаҳр, Хуросон, ноиб, тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар, марказлашган давлат, ғазнавийлар, қорахонийлар, Данданакон жанги, салжуқийлар, хоразмшоҳлар, ануштегинлар, туркий тил, сўфийлик таълимоти, яссавия тариқати, ер эгалиги, иқтаъ тизими, солиқлар.

Мустақил таълим мавзулари

1. IX аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий- сиёсий аҳвол.
2. Мовароуннаҳрда тоҳирийлар ва саффорийлар давлатлари.
3. Мовароуннаҳрда сиёсий ҳокимиятнинг сомонийлар томонидан эгалланиши, ўзбек давлатчилиги тарихида марказлашув жараёнлари.

¹⁹ Культура Среднего Востока, Городостроительная архитектура, Т., 1989 г. 191 стр.

4. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.
5. Мовароуннаҳрда Қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги ва тараққиёти.
6. Қорахонийлар давлати ҳукмронлиги даврида солиқ тизими.
7. Ғазнавийлар ва салжуқийлар давлатларининг сиёсий куч сифатида Мовароуннаҳр ҳаётидаги ўрни.

Назорат саволлари

1. Ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасидаги тўқнашувларнинг асосий сабаблари нимада эди?
2. Хоразмда Ануштегинлар сулоласининг ўрнатилиши хусусида гапиринг.
3. Хоразмшоҳлар даврида солиқ тизими ва унинг аҳамияти нималарда намоён бўлди?
4. IX–XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият. Араб, форс, туркий тилларининг жамият ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти нимада?
5. Ислом динининг моҳияти. Сўфийлик таълимотининг ўзига хос хусусиятлари нимада?.
6. Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг диний-маърифий фаолиятлари ҳақида гапиринг.
7. IX–XII асрларда меъморчилик, амалий безак санъати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай эди?
8. Сиз буюк аждодларимиз томонидан қолдирилган илмий-маърифий, диний ва маданий мероснинг жаҳон фани ва маданиятида тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?

Адабиётлар рўйхати.

1. Наршахий Муҳаммад. Бухоро тарихи. Т., 1966.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2000 й.
3. Буюк сиймолар, алломалар. Т.: «Мерос», 1995, 1996, 1998 йиллар.
4. Сағдуллаев А. Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., 2000.
5. Усмонов Қ, Содиқов М, Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. I қисм. Ўқув қўлланма. Т.: «Мерос», 2002 й.
6. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т.: «Шарқ», 2001 й.
7. Муртазаева Р.Х ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Маърузалар матни).Т., 2000.
8. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
9. Усмонов Қ, Содиқов М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик». Т., 2006.

6-мавзу: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди –мард ва жасур аждодимиз

Режа:

1. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми арафасида Мўғулистон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари.

2. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми, Жалолиддин Мангуберди қахрамонлиги

3. Мўғуллар истилосидан сўнг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият. Чиғатой улусида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Маданият.

1. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми арафасида Мўғулистон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Чингизхон ва Хоразмшоҳ муносабатлари. Маълумки дунё тарихида шундай давлатлар ва ҳукмдорлар бўлганки, улар дунё халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос из қолдирганлар. Ана шундай давлатлардан бири шубҳасиз улкан Гоби саҳросининг шмолий-шарқида шаклланган кучли мўғуллар давлати эди. XII аср охири - XIII бошларида ҳозирги Мўғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва мўғил қабилаларининг ўзаро уюшув жараёни бошланган эди. Ушбу анъана мўғул қавмларининг ҳукмдори Темучин томонидан амалга оширилади. Темучин тарихда кучли ва тадбиркор саркарда сифатида, пароканда қабилаларни турли йўллар билан ўз қўли остида мустаҳкам бирлаштирган шахс эди. 1186 йилда мўғул қавмларининг умумий қурултойида у **“хон”** деб эълон қилинади.

Чингизхон тарқоқ мўғул қавмларини бирлаштириш чоғида кучли ҳарбий тузилмани ташкил эта олди. Бу билан Темучин интизомли, садоқатли ва ўта жанговар ҳарбий тузилмаларни яратишга муваффақ бўлди. Уларни бошқаришни эса аввало, ўз ўғиллари Жўчи, Чиғатой, Ўқтой, Тулиларга топширади. Ўз ҳокимиятини тўлиқ мустаҳкамлаб олгач, Темучин 1206 йили мўғулларнинг *«умумқурултойи»*ни чақиради. Қурултойда у олий мўғул ҳукмдори хон деб тантанали эълон қилиниб, унга **“Чингизхон”** деган фахрий унвон берилади. Чингиз сўзи *кучли, бақувват, буюк* маъноларини англатган. Мазкур давлатнинг пойтахти этиб Қорақурум шаҳри танланади.

Султон Қутбиддин Муҳаммад Оловиддин Хоразмшоҳ (Муҳаммад Хоразмшоҳ) (1200-1220) даврига келиб мамлакатнинг ҳудудлари кенгая бошлади. Султон ўз онаси бўлмиш Туркон хотун кўмаги ҳамда қўллаб-қувватлаши натижасида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга, зафарли юришлар қилишга муваффақ бўлади. У 1204 йили Ҳиротни, 1207 йили Бухорони қўлга киритади. Султон Отсиз давридан бошлаб хоразмшоҳлар қорахитойларга ўлпон тўлаб турар, акс ҳолда кўчманчилар мамлакатга бостириб кириб, уни хонавайрон қилишлари турган гап эди.

1218 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзининг янги пойтахти деб эълон қилган Самарқанд шаҳрига кириб келади ва хутба, тангалардан халифа

номини чиқариб ташлаш хусусида фармон беради. Ўша йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон ҳузурига ўз элчиларини юборади. Бунга жавобан Чингизхон кечиктирмасдан қимматбаҳо совғалар ва моллар ортилган катта карвон билан ўз элчиларини хоразмшоҳлар султони ҳузурига юборади. Элчиларга хоразмлик таниқли савдогар **Махмуд Ялавоч** бошчилик қилади. Султон Муҳаммад бу элчиларни 1218 йил баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилади. Хоразмшоҳ унга қимматбаҳо совғалар бериб, Чингизхон билан шартнома тузишга рози эканлигини билдиради.

1218 йили Чингизхон Султон Муҳаммадга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш ва ўзаро шартнома тузиш мақсадида катта савдо ва элчилар карвонини жўнатади. Улкан савдо карвони **450** та мусулмон савдогари ва **500** туяга ортилган қимматбаҳо моллардан иборат эди. Ўз давлати қудратини намоён этиш ниятида Чингизхон Танғут ва бошқа давлатлардан ўлжа олинган, жанубий Сибир ва Хитойдан келтирилган ажойиб, сара моллар бор эди. Улар карвонда шунингдек Хоразмшоҳга Чингизхон номасини олиб келаётган эди.

Карвон Урганч томон йўл олган эди. Лекин хоразмшоҳларнинг чегара вилояти **Ўтрор**га кириб келиши биланок, карвон ушлаб қолинади. Ўтрор ҳокими Иналхон Туркон хотуннинг яқин қариндоши, Хоразмшоҳга яқин бўлган. Иналхон, араб тарихчиси ибн ал-Асир, ан-Насавийларнинг ёзишича, Хоразмшоҳ ижозати билан бу карвонларни талашга буйруқ бериб, карвон аъзоларини жосусликда айблайди ва уларни кириб ташлайди. Талаб олинган моллар Самарқанд ва Бухоро савдогарлари ўртасида тақсимланади. Хоразмшоҳлар қўпол сиёсий хатога йўл қўйиб, элчиларни қирғин-барот қилдирадilar. Ўтрор фожеасидан сўнг Чингизхон Ибн Кафροжий Буғрони икки мулозим билан Хоразмшоҳ ҳузурига элчи этиб жўнатди. Ас-Субқийнинг ёзишича, Чингизхон Ўтрор фожеасининг айбдори Иналхонни тутиб мўғуллар кўлига топширишини, элчилар ўлимининг сабабларини кескин тарзда сўрайди.

Султон буйруғи билан элчи бўлмиш **Ибн Кафροж Буғро** ўлдирилиб, икки мулозимнинг соқол-мўйловлари шармандали тарзда кириб ташланади. Хоразмшоҳ мўғуллар билан эртами-кечми, уруш бўлишини яхши англаган эди. Қолаверса, мамлакатда мўғуллар бостириб кириши хусусида турли миш-мишлар ҳам авж олган эди. Нима бўлганда султон ҳам Чингизхонга шу йўсинда дағдағали жавоб беришга қарор қилди.

2. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми, Жалолоддин Мангуберди қаҳрамонлиги. Чингизхон 1219 йили ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан анчадан бери пухта тайёрланган Хоразмшоҳлар давлати устига ҳарбий юришни бошлайди. Бу кучлар ёзни Иртиш дарёси бўйида ўтказиб, сентябр ойида чегарадан ўтади. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз қўшини билан жанубий қозоқ чўлларининг Сирдарёга туташган жойидаги Ўтрор шаҳри яқинида тўплаб уни 4 қисмга бўлади.

Чиғатой ва Ўқтой қўшиннинг бир қисми билан Ўтрорни қамал этиб, эгаллаш учун қолдирилди. Иккинчи қисм эса Жўчи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Барчинғлиқкент, Сиғноқ шаҳарларни босиб олиш учун юборилди. Учинчи қисмидаги беш минг чоғли

қўшинга Улоқ нўён ва Сукету Черби бош бўлиб Ўтрордан жанубга, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш вазифаси топширилади. Чингизхон ўзи бош бўлган тўртинчи, асосий қисм (унинг таркибида таниқли саркардалар Жебе ва Субутой ҳам бор эди) Зарафшон воҳаси томон-Бухоро ҳамда Самарқандни истило этиш учун йўл олди. Чегарадаги Ўтрор мустаҳкам шаҳар қалъа бўлиб, мўғулларга мардонавор қаршилик кўрсатган эди. Ўтрор ҳоқими **Иналхон** қўлида 20.000 чоғли суворий бўлиб, Хоразмшоҳ унга ёрдам тариқасида 50.000 кишилик "**Лашкари бирун**"ни ҳам юборган эди.

Чингизхон 1220 йилнинг феврал ойи бошларида шарқнинг қадимий гўзал шаҳри, шарқдаги ислом дини гумбази, "бутун мусулмон шаҳарлари онаси" номини олган "Исломий илмлар маркази" **Бухоро** яқинида пайдо бўлади. Уч кунлик шаҳар қамали бошланади. Бухорода бу пайтда 12.000 лик шаҳар гарнизони ва 20.000 кишилик "Лашкари бирун" мавжуд эди. Лашкарларга нуфузли саркардалар Ихтиёриддин Қўшлу бош эди, 10 феврал куни Бухорога мўғуллар кириб келадилар.

Аксарият шаҳарликлар ўз қаршиликларини давом эттирадилар, тунда эса яширинча аскарларга ёрдам бериб, мўғул аскарларига қарши ҳужумлар уюштирдилар. Чингизхон бунга жавобан шаҳарни ёқиб юборишга буйруқ бердилар. Кўкхон бошчилигидаги 400 та мудофаачилар Бухоро аркида яна 12 кун қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Аркни эгаллаш учун қилинган мўғуллар ҳатти-ҳаракатлари зое кетади, мўғуллар шаҳар аҳлидан 30000 чоғли кишини қириб ташлайдилар.

Бухородан сўнг Чингизхон Самарқанд томон йўл олди. 1220 йил март ойи бошида у **Самарқандга** етиб келиб, ён-атрофдаги қишлоқларни ер билан яқсон қилди. Чингизхон Самарқандни эгаллашга алоҳида аҳамият берди. Самарқанднинг Мовароуннаҳр учун, Хоразмшоҳлар учун аҳамияти беқиёс эканлигини Чингизхон яхши билар эди. Шунинг учун уни эгаллашга катта эътибор билан қаради. Шаҳарда 110.000 кишилик ҳарбий гарнизон (ундан 60.000 таси туркий, 50.000 тожиклар эди.), 20 та ҳарбий илмга ўргатилган фил ҳам мавжуд эди. Султон Муҳаммаднинг тоғаси Тўғайхон шаҳар ноиб бўлиб, шаҳар мудофаага бош булади. Лекин мўғуллар томонига хиёнаткорона ўтиб кетган собиқ шаҳар ноиб Тўғайхон тез орада ўзининг 30000 кишиси билан Чингизхон буйруғига кўра қириб ташланади.

Сўнгра мўғуллар Хўжандга ҳужум бошлайдилар. Мўғуллар 20.000 нафар қўшин ва 50.000 минг чоғли асирга тушган хашарчиларни Хўжанд атрофига йиғадилар. Хўжанд ҳоқими **Темур Малик** асли туркий саркардалардан бўлиб, Хоразмшоҳлар давлатида ном чиқарган, султон ва унинг оиласига таниш бўлган шахс эди. Темур Малик 1000 чоғли аскари билан Хўжанд яқинидаги Сирдарёнинг кичик оролчасида жойлашади. Бир неча кун Темур Малик 12 та қайиқ ясаёттириб, ўқ ўтмаслиги, ёниб кетмаслиги мақсадида бу қайиқларнинг усти намат билан қопланиб, сирка билан шимдирилган лой билан сувалади. Темур Малик узоқ вақт мудофаа учун эндиликда оролчада туриш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушуниб, бор озиқ-овқат захираси ва аскарларини 70 та кемага жойлаб, тунда дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Мўғуллар икки соҳил бўйлаб Темур Малик

кемаларига тўхтовсиз хужумни уюштирадilar. Ҳатто Банокат бўйида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир ҳам тортиб қўядилар. Узоқ, узлуксиз жанг билан улар Жандга қадар етиб келадилар. Мўғлил саркардаси Улус Иди Борчиликент ва Жанд яқинида манжаниқлар (тош отар замбараклар) ўрнатиб, қайиқларни бир-бирига туташтириб, жасур саркарда йўлини тўсади. Узоқ жанглардан сўнг Темур Малик Урганчга етиб келади ва Урганч химоясида қатнашиб, Жалолиддиннинг озодлик курашида фаол иштирок этади. Кейинроқ, узоқ саргардонликлардан сўнг саркарда Темур Малик ўз юртига келиб, қаҳрамонларча равишда мўғул ҳарбийлари қўлида ҳалок бўлади.

1220 йилнинг кузида Чингизхоннинг Термизга юриши бошланади. Шаҳар буткул талон-тарож қилиниб, хонавайрон этилди. Шаҳар аҳли эса даштга ҳайдаб чиқилиб қириб ташланди. Моварауннаҳрнинг асосий қисмлари-Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Бухоро воҳаси, Шош ва Фарғона водийси эгаллангач, Чингизхон эндиликда ўзининг асосий эътиборини Хоразмшоҳлар давлатининг маркази Хоразм ўлкасига қаратди. Бу юришга ўғиллари Жўчи, Чигатой, Ўқтой (Угедей)ларни масъул қилди.

Шундай шароитда унинг отаси **Муҳаммад Хоразмшоҳ** плеврит (ўпкага сув йиғилиш) касали билан оғриб тахминан 1220 йилнинг охирларида кувғинликда Каспий денгизидаги Ашуради оролида вафот этади. Ўлими олдида султон Жалолиддинни тахт вориси деб эълон қилиб, султонлик мансабини унга топширади. Жалолиддин ўз инилари Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар билан отасини дафн этгач, 70 та кишиси билан тўғри Урганчга келади. Тез орада унга Хўжанд ҳокими Темур Малик ва бошқа эркесвар кишилар келиб қўшиладилар. Халқ Жалолиддин Мангубердини шод-у-хуррамлик ва катта умид билан кутиб олади. Лекин иниси Ўзлокшоҳ ва унинг тарафдорлари унга қарши фитна тайёрлаётганидан хабар топгач, бу алфозда мўғулларга қарши курашиб бўлмаслигини тушунган Жалолиддин 300 та кишиси билан яширинча Хоразмни тарк этади. Ҳозирги даврдаги янги тадқиқотлар шуни кўрсатаптики, Жалолиддиннинг мўғуллар билан илк тўқнашуви аввал бошида Жанд вилоятидаги Ирғиз даштида бўлган экан. Жалолиддин 16 кун ичида Хоразмдан Хуросон ерларидаги Нисо қўрғони атрофига етиб келади.

Бу пайтда, яъни 1221 йил бошларида Жўжи, Чигатой ва Ўқтой аскарлари Гурганчга хужум бошлайдилар. Гурганч қамали 6 ой давом этди, ҳадсиз-ҳисобсиз қурбонлар берилди. Шаҳар эгаллангач, барча эркаклар, болалар қиличдан ўтказилади. Ҳеч кимга шафқат кўрсатилмади. Шаҳарнинг ўзини эр билан баробар қилиш учун Аму тўғони очиб юборилиб, Гурганч сув остида қолади.

Талон тарожлар оқибатида шаҳардаги узоқ асрли маънавият дурдоналари, қимматли қўлёзмалар, китоблар сақланиб келган кутубхоналар, барча ноёб асори-атикалар эр билан яксон этилади. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғиллари: Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам мўғуллар томонидан асир олиниб, қийнаб ўлдирилади. Подшоҳ билан кўп йиллар муҳолафатчиликда бўлиб, юртнинг парокандаликка, чуқур зиддиятларга йўлиқишига сабабчи бўлган, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган, салтанат ичида

салтанат курган Туркон Хотун қисмати ҳам охирида фожиали якун топади. У ҳам мўғуллар томонидан асир олиниб, беҳисоб молу дунёси таланиб, ўзи Мўғулистонга ҳайдаб кетилади. Тарихий манбаларда Туркон хотуннинг Чингизхон хотинларидан бирига чўри сифатида тортиқ қилинади.

Чингизхон эса бу вақтда асосий кучни жанубга, яъни Хуросонга қаратади. у улкан қўшин билан Хуросонга қараб отланган Жалолиддин ортидан тушади, яъни у Жалолиддин орқасидан келаётган эди. Жалолиддин Ғазнага етмасдан яқин орада Ҳирот ҳокими ҳамда қайинотаси бўлмиш Амин Малик билан учрашади ва улар биргаликда Қандаҳор қалъасини қамал қилаётган мўғуллар устига юриш қиладилар. Жалолиддин бу курашда ҳарбий илм тарихида илк бора "пиёда чавандозлар»ни мўғулларнинг отлик аскарларига қарши қўяди. Чингизхон Жалолиддиннинг куч-қудратини ошиб бораётгани ва мўғуллар ундан Қандаҳорда зарбага учраганлигидан ғазабланиб, нўён Шики Хутуху бошчилигидаги қўшинни унинг устига юборади. У 1221-йилнинг кузида Жалолиддин ерларига яқинлашиб келади. Бу вақтда мўғулларнинг Текечук ва Молгор бошчилигидаги илғор гуруҳи Чорикордан шимолроқдаги Валиён қўрғонини қамал қилишни бошлаган эди.

Кичикроқ қўшин билан ҳужумга отланган Жалолиддин бир ҳамладаёк мўғулларни зарбага учратишга муваффақ бўлади. Бу жангда мўғулларнинг 1000 дан ошиқ кишиси ҳалок бўлади. Кўплаб тарихчилар жумладан, ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар. Жалолиддиннинг мўғулларга қарши муҳим жангларида бири 1221 йилнинг кузида шимолий Афғонистоннинг Лагар дарёси бўйидаги **Парвона** дашти яқинида бўлиб ўтади. Парвона жанги мўғулларнинг мутлақ мағлубияти билан тугаб, Шики Хутуху қолган қўшини билан Чингизхон ҳузурига базўр қочишга улгуради. Парвона яқинидаги жанг Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳли учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу пайтгача мўғулларнинг илоҳий, енгилмас куч-қудратга эгаликлари хусусидаги гап сўзларга, афсоналарга чек қўйилди. Жалолиддин қўшини Парвона жангидан сўнг катта ўлжани киритган эди. У Чингизхонга қарши озчилик қўшин билан кураша олмаслигини англаб, Синд (Ҳинд) дарёси бўйига чекинишга қарор қилади.

Ниҳоят **1221 йил** 25 ноябр куни Синд дарёси бўйида уч кун давом этган ҳал қилувчи жанг бошланади. Бир қатор ўрта аср мусулмон тарихчиларининг таъкидлашларича, бундай қонли, кескин ва даҳшатли жанг тарихда рўй бермаган экан. Жалолиддин ва унинг қўшини мисти кўрилмаган даражада жасорат ва баҳодирлик намуналарини кўрсатдилар. Фақат учинчи кунга келиб, Чингизхон қўшини устунликка эриша бошлади. Жалолиддиннинг тахминан 7-8 ёшли ўғли Чингизхон қўшини қўлига тушиб қолиб ўлдирилади. Жангда мардонавор курашган Амин Малик ва бошқа кўплаб саркарда, навкарлар ҳалок бўладилар. Чингизхон қандай қилиб бўлмасин Жалолиддинни тириклайин қўлга олишга буйруқ беради.

Жалолиддин эса уни қўлга олишга интилаётган мўғул қўшини куршовини шахсий баҳодирлиги билан ёриб чиқиб, Синд дарёси бўйига етиб келишга муваффақ бўлади. Дарё бўйида онаси Ойчечак ва ҳарамдаги бошқа аёллар уни кутиб туришар эди. Шундоқ ҳам бу жангдан рухий ва жисмонан

эзилган Жалолиддинга улар “бизни ўлдилинг ва машъум асирликдан кутқаринг” дея мурожаат қилишади. Жалолиддин барча ҳарам аёлларини сувга чўктиришга кўрсатма беришдан бошқа иложи қолмайди. Ўзи эса оти билан сувга сакраб, дарёнинг нариги бети Ҳиндистон томонга сузиб ўтади.

1231 йил баҳорида у Ганжага келиб яна мўғулларга қарши иттифок тузиш учун мусулмон ҳукмдорларига мурожаат этди. Лекин унинг таклифи жавобсиз қолиб кетди. Шунда Суриядаги Амида қалъаси ҳокими уни ўз олдига чорлайди. У Ироққа бориб яна кўшин тўпламоқчи бўлади. Амида йўли яқинида унга тўсатдан мўғуллар ҳужум қилиб қолишади (1231 йил август боши). Уни 15 чоғли мўғул навкарлари таъқиб этишади. Жалолиддин ўз шерикларидан ажралиб, Туркиянинг Силван вилояти яқинидаги бир қишлоққа келади. Ушбу тоғлик қишлоқда у курдлар кўлига тушади. Ўзини султон деб таништиргандан сўнг уни курдлар ўлдиришга жазм этмайдилар. Уни тегишли жойга етказиб қўйиш эвазига мукофот ваъда қилади. Лекин курдлар раҳбари хонадонидан жой олган ҳориб-толган Жалолиддинни, бошқа бир курд кишиси ўлган иниси хуни эвазига ўлдиради. Бу воқеа тахминан 1231 йилнинг август оyi 17-20 саналари оралиғида рўй беради. Жалолиддин Мангубердининг мурдаси Маяфириқинга дафн этилиб, мўғуллар кириб келгудек бўлса, ҳақоратланмасин деган мақсадда гўри ер билан текислаб юборилади.

3. Мўғуллар истилосидан сўнг ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият. Чиғатой улусида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Маданият. 1219 – 1221 йиллардаги мўғуллар босқини ва истилосидан сўнг Моварауннахр, Хоразм, Хуросоннинг гуллаб-яшнаган деҳқончилик воҳалари тамомила ҳалокатга учради. Шарқда донғи кетган қадимий ва обод шаҳарлар, жумладан Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хўжанд, Марв, Термиз, Балх, Нишопур ва бошқа шаҳарлар харобазорга айлантирилди. Самарқанднинг асосий аҳолиси, бухороликларнинг кўпчилиги, Урганч ва Марв каби улкан шаҳарлар аҳолисининг барчаси она шаҳарларини ё тарк элдилар ёки қириб ташландилар.

Чингизхон тириклик вақтидаёқ ўз ўғилларига мулкларини улус қилиб бўлиб беришни бошлаган эди. Олтой тоғларининг жанубий сарҳадларидан то Амударё ва Синдгача бўлган ерлар иккинчи ўғил Чиғатойга берилади.

Чиғатой улуси-Чингизхон томонидан 1224 йилда иккинчи ўғли Чиғатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятлар. Худуди Мовароуннахр, Еттисув ва Шарқий Туркистондан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи мўғуллар ўтроқ аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам Чиғатой улусини бошқариш хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (1225-1238) ва унинг ўғли Масъудбекка (1238-1289) топширилган. Ўзлари эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш билан қаноатланганлар.

Мўғуллар босқини ва истилосидан сўнг Моварауннахр, Хоразм, Хуросоннинг гуллаб-яшнаган деҳқончилик воҳалари тамомила ҳалокатга учради. Шарқда донғи кетган қадимий ва обод шаҳарлар, жумладан

Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хўжанд, Марв, Термиз, Балх, Нишопур ва бошқа шаҳарлар харобазорга айлантирилди. Самарқанднинг асосий аҳолиси, бухороликларнинг кўпчилиги, Урганч ва Марв каби улкан шаҳарлар аҳолисининг барчаси она шаҳарларини тарк этдилар бир қисми қириб ташландилар.

Чингизхон тириклик вақтидаёқ ўз ўғилларига мулкларини улус қилиб бўлиб беришни бошлаган эди. Олтой тоғларининг жанубий сарҳадларидан то Амударё ва Синдгача бўлган ерлар иккинчи ўғил Чигатойга берилди. Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Чингизхон вафотидан сўнг Чигатойга 4000 та аскар теккан экан. Маҳмуд Ялавочга солиқлар тушумини мунтазам назорат этиш ўлкада мўғулларга қарши ғалаён бўлишини олдини олиш маъсулияти юклатилган эди. Кўпчилик аслзода зодагонлар, савдогарлар, қисман уламолар ҳам ўз жонлари ва қолган мол-мулкларини сақлаб қолиш борасида хиёнаткорона тарзда босқинчилар хизматига ўта бошладилар.

Янги ҳукмдорлари босиб олинган ерлар аҳолисидан бож-хирож олиш ва ундиришни, истило этилган ерларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлларини белгилаш вазифаси турар эди. Мўғул зодагонлари мазкур масала бўйича ягона фикрга эга эмас эдилар. Ўтроқ ҳаёт муҳолифлари барча ерларни яйловга айлантиришни, шаҳарларни вайрон қилишни таклиф этишади. Бошқалар эса талон-тарожни тўхтатиш, ҳунармандчилик, савдо ва қишлоқ хўжалигига ҳомийлик қилиш, солиқ ва мажбуриятлар ҳажмини белгилаб қўйишни тавсия этадилар. Шу тариқа Мўғулистонда Чингизхон томонидан таклиф этилган тадбирлар ҳаётга татбиқ этила бошланади. Асосан икки хил солиқ белгиланади - **калон** (ер солиғи) ва **қопчур** (чорвадорлар ва кўчманчи халқлардан олинган солиқ). Биринчи солиқ ҳосилнинг 10 фоизи, иккинчиси подадаги туёқлар сонининг 1 фоизи миқдорда тўлов сифатида ундириш кўзда тутилади. Чингизхон ва унинг авлодларини ўлпон ва бўйсундирилган мамлакатлардан солиқларнинг мунтазам келиб туриши кўпроқ қизиқтирар эди. Улар кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулот-лари, ҳунармандчилик буюмлари ва нақд пулни узлуксиз олиб туришлари лозим бўлган.

Марказий Осиёнинг босиб олинган вилоятларини бошқаришда мўғуллар мусулмон савдогарларни жалб эта бошлаганлар. Ўз даврида Мовароуннаҳрда солиқларни йиғиш йирик савдогар Маҳмуд Ялавочга топширилади. У дастлаб солиқларни ижара йўли билан ундира бошлайди. У солиқ ундиришда энг ваҳший усуллардан ҳам қайтмаган. Хусусан аҳоли биринчи талаб билан солиқ тўламаса, жисмоний чора-тадбирлар кўрилган, ҳатто улар-нинг болалари ҳам солиқ ҳисобига тортиб олинган.

Бу ишда савдогарлар ва руҳонийлар, амалдорлар яқиндан ёрдам берганликлари учун уларга **пайза** лар бериб, уларни зарур нарсалар билан таъминлаш солиқ тўловчилар зиммасига тушган. Бундай шароитда ўлкада мўғулларнинг солиқ тизимига қарши йирик халқ кўзғолонлари бўлиб ўтади. Ана шундай кўзғолон-лардан бири 1238 йилда **Маҳмуд Торобий** бошчилигида кўзғолон эди. Кўзғолончилар дастлаб жиддий муваффақият қозонадилар. Кармана шаҳри теварагида 10 мингга яқин мўғул сипоҳларини

кириб ташлайдилар. Қўзғолон бостирилди, лекин у маҳаллий ҳукм-дорларни ўз молия сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур этди.

Лекин қўзғолон халқ оммасининг келгинди босқинчилар зулмидан сабр косаси тўлиб - тошиб, биргаликда ҳаракат қилиб, мустақиллик йўлида муваффақиятларга эришиш мумкинлигини кўрсатди. Мазкур қўзғолондан сўнг мўғул хони Мангухон (1257-1259) чиқарган ёрликқа асосан, белгиланган тартибдаги солиқ туридан ташқари аҳолидан озиқ-овқат, ем-хашак олинмаслиги, солиқ тўлашда жисмоний куч ишлатилмаслиги ва бошқа енгилликлар кўзда тутилган эди. XIV асрнинг биринчи ярмига келиб мўғул хонлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, феодал тарқоқлик оқибатида мўғуллар Мовароуннаҳрдаги маҳаллий ҳокимликларни ва маҳаллий аҳолини бошқаришни уддасидан чиқа олмай қоладилар. Солиқ масаласидаги қарама-қаршилиқлар, айниқса кучайиб кетади.

Айниқса деҳқон ва ҳунармандларнинг аҳволи йил сайин ёмонлашиб борди. Чунки ер солиғини тўлашдан ташқари, деҳқонлар турли мажбуриятлар ва хизматларни бажаришга мажбур қилинар эди. Ҳунармандлар айниқса, қуролсозларни ҳам натура мажбуриятини ўташ тартибида ишлашга мажбур этилар эди. Мангухон зўравонлик ва суиистеъмол қилиш тизими мўғулларга қарши ҳаракатни кучайтирганини тушунар, шу сабабли у бўйсундирилган халқлар учун солиқларни юмшатишни таклиф қилди.

Салтанатнинг бутун аҳолиси (ўтроқ ва кўчманчи) даромадлари ва бойлигига мутаносиб равишда солиқ ва ўлпонлар тўлаши керак эди. Солиқ ҳар йили ундирилиши шарт бўлган. Бой киши бир йилда 10 динор, камбағал тоифа эса 1 динор тўлаши шарт бўлган. Чорва солиғи ҳар юз туёқдан бир бош миқдорида олинган. Маҳмуд Ялавоч Маҳмуд Торобий қўзғолонидан сўнг ўз лавози-мидан бўшатилади ва Мовароуннаҳрдан чиқариб юборилади. Солиқ олувчи ва ноиб этиб унинг ўғли Масъудбек тайинланиб, у бу лавозимда 51 йил хизмат қилади. У мўғулларга ўлпон ва солиқларни ўз вақтида тўлаб турди, натижада кейинчалик мўғуллар Мовароуннаҳрни бошқариш ишига деярли аралашмаганлар.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда мўғул зодагонларининг ер эгалиги ва мулк эгалиги борасида амалга ошираётган ислохотлари маҳаллий халқлар турмуш тарзига оғир юк бўлиб туш-ган эди. Ҳар йили мўғул зодагонлари ва ҳукмдорлари иштирокида ўтказилаётган қурултойларда ер эгалиги ва солиқ хусусидаги масалалар ҳам муҳокама этиб борилган. Қурултойда таклиф қилган тадбирлар Ўрта Осиё худудида амалга оширила бошланди.

Айниқса маҳаллий деҳқон ва ҳунармандларнинг аҳволи янада оғирлашиб, улар ер, мол-мулк солиғини тўлашдан ташқари турли мажбуриятларни ҳам бажаришга мажбур эдилар. Натижада ўлканинг катта-кичик қишлоқларида жабр-зулум ва зўравонликларга қарши халқнинг қаршилиқ ҳаракатлари кучайиб борди, бу ҳолат, айниқса, ҳукмдорлар томонидан йиғиб олинадиган солиқлар ва уларнинг турларида янада кўпроқ кўзга ташланар эди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳрдаги узоқ йиллик бошқаруви даврида ўлкада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан инқирозли ҳолат-нинг вужудга келиши, солиқлар тизимини такомиллашиши бароба-рида, уларни ундириб олишда ҳам шафқатсизларча усуллар амалга оширилган. Бу ҳолат жамиятда ижтимоий тенгсизликни кучайи-шига ва юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида синфий кураш-нинг авж олишига олиб келди.

Феодал ер эгаллигининг кучайиши, мулкдор мўғул зодагонлар-нинг муттасил жабр-зулмлари барча турдаги иқтисодий тўловлар, солиқлар ва йиғимларнинг бутун юқини оддий халқ елкасига ағдардилар. Улар мумкин қадар тезроқ бошқарувни қўлга олиш ҳамда бўйсундириш илинжида ҳаддан ташқари солиқларни кўпайтириб, оддий халқни қашшоқларга айлантirdилар, уларни исканжалар билан қийнаб, азоблай бошладилар, тўлашдан қочган, яширинганларни тутиб олиб ўлдираб эдилар. Ҳатто болаларини тортиб олар эдилар, айрим маҳаллий амалдорлар бу ишда уларга кўмаклашиб, товламачилик орқали бойиб олар эдилар.

1251 йили ҳокимият тепасига Ботухон ва Беркахонларнинг қўллаб-қувватлашлари билан **Мунқа** (1251-1259) улуғ хон сифатида сайланади. У дастлаб Чиғатой улусини мулк сифатида тугатади ва уни **Ботухон** билан бўлиб олади. Кейинчалик Мунқанинг ўлимидан сўнг Чиғатойнинг набираси Олғухон (1261-1266) Олтин Ўрдага қарши курашиб, Чиғатой улусини қайта тиклашга муваффақ бўлади. XIII асрнинг 60-70-йилларига келиб, расман ягона ҳисобланган мўғул империяси аслида Эрондаги Хулагийлар, Мовароуннаҳрдаги Чиғатойлар ва Олтин Ўрда деярли мустақил қисмларига бўлиниб кетган эди.

Айниқса, хўжалик-иқтисодий ҳаётни бир меъёрга тушириш, савдо ва пул муомаласини изга солишда Чиғатой улуси ноиб Маъсудбекнинг хизмати ва ислоҳотлари катта ўрин тутган. Маъсудбек мўғул қоон (хон) ларига шахсан яқинлиги ҳам унинг ислоҳотлар ўтказилишга имкон ҳам берган эди. 1271 йили мўғулларнинг маданий, ўтроқ ҳаёт тарафдорлари мадади, Талас қурултойи (1269-й.) қарорларига таяниб, Маъсудбек янги пул (молиявий) ислоҳот ўтказишга киришди. Унга кўра, ҳар қандай шахс ўзига керакли тангаларни зарбхоналарга олиб бориб, уни хоҳлаган тарзда, лекин бир хил ҳажм, қиймат, вазнда зарб этиш мумкин эди. Аввал бошида қийинчилик билан кечган бу жараён XIII асрнинг 80-йилларига келгандагина фаоллаша борди.

Тез орада 16 та йирик шаҳар ва вилоятларида бир хил вазн ва юқори қийматга эга соф кумуш тангалар зарб этилиб, муомалага киритилди. Гарчи атрофдаги ислоҳотларга қарши мўғул ҳарбийлари Эрондан, Еттисувдан Мовароуннаҳрга вайронагарчилик келтириб чиқарувчи курашларни амалга ошириб турсаларда, лекин ислоҳотлар боришига тўсқинлик қила олмадилар.

Тамға – мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё, Эрон, Олтин Ўрда ҳудудларида жорий қилинган ҳунармандлар ва савдогарлардан ундирилган ва хон хазинаси учун йиғилган солиқ. Ушбу солиқни жорий этилиши натижасида мўғул ҳукмдорлари катта фойдалар кўрганлар. Ушбу солиқ маҳаллий халқ, хусусан савдогарлар ва ҳунармандлар зиммасига оғир

юк булиб тушган. Мазкур солиққа кўра, ҳар бир солиқ тўловчи ўз даромадидан келиб чиқиб уни маълум муддатда тўлаши шарт бўлган. Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида эса ердан олинадиган солиқларни камайтириш ҳисобига ушбу солиқ тури сақланиб қолган бўлсада, соҳибқирон савдо ва хунармандчилик масаласида савдогарлар ва хунармандларга бошқа бир қанча имтиёзлар яратиб берган. Чигатой улусининг ҳукмронлигига Амир Темур ҳокимиятга келгач барҳам берилган.

Мамлакатдаги талончиликлар маҳали мўғуллар шаҳар ва қишлоқларга турли талончиликлар қилиб турганлар ва у **чопғин** деб аталган. Яъни, мўғулларнинг ҳарбий юришлари маҳалида талафот кўрган армия, қўшин ва бошқа кичик ҳарбий бўлинмалар эҳтиёжларини қоплаш мақсадида шаҳар, қишлоқ, овул ва бошқа аҳоли пунктларига талончилик мақсадида қилинган юриш (чопғин) лар шундай аталган. Чопғин пайтида талон-тарож қилинган аҳоли пунктларида аҳолидан сўрамасдан ҳаёт учун зарур бўлган барча мол-мулк, егулик, кийим-кечак, ўтин ва бошқа нарсалар ўлжа сифатида олиб чиқиб кетилган. Бундай ҳолат кўплаб содир бўлганлиги тарихдан аён. Биргина мўғуллар босиб олган мамла-катларда худди шундай чопғинлар кўплаб амалга оширилган. Амир Темурнинг Эрон, Мозандорон, Ҳиндистон ва Курдистонга ҳарбий юришлари маҳали қишлоқларга уюштирилган юришлар ҳам шундай аталган.

Чингизхон ўзининг хон, султон ва унинг яқинларига ёзги яйловлардан яйловга кўчиш пайтида **шибағулар** қилиб турган. Яъни, алоҳида инъом сифатида берилган совға шундай аталган. Шибағу асосан озиқ-овқатдан иборат бўлиб, фавқулодда ҳолларда пиширилган гўштни аҳолига тарқатишда ўз ифодасини топган.

XIII аср II-ярмида XIV аср I-ярмида хўжалик, иқтисодий ҳаётдаги силжишлар, савдо-сотикнинг ривожланиши, қолаверса, Чигатой мўғулларининг тобора ўтроқ ҳаётга мослаша бориши, босқинчилик вақтида таназзулга юз тутган **маданий ҳаёт**нинг нисбатан жонланишига олиб келди. Аввало шаҳарсозлик билан боғлиқ бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйила бошланди. Маҳаллий диний уламолар ва дунёвий зодагонлар, гоҳида мўғул зодагонларнинг баъзилари қурилиш ишларига ҳомийлик қила бошлашди. Меъморчиликда алоҳида ўрин тутган ганчкорлик, ғишт ўймакорлиги, кошинпазлик, меъморий хаттотлик қайта тикланди. Моварауннаҳр, Хоразмда маҳаллий бинокорлар иштирокида хонақо, мақбара, масжид, мадраса, сарой, миноралар қад кўтара бошлади. Шу даврларда барпо этилган кўпгина меъморий обидалар у ёки бу кўринишда ҳозирги кунларгача етиб келган.

Жумладан, Бухородаги **Сайфиддин Боҳарзий** мақбарасини биринчилардан барпо этилган меъморий бино сифатида кўриш мумкин. Таниқли бухоролик шайх Сайфиддин Боҳарзий нуфузли диний уламолардан бири бўлиб, у 1258-йили оламдан ўтган эди. Унинг қабри устида тез орада катта мақбара ва хонақо барпо этилди. 1333-йили Бухорода бўлган араб сайёҳи ибн Баттута ушбу мақбарага юқори баҳо берган эди.

Шунингдек, мана шу даврларда барпо этилган Бухородаги Қусам ибн Аббос мақбараси зиёратхонаси, Хўжа Аҳмад мақбараси, Қўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбараси, масжид ва 2 та баланд миноралар (миноранинг ҳозиргача сақланган қисми 62 метрни ташкил этади, минораларнинг биттаси XX аср бошларида қулаб тушган), Хўжанддаги Дувахон мақбараси (кейинчалик вайрон бўлган) ва бошқаларни тилга олиб ўтиш мумкин. Қаршидаги бузилиб кетган сарой, Маъсудбек ҳукмронлиги даврида (1238-1289) Бухорода барпо этилиб, 1000 тача талабага мўлжалланган "Маъсудия", "Хония" мадрасалари ва бошқалар тўғрисида манбаларда маълумот бериб ўтилади.

XIII аср-XIV асрнинг 2-ярмида форс-тожик адабиётида айниқса **Жалолоддин Румий** (1207-1272), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1219-1293), **Амир Хусрав Деҳлавий**ларнинг (1253-1325) ўрни ва мавқеи кўтарилиб, улар жаҳон адабиёти оламига таниладилар. Асли Балх шаҳридан бўлган Румий 14 ёшлигида ўз оиласи билан мўғул босқинидан қочиб Кичик Осиёнинг Кўния султонлигига бориб қолади. Кўния, Ҳалаб, Дамашқда таҳсил олиб, буюк тасаввуф илми шоири ва файласуфи бўлиб танилади. У шеърятда сўфий-фалсафий жанрни ривожлантириб, ўзининг 36 минг байтдан иборат "Маснавийи-маънавий" деган достонини яратади. Саъдий эса ислом оламида ўзининг "Гулистон" ва "Бўстон" асарлари, ғазаллари, ахлоқий фикрлари билан кенг шухрат қозонади.

Туркий тилда ижод қилган яна бир шахс, бу номи бизга ҳати яхши таниш бўлмаган **Носириддин Бурҳонуддин Рабғузид**дир. У XIII аср охири-XIV аср бошларида яшаб, ижод қилган. Бизгача унинг биргина "**Қиссайи Рабғузид**" (Қиссасул анбиё) асари етиб келган. Бу асарда муаллиф ўзини "Работ ўғузиддин қозиси Бурҳон ўғли Носириддин" деб таништиради. Ушбу асар ислом динини қабул қилган мўғул бекларидан бири бўлмиш Носириддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра ҳижрий 709 (милодий 1309-1310) йилда ёзилган. Ушбу асар 72 қисмдан иборат бўлиб, пайғамбарлар (Довуд, Сулаймон, Муҳаммад) ҳақидаги қиссалар, диний ривоят ва ҳикоятлар, халқ оғзаки ижоди, тарихий асарлар, диний китоблар асосида баён этилган диний-фалсафий, тарихий, ахлоқий асардир.

Таянч сўз ва иборалар

Мўғул давлати, феодал муносабатлар, «Ясо» қонунлари, Урганч қамали, турк-муғул қавмлари, Хоразмшоҳлар давлати, Жалолоддин Мангуберди, Махмуд ялавоч, Темур Малик, Махмуд Торобий, Чигатой улуси, Жўчи улуси, хулагулар давлати, суюрғол тизими, Олтин Ўрда давлати, калон, қопчур.

Мустақил таълим мавзулари

1. Мўғул феодал давлатининг ташкил топиши ва унинг кучайиши.
2. Олтин Ўрда давлати ва Мовароуннаҳр.

3. XIII аср охири XIV бошларида Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт.
4. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ва уларнинг оқибатлари.
5. Мўғуллар ҳужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги ички сиёсий вазият.
6. Жалолиддин Манғуберди - ватанпарвар, юрт ҳимоячиси.

Назорат саволлари

1. Ўлкада мўғуллар истилосининг оқибатлари нималарда намоён бўлди?
2. Мовароуннаҳрда Чигатой улусининг ташкил топишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
3. Маҳмуд Торобий кўзгалони ва унинг тарихий аҳамияти қандай.
4. Чигатой улусининг парокандаликка учраш сабаблари нималарда эди?
5. XIII аср охири XIV бошларида Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт юксалишини мисоллар тариқасида исботланг?

Адабиётлар рўйхати

1. Наршахий Муҳаммад. Бухоро тарихи. Т., 1966.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. М., 1963.
3. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., 1991.
4. Бунёдов З. Ануштегин хоразмшоҳлар давлати. (1097-1231). Т.: «Ғафур Ғулом нашриёти» 1998.
5. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.
6. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: «Шарқ», 1998.
7. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома). Т.: «Шарқ», 2000 й.
8. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.

7-мавзу: Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт

Режа:

- 1. XIV аср биринчи ярмида Мовароунаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун курашлари.**
- 2. Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори.**
- 3. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт.**
- 4. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданий ҳаёт.**

1. XIV аср биринчи ярмида Мовароунаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун курашлари. Талабаларга мазкур мавзу доирасида машхур саркарда давлат ва жамоат арбоби, соҳибқирон Амир Темур ҳақида, унинг шахси, саркардалик фаолияти, давлат ва ҳукуматни бошқариш йўлидаги амалга оширган ишлари, ҳарбий юришлари, темурийлар даврида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, фан ва маданият соҳаларидаги ўзгаришлар хусусида маълумотлар берилди. Маълумки **Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш туманига қаршли Хўжа Илғор қишлоғида, барлос бекларидан бири Амир Тарағай оиласида дунёга келади. Онаси Такинахотун Кешнинг обрўли бекаларидан бири бўлган, Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кешда ўтади. Унга соҳибқирон нисбати ҳам берилган.**

Соҳибқирон - Қуёш тизимидаги катта сайёралардан иккитасининг бир-бирини тўсиши (қирон) пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда, Амир Темур икки шарофатли юлдуз-Захро ва Муштарий сайёралари бир-бирларига яқинлашган пайтда туғилган экан. Мунажжимларнинг фикрига кўра, бундай одам бахтли, улуғ мартабали бўлиши муқаррар саналган. Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталаши ҳам шундан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси , “қирон соҳиби”, “бахтиёр подшоҳ”, “қудратли подшоҳ” демакдир.

Сарбадорлар-XIV асрда Хуросон ва Мовароуннаҳрда мўғуллар ва маҳаллий феодалларга қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати қатнашчилари. Сўзма сўз маъноси “ўз бошини дорга тикканлар”. Сарбадорлар ҳаракати даставвал Хуросонда бошланди. Хуросоннинг ғарбий қисмида улар мўғуллар ҳукмронлигини тугатиб, мустақил Сарбадорлар давлатини барпо этадилар. Бу давлатнинг маркази Сабзавор шаҳрида бўлиб, 1337 йилдан 1381 йилга қадар қарийб 45 йил ҳукм суради.

Амир Темур шахси ҳукмдор сифатида анчагина мураккаб бўлиб, ўз даврида ва бугунги кунда машхур фотиҳ ҳақида анчагина илмий тадқиқотлар амалга оширилган, китоблар, рисоалар ёзилган ҳамда ёзилмоқда. Булар орасида Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари, шунингдек Кастилия қироли Генрих III томонидан Амир Темур саройига элчи қилиб юборилган Руи Гонсалес де-

Клавихонинг кундаликларини муҳим манбалар сифатида келтириш мумкин. Шунингдек Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб «Амир Темур тарихи», йирик тадқиқотчи олимлардан Н.Остроумов, В.В. Бартольд, А.Якубовский, И.Умняков, И.Мирокова, Алихонтўра Соғуний, И.Мўминов, Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, А.Аҳмедов, О.Бўриев, Ҳ.Бобобеков ва бошқаларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин.

Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт майдонига кириб келиши мўғуллар ҳукмронлиги ва зулмидан азият чеккан, шу тариқа мўғуллар ҳукмронлиги таназзулга учрай бошлаган бир даврга тўғри келади. Мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг кескинлашганлигидан хабардор Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдорлигига тайинланган сўнги мўғул ҳукмдори **Туғлуқ Темур** хизматига киради. Шу тариқа орадан бир йил муддат ўтмасданок Балх ҳокими **Амир Ҳусайн** билан дўстлашиб у билан биргаликда Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан озод қилишга киришади. Шу мақсадда 1362-1364 йилларда Мўғул кўшинларига бир неча маротаба зарбалар беради. Туғлуқ Темур ўз ўғли Илёсхўжни Мовароуннаҳрга ҳукмдор этиб тайинлайди. Мустақил бўлишга ҳаракат қилган Амир Темур янги ҳукмдорга итоат этмади, оқибатда янги зиддиятлар юзага кела бошлайди. Амир Темур 1362 йилда Сейистонни босиб олади.

Туғлуқ Темурнинг ўғли Илсхўжа 1365 йил баҳорида Чиноз ва Тошкент оралиғида содир бўлган «**Лой жанги**»да Амир Темур ва амир Ҳусайн Илсхўжа бошлиқ Мўғул кўшинларига қарши жанг олиб боришга мажбур бўлади. Аммо бу жангда кучлар тенг бўлмаганлиги ва ҳарбий тажрибанинг камлиги боис Амир Темур ва амир Ҳусайн Илсхўжадан енгилдилар.

Қайта уриниш беҳуда эканлигини англаб етган Амир Темур жанг майдонини тарк этиб, қолган аскарлари билан Самарқанд томон қайтиб кетади. Самарқанд шахрига келганда бу ерда ҳам узоқ турмасдан аввалига Кешга, сўнгра Амударё орқали Хуросон пойтахти Балхга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Тез орада Илёсхўжа кўшинлари Самарқандга томон юриш қилади. У ерда сарбадорлар ҳаракати бошланиб, Самарқанд бу ҳаракатнинг марказига айланади. Ҳаракатга Мавлонзода Келевий (пахта саволовчи) ва моҳир мерган Хўрдаки Бухорийлар бошчилик қилдилар. Жомеъ масжидида тўпланган 10 мингга яқин аҳоли Мавлонзода даъвати билан муғулларга қарши курашда фаол қатнашдилар. Илёсхўжа Самарқандда катта зарбага учраб Мовароуннаҳрдан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Самарқандда ҳокимият сарбадорлар қўлига ўтади. Улар халқ турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлар кўрадилар, мўғулларга тарафдорлик қилганларнинг ер ва мулклари мусодара этилиб, халққа бўлиб берилди бошланади. Самарқанд сарбадорлари ғалабасидан хабар топган амир Ҳусайн ва Амир Темур 1366 йил баҳорида Самарқандга келдилар ва ҳийла билан Сарбадорлар бошлиқларини қўлга олиб, ўлдирадилар. Амир Темурнинг саъй-ҳаракатлари туфайлигина Мавлонзода тирик қолади.

2. Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори. 1366-1370-йиллар оралиғида Амир Темур ўз эътиборини ички ҳарбий юришларга қаратади. Шундай шароитда Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўртасидаги тахт учун курашлар ва

зиддиятлар тоборо кучая бошлайди. Бундай қарама-қаршилик 1370 йилда Амир Хусайннинг ўлдирилиши ва Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилиниши билан яқунланади. Моварауннаҳр аслида хон авлодидан бўлмиш Суюрғотмиш кўлида бўлсада, давлатни бошқариш амалда Амир Темир кўлида эди. Шу боисдан у тезда Кешдан Самарқандга ўтиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантиради.

Бу пайтда Амир Темурнинг Моварауннаҳрни бирлаштириш сиёсати бошланган эди. Хусусан Хоразмни ҳам қайтадан Моварауннаҳрга киритишга интилади. **1372 йилда** у биринчи маротаба юриш қилиб у ерни фатҳ эта олмади. Орадан бир йил ўтгач Амир Темур Хоразмга иккинчи маротаба юриш қилади. Шу тариқа Жанубий Хоразм Амир Темур давлати таркибига киради.

Шундан сўнг Амир Темур Хоразмга яна уч марта юриш қилади. Бунинг сабаби Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг Хоразмга даъвоси эди. 1387-1388 йилларда Тўхтамиш, Амир Темурнинг Моварауннаҳрда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга ҳужум қилади. Хоразм ҳокими бўлган Сулаймон Сўфини Амир Темурга қарши кўзғолон кўтаришга ундайди. Сулаймон Сўфи бунга рози бўлади. Бу воқеалар Амир Темурни **1388 йили Хоразмга** яна юришга мажбур этди. Темур Урганчни ишғол қилади ва суфийлар сулоласини тугатишга муваффақ бўлади. Шу тариқа Хоразм Амир Темур давлати таркибига, кейин эса Темурийлар давлати таркибига кирган. Шундай қилиб, Етгисувдаги ва Сирдарё этакларидаги ерлардан ташқари, Туркистон ерларининг ҳаммаси Амир Темур кўлига ўтади.

Амир Темур доим жангда жасорат кўрсатган амирлар ва аскарларга алоҳида эътибор билан қараган. Натижада Соҳибқирон уюшқоқлик ҳукм сурган кўп сонли кўшинида интизомни мустаҳкамлашга муваффақ бўлади. Мўғуллар зулмидан азият чекан ҳудуларга ҳарбий юришлар қилади. У тарихда "*уч йиллик*" (1386-1388) "*беш йиллик*" (1392-1396) "*етти йиллик*" (1399-1405) урушлар деб ном олган эди. Шу билан бирга XIV асрнинг 80 йиллар ўрталарига келиб Хуросон ҳам Амир Темур ихтиёрига ўтади. Шу йиллар мобайнида у Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Ғилонни бўйсундиради. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб. Тифлис, Арзирум ва Ван қалъасини эгаллайди. Бу пайтда фурсатдан фойдаланган Тўхтамиш Моварауннаҳрга кўшин тортади.

Таъкидлаш жоизки, Темурнинг бу ғалабалари тарих сахнасида улкан аҳамият касб этди. Амир Темур **1398 йилда** Ҳиндистонга қилган юришида Деҳли шаҳрини, 1400 йилда Сурияга қилган юришида Халаб ва Байрут шаҳарларини, **1401 йилда** Дамашқ шаҳрини эгаллайди. Тўхтамиш кўшинининг Терек дарёси бўйида тор-мор этилиши ва **1395 йилда** Сарой Берканинг хароба қилиниши Олтин Ўрдага жуда кучли зарба бўлди. Шундан кейин у ўзини ўнглай олмади. Амир Темурнинг бир мамлакатга қилган юришлари унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет борганлигини уруш воқеалари кўрсатиб туради. Амир Темур Озарбайжонга бир неча маротаба ҳужум қилиб борди ва 1387 йилдагина уни бўйсундиришга муяссар бўлади. Арманистон ва Грузияни Амир Темур 1392

йилда бўйсундиради. Темурнинг узок Ҳиндистонга юриши 1398 йилда ғалаба билан тугайди.

Шундан сўнг Амир Темур 1402 йилда усмонийлар империясининг султони Йилдирим Боязидга қарши юришида уни мағлубиятга учратади. Бу ғалаба билан Темур Европанинг усмонийлар асоратига тушишини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборади. Орадан бир йилча вақт ўтиб Темур 1404 йилда кичик Осиёдан Самарқандга келади ва Хитойга юриш учун ҳарбий тараддуд кўради. Шубҳасиз, у бу юриши учун узок йиллар тайёрланиб, жанг учун керакли бўлган маълумотларни йиллар давомида тўплаган эди. 1404 йилда Темур 200 минглик кўшин билан Хитой сафарига отланади. Аммо Темурнинг қаттиқ бетоблиги туфайли унинг кўшинлари 1405 йилнинг январ ойида Хитойга яқин бўлган чегара шаҳар Ўтрорда тўхтайдилар ва шу ернинг ўзида, яъни **1405 йилнинг 18 февралда** Ўтрор ҳокими Бердибек саройида вафот этади.

Маълумки Амир Темур ва темурийлар даврида бошқа соҳалар қатори солиқ тизими учун муҳим манбалардан бири **“Темур тузуклар”**дир. Албатта бу даврда солиқлар тарихнинг олдинги даврларига нисбатан ҳам шаклан, ҳам мазмунан бирмунча ўзгарган. Биз учун Амир Темур ва темурийлар даврида солиқ тизими ҳақида батафсил маълумот берувчи бирдан-бир манба бу «Темур тузуклари» дир.

«Агар – дейилади «Темур тузуклари» да – хароб бўлиб ётган ерларнинг эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин». Унда яна шундай дейилади: «Кимки, бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўтарса, ёки бирон-бир хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин».

Кўриниб турибдики, давлат фуқаролардан тегишли нарсани ундириб олишдан олдин уларга албатта зарур шарт-шароитлар яратиб берганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Темур тузукларида қайд қилинишича, авваламбор, оддий халқ манфаатлари турганлигини англаш қийин эмас. «Негаки, - дейила-ди «Темур тузуклари»да, - раият хонавайрон қилинса, (давлат) хазина камбағаллашишига олиб келади...(бу эса ўз ўрнида) салтанатнинг кучсизланишига олиб боради».

Бу даврда катта ер эгалари, миршкорлар, деҳқонлар, боғбонларга яратиб берилган шарт-шароитнинг ўзиёқ соҳибқирон даврида бошқарув тизимида маълум имтиёзлар шаклланганлигидан далолатдир. Бу ҳақда «Тузуклар» да шундай дейилади: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раиятдан молу-жихот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юборилмасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агар солиқ йиғувчи юборишга мажбур бўлинса, улар солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-

арқон ишлатиб ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб занжир билан кишанламасинлар».

Амир Темур девонида махсус вазирликлар фаолият олиб борган, улардан учинчиси «Мулкчилик ва солиқ ишлари девони» (вазирлик) деб аталган. Тўртинчиси ҳам молия ҳамда харажатлар тизими билан шуғилланган вазирлик бу, «Кирим-чиқимлар ва хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар ҳисобини олиб борувчи молия вазирлиги» деб аталган.

Шу жумладан «Тузуқлар» да молия вазирига тегишли диққатга сазовор жумлалар ҳам учрайди. Унда, жумладан шундай дейилади: «Молия вазирлари молия ишларида хиёнат қилиб ўзлаштириб олган бўлсалар, агар ўзлаштириб олган маблағи ўзига тегишли улуфа (яъни маош) миқдорига тенг бўлса мазкур маблағ унга совға – инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баравар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маошидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баравар кўп маблағ олинган бўлса, ҳаммаси салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинсин».

Шундай қилиб, Амир Темур (1336-1405 йй.) минтақани мўғуллар ҳукмронлигидан озод этди. Ярим аср давомида у Кашмирдан Ўрта ер денгизигача, Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар чўзилган улкан салтанатни барпо этди. Юришлар учун Темурга молия ресурслари керак эди, эгаллаб олинган бойликлар, ўз даромадлари, инфратузилма ва солиқлар уларнинг манбаи бўлди.

Қайд этилганидек Амир Темур бошқарув сиёсатининг асосий қонидаси «Темур тузуқлари» унинг ўз фарзандларига қолдирган васиятидр. «Ҳокимиятни бошқаришда халқни ва вилоятларни хонавайрон қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур, зеро халқнинг хонавайрон бўлиши давлат хазинасининг қашшоқлаши-шига олиб келади. Хазинанинг ночорлиги оқибатида эса ҳарбий кучлар пароканда бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳокимиятни заифлаштиради». Қонунни ишлаб чиқишда, деб ҳисобларди Темур, аввало халқнинг манфаатларини ҳисобга олиш, унинг тўловга қобиллигидан келиб чиқиш зарур, асос қилиб ҳар бир алоҳида хўжаликда бой-бадавлатлиликнинг эришилган даражаси олинishi керак бўлган.

3. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт. Маълумки Моварауннаҳр ва Хуросонда темурийлар ҳукмронлиги даврида аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан 4 шакли **мулкий девоний** – давлат ерлари, **мулки хос**-хусусий ерлар, **мулки вақф** – мадраса, масжидлар ва диний уламолар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят **жамоа** ерлари бўлган. Дехқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қилган. Темурийлар даврида давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалади.

Амир Темур давлат бошқарувида **солиқ ва молия тизими** ўзининг муҳимлиги билан бошқа масалалардан ажралиб турган. Молия давлат пул ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларни ифода қилади. Бу даврда пул муносабатлари

етарли ривожланмаганлиги сабабли натура ҳолидаги давлат ресурсларининг ҳаракати ҳам Темурнинг диққат марказида бўлган.

Молия давлат ресурсларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган фондларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатларнигина эмас, балки товар-пул муносабатлари етарли ривожланмаган шароитда моддий (натура) ресурслари тўловини ташкил этиши Амир Темур бошқарувининг диққат марказида бўлган. Унинг давлат молиясини ривожлантиришга қаратилган хизматлари кўп қирралидир.

Биринчидан, у давлат молиясининг мўғул ва бошқа босқин-чиларга қарамлигини узил-кесил тугатди, мустақил давлат молиясини яратди. Иккинчидан, марказлаштирилган давлат тарки-бига кирган 27 мамлакат молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий қилди. Учинчидан, Қуръони Карим талабларини ўзида ифода қилувчи шариат тавсиялари асосида қурилган солиқ тизимини шакллантирди. Тўртинчидан, давлат хазинаси ресурс-ларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини қайтадан ташкил қилиб, марказнинг маҳаллий улуслар, туманлар билан муносабат-ларига аниқлик киритди.

Амир Темур аввало, улкан давлатнинг мустақил давлат молиясини яратди ва уни муттасил такомиллаштириб борди. Марказлаш-тирилган давлат таркибига кирган барча мамлакатлар молиясини бир тизимга бирлаштирди ва уларни маъмурий бошқариш талаблари асосида идора қилиш усулларини жорий этди. Шу билан бирга солиқ тизимида ҳам бир қатор ислохотларни амалга оширди. Бунда ҳар бир мамлакат ва аҳолининг хусусиятларини эътиборга олиб, қатор имтиёзлар жорий қилди. Давлат хазинаси ресурслари ва маҳаллий улус ҳамда туманлар ихтиёридаги маблағлар таркибига аниқлик киритди, уларнинг марказ билан молиявий муносабат-ларини такомиллаштирди.

«Темур тузуклари»да ҳар қандай жамият учун иқтисодиёт устуворлиги ифодаланиб, қуйидагича хулоса берилган. «...давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини яхши аҳволда саранжом тутати». Амир Темур солиқларни давлат хазинасини керакли моддий ресурслар билан таъминловчи асосий восита сифатида қараш билан бирга, солиқларни давлат бошқарувини амалга оширувчи ва иқтисодий-ижтимоий тараққиёт омили сифатида ҳам кўрган эди ҳамда бу борада бир қатор ислохотларни амалга оширди. Солиқ соҳасидаги ислохотларни умумий тарзда қуйидаги-ча ифодалаш мумкин.

Биринчидан, Амир Темур тарихда биринчилардан бўлиб давлат, халқ ва сипоҳ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда муносабатни тўғри англаб етган. Буни биз унинг қуйидаги фикрлардан билишимиз мумкин. Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. У хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг камайиб кетишига сабаб бўлади,

сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келишини уқдиради.

Иккинчидан, Амир Темур даврида солиқларни тартибга солувчи қонун-қоидалари яхлит ҳолга келтирилади. Бу тартиб қоидалар «Темур тузуклари» асосида қафолатлаб қўйилган.

Учинчидан, солиқлардан фақатгина давлат хазинасини бойитиш эмас, балки давлат бошқаруви ва халқ манфаати учун ҳам кенг фойдаланила бошлайди.

Тўртинчидан, солиққа тортишда солиқларнинг рағбатлан-тирувчи функциясидан фойдаланган ҳолда бир қатор солиқ имтиёз-лари жорий этилади.

Бешинчидан, солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалигига чек қўйишга имкон қадар ҳаракат қилинади.

Бу хусусиятлар эса ўрта аср ҳукмдорларининг ўзбошимчалик билан давлат хазинасини ўзлаштириш ва ўз манфаати йўлида турли ишларни амалга ошираётган бир даврда солиқларга нисбатан бутунлай янгича қараш эди.

Амир Темур вилоятлар ва мамлакатнинг бир қисми уларнинг илгариги соҳибларига ёхуд ўзининг амирлари, ўғил ва набираларига суюрғол қилиб, яъни аҳолисидан давлат солиқлари ва ўлпонларини ундириш ҳуқуқи билан умрбод эгаллик қилиш ва бошқариш ҳуқуқи берилди. Солиқ йиғимларини бутунлай ёки қисман суюрғол эгалари амалга оширишган. Бу бир томондан солиқ йиғимини самарали тарзда амалга ошириш учун имкон яратган бўлса, иккинчи томондан Амир Темур томонидан барпо этилган улкан марказлашган мамлакатда солиқ йиғимларини амалга ошириш ниҳоятда қийин ва мураккаб кечган.

Шунинг учун ҳам, соҳибқирон ҳар бир улусга солиқ ва бож тўловларини назорат қилиб боровчи вазир лавозими тайинлайди. Бу борадаги адолатсизлик учун суюрғол эгаси ва вазир лавозимидаги шахс жавобгар қилиб белгиланган. Ўз фаолиятининг сўнгги йилларида Амир Темур бутун мамлакат бўйича ягона солиқ тизими бўлиши мумкин эмас деган хулосага келади. Албатта, ислом динига катта эътиқод қўйгани учун у шариат тавсиялари тарафдори эди.

Араб ва Кавказорти мамлакатлари, Мовароуннаҳрда солиқ тизими Темур томонидан белгиланган қонунлар бўйича шаклланди. Бироқ солиққа тортишнинг тарихан шаклланган тизимларига эга бўлган мамлакатларда Темур аввал ҳукм сурган солиқларни қолдиришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам, бирор ҳудудни ўз давлатига қўшиб олганда янгидан-янги солиқ турларини жорий қилмайди. «Агар- деб ёзган эди- Тузукларда - ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда, (хирожни) тузукларга мувофиқ йиғсинлар». Бу, ўз навбатида, бир томондан, ўша ҳудудни бошқаришга энгиллик яратса, иккинчи томондан бу борада олдиндан мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этишга кўмак берган. Шунингдек, бу тадбир тузуклардаги солиқ тўловчилар солиқни «яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни

уруш ва сўқишгача олиб бормасинлар, уларни банди этиб, занжир билан боғламасинлар» - деб кўрсатилган ҳолатнинг олдини олишга хизмат қилган.

Темурийлар ҳукмдорлигининг сўнги даврида Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми суюрғол эгалари кўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга эга эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида уларнинг нуфузи кучли бўлган. Ҳатто ўзаро низолар вақтида суюрғол эгаларининг қўллаб-қуватлаши бирор бир вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Суюрғол(т.ўзб.) – инъом этилган, совға, марҳамат қилинган ер, сув, мол-мулк шундай аталган. Ўрта асрлардан бошлаб, айниқса, Амир Темур ва Темурийлар ҳамда ўзбек хонликлари даврида давлат ва ҳукумат олдидаги алоҳида хизматлари учун бой-бадавлат кишилар, амалдорлар, юқори лавозим эгаларига ҳукмдорлар томонидан инъом этилган ер, мол-мулк. Бундай тоифа кишилар олаётган даромадлари учун барча солиқ ва мажбуриятлардан озод этилган бўлиб, мол-мулкдан ўз ихтиёрларича фойдаланиб келганлар. Ҳатто улар эгалик қилган бойликлар аждодлардан авлодларга мерос тарзида ўтган.

Ўрта Осиёда суюрғол тизими Амир Темур ҳукмронлиги даврида анча кучайган бўлиб, ҳукмдор, давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун саркардалар, вилоят ҳокимлари, беклар ва бошқа ҳурмат-эътибордаги алоҳида тоифа кишиларга деҳқончилик ерлари, яйловлар, ариқ ва каналларни суюрғол тарзида инъом этган. Ушбу тизимнинг яна бир ўзига хос томони шундан иборат бўлганки, уларни бошқарган ер эгалари ўзларига тортиқ қилинган жойлардаги аҳолидан олинадиган давлат солиқларини тўлалигича ё маълум бир улушини ўзларига олишлари назарда тутилган. Бу борада меъёридан чиқиш, аҳоли норозилигига сабаб бўлувчи ишларга кўл уриш баъзан салтанат қудратига путур етказган.

Зодагонлар ерга эгалиklarининг шартли суюрғол шакли темурийларнинг мулкларида кенг тарқалган ва Олтин Ўрдада ҳам маълум бўлган. Суюрғол XIV асрнинг иккинчи ярмида Оқ Ўрдада ҳам мавжуд бўлган. Низомиддин Шомийнинг ҳикоя қилишича, Оқ Ўрданинг лашкарбошиларидан бири Тўхтамиш билан Самарқандга қочганида (1377-1378 й.) Урусхон унинг суюрғолини тортиб олиб, Тойча исмли одамга ҳадя қилган. Абул-хайрхон даврида Жануби-ғарбий Сибир ҳукмдорлари Бахшибек ва Қепакхўжалар тархон бўлишган. Шайбонийхон даврида Арқук ва унинг атрофидаги ерлар ҳам тархонлик мулки бўлган. Маҳмуд ибн Валининг юқорида эслатиб ўтилган асарида ҳам амир-тархонлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликқа эга шахсларнинг табақасига инъом этиш жиҳатидан турлича бўлган. Одатда шаҳар ёки вилоятлардан тортиб то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола намоёндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Суюрғол эгасига ў суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззок

Самарқандийнинг ёзишича, Шохрух даврида Хоразм – Шох Маликка, Фарғона – Мирзо Аҳмадга, Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон – Бойсунқур мирзога берилган, Қобул, Ғазна, Қандахор вилоятлари Мирзо Қайду Баходирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларни қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ ҳуқуқини чеклаб қўяр эди. Темурийлар даврида майдони жиҳатидан майда ва ҳақ-ҳуқуқи жиҳатидан анча мунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари, одатда хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорнинг мунтазам гвардиясидаги ҳарбийларгача берилган. Бобурнинг ёзишича Хусайн Бойқаронинг 14 минглик гвардияси ва 40 минглик мунтазам қўшини (ғул) нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган. Навкарларга берилган бу ерларда солиқ ва тўловлар олинмаган. Бундай ҳолларда шубҳасиз олий ҳукмдорлар ўртасида ер ва тож-тахт учун курашлар бўлиб турган. Айниқса бу Амир Темур ўлиmidан сўнг кучайган.

Хусусан 1405-1406 йилларда Халил Султоннинг Шохрух, Пирмуҳаммад қўшинлари билан Моварауннаҳр тахти учун бир неча бор ҳарбий тўқнашуви бунга мисолдир. Шу тариқа тожу-тахт, ер-мулк таллашишлар оқибатида Хуросон, Балхдан то Ҳинд ерларигача бўлган ерларга ҳоким Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ тасарруфида бўлган Мироншоҳ ва унинг авлодлари ерларига бўлиниб кетади. Моварауннаҳр Халил Султонга расман қарашли деб ҳисоблансада, Туркистон, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек, Фарғонада эса Амир Худойдод ҳукмронлик қилишар эди.

Тархонлик мулки ва ёрликлари эса суюрғолларга ўхшаб тож-тахт учун қилинган энг катта хизматлар эвазига берилган. Тархонлик ёрликларини фақат лашкарбошилар ва ҳарбий мансабдорларгина эмас савдогарлар ҳам олишлари мумкин бўлган.

Тархонларнинг аксарияти жуда бой бўлган. Масалан бу даврда Хирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абу Али Тархон қўлида тўпланган эди. Бобур Абу Али Тархоннинг шохона ҳаётини тасвирлаб, унинг хашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору наварлари, ўтказган дабдабали тўй томошалари, берилган қимматбаҳо совға саломлари ва халққа қилган жабр - зулмлари тўғрисида ёзилган.

Темурийлар ҳукмдорлигининг сўнги даврида Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар қўлида тўпланиб, Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга эга эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, улар жуда катта сиёсий ҳуқуқдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низолар вақтида тархоннинг

қўллаб-қуватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан хал қилувчи аҳамият касб этган.

Тархонликда оддий кўчманчилар эса хожасининг чорвасини ўз чорваси билан бирга боқар, унга кўчиш ва қўйлар юнгини олиш даврида ёрдам берган. Ҳарбий юришлар вақтида хожасининг ҳузурига ўз отлари ва қуроллари билан келиб, турли хизматларни ўтаган. Бундан ташқари, у турли солиқлар тўларди ва мажбурий хизматларни адо этган. Бир сўз билан айтганда Амир Темур ерга эгалик қилиш ва давлатни бошқаришнинг ўзига хос усулидан фойдаланганлиги бежиз эмас.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги. Ўзаро тахт учун курашлар олқибаотида 1407 йил 22 февралда тахт валиаҳди ҳисобланган Пирмуҳаммад ўзининг вазири Пирали Тоз томонидан суиқасд натижасида ўлдирилади. Мироншоҳ эса Озарбайжон ва Ироқ учун бўлган жангларда ўлдирилади. Натижада Озарбайжон ва Ироқ темурийлар тасарруфидан чиқади. Шохруҳ эса бу пайтда ўзига қарашли бўлган Хуросонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди, бутун эътиборини Мовароуннаҳрга қаратади. У 1409 йил 25 апрелида Амударёдан ўтиб Самарқанд томон йўл олади ҳамда у ердаги ички урушларга чек қўйиб, 1409 йилнинг декабрига қадар Мовароуннаҳрда тинчлик осойишталик ўрнатади. Шохруҳ Мирзо темурийлар давлатининг олий ҳукмдори сифатида эътироф этилади, унинг 40 йиллик барқарор ҳукмронлик даври бошланади.

Мовароуннаҳр ерларининг бошқаруви эса **Мирзо Улуғбек** қўлига топширилган бўлиб, у умрининг охирига қадар 40 йил мобайнида бу ерларни бошқариб келади. Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) Амир Темурнинг Ироққа юриши маҳали яъни, **1394 йилда** Султония шаҳрида таваллуд топган. У Мовароуннаҳр тахтини эгаллаганида энди 15 ёшга тўлган эди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги (1409-1449) темурийлар салтанатининг анъанавий ривож ва муҳим ижтимоий ўзгаришлар йўлидан илгарилаб беришида алоҳида даврни ташкил этади. Негаки, бунда донишманд ҳукмдорнинг катта саъй-ҳаракатлари, тўғри йўналтирилган сиёсати туфайли мамлакат даҳлсизлиги, тинчлиги ва осойишталиги нисбатан таъминландики, бу эса унинг иқтисодий, маданий ва маънавий равнақига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Манбаларда қайд этилишича Улуғбек Амир Темур давридаги бошқарув тизимини, барча тартиб-қоидаларни тўла сақлашга ҳаракат қилган. Солиқ ва молия сисатида ҳам бунга амал қилган. Тўғри, Улуғбек Амир Темур сингари жангу жадалларга қизиқмаган бўлсада, баъзан эл-улус тинчлиги йўлида ҳарбий юришларга отланган. Масалан, 1414 йилда Шарқий Туркистон ерларини ҳам ўз давлати таркибига қўшиб олишга муваффақ бўлган.

1424 йилнинг ноябр ойида Мирзо Улуғбек Мўғулистон устига юриш бошлайди. 1425 йилга келиб Улуғбек Мирзо Исикқўл тарафга юриш қилиб, у ердаги исён кўтарган маҳаллий муҳолифатчи кучларни бартараф этиб, мамлакатнинг шарқий чегараларини анча мустаҳкамлашга эришади. Бироқ ҳукмдорнинг 1427 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сифноқ ва унинг атрофида худудий даъволар билан бош кўтарган Дашти Қипчок

аслзодаларидан саналган Бароқхонга қарши юриши унинг учун кутилмаганда муваффақиятсиз яқун топди. Бу мағлубият Улуғбекни ҳокимиятдан маҳрум бўлишига ҳам олиб келаёзганди. Отаси Шоҳрухнинг катта қўшин билан этиб келишигина уни яна ўз ҳукмронлигини қайта тиклашига имкон берди. Шундан сўнг Улуғбек Мирзо уруш ҳаракатларидан кўра кўпроқ ўз фаолиятини мамлакат ишлари, унинг ички сиёсати масалалари билан шуғулланишга қаратади.

Унинг фаолиятида мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги, фаровонлиги, илм-фан равнақига оид масалалар асосий ўрин эгаллайди. Мамлакатда савдосотиқ, ҳунармандчилик ва зироатчилик аввалгидек ривожланишда давом этади. Кўплаб сунъий суғориш иншоотлари барпо этилади. Мамлакат Буюк ипак йўли орқали ҳалқаро карвон савдосида фаол иштирок этади. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Шош ва бошқа шаҳарларда кўплаб ҳашаматли мадрасалар, масжиду мақбаралар, карвонсаройлар қад ростлайди. Унинг бевосита раҳнамолигида қурилган тенгги йўқ меъморий иншоот - расадхона ўша давр илм-фани ва техникасининг энг сўнги ютуқларини ўзида мужассам этган эди. Улуғбекнинг 1428 йилда ўтказган пул ислоҳоти ҳам мамлакатда савдо-сотик ва пул муомаласини, молия сиёсатини йўлга қўйишда муҳим воқеа бўлган.

Аммо тез орада шимолдан яна бошқа бир хавф пайдо бўлади. Улуғбек ёрдами билан аввал Дашти Қипчоқ, сўнгра Олтин Ўрда ҳокимиятини қўлга олган Бароқхон Мовароуннаҳр султони мурувватини ёддан чиқарди. У Сирдарё бўйидаги ерлар ва шаҳарларни (Ўтрор, Саброн, Сиғноқ) талаб, у ерларга ўз даъвоси билан чиқади. 1427 йилнинг бошида Улуғбек Дашти Қипчоққа ҳарбий юриш қилади. Бу юришда Улуғбек қўшини мағлубиятга учраб ўзи Тошкентга чекинади. Ушбу мағлубиятдан сўнг Улуғбек бундан буён бошқа ҳарбий юришлар қилмади. У 1449 йилда фежиали тарзда ҳалок бўлади.

Абусаид Мирзо ўлимидан сўнг (1469) ҳокимиятга келган Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) даврида бу ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида кўплаб муҳим ўзгаришлару силжишлар юз берди. Бунинг боиси шундаки, Темурий шаҳзодалар ичида жаъсур ва тадбиркор, салоҳиятли ва маърифатли ҳукмдор бўлган Ҳусайн Бойқаро ўзининг салкам 40 йиллик ҳукмронлиги даврида Хуросонда катта хайрли ишларни амалга ошириш, салтанат қудратини кўтаришга муваффақ бўлди. Бу улуғвор ишлар ва саъй-ҳаракатларда унинг мактабдош дўсти, буюк донишманд сиймо, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ҳазратлари (1441-1501)нинг роли беқиёсдир. Улуғ Навоийнинг Бойқаро саройида биринчи вазир сифатида катта мавқе ва нуфузга эга бўлиши, албатта, кўплаб муҳим давлат масалаларини оқилона, раият фойдасига ҳал этишда қўл келган. Айниқса пойтахт Ҳирот ва унинг теvarак-атрофларида қанчалаб ободончилик ишларини рўёбга чиқаришда, кўплаб салобатли меъморилик обидалари, халқ хўжалик иншоотларини барпо этишда бу икки улуғ зотнинг баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Мизо Улуғбек даврида вақф – мулкчилик тизими. Вақф- ислом дини

ёйилиши баробарида давлат ҳукмдорлари томонидан жорий қилинган, шунингдек, айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шарт билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк, яъни ер-сув, мол-мулк, бино ва бошқалар. Вақфдан тушган даромадлар ўша диний муассасалар фаолиятини яхшилаш ва уларда хизмат қиладиган диндорларга берилган. Вақф ерлари бу, масжид, мадраса, хонақо, мазор ва шунга ўхшаш жойларга тегишли бўлган. Ўрта асрларда ер, сув, тегирмон, жувоз, бозор, саройларни ҳам вақф қилинган. Бундай мол-мулкдан фойдаланган сайидлар, эшонлар авлодлари ҳамда хўжалар ҳам катта имтиёзларга эга бўлганлар.

Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида ҳам жамиятда вақф мулкларининг ўзига хос ўрни бўлган, айрим тоифа кишилар умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан батамом ва қисман озод этилганлар. Бундай кишилар тоифаси олий мусулмон жамоаси аъзолари ва Муҳаммад Пайғамбар авлодларидан бўлган сайидлар ва хўжалар эди. Тарихий адабиётларда Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Валий, Бухорода Муҳаммад Ислоом хўжа Саъд (Жўйбор хўжалари) ва уларнинг авлодлари шундай катта имтиёзларга эга бўлганликлари келтириб ўтилади.

Ана шундай диний уламолардан бири темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбек даврида яшаган Хожа Аҳрор валийдир. У ўз даврининг бадавлат, обрўли, диний уламо ҳамда авлиёси сифатида танилган бўлиб, бутун Мовароуннаҳрда давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга эканлиги билан шуҳрат қозонган. Уни шу даражага етказган нарсаси, авваломбор, диний илми, пир ва авлиёлик жихати билан бирга, қўли остида катта миқдордаги вақф мулклари, яъни ер-сув, мол-мулкнинг тўпланганлиги эди.

Тарихий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда қайд этилишича, унинг йирик-йирик шаҳарларда улкан миқдордаги вақф мулклари, хусусан карвонсаройлари, сардобалари, бозорлари, тимлари, савдо расталари, дўконлари, ҳаммомлари, тегирмонлари, мойжувозлари бўлган. Ул пири муршид ва авлодалари гарчанд солиқ ва бошқа тўловлардан озод этилган бўлсада, ўз ихтиёри билан давлат хазинасига ва ҳукмдорларга совға ва эҳсон тариқасида доимо мол-мулкдан бир қисмини ҳар йили ўтказиб турган. Унинг ғалла, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари билан боғлиқ ҳар йили давлатга тўлайдиган солиғининг ўзи 80 минг ботмонни ташкил этган.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида кўплаб диний уламолар ўзларининг Бухоро, Миёнқол, Самарқанд, Тошкент, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Қубодиён, Балх, Бадахшон, Ҳирот, Марв, Мурғоб, Машҳад ва бошқа жойларда катта миқдорда вақф мулкларига эга бўлганлар. Бундай ерлар олиқ-солиқлардан озод этилганлиги тўғрисида махсус хужжатларга эга бўлиб, улар подшо, бек, амир ёхуд хонлар томонидан тасдиқланиши шарт бўлган. Бу эса ўз даврида диннинг ва диний уламолардан бири Хўжа Аҳрор валий вақф мулкларининг ўзига хос ўрни бўлганлигидан далолат беради.

4.Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мавароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданий ҳаёт. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мавароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданий ҳаёт олдинги даврларга қараганда анчагина тараққий этган. Айниқса адабиёт, санъат, архитектура янада ривожланди.

Алишер Навоий (1441-1501) - буюк ўзбек шоири, адиби мутафаккир ва давлат арбоби. Ҳиротда туғилган. Отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор беради. Алишернинг шеърятдаги илк устозлари Мир Сайид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар бўлган. 1452 отаси вафот этади ва шу йили Ҳирот тахтига чиққан Абулқосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Хусайинни саройга, ўз тарбиясига олади. 1466-1468 йилларда Самарқандда таълим олди. Ёшлигида юртига истеъдодли шоир сифатида танилган Алишер Навоийни 1469 йилда Хусайин Бойқаро Ҳирот тахтига ўтиргач 1469 йилда уни Самарқанддан чақириб олиб, муҳрдорлик вазифасига, 1476 йилда вазирлик лавозимига кўтариб, унга “Мири Кабир” (Улуғ амир) унвонини беради. Бу лавозимдан Навоий халқ манфаати, мамлакат ободонлиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланади.

Ҳиротда “Ихлосия” мадрасаси, дарвешлар учун “Халосия” хонақоҳи, беморлар учун “Шифоҳия” касалхонаси, “Дор ул-хуффаз” (Қорихона) “Сафоия” хаммомини қурдирган. Хондамир ёзишчи Навоий ўз маблағига 52 та работ, 19 та ҳовуз, 9 та хаммом, Астрободда “Мир саройи” ва “Жомеъ масжиди”, Марвда “Хусравия” мадрасасини қурдирган. Унинг кутубхонасида 70 дан ортиқ ҳаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни кўчириш ва уларни безаш билан шуғулланган. Навоий ўзи қурдирган муассасалардаги мударрис ва талабаларни маош билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Ўз хузурига илм аҳлини чорлаб, ёш истеъдодларни тарбия қилиб, уларга шароит яратиб берган. 1487 йили Навоий Астрабод ҳокими этилди. Бу ерда икки йил ҳокимлаги даврида Ҳиротдаги савобли ишларини довом эттирди.

Камолиддин Бехзод (1455-1537) - буюк мусаввир ва минатюрасоз, Алишер Навоийнинг шогирди. Нафис санъат тасвир (миниатюрасозлик) соҳасида “Бехзод мактаби”ни яратган улуғ сиймо. Унинг миниатюралари тириклигидаёқ ва ундан сўнг мусулмон Шарқда ва Ғарбда қимматли санъат асарлари дея баҳоланиб, “Монийи соний” (Иккинчи Моний), “Шарк Рафаэли” деб ном олган.

Ҳиротда туғилган. Ота-онадан жуда эрта етим қолиб, болалиқдан машҳур Ҳиротлик мусаввир Амир Рухуллоҳ (Мирак Наққош) кўлида тарбия топади. 1487 йили Бехзод Хусайин Бойқаро фармони билан Ҳиротдаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинланади. 1507 йили кўчманчи ўзбек қабилалари хони Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни эгаллайди. Бехзод унинг саройида ижодий ишни давом эттиради. Шайбонийхон ҳам унга шарт-шароитлар яратиб беради. 1510 йил Ҳирот Сафавийлар томонидан босиб олинди. 1512 йилда Исмоил Сафавий Бехзодни бир неча шогирдлари билан салтанат пойтахти Табризга олиб кетади ва унга ижод қилиш учун барча шароитларни яратиб беради. 1514 йили Табриз яқинида Усманий турклар

билан бўлган жангда сафавийлар мағлубиятга учраганидан кейин, Бехзодни турклар ўлжа қилиб олиб кетмасин деб, атоқли ҳаттот Шоҳ Маҳмуд Нишопурий билан бирга бир ғорда яшириб ҳам қўядилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) - ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби. У Ҳиндистонда 332 йил ҳукм сурган Бобирийлар салтанатининг асосчиси, теурий ҳукмдорларининг сўнгги номоёндаларидан бири. Отаси Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг набираси. Бобир Андижонда сарой муҳиtida ўқиб, тарбияланди. Отаси вафотидан сўнг 1494 йил ўн икки ёшида Фарғона тахтига ўтирди. Амир Темур давлатини қайта тиклаш учун 1495-1496 йилларда Самарқандга муваффақиятсиз юриш қилди. 1497-1498 йилларда Самарқандни эгаллади. Кейин Андижонда унга қарши исён кўтарилгач орқага қайтишга мажбур бўлди. 1500 йилда Самарқандни иккинчи марта эгаллади. Алишер Навоий билан хат ёзишди. Шайбонийхон билан курашда муваффақиятсизликка учраб Самарқандни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шайбонийхон 1504 йилда Андижонни ҳам эгаллагач, Бобир жанубга йўл олиб, Қобулда ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1505-1512 йилларда Мовароуннаҳрга қайтишга уриниб кўрди, аммо муваффақиятга эриша олмади. 1519-1535 йилларда Ҳиндистонни қўлга олиш мақсадида жанглари олиб борди. 1526 йили Панипат жангида Ҳиндистон султони Иброҳим Лодий билан ва 1527 йилда Читора ҳокими Рана Санга билан бўлган жангларида галаба қозониб, Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Бобир 1530 йил декабрда Агра шаҳрида вафот этди, кейинчалик унинг ҳоки васиятига биноан 1533 йилда Қобулга олиб келиб дафн этилди.

Унинг илмий-адабий мероси “Бобирнома”, “Хатти Бобирий”, “Мубаййин” (Баёнот берувчи), “Ҳарб иши” ва “Мухтасар” каби асарлардан иборат.

Лутфий-(1366-1465) атоқли ўзбек шоири, мутафаккири, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси. Ҳиротнинг Деҳиканор мавзеида туғилиб, шу ерда яшаб, ижод этган. Куръони карим ва ҳадисларни, араб ва форс тилларни, адабиётни чуқур ўрганган. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар билан яқин мулоқотда бўлган. Ўз асарлари билан Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳиtida чуқур из қолдирган Лутфийни Навоий “Маликул-калом” (сўз подшоши) деб атаган.

Лутфий ўзбек ҳамда форс тилларида ижод этган. У бир қанча дostonлар битган бўлса ҳам, бизга фақат “Гул ва Наврўз” дostonи етиб келган. Навоий Лутфийнинг маснавий билан ёзилган ўн минг байтдан ортиқ “Зафарнома” номли дostonи борлигини, лекин у оққа кўчирилмай, шуҳрат қозонмаганини ёзади. Манбаларида Лутфий ахлоқ-одобга оид “Машкун ул-ҳақоик” номли асар ёзгани ҳам қайд этилади.

Қозизода Румий - (1360-1437) - йирик математик ва астроном. Хуросон ва Мовароуннаҳрда таҳсил олган. Тахминан 1400 йилларда фаолиятини давом эттириш учун Самарқандга келади. Амир Темур саройида астроном Мавлоно Аҳмаддан таълим олган, Мирзо Улуғбекнинг аниқ фанларга кизиқишига таъсир кўрсатган ва унга устозлик қилган. Улуғбек астрономик

мактабининг яратилишида Қозизода Румийнинг хизмати катта бўлган. Унинг ташаббуси билан Ғиёсуддин Жамшид Коший ва бошқа олимлар Самарқандга таклиф қилинганлар. Улуғбек мадрасасида математика ва астрономиядан маърузалар қилган ва “Афлотуни замон” номини олган. Мирзо Улуғбек унинг дарсларида иштирок этган. Қозизода Румий Улуғбек расадхонаси курилишининг раҳбарларидан бири бўлган. Коший вафотидан сўнг мадрасанинг бошқарувчиси бўлган. Улуғбекнинг барча илмий тадбирларида, жумладан “Зижи Кўрагоний”ни тузишда иштирок этган.

Қозизода Румий “Рисола фи-л-ҳисоб” (Ҳисоб ҳақида рисола), “Шарҳи Мулаххис фи-л-ҳайъа” (Астрономияга оид Қисқача рисоланинг шарҳи), “Шарҳи ашкол ат-таъсис” (Асосланган жумлаларга шарҳ), “Рисолат ул-жайб” (Синус ҳақида рисола), “Мисоҳа” (Ўлчаш), “Шарҳ ат-тазкира”, “Рисола фи илм ил-ҳайъа” (Астрономия илми ҳақида рисола) каби ўнлаб асарларнинг муаллифидир.

Албатта, Амир Темури даврида Ўрта Осиёнинг қудратли давлат остида бирлаштирилиши мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик равақ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий ва чет мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморлар ва мусаввирлар тўпланди.

Темури марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга боғлиқлигини яхши тушунган Темури Ангор каналини қазирди ва Мурғоб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари оқар сувлар билан таъминланди. Лалмикор ерларда ариқлар қазилди. Деҳқончиликда донли экинлар, пахта, зиғир, бўёқ учун рўян ўсимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар кўп экилган. Узум, олма ва бошқа мевалар кўплаб етиштирилган.

Темури Самарқанд атрофида Бағдод, Султония ва Шероз номли қишлоқлар қурдирган. Темури ва Улуғбек даврида чорвачиликка алоҳида эътибор берилган. Улуғбек даврида Боғи майдонда турли ўсимликлар экилиб, Боғча номли боғ барпо этилган.

Ободончилик ва суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа-ҳунармандчилик, савдо ва товар пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тоғ-кон ишларига эътибор кучайтирилган. Бу даврда турли маъданлар қазиб олинishi туфайли ҳунармандчилик ривожланган. Тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин тутган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, +арши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳаллалари бунёд этилиб, улар савдо марказларига айланди. Ип, жун, каноп толасидан газмоллар тўқилган. Ипақдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, дуҳоба, хоро, дебо каби газмоллар тўқилган.

XV асрда металл буюмлар – уй-рўзгор буюмлари, асбоб-ускуналар, курол-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд куролсозлик марказига айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилган Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфаҳоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисгар ва чилангарлар металларни тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

Масалан, Бибихоним масжиди эшиклари етти хил маъдан қотишмадан тайёрланган. Заргарлар олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан нафис зебзийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва кумуш гардишли, қимматбаҳо тошлар қадалган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

Кулолчилик энг сертармоқ соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадий ранг-барангликда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда нақш, ҳаттотлик кенг қўлланила бошланган. Бинокорликда ғишт терувчилар «Банно», пештоқ, равоқ ҳамда тоқларга парчин ва чироқ қопловчи пардозчилар «Устоз» дейилган. Самарқандда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. +урилишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч ўймакорлиги нақшин бинолар қурилган ва буюм жиҳозлар ясалган. Самарқанд қоғози ҳатто чет ўлкаларда машҳур бўлган.

Темурийлар давлати Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотик алоқалари олиб борилган. Чет давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришда темурийларнинг элчилик алоқалари муҳим аҳамият касб этган. Темур савдо расталари, бозорлар ва йўллар қурдирган, карвонсаройларни кўпайтирган. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бозор, чорсу, тим, тоқ, каппон каби савдо ҳунармандчилик иншоатлари қад ростлади. Шаҳар бўйлаб ўтган кенг кўчанинг икки томонига дўконлар жойлаштирилган. Самарқанд ва Бухоро савдо майдонларининг кенглиги ва ихтисослаштирилган бозорларга эгалиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш жойи эди. Шунингдек, бозорларда қўлёмалар китоблар, ёзув қоғози сотилган, ариза ёки мактуб ёзувчи мирзалар ҳам ўтирган. Савдо растаси унда сотилувчи товар номи билан аталган. Бозорларда адабиёт, шеърят, илм-фан ҳақида суҳбатлар бўлган, фармонлар эълон қилинган ва айбдорлар жазоланган. Турли томошалар шу жойда кўрсатилган, масжид, мадраса, ҳаммом бозорга яқин жойга қурилган.

XIV-XV аср оҳирларида Мовароуннаҳрни чет мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий баъзан сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган карвон йўллари боғлаган эди. Бу йўллар бир-биридан иқтисоди, халқ турмуш тарзи, дини, маънавий ва моддий маданияти жиҳатидан фарқланувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга имкон яратди. Карвон йўллари савдо, дипломатик алоқаларнинг амалий вазифасини, айтилиши вақтда мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий таъсирини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўрта Осиё заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намоён бўлди. Оқсарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасанг биноларимизга боқ» деган ёзув Темур давлатининг маънавий қудратини ҳам англатар эди. Темур даврида Мовароуннаҳр шаҳарлари қурилишида истехкомлар, шоҳ кўчалар, меъморий мажмуалар кенг кўлам касб этади. Оқсарой ва атрофида работлар, боғ-роғлар қурилди.

Темур салтанат пойтахти Самарқандни безатишга алоҳида эътибор берди. Шаҳарда «Ҳисори», қалъа, улуғвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд эттирди. Самарқандга кираверишдаги Кўҳак тепалиги Чўпон ота мақбараси Улуғбек даврида қурилган бўлиб, бу иншоотда мутаносиблик, умумий шаклнинг нафислиги, безакларда улуғворлик уйғунлашиб кетган. Темур даврда Самарқанд Афросиёбдан жанубда мўғуллар давридаги ички ва ташқи шаҳар ўрнида қурилади бошлади ҳамда бу майдон қалъа девори ва ҳандак билан ўралиб (1371 й) Ҳисор деб аталди. Ҳисор 500 гектар бўлиб девор билан ўралган. Шаҳарга олти дарвозадан кирилган.

Шаҳар маҳаллалардан иборат бўлиб, гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва темурийлар даврининг энг катта ютуғи бўлди. Меъморчилик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилди, иншоотлар кўлами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни қўйди. Темур даврида гумбазлар тузилишида қирралар оралиғи кенгайди. Икки қаватли гумбазлар қуришда ичкаридан ёйсимон қовурғаларга таянган ташқи гумбазни кўтариб турувчи пой гумбазнинг баландлиги ошди. Улуғбек даврида гумбаз ости тузилмаларнинг янги хиллари ишлаб чиқилди. Аниқ фанларда эришилган ютуқлар меъморчилик ёдгорликларида аниқ кўринади (**Шоҳизинда, Аҳмад Яссавий, Гўри Амир мақбаралари, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек мадрасаси**). Уларнинг олд томони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғунлигини белгиловчи геометрик тузилмаларнинг аниқ ўзаро нисбати бор. Безак ва сайқал ишлари ҳам бино қурилиши жараёнида баравар амалга оширилган.

Темурийлар давргача ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Ҳуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темур ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Кошин қатламларида тасвир мавзуи кам учрайди. Оқсарой пештоқларида Шер билан Қуёшнинг жуфт тасвири учрайдики, бу рамзий маънога эга. Темур ва Улуғбек даврида бино ичининг беаги ҳам хилма-хил бўлган. Девор ва шифт, ҳатто гумбаз ҳам нақш билан зийнатланган. Темур даврида қурилган биноларда кўк ва зарҳал устун бўлиб, дабдабали нақшлар ишланган, Улуғбек даврида Хитой чиннисига ўхшаш оқ фондаги кўк нақшлар кўп учрайди.

Бу даврда диний иншоотлар, ҳукмдор саройлари, аслзодаларнинг қароргоҳлари кўплаб қурилган. Темур Ҳиндистон юришидан сўнг (1399 й.) Самарқандда жоме масжиди қурдиради. Унинг рўпарасида Бибиҳоним мадрасаси ва мақбара бунёд эттирди. Улуғбек Бухоро Жоме масжидини кенгайтириб, қайта қуриш ишларини бошлаган, бироқ у XVI асрда қуриб битказди.

Темур даврида Сарой Мулк хоним Гўри Амир мажмуасида мадрасалар қурилган. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар бунёд эттирди. XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил-кесил қиёфасига эга бўлди. Мадраса қурилиши ягона тизим бўйича режалаштирилса ҳам, асосий шакллари, уларнинг ўзаро нисбатлари ва безакларига кўра ҳар бири ўз қиёфасига эга эди. Темурийларнинг икки санъат дурдонаси – Самарқанддаги Улуғбек ва Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасалари ягона тизим режаси бўйича қурилганига қарамай, бир-биридан фарқ қилади.

Темурийлар давридан қолган мақбара, дин арбоблари ва рухонийлар қабрини ўз ичига олувчи тўсиқ-ҳазира, авлиёлар қадамжолари, даҳма алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Самарқандда Темур даврида шайх Бурхониддин Сағоржий хилхонаси – **Рухобод мақбараси ва Темурийлар хилхонаси – Гўри Амир. Шунингдек, Шоҳизинда мажмуида** пештоқли мақбаралар гуруҳи қурилади. Улуғбек даврида ижобий изланишлар самараси даҳмаларнинг меъморий кўринишига ҳам таъсир ўтказди. Шоҳизинда мажмуасида саккиз қиррали мақбара ва ҳозиргача +озизода Румий мақбараси деб келинаётган («Султоннинг онаси» учун қурилган, асли номаълум) мақбара қурилган. Улуғбек Бухоро, ~иждувон, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкентда ҳам ноёб обидалар қурдирган. Аммо қурилиш миқёси ва безаклар бўйича Самарқанддаги обидалар устунлик қилади. Тошкентда Занги ота мақбараси ва Шайхонтохур мажмуаси бўлиб, Қалдирғочбий мақбараси XV асрнинг биринчи ярмига мансуб.

Темур даврида улкан иншоот – Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий мақбараси барпо қилинди. Бу мақбара мусулмон Шарқининг меъморий ёдгорликлари орасида энг ноёбидир. Қадамжолар меъморчилиги ҳам ўзига хос тузилишга эга. Темур Бухорода Чашмаи Аюб (1380 й.) ёдгорлигини қурдиради. Шунингдек, Темур Шаҳрисабзда зиёрат ва дафн маросимлари учун «Ҳазира», «Дор ус-Сиёзат» (1389-1400) хилхонасини қурдирган. Ўғли Жаҳонгир вафот этгач Шаҳрисабзда мақбара (ҳазрати Имом) қурдирган. Унда Хоразм меъморчилиги анъаналарини кўриш мумкин. Самарқанддаги Улуғбек расдахонаси меъморий санъатнинг ноёб ёдгорлигидир. Расдахона диаметри 48 метрли айлана шаклда бўлиб, уч қаватлидир.

Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси-маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчиси-шаҳар ташқарисиддаги боғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросимлари, мажлислар ўтказилган ва хордиқ чиқарилган. Шаҳрисабздаги Оқсарой гумбазининг диаметри 22 метр бўлиб, тоқ ва равоқлари бекиёс бўлган. Темур ва Улуғбекнинг асосий қароргоҳи Самарқанддаги Кўксарой ва

Бўстонсарой дейилади. Шунингдек, шаҳар ташқарисида Темур ўн иккита боғ ва саройлар бунёд эттирган.

Улуғбек даврида Самарқанднинг Регистон майдони шаклланди, «Масжиди Муқаттаъ», 210 гумбазли Кўкалдош жомъе масжиди қад кўтарди. Шоҳизиндада айрим мақбаралар, Шаҳрисабзда Кўкгумбаз масжиди, «Чилустун» ва «Чиннихона» саройлари унинг даврида қурилди. XV асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда Хўжа Аҳрор мадрасаси, Ишратхона, Оқсарой мақбаралари бунёд қилинди.

Амир Темур ва Улуғбек даврида тасвирий санъат турли йўналиш бўйича юксалди. Ислонда жонли нарсалар тасвирига сиғинмаслик тасвирий санъатда нақшнинг равнақига сабаб бўлди. Ўрта Осиёда араблар босқини туфайли тўхтаб қолган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Хаттотлик - қўлёзма адабиётнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Миниатюра – тасвирий санъатга ҳам аввало нақш сифатида қаралган. Темурийлар даврида тикланган деворий суратлар эса XVI асрда яна тўхтаб қолди. Самарқанддаги Темурийларнинг сарой-қароргоҳларида қабул маросимлари, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган. Темур даврида қурилган Ширинбека оға, Бибиҳоним, Туман оға обидаларида наққошлик ва хаттотлик билан бирга тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека опа мақбарасида тасвир кўп рангларда, қолган ички бино деворларида оқ ва мовий рангдаги табиат манзаралари тасвирланади.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насхи, кувфий, деворий хатлари билан бирга пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълик ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахоналар китобчиликнинг равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиқлар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур қиёфаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар «Зафарнома»нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Ҳиротда (1467 й.) кўчирилган «Зафарнома»да келтирилади. Дастлаб Мирак Наққош бошлаган ва Бехзод яқунлаган ушбу миниатюрада бой композиция ва сержило бўёқлар уйғунлиги билан ажралиб туради.

Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётнинг ривожини билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда «Жомеъ ут-таворих», «Тарихи Рашидий» каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишланган. Бу анъана Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, «Зафарнома» ва «Темурнома» асарларида жанг лавҳалари тасвирланади. Айрим ҳолларда

диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (ниқобда) одамлар орасида турган ҳолати ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди.

XV аср миниатюраларининг аксариятида шарқ шеърятининг қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавҳалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати бу даврда Ироқ, Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда бадиий-эстетик ҳодиса эди. Бу ҳодиса Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг Бағдод, Шероз, Табриз, Ҳирот, Самарқанд, Деҳли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига хос бўлган туркий образларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

1420 йилдан кейин Бойсунқур Мирзо Ҳиротда ҳаттотлик ва наққошлик устахонаси ташкил қилгач, бу рассомларнинг айримлари Ҳиротга кўчирилган. Абул Ҳайя асарларига ишлаган миниатюраларда Амир Темур ва темурийларнинг қиёфалари акс этса, бадиий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланади. Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар график тарзда, бадиий жиҳатдан ўзига хос «сиёҳи калам» услубида ишланган.

Темур ҳаётлик даврида унинг сарой деворларига шоҳ ва шаҳзодалар бор бўйида тасвирланиб, ҳақиқий портрет жанрини Камолиддин Беҳзод шакллантирди. Умуман, Темур ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Уларнинг аксариятида расм чизилган давр ёки рассом, жой, мактаб кўрсатилмаган. Бироқ, бу миниатюраларда нур сочиб турган куёшсимон шернинг боши тасвирланган туғ-Темурнинг герби-унинг саройи пештоқида, Халил Султон ва Улуғбек зарб қилган тангаларда учрайди. Шунингдек, табиат тасвирида тўқ яшил ва жигарранг кўплиги, кийимлар туркий миллатга хос бўлганлигидан бу миниатюралар Самарқанд миниатюрачилилик мактабига мансуб дейиш мумкин. Чунки, Ҳирот ва Шероз миниатюралари қаҳрамонларининг кийимлари бошқачароқдир. Самарқанд мактаби миниатюрачилари вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратлидирлар.

Улуғбек даврида машҳур бўлган хаттот ва мусаввир асли Обивардлик Султон Али Бовердий миниатюралари чизиқларнинг кескинлиги, рангларнинг ёрқинлиги билан ўзига хосдир. Самарқанд мактабига хос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг «Ҳамса» асарига ва 49 та миниатюра «Шоҳнома» асарига ишланган бўлиб, улар ҳозир Туркия кутубхонасида сақланади. Улуғбек даврида ас-Сўфийнинг «Силжимас юлдузлар рўйхати» асарига ишланган миниатюраларда хариталар қизил ва қора доиралар билан катта ва кичик юлдузларнинг жойлашиши кўрсатилган бўлиб, график тарзида ранг бермай, қора сиёҳда чизилган. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан,

«Самарқанд масжиди қуриш», «Искандар деворини бунёд этиш», «Кўчманчилар турмуши», «Жамшиднинг оддий халққа ҳунар ўргатиши» мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий ҳунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. Бадиий ҳунармандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошинкорлик кулолчилиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди. +абр тошларига қисман ўсимликсимон, асосан геометрик назмларда ҳаттотлик намуналари билан сўзлар битилган. Бу ёзувлар чуқур ўйиқларда битилган. +абртошлар сағана ёки супа шаклида бўлиб, бўз рангли мрамрдан, айрим ҳолларда ўта ноёб тошлардан тантана идишлари ишланган. Ёғоч ўймакорлиги Гўри Амирда, Шоҳи Зинда, Яссавий мақбаралари эшикларида кенг қўлланилган. Шунингдек, XV асрга оид устунлар нақшлар билан ишланган. Темур ва Улуғбек даврларида металл ўймакорлиги тараққий этади. Идишлар олтинсимон бронза, латун, қизил мисдан ишланган. Нақшлар ўйиб, бўртма усулда, қимматбаҳо тошлар қадалиб тайёрланган. Яссавий мақбараси улкан-шамдонлар, айниқса икки тоннали қозон бронза қўйиш санъатининг юксак намунасидир.

Амалий санъатнинг кулолчилик идишларига яшил, зангори тусдаги ёрқин, содда ўсимликнома нақшлари қора бўёқлар билан туширилган. Бу даврда пайдо бўлган оппоқ идишларга сир устидан кобальт ёрдамида нақш берилиши янгилик эди. Сопол буюмлардаги нақшлар мўйқаламда чизилган. Олдинги асрларда сопол буюмларига чизик нақшлар чизилган, темурийлар даврида мансуб сопол буюмларда кулол-рассом турли услубда оч ҳаво рангдан то ложувардга қадар ранглари қўллаган. Темур ва темурийлар даврининг амалий санъат турларидан тўқимачилик, гиламдўзлик, кашталиқ юксак санъат даражасига кўтарилди.

Шу тарзда узоқ ҳукмронликдан сўнг Амир Темур ва темурийлар давлати шимолдан кириб келган, янги давлат бирлашмаси шайбонийлар томонидан қўлга киритилади. Яъни 1499 йилдан бошлаб Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) темурийлар ичидаги ички низодан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга истилочилик ҳаракатларини бошлайди. Темурий шаҳзодалардан, шу вақтдаги ягона Мовароуннаҳрлик буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) саъй-ҳаракатлари ҳам ўз натижасини бермади.

1505-1506 йилларга келиб Шайбонийхон Хоразм ва Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллайди. Шайбонийхонга қарши курашиш учун йўлга чиққан Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн (1469-1506) 1506-йилнинг баҳорида вафот этади. Султон Ҳусайннинг ворислари ўртасида тожу-тахт учун кураш авж олиб, натижада ҳокимият иккита шаҳзодага-Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Мирзоларга ўтади. Қулай вазиятдан фойдаланган Шайбонийхон 1507-йили шаҳзодаларни тор-мор этиб, қаттиқ жанглардан сўнг пойтахт Ҳирот ва бутун Хуросонни ўз қўлига олади. Мовароуннаҳрда шайбонийлар давлати ўрнатилади.

Таянч сўз ва иборалар:

Моварауннаҳр, Лой жанги, сарбадорлар ҳаракати, соҳибқирон, «Темур тузуклари», марказлашган давлат, салтанат, суюрғол, иқтаъ, солиқ тизими, темурийлар, туркий тил, адабий ўзбек тили, Дашти Қипчоқ, фалакшунослик, расадхона, раъият.

Мустақил таълим мавзулари

1. XIV аср биринчи ярмида Моварауннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Мовароуннаҳрда сарбадорлар ҳаракати ва унинг яқунлари.
3. Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори. Самарқанд - Темур давлатининг пойтахти.
4. Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўғуллар зулмидан озод қилишда ва марказлашган давлат тузиш йўлидаги хизматлари.
5. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
6. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда маданий ҳаёт.

Назорат саволлари

1. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун олиб борган курашларининг асосий сабаби нимада?
2. «Темур тузуклари»нинг муҳим тарихий манба сифатидаги аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?
3. Амир Темур ва темурийлар даврида солиқ сиёсатида адолат тамойили ҳақида гапиринг.
4. Нима учун Амир Темурни Европа давлатлари халоскори деб атаймиз?
5. Амир Темур вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун ички кураш сабаблари нимада эди?
6. Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбекларнинг илм-фанга қўшган хиссалари ҳақида гапиринг?

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзо улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I. М., 1963.
3. Клавихо Р.Г. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. М., 1970.
4. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Т., 1993.
5. Аҳмедов Б. Улуғбек. Т., 1989.
6. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Т., 1996.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2000 й.
8. Буюк сиймолар, алломалар. Т.: «Мерос», 1995, 1996, 1998 йиллар.
9. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома). Т.: «Шарқ», 2000 й.

8-мавзу. Ўрта осие ҳудудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари

1. XV аср охири - XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга юриши ва босиб олиниши, Бухоро хонлиги ва унинг ривожиди.

2. Бухоро хонлиги ва амирлигида ижтимоий-сиёсий вазият. Аштархонийлар сулоласи.

3. Хива хонлигининг ташкил топиши ва равнақи

4. Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи

1. XV аср охири - XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга юриши ва босиб олиниши, Бухоро хонлиги ва унинг ривожиди. Амир Темур вафотидан сўнг Мовароуннаҳрда темурий шахзодаларнинг тахт учун ўзаро курашлари авж олади. Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик авжига чиқади. Ҳар бир вилоятда темурий шахзодалар ўзларининг мустақил ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилар эдилар. Улар ҳокимият учун ўзаро курашларда Дашти Қипчоқнинг туркий қавмлари кучларидан фойдаланишга интилишар эдилар. Масалан: 1451 йилда Урусхоннинг набиралари Абдусайд Мирзога ҳокимиятни эгаллаш учун ёрдам берган бўлсалар, орадан уч йил ўтгач Абулхайрон Муҳаммад Жўкийга ҳокимиятни эгаллашга ўзаро кўмаклашди. Бу ўзаро курашлар Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий вазиятни янада чигалштириб, аҳволни янада ёмонлаштиришга олиб келар эди.

Дашти Қипчоқ-Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Тяньшаннинг ғарбий ёнбағридан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу ерларда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшагани учун шундай ном олган.

Дашти Қипчоқда яшовчи ўзбек уруғлари билан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқи ўртасида доимо алоқалар бўлиб турган. Аммо турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида ҳамма вақт ҳам доимий алоқалар, бордикелдилар бўлмаган, уларни катта масофадаги бўш, сахроли ҳудудлар ажратиб турган. Шу боис уларнинг турмуш тарзи, машғулот турлари, касб-корлари, урф-одатлари, удумлари бошқача кўринишда бўлганлиги табиийдир. Бунинг устига Дашти Қипчоқ аҳолисининг аксарият қисми кенг яйловларда чорвачилик, йилқичилик хўжалиги билан машғул бўлган. Бунинг аксича, Мовароуннаҳр аҳолиси узок асрлар давомида ўтроқ ҳаётга ўрганиб, асосан ўтроқ яшаб келган. Улар азалдан миришкор бободехқонлар, моҳир хунармандлар, савдогарлар сифатида ном қозонганлар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, меҳнати, заҳмати билан юрт обод этилиб, бир биридан кўркам, гавжум шаҳарлар бунёд топган.

Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510 йиллар) XV аср охири - XVI аср бошларида Дашти қипчоқ қабилаларига бошчилик қилиб келган Абулхайрхоннинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон (Шоҳбахт) Дашти Қипчоқда дашт уруғларини бирлаштириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди.

У темурийлар давлатидаги инқироздан фойдаланиб қисқа муддат ичида ҳокимиятни ўз қўлига олишга эришади. Насаби жиҳатдан Шайбонийлар бир томондан мўғулларга бориб тақалгани учун ўзларини хон деб атаганлар. Давлат ҳам тарихий адабиётларда XVI асрнинг 60-йиларидан бошлаб Бухоро хонлиги деб юритила бошланган. Шайбонийлар Мовароуннаҳрда деярли бир аср (1500-1599 йиллар) ҳукмронлик қиладилар. Кейин ҳокимият Аштархонийлар сулоласи қўлига ўтади.

Шайбонийхон бошчилигидаги Дашти қипчоқлик кўп сонли уруғлар Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб келар эканлар, улар, энг аввало, маҳаллий қардошлари, элатдошлари билан яқинлашиб, уларнинг турмуш тарзига мослашиб бордилар. Энг муҳими, кириб келган уруғ ва қавмлар бу ернинг тубжой аҳолиси таркибига сингиб бордилар.

Шайбонийлар сулоласининг вакиллари: Шайбонийхон (1500-1510), Кўчкунчихон (1510-1530), Абу Саид (1530-1533), Убайдуллахон (1533-1539), Абдулло (1539-1540), Абдулатиф (1540-1550), Наврўз Аҳмадхон (1551-1556), Пирмуҳаммад (1556-1561), Искандархон (1561-1583), Абдуллахон II (1583-1598), Абдулмўмин (1598-1599), Пирмуҳаммад (1599-1601).

XV асрнинг 80 йилларига келиб, Абулхайроннинг набираси, Будок Султоннинг ўғли Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон бобосининг давлатини қайта тиклаб, шайбонийлар сулоласига асос солади. Ёшлигида етим қолган Муҳаммад Самарқанд, Бухоро шаҳарларида сабоқ олиб, ўз даврининг билимдон, ўқимишли кишиси бўлиб етишади. Муҳаммад Шайбонийхон кучли давлат тузиш фаолиятини дастлаб лашкар тўплаш ва ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида темурийларга хизмат қилишдан бошлайди. Шайбонийхон ёлланма қўшин бошлиғидан ҳатто хон даражасигача кўтарилади.

Дастлаб у темурий амирлардан бири, Туркистон ҳокими Муҳаммад Мазид тархон ҳомийлигида бир қанча вақт Туркистонда яшади. Туркистон урушлар гирдобидида қолган бир вақтда Шайбонийхон укаси билан Султон Аҳмад Мирзо паноҳида Бухорода яшади ва илм олди. XV аср 90-йилларида Муҳаммад Шайбонийхон Дашти қипчоққа боради ва сиёсий курашларга қўшилиб кетади. У бир неча йил давомида кураш олиб борди ва Тошкентдаги ҳукмдорлар ёрдамида Дашти қипчоқда мустаҳкам ўрнашиб олди. Кейинчалик, Сайрам ва Яссини қўлга киритгач, бутун Туркистонда ҳокимиятни қўлга киритади. 1498 йилда Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг Самарқандга юриш қилди, уни қўлга кирита олмагач, қаршига юриш қилди ва Шаҳрисабз билан бирга талон-тарож этди. 1499 йилда Самарқандда қилган юриши яна муваффақиятсизликка учрагач, Бухорога юриш қилди ва уч кунлик қамалдан сўнг уни қўлга киритди. 1500 йилда Муҳаммад Шайбонийхон яна Самарқандга юриш қилди ва уни босиб олиб, тўрт ой давомида талон тарож қилади.

Тез орада Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб марказлашган давлат тузиш мақсадида Бобурдан 1501 йилда Самарқандни тортиб олган Шайбонийхон 1503 йилда Тошкентни, 1504-йилда Хисорни, 1505-йилда 10 ойлик қамалдан кейин Урганчни, 1507-йилда Ҳиротни, 1509-йилда Марвни

ўзига бўйсиндиради. Натижада у Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросонни бирлаштирган Шайбонийхон Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб нафақат Эронда Шоҳ Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солади, балки бутун эътиборини Самарқандга ҳам қаратади.

1501 йилда Бобур Шайбонийдан енгилгандан сўнг яширинча Тошкентга чекинишга мажбур бўлади. Бироқ Самарқандда, Бухоро ва Тошкентда ўз хукмронлигини кўлга киритган Шайбонийхон Хуросон юришига тайёргарлик кўра бошлайди. Темурийлар гарчи шаҳзода Хусравшоҳ бошчилигида Шайбонийхонга қарши бирлашган бўлсаларда, бу ҳеч қандай натижага олиб келмади. 1505 йил Урганч ҳам босиб олинади ва Хоразм Шайбонийхонга тобе бўлди. 1506 йил Хусайн Бойқаро вафотидан сўнг бошланган тахт учун курашлардан фойдаланган Шайбонийхон темурийлардан Хиротни тортиб олди. Хирот босиб олинган 1507 йил бирин кетин Астробод ва Журжон ҳам босиб олинди ва Каспийдан Хитойгача, Сирдарё этагидан Афғонистоннинг марказий худудларигача бўлган ерлар Муҳаммад Шайбонийхон хукмронлиги остига ўтди.

Шайбонийхон хукмронлиги ўрнатилиши билан Мовароуннаҳрда узоқ вақт давом этган темурийлар ўртасидаги ўзаро тахт талашишларга чек қўйилди ва тинчлик ўрнатилди. Шайбонийхон сиёсий жиҳатдан марказлашган давлат туза олишга эришиши билан ўзининг илм-фан ва адабиётга мойиллиги, бу соҳа вакилларини ҳурмат қилиши ва ҳомийлик қилиши билан катта ҳурматга сазовор бўлди.

Шайбонийхон кўлга киритилган худудларни бошқариш учун ўз яқинларига бўлиб берди. Бу ҳол марказий ҳокимиятнинг заифлашувига олиб келди ва Шайбонийхон Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан курашга кириш олдидан айниқса, яққол намоён бўлди. Ўз вақтида етиб келмаган қўшинлар оз сонли Шайбонийхон қўшинларининг Исмоил Сафавий қўшинлари томонидан мағлуб этилиши ва Шайбонийхоннинг ўлдирилишига олиб келди.

Яъни, 1510 йил ҳозирги Туркменистоннинг Марв шаҳри яқинида Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда унинг қўшинлари тор-мор этилади ва Шайбонийхон ўлдирилади. Тахтга Шайбонийхоннинг амакиси, Кўчкунчихон (1510-1530) чиқади. Бироқ шайбоний султонлар, беклар жипслашиб Исмоилшоҳга қарши курашиш ўрнига Шайбонийхон тириклигидаёқ суюрғол сифатида тақсимлаб берилган вилоятлар ва эрларга эгалик қилиш билан ўралашиб қолдилар, улар ўртасида ўзаро келишмовчилик, зиддиятлар авж олди. Бундан фойдаланган Исмоилшоҳ тез орада Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афғонистонни босиб олди. Пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрда эса шайбонийлар хукмронлиги сақланиб қолди. Мовароуннаҳрда 100 йилгача давом этган Шайбонийлар даврида ҳам тинчлик бўлмади, қирғинборот урушлар, ўзаро ички курашлар давом этди.

Шайбонийлар ҳукумронлиги даврида бир томондан сафавийлар, иккинчи томондан бобурийлар сиқуви остида қолган шайбонийлар давлатида бир қанча соҳаларда ислохотлар ўтказилиб, хўжалик ҳаётни тиклашга ва давлат бошқарувини мустаҳкамлашга интилишлар бўлди. Масалан, темурийлар даврида жорий қилинган давлат бошқаруви соҳасидаги суюрғол

тизими сақланиб қолди, босиб олган ҳудудларда бошқарув ишининг фарзандлари, қариндош-уруғлари, қабила боштикларига топширилиши унинг вафотидан кейин марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилишларни кучайтирди. Хўжаликни тиклаш учун бўш ётган ерлар, вафот этган ёки солиқлар оғирлигидан кўчиб кетган маҳаллий мулкдорлар ерлари қайта тақсимланди. Бу эса ижтимоий ҳаётни тартибга солишга ёрдам берди.

Иқтисодий тартибга солиш, савдо сотиқни жонлантириш мақсадида 1507 йилда пул ислоҳоти ўтказилиб, марказий шаҳарларда вазни бир хил бўлган (5,2 грамм) кумуш ва мис чақа пуллар зарб қилинди. Асосан марказий ҳокимиятнинг сиёсий, иқтисодий мавқеини кучайтириш, шайбоний хонлари ва беклари ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу ислоҳот Шайбонийхон вафотидан кейин кучайиб кетган ўзаро урушлар натижасида яхши натижа бермади ва пул қадрсизланди.

Бу пайтда Моваруоуннаҳрда бобурийлар сулосанинг шаклланиш жараёни кетаётган эди. Юқоридаги сатрларимизда айтилганидек, Шайбонийхон ўлимидан сўнг Шоҳ Исмий қўллаб-қувватлаши билан Бобур 1511 йилда Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон, Қарши, ерларини фатх этиб, Самарқанд тахтини учинчи марта эгаллайди. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Бобур ва бобурийлар салтанатининг вужудга келиши ва ривожига хусусида қуйидаги маълумотлар учрайди. Аслида ушбу сулола тарихи 1494-йил 10 июнда 12 ёшли Бобурнинг Фарғона тахтига ўтириши билан бошланган. Яъни Бобур амакиси Султон Аҳмад (1469-1494 йй. Самарқанд ҳокими), Тошкент ҳокими, тоғаси Султон Маҳмудлар ҳужумларини қайтариб, 1496 йилда Самарқанд шаҳрини қамал қилади, лекин қиш яқинлашиб қолгани учун қамални тўхтатади.

Аслида 1497-йил майида Бобур Самарқандни иккинчи бор қамал қилганида Шайбонийхон билан биринчи марта юзма-юз бўлган. Бойсункур мирзонинг Шайбонийхонга Самарқанд дарвозасини очмагани сабабли, у Бобур билан жанг қилмасдан майдонни ташлаб кетди. 7 ойлик қамалдан кейин Самарқандни эгаллаган Бобур пойтахтда 100 кун ҳукмронлик қилади. Фарғонада укалари сабаб келиб чиққан низони бартараф этиш учун Бобур Самарқандни ташлаб чиқди ва 1500 йил ерда тинчлик ўрната олди. Унинг асл мақсади Моваруоуннаҳрни бирлаштириш мақсадида Фарғонани ҳам икки қисмга бўлиб, укаси Жаҳонгирга Сирдарёнинг шимолий қисмини беришга мажбур бўлади. Бундан фойдаланган Шайбонийхон Бухоро, Самарқанд, Қарши, Ғузор, Шоҳрухия шаҳарларини эгаллади. Бу шаҳарлардаги дашт ўзбекларининг қирғин ва талончиликлари маҳаллий халқ ичида Шайбонийхонга қарши ҳаракатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган Бобур 1501 йилда Самарқандни иккинчи марта эгаллайди.

Унинг Самарқандга навбатдаги ҳукмронлиги самарасиз тугайди. Унинг иттифоқчилари шиа мазҳабидаги Эроний қизилбошлиларнинг талон-тарождари сабабли маҳаллий аҳоли Бобурни қўллаб-қувватламади. 1512 йил охирларида Убайдулла султон қўшинларидан Бухоро яқинида мағлубиятга учраган Бобур Моваруоуннаҳрдан бутунлай умидини узади. Қобул атрофида ўз ҳукмронлигини тўла мустаҳкамлаб, 1525-1526 йилларда Ҳиндистонга

юриш бошлайди. Деҳли яқинида Иброҳим Лўдий кўшинларини тўла тор-мор келтириб, у ерда янги салтанат Бобурийлар салтанатига асос солади. Бу салтанат Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858-йиллар) ҳукмронлик қилади. 1858 йилда сўнги бобурий Боҳодиршоҳ II (1837-1858 йй) ни инглиз мустамлакачилари тахтдан ағдариб Ҳиндистонни ўз мустамлакасига айлантирадилар.

Шайбонийхон вафотидан сўнг шайбонийлар давлати тахтини Кўчқинчихон (1510-1530) ва ўғли Абу Саъид бошқарадилар (1530-1533). Аммо Махмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон ҳукмронлиги йилларида (1533-1539) ҳокимият анча мустаҳкамланди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Убайдуллахон давлатни мустаҳкамлаш ва эронликларни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқаришга катта эътибор берди. 1512 йил кузида у нажми соний устидан ғалаба қозонгач, катта ўлжага эга бўлган эди ва бу маблағни у Бухоро шайхулисломи Мир Арабга топширди ва бу маблағларга машҳур Мир Араб мадрасаси қурилди. Шайбонийлар орасида энг катта таъсирга эга бўлган ҳукмдорлардан яна бири Абдуллахон II (1534-1598) эди.

1556 йил жўйбор шайхларидан Муҳаммад Ислон ёрдамида тахтни эгаллаган Абдуллахон умрининг охиригача давлат ҳудудларини кенгайтириш ва марказий ҳокимиятни кучайтириш, иқтисодий аҳволни ва давлатнинг ҳарбий қудратини юксалтириш борасида ҳаракат қилди. Абдуллахоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида XVI аср охирларида Бухоро хонлиги улкан марказлашган давлатга айланди. Бироқ, Абдуллахон вафотидан сўнг ҳукмронлик қилган Абдулмўмин ва Пирмуҳаммадхонлар (1599-1601) давлатни бошқара олмадилар ва уларнинг ўлимидан сўнг шайбонийлар сулоласи тўла барҳам топди. Мовароуннаҳрда ушбу давлат таркибида шаклланган Бухоро хонлиги даври бошланди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Шайбонийлар давлатида жамият ҳаётида, давлат бошқаруви тутган ўрни ва мавқеига асосан бир нечта ижтимоий табақалар мавжуд эди: хон ва унинг яқинларидан иборат олий табақа, ҳарбий амалдорлар ёки умаро, йирик дин пешволари-шайхлар, хожалар, олимлар, шоирлар қабилалардан иборат фозиллар, раият яъни оддий фуқаро ва қисман куллар.

Шайбоний хонлари томонидан Мовароуннаҳрда бир қатор соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар қисман ижобий натижалар берса, айримлари давлатнинг заифлашувигача оқибатларга олиб келди. Шайбонийхон томонидан жорий этилган суюрғол тизими энг яхши ҳизмат кўрсатган ва Шайбонийхонга яқин бўлган амалдорлар ёки хон хонадони вакилларига турли вилоятлар устидан ҳукмронлик қилишга имкон берсада, бироқ улар марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилдилар ва оқибатда бу ҳол ички курашларни келтириб чиқарди. Бу салбий ҳолат Шайбонийхон Исмоил Сафавийдан мағлубиятга учрашида ҳам таъсир кўрсатган эди. Шунингдек, Шайбонийхон ер эгаллиги ва ер-сув соҳасида 1507 йилда пул ислоҳоти ва кейинчалик таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар ўтказган эди.

Таълим ислоҳотига кўра таълим кўп босқичли этиб белгиланди. Бунга кўра болалар 6 ёшда мактабга, 8 ёшда мадрасага ўқишга ўтганлар. Мадрасада ўқиш уч босқичли бўлиб, ҳар бир босқич 8 йилдан давом этган. Шайбонийларда ҳам иқтисодиётнинг асосини қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, хунармандчилик ташкил этарди. Мамлакатнинг асосий бойлиги ер бўлиб, унинг қуйидаги шакллари бўлган:

1. Мулки султоний-давлатга қарашли ерлар.
2. Мулки ҳолис ёки хусусий шахсларга қарашли ерлар.
3. Вақф-диний маҳкамаларга қарашли ерлар.
4. Қишлоқ жамоалари эгалик қиладиган ерлар.

Дехқончилик асосан лалмикор ва обикор-суғориладиган ерларда бўлган. Буғдойнинг ўн икки нави етиштирилган ва бошқа анъанавий экинлар экилган. Дехқончилик учун қулай бўлган ва ҳосилдор ерлар йирик амалдорлар ва ҳарбийлар ҳамда дин пешволарига қарашли бўлган. Шайбонийлар давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан Жўйбор хожаларни катта таъсирга эга эди. Улар сиёсий ҳокимият бошқарув ишларига таъсир кўрсатиш билан бирга катта ер мулкларига ҳам эгалик қилардилар.

Шайбонийлар даврида амалга оширилган ислоҳотлардан бири қаровсиз ётган ерларни ўзлаштиришга ҳам қаратилган эди. Чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Хунармандчиликнинг 60 дан ошиқ тури мавжуд бўлган. Ички савдога катта эътибор берилган. Ташқи савдода Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Хитой каби давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. 1588 йилда Бухорода бўлган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон ҳам ўз маълумотларида Бухоро шаҳрида ҳар йили йирик савдогарлар қурултойи бўлиши, бу ерга Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа мамлакатлардан катта-катта савдо қарвонлари келишини ёзиб қолдирган эди.

Шайбонийлар давлатида 40 дан ортиқ солиқ ва тўловлар мавжуд бўлган. Асосий солиқ турлари хирож ва закот бўлган. Асосий солиқ ер ҳайдаб экин экиладиган ерларнинг 30-40% ни ташкил этувчи **хирож** солиғи ҳисобланган.

Хусусан давлат девони қўшин ва хон саройи сарф-харажатлари учун «**ихражат**» йиғилган, боғлар, полизлар, бедазор-лардан алоҳида солиқлар олинган. Давлат пул ва мол-мулкка муҳтож бўлганда фавқулотда солиқлар тўпланган. Бу айниқса, урушлар маҳали янада авжига чиққан. Аҳоли солиқ ва ўлпонлар тўлашдан ташқари, мажбурий меҳнатга ҳам тортилган. Оммавий ҳашар, мажбурий ариқ ва зовурлар қозиш, қурилиш ишларига барча беклик ва туманлардан аҳоли жалб этилган. Улар ўзлари билан бирга зарур егулик, озиқ-овқат, зарур асбоблари билан келиши шарт бўлган. Улар шу орқали давлатга текин ишлаб беришиб, бу айрим пайтларда қайсидир маънода ҳукмдорлар учун қўшимча бойиш манбаи бўлиб хизмат қилган. Доимий ва муваққат солиқларнинг олиनावериши аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз.

Бу даврда математика, астрономия, тиббиёт, тарих, адабиёт соҳаларида кўзга кўринарли ажойиб асарлар яратилган. Шайбонийлар даврида қурилган Мир Араб мадрасаси (1535-1536), Масжиди Калон (1540-1541), Тоқи

Заргарон (1559), Тоқи Саррофон (1559) каби иншоотлар ва Модарихон мадрасалари шулар жумласидандир. Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган урушлар натижасида теурийлар давридаги кўпгина иншоотлар вайрон қилинган бўлса, иккинчи томондан у кўплаб работ, сардоба, мадраса, масжид, кўприк, сув омборларини қурдириб, мамлакат ободончилигига катта ҳисса қўшганлар.

Шайбонийлар даврида ҳам иқтисодиётнинг асосини қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик, ҳунармандчилик ташкил этарди. Дехқончилик асосан лалмикор ва обикор-суғориладиган ерларда бўлган. Буғдойнинг ўн икки нави етиштирилган ва бошқа анъанавий экинлар экилган. Дехқончилик учун қулай бўлган ва ҳосилдор ерлар йирик амалдорлар ва ҳарбийлар ҳамда дин пешволарига қарашли бўлган. Шайбонийлар давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан Жўйбор хожаларай катта таъсирга эга эди. Улар сиёсий ҳокимият бошқарув ишларига таъсир кўрсатиш билан бирга катта ер мулкларига ҳам эгалик қилардилар.

Бу даврда чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Ҳунармандчиликнинг 60 дан ошиқ тури мавжуд бўлган. Ички савдога катта эътибор берилган. Ташқи савдода Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Хитой каби давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. 1588 йилда Бухорода бўлган инглиз сайёҳи Антони Женкинсон ҳам ўз маълумотларида Бухоро шаҳрида ҳар йили йирик савдогарлар қурултойи бўлиши, бу ерга Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа мамлакатлардан катта-катта савдо қарвонлари келишини ёзиб қолдирган эди.

Шайбонийлар даврида Дашти қипчоқда истиқомат қилган халқлар ҳам шариатга асосланган закот тўлаганлар. Бу ўша даврда мазкур минтақа табиий шароити ва аҳоли турмуши билан боғлиқ равишда чорва миқдорига қараб йиғиладиган солиқ бўлиб, хон ва султонлар фойдасига ҳар бир чорвадорлар жамоаси ва якка шахслардан олинган. Бундай закот (ҳунармандчилик ва савдо закотидан фарқли равишда) *савоим* закот деб аталган (ўтлаб юрган чорвага қараб закот) ва у чорванинг қирқдан бири тўланган.

Айниқса қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг пастлиги, қишлоқ хўжалигида сақланиб қолган ибтидоий агротехник анъаналар, меҳнаткашларнинг талаб даражасида ҳосил етиштиришларига тўсқинлик қилиб келган. Шундай бўлсада, маҳаллий бой ва ҳукмдорлар томонидан жорий этилган солиқлар, тўлов ва йиғимлар мажбурий характерга эга бўлган. Натижада биргина солиқларнинг ўзиёқ халқнинг гарданига оғир юк бўлиб тушган.

Албатта, халқ хўжалигининг нотекис ривожланиши ва ижтимоий ҳаёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатган омил-лардан бири - солиқлар ва турли мажбуриятларнинг бетартиб тизими эди. Ҳукмрон доира айрим вакилларининг бу борадаги ўзбошимча хатти-ҳаракатлари аҳоли турмуш даражасининг пасайи-шига, унинг баъзи қатламларининг камбағаллашувига олиб келар эди.

Ўзаро низолар оқибатида шаҳарлар, қишлоқлар ва кичик шаҳарлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқалар узилиб қолар эди. Бу ҳолат, айниқса, савдо соҳасида яққол кўзга ташланади. Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ даркорки, ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлган баъзи шаҳарларда савдо мунтазам эмас, балки ҳафтанинг маълум бир кунларида бўлган. Қишлоқлар ва кичик шаҳарлар турли тоифадаги олиб-сотарлар, катта савдогарлар кўрсатмасига биноан ҳам ашёнинг ялпи харидини амалга оширувчи шахслар томонидан тез-тез қатнаб, савдо-сотик қилинадиган ерлар бўлиб, улар ўз фаолияти билан товар айирбошлаш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш тараққиётига катта ҳисса қўшганлар. Айрим даврлар мобайнида кузатилган сиёсий ихтилофлар натижасида бу алоқалар издан чиқиб, иқтисодиёт, хусусан савдо равнақининг сусайишига олиб келган.

2. Бухоро хонлиги ва амирлигида ижтимоий-сиёсий вазият. Аштархонийлар сулоласи. Бухоро хонлиги расман 1510 йилдан 1920 йилгача мавжуд бўлган. Бухоро хонлигида учта сулола, дастлаб Шайбонийлар (1510-1601), Аштархонийлар (1601-1753) ва Манғитлар сулоласи (1753-1920) ҳукмронлик қилган. Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар насл-насаби жиҳатидан Чингизхон (1151-1227) нинг узоқ авлодлари ҳисобланганлар. Шунинг учун ҳам улар “хон” унвони билан юритилганлар. Бухоро пойтахт қилиб белгиланиши туфайли давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Бухоро хонлиги номини олади.

Ҳудудий жиҳатдан Бухоро хонлиги, кейинчалик амирликнинг чегаралари жанубда Амударёнинг сўл қирғоғидан бошланиб, Сирдарёгача чўзилиб қозоқ жузлари билан чегарадош эди. *Амирлик шарқда Помир тоғларидан ғарбда Хива хонлиги чегараларигача бўлган ҳудудни ишғол этарди. Бухоро ва Самарқанд каби йирик шаҳарлар жойлашган Зарафшон водийси амирликнинг марказий қисми ҳисобланарди. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, ҳозирги Тоҷикистон ҳудудидаги Вахш, Кафирнигон водийсида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар, ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мурғоб дарёси воҳаларидаги ерлар Бухоро амирлигига қарар эди.*

Хонлик, сўнгра амирликнинг пойтахти Бухоро эди. Йирик шаҳарлардан **Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Шеробод, Душанбе, Кўлоб** ва бошқалар амирлик тасарруфида эди. Марв ва Чоржўй шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Хива хонлиги ўртасида, Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд шаҳарлари учун Бухоро амирлиги билан Кўқон хонлиги ўртасида тез-тез урушлар бўлиб, бу шаҳарлар қўлдан-қўлга ўтиб турган.

Аҳоли этник жиҳатдан кўпгина этнослар ва этник гуруҳлардан иборат бўлган. Уларнинг қарийб 57 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Шарқда Ҳисор, Душанбе, Шарқий Бухородаги Вахш, Кафирнигон ва Панж дарёлари водийларида эса тожиклар ташкил қилар эди. Жанубий ва ғарбий қисмида туркманлар, шимолий-шарқий томонида қозоқлар ва қирғизлар ҳам яшар эди. Шунингдек, амирлик ҳудудида афғонлар, эронилар, араблар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқа халқлар ҳам мавжуд эди.

Шайбонийхон ўлимидан сўнг 1512 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ноиб бўлиб келган Убайдулло султон 1533 йилда Шайбонийлар давлатининг Олий ҳукмдори этиб кўтарилди. Убайдулла султон Самарқанддаги Кўчкунчихон авлодлари қаршилиги сабабли олий ҳокимиятни Бухорода туриб бошқаради ва Бухорони давлат пойтахти деб эълон қилади. Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) даврида Бухоронинг мавқеи ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди. Аммо тарқоқлик давом этарди, Мовароуннаҳр XVI аср ўрталарида ҳам мустақил ҳокимликлардан иборат эди. Бухорода Абдулазизхон, Самарқандда Абдулатифхон ҳукмдор эдилар.

Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552-йй.) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларнинг ҳукмдори Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, 1540-1556) янада кучайтирди. У ҳатто 1551 -йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарши кураш олиб борди. Бу курашларда Искандар Султоннинг ўғли Абдуллахон (1534-1598) ўзининг қатъиятлилиги, яхши сиёсатчи ва саркардалиқ қобилияти билан ажралиб турди. У 1561-йилда отаси Искандархонни олий ҳукмдор деб эълон қилди.

Тарқоқликка барҳам бериш, мамлакатни бирлаштириш долзарб бўлиб турган бир пайтда Абдулла султонни маҳаллий жуйбар шайхлари қўллаб-қувватладилар. **Абдуллахон II** Бухоро тахтини эгаллайди. Абдуллахон II (1557-1561 йилларда) амакиси Пирмуҳаммад, 1561-1583 йилларда отаси Искандархон олий ҳукмдор деб эълон килинган бўлсада, амалда ҳукмдор Абдуллахон II эди. 1557 йилда Бухорони давлат пойтахти, мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айлантиради. Шу боисдан давлатнинг ўзи ҳам Бухоро хонлиги деб аталадиган бўлди.

Бухоро хонлигидаги муҳим ўзгаришлар Абдуллахон II даврида юз берди. Хусусан, Абдуллахон II марказлашган Шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида амирлар ва султонлар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шаҳрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадахшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595), Абдуллахон қўлостига бирлаштирилди. У 1561-1583-йилларда отаси номидан, 1583-1598-йилларда расмий хон сифатида давлатни бошқарди. У Хоразмни ўзига бўйсундириши учун, тўғон қуриб, Амударё оқимини ўзгартиради.

Аммо 1598-йилда Абдуллахон II вафотидан сўнг унинг ўғли Абдулмўмин тахтга ўтиради. У узоқ муддат тахтни бошқара олмади. Бунинг боиси, Абдуллахоннинг ягона ўғли Абдулмўмин 1598 йил 8 февралда амир Муҳаммад Боқий билан келишиб, ўз отасини заҳарлаб ўлдиртиради. Сўнгра у Балхдан Мовароуннаҳрга етиб келиб отасининг қариндоши Қулбобо кўкалдошни, амакиси Дўстим Султонни, унинг ўғилларини ҳам ўлдиртиради. Лекин олти ой ўтгач, Зоминдан Самарқандга келаётганда отасининг амирларидан бири Абдулвосеъ томонидан унинг ўзи ҳам ўлдирилади. Шундан сўнг тахтга чиқарилган Пирмуҳаммад ҳам 1601 йилгача тахтни

бошқаради. Тарихда сўнгги Шайбоний ҳукмдори сифатида Пирмуҳаммадхон (1599-1601) ўз фаолиятини олиб боради. Тахтга чиққан сўнгги Шайбоний Пирмуҳаммад ҳам 1601 йилда Самарқандда Боқи Муҳаммад билан бўлган жангда ҳалок бўлади ва шу тариқа шайбонийлар сулоласи бутунлай тугатилади. Унинг ўрнига ҳокимиятга янги сулола вакиллари, аштархонийлар келди.

Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи -Бухоро хонлигида Шайбонийлар сулоласининг ўрнига келган иккинчи сулола. **Аштархонийлар** ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда ички ва ташқи сиёсат борасида бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. Аштархонийлар XIV асрнинг 80 йилларидан бошлаб Астрахан шаҳри (Ҳожи Тархон, Аштархон) атрофларида ҳукмронлик қилганлар.

1556 йилда Астрахан (Ҳожитархон) хонлиги Россия томонидан босиб олинган, Жўжихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмуҳаммад ўз оила аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандархон (1561-1583) Ёрмуҳаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана беради. Ёрмуҳаммадхоннинг ўғли Жонибек Султонга ўз қизи Зухрахонимни хотинликка беради. Шу никоҳдан уч ўғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) туғилган. Бухоро хони Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг шайбонийлар наслидан валиахд йўқлиги учун Жонибекнинг ўғли 1601 йилда Боқимуҳаммад хон тахтига ўтиради. Шундан сўнг Бухоро хонлигида аштархонийлар (жонийлар) сулоласининг ҳукмронлиги бошланади.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Аштархонийлар даври давлатчилик асосларининг емирилиши, феодал тарқоқлик ва парокандаликнинг кучайиши билан характерланади. Убайдуллахон (1702-1711 йиллар) марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, мустақилликка интилган бебош амирларни бўйсундириш, кўтарилган кўзғолонни бостириш учун тинимсиз урушлар олиб борди. У йирик зодагонлар, қабила бошлиқларининг мавқеини пасайтириш, сиёсий тарқоқликни бартараф этиш мақсадида уларни марказий ҳокимиятдан четлаштирди, ҳатто диний-сиёсий ҳокимиятга катта таъсири бўлган Жўйбор шайхларини солиқ тўламаслик имтиёзидан маҳрум этди.

Убайдуллахон фаолияти юқори табақа вакилларининг норозилигига сабаб бўлади. Яъни 1708 йилда марказий ҳокимиятни кучайтириш учун ўтказган пул ислоҳоти аҳолинининг ўрта табақаси орасида ҳам хоннинг таъсирини анча пасайтиради. Ерларнинг кўпчилиги феодаллар тасарруфида бўлгани учун хон хазинасига давлат ўлжаларининг жуда оз қисми келиб туша бошлайди. Масалан, зодагонларни заифлаштириш учун Убайдуллахон уларнинг ер мулкларига дахл қилади. У феодаллардан ер («мулк»)ни тортиб олиб уларни сарой аёнларига бермоқчи бўлади. Бироқ у мерос ерларни тортиб олиб дарвешлар уюшмаси мададидан маҳрум бўлади, натижада унга қарши фитна уюштирилади ва 1711 йили ўлдирилади.

Бу пайтда Бухоро давлатининг заифлашиб қолганлигидан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ XVIII асрнинг 30-40-йилларида Бухоро хонлигига юришга тайёргарлик кўраётган эди. Убайдуллахон ўрнига тахтга ўтирган Абулфайзхон (1712-1747) ҳукмдорлиги даврида мамлакатда бошбодоқлик

вужудга келиб, вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга қарши чиқишлари янада кучаяди. Амалдорлар фитнаси авж олди. Боиси, Бухорода марказий ҳокимият амалда бир гуруҳ сарой амалдорлари қўлида эди. Бу даврда уларнинг Шаҳрисабз вилояти ҳокими билан муносабатлари кескинлашиб кетади.

Бухорода ҳокимият эгаси бўлиб қолган Ҳакимбий манғитлар билан душманчилик кайфиятида бўлган Иброҳим Мирохур кенагас бошчилигидаги Шаҳрисабзликлар 1716 ва 1719 йилларда Қаршига ва Бухорога ҳужум қиладилар. Бу ҳужумлар натижасиз тугагач, Иброҳим кенагас тарафдорлари Ниёз хожа катағон, қоплон қипчоқ, Аваз Тўқсоба ва бошқалар билан бирлашиб, 1722 йил Самарқандда Хива хонлари авлодидан бўлган Ражабхонни шаҳар ҳукмдори лавозимига ўтказишади ва у 1730-1731 йилларгача бошқаради. Бунинг сабаби Самарқанд ҳукмдори тарафдори бўлган Иброҳим кенагас Бухоро хонлигини бутунлай тугатишга интилаётган эди.

Мамлакатда юзга келган қўшҳокимиятчиликдан қозоқлар унумли фойдаланадилар. Улар Мовароуннаҳр ерларига ҳужумлар қилиб, етти йил давомида (1723-1729) Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини талон-тарож қилдилар. Бухорода ҳам Самарқандда ҳам уларни қайтаришга қодир куч топилмади. Натижада Самарқанд ва Шаҳрисабзда бир неча йил давомида ҳаёт издан чиқади. Бухорода Арқдан ташқари иккитагина маҳаллада аҳоли қолган эди.

Мамлакат иқтисодий ва сиёсий инқироз ёқасига келиб қолади. Юқорида қайд этганимиздек, бундай сиёсий парокандаликдан бошқа бир ташқи душман-Эрон шоҳи Нодиршоҳ фойдаланади. Яъни, 1736 йил Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули бошчилигидаги Эрон қўшинлари Амударёдан ўтиб қаршига юриш қиладилар. Бу вақтда Қарши ҳокими бўлган Муҳаммад Ҳакимбий Абулфайзхондан ёрдам сўрайди ва катта қўшин етиб келган Абулфайзхон жангда енгилиб, Қарши шаҳри қалъасига беркиниб олади. Ғузор ва бошқа жойларни эгаллаган эронликлар Қаршини қамал қиладилар, бироқ Нодиршоҳ буйруғи билан яна Эронга қайтиб кетадилар.

Орадан уч йил ўтиб, 1740 йилда катта қўшин билан Нодиршоҳнинг ўзи юриш қилиб келади ва Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Хисорни эгаллайди ва катта ўлжаларни олиб кетди. Бу юриш вақтида Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳим Нодиршоҳ хизматида кирган эди. 1747 йилда Нодиршоҳ яна Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Тошкент, Ўтрор, Туркистонни эгаллайди. Шу йили сарой фитнаси оқибатида Абулфайзхон ўлдирилади ва ҳокимиятни амалда Муҳаммад Раҳим манғит эгаллайди. Сўнгги аштархонийлардан Абулмўмин (1747-1751), Убайдуллахон II (1751-1754) ва Шерғози (1754-1756) Бухоро тахтига расман ўтказилган бўлсаларда, амалда давлат бошқаруви бутунлай Муҳаммад Раҳим, яъни Манғитлар (1756-1759) қўлига ўтиб қолган эди. У 1756 йил декабрида расман Бухоро тахтига ўтказилади ва шу тариқа Бухоро хонлигида янги сулола-манғит (амирлик) сулоласи ҳукмронлиги бошланади.

Бухоронинг хонлик эмас, балки амирлик деб аталишининг боиси шу эдики, Муҳаммад Раҳимбий асли хон авлодидан эмас, балки амир авлодидан бўлганлиги эди. Бухоро амирлигидаги жадал ислохот ва ўзгаришлар шунингдек 1785-1800 йилларда Амир Шоҳмурод ўз ҳукмронлиги даврида содир бўлди. Жумладан, у бир қанча солиқлани камайтиради, катта ер эгаларига тархон ёрлиғини бериб, баъзи тўловлардан озод қилади. 1800-1826 йилларда Бухоро тахтини амир Ҳайдар бошқаради. Унинг ҳукмронлиги даврида ўзаро ички низолар ва ташқи юришлар бўлиб турди. Булар асосан Хива хонлиги ва Хуросонга уюштирилган юришлар эди.

Ана шундай кўзғолонлардан бири **Миёнқол кўзғолони** эди. 1826 йилда амир Ҳайдарнинг ўғли Насрулло тахтга ўтиради. У ўз даврида "қассоб амир" деган номни олганлиги тўғрисидаги маълумотлар тарихий адабиётларда учрайди. У амалга оширилган урушлар пайтида бўйсунмаган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисига нисбатан зулм ҳам ўтказар эди. Амир Насрулло 1842 йилда кўкон хонлиги пойтахтини ҳам эгаллади. Амир Ҳайдар ҳамда Насрулло ҳукмронлиги даврида Россия ва Англиянинг манфаатлари Ўрта Осиёда тўқнашди. Бу даврда Ҳиндистонни эгаллаган Англиянинг Бухоро амирлигига қизиқиш орта бошлаган.

Жумладан, 19 асрнинг 30-40 йилларида амирликда бир қанча инглиз разведкаси ходимлари Муркрофт (1824), А.Бернс (1831), Майор Вольф (1843) лар, амир Насрулло томонидан қатл этилган (1838) полковник Стоддарт ва майор Коннолинилар бўлишиб, бу ерда Россияга қарши Бухоро-Хива иттифоқини тузишга уриниб кўрадилар. Бироқ бу уриниш натижасиз якунланди. Амир Насрулло даврида Россия империясининг Ўрта Осиё хонликлари чегараларига яқинлашиши давом этди. Россия ҳукумати ҳам Бухорога ўз таъсирини ўтказишга уриниб кўради.

XIX асрнинг 60 - йилларига қадар Россия империясининг махсус элчилари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб 4 маротаба Бухорога юбориладилар. Бухорога юборилган бу рус махфий хизмати вакилларига махсус топшириқлар берилган бўлиб, улар мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий аҳволи, шаҳарлар ва мудофаа кўрғонлари, қўшин тузилиши, қуро-яроғлар ва бошқа шу каби стратегик аҳмиятга эга ҳолатларни ўрганишлари лозим эди. Бу маълумотлар кейинчалик Россия империясининг хонликларни истило қилишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Бухоро амирлигида ерга эгалик муносабатлари деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотик мамлакат иқтисодининг асосий тармоқлари эди. Аввалгидек ер эгалигининг **амлок, хусусий, вақф** каби турлари амалда эди. Халқ хўжалигида деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотик соҳалари катта аҳамият касб этган. Аҳолидан **хирож, закот, бож, яксара, нимсара, алаф пули, бўнак пули**, бозоралардан эса **таги жой пули** каби солиқлар ундириб олинган. Бундай солиқларнинг бетартиб тизими аҳоли турмушининг ёмонлашишига олиб келар эди.

Чорвачилик билан амирликда бепоён дашт ва чўллар, тоғ ва тоғ олди худудларида шуғилланилган. Чўл худудларида хусусан, Бухоро ва Қарши атрофларидаги даштларда қоракул тери етиштириш кенгайган. Ташқи

бозордаги қоракул терига талабнинг кучлилиги қоракул кўйлар етиштиришни кенгайтиришга олиб келган эди. Шунингдек, чорвачиликда йилқичилик, бунда ҳам асосан Бухоро қорабайир отларини етиштириш тараққий этган эди. Бундан ташқари йирик қорамоллар етиштириш ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам анча тараққий этди.

Ҳунармандчилик асосан йирик шаҳарлар билан бир қаторда йирик қишлоқларда ҳам кенг тарқалиб борди. Ҳунармандчиликнинг барча соҳаларида ўз касб уюшмалари мавжуд бўлиб, улар оқсоқоллар томонидан бошқарилган ва барча ишлаб чиқариш жараёни назорат қилинган. Четдан шогирд ёллаш кам учрайдиган ҳолат бўлиб, ҳунармандчилик сирлари асосан отадан ўғилган мерос сифатида қолдирилган. Ҳунармандчиликдаги етқачи тармоқ тўқимачилик бўлган. Бунга сабаб бир томондан ички ва ташқи бозорда бу турдаги маҳсулотларга талаб кучли бўлса, иккинчи томондан тўқимачилик учун зарур бўлган хом ашёларнинг маҳаллий эканлиги ва етарли бўлганлиги эди.

Бухоро амирлигида қишлоқ аҳолисининг бир қисми ерсиз бўлиб, ижарага ер олиб кун кечиришлари билан бирга, ёлланиб ишлашга мажбур бўлганлар. Шаҳарларда яшовчи ҳунармандлар ҳам маълум миқдорда солиқлар, яъни закотдан ташқари яна бир қанча мол-мулк солиқларини тўлаб турганлар. Бундай ҳолат Хива хонлигида ҳам кўзга ташланган.

Хонликда биз юқорида қайд этган ер эгаллиги турларидан ташқари маълум уруғ-жамоа оқсоқолларига тегишли ерлар ҳам бўлиб, бундай ерлар, шубҳасиз, аждодлардан-авлодларга мерос тарзда ўтиб борган. Ерсиз ва кам ерли камбағал аҳоли бой-бадавлат заминдорларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлганлар. Ерлар Шоҳобод, Ярмана, Ғазовот, Полвонёб, Қилич, Ниёзбой, Довдан ва бошқа каналлар орқали суғорилиб, сувни бошқариш ва тақсимлаш катта ер эгалари қўлида тўпланган. Хонликда солиқ ва ўлпонларнинг 25 га яқин турлари бўлган

Амирликда қатор мадрасалар бўлиб, у ерда ўзбек ва форс тилларида машғулотлар олиб борилган. Фанда ва мактабда араб тили муҳим ўрин тутган. Мадрасалар уч (бошланғич, ўрта ва юқори) босқичли бўлиб, уларда араб, форс ва ўзбек тили мукаммал ўргатилган. Шунингдек, фикҳ, ҳисоб, хандаса, астраномия, ахлоқ, фалсафа, мантик, адабиёт, география, тарих, табобат ўқитилган. Бухоро шаҳрининг ўзидаги 103 та мадрасадан 60 таси асосий таълим маскани сифатида машҳур бўлган.

Бу даврда математика, астраномия, тиббиёт, тарих, адабиёт соҳаларида кўзга кўринарли ажойиб асарлар яратилган. Шайбонийлар даврида қурилган Мир Араб мадрасаси (1535-1536), Масжиди Калон (1540-1541), Тоқи Заргарон (1559), Тоқи Саррофон (1559) каби иншоотлар ва Модарихон мадрасалари шулар жумласидандир. Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган урушлар натижасида теурийлар давридаги кўпгина иншоотлар вайрон қилинган бўлса, иккинчи томондан у кўплаб работ, сардоба, мадраса, масжид, кўприк, сув омборларини қурдириб, мамлакат ободончилигига катта ҳисса қўшганлар.

XIX аср адабий ҳаётининг кўзга кўринган намоёндалари Мирзо Содик Мунший, Муҳаммад Шариф Шавқий, Мулла Қурбон Хиромий, Аҳмад Дониш (1827-1897), Очилди Мурод, Мери Каттакўрғоний (1830-1899) ва бошқалар ўз асарлари билан адабиёт ривожига катта ҳисса қўшганлар. "Манғит ҳукмдорлари тарихи" шеърӣ усулда битилган асарлар, "Чор дарвеш", "Тўтинома", Порахўр қозилар", "Мурид овловчи" каби асарлар бу давр адабиётининг ажойиб намуналаридир.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўрта аср тарихнавислигининг етакчи анъаналари сақланиб қолганлигини куйидаги асарларда кўрамиз. Хусусан Мулло Ибодулло ва Муҳаммад Шарифларнинг "Тарихи амир Ҳайдар" ва "Достони амирони манғит", Миролим Бухорийнинг "Фатҳномаи-Султоний". Мирзо Абдулазим Сомийнинг "Тарихи салотини манғития", "Даҳмаи шоҳон" каби асарлари, Аҳмад Донишнинг "Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола" асарлари шулар жумласидандир.

Умуман, амирликда ҳокимият 1920 йилгача манғитлар сулоласи қўлида бўлди. Муҳаммад Раҳим ҳукмронлигини беклик-вилоятлардаги бошқа қавмлардан бўлган ҳокимлар тан олмадилар. Амир манғитларга таяниб ҳокимиятни марказлаштиришга интилди. У барча қавмларнинг ҳукмдорларини Бухорога йиғиб, улардан марказий ҳокимиятга бўйсуншни талаб қилди, акс ҳолда қаттиқ жазоланиши ҳақида огоҳлантирди. Вилоятлардаги кўпгина ҳокимлар, бебош амалдорлар ҳокимиятдан четлаштирилиб, эр-мулки тортиб олиниб бошқа жойларга кўчирилди. Манғитлар сулоласи маҳаллий уруғларан бўлиб, Чингизхон авлодларига қариндош ҳисобланмаган. Шунинг учун ҳам сулола вакиллари ўзларини "хон" эмас, балки "амир" деб атаганлар.

Бу даврда маданият, айниқса адабиёт ривож топди. Хусусан, аштархонийлар ҳукмронлиги даврига оид ёзма манбалар ичида Махмуд ибн Вали (1595-1640) нинг «Бахр ул-асрор фи манокиб ул-ахер» (Олижаноб кишиларнинг шон шавкати ҳақида сирлар денгизи), Мир Муҳаммад амин Бухорийнинг «Убайдулланнома», Муҳаммад Юсуф Муншининг «Тарихий Муқимхоний», Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-Мулк», Абулғози Баҳодурхоннинг «Шажараи Турк», Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ут-таворих», Муҳаммад Вафо Карманагийнинг «Тухфат ул-хоний», Абдурахмон Толеъ (Абдурахмон Давлат) нинг «Тарихи Абулфайзхон» асарлари муҳим тарихий манбалар ҳисобланади.

Шунингдек, 1605 йилда ёзилган Муҳаммадёр ибн Араб қаламига мансуб «Мусаххир ул-билод» (мамлакатлар фатҳи), 1569 йилда ёзилган. Султон Муҳаммад Балхий қаламига мансуб «Мажмаъул-ғаройиб», 1616-1629 йилларда ёзилган Искандарбек мунший қаламига мансуб «Тарихи оламаройи Аббосий», Жуйбор шайхлари таржимаи ҳолидан иборат, Жуйбор хожаларидан бири Тожиддин Хасаннинг ўғли Абулаббос Муҳаммад Толиб Сиддиқий томонидан 1663 йилда ёзилган «Матлаб ул-толибин» (Толиблар матлаби), Аштархонийлар сулоласига мансуб шаҳзода хожа Мир Муҳаммад Салим томонидан 1730 йилда ёзилган, ҳозирда ягона ҳисобланган нусхаси

Буюк Британиядаги кутубхонада сақланаётган «Силсилат ус-салотин» каби асарлари ҳам аштархонийлар даври тарихи, сиёсий ва иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётини ўрганишда катта ёрдам берувчи асарлар ва муҳим тарихий манбалар ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Аштархонийлар давлатида пойтахт Бухоро шаҳри билан биргаликда валиаҳд томонидан бошқариладиган Балх шаҳрининг ҳам нуфузи ортди ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётига кучли таъсир эта бошлади. Расман олий табақа ҳисобланган хон ва йирик сарой амалдорлари кўп ҳолларда ҳарбий-маъмурий мансабдорлар, вилоят ҳокимлари, йирик қабила бошлиқлари фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб, бу уларнинг ижтимоий аҳволини деярли тенглаштириб қўярди. Бу даврда жуйбор хўжаларининг авлодлари бўлган уламолар ва бошқа диний амалдорларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи янада ошди.

Шу билан бирга муттаасил давом этиб турган ўзаро ички курашлар ва фитналар ҳалқни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйиш билан бирга мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни ҳам инқирозга олиб келди. Шунингдек, ташқи ҳужумлар, талон-тарожлар натижасида деҳқончилик воҳалари ҳароб ҳолга келиб қолди, савдо қарвонларини талаш ҳоллари кўпайиб кетди. Бу эса ўз навбатида ташқи савдо алоқаларининг чекланишига олиб келди. Аштархоний хонларидан Имомқулихон (1611-1642) бу ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилди ва 1614-1615 йилларда Қашқадарёдан Қарши чўлига канал қаздирди. 1633-1634 йилларда эса Қушқўрғонда канал қаздирди. Бироқ бу ҳам инқирозли ҳолатларнинг олдини ололмади.

Бу давр деҳқончилигида ўрта асрларга хос ер эгалига ҳамда иқтисодий муносабатлари мақланиб қолинди. Гарчи аввалги хонлар даврида иқтисодий аҳвол бирмунча яхши аҳволда сақланган бўлсада, XVII аср иккинчи ярмига келиб, мамлакатдаги иқтисодий аҳвол таназзулига учрай бошлади. Ерларнинг энг ҳосилдор қисми аввалгидек йирик амалдорлар ва дин пешволари қўлида сақланиб қолди. Асосий солиқ ва йиғимлар қишлоқ камбағал деҳқонларидан йиғиб олинарди. Аштархонийлар даврида суғориладиган ерларда Ўрта Осиё минтақаси учун анъанавий бўлган буғдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари, дашти ерларида ва тоғ олди ҳудудларидаги лалми ерларда буғдой, арпа, кунжут, тарвуз, қовун ва бошқалар экилди, деҳқончилик қилинган.

Манбаларда қайд этилишича, ўзаро урушлар деҳқончилик тараққиётини бир мунча орқага суриб турган бўлсада, тинчлик давларида деҳқончилик орқасида ерлардан анча юқори ҳосил олинган. Деҳқончилик маҳсулотлари ички талабни тўла қондириб, ташқи бозорга ҳам чиқарилган. Бу мамлакат иқтисодининг бутунлай инқирозга тушиб сақлаб турган асосий омил эди.

Чорвачилик ҳам мамлакат иқтисодининг асосий тармоқларидан бири саналган. Чорва моллари етиштириш билан бир қаторда уларни ташқи савдога ҳам чиқарганлар, транспорт ва ер ҳайдаш ишларида хўкизлар, отлар, икки урқачли туялардан кенг фойдаланганлар.

Ҳунармандчиликнинг маркази шаҳарлар бўлган бўлсада, бу даврда инқирозли ҳолатларнинг кучайиши оқибатида қишлоқларда ҳам

хунармандчилик ва керакли буюмларни ишлаб чиқариш бирмунча кенгайди. Хунармандчиликда асрдан-асрга ўтиб келаётган етакчи анъаналар сақланиб қолинди ва уларнинг ривожлантирилиши билан бирга маҳаллий хусусиятларнинг ҳам таъсири ортиб боргани кузатилади.

Мамлакат ички ва ташқи курашлар исканжасида қолган бўлишига қарамай, савдо-сотик ишлари бирмунча сақланиб қолинди. Асосий савдо марказлари Бухоро, Самарқанд, қарши, Тошкент, Балх ва бошқа йирик шаҳарларда савдо-сотик ишлари анча кенгайди. Шунингдек, бу даврда ташқи савдо алоқалари ҳам бирмунча ривожланди. Хусусан, Россиянинг турли савдо шаҳарлари, Ҳиндистон, Эрон, Қошғар, Туркия билан савдо-сотик ишлари олиб борилди. Ташқи бозорга асосан турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмлари ва бошқалар чиқариларди. Пахта, тери, жун, турли матоларнинг энг асосий ҳаридори Россия ҳисобланарди. Шунингдек, Россия ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-сотик ҳам Ўрта Осиё савдогарлари катта ўрин тутардилар. Бухоролик савдогарлар алоҳида имтиёзларга эга эдилар. Ташқи савдо ишларида ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этардилар ва чет мамлакатларга карвонлар юбориб, ундан фойдалар олишган.

3. Хива хонлигининг ташкил топиши ва равнақи. Хоразм худудларини Шайбонийхон 1505 йилда эгаллашга муваффақ бўлади. Шайбонийхон вафот этгач (1510 й) Хоразмнинг аслзода кишилари ташаббуси билан мамлакат тахтига Шайбон авлодларидан бўлган Берка Султоннинг ўғли Элбарсхонни ўтқозишга қарор қиладилар. Берка Султон Муҳаммад Шайбонийхон хонадонига қариндош ҳисобланган. Ўзбеклар сулоласининг биринчи вакили Элбарсхон даврида (1511-1516) пойтахт Вазир шаҳридан Урганч шаҳрига кўчирилади. Амударё ўз ўзанини ўзгартириб шимолга-Орол денгизига қараб оқа бошлагач, Араб Муҳаммадхон (1602-1621) пойтахтни Қўхна Урганчдан Хива шаҳрига кўчиради. Пойтахт Хива шаҳри қилиб белгиланиши муносабати билан давлатнинг расмий номи тарихий адабиётларда Хива Хонлиги деб юритила бошланган.

Хива хонлиги 1511 йилдан 1920 йилгача ҳукмронлик қилган. Унда иккита сулола вакиллари Дашти қипчоқ ўзбеклари сулоласи (1511-1770) ва маҳаллий Қўнғиротлар сулоласи эди (1770-1920 йй).

Худудий жиҳатдан Хива хонлиги жанубда Эрон билан, шарқда Бухоро амирлиги, ғарбда Каспий денгизи, шимолда қозоқ жузлари билан чегарадош бўлган. Сувсиз чексиз Қорақум, Қизилқум саҳролари Хива хонлигини худудий жиҳатдан бошқа мамлакатлардан ажратиб турар эди. Маъмурий худудий жиҳатдан Хива хонлиги *Хозарасп, Гурлан, Хонқа, Кўна-Урганч, Қўшқўпир, Питнак, Газовот, Қиёт, Шохаббоз, Шавот, Тошқовуз, Амборманок, Урганч, Хўжайли, Шуманай, Қўнғирот* каби беклик ёки вилоятларга бўлинган.

Хивада шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Хива хонлиги пойтахти Урганч эди. XVII аср охири – XVIII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши муносабати билан Урганчнинг мавқеи пасайди, аҳолиси қулайроқ жойга кўчиб бориб жойлашади ва бу эрда Янги Урганч

шаҳри пайдо бўлади. Бу орада Хива шаҳрининг мавқеи кўтарилади. 1556 йилда Аванешхон Хивани давлат пойтахти деб эълон қилади, бироқ у ўз хукмронлигини фақат Хивадагина ўтказа олар эди. Араб Муҳаммадхон (1602-1623) даврида Хиванинг мавқеи кучайиб, хонликнинг расмий пойтахтига айланди. Хива хонлиги тасарруфига Амударё қуйи оқимидаги воҳалар, Манғишлоқ, Дехистон (Машҳад) ва Ўзбой атрофидаги кўчманчи туркман худудлари кирарди.

Хива хонлиги тахти учун курашлар XVII асрда янада авж олади. Хусусан 1602-1621 йилларда тахтга Араб Муҳаммадхон ўтиради. Аммо бу пайтда Хива хонлигида давлат поракандалиги юқори чўққига етади. Хонликка қозоқлар ва қалмиқлар талончилик юришлари қилиб мамлакат аҳолисининг тинчини бузишга сабаб бўлган бўлса, манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳатто рус қозоқларидан 1000 киши шаҳарда қўшин йўқлигидан фойдаланиб Урганчга бостириб кирадилар, катта ўлжа ва кўпгина кишиларни кул қилиб, олиб кетишга ҳаракат қиладилар. Лекин ўз вақтида етиб келган хон қўшинлари бу босқинчи тўдани бутунлай тор-мор этишга муваффақ бўладилар.

Хонликда катта таъсирга эга Дарвиш шайхларнинг аралашуви билан Араб Муҳаммаднинг ўғиллари-Ҳабаш ва Элбарслар ҳокимият учун отасига қарши кураш бошлайдилар. Натижада Араб Муҳаммадхон тахтдан туширилади ва кўзига мил тортирилиб, сўнг Хивада қатл этилади. Тахтга эса Элбарсхон ўтиради. Мамлакат ичида мавқеи кучайган дарвеш шайхлари таъсиридаги Араб Муҳаммаднинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарсларнинг отасига қарши чиқиши парокандаликни авж олдирди ва қатл эттирадилар. Сўнгра тахт 1621-1623 йилларда Элбарсхон ва Ҳабаш султонлар томонидан, 1623-1643 йилларда Исфандиёр томонидан бошқарилган.

Исфандиёр хукмронлиги даврида (1623-1643) Хива хонлигида сиёсий вазият анча кескинлигича қолди. Айниқса, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Орол ҳокимлиги (бу ерда ўзбек қўнғиротлари катта сиёсий таъсирга эга эди) марказий ҳокимиятга бўйсунмай, Хоразмнинг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутарди. Туркман қабилаларининг ҳам бу хонга таъсири кучли эди. Улар ёрдамида тахтга ўтирган Исфандиёр ўзбек қабилалари вакиллари давлат бошқарувидан четлаштира бошлади. Бу хонликдаги сиёсий вазиятнинг янада чигаллашувига олиб келди.

1643-1663 йилларда Абулғозихон тахтни бошқаради. Бу даврда Хива ва Бухоро ўртасидаги ўзаро ер ва мулк учун курашлар давом этаверади. Бу хукмдорнинг ҳаёт йўли жуда оғир кечади. Араб Муҳаммаднинг ўғли бўлган Абулғозихон ўз акалари Элбарс ва Хабашлар билан келиша олмаганлиги учун Хоразмни ташлаб чиқиб кетади. У бир қанча муддат Бухорода Имомқулихон саройида яшайди. Тахтни эгаллаган Исфандиёрхоннинг таклифи билан 1623 йилда Хоразмга келади ва Урганчга ҳоким этиб тайинланади. Лекин тез орада Исфандиёр билан келиша олмай Туркистонга Эшимхон ҳузурига кетади.

У ердан Тошкентга келиб, бу ерда 2 йил истиқомат қилади. Бухоро орқали Хивага қайтган Абулғозихонни ўзига жиддий рақиб деб билиши

Исфандиёрхон уни босқинчиликда айблаб, ҳибсга олдиради ва Эрон шоҳи хузурига гаров тариқасида жўнатилади. Исфохон яқинидаги Таборак қалъасида 10 йил тутқунликда яшашга мажбур бўлган Абулғози 1639 йили ўз назоратчилари ёрдамида яширинча Эрондан чиқиб кетишага муваффақ бўлади. Шундан сўнг у 3 йил давомида туркманлар орасида яшайди. 1642 йилда Орол ўзбеклари хузурига келади ва улар ёрдамида тахтни эгалайди. Абулғозихоннинг ҳукмронлиги йилларида (1643-1663) марказий давлат ҳокимияти бирмунча мустаҳкамланди. Кўчманчи туркман қабилалари ва қалмиқларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борилди.

Абулғозининг ҳукмронлиги йилларида Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳам талончилик юришлари уюштирилди. Хива қўшинлари Чоржуй, қорақўл, Кармана ва қарши воҳасига хужумлар уюштириб, бу ерларни талон-тарож қилдилар. 1662 йилда тузилган сулҳга қарамасдан, Хива ва Бухоро ўртасидаги низоли вазият кейинги даврларда ҳам сақланиб қолди. Абулғозихон оғир дардга чалиниб қолгач, 1663 йилда тахтдан воз кечди.

Аммо унинг ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият нисбатан кучайди. Туркман, қалмиқларга қарши муваффақиятли уруш Олиб борган Абулғозихон Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳам талончилик юришлари қилди. Хива аскарлари Чоржуй, Варданза, Қорақўл, Карманагача бўлган ерларни бир неча бор талашди. 1662 йилда Абдулғози Бухоро хони билан сулҳ тузишга мажбур бўлади.

1663-1687 йилларда Анушахон ҳукмронлиги даврида ҳам Бухоро ва Хива ўртасидаги урушлар яна авжига чиқади. Масалан, Хива қўшинлари Бухоро, Самарқанд, Қаршига хужум қилиб турдилар. 1685-йилда Ғиждувон яқинидаги мағлубиятдан кейин Бухоронинг Хивадаги таъсири кучайди. Субҳонқулихон Анушага қарши фитна уюштириб, унинг ўғли Эрнакка тахтни эгаллашга ёрдам беради. Отасини кўр қилиб, тахтни эгаллаган Эрнак (1687), ҳокимиятни узоқ вақт сақлаб қола олмади. Субҳонқулихон Хивадаги тарафдорлари ёрдамида тахтга Шохниёзни (1688-1702) ўтқазиб, амалда Хивани вассал давлатга айлантиради.

1687 йилда тахтни Эрнак, 1688-1702 йилларда Шохниёз бошқаради. Бироқ, унинг даврида ҳам хонликда тинчлик бўлмади. Узоқ йиллар давомида хонлик тепасида турган ўзбек қабилалари билан туркман қабилалари ўртасида, шунингдек, шахзодалар ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб турди. Хива ва Бухоро ҳукмдорлари ўртасида Мурғоб дарёси бўйлари учун, Марв учун қирғинборот урушлар бўлиб турар, бу ҳудудлар қўлдан-қўлга ўтарди.

Аммо Анушахон ҳукмронлиги даврида Хива қўшинлари Бухорога, Самарқанд, қаршига яна хужумлар қилиб турдилар. 1685 йилда Хиваликлар Ғиждувон яқинида қаттиқ зарбага учрагандан сўнггина бу талончилик юришларига барҳам берилди. Бухоронинг янги хони Субҳонқулихон нафақат Хиваликлар хужумини тўхтатишга балки, Хивада ўз таъсирини ўрнатишга ҳам муваффақ бўлди. Унинг ёрдамида Анушахоннинг ўғли Эрнак 1687 йилда Хивада ҳокимиятни эгаллаш учун фитна уюштирди. Лекин ўз отаси Анушахонни кўр қилиб, тахтни эгаллаган Эрнак тахтда узоқ қола олмади. Субҳонқулихон 1688 йилда Хива тахтига ўз амалдорларидан бири

Шоҳниёзни ўтказиб (1688-1707) Хивани амалда Бухорога вассал давлатга айлантирилди.

Хонликдаги кейинги сиёсий воқеалар бу қарамлик қисқа вақт давом этганлигини кўрсатади. Бухоро таъсиридан қутилиш учун Шоҳниёз Россия ҳукмдори Пётр I га хат йўллаб, Хивани Россия таркибига қўшиб олишини сўрайди. Ўз сиёсатида Шарқни ҳам эгаллашни кўзлаётган рус подшоси учун бу айтиш муддаоси эди. 1703 йилда Пётр I нинг Хива Россия таркибига қўшиб олинганлиги тўғрисидаги ерликни Хивага юборади. Бу ерлик Хиванинг янги хони Араб Муҳаммадга (1707-1714) топширилди. Лекин Хивани ўзига тобе этиш ҳали Россияга насиб этмаган эди.

Хива хони Шерғозихон даврида Россия Хива муносабатларида бирмунча энгилик содир бўлгандек эди. Айнан шу даврда Россия подшоси Петр I Хива хонлигини ўрганиш ва тобе қилиш мақсадида Александр **Бекович-Черкасский** раҳбарлигида Хивага ҳарбий экспедиция юборилади. Хива хони Шерғозихон даврида хонликдаги сиёсий низолар мамлакатнинг иқтисодини издан чиқаради. Шерғозихон 1717 йилда хонликка ташриф буюрган рус экспедициясини яхши кутиб олади. Унинг маслаҳати билан қўшинлар бутунлай кириб ташланади.

Элбарсхон даври (1728-1740) да ўзаро низолар бирмунча сусайди, лекин қўшни худудларга талончилик юришлари яна жонланиб кетди. Унинг даврида Хива қўшинлари Хуросон сарҳадларига ҳарбий юришлар уюштириб, катта ўлжаларни қўлга киритдилар. Бу ўз навбатида Эрон шоҳи Нодиршоҳни Хоразмга юришга ундади. Хазорасп ва Хонқа ёнида бўлиб ўтган жангларда ғалабага эришган эронликлар 1740 йилда Хива хони Элбарсхонни ўлдириб, Хоразмни бутунлай бўйсундирдилар. Хоразмда яна сиёсий парокандалик бошланди. Хива тахтида кичик қозоқ жузидан бўлган, рус фуқаролигини қабул қилган Абулхайрхоннинг қисқа ҳукмронлигидан сўнг Нодиршоҳ Хоразмга иккинчи марта юриш қилиб, Хивани эгалади. Шаҳардаги барча эрон ва рус миллатига мансуб қулларозод қилинди. Хоразм ҳалқига катта миқдорда солиқ солиниб, Хива Нодиршоҳнинг ноиби томонидан идора қилина бошланди.

1741 йилда Хивада қўзғолон кўтарилди ва Нодиршоҳнинг ноиби ўлдирилиб, Эронликларнинг ҳарбий қўшини кириб ташланди. Тахтга Нуралихон ўтирди. Лекин Нодиршоҳнинг ўғли Насрулло Хоразмга катта куч билан кириб келгандан сўнг, у тахтни ташлаб Дашти қипчоққа қочиб кетди. Шундан сўнг Хива тахтида хонлар тез-тез алмашиб турдилар. 1747 йилда қозоқ султони Таибхон тахтга ўтказилди (1747-1757). У хонликда катта нуфузга эга бўлган Оталиқ Хузурбекни давлат бошқарувидан четлаштириб, давлатдаги йирик мансабларни қозоқларга бўлиб бера бошлади. Бу эса Хивада яна қўзғолон кўтарилишига олиб келди. Хон тахтни ташлаб, қозоқ даштларига қочиб кетгандан сўнг, ҳокимиятни унинг укаси Абдуллахон (1757-1758) эгаллайди.

Шу билан бирга ҳали қўшни давлатларнинг Хивага тажовузи давом этарди. Жумладан, хонликка шимолдан қалмоқлар, қозоқлар, Урал казаклари тез-тез хужум қилиб фалокатлар келтирарди. XVIII аср ўрталарида Эрон

шоҳи Нодиршоҳ, унинг ўғли Насрулло Хива хонлигини босиб олиб, ўз бошқарувини ўрнатди, туркман қабилаларини Хоразмдан Хуросонга кўчирди. Бироқ Хива хонлигида тинчлик бўлмади. Эрон ҳукмдорларига қарши тез-тез ғалаёнлар бўлар, аҳоли боши оққан томонга кетарди. Шундай вазиятда хонликдаги ўзбек қабилаларидан Қўнғирот уруғининг бошлиғи Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда ҳокимиятни қўлга олди ва Хива хонлигида янги сулола - **Қўнғиротлар сулоласига** асос солди (бу сулола 1920 йилгача ҳукм сурди).. Муҳаммад Амин Иноқ туркманлар кўзғолонини бостирди, Бухоро ҳукмдорининг ҳужумини даф этди ва Хива хонлигидаги вилоят ҳокимларини марказий ҳокимиятга бўйсундирди.

Аммо расмий ҳокимият эса четдан чақирилган қозоқ султонлари қўлига топшириб қўйилган ва Муҳаммад Амин ҳам унинг ўғли Аваз ҳам (1790-1804) иноқ унвонида давлатни бошқариб келган эдилар. Бу мавқе иноқлардан Элтузаргача давом этди ва Муҳаммад Амин иноқнинг набираси бўлган Элтузар 1804 йилда ҳокимиятга эришгач, қозоқ султонларидан бўлган сохта хон Абулғозини тахтдан тушириб, ўзи расман хон унвонида Хива ҳукмдори бўлиб қолди (1804-1806). Шу тариқа 1804 йилдан бошлаб Хива хонлиги тахти расман Хива қўнғирот қўлига ўтди.

Элтузархон ўз ҳукмронлиги йилларида Хива хонлигининг барча ҳудудларини бирлаштиришга ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Бироқ у 1806 йилда Бухоро амирлиги қўшинлари билан бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлди. Тахтга Хива қўнғиротларининг йирик намоёндаларидан бири бўлган, Элтузархоннинг укаси Муҳаммад Раҳим I ўтирди (1806-1805). Муҳаммад Раҳимхон тахтга чиқиши билан аввалги сохта хон Абулғози мавқеини тиклади ва шу йўл билан ўз нуфузини оширишга ҳаракат қилди. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлик қилган давр Хива хонлигида сиёсий кескинликлар билан давом этди. У шавқатсиз кураш олиб бориши йўли билан Хива хонлигини бирлаштириш ва хонлик ҳудудларини кенгайтиришга ҳаракат қилди.

Муҳаммад Раҳимхон I давлат бошқарувини мустаҳкамлаш борасида ҳам маълум ишларни амалга оширди. Жумладан, маъмурий тартибда девон жорий қилди, мамлакат иқтисодий ҳаётини йўлга қўйиш мақсадида солиқ ислоҳоти ўтказди, мунтазам солиқлар йиғиб олиш билан давлат хазинасини бойитди, иқтисодий соҳани янада мустаҳкамлаш мақсадида божхона ва зарбхона ташкил этди ва олтин ҳамда кумуш зарб қилдира бошлади.

Марказий ҳокимиятни бирмунча мустаҳкамлашга эришган Муҳаммад Раҳимхон аста-секин майда бекликларни ҳам бўйсундириш сиёсатини олиб борди. қаттиқ курашлардан сўнг 1811 йилда Орол бўйларида яшовчи уруғларни хонликка бўйсундирди. қўнғирот шаҳри вайрон қилинди ва XIX аср бошларида қорақалпоқлар бўйсундирилди.

Муҳаммад Раҳимхон туркманларни итоатда тутиб туриш учун турли сиёсатларни юритарди, гоҳ уларни Эрон билан урушга жалб қилиб кучсизлантирса, гоҳ ўзи ҳарбий юришлар қилиб уларни асирларга оларди, гоҳида эса турли қабилаларга галла ва бошқалар сотиб олишди имтиёзлар берарди. Муҳаммад Раҳимхон Сирдарё бўйларида яшовчи қозоқларни ҳам

ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди, бироқ руслар бу вақтда козоқларни ўз тобеликларга олган эдилар. Эрон ва Афғонистон билан муносабатлар бу даврда нисбатан мўътадиллашди.

Шунингдек, Россиянинг Хива хонлиги билан айрим муносабатларни яхшилашга интилиб, дипломатик алоқалар олиб борди. Жумладан, 1819 йилда капитан Муравев бошчилигидаги элчилар Каспий денгизи соҳилларда қалъа қуриш ва Хива қарвонларини Манғишлоққа эмас, балки Красноводск портига йўллаш масаласида Хива хонлигига келади. Бироқ Муҳаммад Раҳимхон бунга кўнмади. Ҳукмронлигининг охириги даврларида 1822 йилда Муҳаммад Раҳимхон Марвни ўзига бўйсундирди ва вафот этади.

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг Хива хонлиги тахтига унинг ўғли Оллоқулихон (1825-1842) чиқди. Оллоқулихон ҳукмронлиги даври ўзаро урушларга ва тўқнашувларга бой ва шиддатли бўлди. Хонликнинг шимолида яшовчи ярим кўчманчи туркман қабилаларидан така, сариқ, салор ва бошқалар кучайиб кетди. Бу эса хонликнинг ички сиёсий аҳволи кескинлашувига олиб келди. Бундан ташқари хон деярли ҳар йили Хуросонга юришлар уюштирди, турли талончиликлардан ташқари Оллоқулихоннинг ўзи Хуросонга 5 марта юриш қилган эди.

Оллоқулихондан сўнг тахтга ўтирган Муҳаммад Аминхон (1845-1855) ҳам Хуросон ва Марвга 10 мартадан кўп юриш қилди. Сарахсни қамал қилишда қатнашган хоннинг ўзи ҳам шу жангда ҳалок бўлган эди. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида бу даврда ҳам ўзаро душманлик ва рақобат кайфияти сақланиб қолган эди.

Хива хонлигининг нисбатан гуллаган даври ҳам хон, ҳам шоир сифатида фаолият олиб борган Муҳаммад **Раҳимхон II (Феруз)** даврига тўғри келади. Яъни, у 1864-1910 йилларда ҳокимиятни бошқаради. Бу даврда хонлик маданий муҳитида, адабий муҳитда ижобий силжишларга эришилган. осойишталик бирмунча ҳукм сурган. Аммо Муҳаммад Раҳимхон II даврида Хива-Россия муносабатлари кескинлашади, бу эса 1873 йилда Россиянинг Хива хонлигини босиб олиши билан якун топади. У Россияга вассал аммо мустақил давлат сифатида 1920 йилгача ҳукмронлик қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Хива хонлиги иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги алоҳида муҳим ўринга эга эди. Хонликда ер эгалиги уч хил шаклда бўлиб, давлат ерлари, вақф ер эгалиги ва ҳусусий ер эгалиги шакиллари билан иборат бўлган. Давлат ерлари одатда хон ва унинг яқинларига тегишли бўлиб, одатда улар сув манбаларига яқин ҳосилдор ерлардан иборат бўлган. Давлат хазинасига хоннинг шахсий мулки сифатида қараш ҳукмрон эди.

Ҳусусий ер мулклар ичида йирик мансабдор, ҳарбий-маъмурий ва диний амалдорларга тегишли ер-мулклар катта фоизни ташкил этарди. қишлоқ жамолари эгалик қиладиган ерлар дехқонларга одатда 8-12 танобдан бўлиб берилган.

Вақф ерларига одатдагидек, масжид ва мадрасаларга, диний Маҳкамалар ва қабристонларга тегишли ерлар кирган ва улардан олинадиган даромад шу жойларнинг сарф-ҳаражати учун ишлатилган.

Воҳа иқтисодининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик, хунармандчилик ва савдо-сотик ташкил этиб, деҳқончиликда Амударёнинг қуйи оқимидан олинган кўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин тутган. Бу ариқ ва каналлар орасида энг йириклари қуйидаги 11 та суғориш шаҳобчаси эди: Питнак канали, Полвон канали, Казовот канали, Шоҳаббаз канали, Ярмиш канали, қилич Ниёз бий канали, қорақўз канали, Арна канали, Бўзсув канали, Суволи Хон канали.

Булардан ташқари яна кўплаб ўртача катталиқдаги ва узунлиқдаги суғориш каналлари ва ариқлари ҳам воҳа деҳқончилиги учун қўл келган. қишлоқ хўжалигида пахта, шולי ва экинлар етиштириш, боғдорчилик ва полиз экинлари экиш кенг тарқалган ва ривожланган эди. Бироқ хонлик худудларида ипакчилик яхши ривожланмаган эди. Ўтроқ аҳволи ҳам ўз хўжалиқларида чорва моллари боқсаларда, бироқ чорвачилик маҳсулотларига бўлган асосий талабларини чорвадорлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар ёрдамида қондирганлар. Чорвачилиқда асосан бир уркакчи туялар, от ва қўй боқилган.

Хунармандчилик ҳам хонлик иқтисодий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, хунармандчилик ва ҳал амалий санъатнинг Хива хонлиги худудларида ўзига хос мактаби яратилган эди. Хонликда ҳар бир шаҳарда кўплаб хунар турлари билан шуғулланувчи хунармандлар мавжуд эди. Улар фақатгина ички бозорни ўз маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, балки ташқи савдога ҳам ажойиб хунармандчилик маҳсулотларини чиқарар эдилар. Ташқи савдода четдан қўрғошин, мис, темир, чуян каби металллар ва металл буюмлар асосан Россиядан, олтин, кумуш, хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Бухоро, қўқон, Эрон ва Россиядан келтирилган ва ўз навбатида Хива хонлигида ҳам четга шундай маҳсулотлар ва нафис хунармандчилик маҳсулотлари чиқарилган.

Р.Х. Муртазаева раҳбарлигида чоп қилинган Ўзбекистон тарихи ўқув қўлланмасида қайд қилинишича, Хива хонлиги бошқарув тизими, асосан, Бухоро ва Қўқон давлатларидагидек бўлиб, фарқи XIX аср бошларидан хон хузурида Кенгаш (Девон) бўлган. Энг юқори амалдорлар аъзо бўлган кенгаш ваколати чекланган бўлиб, асосий қарорлар хон томонидан қабул қилинган бўлса-да, амалдорларнинг хонлик бошқарувида мавқеи баланд бўлган. Мансаб ва унвонлар хонликларда ҳарбий-маъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. Иноқ, оталик, бий, амир ул-умаро, меҳтар, қушбеги, беклар беги, девонбеги ва бошқа унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонликда суд ишлари асосан диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири кучли бўлган.

Хонлик ҳаётида хон ва унинг амалдорлари ва диний уламоларнинг мавқеи юқори бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи ер ҳам асосан улар қўлида бўлган. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар улардан ижарага ер олиб ишлаганлар ва аҳволи жуда оғир бўлган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутгани учун Амударёдан чиқарилган каналларни қозиш давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган.

Шунингдек, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотик ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган. Солиқлар барча мусулмон давлатларидагидек хирож, закот, бож важиждан иборат бўлган. Шу билан мажбурий меҳнатнинг баъзи турлари амалга оширилган.

Хонга тегишли мол-мулк омборига ҳамда хазинага тушувчи нарса яъни мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар, пул, танга кабиларни назорат қилувчи ва хазинага тушувчи маблағни ҳисоб-китоб қилувчи масъул кишилар бўлиб, улар ҳам хон девонининг масъул шахсларидан ҳисобланганлар.

Масалан Қўқон хони саройида хизмат қилган *мирзаи дафтардор* солиқлар ва тушумлар асосида хон хазинасининг аҳволи ҳақида дафтарга қайд этиб борган. Саркор ва иноқ эса хонлик хазинасига қабул қилинадиган маҳсулотларни сақловчи ҳисоб-ланган. Агар улар пуллардан иборат бўлса, уни *меҳтар* ёки хоннинг *газначиси*, яъни кассири қабул қилган. Шунингдек у хоннинг барча қимматбаҳо буюмларини бошқарувчиси ҳам ҳисобланган. Шундай қилиб хонликлар даврида ер эгалиги муносабатларининг янада ривожланиши солиқларнинг турлари ва шакллари ортиши ва ўзгаришига ҳам олиб келганлигини қайд этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўз даврида хон, амир, бек ва давлат хазинасини тўлдиришда умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Қўқон хонлигида хон хазинасига келиб тушадиган солиқлар *хоссачи* деб, маҳаллий бюджет эса *бек хазинаси* деб аталган. Хон хазинасига барча турдаги натура солиқлари ва пуллар, қимматбаҳо буюм ва бошқа моллар келиб тушган. Улар асосан Қўқон ва унинг атрофларидаги қишлоқлардан тўпланган.

Ҳаммуаллифларнинг ёзишларича, фан ва таълим соҳасида таълим тизимида бошланғич мактабда ўқиш-ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. **ХІХ асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 130 та мадраса мавжуд бўлган.** Хива шаҳрининг ўзида 22 та мадраса бўлган. ХІХ асрда Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, муסיқа санъати, меъморчилик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилган.

Маданият соҳасида Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий, Камрон, Баёний, Хусравий, Муродий каби адиблар яшаб ижод қилганлар. Ўша кезларда Абулғозийхон "Шажарайи Турк", "Шажарайи тарокима" асарлари Мунис ва Огаҳийлар тарихнавислик ва таржимонлик мактаблари юксак ривожланган. Адибларнинг "Фирдавс ул-иқбол", "Зубдат ут-Таворих", "Риёз уд-давла", "Гулшан ул-давлат", "Жомийъ ул-воқеоти султоний", "Шоҳид ул-иқбол" асарлари билан тарих соҳасини ривожлантирдилар. Баёнийнинг "Шажарайи хоразмшоҳий", "Хоразм тарихи" асарлари юқоридаги асарлар каби Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

4. Қўқон хонлигида ижтимоий-сиёсий аҳвол. Хонликлар даврида маданият. Қўқон хонлиги худудий жиҳатдан шарқда *Шарқий Туркистон*, ғарбда *Бухоро амирлиги* ва *Хива хонлиги* билан чегарадош эди. Хонлик худуди шимолда *Россия* билан чегараланарди. Хонликнинг жанубий чегаралари

Қоратегин, Кўлоб, Дарвоза, Шўзгон сингари тоғли ҳудудларни ўз ичига олган. Бу ҳудудлар учун Бухоро амирлиги билан ўзаро урушлар бўлар, улар доимо қўлдан-қўлга ўтиб турган. **Қўқон, Марғилон, Ўзган, Андижон, Наманган, Тошкент, Чимкент, Туркистон, Авлиё-Ота, Пишпак, Сузак, Оқ-мачит** каби йирик шаҳарлар унинг тасарруфида эди.

1710 йилда анча кучли таъсирга эга бўлган, ўзбекларнинг минг уруғи бошлиғи **Шоҳрухбий** ҳокимиятни қўлга олади. Шоҳрухбий ўз ҳукмронлиги даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара атрофларини бўйсундириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Унинг давомчиси Муҳаммад Абдурахимбий 1721-1733 йилларда Хўжанд, Ўратепа, Самарқанд, Жиззах, ҳатто Шаҳрисабзни ўзига бўйсундириб, мамлакат ҳудудларини анча кенгайтиради. Унинг вафотидан сўнг укаси 1733-1750 йилларда Абдукаримбий тахтни бошқаради. 1750-1754 йилларда Қўқон тахти 1750-1751 йилларда Абдурахмонбий 1751-1753 йилларда Эрдонабий, 1753-1754 йилларда Бобобеклар томонидан бошқарилган. 1755 йилда Эрдонабий 2 чи марта ҳокимиятга келади. У 1758-1769 йилгача ҳокимиятни бошқаради. Шу тариқа Қўқонда сулолалар алмашиши давом эди.

Шу ўринда минглар сулоласи асосчиси Шохрухбийдан сўнг тахтга келган сулолалар тўғрисида маълумот бериш лозим, албатта. Масалан Шоҳрухбийдан сўнг тахтга Муҳаммад Абдурахимбий ўтиради. Унинг ҳукмронлиги йилларида (1721-1733) давлат ҳудудлари анча кенгайди. У Андижон ва Хўжандда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Ўратепани қўлга киритади. қисқа вақт Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини эгаллаб, Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солади. Абдурахимбий қўқон кишлоғи яқинида катта шаҳар курдира бошлайди. Дастлабки вақтларда бу шаҳар «қалъаи Раҳимбий» деб атала бошлаган. У вафот этгач, тахтга унинг укаси Абдукаримбий ўтиради(1733-1751). Абдукаримбий янги шаҳар қурилишини тугаллаб, пойтахтни Тепақўрғондан Қўқонга кўчириб келтиради ва Қўқон шаҳри давлатининг пойтахтига айланади.

Абдукаримбийнинг ҳукмронлиги йилларида марказий давлат ҳокимияти анча мустаҳкамланади ва хон томонидан ҳалқнинг фаровонлигига эътибор берилади. Аммо унинг даврида ҳам ички ва ташқи урушлар бўлиб турганлиги тарихдан аён. Масалан, 1745-46 йилларда Фарғона водийсига қалмоқлар ҳужуми содир бўлади ва улар Ўш, Андижон, Марғилон ва бошқа жойларни эгаллаб олдилар. Шу вақтда Ўратепа ҳокими Фозилбек ёрдами билан қалмоқлар хонликдан қувиб чиқарилади ва босиб олган ерлари яна қайтариб олинади. Тез орада Абулкаримбий ҳам вафот этгач, бир қанча муддат Қўқон хонлиги тахти қўлидан қўлга ўтиб туради. Абулкаримбийдан сўнг тахтга ўтирган ўғли Абдурахмонбий олти ойгина тахтни бошқаради ва тахтдан туширилиб, Марғилонга 1751 йилда ҳоким этиб тайинланади.

Абдурахмонбийдан сўнг Қўқон тахтини Эрдонабий эгаллайди (1751-1753). У ўзининг дастлабки қисқа вақтлик ҳукмронлиги йилларида хонликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади ва Ўш ҳамда Ўзгандни бўйсундиради. Бироқ Эрдонабий ҳам тез орада тахтдан туширилади ва ўрнига Бобобек ўтказилади (1753-1754). Бироқ қалмоқлар томонидан тахтга чиқарилган Бобобек 1754

йилда Бешарикда ўлдирилади ва ўрнига қайтадан Эрдонабий ўтказилади. Эрдонабийнинг кейинги ҳукмронлиги йилларида сиёсий вазият анча кескин бўлиб туради (1755-1769) ва оддий меҳнаткаш аҳолининг аҳволи бирмунча оғирлашди.

Эрдонабий вафотидан сўнг тахтга Шоҳрухбийнинг учинчи ўғли Шодибийнинг ўғли Сулаймонбек ўтказилади. Бироқ у 1769 йилда бор йўғи олти ойгина ҳукмронлик қилиб, фитначилар томонидан ўлдирилади. 1770-1800 йилларда Қўқон хонлиги Норбўтабек томонидан идора этилади. Норбутабий марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун кўп ҳаракат қилади. Дастлаб у ўзбошимчаликка интилган бекларни марказий ҳокимиятга бўйсундиради. Чуст ва Наманганда кўтарилган исён ва ғалаёнларни бостиргач, у ерларда ўзига содиқ кишиларни қолдиради ва Хўжандни ҳам эгаллайди. Ҳукмронлигининг охирига йилларида Тошкентни босиб олишга ҳам интилган Норбутабий муваффақиятсизликка учрайди ва у юборган Хонхўжа бошчилигидаги лашкар Тошкент яқинида мағлубиятга учрайди. Норбутабий вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Олимбий (Олимхон) ўтиради

Олимхон тахтни 1810 йилга қадар бошқаради. Унинг ҳукмронлиги йилларида Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи бирмунча юксалади. Олимхон ҳарбий ислоҳот ўтказиб, кўшинни кучайтиргач, ҳарбий юришлар қилиб, Ангрэн воҳаси, Тошкент, Чимкент ва Туркистонни ўзига бўйсундиради ва Россия империяси билан бевосита алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлади. Хонликнинг мавқеи кучайиб борди ва 1805 йилда Олимхон томонидан «хон» унвони жорий этилгач, хонликнинг мақоми ҳам ўзгариб, энди у Қўқон хонлиги ва ҳукмдорлари хон унвони билан юритиладиган бўлди.

1810 йилда Олимхон ўлдирилгач, тахтни укаси Умарбек эгаллайди. Умархон давлат тепасига келгач, мамлакатда кўплаб ғалаёнлар ва исёнлар авж олди. Чимкент ва Туркистонда ғалаёнлар кўтарилади, масалан, Ўратепа ҳокими унга бўйсунидан бош тортади. Аммо давлатни бошқаришда катта таъсирга эга бўлган дин пешволари ва ҳарбий саркардалар билан иттифок бўлиб иш тутган Умархон бу ғалаёнларни бостириб, хонлик ҳудудларини бўлиниб кетишдан сақлаб қолди.

1818 йилда Қўқонда у ўзини «Амир ул-муслимин» деб атади. Аммо унинг ҳукмронлиги йилларида мамлакатда ички инқироз кучайиб, солиқлар оширилиб юборилади, маҳаллий ҳокимларнинг хонга ишочи камая бошлайди, вазият анча оғирлашиб қолади. Амир Умархон 1822 йилда касалланиб вафот этади ва тахтни ўғли Муҳаммад Алихон эгаллайди. Шуни алоҳида айтиш лозимки, Умархон даврига нисбатан Мадалихон («ғози» лақаби билан ҳукмронлик қилган) даврида (1822-1842) Қўқон хонлиги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча юксалди ва бир қанча унга чегарадош ҳудудлар, жумладан, Дорбоз, Қоратегин, Кўлоб ҳудудлари хонликка қўшиб олииб, унинг чегараси янада кенгаяди.

Мадалихон даврида Бухоро амирлиги билан ҳам тез-тез тўқнашувлар бўлиб турди. Бу урушларнинг ҳаммаси меҳнаткаш ҳалқ зиммасига янги солиқлар солиниши ва аҳоли турмушининг оғирлашувига олиб келди. Ҳалқ

ғалаёнлари кучайди. Хукмронлигининг сўнгги йилларида давлат ишридан кўра кўпроқ айшу-ишратга берилиб кетган Мадалихондан норози бўлган кучлар унга қарши фитна тайёрлайдилар. Давлат бошқаришда катта тажрибага эга бўлган ва хоннинг яқин маслаҳатчиси Мингбоши ҳаққулининг ўлдирилиши уларга янада кўл келди. Фитнага бош қўшган қози Калон Тошкент ҳокими ва бошқалар Мадалини тахтдан ағдариб ташламоқчи бўлдилар. Улар Бухоро амири Насруллога элчи юбориб, ўз ниятларини амалга оширишда ундан ёрдам сўрадилар. 1842 йил апрелда катта кўшин билан кўконга босиб келган Насрулло шаҳар яқинида жойлашди.

Ўзига қарши норозиликнинг кучайиб боришидан хавфсираган Мадалихон 1841 йил ноябрь ойида укаси Султон Махмуд фойдасига тахтдан воз кечган бўлсада, сулҳ сўраб Насрулло ҳузурига элчи юборади. Бироқ унинг барча таклифлари рад этилади ва Мадалихон оиласини ва ўзига содиқ минг кишини ҳамда хазинани олиб, Наманган томонга қочади. Бироқ улар Амир Насрулло фармони билан тутиб келтирилади ва Мадалихон, уни онаси Нодирабегим, Султон Махмудхонлар қатл этилади. кўконда 12 кун турган амир Насрулло бу ерда Иброҳим додхоҳни қолдириб ўзи Бухорога қайтади.

Иброҳим додхоҳнинг шаҳар аҳолисига зулмни ҳаддан ошириб юборганлиги боис, 3 ой ўтгач унга қарши кўзғолон кўтарилади ва Иброҳим додхоҳ ва унинг укаси Исоҳқ Хўжанд орқали Бухорога қочади. кўзғолончилар томонидан Шералихон Кўкон хони деб эълон қилинади.

Шералихоннинг катта хизмати шундан иборат бўлдики, у Бухоро амирлиги ҳужумларини қайтариб, мамлакатда бирмунча тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлади. Яъни, 1842 йил кузида Насрулло Кўконни эгаллаш мақсадида катта кўшин билан келганида у Мусулмонқул мингбоши раҳабарлигида амир Насрулло кўшинларини тўхтатиб қолади. Бунинг яна бир боиси шунда бўлганки, амир Насрулло Хива қўинларини Кўкон ҳудудига юришидан хавфсирагани сасб бўлган.

Алоҳида хизматлари учун Мусулмонқул “мингбоши” унвонига сазовор бўлади. 1845 йил ёзида Муродбек Шералини тахтдан тушириш мақсадида Бухоро амири кўшинлари ёрдамида Кўконга бостириб келади. Мусулмонқулнинг шаҳарда йўқлиги сабабли Муродбек Шералихонни ўлдириб, тахтни эгаллайди ва ўзини Бухоронинг вассали деб эълон қилади. Бундан ҳабар топган Мусулмонқул дарҳол кўшин билан келади ва Муродбекни қатл қилади. Тахтга Шералихоннинг 13 ёшли ўғли Худоёрхон ўтказилади. Худоёрхон ҳали ёш бўлганлиги сабабли, ҳокимият амалда Мусулмонқул қўлида эди.

Аммо Мусулмонқулнинг ҳокимият эгаси бўлиб қолганлиги ва кипчоқларнинг мавқеи ошганидан норози бўлган амалдорлар бирлашиб, Мусулмонқулга қарши курашларга тайёрлана бошладилар. 1852 йил хазинани талон-тарож қилишда айбланган дастурхончи ва рисолачи Тошкентга қочиб кетганлиги учун 40 минг кишилиқ кўшин билан Тошкентга юриш муваффақиятсиз тугайди.

1852 йилнинг ёзида Мусулмонқул Тошкентга юриш болайди. Лекин бу вақт Худоёрхон Чирчиқ бўйида жанг бўлаётган вақтда Тошкентликлар

томонга ўтиб кетади. Мусулмонкул тор-мор этилади. Куз ойиларида бутун кипчоқларга қарши қирғин бошланиб кетади. 1853 йил кузида эса Мусулмонқулнинг ўзи тутиб олинади ва Қўқонда дорга осилади. Худоёрхон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлайди.

1858 йилда Қўқон хонлигининг шимолий қисмида Туркистон, Чимкент, Тошкент вилоятларида кўзғолонлар бошланади. Тошкент ҳокими Аҳмад Парвоначининг солиқ йиғишида ҳаддидан ошиб кетганлиги халқ ҳаракатининг юз беришига сабаб бўлади. У ҳар бир қўй учун 1 сўм, бир бош қорамол учун 2 сўм, туя учун 3 сўм, бўғалоғи учун 2 сўм, ҳар бир қиз турмушга чиққани учун 20 сўм тўлашни шарт қилиб қўйган. Қўқон хонлигида солиқларни йиғиш бирмунча бошқача бўлиб, хирожнинг миқдори, бўғдой, жўхори ва бошқа донли экин ҳосилининг бешдан бир қисми тариқасида солиқ сифатида ундирилган.

Хирожнинг яна бир тури, танабона солиғи эди. Масалан, терак, қайрағоч экилган бир таноб ердан 50 тийин, узум, мевазордаги ҳар таноб ердан 2 сўм, пиёз, сабзи экилган бир таноб ердан 1 сўм солиқ олинган. Хирож дастлаб маҳаллий ҳоким хазинасига тушган. Шу ҳисобдан бек маъмуриятни маош билан таъминлаб турган, хон талаб қилганда қўшин тўплаб, уларга хизмат ҳақи тўлаган. Солиқ тўловчининг рўйхати қатъий юритиб борилган. Аҳоли расмий солиқлардан ташқари мироб ва мулла учун ҳам ғалладан маълум миқдорини бериши лозим бўлган.

Хонликда маданият бу даврда олдинги даврларга нисбатан анча ривожланди. Жумладан, 19 аср охирларида Қўқонда 40 та мадраса, 120 та мактаб, Марғилонда 10 та мадраса, 80 та мактаб бўлган. Хассос шоир ва давлат арбоби амир Умархоннинг умр йўлдоши, машхур шоира Нодирабегимлар ижод қилдилар. Бу ерда **Амирий Боқихон тўра, Гулханий, Завқий, Махмур, Мушриф, Нодира, Увайсий**лар ўз даврида самарали ижод қилганлар. **Фазлий Намангоний**нинг «Мажмуат уш-шуаро», қори Раҳматулло Возехнинг «Тухмат ул-ахбоб фи тазкират ул-ашоб» тазкираларида 200 нафарга яқин шоир ва олим ижодига тўхтаб ўтилади. Ана шу адабий жамоани амир Умархоннинг ўзи бошқарган.

Умархон ўз даврида адиб, мусаввир, ҳаттот ва мусиқа билимдонларига ҳомийлик қилган. Унинг ҳукумронлиги даврида кўплаб масжид, мадраса, мактаблардаги китоблар истеъдодли даврида кўплаб масжид, мадраса, мактаблардаги китоблар истеъдодли ҳаттотлар томонидан кўчирилган. Амирийнинг ўзбек ва форс тилларида ёзган ғазаллар девони 1881 йилда Истанбулда, 1905 йилда Тошкентда чоп этилди. Амир Умархон давридаги йирик шоирлардан бири Махмур 18 аср охирида туғилиб 1844 йили вафот этган. Унинг шеърий девони мавжуд.

Гулханий (Муҳаммад Шариф) бўлган. У 1770 йилда ҳозирги Тожикистоннинг Тавилдара туманида туғилган. Бошланғич таълимни қишлоғида олган. Муҳтожлик оқибатида Наманганга келиб қолган. У ерда мардикорлик қилган. Айни пайтда ижод билан ҳам шуғулланган. Кейинчалик у Қўқонда истиқомат қилади. Бу ерда ҳаммомда гулхат (ўт ёқувчи) бўлиб ишлайди. У «Гулханий» таҳаллуси билан ижод қилган. Гулханийдан катта

адабий мерос қолган. У ўзбек тили адабиётида поэзияга масалани мустақил жанр сифатида биринчи бўлиб киритган ижодкор эди. Айти пайтда у ҳам ўзбек тилида ҳам тожик тилида ижод қилган. Гулханийнинг машхур асари «Зарбулмасал» эди. Асардаги «Маймн ва Нажжор», «Туя билан Бўталок», «Тошбақа билан Чаён» каби масаллари чуқур ахлоқий таълимий аҳамиятга эга. Асарларида Япалокқуш, Бойўғли, Кўркуш, Худхуд, Калонқир султон, Малик шоҳи ва Кардонларнинг бир-бирлари билан куда-анда бўлиш жараёнида бир-бирларига айтган сўзлари, масал-мақоллари ва ҳикоятлари Гулханий яшаган даврдаги сиёсий тузумининг ҳақиқий манзараларини ифодалаб беради.

Албатта ўша даврда Қўқон адабий муҳитини Жаҳон отин Увайсий (1780-1841) ва **Мохларойим Нодиралар** ижодисиз тасаввур қилиб бўлмасди. Масалан, Увайсий 1780 йилда Марғилонда туғилган оиласи ўз даврининг илғор ва маърифатли оилалари эди. Отаси ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида қалам тебратган. Оиласидаги муҳит Увайсийда ижод қобилиятини юзага чиқаради. Увайсий Навоий, Лутфий, Бобур, Фузулий, Хофиз ва Жомий ижодларини кунт билан ўрганган. Ўзбек шоирлардан маърифатпарвар давлат арбоби мохларойим Нодира (1792-1842) Андижонда туғилган. Отаси Раҳмонқулибий Андижон ҳокими бўлиб, қўқон хони Олимхоннинг тоғаси эди. Умархон Марғилонга ҳоким этиб тайинлагандан кейин Нодирага уйланган. Нодиранинг ўзбек ва тожик тилларда ижод қилган. Унинг шеърляти асосини лирика ташкил этади. Шеърда муҳаббат, садоқат, меҳр-вафо, айти пайтда шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, ох-фиғонлари куйланади. Бундан ташқари Нодира Навоий, Фузулий ва Бедил ғазалларига муҳаммаслар ёзган.

Бобораҳим Машраб - (1640-1711) у Наманганда туғилган, 7 ёшлигида хат-саводи чиққан. 15 ёшидан бошлаб тасаввуф илмини эгаллай бошлаган. 18 йил мобайнида дунёнинг жуда кўп мамлакатларини кезиб чиққан. У рухонийларнинг эшонларнинг авом ҳалқ руҳини дўзах ва оҳират азоблари билан даҳшатга солаётганлигини, аслида, бу дунёнинг азоб-уқубатлари дўзоҳ азобу-уқубатларидан кам эмаслигини уларга қарата баралла айта олган жасоратли инсон ҳам эди. Ана шу жасорати учун Машраб динга шак келтирганликда айбланади ва 1711 йили ғанимлари иғвоси билан Балх ҳокими Маҳмудбий қатағон томонидан ўлимга ҳукм этилади.

Абдукарим **Фазилий Намонгоний** - амир Умархоннинг топшириғига биноан «Шоҳнома» маснавийсини ёзиб тугатган. У 5000 баёнатдан иборат тарихий манзума. Яна «Мажмуаи шоирон» тазқирасида ҳам унинг ижтимоий қарашлари ўз ифодасини топган. Хон саройида қозиаскар лавозимида ишлаган Мирзо қаландар Мушриф билан «Шоҳномаи Умархон» тарихий асарини ёзган. Аваз Муҳаммад Аттон Қўқондий 1822 йили «Тарихи Жаҳонномаи» асарини ёзган. Амир Умархон даврнинг кўзга кўринган тарихчиси Муҳаммад Ҳакимхон тўра ибн Сайид Маъсумхон (1802-1870) дир. У она томонидан қўқон хони Норбутабекнинг набираси Муҳаммад Алихон даврида қувғинга учраб, Россияга Шарқ мамлакатларига саёҳат

қилишга мажбур бўлган. Умрининг охирида Шаҳрисабзда яшаб, шу ерда ўзининг «Мухтааб уттаворих» асарини ёзди.

Бу даврда хонликда Норбутабий мадрасаси (1799), Муҳаммад алихон мадрасаси, Мадрасайи Калон қози (1820), мадрасайи Тунқатор, Мадрасайи Мохларойим, Мадрасайи Ҳаққули Мингбоши (1825), Мадрасайи Миён Ҳазрат, Мадрасайи Мохларойим, мадрасайи Ҳаким Тўра (1795), Мадрасайи Хонхожа эшон (1789), Мадрасайи Бузрукхўжа (1801), Мадрасайи Пирмуҳаммад Ясовул (1802), Мадрасайи Ҳожабек (1805), Мадрасайи Охунд девонбеги Жомеъ (1817), Мадрасайи Норбутабий (1827) шулар жумласидандир.

Умуман, Қўқон хонлигида ҳам Ўрта Осиё минтақасига хос бўлган ер эгаллиги билан бирга ҳунармандчилик ҳам анча ривож топган. Барча йирик ҳунармандчилик турлари, тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, мискарлик, дурадгорлик ва бошқалар анча ривож-ланган. Қўқон ўз темирчилари, мисгарлари, Чуст дўппидўзлари, Риштон кулолчилик маҳсулотлари, Марғилон ипак ва шойи буюмлари билан шуҳрат топган бўлиб, хонликдаги юқори сифатли ҳунармандчилик буюмларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Ўрта Осиё хонликларидаги молия маҳкамаси, яъни ўз мамлақати меҳнаткашларини талаш маҳкамаси солиқ йиғувчи-ларнинг кўп сонли штатларига эга эди. Россияга қўшилишга қадар бу ерда солиқ ундиришнинг архаик усуллари ва деҳқонларни иқтисодий мажбур қилишнинг оғир усуллари сақланиб қолган.

Таянч сўз ва иборалар

Муҳаммад Шайбонийхон, Моварауннаҳр, Бобур, «Бобурнома» асари, Хуросон, Шайбонийлар сулоласи, султон, бек, амалдор, Абдуллахон, Аштархонийлар (жонийлар) сулоласи, манғитлар, амирлик, Хива хонлиги, Элбарсхон, қўнғиротлар, минг уруғи, Шоҳруҳбий, Қўқон хонлиги, солиқлар Россия империяси.

Мустақил таълим мавзулари

1. Темурийлар давлатининг инқирози, Моварауннаҳр ва Хуросоннинг шайбонийлар томонидан босиб олинishi.
2. Бобурнинг давлат арбоби, олим сифатида жаҳон тарихидаги ўрни. «Бобурнома» асарининг аҳамияти.
3. Шайбонийлар сулоласининг бошқарув тизими.
4. Хива хонлигида ер эгаллиги ва солиқ тизими.
5. Бухоро хонлигининг ташкил топиши.
6. Бухоро хонлигида Аштархонийлар (жонийлар) сулоласининг ўрнатилиши.
7. Аштархонийлар сулоласи даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт, солиқ тизими.

Назорат саволлари

1. Бухорода ҳокимиятнинг манғитлар қўлига ўтиши ва хонликнинг амирилик деб аталишининг боиси нима?
2. Хива хонлигининг ташкил топиши хусусида гапиринг.
3. XVIII аср бошларида Қўқон хонлигининг ташкил топиши хусусида нималарни биласиз?
4. Хонликларда ер эгаллиги ва солиқлар тизими ҳақида гапиринг.
5. XVI-XIX асрларда хонликлардаги ижтимоий-сиёсий аҳвол қандай эди?

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувдаги маърузаси) //”Маърифат” газетаси. 2016 йил 31 декабр. №104-сон
2. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т.: 2001 й
3. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. Т., «Шарқ» 1999.
4. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т.: «Шарқ», 1998й.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида. Т.: «Шарқ», 2000 й.
6. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. // Масъул муҳаррирлар Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. Т., 2001.
7. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
8. Усмонов Қ, Содиков М, Бурхонова С. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик». Т., 2006.
9. Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т., 2009.

9-мавзу. Ўрта Осиё хонликларининг Россияси империяси томонидан босиб олинishi. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий - озодлиқ ҳаракати. Жадидчилик.

1. Ўрта Осиё масаласида Англия-Россия рақобати.

2. Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олинishi.

3. Россия империяси тажовузига қарши Туркистонда миллий-озодлиқ ҳаракатлари.

4. Ўлкада жадидчилик ҳаракати ва миллий уйғонишнинг шаклланиши.

1. Ўрта Осиё масаласида Англия-Россия рақобати. XIX аср иккинчи ярмига келиб Россияси империясининг Туркистонда мустамлакачилик идора усулини жорий этишга интилиши бир мунча олдинроқ бошланган эди. Ҳатто Россия подшоси Пётр I давридаёқ «Шарқни эгалла» сиёсати юритиб келинди. Шу мақсадда ўлкани Россия империяси тобелигига қаратиш мақсадида катта ҳарбий экспедициялар уюштирилган эди. 1715 йилда шарқий ўлканинг чегараларида Бухгольц раҳбарлигидаги, 1716-1717 йилларда Хива хонлигига Бекович-Черкасский раҳбарлигида ҳарбий экспедициялар тажовузкорона ҳаракатлар натижаси эди. 1721-1724 йилларда Флорио-Беневени бошлиқ элчилар Бухорода жосуслик фаолиятини юритдилар. XVIII аср давомида Рус давлати қозоқ ва қирғизларнинг Кичик Жуз, Ўрта Жуз, Катта Жуз худудларини ўзиларига бўйсундириб олган эди. XIX аср ўрталарида икки йирик мустамлакачи империя Буюк Британия ва Россия давлатлари манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Икки давлат бири-биридан яширин равишда Ўрта Осиёга кириш, хонликлардаги ҳукмрон сулолалар билан тил топиш йўллари кидирар эдилар.

Чор ҳукуматининг Туркистонни босиб олиш режаларидан хабардор бўлган Англия ҳукумати Россия режаларини барбод қилиш чораларини кўрар эди. **Ост-Индия** компанияси томонидан жосуслик маълумотлари тўплаш мақсадида юборилган Е.К.Мейендорф 1824 йилдаёқ Бухорода бўлган, аммо мақсадига эриша олмай ҳалок бўлган эди. 1831-1833 йилларда мазкур компания лейтенанти Александр Бернс Ҳиндистондан Афғонистонга, ундан Бухорога сайёҳ сифатида келади. Англия ҳукумати Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини Россияга қарши иттифоққа уюштиришга ҳаракат қилар эди.

XIX аср 30 - йилларидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларига ўз элчилари ва миссионларини юбора бошлайди. **А. Бернс, Стодарт, Конноли, Аббот** каби бир қанча инглиз миссионерлари XIX асрнинг 30-50 йиллари давомида бир неча бор ўз мақсадларини амалга ошириш учун келган бўлсаларда, уларнинг ҳаммаси ўз мақсадларига ета олмадилар.

XIX аср ўрталарига келиб, Россия ва Англия ўртасидаги рақобат ва кескинлик чуқурлашди. 1856 йил 19 мартда ҳар икки давлат ўзаро кескинликни юмшатиш мақсадида битим имзолайди. Бироқ бу битим ҳам вазиятнинг юмшашига таъсир кўрсата олмади. 1858 йил март ойида Англия

парламенти Ҳиндистонда мустамлака сиёсатини амалга ошириш ва Туркистон хонликлари билан савдо алоқаларини кенгайтириш кўзда тутовчи қарори ва махсус кўмита ташкил этди. Бу эса рус ҳукуматининг каттиқ ташвишга солди ва ўзбек хонликларини босиб олиш масаласини кун тартибидаги биринчи ўринга олиб чиқди. Дастлабки ҳарбий ҳаракатлар кўкон хонлигига қарши қаратилди. Россия империясининг кейинги йилларидаги олиб борган ташқи сиёсати Англия билан кескин вазиятнинг юзага келишига олиб келди. Ҳар икки давлат ҳам юз бериши муқаррар бўлган ҳарбий тўқнашувнинг олдини олиб, 1869 йилда музокаралар ўтказди. Бу музокаралар икки давлат ўртасидаги бетараф ҳудудни аниқлаб бериши лозим эди. Бироқ Россия ҳукумати Англиянинг бетараф ҳудуд Афғонистон ва Ўрта Осиё бўлиши керак деган талабига қарши чиқиб, бетараф ҳудуд Афғонистон бўлиши, Ўрта Осиё эса Россия империяси таъсир доирасида бўлиши керак деган сиёсатни илгари сурди.

Юқорида қайд қилинганидек, 1841-1842 йилларда Англия ҳукумати майор Коннолинини Хивага, полковник Стоддартни Бухорога махсус миссия билан юборади. Улар Хива хони ва Бухоро амири ҳузурида бўлиб, Россия тажовузидан сақланиш учун учала хонлик бир-бирларига ёрдамлашишини, кучларни бирлаштиришни, иттифоқ тузишни таклиф қилиб, рус қўшинларига қарши курашиш учун қўшин билан ёрдам беришга ваъда қиладилар. Бироқ уларнинг расмий ҳужжатлари бўлмагани сабабли амир Насрулло уларни зиндонга ташлайди. Буларни қутқариш учун Англия томонидан Туркия ҳомийлигида майор Вольф Бухорога юборилади, аммо унинг 1843-1845 йилларда Бухородаги уринишидан ҳам натижа чиқмади, зиндондагилар қатл этилади, Вольфнинг ўзи қочиб қутилади. 1843 йилда Хивага келган капитан Эббот ҳам Англия манфаатлари йўлида ишлагани маълум.

Хонликларнинг шимолий-ғарбий ҳудудида Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский катта қўшин билан ҳужумга тайёр турар эди. У 1834 йилда Каспий денгизи қирғоғидаги Манғишлоқда ҳарбий истехком куриб, унга Ново-Александровск деб номи берилади. 1845 йилда Оренбург ва Ёйик, 1847 йилда Сирдарёнинг Орол денгизига қўйилиш жойида Раим ҳарбий истехкомлари курилади.

Бу даврда шунингдек, Ўрта Осиё хонликларининг чет эллар билан савдо дипломатик алоқалари ҳам мавжуд бўлган. Мсалан, хонликларда хориж фуқароларнинг ўтиши учун махсус карвонсаройлар, савдо-сотик билан шуғулланувчи чорсулар, савдо расталари, тим ва тоқлар барпо этилган. Бу ерда кўплаб усти ёпиқ бозорлар ва божхон марказлари мавжуд бўлган. Айниқса, Абдуллахон Тими (усту ёпиқ бозор) анчагина машхур бўлган. Савдо йўлларида туя карвонлари тўхтатилиб, савдогарлардан маълум тўловларни амалга ошириш учун карвонсаройлар, работлар, сардобалар курилган.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳам ўз даврида Россия ҳукмдори Иван Грозний билан элчилар алмашиб дипломатик ва савдо алоқаларини йўлга қўяди. Москвадан морж тишлари, кўн, ов қушлари, ошланган тери, асал, мум, ёғоч идишлар, ойна, бахмал келтирилган, ҳарбий қуроли, металлдан тайёрланган буюмлар, совут харид қилинган. Туркистондан Россия ва

Сибирга ипак, пахта ва улардан тўқилган газмоллар, қорақўл тери, гилам, курук мева, атторлик моллари чиқарилган.

Тошкентдан чармдан ишланган буюмлар, от терисидан баланд эгарлар, ўқдонлар, чодирлар, чопонлар, жойнамозлар, елкапўшлар, камонлар, қоғозлар, ғалла сотилган. Россия империяси ҳукмронлиги даврига келиб ўлкадаги ипак йўли марказларида Россиядан келаётган савдогарлардан бож-хирож ундирилмаган. Қўқон хонлигида савдо карвонларидан вилоят ҳокимларининг давлатнинг махсус чегара ўтиш жойлари (ипак йўли)да турган масбул шахслар бож ундирганлар. Масалан, чет элдан келган савдо карвонлари бир марта умумий нархда 2,5 фоиз солиқ тўлаганлар. Яҳудий ва христианларга тегишли товарлардан эса 5% закот олинган.

Европа ва шарқда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман савдогарлари "мусулмон савдогарлари" деб аталган. Улар айни вақтда мусулмон маданиятини тарқатувчилар ҳам эди. Сўнги ўрта асрлар, яъни ХУ1-ХУП асрларга келиб Ўрта Осиё ва Россия орасида савдо алоқалари анча кучаяди. Бу пайтда Россиядан Ўрта Осиёга эса инглиз мовути, мўйна, тери, ёғоч идишлар, игна, ҳар хил тўғноғичлар келтирилган. Икки томонлама мол айирбошлаш ҳар икки томон учун аҳамиятга эга эди. Бухоро ва Хива билан савдо алоқаларининг ўрнатилиши Россия ҳудудларига бўлиши мумкин бўлган тажовузлардан сақлаши билан бирга, Ўрта Осиё шаҳарларида савдогарлардан олинадиган бож солиқлари ва маблағлари бошқа ҳудудлардагига қараганда анча арзон бўлган. Иккинчидан, Россия ҳукумати Бухоро ва Хива хонлигига келгусида Ҳиндистонга ўтадиган арзон ипак йўли пунктларига эга махсус транзит йўли сифатида қарай бошлаган.

XVIII аср 30-40 йилларида Россиянинг жанубга илк юришлари амалга оширила бошланганлиги тарихдан аён. Жумладан, 1731-1740 йиллар давомида Кичик ва Катта қозоқ жузларининг Россия тобелигига ўтиш Россия империясининг Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига бостириб киришлари учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди. Юқоридаги ҳудудларни қўлга киритганларидан сўнг, Россия давлати чегаралари бевосита ўзбек хонликлари чегаралари билан туташиб қолган эди. Бироқ Россиянинг Европада юзага келган сиёсий вазият ва ташқи давлатлари билан ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши Ўрта Осиё хонликларига қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатларини яна бир аср кечиктиришга мажбур қилди. Бу давр мобайнида босиб олинган ҳудудларда эркпарвар қозоқ султонларидан бири Кенасари Қосимов озодлик курашлари олиб боради.

Бу қўзғолонларни бостириш учун минглаб қуролли кучларга эга бўлган генерал Обручев, полковник Лебедев, Душиковский, подполковник Горскийлар ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Бунда хулоса чиқарган рус ҳукумати бепјён қозоқ даштларида кўплаб ҳарбий қалъалар ва истехкомлар кўришга киришди. Натижа XIX аср ўрталарига келиб Қозоғистон ҳудудларида 60 га яқин ҳарбий ва 100 дан ортиқ кичикрок истехкомлар барпо этилди. Бу ишларнинг ҳаммаси келгусида ўзбек хонликларига қарши курашга пухта тайёргарлик кўрилганлигини билдирар эди. Чор Россиясининг хонликарга қарши ҳарбий юришлардан

дастлабкиларидан бири 1839 йилда Хива хонлигига қарши Оренбург генерал губернатори **граф Первский** томонидан амалга оширилди. 1839 йил 16 февралда тасдиқланган режага кўра Хивагача бўлган 1300 чақирим масофа уч ой ичида босиб ўтилиши лозим эди. 5333 кишилик армия маҳаллий аҳолининг кучли қаршилигига дуч келди ва 1045 киши ўлдирилди, 609 киши ярадор бўлди. Ҳарбий юриш эса тўлалигича мағлубиятга учради.

Россия империяси Туркистон ўлкасини эгаллаш учун ўзининг дипломатик, иқтисодий мустамлакачилик ниятларини амалга оширишга киришади. Бунинг учун биринчи навбатда Россия губерняларидаги саноат корхоналарини мунтазам равишда хом ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллар қурилиши мўлжалланади. Ўрта Осиёда темир йўллар қурилгандан сўнг уларда йўловчилар ташилмаганлиги боис, поездлар орқали юк ташиш анча арзон ҳамда улардан ҳеч қандай бож олинмаганлиги маълум.

2. **Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши.** Маълумки, 1839-1840 йилларда граф Перовский бошчилигидаги Хива хонлигига ҳарбий юришлар муваффақиятсизликка учраган эди. XVIII-XIX асрнинг биринчи ярми давомида рус ҳукумати Пётр I орзуларини амалга ошириш йўлида унинг васиятларини бажариб, Қипчоқ даштларини ўзига бўйсундирди ва у ерда ҳарбий истехкомлар бунёд этди. Бу даврда Россия учун саноатни ривожлантириш, уни хом-ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар излаш кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Агар 1839 йилги граф Перовский юришларига тўхталадиган бўлсак, шу йили 16 февралда тасдиқланган режага кўра Хивагача бўлган 1300 чақирим масофа уч ой ичида босиб ўтилиши лозим эди. 5333 кишилик армия маҳаллий аҳолининг кучли қаршилигига дуч келди ва 1045 киши ўлдирилди, 609 киши ярадор бўлди. Ҳарбий юриш эса тўлалигича мағлубиятга учради. Кейинги йилларда руслар хонликлар билан чегараларда кичик-кичик ҳарбий тўқнашувлар билан чекланган бўлсаларда, бу ҳудудларда ўз ҳарбий имкониятларини кенгайтириш ва энди кўқон хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Албатта, XIX асрнинг 50 - йилларига келиб Россия моҳиятига кўра адолатсиз ва босқинчилик хусусиятига эга бўлган мустамлакачилик юришларини Кўқон хонлигига қарши фаоллаштириб юборди ва хонликка қарши росмана уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. Деярли ўрта асрларга хос қуролланишга эга бўлган кўқон хонлиги замонавий қуро-яроғларга эга бўлган ва Европадаги урушларда катта тажриба орттирган даҳшатли душманга қарши урушга кирди. Бу вақтга келиб қозоғистон ҳудудларини эгаллаб олган Россия империяси ҳарбий қўшинлари кўқон хонлиги ҳудудларига икки йўналишда Оренбург ҳарбий округи ва /арбий Сибир ҳарбий округи томонидан ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди.

1851-1852 йилларда полковник Карабашев бошчилигидаги ҳарбий отряд Или дарёсидан кечиб ўтиб, Тўйчибек қалъасини босиб олди, Оренбург йўналишида майор Энгман Ёқуббек Бадавлат бошчилик қилган

қўқон хонлиги сарбозларини мағлубиятга учратди ва ёрдамга етиб келган полковник Бларамберг отрядлари ёрдамида кушқўрғон, Чимқўрғон ва Кумушқўрғон истехкомларини қўлга киритиб, вайрон қилди.

1852 йилда хонликнинг Оқмачит қалъасига қилинган дастлабки хужумда мағлубиятга учраган рус қўшинлари 1853 йилда генерал-адъютант Перовский раҳбарлигида Оқмачитга иккинчи марта хужум қилди. Шиддатли ўтган жанглардан сўнг Оқмачит қалъаси босиб олинди ва унга “**Перовский форти**” деб ном берилди.

1854-1855 йилларда ҳам шиддатли жанглар бўлиб ўтади. Бу жангларда Султон Кенасарининг ўғли Султон Содиқ катта жонбозлик кўрсатиб, русларга қарши қақшатқич зарбалар беради. Бироқ ёрдамга етиб келган генерал Колпаоквский бошчилигидаги рус қўшинлари хужуми натижасида Ватан ҳимоячилари мағлубиятга учрайди. Шу вақтда Или водийсини эгаллаб олган руслар аввалги Олма-Ота ўрнида **Верний** истехкомини кўрадилар. 1858-1860 йиллар давомида подполковник Перемильский, полковник Цимерман бошчилигидаги отрядлар **Тўқмоқ** ва **Пишпек** қалъаларини босиб олди ва вайрон қилди.

1861 йил подшо Александр II иштирок этган сарой кенгашида Қўқон хонлигига қарши хужум ҳаракатларини кучайтириш ва унинг ичкари ҳудудларга кириш масалалари кўриб чиқилди. Хонликни босиб олиш учун янада кўпроқ ҳарбий кучлар сафарбар этилади. Натижада шу йилнинг ўзидаёқ Оқсув, Пишпак, Чолдевор қалъалари руслар томонидан босиб олинади.

Хонликнинг ичкари ҳудудларига сукулиб кираётган рус мустамлакачилари олдида Авлиё ота, Туркистон, Чимкент, Тошкент каби қудратли ҳарбий кучга ва муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар турарди.

Шу мақсадда махсус белгиланган режа асосида Россия қўшинларининг хужуми энди Қўқон хонлигига қаратилади. Замоनावий қуроллар билан тўла таъминланган 2 мингдан ортиқ рус қўшини мағлубиятга учраган генерал Перовский бошчилигида **1853 йил** ёзда **Оқмачит қалъасига** хужум қилади. Оддий қуроллар билан қуролланган 400 га яқин қалъа ҳимоячилари 20 кун давомида душман хужумини қайтариб, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик тимсоли бўлиб тарихга кирган эдилар. Айнан шу пайтда яъни 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши сабабли Россия Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга мажбур бўлади. Қўқон хонлигидаги фаол ҳаракатлар 1860 йил ёзидагина қайта ташкил қилинади.

Шу тариқа 1860 йилда замоनावий ҳарбий техника билан қуролланган чор қўшинлари Қўқон хонлиги ҳудудига қарашли ҳарбий истехкомларга хужум қилиб, Тўқмоқ, Пишпак ва бошқа қалъаларни босиб оладилар. Перовский ва Госфордларнинг ҳарбий ҳаракатлари амалда Россиянинг Ўрта Осиёга эълон қилинмаган босқинчилик юришининг бошланиши эди. Туркистонни босиб олиш масаласи подшо Александр II томонидан 1859 ва 1861 йилларда ўтказилган сарой кенгашида муҳокама қилинади ва биринчи

навбатда Қўқон хонлигини бир ёқлик қилиш, унга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилинади.

Ўрта Осиё хусусидаги рақобатда Россия империяси устунлик қилганлиги маълум. Англия Россиянинг ҳарбий куч билан Ўрта Осиёни эгаллашга қаратилган ҳаракатларини тўхтатиб қола олмади. Шу мақсадда 1864 йил май ойида Қўқон хонлиги ҳудудига Шарқ томондан полковник Черняев қўмондонлигидаги Россия қўшинлари, Ғарбдан полковник Веревкин қўшинлари бостириб киради. Улар томонидан Қўқон хонлигининг муҳим ва таянч шаҳарлари Авлиёота, Сўзак, Туркистон шаҳарлари эгалланади. Босқинчлар **1864 йил 14 июлда Чимкентга** юриш бошлайдилар. Туркистон шаҳри яқинидаги Иқон қишлоғида уч кун давомида қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Жангда Мулла Алиқули қўшинлари ғолиб чиқади, Черняев қўшинлари орқага чекинишга мажбур бўлади.

Мулла Алиқули ўз қўшинларини босқинчилар эгаллаган шаҳарларни озод қилиш учун жангга тайёрлаётган бир пайтда Бухоро амири Музаффарнинг Қўқон хонлиги ҳудудларига бостириб кирганлиги тўғрисида хабар олинади. Мулла Алиқули ўз қўшинлари билан Қўқон ҳимоясига отланишига мажбур бўлади. Вазият Черняевга қўл келади, унинг қўшинлари Оренбург отрядлари билан Сайрамда қўшилиб, 1864 йил 14 сентябрда Чимкентга янгидан юриш уюштиради ва шаҳарни босиб оладилар. Черняев 1864 йил 2 октябр кунини Тошкентга ҳужум бошлайди.

1860-1864 йилларда Пишпак, Тўқмоқ, Авлиё-ота, Туркистон, Чимкент шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқларни босиб оладилар. Бу жангларда кўнгилли ҳимоячилар, Қўқон хонлиги саркардаси мулла Алимкул ва бошқалар ўз қаҳрамонликлари билан ватанпарварлик намуналарини кўрсатадилар.

Манбаларда келтирилишича, 1864 йилнинг кузида Қўқонга қайтган **Алиқули** октябрда генерал Черняевнинг Тошкентга ҳужум қилганлиги ҳақидаги хабар Қўқонга етиб бориши биланоқ, 10 минг кишилик қўшин билан Тошкент мудофаасига отланади. Бу вақтда эса тошкентликлар русларга қаттиқ зарба бериб, уларни Чимкентга қочишга мажбур қилади. Тошкентга етиб келган Алиқули Амирлашкар бу ерда бир мунча вақт бўлиб, Тошкент қалъасини мустаҳкамлаш ва таъмирлаш ишларини амалга оширади. 4-6 декабр кунлари эса русларни ғафлатда қолдириб, 10 минг кишилик қўшин билан бу вақт руслар қўлида бўлган Туркистонга юриш қилиб, юз боши Серов бошчилигидаги отрядни мағлубиятга учратади.

Алиқулининг бу юриши рус генераллари томонидан урушлар давридаги энг ажойиб ҳарбий санъат сифатида эътироф этилган эди. Кейинги ойларда Амирлашкар ташқи сиёсат ва элчилик ишлари билан машғул бўлиб турган вақтда рус ҳарбийлари Тошкентни босиб олишга тайёргарлик қураётган эдилар. Аввалги мағлубиятдан аламзада бўлган рус генерали М.Г.Черняев 1865 йилнинг апрелида Тошкент беклигига қаршили ва шаҳарни сув билан таъминловчи **Ниёзбек** қалъасига ҳужум қилади. Руслар билан ҳозирги қибрай туманидаги Дўрмон, Уймовут атрофларида бўлиб ўтган қисқа

тўқнашувлардан сўнг Ниёзбек қалъаси босиб олинади. Бу воқеа 29 апрелда содир бўлган ва бунда шаҳарлик айрим хоин кимсалар русларга ёрдам кўрсатган эдилар.

Босқинчилар шаҳарга кирадиган сувни Чирчиқ дарёсига буриб юборадилар. Бу хабар кўконга етиши биланоқ Аликули Амирлашкар барча ҳарбий кучларни олиб Тошкент мудофаасига отланади. У Тошкентнинг Мингўрлик мавзесига 8 май кечаси етиб келади ва ортиқча тайёргарликларсиз 9 май эрта тонгданоқ русларга қарши жанглари бошлаб юборади. Салор ариғи атрофларида бўлиб ўтган жангда мудофаачилар дастлаб русларга қаттиқ зарба бериб уларни чекинишга мажбур қиладилар, куннинг ўрталарига яқин руслар замбараклардан ўқ отиб жангни бошлайдилар. Аликули ҳам кейинги йилларда такомиллаштирилган хонлик замбаракларининг русларга қарши ўқ отишларини шахсан ўзи бошқариб боради. Шу вақтда унинг яқинида русларнинг замбарак снаряди портлайди ва Амирлашкар оғир ярадор бўлади. Куннинг иккинчи ярмида у вафот этади ва бундан хабардор бўлган фитначи қирғиз ва қипчоқ сарбозлари жанг майдонини ташлаб кетадилар.

Мудофаа ишларининг бутун оғирлиги шаҳар аҳолиси устига тушади. Шаҳар уламоларининг саъй-ҳаракатлари билан Бухоро амридан сўралиши ҳам натижасиз тугайди. Шаҳарликлар босқинчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Бироқ кучларнинг тенг эмаслиги, озик-овқат ва сувсизлик, курул-яроғларнинг камлиги мудофаачиларнинг мағлубиятига сабаб бўлади. Руслар **1865 йилнинг 16-17 июнь кунлари** шиддатли жанглар қилиб, Тошкент шаҳрини тўлиқ босиб оладилар.

Тошкент учун бўлган жанглардан сўнг 1865 йили босиб олинган ҳудудларда Туркистон вилояти ташкил қилинади, 1867 йил июл ойида **Туркистон генерал губернаторлиги** ташкил этилади. Маркази Тошкент бўлган Сирдарё вилояти, маркази Верний бўлган Еттисув вилоятлари генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Генерал-губернатор ва округ кўмондони этиб генерал-адъютант **К.П. фон Кауфман** тайинланади. Унга бирор давлатга уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, ҳарбий-маъмурий, молиявий-иқтисодий, фуқаролик ишларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқлари берилган, шу боисдан у «ярим подшо» деб аталган.

Тошкент босиб олингач, генерал Чернчев Бухоро амирлигига қарашли Жиззах қалъасига юриш қилди. Жиззах ҳимоячилари рус қўшинларига қарши қаттиқ зарба бериб уларни мағлубиятга учратди. 1866 йил январда рўй берган бу воқеадан сўнг генерал Черняев ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш таъқиқлаб қўйилди. Шунга қарамай Жиззахдаги мағлубиятдан сўнг Россия ва Бухоро амирлиги ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб кетди.

Генерал Черняев ўрнига тайинланган янги кўмондон **Ф.И. Романовский** амирликка қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттирди ва 1866 йил 8 майда Эржар яқинида Амир Музаффар қўшинларини мағлубиятга учратди. У кейинги юришларини Хўжандга қаратиб, 17-24 май кунлари бўлиб ўтган жанглардан сўнг қалъани босиб олди. Шу йилнинг 2 октябрида Ўратепа босиб олинди. 11 октябрда эса руслар Жиззахни қамал қиладилар.

Жиззахликлар босқинчиларга қарши мардонавор курашиб, дастлабки жангларда русларга зарба бердилар. Шиддатли жанглар ва 5 кунлик камалдан сўнг Жиззах қалъаси 18 октябр куни босқинчилар томонидан эгалланди. 1867 йилнинг 27 май куни эса каттиқ жанглardan сўнг Янгиқўрғон қалъасини босиб олинди.

Рус ҳукумати босиб олинган жойларда мустамлакачилик бошқарувини жорий қилиш ва босиб олинган ерларда Россия империяси ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидан тортиб олинган ерларни Россия мулки деб эълон қилди.

Генерал-губернаторликнинг маркази этиб Тошкент шаҳри белгиланди. Жиззахнинг босиб олиниши ва Эржар ёнидаги мағлубият амир Музаффархоннинг К.П. Фон Кауфман билан сулҳ шартномаси тузиш фикрига олиб келди ва у Кауфманга сулҳ шартномаси имзоланишни таклиф қилди. Бироқ, Кауфман амир Музаффар олдига оғир шартларни қўйгач, сулҳдан умидини узган амир Музаффар Туркия султони Абдулазизхонга, Афғонистон амири Шералихонга ва Туркманларга ўз элчиларини юбориб, Россияга қарши курашда ҳарбий мадад сўради. Бироқ бу элчиликлар ижобий натижага эриша олмадилар.

Фон Кауфман Бухоро амирига қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттириб 1868 йил 1 май куни Самарқандга қарши кураш бошлади. Амирлик Россия империяси ҳарбий қўшинлари ўртасидаги жанг Самарқанд ёнидаги Чўпонота тепалигида бўлиб ўтди. каттиқ ва шиддатли тарзда кечган ҳарбий тўқнашувдан сўнг, 2 май куни Самарқанда шаҳри руслар томонидан босиб олинди.

Шу тариқа Туркистоннинг йирк шаҳарлари Россия империяси қўлига ўтди. Туркистон Генерал губернаторлиги дастлаб иккита вилоят (**Еттисув ва Сирдарё**) дан иборат бўлган. Кейинчалик **Фарғона (1876 й), Самарқанд (1868 й) ва Каспийорти вилоятлари (1881 й)** ҳам ташкил этилади. Губернаторликнинг маркази Тошкент шаҳри эди. Туркистон генерал губернатори подшо томонидан тайинланиб унга ўлка бошқарувида мутлақ ҳокимият ваколатлари берилган бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “ярим подшо” деб атади.

1886 йил 12 июлда император Александр III тасдиқлаган Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги янги Низомга кўра ўлка бошқаруви тўртта асосий бўлимдан таркиб топган эди (**маъмурий тузилиш, суд тузилиши, ер тузилиши, солиқлар** ва йиғимлар). Туркистон Генерал губернаторлиги Россияда подшо ҳокимияти ағдарилгунига қадар амалда бўлди. Октябр давлат тўнтаришидан сўнг унинг ўрнида 1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Республикаси (ТАСР) ташкил этилади.

Россия империясининг Туркистон хонликларига юриши дастлаб Бухор амирлигига қаратилади. Бухоро амири Музаффарнинг кўрган тадбирларига, халқнинг қаҳрамонона қаршиликларига қарамасдан 1868 йил **1868 йил май-июн ойларида Зирабулоқда** бир неча бор тўқнашадилар.

Амир кўшинлари тор-мор этилади. Бу орада истилочиларга қарши Самарқандда кўзғолон кўтарилади. Шахрисабз, Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек ҳамда амирнинг ўғли Абдумалик Тўра 27 май куни Самарқандга кўшин билан етиб келиб, кўзғолончилар билан биргаликда фон Кауфман томонидан Самарқандда қолдирилган полковник Назаров ва майор Штемпел бошлиқ ҳарбий қисмлар билан қаттиқ жанг қиладилар. Жанг 8 кун давом этади. 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 таси ўлдирилади ва ярадор қилинади.

1868 йил 23 июнда Кауфман билан амир Музаффар ўртасида сулҳ шартномаси имзоланади. Бухоро амирлиги Россиянинг вассалига, яъни хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқалар қила олмайдиган давлатига айлантирилади. Сулҳга биноан Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон Россия империяси империяси таркибига киритилади. Амир олтин ҳисобида 125 минг тилла (500 минг рубль) товон тўлаш, рус савдогарлари учун амирликда қулай шароит яратиш мажбуриятини олади. Россия ҳукумати ўзининг Ўрта Осиёдаги босқинчилик ҳаракати билан Ғарб мамлакатлари жумладан, Англия билан муносабатларни кескинлаштирмаслик тадбирларини ҳам кўради.

Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар 1873 йил баҳорида бошланди. Бу юришда иштирок этаётган барча ҳарбий кучларнинг бош кўмондони этиб генерал-губернатор Фон Кауфман белгиланди. Бу ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган Оренбург ҳарбий округи кўшинларига генерал Веревкин, Мингқишлоқ отрядига полковник Ломакинлар бошчилик қилишди. “Орол” флотилиясига қарашли “Самарқанд”, “Перовский” кемалари ва учта барчжа ҳам юришларда иштирок этди. Генерал Кауфман уруш ҳаракатларини бошлар экан бунга баҳона қилиб Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II томонидан хонлик ҳудудларда мавжуд руслардан иборат кулларни озод қилмаслигини кўрсатади.

Русларнинг ҳужуми ҳақида ҳабар эшитиш биланок хон амалдорлар билан машварат ўтказди ва Кауфманнинг йўлини тўсиш учун Матмурод девонбегини кўшин билан жўнатади. кўнғирот йўналиши бўйича ҳужум қилаётган генерал Веревкинга қарши эса Элтузар иноқ жўнатилади.

Хива хонлиги сарбозлари ва руслар ўртасида дастлабки тўқнашув 10-11 май кунлари Учучоқ яқинида бўлиб ўтади ва девонбеги кўшинлари мағлубиятга учрайди. 18 майда эса Кауфман кўшинлари Амударёдан кечиб ўтади. Босқинчилар ҳужумини кучайтириб бориб, 23 май куни Хазорасп қалъасини эгаллаб оладилар. қаттиқ жанглардан сўнг бирин-кетин кўнғирот, Хўжайли ва бошқа қалъалар босиб олинади. 1873 йил 29 май куни эса хонлик пойтахти Хива шаҳри ҳам русларга таслим бўлади. Бу вақтда мағлубиятга учраётганлигини пайқаган Муҳаммад Раҳимхон II Измиқшур тарафга қочиб кетаган эди. Хоннинг номидан музокаралар олиб бормоқчи бўлган Отажон тўра ва Амир тўраларни Кауфман қайтаради ва фақатгина хон билан музокаралар олиб бормоқчи эканлигини билдиради. Бу орада хон саройи талон-тарож қилиниб, кўплаб қимматбаҳо бойликлар, нодир қўлёмалар империя марказига жўнатилади.

Гандимиён шартномаси деб ном олган бу ҳужжатга асосан Хива хонлиги Россия империясининг вассалига айлантирилади ва хон ҳузурида сарой амалдорлари ва рус кўмондонларидан иборат кенгаш (девон) тузилади. Бу девон Хива хонлигининг барча соҳалари фаолиятини кузатиб бориши ва назорат қилиши лозим эди.

Шунингдек, шартномага кўра Хива хони сиёсий ҳуқуқларидан ва ташқи мустақил сиёсат юритишдан маҳрум этилди, қўйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россия мулки деб эълон қилинди ва бу ерда Россияга қарашли Амударё бўлими ташкил этилди. Хонликка 2 миллион 200 минг сўм миқдорда товон пули тўлаш юклатилди. Шу тариқа Хива хонлиги ҳам Россия империясининг мустамлакачилиги сиёсати йўлида бўйсундирилди.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон босқинчиларга қарши ўз кўшинларининг бир қисмини Муҳаммадмурод девонбеги бошчилигида Чоржўй томонга, яна бир қисмини Элтузар иноқ бошчилигида Қўнғирот томонга, яна бир қисмини амир Тўра бошчилигида Хазараспга, Иноқбек бошчилигидаги қисмини Хўжайлига сафарбар этади. Хон Россия империяси кўшинларига бас келолмаслигини англаб етган эди. Амударё бўйларида қирғинбарот жанглари бўлади. 1873 йил 18 май куни Кауфман отрядлари Амударёдан ўтиб Хазораспни эгаллайдилар, Қўнғирот ва Хўжайли шаҳарлари, Манғит қалъаси забт этилади.

Шу тариқа **1873 йил 12 августда Хивага яқин Гандимиён** қишлоғида Кауфман билан Муҳаммад Раҳимхон ўртасида шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирилади. Амударё қўйи оқимининг ўнг томонидаги ерлар Россия империяси таркибига киритилади, хонликка олтин ҳисобида 2 миллион 200 минг сўм товон тўлаш мажбурияти юклатилади. Россия савдо-саноатчилари Хива хонлигида божсиз савдо қилиш, хонлик ҳудудида ер олиш, саноат корхоналари қуриш ҳуқуқини оладилар. Хон ўзини Россия подшоҳининг иттифоқкор хизматкори, деб тан олишга мажбур бўлади.

Кауфман Хива хонлиги тақдирини ҳал қилгач, Қўқон хонлигини тугатишга киришди. Бу вақтда Қўқон хонлигида ҳокимият учун ички кураш авжга чиққан эди. 1868 йил 13 февралда Кауфман ва Қўқон хони Худоёрхон ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, хонликнинг истилочилар босиб олган ҳудудлари Россия тасарруфига ўтганлиги эътироф этилган эди. Россия савдогарларига Қўқон хонлигининг барча ҳудудларида ҳечқандай монеликсиз фаолият юритиш, карвонсаройларга эга бўлиш ҳуқуқи берилган эди. Россия империяси Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари Қўқон хонлигида чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда эди. Бу вақтда хонлик ерларининг ярми рус давлати томонидан босиб олинган эди.

Хонликнинг ҳудуди асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб, Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмронлик йиллари (1865-1875 йй) эди. Худоёрхоннинг қаттиқ зулми, оғир иқтисодий ҳаёт ҳамда уни Россиянинг иттифоқкорига айланиши халқ ғазабини кўзғатади. Хонга қарши халқ билан биргаликда сарой ҳарбийлари ва амалдорлари, руҳоний ва савдо

вакиллари ҳам бош кўтарди. Бунда ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар фаол катнашиб Худоёрхонга ва рус давлатининг тажовузига қарши курашадилар.

1873 йилда Фарғона водийсида Худоёрхонга қарши кўзғолон бошланади. Кўзғолончиларнинг бир қисмига қирғиз мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли бошчилик қилади. У Кўқон хони Олимхоннинг невараси Пўлатхон деб эълон қилинади ва у Наманганга келиб кўзғолонга раҳбарлик қила бошлайди. Айни пайтда хонликда Худоёрхоннинг ўғиллари **Насриддинбек ва Муҳаммад Аминбек**, Шерали додхоҳ, Абдурахмон офтобачи ва бошқалар ҳам бош кўтарадилар. Улар бир томондан, Россия империяси босқинчиларига қарши, иккинчи томондан, Кауфманга батамом тобе бўлиб қолган Худоёрхонга қарши кураш бошлаган эдилар. Халқ кўзғолончи кучларга эргашади. Кўзғолончилар 1875 йил 9 октябрда Кўқонни эгаллайдилар. Худоёрхон уларни бостиришга ожизлик қилиб, 1875 йил 22 июлда Кўқондан Тошкентга қочиб кетади. Кауфман Худоёрхоннинг 40 аравадаги қимматбаҳо бойликларини мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилади.

1873-1876 йиллардаги Фарғона водийсидаги кўзғолонлар халқнинг озодлик ҳаракати эди. Буни ўша даврда Кауфман ҳам халқ кўзғолони деб эътироф этган эди. **1876 йил февралда** Россия императори Александр II нинг махсус фармони билан Кўқон хонлиги тугатилади, унинг ўрнида **Фарғона вилояти** тузилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Вилоятга М.Д.Скобелев ҳарбий губернатор этиб тайинланади.

Бошқарув, молия ва солиқ тизими. Ваҳоланки, ўлканинг маъмурий бўлинишига эътибор қаратилса, 1886 йилда қабул қилинган «Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш тўғрисида» ги Низомга мувофиқ унинг таркибида уездлар, волостлар, қишлоқ оқсоқолликлари ва овул жамоалари фаолият юритган. XIX аср 80 - йиллари охирида Губернаторлик таркибида 5 та вилоят, 23 та уезд, уларнинг таркибида волостлар мавжуд бўлган. Умуман, XX асрнинг биринчи чорагига келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги бешта - **Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятларига**, вилоятлар уездларга, уездлар бўлисларга, бўлислар участкаларга бўлиниб бошқарилган.

Айниқса тарихан шаклланган ер эгалиги муносабатлари билан бирга, мустамлака бошқарув тизимининг, ўлка иқтисодиётига фаол аралашувнинг шакллангани ўлканинг ижтимоий иқтисодий ҳаётидаги слабий ўзгаришлардан бири бўлди. Бу шубҳасиз империянинг ўлкадаги даромад ва фойда олиш манбалари, турлари ҳамда уларнинг шакллари ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бундай сиёсат ўз ўрнида Россия империясининг кўчириш сиёсатида ҳам ўз аксини топди.

Россиянинг Марказий қисми, Поволжье, Урал, Волгабўйи худуларидан европалик оилаларнинг ёппасига кўчиши асосан 1906-1910 йилларда ўтказилган Столыпин аграр реформаси ҳамда 1891-92-йиллардаги йиллардаги очарчилик ва қурғоқчиликлар даврида ҳам кучайган. Гарчанд ўлкада алоҳида рус қишлоқлари ва шаҳарларда даҳалар ташкил топган бўлсада, кўчириб келтирилган аҳолининг бир қисми қишлоқларга ҳам жойлаштирилган. Биргина Фарғона областида 1907 йилда 24 346 та шарқий

славян миллатига мансуб аҳоли яшаган бўлса, шаҳарларда уларнинг сони 14 722 та бўлган, аҳолининг яна талай қисми Семиречинск ва Сирдарё областлари қишлоқларига жойлаштирилган, 1911 йилга келиб Сирдарё областида уларнинг сони тахминан 161 861 тани ташкил қилган. Тошкент уездининг ўзида 1917 йилга келиб 28 та рус қишлоқлари мавжуд бўлган.

Туркистонда империя ҳукумати солиқ тизимини назорат қилиш учун бир қанча ислохотларни амалга оширди ва бир қанча молиявий тузилмаларни шакллантирди. Улар қатъий асосда марказ назорати остида бўлган. Ўлкада Россия империяси ҳукмронлиги йилларида бевосита, солиқлар ва молия масалаларини назорат қилувчи махсус уюшмалар фаолият юритган бўлиб, булар Молия вазирлиги ва Давлат Назорат кенгаши ҳисобланиб, уларга **Давлат Назорат палатаси (Государственная Контрольная палата)** ва **Давлат Хазина палатаси (Государственная Казенная палата)** бўйсунган. Давлат Назорат ва Хазина палатасининг асосий вазифаси, давлат бюджетини шакллантириш, хазинага тушадиган солиқлар, тушумлар ва бошқа маблағларни ва улардан фойдаланишни назорат қилиш бўлиб, улар бўйича чекланмаган ваколатлар берилган.

Давлат Назорат Палатаси маъмурий, бюджет ва тафтишга оид вазифаларни бажарган. У Тошкентда Туркистон Хазина палатаси ва Молия вазирлигининг махсус кўрсатмасига биноан тузилган. Палата таркибида девонхона, хазина ва тафтиш бўлимлари фаолият кўрсатган. Унинг таркибида жойлардаги 12 та маҳаллий хазина бошқармалари фаолият кўрсатган. Унинг раиси солиқ ва тушумлар, даромад ва харажатларга оид у ёки бу масалаларни ҳал этишда иштирок этиш орқали Туркистон генерал-губернаторлигининг кенгаши аъзолигига тўғридан-тўғри аъзо бўлган. Айрим ҳолларда мазкур тузилманинг марказий ижроия органи Омск ва Каспийорти вилоятлари Хазина палаталари билан биргаликда иш олиб борганлар.

Солиқларнинг давлат бюджетига тушиши, авваламбор жойларда, яъни уездларда фаолият кўрсатган хазина палатасининг иш фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган. Уезд бошқармалари ҳар ойда икки-уч марта тегишли тушумлар, йиғимлар, кирим-чиқимларга оид маълумотларни Хазина палатасига юбориб турганлар. Маҳаллий бошқармалардан тушган барча киримлар, йиғимлар ва тушумлар ҳужжатлар асосида умумлаштирилиб, Назорат палатасига у орқали Молия вазирлигига юбориб турилган

3. Россия империяси тажовузига қарши Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари. Ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Тарихий манбаларда, архив ҳужжатларида Россия империяси кўшинларининг Ўрта Осиё худудига кириб келиши билан, унга қарши халқ озодлик ҳаракатлари бошланганлиги ва бу чор ҳукуматининг ағдарилишига, қолаверса мустақилликка эришганимизга қадар давом этганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Бу маълумотлар асосида Ўрта Осиё халқларининг чоризмга қарши олиб борган қуйидаги энг йирик ва оммавий тус олган курашларини қайд қилишимиз мумкин:

1837-1846 йилларда Султон Кенесарин раҳбарлигидаги, кейинчалик Бухоро амирлигининг, Шаҳрисабз беклигидаги ҳаракатлар, 1871 йилда Эшон Эшмуҳаммад бошчилигида Сирдарё вилоятидаги чиқишлар; 1871 йилдаги

Фарғонада Етимхон кузғолони; 1872 йилда Чирчикдаги исёнлар, 1873-76 йиллар Қўқондаги Пулатхон кузғолони; 1892 йилдаги Тошкент кузғолони; 1898 йилдаги Андижонда Дукчи Эшон кузғолони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар, 1916 йилдаги Жиззах кузғолони ва бошқалар.

XIX аср 70-йиллар бошларидаги Фарғонадаги халқ ҳаракатларини алоҳида қайд этиш лозим. 1868 йилда Кауфман билан сулҳ шартномаси тузиб, Қўқон хонлигининг катта ҳудудларини Россия ихтиёрига берган ва Россия ҳукмронлигини тан олган Худоёрхон сиёсатидан нафақат оддий халқ, балки йирик ер эгалари ҳам норози эдилар. Қўқон хонлигида элчи ва жосус вазифасини бажарган полковник Шауфус маълумотларига қараганда норози беклар тепасида Абдурахмон офтобачи турган.

1872 йилда хон сиёсатига қарши халқ ҳаракати айниқса кучайди. Бундан фойдаланган Абдурахмон офтобачи ўз таниши мулла Исҳоқ Ҳасан ўғлини Қирғизлар орасида **Пўлатхон** номи билан қўзғолон кўтаришга ундайди ва ўзи ҳам бу ҳаракатга қўшилади. 1873 йилда бошланган бу кузғолонда оддий халқ, деҳқонлар, ҳунармандлар фаол иштирок этдилар ва бу ҳаракат бутун Фарғона водийси бўйлаб ёйилди. Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек бошчилигидаги хон қўшинлари ҳам кузғолончиларни қўллаб-қувватладилар. Бу воқеадан кўрқиб кетган Худоёрхон рус ҳокимиятидан бошпана сўраб, Тошкентга кочди. Қўқон тахтига унинг ўғли Насриддинбек (1875-76) хон қилиб кўтарилди.

Қўзғолончилар келишувига биноан эса Пўлатхон хон этиб сайланиши керак эди. Насриддинбекнинг хонликка кўтарилиши ва унинг ҳам руслар билан келишув сиёсатини олиб бориши, кузгонлочилар ўртасида норозилик келтириб чиқарди. Натижада Маргилон, Наманган, Андижон ҳудудларида Пулатхон тарафдорлари ерларни камбағалларга бўлиб бериб, хон сиёсатига қарши чиқдилар. Қўқон хонлигининг русларга қаршли бўлган ерларида ҳам норозилик чиқишлари авж ола бошлади. Бу рус ҳукуматини хавотирга солиб қўйди ва Кауфман Қўқон хонлигини тугатиш тўғрисида подшонинг розилигини сўраб, илтимоснома жўнатди. Қўқон хонлиги ҳудудига эса Скобелев бошчилигида ҳарбий жазо отряди киритилди. Бу вақтда Насриддинхон ҳокимиятдан четлаштирилиб, водийда Пулатхоннинг мавқеи ошиб кетган эди.

Ҳарбий жиҳатдан устун бўлган рус қўшинлари кузғолончи-ларни тезда мағлубиятга учратди. Пулатхон қўшинлари ҳаракатининг иккинчи босқичи 1875 йили Оҳангарон, Телов, Пскент ва Тошкентда бўлиб ўтган ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ҳаракатларда қаттиқ зарбага учраган кузғолончилар 1876 йили Андижонда, Олой водийсида курашни давом эттирдилар. Аммо ҳарбий жиҳатдан кучлар тенг эмас эди. 1876 йил 1 мартда Пулатхон тутиб олиниб Марқилонда осиб ўлдирилди. Бошқа кузғолончилар ҳам қаттиқ жазоланди. Подшонинг буйруқи билан Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди.

Фарғона водийсида бўлиб ўтган 70-80-йиллардаги халқ ҳаракатларида қурбонжон додхоҳ, Етимхон, Дарвишхон тўра, Ёқуббек бошчилигидаги кузғолонларни алоҳида қайд қилишимиз зарур. **Қурбонжон додхоҳ** рус

кўшинларига қарши курашда шарқ аёлларининг қаҳрамонлигини, жасоратини намоён этди. Манбаларнинг маълумот беришича, генерал Скобелев сулҳ тузиш учун майор Ивонови Қурбонжон додхоҳ хузурига жўнатади. Аммо Қурбонжон додхоҳ майорни қабул қилмай фақат ўз мавқеи билан тенг бўлган саркарда билангина музокаралар олиб бориши мумкинлигини билдиради. Чорасиз қолган рус генерали Скобелев у билан сулҳ тузишга ва уни «Олой маликаси», деб тан олишга мажбур бўлди. Қурбонжон додхоҳнинг набиралари 1898 йилги миллий озодлик кузғолонида ҳам фаол қатнашганлар Рус амалдорлари доимо Олой маликасидан ҳайиқишган. Шунинг учун губернаторлар унинг олдига тез-тез келиб туришган. 1901 йилда Россия империяси Қурбонжонга императрицанинг совғасини шахсан топширган. Қурбонжон додхоҳ 1907 йилда ўшда 96 ёшида вафот этган.

Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачиларга қарши курашида Ёқуббек ва у бошқарган Еттишаҳар давлати (1865-1877) ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки улар Қўқон, Бухоро, Хива ватанпарварларининг рус босқинчиларига қарши курашларида ёрдам бериб туришган. Шу сабабли Туркистондаги сўнгги мустақил давлатни тугатиш Россия учун кечиктирилмас вазифа бўлиб қолди. 1877 йил 22 июнда рус кўшинининг ўулжага бостириб кириши шу мағсадни амалга оширишга қаратилган эди. Амир Ёқуббекнинг тўсатдан вафот этиши Еттишаҳар давлати кўшинининг мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. Оқмачит, Чимкент, Тошкент мудофааларини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган Ёқуббек Туркистон озодлиги учун кураш йўлида жон бахшида этган қаҳрамонларимиздан биридир.

1878 йили Мингтепада чоризмнинг сиёсий- иқтисодий зулмига қарши Етимхон бошчилигидаги галаён кўтарилди. Бундай галаён 1879 йилда Фарғона вилоятида ҳам содир бўлди. Бу кузғолонлар куч билан бостирилса ҳам аҳолининг қаҳр-газабидан хавфсираган Фарғона вилояти губернатори гайри-қонуний солиқ йигувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлди.

1889-1890 йилларда Фарғона водийси ва Тошкент худудларида кўплаб халқ ҳаракатлари, қуроли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Шулардан бири Дарвешхон кўзғолонидир. Андижон уездининг Қўрғонтепа волостида юқори табақага мансуб бўлган ватанпарвар Дарвешхон кўшин Тўплашга киришди. У мустамлакачилик тузумига қарши очикдан-очик қуроли кузғолонга тайёргарлик кўрди, аммо Фарғона вилояти ҳарбий маъмурлари катта куч юбориб Дарвешхон кучларини тор-мор этди, унинг ёрдамчиси Мўминбой ушлаб олиниб, дорга осилди.

1892 йилги кўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда рус ҳукуматини ўлканинг бир қанча шаҳарларида вабо касали тарқалишининг олдини олиш учун Тошкент шаҳрида кўрилган чора-тадбирларига қарши кўтарилган кўзғолондеб таърифланган бўлса-да, аслида бу кўзғолон Россия империясининг ўлкада кўп йиллар давомида олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган эди.

Рус ҳукуматининг вабони олдини олиш учун кўрган чора-тадбирлари давомида маҳаллий аҳолининг диний эътиқодлари, урф-одатлари ҳисобга

олинмаганлиги натижасида сабр қосаси тўлган халқ оммасининг норозилиги кучайди. Натижада бу кузғолонда Тошкент шаҳри аҳолисининг барча қатламлари иштирок этди. Бу кузғолон, тезда чор аскарлари томонидан бостирилиб, кузғолончилардан 8 киши дорга осиб ўлдирилишга, 15 кишини 2 йил муддат билан маҳбуслар ротасига юборилишига, 2 кишини олти ойдан қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилишди. Лекин Россия империяси дунё матбуотчилари олдида бу жазолар шов-шувга сабаб бўлишидан чучиб, улим жазони умрбод сургун билан алмаштирди. Бу қўзғолон Тошкент шаҳрининг ўзида юз берган бўлса-да, унинг акс садоси бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалди.

XIX аср охирида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши ўлка халқларининг миллий озодлик ҳаракатининг яна бир ёрқин намунаси 1898 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган Дукчи Эшон қўзғолони орқали намоён бўлди. **Дукчи Эшон** Мингтепа қишлоғидан туриб Фарғона шаҳарлари ва Қирғиз ерларидаги мустамлакачилардан норози аҳолини бирлаштириш ва бу зулмни ағдариб ташлаш учун ҳаракат бошлади. Қўзғолон олиб бориш усулларида беҳабарлик, бирликнинг йуглиги, уюлмаганлик, қурол-аслаҳа ва моддий базанинг етишмаслиги кузғолоннинг тезда мағлубиятга учрашига сабаб бўлди, айниқса кузғолоннинг келишилган муддатдан олдин бошланиши, ҳаракат мағлубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Қўзғолон бостирилиб, унинг раҳбарлари қаттиқ жазоланди. Қўзғолон натижасида Фарғона вилоятида ва бутун Туркистон генерал-губернаторлигида ҳарбий полиция режими кучайтирилди.

Манбаларда қайд этилишича, қўзғолончилар сони 500 га яқин бўлган. Дукчи эшон ўлкадаги мустамлака сиёсатига қарши аҳолини бирлаштиришга ҳаракат қилди. Қўзғолон стихияли тарзда бошланади. 1898 йил 17 май куни эшон бошлиқ қўзғолончилар Қутчи, Қорақўрғон ва Оқчи, Қўйли қишлоқларига кириб боришиб, уларнинг сони тобора ортиб борган. Қўзғолончилар Андижонга кирганларида уларнинг сони тахминан 2000 кишига етади. Қўзғолончилар Андижондаги мустамлакачиларнинг ҳарбий гарнизонига бостириб қирадилар ва казармадаги милтиқларни қўлга киритиб, ҳарбий қисмдагиларни ўқа тутадилар. Тезда ҳарбий гарнизон шаҳарни ўраб олиб, қўзғолонни ҳарбий куч билан шафқатсизларча бостирадилар.

1916 йил 25 июнда қабул қилинган подшо фармони чоризм мустамлака сиёсатининг мудҳиш натижаларидан бири бўлди. «чекка ўлка халқлари»ни армияга олиб, қўлларига қурол бериш лойиҳасидан хавфга тушган чор ҳукумати, бунинг ўрнига уларни қонли, адолатсиз жаҳон уруши эҳтиёжларини қоплаш учун фронт орқасидаги оғир ишларга мажбуран сафарбар қилди. Бу фармоннинг мазмуни маҳаллий аҳоли ўртасида «оқ подшо урушга одам олармиш» ёки «урушга мардикор олинармиш», деган гаплар тарқалишига сабаб бўлди.

Фармонга мувофиқ, «чекка ўлка халқлари» нинг 19 дан 43 ёшгача бўлган эркак аҳолиси сафарбар қилиниши мўлжалланди. Шунинг учун бу тадбирнинг ерли халқлар учун нақадар машаққат экани қўриниб турибди. Сафарбарлик ёзда, қишлоқ хўжалик ишлари айни қизиган пайтда ўтказилиши

лозимлигини ҳисобга олсак, меҳнаткашлар оммаси жуда оғир аҳволга тушганлигини пайқаш қийин эмас.

Фармонга кўра, Сирдарё вилоятидан 87 минг, Самарқанд вилоятидан 38 минг, Фарғона вилоятидан 50 минг мардикор юбориш белгиланди ва бу вазифаларни зудлик билан амалга ошириш Туркистон генерал губернатори зиммасига юклатилди. Вилоятларда дарҳол фармонни ижро этишга киришилди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори А.Гиппиус Фарғона вилоятидаги шароитни ҳисобга олиб, бу фармонни бирданига бажариш нотўғри эканлиги ҳақида ҳокимиятни огоҳлантиради. Бироқ у фармонни ижро этишни атайлаб бузганликда айблаб ишдан олиб ташлашди ва унинг ўрнига шовинист ҳарбийларидан бири полковник П.Иванов тайинланади. Мардикорликка олишга қарши ўлканинг турли ҳудудларида кўзғолонлар бошланиб кетади.

Норозилик ҳаракатлари дастлаб аҳоли зич жойлашган марказларидан бири Хўжандда бошланади. 1916 йилнинг 4 июль куни 6000 дан ортик эркаклар ва аёллар маъмуриятга қарши очикдан-очик мардикорликка фарзандларимизни бермаймиз, деб кўзғолон кўтардилар. кўзғолон ҳарбийлар томонидан бостирилди ва намойишчилар ўққа тутилди. Худди шундай ҳаракат Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 5 июл куни бўлиб ўтди. Мардикорлар рўйхати йўқ қилинди, маҳкама хизматчилари калтакланди.

Мардикорликка олиш ишларига қарши бўлган ва фақатгина камбағалларнинг болалари рўйхатга киритилганидан норози бўлган Тошкент аҳолиси ҳам 11 июлда маъмуриятга қарши норозилик намойиши ва кўзғолон бошлади. Ғазабланган ҳалқ полициячилар ва казакларга қарши чинакам уруш бошлаб юбордилар. Оқибатда, чор аскарлари полиция бошқармаси ичига кириб яшириниб олишга мажбур бўлди. кўзғолон кечгача давом этди ва генерал Галкин ҳамда подполковник Савицкийлар бошчилигидаги жазо отрядлари томонидан бостирилди.

Бутун ўлкада чоризм сиёсатиға қарши кўзғолонлар кучайиб борди. 9 июль куни Андижонда, Тошкент шаҳри атрофидаги бир қатор қишлоқларда 10 июль куни эски Марғилонда, Шаҳрихон ва бошқа жойларда дехқонлар ва хунармандлар, косиблар ва бошқаларнинг чиқишлари умумҳалқ кўзғолони ва курашига айланиб кетди.

Норозилик ҳаракатларининг асоий маркази **Жиззах шаҳри** эди. Жиззахликлар душманга қарши ғазовот эълон қилдилар. кўзғолонга Назирхўжа эшон ва Абдурахмон жевачи бошчилик қилдилар. кўзғолон 13 июлда шаҳар оқсоқолининг ўлдирилиши билан бошланди. Ҳалқ мингбоши маҳкамасига бостириб кирганда, жазо учун етиб келган полковник фукин отрядлари кўзғолончиларни ўққа тута бошлади. Бироқ кўзғолончилар чор аскарларига зарба бериб, Фукин ва унинг ёрдамчиларини ўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Ёрдамга етиб келган полковник Афанасьевнинг жазо отряди ҳам Янги Жиззах станциясида туриб қолишга мажбур этилди. Атрофдаги қишлоқлардан келаётган ҳалқ кўзғолончилар сафини кенгайтди.

кўзғолончилар темир йўл станциялари, улардаги нефть захарлари, алоқа симларини вайрон қилдилар ва йўқ қилдилар. Афанасьев кўшинлари ўз марраларидан чекина бошладилар.

1916 йил 14 июлда кўзғолон **Боғдон, Фориш, Синтоб** бекликларига ҳам тарқалди. Боғдондаги кўзғолонга раҳбарлик қилган Абдурахмон жевачи Жиззахликлар билан кўшилишга қарор қилди. Бироқ бу пайтда Жиззахга Тошкентдан 2,5 минг кишилик жазо отрядлари туп ва бошқа қуроллар билан биргаликда келаётган эди. Назирхўжа эшон бошчилигидаги жазоликлар жазо отрядлари томонидан аёвсиз ўққа тутилди ва улардан омон қолган 600 кишилик гуруҳ Абдурахмон жевачи кўшинлари сафларига кўшилди.

Абдурахмон девачи 20-21 июль кунлари Афанасьев кўшинларига зарба бериб, уни чекинишга мажбур қилди ва мағлубиятга учратаётган вақтда полковник Иванов отрядлари ёрдамга етиб келди ва кўзғолончиларга зарба берди. кўзғолончилар мағлубиятга учратилгач, кўзғолон бўлиб ўтган барча шаҳар ва қишлоқларда аёвсиз жазо ишлари, хунрезлик амалга оширилди. Абдурахмон жевачи ва у билан бир сафда туриб курашган 12 киши осиб ўлдирилди. кўзғолон бостирилган бўлса ҳам, чор ҳарбийларидан каттагина қисми Жиззахда ўлим топди. кўзғолон давомида рус ҳарбийларидан 260 га яқин, рус аҳолисидан эса 4000 га яқин киши ўлдирилди ва бедарак йўқолди.

Империя маъмурлари Туркистон ўлкасининг ерли аҳолисини янада исканжага олиб, уруш эҳтиёжлари учун бу ердан мумкин қадар кўпроқ фойда ундиришга қаратилган қаттиққўл сиёсат ўтказдилар. Бу эса маҳаллий меҳнаткашларнинг ҳукумрон тузумга нисбатан ғазаб ва нафратини ошириб юборади.

Ижтимоий-иқтисодий аҳвол. Агар рақамларга мурожаат қилинса, ўша даврда маҳаллий аҳоли аҳволи янада оғирлаша бошлаган. Масалан, маълумотларга кўра, “Туркистонда йиғиладиган ер солиғи 1914 йилдаги 6859021 сўмдан 1916 йилда 14311 771 сўмга етди, яъни 2 баробарга ортади. Ҳунармандлардан олинадиган солиқ эса 1, 149676 сўмдан 2, 839 240 сўмга кўпаяди. Уруш пайтида чор ҳукумати бир темир йўл станциялари ва пристанларида олдисотди қилинадиган бир пуд пахта толасига 2 сўм 50 тийин миқдорида кўшимча солиқ белгилаган. Бу авваломбор дехқонларга янада кўпроқ кулфат келтирди.

Уруш даврида аҳолидан турли ҳил йиғимлар тўплаш кучаяди. Масалан, 1916 йилда Наманган уезди аҳолисидан мажбурият тариқасида 3360 от ва 119640 сўм пул, Скобелев (Фрғона аҳолисидан эса 4325 та от, 200 ўтов, 178656 сўм пул олинган. Фарғона области аҳолисидан уруш эҳтиёжлари учун кўшимча равишда 302545 сўм солиқ тўпланган. Умуман, расмий маълумотларга қараганда, 1914-1916 йилларда Туркистон ўлкасидан “уруш эҳтиёжлари учун” 70 минг от, 13441 ўтов, 30 минг метр намат, 300 минг тонна гўшт, 3 млн. пуд пахта мойи, 12 минг туя ва бошқа нарсалар мусодара қилинган эди. Чор маъмурлари ташаббуси билан 1915 йилда пахтанинг бир пудига тўланадиган ўртача бозор нархи сунъий равишда 30 сўмдан 24 сўмга туширилганди. Бу ўзбек дехқонларининг моддий аҳволига жиддий таъсир кўрсатди.

Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли ўртасида норозилик ортиб, турли корхоналар ишчиларининг иш ташлашлари содир бўла бршлайди. Масалан, 1915- 1916 йилларда Челекан нефть конлари ходимлари ва Андижон пахта заводи ишчилари ҳамда 1916 йилда Тошкент ва Қизил Арват темир йўл паровоз-ремонт корхоналари хизматчиларининг кўтарган стачка ҳаракатлари ўлкада инқилобий жараён чуқурлашиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Айниқса Туркистон Россиянинг маркази билан темир йўл орқали боғлангач, рус капитали (сармоялари) ўлкага оқиб кела бошлади. Туркистон хом ашё базасида савдо-саноат юритиш, завод-фабрикалар қуришга интилувчиларга Рус-Осиё банки, Москва савдогарлар банки, Россия давлат банки пул қарз бериб турар эди. Натижада бир қатор заводлар, савдо шохобчалари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилди. 1913 йилда тузилган «Бешбош» деган пахта-ёғ ширкати Туркистонда 29 та пахта заводи қурди, ўлкада етиштирилган пахтанинг 30 фоизини харид қиларди, 80 минг тонна пахта толасини ташиб кетар, 160 минг тонна чигит тайёрларди. Катта сармоядор Водьяевлар Туркистонда «Водьяевлар 200 савдо уйи»ни ташкил этиб, 30 та пахта заводи қурилади.

1912 йилда Фарғона водийси ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланади. Мустамлака Туркистонда темир йўлларни қуриб битирилиши ўлкани Россия саноатининг ғилдирагига янада маҳкамрок боғлайди. Ўлканинг хом ашё етказиб берувчи манба сифатидаги ўрни мустахкамлангач, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида жадаллик билан ўз таъсирини кучайтириб боради. Улар ўлкадан хом ашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай, суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайтирадилар.

Пахтачиликнинг ривожланиши бундай фирма, биржалар, маҳаллий судхўр ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб беради. Улар асосан хом ашё етиштириш йўлига ўтиб олган деҳқонларга келаси йил оладиган ҳосили хисобидан пул қарз берганлар. Деҳқонларнинг моддий аҳволи оғирлашган сари уларнинг ҳосилдан тушган даромади қарзини тўлашга, ерга ишлов беришга, оиласига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга ҳам етмаган, иккинчи томондан, катта ер майдонлари маҳаллий бойлар ва судхўрлар қўлига ўтиб кета бошлаган.

Айниқса XIX асрнинг биринчи ярми ва ўлкада Россия империяси босқини арафасида ва ундан сўнг қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромадлар ўлкада халқ даромадларининг 65-70 фоиздан зиёдроғини ташкил қилган. Қолган қисми ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари - саноат, ҳунармандчилик корхоналари, савдо, транспорт ва бошқа соҳаларга тўғри келиб, улар ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ёки унга хизмат кўрсатишга асосланган эди.

Айниқса XX аср бошларига келиб, Туркистон ижтимоий, иқтисодий хўжалик, молиявий ҳамда сиёсий ҳаётида тубдан ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бундай ўзгаришлар айниқса ўлканинг сиёсий, хўжалик, молиявий

тизимдаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Айниқса ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг социалистик ижтимоий-иқтисодий тузум тартиб-қоидаларига мос жамият яратиш бошлаб юборилган эди. Бундай ўзгаришлар **1914 йил август ойида бошланган биринчи жаҳон уруши** аҳолининг ҳаётини мисли кўрилмаган даражада ёмонлаштириб юборди.

Бу биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги ва нархнинг кўтарилиши, турли касалликларнинг авж олиши ва зулмнинг тобора кучайишига олиб келди. Айрим маълумотларга қараганда, биринчи жаҳон уруши вақтида гўштнинг бир қадоғи 20 тийиндан 50 тийинга, шакарнинг бир қадоғи 14-15 тийиндан 30-35 тийинга, уннинг бир пуди 2 сўм 10 тийиндан 4 сўм 20 тийинга кўтарилган. Сигир ва қўйларнинг ҳам нархи ошган. 50 сўмлик от 100-200 сўмгача сотилган. Отларнинг нархини оширишга уларнинг фронтга жўнатилиши сабаб бўлган. Нарх-наво тез-тез ошиб борган. Бир гази 10-12 тийин турган чит 30-40 тийингача кўтарилган. Кўрсатилган нархлар озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича 80-100 фоизга, газламалар эса 300-400 фоизга қимматлашган.

Ўрта Осиё халқ хўжалигининг пахта монокультурасига ихтисослашиши ички асосий хўжалик тармоқларини пахта билан боғлиқ қолганлигини англатар эди. Россия империясининг капиталистик саноат маҳсулотлари Ўрта Осиё бозорларини эгаллай бориши билан маҳаллий хунармандлар, тўқимачилар, ипакчилар, темирчилар ва бошқаларнинг хўжаликлари тушкунликка учради. Ўлкада пахта экиш кўпайтирилиб, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш камайиб кетади. Россия империяси тўқимачилик саноатини арзон баҳодаги Туркистон пахтаси таъминлаб келди. Америка Қўшма Штатларидан тилла ҳисобига пахта сотиб олиш чеклаб қўйилди. Натижада Туркистонда дон экинлари майдонлари қисқартирилиб, ўлкага рус помешчикларининг ғаллалари келтирилиб, юқори нархда сотилар эди. Жумладан, 1914 йил охирида **Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд** вилоятларида 709 та рус саноат корхонаси мавжуд бўлиб, улардан 220 таси пахта тозалаш, 76 таси кўн-тери, 32 таси пилла қуриши заводларидан иборат эди. Буларнинг кўпчилиги кичик ва жуда оддий ускуналар билан қуролланган, мавсумий ишлайдиган корхоналар бўлган.

Ўлкада саноат аста-секин ривожланиши билан миллий буржуазия ва ишчилар синфи вужудга кела бошлади. Маҳаллий халқ орасидан пахта тозаловчи, мой ва кўн-тери заводлари хўжайинлари етишиб чиқди. Туркистон ўлкасидаги 220 та пахта тозалаш заводидан 117 таси, шу жумладан, Фарғона, областида 94, Самарқандда 15 та ва Сирдарё областида 8 та завод миллий буржуа вакиллари қарамоғида эди, 75 та кўн-тери заводидан 54 таси, 34 совун тайёрлаш заводидан 20 таси уларники эди. В. В. Заорская ва К.А. Александрнинг келтирган маълумотларига қараганда, Туркистондаги ҳамма саноат корхоналарида 20925 ишчи бўлиб, улардан ўзбеклар 12702 киши, тожиклар 1142, қирғизлар ва қозоқлар 944 киши эди.

Маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларнинг етишиб чиқиши катта воқеа бўлганлиги шубҳасиз эди. Маҳаллий ишчилар корхоналарда ишлаш баробарида хўжалик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун

тўланадиган солиқларни тўлашга мажбур этилар эди. Шаҳарларда саноат корхоналари кам бўлга-нидан иш тополмай, саргардон бўлиб юрувчилар кўпчиликни ташкил этган. Улар асосан мардикорлик билан банд бўлар эдилар. Қишлоқларда эса катта ер эгалари янги агротехникани жорий қилиш учун маблағ сарф қилишдан кўра чорикор ва марди-ор-ларнинг арзонга тушадиган кучидан фойдаланишни афзал кўрар эдилар. Натижада йирик хўжаликлар ерларни бўлиб, чорикор деҳқонларга ижарага бериб, улардан ундирилган ер рентаси ҳисобига бойиб борганлар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволи солиқлар ва йиғим тўловлар билан янада мушкуллашган. Солиқлар йилдан-йилга кўпая борган. Маълумотларга қараганда, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бундай солиқлар 1916 йилда 425 минг сўмга ошган. Яна ўша маълумотларга кўра, икки йил ичида қишлоқ солиқларининг кўлами Тошкент уездида 2 марта, Қўқонда — 2,5, Жиззахда — 3, Хўжанд уездида—4 марта кўпайган. Умумий солиқлардан ташқари, деҳқонлар кўп хил кўшимча солиқлар тўлаши, ҳар хил натурал мажбуриятларни бажариши (ариқ қазиси, волостной, оқсоқолларга ҳақ тўлаши ва бошқалар) керак эди.

Уруш даврида далаларга бирон-бир офат келса ёки табиий офатлар шароитида ҳам солиқ тўлаш оддий халқ зиммасида эди, жумладан, экинзорларни ёппасига босган турли ҳашаротлар, чигирткалар билан курашиш ва харажатларни қоплаш ҳам туб аҳоли зиммасига юклатилган эди. Ўлка бўйича бу мушкул ишга ҳар йили 1.442.340 иш кучи, Фарғона вилоятида 229.784 ишчи кучи сафарбар қилинган. Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, биринчи жаҳон уруши Туркистон хўжалик молиявий ҳаётига салбий таъсир қилди. Айниқса ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг социалистик ижтимоий-иқтисодий тузум тартиб-қоидаларига мос жамият мезонлари ўлка халқлари ҳаётини бутунлай ўзгаришига олиб келди.

4. Ўлкада жадиличлик ҳаракати ва миллий уйғонишнинг кучайиши. Жадид (арабча “жадид”-янги)-янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий мусулмон ўлкаларида (Қрим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Урал ҳавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси-Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Ўша даврда мусулмонлар, қолаверса, туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлигини, буни Ғоят ҳафвли ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавм, эл-юртларидаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларига тенглашиш зарурлигини биринчи бўлиб қрим-татар халқи фарзанди Исмоил Гаспиринский (1851-1914) тушуниб етди.

У жадидчилик ҳаракатининг бутун туркдунёсидаги «Ғоявий отаси»дир. Исмоил Гаспиринский илмга қаттиқ берилди. Жаҳон маданияти дурдоналарини машаққат билан ўрганди. Натижада турли илмлардан бохабар

бўлди. Бир неча тилларни мукамал эгаллади. Бу эса унинг жаҳон илм-фан ютуқлари билан танишувига кенг йўл очди. Ана шу туфайли Исмоил Гаспиринский Шарқ билан ғарб оламини таққослаш ва яқдил бир хулосага келиш имкониятига эга бўлди.

Мусулмон туркий оламини жаҳон маърифати, илм даражасига кўтариш Ғояси унга кеча-кундуз тинчлик бермади. Россияга мустамлака бўлган барча мусулмон худудлар маорифини мутлақо ислоҳ қилиш, уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. Мактаб ва мадрасаларда диний таълимот, араб, форс ва рус тилларини ўрганиш билан бир қаторда тиббиёт, ҳикмат, кимё, наботот, нужум, ҳандаса фанларини ўқитиш зарурлигини илгари сурди ва уни амалга оширишга киришди. У 1884 йилда Ўримдаги Боқчасарой шаҳрида жаҳид мактабига асос солди. Ўзи дастур тузиб дарслик ёзди. Ана шу дарслик ёрдамида 40 кун ичида 12 ўқувчини саводини чиқарди ва бу усул «усули савтин» - Ҳарф товуши усули, яъни «усули жаҳид» номи билан тезда шухрат топди.

Исмоил Гаспиринскийнинг ғояларини ёйишда «Таржумон» газетасининг хизмати жуда катта бўлди. 1888 йилда Исмоил Гаспиринскийнинг «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» китобининг нашрдан чиқиши муҳим воқеа бўлди. Унда жаҳид мактабининг қурилиши, дарс ўтиш ва ташкил қилиш мазмуни, жиҳозланиши, дарс жадвали, таътиллар, имтиҳонлар ҳаммаси лўнда ва қизиқарли баён этилган эди. Шу тариқа жаҳидчилик мактаби йўриқномасининг мукамал ишлаб чиқиши ҳам Исмоил Гаспиринский зиммасига тушди.

1892 йилда Исмоил Гаспиринский мусулмон мактабларини ислоҳ қилишга доир лойиҳасини Туркистон генерал губернатори Розенбахга юборди. Туркистон ҳукмдори уни мутлақо рад қилди. Ундан жавоб ололмагач, Исмоил Гаспиринский 1893 йилда Туркистонга келди. У Туркистоннинг йирик шаҳарларидан бирида бўлиб тарақийпарвар зиёлилар билан учрашувлар ўтказиб, жаҳид мактабларининг аҳамиятини ёритиб берди.

Ҳатто Бухоро амири Абдулаҳадни ўз Ғоясини қабул қилдиришга бир неча бор уриниб кўрди. Амир буюк мутафаккир мақсадини тушунишдан ожиз мутаасиб эди. Исмоил Гаспиринский сўнгра Самарқандга, ундан Тошкентга келди. Туркистон генерал губернаторини амалдорлари уни душманлик назари билан кутиб олдилар. Чунки уларнинг Туркистондаги маориф сиёсати ҳалқни қоронғиликда ушлаб туришдан иборат эди.

1893 йил 8 июнда у Бухоро амири ҳузурида бўлди. Амир зўрға битта жаҳид мактаби очилишига рози бўлди. Адолатли кўз билан қараб, умуман олганда, Исмоил Гаспиринскийнинг мусулмон туркий дунёси олдидаги хизматлари буюқдир. Юқорида кўриб ўтилганидек, у ўз олдида қўйган мақсадлари, йўлида катта қаршилиқларга дуч келди ва кўп қийинчиликларни енгиб ўтишга мажбур бўлди. Лекин у олдида қўйган мақсадларидан қайтмади ва ўз ниятига етди. Жаҳидчилик ҳаракати номига сазовар бўлди ва тарихда улкан, ўчмас из қолдирди.

Исмоил Гаспиринский амир билан муроса-мадора қилиб Бухорода зўрға ягона жаҳид мактаби очирган бўлса-да, унинг учқунлари Туркистон

худудлари бўйлаб сачраб кетди. Унинг Бухородаги садоқатли шогирдлари жаид мактабларини кўпайтириши ва хазинадан уларга мабла² ажратиш мақсадида амирни қистай бошладилар. Бундай хайрли ишнинг бошида бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1819), ғиждувонлик домла Фозил, Мўминхўжа Вобкандий, мулла Худойберди Бойсуний ва уларнинг тарафдорлари турар эдилар. Бундан хабар топган Исмоил Гаспиринский 1904 йилда Бухорога яна келиб амир билан музокаралар олиб борди. Натижада амир унинг отаси номи билан аталувчи «Музаффария» жаид мактабига рухсат берди, холос.

Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхоний, Убайдуллахўжа Асадулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқиган мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди.

Жаидларнинг ҳалқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларнинг жаидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлиги ўзаро алоқалар, сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар.

1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ўз таъсирини кўрсатди. Фаол кучлар жинслаша бошладилар, жаидлар маърифатчилик фаолиятчилигини жадаллаштирдилар ва фақатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилигини жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишини ҳам кўринди.

Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидов муҳаррирлигида «Тараққий» шу йили Мунаввар ғори муҳаррирлигида «Хуршид» 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида «Шухрат», Аҳмаджон Б. Муҳаррирлигида «Осиё» рўзномалари чоп этилган.

Маърифатчиликнинг янги тўлқинида 1913-1915 йилларда «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садон Фарғона», «Бухорои Шариф», «Турон», 1917 йилда эса «Эл байроғи», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» газеталари «Ойна» журнали каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Туркистон жаидчилиги ва маърифатчилиги тўрисида гап борганда, уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислоҳатчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилини (Турди, Дониш, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Завқий) жаидлар маърифатчилиги учун маънавий, руҳий замин бўлган. Исломдан бошланган Курсавий, Домла Икромча ислоҳчилик уринишлари жаидлар ҳаракати учун ислом, шариат нуктаи назаридан диний, қонуний жихатдан йўл очиб берган. Бироқ жаидчилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майллари ўзининг ҳаётга юз бурганлиги, умуммиллий ижтимоий, сиёсий вазифани ҳал қилишга йўналтирганлиги билан анъанавий Шарқ маърифачилиги ва диний ислоҳчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Совет даврида жаидлардан чиққан миллий зиёлилар совет органларида фаолият кўрсатдилар ва ўз фаолиятлари билан ҳалқ таълими санъатини ривожлантиришга маърифий ишларни тараққий эттиришга ҳаракат қилдилар.

Жадидларнинг айрим қисми мустабид тузумининг сиёсатига кўникмай, хорижга ўтиб кетдилар, муайян қисми эса истиқлолчилар ҳаракатига қўшилиб кетдилар. Истиқлолчилик ҳаракатига 2оаявий раҳнамолик қилиш, айниқса, совет органларида ишлаб, миллий мустақиллик 2оаялари билан тар2иб қилишдаги саъй-ҳаракатлари жадидларнинг советлар томонидан 1929-1937-38-йилларида оммавий қир2ин қилинишига олиб келди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жадидчилик ҳаракати Туркистондаги каби XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган вақт ҳам бу ҳудудлардаги каби тарихий шароит, ундаги жадидчилик ҳаракатига ҳам ўзига хос хусусиятлар бахш этди. Бухоро ва Хива жадидлари дастлаб амир ва хон ҳукмронлигини чеклаш, мавжуд тузум шароитида ислохотлар ўтқизиб, жамият тараққиёти ва миллий мустақилликни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган эдилар, кейинчалик хон ва амир якка ҳукмронлигини (чеклаш, мавжуд) ҳар қандай тараққиётга тўсиқ эканлигини тушуниб етдилар.

Чунки 1917 йилда подшоҳ Асфандиёрхон рухсати билан тузилган ёш хиваликлардан иборат мажлис ва нозирлар кенгаши, уларнинг таъқиқланиши ва Рашидхон давридаги ёш хиваликларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши: Бухоро амири Саид Олимхоннинг ўзи қабул қилган ислохотлар ўтказиши ҳақидаги фармони бекор қилиш ва 1918-1919 йилларда ёш бухороликларнинг қув2инга учраши шунга олиб келди. Бухоро ва Хоразм халқ республикаларида жадидлар биргаликда ишлаб мамлакатни тараққий қилдириш ва мустақилликни сақлаб қолишга интилдилар. Бироқ совет режими аввал, Бухоро ва Хоразм давлатларида мавжудлигига чек қўйилган бўлса, кейинчалик барча жамият намоёндаларини жисмонан мавҳ қилди.

Умуман олганда, аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларининг миллий озодлик, мустақиллик учун дастлаб чор Россияси, сўнгра совет мустамлакасига қарши курашда муҳим ўрин тутди.

Туркистонда жадидларнинг мавқеи кўтарилиб янги - янги жамиятлар ташкил топа бошладилар. Ёўқонда «Ғайрат», Андижонда «Тараққийпарвар» каби жамиятлар туздиларки, уларнинг фаолиятида илғор рус демократияси вакиллари ҳам иштирок қила бошладилар.

Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1924 йилларда “Туркистон мухторияти” (1917 йил ноябр-1918 йил феврал), Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари даврида (1920-1924 йиллар), қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилган эди.

Крим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Уралдаги жадидчиликка Исмоилбек Гаспирали раҳнамолик қилган. Туркистонда бу ҳаракатга Махмудхужа Бехбудий ва Мунаввар Қорилар, Бухорода жадидчилик ҳаракатига Абдурауф Фитрат, Хива жадидларига эса Полвонниёз хожи Юсупов ва Бобоохун Салимовлар етакчилик қилганлар.

Жадидчиликнинг Туркистондаги тараққиётини қуйидаги даврларга ажратиш мумкин:

Биринчи давр 1885-1895 йиллар, *иккинчи давр* 1895-1905 йиллар, *учинчи давр* 1905-1914 йиллар, *тўртинчи давр* 1914-1917 йиллар, *бешинчи давр*, *олтинчи давр* 1918-1924 йиллар, *еттинчи давр* Туркистон парчаланиб

(1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти “миллий республикалар” доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида “Чигатой гурунги” ғояларини амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди. Саккизинчи давр 1931 йилдан то 1937-38 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача қатағонга учраш давригача.

Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури уч асосий йўналишдан иборат бўлган:

– *янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириши.*

– *умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориши.*

– *турли маърифий жамиятлар тузиши ҳамда зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил этишга қаратилган газеталарни чоп этиши.*

Ушбу дастурни амалга ошириш борасида *Маҳмуд Хўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжа Асадулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон* ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди.

Россиядаги феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг «тараққийпарварлар» оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Феврал демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни руҳлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан **«Шўрои Исломия»**, **«Иттифоқи муслимин»**, **«Турон»** каби бир қатор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар. Улар Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-ҳудудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жихатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш-устувор мағсад қилиб белгиланди.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг гувоҳлик беришича, **«Иттиҳоди тараққий» (1917-1920)**, **«Миллий иттиҳод» (1920-1925)**, **«Миллий истиқлол» (1925-1929)** ва **«Туркистон Миллий Бирлиги» (1921-1923)** (раиси Аҳмад Закий Валидий) махфий ташкилотлари ўлкада ҳокимиятни кўлга олиш мақсадида фаолият юритган.

Совет даврида жадидлардан чиққан миллий зиёлилар совет органларида фаолият кўрсатдилар ва ўз фаолиятлари билан халқ таълими санъатини ривожлантиришга маърифий ишларни тараққий эттиришга ҳаракат қилдилар. Жадидларнинг айрим қисми мустабид тузумнинг сиёсатига кўникмай хорижга ўтиб кетдилар, муайян қисми эса истиқлолчилар ҳаракатига кўшилиб кетдилар. Истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилиш, айниқса, совет органларида ишлаб, миллий мустақиллик Ғояларини тарғиб қилишдаги саъй-ҳаракатлари жадидларнинг советлар томонидан 1929, 1937-1938 йилларда оммавий Қирғин қилинишига олиб келди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жади́дчилик ҳаракати Туркистондаги каби XIX аср охири-XX аср бошларида шаклланган бўлса ҳам бу ҳудудлардаги тарихий шароит ундаги жади́дчилик ҳаракатига ҳам ўзига хос хусусиятлар бахш этди.

Бухоро ва Хива жади́длари дастлаб амир ва хон ҳукмронлигини чеклаш, мавжуд тузум шароитида ислохотлар ўтказиб, жамият тараққиёти ва миллий мустақилликни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, кейинчалик хон ва амир яқка ҳукмронлиги ҳар қандай тараққиётга тўсиқ эканлигини тушуниб етдилар. Чунки 1917 йилда Хивада Асфандиёрхон рухсати билан тузилган ёш хиваликлардан иборат мажлис ва нозирлар кенгаши, уларнинг таққиланиши ва Жунаидхон давридаги ёш хиваликларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши; Бухоро амири Саид Олимхоннинг ўзи қабул қилган ислохотлар ўтказиш ҳақидаги фармони бекор қилиниши ва 1918-1920 йилларда ёш бухороликларнинг қувгинга учраши шунга олиб келган. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида жади́длар ҳукумат органларида раҳбар лавозимларида ишлаб мамлакатни тараққий қилдириш ва мустақилликни сақлаб қолишга интилдилар (1920-1924). Бироқ совет режими аввал Бухоро ва Хоразм давлатлари мавжудлигига чек қўйган бўлса, кейинчалик барча жади́д намоёндаларини жисмонан маҳв қилди.

Бу даврга келиб жади́длар нафақат мусулмон балки, русизабон халқ орасида ҳам раҳбар куч сифатида катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга бўлди. Улар миллий демократик ва озодлик ҳаракатларига раҳбарлик қилдилар. Демократик инқилоб ғалабасидан сўнг тўла демократлашган Россия таркибида демократик Миллий Мухторият ҳукуматни ташкил этиб, миллий давлатчиликни тиклаш учун жади́длар омма орасида ташкилий-тарғибот ишларини жонлантirdилар. Буни бошқа халқлар ва кўпчилик рус социал-демократик партия ва ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

Ўша давр маданияти ва фани ҳақида сўз юритилса, айниқса 19 аср охири XX аср бошларида ўлка табиий бойликларини ўрганиш ишига рус олимлари ҳам қизиқа бошлайди. 1870 йилда табиат, антропология ва этнография ҳаваскорлари рус жамиятининг Туркистон бўлими очилди. Н.А.Северцов, И.В.Мушкетов, В.П.Федченко, В.Ф.Ошанин сингари олимлар бу жамият аъзолари эди. Рус жуғрофи Ф.П.Литко 1873 йилда Тошкент фалақийтшунослик ва табиатшунослик расадхонаси ташкил этилишга ҳисса қўшди. П.П.Семёнов Тянь-Шанский Тангри тоғ тизмалари таркиби ва тузилиши ҳақида маълумотларни чоп эттирди. А.П.Федченко Фарғона водийсининг ўсимлик дунёсини тадқиқ қилди. И.В.Мушкетов ва Г.Д.Романовский Туркистон ўлкасининг ер устки харитасини туздилар. И.В.Мушкетов олтин, темир маъдани, нефт, кўмир каби қазилма бойликларни аниқлади. Академик В.В.Бартольд ўлка тарихи ва эл-элатини ўрганиш асосида кўплаб китоблар чоп эттирди.

Рус маданияти таъсирида халқ маърифатпарварлари шаклланди. Улар В.И.Герцен, Н.Т.Чернишевский, Н.В.Добролюбовлар таъсирида халқ озодлиги масаласини кўтариб чиқдилар. Жумладан, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909) ўз асарларида ўлкада ҳукм сурган ўрта асрларга хос

колоқликни тугатиш, рус мактабларида жорий этилган таълим-тарбиянинг илғор усуллари маҳаллий мактабларда ҳам кенг қўллашни тарғиб қилди. У А.С.Пушкиннинг бир қанча шеърларини ўзбекчага таржима қилди. Муқимий (1850-1909) ўзининг ҳажвий шеърларида халқ оммасининг буржуазия томонидан эзилишини фош этди. Завқий (1853-1921) ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралади.

XIX аср Туркистон адабиёти икки йўналишга ажралган бўлиб, бири сарой муҳитини куйловчи, манфаатдорлик ва маддоҳликка мойил адабиёт, иккинчиси зулм ва зўравонликка қарши норозилик ҳамда қоқликни тугатишга қаратилган тараққийпарвар халқ адабиёти. Умуман, рус ва Европа маданияти таъсирида Туркистонда миллий маданиятнинг ривожланиши жараёни кучайиб борди.

Туркистонда мусулмонлар ва қолаверса туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги, бу хавfli ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавмлардаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларга тенглашиш зарурлиги биринчи бўлиб қим-татар халқининг улуғ фарзанди Исмоил Ғаспирали (1851-1914) тушуниб етди. У жадиличлик ҳаракатининг «ғоявий отаси» сифатида туркий халқлар оламини жаҳон маърифати, илми даражасига кўтариш ғоясини амалга ошириши мақсадида мусулмонлар маориф тизимини ислоҳ қилиш, уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. Исмоил Ғаспирали ғояларининг ёйилишида «Таржимон» газетасининг хизмати жуда катта бўлди. 1888 йилда унинг «Раҳбари муаллимин» ёки «Муаллималарга йўлдош» китобининг нашрдан чиқиши муҳим воқеа бўлди. Исмоил Ғаспирали Туркистонга келиб Мўминхўжа Вобқандий, Мулла Худойберди Бойсунийлар ёрдамида Бухорода жади́д мактадларини очишга ҳаракат қилди. Маълумки, 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла жади́д мактабига асос солди. Шу йили Тўқмоқда ҳам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жади́д мактабига асос солдилар. **1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жади́д мактаблари** бор эди.

Аср бошида жади́длар зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек оғир ишга фидойилик билан киришдилар. Уларнинг бошида М.Бехбудий, А.Авлоний, С.Айний, А.Фитрат, Мунаввар қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққийпарвар инсонлар турар эдилар. Улар доимо қувғин, қамоқ, сургун каби хавф-хатарлар бошида чарх уриб турган ҳолда иш олиб боришга мажбур бўлдилар. Шулардан Тошкент жади́дларининг отаси сифатида зиёлийлар орасида катта обрў-эътибор қозонган Мунаввар Қори Абдурашид-хоновнинг хизматлари жуда катта бўлди.

XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жади́д» мактаблари очилди. Уни битирганлар орасида Туркистон маънавий-маърифий дунёсини миллий уйғонишига кучли ижобий таъсир қиладиган забардаст намоёндалар етишиб чиқди. Унинг биринчи қалдирғочлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шақурий,

Сиддиқий Ажзий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳидий, Лутфулла Олимий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Х.Ҳ.Ниёзий кабилардир. Жаидлар мактаб ва маърифатдан бошланган фаолиятини сиёсий қиёфа касб этгунга қадар давом қилдириб, Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишга уриниш билан энг юқори поғонага кўтарилдилар.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати феодал тузум ва тартибларни танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Европанинг турли тилларини ўрганиш тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалар олға сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Таянч сўз ва иборалар

Россия империяси, Қўқон хонлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги, вассал, Кауфман, Гандимиён шартномаси, Пўлатхон, Насриддинбек, рус-тузем мактаблари, адабиёт, фан, санъат, ижтимоий-фалсафий фанлар, миллий озодлик ҳаракати, Андижон кўзғолони, жаидлар.

Мустақил таълим мавзулари

1. XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари.
2. Ўрта Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасидаги рақобат.
3. Россия империяси қўшинларининг Қўқон хонлигига ҳужуми ва унинг оқибатлари.
4. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши.
5. Россия империясининг Бухоро амирлигини босиб олиниши ва оқибатлари.
6. Самарқанднинг забт этилиши. Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлантирилиши.
7. Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши. Гандимиён шартномаси. Хива хонлигининг Россия вассалига айлантирилиши.
8. Халқ кўзғолонлари ва уларни ҳаракатлантирувчи кучлар.

Назорат саволлари

1. Россия империяси томонидан ўлкада мустамлакачилик сиёсатини ўрнатилишининг оқибатлари.
2. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг ўрнатилиши.
3. Рус-тузем мактабларининг ташкил топиши ва фаолияти.
4. Туркистон халқларининг чоризм мустамлакачилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракати ва унинг босқичлари.
5. Фарғона водийсидаги халқ ҳаракатлари. Қурбонжон додхоҳ, Ёқуббек.
6. 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони.

7. 1898 йилги Андижон қўзғолони.
8. XX аср бошларида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти.
8. Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг юзага келиши.
9. Биринчи жаҳон урушининг ўлкамиз ҳаётига салбий таъсири.
10. 1916 йилдаги халқ қўзғолони ва унинг характери.

Адабиётлар рўйхати

1. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: «Шарқ», 1998 й.
2. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т.: 2001 й.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида. Т.: «Шарқ», 2000 й.
4. Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы. борьба за независимость.-Т., "Ўзбекистон", 2000.
5. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости.// Автор проекта д.и.н Д.Алимова. Т. «Шарқ». 2000.
6. Жадиждчилик: ислоҳот, янгиладиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. //Даврий тўплам. (Таҳрир ҳайъати т.ф.д Д.А.Алимова, т.ф.д С.С.Аъзамхўжаев ва бошқалар) Т., 1999.
7. Муртазаева Р.Х ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Маърузалар матни).Т., 2000.
8. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.
9. Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т., 2009.

10-мавзу. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга ошириган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирлари

Режа:

- 1. 1917 йил феврал инқилобининг ва октябр давлат тўнтаришининг Туркистонга таъсири, ўлкада ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар.**
- 2. «Туркистон Мухторияти» :миллий давлатчиликда янги босқич. ТАССР даврида Туркистон.**
- 3. Туркистонда фан, адабиёт ва унинг ривож.**
- 4. XX аср 20-30 йилларида Туркистонда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт.**
- 5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон**
- 6. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти.**
- 7. Собиқ иттифоқдаги маъмурий буйруқбозлик тизимининг Ўзбекистонга таъсири**

1. 1917 йил феврал инқилобининг ва октябр давлат тўнтаришининг Туркистонга таъсири, ўлкада ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар. 1917 йил февралда Россияда буржуа - демократик инқилоби содир бўлди. Мавжуд чор ҳокимияти бошқарув тизимининг тугатилиши Россия империяси ва унинг турли худудларида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашишига олиб келди. Россияда икки ҳокимиятчилик вужудга келди. Яъни миллий буржуазия вакилларида иборат Муваққат ҳукумат ва ишчи, аскар депутатлари советлари ташкил топди. Туркистон ўлкасидаги сиёсий ўзгаришлардан руҳланган жадиждлар 1917 йил март ойида «**Шўрои Исломия**» ташкилотини туздилар. Унинг таркибидан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, шоир Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Қори, Миркомилбой Мўминбоев, Убайдиллахўжа Асадуллахўжаев, Салимхон Тиллахонов сингари синалган юрт раҳнаомлари ўрин олган эдилар.

Бу пайтга келганда жадиждлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар. Улар онгида мусулмонларни миллий манфатларини назарда тутиш, улар бирлигини мустаҳкамлаш, жипслаштириш масаласини ҳал этиш вазифаси турар эди. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон Қумитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда эди. Бу эса жадиждлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва сиёсий курашлар бошланди.

Бутун Россияда жадал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлаётган бир шароитда **1917 йил 25 октябр**да большевиклар томонидан Петроградда давлат тўнариши содир бўлади. Советларининг II қурултойи чақирилиб,

Петроградда **В.И. Ленин** бошлиқ Совет ҳукумати тузилади. Туркистондаги большевистик ташкилотлар, уларнинг таъсирида Тошкент совети тузилади. 1917 йил 27 октябрда Тошкентда бошланган Қўзғолон натижасида 1 ноябрда Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси ағдарилади. Тошкентда ҳокимияти советлар қўлига ўтди. 1917 йил 15-22 ноябрь кунлари Тошкентда Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советларининг III ўлка қурултойи ҳокимият масаласини ҳал этди. Унда большевик, Колесов бошчилигида Туркистоннинг ишчи-деҳқон ҳукумати, халқ Комиссарлар Совети тузилади. Унинг таркибига 7 большевик ва 8 та меньшевик вакиллар киритилади. Унинг таркибига маҳаллий миллат аҳолисидан бирорта ҳам вакил киритилмади.

Аммо большевиклар томонидан ишлаб чиқилган “Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси”, “Эзилган ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари Декларацияси”, “Россия ва Шарқ мусулмонларига” хитобномаси ҳамда бошқа ҳужжатларда миллатларнинг эрки, ҳуқуқлари, ваколатлари белгилаб берилган эди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Бундан буён сизларнинг урф - одатларингиз, миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий хатларингизни эркин ва бемалол қура берингиз, сизларнинг бунга ҳаққингиз бор”, - дейилган эди.

2. «Туркистон Мухторияти»: миллий давлатчиликда янги босқич. ТАССР даврида Туркистон. Туркистон халқларининг 1917 йил октябр давлат тўнтаришидан кейин большевиклар томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги декретига мувофиқ эълон қилган мустақил давлат шундай ном билан аталган. 1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурилтойи (съезди) бўлиб ўтди. Қурилтойда 27 ноябр куни қабул қилинган қарорда шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатларга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини номоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибидаги ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис мажлисига ҳавола этади”. 28 ноябрда таркиб топаётган янги давлатнинг 8 кишидан иборат таркибда Ҳукумати тузилади:

1. **М.Тинишпаев** – Бош вазир, ички ишлар вазири, II-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, муҳандис.

2. **Ислом Султон Шоаҳмедов** (Шағиаҳмедов) – бош вазир ўринбосари, Бутунроссия мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. **Мустафо Чўқаев** – ташқи ишлар вазири, Туркистон Мусулмонлар Шўроси Марказий қўмитасининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. **Убайдулла Хўжаев** – харбий вазир, Бутунроссия мусулмонлар кенгаши МК аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. **Ҳидоятбек Юрали Агаев** – ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. **Обиджон Маҳмудов** – озиқ-овқат вазири, Қўқон шаҳар думасининг раис ўринбосари, тоғ-кон саноати муҳандиси.

7. **Абдурахмон Ұразаев** – ички ишлар вазирининг ўринбосари, ҳуқуқшунос.

8. **Соломон Абрамович Герцфельд** – молия вазири, ҳуқуқшунос.

Туркистон Мухторияти атиги 72 кун умир кўрган бўлса ҳам у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта баҳоридан аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати бошланиб кетдики, бу ҳаракат большевикларнинг зўравонлигига қарши кураш сифатида 20 йилдан ошиқроқ давом этди.

Туркистодаги совет ҳукумати 1918 йил 14 феввалида Фарона вилояти худудида фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий этади. Улар мухторият вакиллари таслим бўлишга даъват қиладилар. Аини вақтда Тошкентдан Перефильев бошчилигида курулланган кўп сонли кўшинлар етиб келиб Қўқон шаҳари бомбардимон қилинади. Болшевиклар қизил армия вакиллари ва арманларнинг дашноқлар ҳаракати аъзоларидан тузилган курулли кучлардан ҳам фойдаланадилар.

Шу тариқа **Туркистон Мухторияти** ҳукумати қизил аскарлар ва дашноқларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланади. Аммо Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, ўлдириш авжига чиқади. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10 000 га яқин киши ўлдирилади. Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқаев шаҳарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлади. Содир бўлган барча ҳолатлар ўлкада миллий истиқлолчилик ҳаракатини бошланиб кетишига сабаб бўлади. Аҳоли орасидан етишиб чиққан маҳаллий миршабалр, сарбозлар бошчилигида дастлаб Қўқон ва унинг атрофларида, сўнгра бутун Фарғона водийсида озолик ҳаракати кучайиб кетади. Ушбу ҳаракат кейинчалик бутун Туркистон худудларига тарқалиб кетади.

1918 йилнинг 20 апрелидан 1 майгача Тошкентда бўлиб ўтган ўлка Советларининг V курултойида ТАССР Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинади. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Совети тузилганлиги эълон қилинади. Турк МИҚ нинг таркиби 26 кишидан иборат қилиб белгиланади. Ундан 9 нафари маҳаллий миллат вакиллари эди. МИҚ нинг раиси этиб Большевик П. А. Кобозевни сайланади. 1918 йил октябрида бўлган ўлка советларининг VI курултойида ТАССР Конституцияси қабул қилинади ва Туркистон РСФСР нинг таркибий қисми эканлиги қонунлаштирилади.

Туркистон мухториятининг ағдарилиши натижасида Туркистонда ўрнатилган совет ҳокимиятига қарши ҳаракат маркази Фарғона водийси бўлди. Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди. Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари дехқонлар, чоракорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар бўлган.

Миллий ҳаракатнинг бошланиши Кичик Эргаш фаолияти билан боғлиқдир. 1918 йил 27 февралда Қўқон атрофидаги **Бачқир кишлоғи**да бўлган жанглارнинг бирида **Кичик Эргаш** шахид бўлгач, унинг ўрнига

Катта Эргаш озошлик байроғини ўз қўлига олади. Ўлкада вазият янада чигаллашган бир шароитда миллий ҳаракатда бўлиниш содир бўлади. Қўқон атрофларида Катта Эргаш курашга отланган бўлса, Марғилонда эса милициянинг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли Мадаминбек кураш бошлайдилар.

1920 йилда Бухоро амирлигига қарши қизил армия ҳаракатлари бошланади, Бухоро шаҳри бомбардимон қилинади. Саид Олимхон Бухорони қизил аскарлардан тозалаб, ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва ҳокимиятни қўлга олишга интилади. Аммо кучлар тенг эмаслиги боис барча озошлик ҳаракатлари зое кетади. Амир Олимхон 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро кўрбошилариининг курултойида "Ислом лашкарбошиси" унвонига сазовор бўлади ва Бухородаги барча истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони қилиб сайланади. 1921 йил октябрда Туркиянинг собиқ ҳарбий вазири Анвар Подшо Бухоро шаҳрига келади ва советларга қарши кучларга қўшилади. Анвар Подшо Бухоро республикасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг ҳақиқий аъзосига айланади ҳамда унинг бошчилигида Туркистон умумий fronti ташкил этилади. Аёвсиз жангларнинг бирида 1922 йил август ойида Анвар Подшо ҳалок бўлади. 20 йиллар боши ва ўрталарига келиб ҳаракатнинг иккинчи босқичида Иброҳимбек ҳаракатлари ҳам эътиборга моликдир. Аммо унинг томонидан кўрсатилган қаршилиқ ҳаракатлари ҳам етарли самара бермаганлиги тарихий адабиётларда қайд этилади.

Миллий истиқлолчилик ҳаракати Хоразмда ҳам жиддий тус олади. Қуролли курашга асли келиб чиқиши туркман Жунайидхон бошчилик қилади. 1918 йил октябр ойида, Ёш хиваликлар аралашуви натижасида Жунайидхон ва Асфандиёрхон ўртасига низо келиб чиқади. Бундан фойдаланган Жунайидхон Асфандиёрхонни ўлдириб, унинг ўрнига акаси Сайид Абдуллохонни хон деб эълон қилади. Жунайидхон Хива хонлиги ҳудудида болшевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилар эди. 1918 йил ноябр ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил қилинган совет ҳукуматида қарши Жунайидхон бир неча маротаба урушлар олиб боради. 1919 йил апрел ойида совет ҳукумати билан Жунайидхон ўртасида Хива яқинидаги **Тахта** қишлоғида шартнома тузилади. Аммо унга иккала томон ҳам амал қилмади.

XX аср бошларида ҳам Россия империясининг ярим мустамлакаси ҳисобланган Хива хонлигидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, бошқарув тизими чор босқинига қадар шаклланган ҳолатда қолган эди. Мамлакатда хон бошлиқ феодал амалдорлар, диндор руҳонийлар мамлакат бошқарувида чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, иқтисодий ҳаётда эса ерга эгалик муносабатлари ҳам аввалгидек сақланиб қолган эди.

XX аср биринчи чорагида бутун Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги каби Хива хонлигида ҳам халқ ҳаракатининг мафкуравий асосини жадидчилик ҳаракати, жадидчилик ғоялари ташкил этар эди. 1920 йил 1 февралда Жунайидхон қўшинларини тор-мор қилган қизил армия Хива шаҳрига кириб боради, 2 феврал куни сўнгги Хива хони **Сайид Абдуллохон**

тахтдан воз кечади. Хивада Жуманиёз Султонмуродов раислигида Муваққат инқилобий кўмита ташкил этилади. 1920 йил 26-30 апрел кунлари Хоразм меҳнаткашларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтади, унда Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинади. **XXСР** нинг Полвонниёз Ҳожи Юсупов раислигида Халқ Нозирлар кенгаши тузилади.

3. Туркистонда фан, адабиёт ва унинг рвожи. Бу даврга келиб ўлкада адабиёт, санъат, тарих, археология соҳаларида маълум ютуқларга эришилди. Айниқса газета ва журналлар чоп эътиш ва халқни маърифатли қилиш жадидларнинг азалий орзуси эди. Шу мақсадда улар Тошкентда “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Турк эли”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Шўрои ислом”, Самарқандда “Ойна”, “Хуррият”, Бухорода “Турон”, “Бухорои шариф”, Қўқонда “Садои Фарғона”, “Тирик сўз” номли газеталарини чоп эттира бошладилар.

Юқорида номлари келтириб ўтилган газеталар ва журналларда ўзбек миллий зиёлилари ва журналистлари катта жонбозлик билан меҳнат қилдилар ва улар орасида Бехбудий, Хуршид, Мунаввар қори, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов ва бошқалар энг сермахсул журналистлар бўлиб етишдилар. Биргина Бехбудийнинг ўзи турли рўзнамаларда 300 га яқин мақолаларини чоп эттирган эди.

Шу тариқа XIX аср охири – XX аср бошларида миллий адабиёт ва журналистика, матбуот соҳаларида етук кишиларнинг етишиб чиқиши ва уларнинг миллий онг ҳамда ўзликни англаш борасида қилган меҳнатлари миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига йўл қўймади. Айниқса тарих илми ва фалсафий қарашларга бўлган қизиқиш заррача сусаймади. Чунки халқларимиз қадимги даврларданок тарих илмини ғоятга қадрлаганлар тарихни бузиб кўрсатишга асло йўл қўймаганлар. Бу даврда ҳам тарих илмини ривож топтирилганлиги ёзилган кўплаб тарихий асарлар мисолида яққол кўринади.

Бу даврда яшаб ижод қилган энг машҳур тарихчилардан бири Аҳмад Дониш эди (1827-1897). Гарчи Аҳмад Дониш фаннинг бир қанча соҳаларида ижод қилган бўлсада, унинг қолдирган тарих илмига мансуб асарларига асосланган ҳолда уни ҳақли равишда тарихчи деб аташимиз мумкин. Чунки бу даврда яшаган тарихчилар орасида Аҳмад Дониш ўзининг Бухоро амирлигини тарихини мукаммал билиши билан ажралиб туради. «Наводур – ул вақое» ҳамда «Бухоройи шариф аз амир Дониёл то амир Абдулахад» асарлари Аҳмад Дониш қаламига мансубдир.

Бухоро амирлиги тарихининг билимдонларидан яна бири Мирзо Абдуазим Сомий Бўстонийдир (1833-1914). У амир Музаффар даврида амирнинг шахсий муншиси бўлган бўлса, амир Абдулахад даврида амирга қарши фикрлари учун саройдан четлаштирилган эди. Сомийнинг тарих соҳасида ёзган «Тухфаи шоҳий» ва «Тарихи солотини манғития» асарлари машҳурдир. Тарих фани мозий илмига маърифат ва ҳақиқат чироғи деб қараган, Хоразм тарихшунослиги мактабида йирик намоёндаси Муҳаммад Юсуф Баёний ўз даврини йирик муаррихларидан саналган. Тарихни

фақатгина ростгўйлик ва ҳаққоний ёзиш лозимлигини қаттиқ талаб қилган муарриқдан «Хоразм тарихи» ва «Шажараи Хоразмшоҳий» асарлари бугунги кунда қиматли манбалар ҳисобланади. Бу асарларда Баёний Хоразм тарихини ёритиш билан бирга чор Россиясининг мустамлакачилик урушлари тарихини ҳам ёритиб берган.

XIX аср иккинчи ярмида ва XX асрда яшаб ижод қилган тарихчилар қаторига Мирзо Салимбек «Тарихи Салимий», Абу Тохирхожа «Самария», кўкон тарихшунослик мактаби вакилларида Мулло Олим Махдумхожа «Тарихи Туркистон», Муҳаммад Солих Тошкандий «Тарихий жадиди Тошканд», Мулло Ниёз Муҳаммад «Тарихи Шоҳрухий», Муҳаммад Юнус Тоиб «Тарихи Алиқули Амирлашкар», Муҳаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий», Фозилбек Отабек ўғли «Мукамал тарихи Фарғона», Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий «Тарихи Жаҳоннамои», Ибрат «Тарихи Фарғона» каби тарихчиларни ва улар томонидан ёзилган тарихий асарларни киритиш мумкин. Бу асарларнинг аксариятида кўкон хонлиги тарихини ёритиб бериш билан бирга чор Россиясининг мустамлакачилик истилолари ва маҳаллий халқларнинг мустамлакачиларга қарши эрк ва озодлик учун олиб борган курашлари ҳаққоний ва тарихийлик нуқтаи – назаридан ҳолисона ёритиб берилган. Шунинг учун бу асарлар бугунги кунда ўша давр тарихини ўрганишдаги энг муҳим манбалар саналади.

Бу даврда Туркистонда археология соҳаси ҳам тараққий эта бошлади. Бироқ бу даврда олиб борилган археологик тадқиқотларга пала – партиш ва асосан талончилик, маҳаллий халқларнинг миллий бойликларини ўмариш мақсадида амалга оширила бошланди. Россия Фанлар Академияси орқали бу ерга археологик тадқиқотлар олиб бориш учун юборилган ҳар бир мутахассиснинг олдида улар айнан қайси соҳа ва нималарни қўлга киритиш лозимлиги ҳақида маҳсус кўрсатма бериларди. Натижада, XIX аср охирига келиб ўлкадан жуда кўплаб нодир ва қимматли бўлган ашёлар ва бошқалар Россия марказига ташиб кетила бошланди.

Бунда рус археологлари маҳаллий ҳаваскор археологлар ёрдамига таяндилар. Шундай ҳаваскорлардан бири кейинчалик археология жамиятига аъзо қилиб олинган савдогар Акрам Асқаровнинг «жонбозлиги» билан халқимизга тегишли бўлган 14 мингдан ортиқ олтин ва бошқа нодир тангалар, 200 дан ортиқ турли осори атиқалар Эрмитажга жойлаштирилди. Унинг воситачилиги орқасида маҳаллий тарихчиларимиз томонидан ёзилган ажойиб тарихий асарларнинг асл қўлёзмалари рус шарқшунослари томонидан Россияга олиб кетилди.

Шунга қарамай, археология соҳасида Вяткин томонидан Улуғбек расадхонасининг топилишини бу соҳадаги чинакам ютуқ деб ҳисоблашимиз лозимдир.

Россия фанлар Академияси шарқшунос олимлари томонидан тўпланган барча ноёб бадий тарихий илмий асарлар 1870 йилда ташкил этилган Туркистон генерал губернаторлиги ҳузуридаги кутубхона ихтиёрига топширилди ва улар орасидан энг нодирлари танлаб олингач, Россия марказига жўнатилди. Туркистон ўлкасида рус олимлари географик ва

табий соҳаларда ҳам кенг кўламли тадқиқотларни олиб боришга киришдилар. Улар жиддий равишда илмий мазмундаги изланишларни амалга оширдилар. Аммо бундан рус олимлари Туркистон учун фойдали мақсадларни кўзлаб тадқиқотлар олиб бордилар деб бўлмайди. Масалан, хариталаштириш ишлари энг биринчи навбатда рус ҳарбийлари учун, ниҳоятда, зарур бўлган. Тоғ - кон ишлари эса рус ҳарбий саноати ёки саноат ишлаб чиқариши учун фойдали хом- ашёларни кўлга киритиш мақсадида амалга оширилган. Шунинг учун ҳам бу ерда тадқиқот олиб бораётган рус олимларини ҳарбий вазирлик ёки манфаатдор саноатчилар маблағ билан таъминлаганлар.

Илмий тадқиқотлар турли соҳаларда амалга оширилди. Машҳур рус зоологларидан бири Н.А.Серевцов (1827-1886) катта текширишлар олиб борди. У «дунё томи» ҳисобланган Помир тизимларини ўрганиб чиқди ва зоология, ботаника, минерология соҳаларида катта ютуқларга эришди. П.П. Семенов Тяньшанский (1827-1914) Тяньшань тоғ тизмаларида музликлар ва вулқонлар тўғрисида қимматли манбаларни кўлга киритди. Табиатшунос А.П.Федченко (1844-1873) Фарғона водийси ва Олойни, шунингдек, Зарафшон водийси билан қизилқум чўллариини ҳам текшириб чиқиб, табиатшунослик соҳасида катта маълумотларни фанга маълум қилди. Геология ва география соҳасида тадқиқот ишлари олиб борган И.В. Мушкетов (1850-1902) шимолий Тяньшань тоғ тизмаларининг геологик асосларини аниқлади. Шунингдек, Туркистондаги мавжуд бўлган фойдали қазилмалар харитасини тузиб чиқди. Бундан ташқари Г.Д. Романовский билан биргаликда Туркистоннинг биринчи минерологик харитасини тузди. И.В.Мушкетов ўз ишларининг барчасини умумлашган ҳолда «Ўрат Осиёни ўрганиш тарихи» асарида кўрсатиб берди.

Табиатшунос олимлардан яна бири В.В.Докучаев Ўрта Осиё тупроқларини таркибини ўрганиш соҳасида бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

XIX асрнинг охириги чорагида Туркистонда бир қанча илмий муассасалар ҳам ташкил этилди. Жумладан, 1867 йилда Тошкентда биринчи метеорология станция иш бошлади. Бу ерда ўлканинг иқлими кенг кўламда ўрганила бошлади. 1870 йилда эса Тошкентда Туркистон халқ кутубхонаси ташкил этилди. 1874 йилда обсерватория очилди. Шу йили Осиё олимлари жамияти тузилди. Бу жамият ўз олдида тарих, география, этнография, статистика, иқтисодга оид маълумотларни ўрганишни мақсад қилиб қўйган эди. Туркистон ўлкасида жами 15 га яқин илмий жамиятлар илмий тадқиқотлар билан шуғулланган бўлиб, уларнинг изланишлари натижаси ўлкадаги илмий соҳадаги ишлар ҳам сезиларли даражада ижобий натижаларга эришди. Бироқ рус олимларининг олиб борган тадқиқотлари натижасида кўлга киритилган ютуқлар Россия фойдасига ўзлаштирилди ва кўп ҳолларда маҳаллий халқларнинг бу ютуқларидан манфаатдор бўлишларига йўл қўйилмади.

4. XX аср 20-30 йилларида Туркистонда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт. 1918 йил 20 апрелида советларнинг V ўлка съездида РСФСР

билан Туркистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари расмийлаштирилиб, Туркистоннинг Россия таркибидаги автоном республика деб эълон қилди. Қабул қилинган Туркистон АССР Конституцияси Туркистонга РСФСР доирасида ўз бюджетини белгилаш, солиқлар тайинлаш ва заёмлар чиқариш ҳуқуқларини берди.

Биринчи жаҳон ва фуқаролар уруши тугугандан сўнг ўлкадаги ҳарбий, иқтисодий вазият жуда мураккаб эди. Фуқаролар уруши туфайли Туркистон ҳам ҳарбий халқа ичида қолган, хўжалик соҳалари издан чиққан, аҳолининг турмуш тарзи янада оғир аҳволда эди. Янги ўрнатилган совет ҳукуматини мустаҳкамлаш учун марказ ижтимоий, иқтисодий тадбирларини амалга ошириш, солиқ масалалари ва молиявий масалаларни кўриб чиқа бошлади. Энг оғир муаммо озиқ-овқат муаммоси бўлиб, 1918 йилда Туркистон Халқ Комиссарлигининг озиқ-овқат бўлими очилади. Шу мақсадда 1918 йил июнь ойида озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш учун “Озиқ-овқат директорияси” ташкил этилади.

Бу жараёнлар объектив тарзда 1919 йилда жорий этилган «**Ҳарбий коммунизм**» сиёсати билан боғлиқ эди. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши натижасида ҳарбийлашган жамият вужудга келдики, унинг асосий белгилари қуйидагиларда акс этди:

1. Бутун саноат ишлаб чиқариши давлат қўлида тўпланиб, у қаттиқ марказлаштириш асосида бошқариладиган бўлди;
2. Ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткаси (таксимот) жорий қилинди, яъни деҳқонлар ортиқча озиқ-овқатни давлатга топширар, таксимот эса давлат қўлига ўтди;
3. Озиқ овқатнинг меъёр билан тақсимланиши жорий қилинди;
4. Хусусий мулкка эгалик қилиш ва хусусий савдо бекор қилинди;
5. Пул муомаласи натура билан алмаштирилди;
6. Меҳнатга яроқли аҳолининг барчаси мажбурий меҳнатга тортилди. Хўжалик юритишнинг меҳнатга мажбур қилиш мусодара усуллари жорий қилинди.

Бу фавқулотда чора-тадбирлар бевосита Россияни тезроқ фуқаролар урушидан чиқариш учун амалга оширилиб, бутун жамиятда ҳарбийча назорат ўрнатилди. Шундай шароитда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, энг аввало, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим муаммолардан бирига айланган эди. Ҳукумат эса аҳоли(асосан бой-бадавлат мулкдорлар) қўлидаги ғаллани ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб ола бошлади.

Ҳокимият вакиллари ўз ҳолича молиявий тадбирларни амалга ошира бошладилар. Мусодара қилинган фабрика ва заводлар, банклардаги ресурслар ва контрибуция кутилган натижани бермади. Солиқларни тўплаш ва ундириш билан шуғулланувчи маҳкамалар ўз вақтида иш олиб бормаганлиги туфайли ҳатто РСФСР да жорий қилинган 10 млрд. сўмлик фавқулодда инқилобий солиқ ҳам йиғиб олинмади. Фақат 1919 йил охиридагина Туркистонда (Турккомиссия) солиқлар бўйича бошбодокликни тугатиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказишга киришди холос.

Аслида “Ҳарбий коммунизм” сиёсати мавжуд тузумнинг ҳақиқий ижтимоий аҳамиятини йўққа чиқарди. Товар айрибошлаш билан бир қаторда натурал солиқ ҳам жорий қилинди. Бу солиқ ТМИК ва Туркистон ХКС нинг 1918 йил 2 августдаги қарори билан жорий қилинган бўлиб у 1919 йилда яна оширилади. Узоқ йиллар мобайнида солиқлардан озод этилган масжидлар ва мадрасалари учун ҳамда вақф мулклари учун ҳам солиқлар жорий этилади. Бу эса халқнинг норозилигига сабаб бўлади. Шу сабабли 1921 йил 9 февралда Молия халқ комиссарлиги Туркистон аъзо бўлган РСФСР худудида ҳар қандай солиқ олишни вақтинчалиқ тўхтатиб туришга кўрсатма беради. 1921 йил 21 мартдан бошлаб озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши ва 1921 йил 24 майдаги “Айрибошлаш тўғрисида” ги қонунлар қабул қилиниши ўлкада ҳарбий коммунизм сиёсатидан “Янги иқтисодий сиёсат” га ўтиш учун асос бўлди.

Агар рақамларга мурожаат қилинса, озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очикдан-очик талашга айланиб кетади. Жумладан, Туркистон Республикасидаги озиқ-овқат тўпловчи махсус отряд (“прод отряд”) лар фақат 1920-1921 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли кўлидан 9708703 пуд ғалла, 6358144 пуд ем-хашак, 1606210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олган. Буни Бутунроссияда бошланган ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрстка (озиқ-овқат тақсимоти) натижасида Туркистоннинг маҳаллий аҳолисидан қуйидаги турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар натурал солиқ сифатида йиғиб олинганлиги ҳам тасдиқлайди:

а) 1918-1919 йилларда зўрлик ва товар айрибошлаш (аслида деҳқонга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4500000 пуд ғалла;

б) 1920-1921 йилларда товар монополияси ва товар айрибошлаш йўли билан 5250000 пуд ғалла;

в) 1920-1921 йилларда озиқ-овқат развёрсткаси воситасида белгиланган 22500000 пуд ўрнига 97 00000 пуд ғалла;

г) 1921-1922 йилларда озиқ-овқат солиғи ҳисобланган 125 00000 пуд ўрнига 4000 0000 пуд ғалла тортиб олинган.

“Ҳарбий коммунизм” сиёсати фуқаролар уруши йилларига тўғри келганлиги боис, Роосиянинг бошқа ҳудудлари қатори Туркистон халқа ичида қолиб, ҳарбий жиҳатдан ҳар томонлама қамраб олиниб, жойларда ўрнатилган совет ҳукуматини мустаҳкамлаш молиявий масалалар билан боғлиқ эди. Мавжуд иқтисодий ва молиявий вазиятни юмшатиш учун ҳукумат томонидан жорий қилинган товар алмашиниш билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш учун натурал солиқ ҳам жорий қилинади. Бу солиқ муҳим иқтисодий дастак бўлиб, у асосан деҳқонларга ва ҳунармандларга жорий қилинади. Ушбу солиқ Туркистонда Россиядагидан кўра кенгроқ тарқалди, чунки у ўлкадаги ўзига ҳос миллий хусусиятларни ҳисобга олган эди. Бу солиқ Туркистон Марказий Ижроия Комиттети ва Халқ Комиссарлари Советининг буйруғи билан ҳосилдан ажратиладиган фоизлар ҳисобида белгиланди, бир йилдан кейин эса яна оширилди.

Буни қуйидаги мисол ҳам тасдиқлайди. Яъни ўлкада “Ғалла монополияси тўғрисида” ги, “Синфий нон паёғи тўғрисида” ги, “Туркистон

Республикасида озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан Озиқ-овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида” ги декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда озиқ-овқат солиғи бўйича махсус диктатура жорий қилинади.

Маҳаллий аҳоли ижтимоий келиб чиқиши, миллати, эътиқодидан қатъий назар барча солиқ ва тўловларни тўлашга мажбур бўлганлар. Яъни, “Ҳарбий коммунизм” даврида ўлкада кўйидаги солиқ турлари амалда бўлган:

- ер солиқлари (поземельные подати и налоги);
- диний муассасалардан олинган солиқлар (земские сборы, земство солиқлари);
- ижтимоий солиқлар (налоги на общественные нужды)
- натурал солиқлар;
- маъмурий органлардан олинган солиқлар;
- ишлаб чиқариш (даромад солиқлари) солиқлари ва “ўтов солиқ” лари шулар жумласидандир.

Ўз ўрнида ер солиқлари ва даромад солиғи бир қанча турларга бўлинган. Хусусан, ҳар бир қишлоқ жамоаси, овуллар, волостлардаги хусусий ерлар, амлок ерлари, вақф ерларидан, ишлаб чиқариш корхоналаридан, мактаблардан, мироблардан, қишлоқ хўжалик қурулларидан ҳам тегишли йиғим (солиқлар) олинган.

Большевиклар эса гўёки, камбағаллар манфаатига қараб иш олиб борганликларини кўрсатиш учун натура шаклида солиқ ундириш баҳонасида ортиқча ғаллани яширган кишилар монополия тўғрисидаги декрет билан “республика душманлари”, “пролетариатга қарши оғир жиноятга айбдор” кишилар, деб ҳисобланиб, бундай ваколат камбағаллар ва ночор кишиларга тегишли эмаслигини исботлашга интилар эди.

Яна муҳим тадбирлардан бири, 1919 йил 4 июнда ўлкада “Синфий нон паёғи тўғрисида” ги декретга мувофиқ карточка тизими жорий қилинади. Яъни, барча истемолчилар 3 тоифага бўлинди: ишчига кунига 1 қадоқ (масъул ходимлар ҳам ишчи билан тенглаштирилганди), буржуазияга – ¼ қадоқ нон берилиши керак эди. Темир йўлчиларга ¼ қадоқ миқдорида кўшимча паёк берилар эди. Нонни шу тариқа адолатсизлик билан тақсимлаш маҳаллий аҳолида норозилик уйғотди. Масалан, аҳолисининг сони ҳар хил бўлгани ҳолда Тошкентнинг янги (асосан европалик аҳоли вакиллари яшовчи қисм) ва эски қисмига тарқатиладиган махсулотлар миқдори ва сифатида турлича фарқлар бўлган.

Аммо “Ҳарбий коммунизм” нинг дастлабки йилларида озиқ-овқат, мулк ва солиққа тегишли бундай ёндашув узоқ сақланиб қолмади. Шу боис, ҳукумат давлатга қаршли бўлмаган, маҳаллий бой-бадавлат мулкдорлар кўлидаги мол-мулкни мажбурий ундириш йўлига ўтади. Бунинг яққол исботи сифатида 1918 йил 26 февралда “Ўлкада пахтани мусодара қилиш тўғрисида” ги декретни мисол қилиш мумкин. Натижада, Туркистонда мавжуд ширкатлар, шахсий ерлардаги бутун пахта хом ашёси ва махсулотлари мусодара қилина бошланди. Гўёки улар айрим кишиларнинг эмас, балки,

давлатнинг, Туркистон ўлкаси “ишчи-деҳқон ҳукуматининг мулки”, деб эълон қилинди.

Ўлкада пахта монокультураси ўзининг юқори чўққисига чиқиб, пахтага фақат бир ёклама ёндашиш, уни етиштиришни “рекорд даража”га кўтариш сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги, экология, аҳоли турмуш тарзида салбий из қолдирди. Пахта етиштирилаётган хўжаликлар ва ерларга солинаётган солиқ ортиб борди, Пахта етиштиришдаги бирёкламалик натижасида пахта монокультураси ёки “пахта мустақиллиги учун кураш социализм учун кураш” шиори остидаги ғайриэкологик сиёсат оқибатида ўлкада мева сабзавот етиштирилмаган ерлар камайиб кетди.

1918 йил охирлари ва 1919 йил бошларида 140 дан ортиқ завод ва йирик пахтачилик фирмалари, 400 га яқин кичик корхоналар мулки давлат тасарруфига ўтказилди. Яъни, 2 млн. 657 минг пуд пахта толаси, 413,09 пуд уруғлик чигит, 476,8 пуд гўшт ва бошқа нарсалар тортиб олинди. Биргина 1917 йилдан 1919 йилгача натурал солиқ сифатида ундирилган камида 1 млн. пуддан ортиқ дон Россияга жўнатилган.

Худди Россиядагидек республикада савдо-сотикқа қарши маъмурий чоралар билан курашишга уриниб кўрилди, “Ҳарбий коммунизм” талаблари асосида тез орада эса бозорлар бутунлай бекитилди. Аҳолининг кўп асрлик савдо, маиший, маънавий анъаналари ҳисобга олинадиган бўлса, иқтисодий жиҳатдан бемаъни бўлган бу чора унчалик тўғри келмас эди. Хусусий савдони йўқ қилишга ҳатто ишчиларнинг бир қисми қарши чиқди. Натижада, айниқса шаҳарларда саноат корхоналари кам бўлганлигидан иш тополмай, саргардон бўлиб юрувчилар кўпая бошлади. Улар асосан мардикорлик билан банд бўлар эдилар. Қишлоқларда эса катта ер эгалари янги агротехникани жорий қилиш учун маблағ сарф қилишдан кўра чорикор ва мардикорлардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишни афзал кўрар эдилар. Натижада йирик хўжаликлар ерларни бўлиб, чоракор деҳқонларга ижарага бериб, улардан ундирилган ер рентаси ҳисобига бойиб борганлар.

Қишлоқ меҳнаткашларининг аҳоли солиқлар ва йиғим тўловлар билан янада мушкуллашган. Солиқлар йилдан-йилга кўпая борган. Маълумотларга қараганда, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида бундай солиқлар 1919 йил охирларида 425 минг сўмга ошган. Яна ўша маълумотларга кўра, икки йил ичида қишлоқ солиқларининг кўлами Тошкент уездида 2 марта, Қўқонда —2,5, Жиззахда —3, Хўжанд уездида—4 марта кўпайган. Умумий солиқлардан ташқари, деҳқонлар кўп хил қўшимча солиқлар тўлаши, ҳар хил натурал мажбуриятларни бажариши (ариқ қазиш, волост бошлиқлари, оқсоқолларга ҳақ тўлаши ва бошқаларни бажариш) керак эди.

Бундай шароитда ҳокимият вакиллари ўз ҳолича молиявий тадбирларни амалга ошира бошлайдилар. Натижада мусодара қилинган фабрика ва заводлар, банклардаги ресурслар ва контрибуция тадбирлари кутилган натижани бермайди. Солиқларни тўплаш ва ундириш билан шуғулланувчи маҳкамалар ўз вақтида солиқларни йиғиб олмаганлиги туфайли ҳатто РСФСР да жорий қилинган 10 млрд фавқулодда инқилобий солиқ ҳам тўлиқ тўплаб олинмайди. Ҳукумат 1919 йил охиридагина Туркистонда “Турккомиссия”

солиқлар бўйича “бошбодокликни тугатиш” шиори остида қатор тадбирлар ўтказишга киришади.

Бу 1921 йилда РКП (б) Марказий Қўмитасининг X съездида қабул қилинган «**Янги иқтисодий сиёсат тўғриси**»даги янги қоидада ўз ифодасини топган ва у янгича тизимга ўтишни тақозо этар эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим тартиблари қуйидагилар эди:

- озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаш-тирилиши;
- савдо-сотикни эркинлаштирилиши, саноатда ва хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусий тадбиркорликка қисман рухсат бериш;
- бозор механизмларидан қисман фойдаланиш;
- вақтинча ижарага олиш ва ёлланма меҳнатни яна қайтадан жорий қилиш ва ҳоказоларда ўз аксини топди.

Юқорида қайд этилганидек “Янги иқтисодий сиёсат”га ўтилиши муносабати билан Туркистон иқтисодий ҳаётида жонланиш содир бўлиши билан бирга, аҳоли ижтимоий турмушида бирмунча ўзгаришлар юз бера бошлади. Аммо халқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин эгаллаган бўлиб, давлат даромадининг асосий қисми яъни солиқлар ҳам асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинаётган эди. Майда товар ишлаб чиқарувчилар эса эндигина шаклланган талабларга тўла мослаша олмаган, имтиёзли солиқ имкониятларига эга эмас эдилар.

Ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткасининг жорий этилиши маҳаллий раҳбарлар, ката ер эгалари ўртасида анчагина норзиликларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Бу эса аҳолининг турмуш тарзини янада оғирлаштириб юборади.

“Янги иқтисодий сиёсат”га ўтилиши муносабати билан Туркистон иқтисодий ҳаётида жонланиш содир бўлиши билан бирга, аҳоли ижтимоий турмушида бирмунча ўзгаришлар юз бера бошлади. Аммо халқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин эгаллаган бўлиб, давлат даромадининг асосий қисми яъни солиқлар ҳам асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинаётган эди. Майда товар ишлаб чиқарувчилар эса эндигина шаклланган талабларга тўла мослаша олмаган, имтиёзли солиқ имкониятларига эга эмас эдилар.

1920 йилда янги типдаги ХХСР ва БХСР ташкил топиши арафасида ва ундан сўнг ҳукумат олдида турган энг муҳим масалалардан бири, ер-сув масаласини ҳал қилиш эди. 1920 йил 30 сентябрда Бухоро Марказий Ревкоми «**Ер тўғрисида**» ги декретни қабул қилади. Декретга мувофиқ собиқ амир, унинг қариндошлари ва амалдорлари қўлида тўпланган ер, мол-мулк мусодара қилиниши керак эди. Шунингдек, декретга кўра, «амлок» ер эгаллиги ва айрим солиқлар бекор қилинади. Манбаларда қайд этилишича, фақатгина эски Бухор ва Чоржўй беклигида собиқ амир ва бекларга қарашли 10000 таноб ер мусодара қилинади.

Аграр ўлкага хос тизимни яратиш мақсадида ушбу даврда қишлоқ хўжалигида совет тузуми талабларига жавоб берадиган ягона солиқ тизими жорий қилинади. Унга кўра, 10 таноб ерга эга бўлган юқори ҳосилли ерлардан 2 сўм 50 тийин, ўртача ҳосилли ерлардан 2 сўм, кам ҳосилли

ерлардан 1 сўм 50 тийин солиқ олинган, 10 танобдан ортиқ ерга эга бўлганлар 2 сўмдан 3 сўмгача солиқ тўлашлари зарур эди. 1923 йилга келиб қишлоқ хўжалигида ягона солиқ тизими таркиб топди.

“Янги иқтисодий сиёсат” шароитида содир бўлган қисман ўзгаришлар ва ислохотлар туфайли 1922-1923 йиллар давомида қишлоқ хўжалигидаги 4 хил солиқ (натурал, фуқаролик пул ва меҳнат солиқлари) ўрнига ягона қишлоқ хўжалик солиғи жорий этилди. Ягона қишлоқ хўжалик солиғи жорий этишдан мақсад тушумлар миқдорини ошириш бўлиб, 1923 йилдаёқ уларнинг улуши умумий 62,3 фоизни ташкил этган.

Гувоҳи бўлганингиздек, XX аср биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий тузумнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатнинг солиқ ва молия тизими Туркистон халқлари яратган бойликларини метрополия манфаатлари учун фойдаланишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб келди. Солиқ ва молия муносабатларини янги шароитларга мослаштириш, давлат аҳамиятидаги тадбирлардан бирига айланиб кетди ҳамда у ўзининг иқтисодий ва молиявий натижаларини кўрсатди.

XX аср 20 йилларидаги сиёсий жараёнлар Бухоро амирлигидаги ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқдир. Жумладан, 1920 йил 25 августда Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе қизил аскарларга Бухорони босиб олиш учун буйруқ беради.

1920 йил 29 августда Чоржуйда амир тузумига қарши “халқ кўзолони” бошланиши совет кўшинларининг кўзолончи кучларни ҳимоя қилиб, Бухорога қарши уруш ҳаракатларини бошлашига баҳона бўлади. Амир лашкари сон жиҳатидан кўп бўлгани билан, унинг қуролланиш даражаси нисбатан анча заиф эди. Совет кўшинлари амирликнинг Чоржуй, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз ва бошқа ҳудудларини эгаллаб, Бухорога томон силжийдилар. Бухоро ва унинг аҳолиси советлар ҳужуми чоида мисилсиз зарар кўрди. Шаҳар кўп бор ҳаводан бомбардимон қилиниб, вайрон этилади. Амир Олимхон 1920 йил 2 сентябрда Бухорони тарк этишга мажбур бўлади. Ҳокимият Муваққат Бутунбухоро Инкилобий кўмитаси қўлига ўтади. 1920 йил 14 сентябрда БКП МҚ Муваққат Умумбухоро инкилобий кўмитаси ва Халқ Нозирлар Кенгаши конун чиқарувчи олим орган - Умумбухоро Инкилобий кўмитаси тузилганлигини эълон қилади. **Файзулла Хўжаев Халқ Нозирлар Кенгаши раиси** этиб тайинланади. Большевиклар томонидан амир ҳокимияти ағдарилгач, Ф.Хўжаев БХСРнинг ташқи ишлар нозири (1920-1924), ҳарбий ишлар нозири (1921-1924) лавозимларида ҳам ишлайди.

1920 йил 6-8 октябрда амирнинг ёзги саройи-Ситорайи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 1 қурултойида **Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)** тузилганлиги эълон қилинади. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Қурултой давлат ҳокимиятининг конун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инкилобий кўмитаси, Бухоро Халқ Нозирлар Кенгаши ҳукумат таркибини 1920 йил октябр-ноябр ойларида БХСР билан РСФСР ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий аҳдлашув ва шартнома тузилади.

1921 йил 4 мартда ҳар икки давлат ўртасида Иттифоқ шартномаси имзоланади. Бунга кўра Бухоро давлатининг Совет Россиясига тобелиги ва айниқса ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан унга ҳар томонлама боғлиқлиги ўз қонуний ифодасини топганди. Бу эса Россия Федерацияси ва унинг Туркистондаги ваколатли органларига Бухоро Республикаси ички ишларига бевосита аралашиб, у ердаги ўзгаришларни назорат этиш ва унинг аниқ социалистик мақсадлар сари йўналтириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бухоро Республикасининг 1921 йил сентябрида қабул қилинган Конституцияси ҳам РСФСР Конституцияси андозасида тузилган эди.

Ҳуқуқ Марказ ташаббуси билан 1923 йил мартда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгазининг тузилади ва унга Бухоро давлати ҳам жалб қилинади. Шу тариқа республика ҳудудида социалистик ўзгаришлар изчил амалга оширилади бошланди. Бу эса аста-секинлик билан Бухоронинг мустақил давлат сифатида тугатилиши учун қўйилган дастлабки қадам эди.

Совет ҳукумати «социалистик қурилиш» тактикасини янгилаб, 1921 йилдан эътиборан «Янги иқтисодий сиёсат»га ўтгандан сўнг мазкур жамият режаларини рўёбга чиқаришнинг муайян имкониятлари пайдо бўлди. РКП (Б) Ўрта Осиё бюроси «меҳнаткаш деҳқонлар» орасида совет ҳукуматининг обрўсини оширишга интилди. Умуман совет жамиятига хос бошқарув сиёсатининг тобора такомиллашиб бориши, ишлаб чиқаришнинг марказда тўпланиши, давлатнинг ишлаб чиқариш ва халқ хўжалиги молларига нисбатан марказлаштирилган сиёсати олиб борилди.

Шу мақсадда **1920-1921 йиллардаги ер-сув ислоҳотининг** амалга оширилиши Янги Иқтисодий Сиёсат (НЭП) билан бирга олиб борилди. Янги иқтисодий сиёсатдан кўзланган мақсад - маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка деҳқонларнинг манфаатини ошириш, унинг ерга эгаллик қилишини таъминлаш, имтиёзли солиқ олиш ва бозор иқтисодиёти, товар-пул муносабатларига ўтиш эди. Унинг асосий бўғинларини, ғайта монополиясининг бекор қилиниши, озиқ-овқат развёрткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши, эркин савдо, саноатда хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг жорий қилиниши ташкил этди.

Маълумки, 1922 йил 30 декабрда СССР ташкил топган эди. Унинг таркибидаги республикалар суверен ҳуқуқлар ва реал мустақилликка эга эмас эдилар. Ўзбекистон ҳам СССР таркибидаги иттифоқдош республика ҳисобланган. Тарихан таркиб топган учта хонликларни тугатиб, ўрнига янги тузилмаларни вужудга келтириш марказ ва ўлкадаги болшевик раҳбарлар ташаббуси эди. 1920 йил бошидаёқ, Турккомиссия Туркистон АССРни бўлиб ташлаб, миллий тил белгисига қараб мухтор республикалар ташкил қилиш масаласини қўйган эди. Бу ўша йили июн ойида РКП (б) нинг Туркистонга оид қабул қилган ҳужжатларида ўз аксини топди. В.И Ленин Туркистоннинг "Ўзбекия, Қирғизия, Туркмания" га бўлинган харитасини тузиш кераклигини бир неча бор уқтирган эди. Туркистонни миллий жиҳатдан қайта чегаралаш марказ ва РКП(б) Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилда қатъийлик билан амалга оширилди.

1925 йилнинг 13 февralида ЎзССР Советларининг Бухорода очилган Умумўзбек курултойида "Ўзбекистон ССР тузилгани тўғрисида декларация" қабул қилинади. 1925 йил 13 майда Иттифоқ советларининг 3 курултойида Ўзбекистон Республикаси ССР таркибига киритилди. Ўзбекистон ССР советлари МИҚнинг раиси этиб **Йўлдош Охунбобоев** сайланади. Ўзбекистон ХКС раиси этиб **Файзулла Хўжаев** тайинланди. Ўзбекистон ССР таркибига Туркистон АССР тарихидаги Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг катта қисми, Бухоро республикасида унинг марказий ва ғарбий қисми (Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари), шунингдек ХХСР дан Хоразмнинг ката қисми киритилади.

Бу пайтда республика иқтисодиёти асосан аграр тусга эга бўлиб, саноати асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисмини пахтачилик саноати ташкил қилар эди. 1927-28 йилларда иқтисодиётда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 61,60%, саноатники эса 38,4% ташкил қиларди эди. Республикадаги мавжуд саноатнинг 90% қишлоқ хўжалик хом-ашёсини ишлашга ихтисослашган эди, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, унинг 2 дан 3 қисмини пахтачилик саноати ташкил қиларди.

Республикада саноат ишлаб чиқариши кўламининг йил сайин ўсиб бориши мутахассис кадрларга, малакали ишчиларга зарур эҳтиёж сезган эди. Масалан, 1926 йилдан 1940 йилга қадар Ўзбекистон аҳолиси Россия, Украина, Белорусия, Болтиқ буйи ва Шимолий Кавказдан кўчирилганлар ҳисобига 750 минг кишига ёки 10 фоизга кўпайган. Республика саноатининг асосий қуввати марказ қулида тўплана бордики, бу ҳам Ўзбекистоннинг унга тобелиги, қарамлигини кучайтира борди. Масалан, 1928 йилда Ўзбекистондаги мавжуд корхоналарнинг 81,7 фоизи Иттифоққа тегишли, 14,5 фоизи республика ва 3,8 фоизи маҳаллий аҳамиятга эга бўлган бўлса, 30 йиллар ўрталарига келиб Иттифоқ тасарруфида бўлган корхоналар 90 фоизни ташкил қилган.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ҳам ўзига хос мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлканинг қишлоқ хўжалиги олдида мустабид рус чоризми ҳукмронлиги даврида қўйилган бош вазифа-кимматли саноат хом ашёлари пахта, пилла кабилар билан таъминлаш вазифаси Совет ҳокимияти йилларида яна ҳам қатъийроқ қилиб кун тартибига қўйилди. **1925-1929 йилларда** ўтказилган ер-сув ислоҳоти натижасида барча ер ресурсларининг умумдавлат монополиясига олиниши, ирригация-мелиорация ишларини қатъий ривожлантиришга интилиш собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлашга эришиш йўлидаги дастлабки қадамлар эди.

Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг иккинчи босқичи Ўзбекистон ҳукуматининг 1925 йил 2 декабрдаги «Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида» ва «**Ер ва сув ислоҳоти тўғрисида**» га декретлари асосида жойларда ер ва сув ислоҳотларини ўташишга йўл тутилдики, бу жараён то 1929 йилга қадар давом этади. 1925 йили республикадаги хўжаликларнинг деярли 10 фоизи кам ерли ёки ерсиз

бўлганидан экин эка олмасди. Ери кам хўжаликлар, 2 десятинагача ерга эга хўжаликлар тахминан 72 фоизни ташкил этар эди.

Дехқонларга қарашли ер майдони ўртача олганда 2 десятинадан 3 десятинагача борар эди. Қишлоқдаги ер мулкларининг катта қисми бойлар кўлида тўпланган эди. Чунончи, бу ислоҳот даврида бойларнинг ерлари (Фарона вилоятида 40 десятинагача ва бундан ҳам кўпроқ ерлар, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида - 50, Зарафшонда - 35 десятинадан бошлаб, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразмда - суғориладиган ерлар 20 десятина ва бундан ҳам кўпроқ, лалмикор ерлар эса 45 десятинадан бошлаб) кейинчалик тақсим қилиш учун бутунлай тортиб олиниб, давлат фондига ўтказилди. Ер билан бирга ҳамма от-улов ва асбоб-ускуналар ҳам мусодара қилинди.

Шунингдек ер-сув ислоҳоти муайян ижобий жиҳатлари билан бир қаторда қишлоқда кўплаб жиддий мураккаблик ва зиддиятликларни ҳам келтириб чиқарди. У қишлоқ маънавиятининг асосий негизи - руҳонийлар аҳлига сезиларли зарба берди, мулк дахлсизлигини тугатди. 1929 йилнинг иккинчи ярми ва 1930 йилнинг бошларида республикада мавжуд реаллик ҳисобга олинмай колхозлар тузиш бошлаб юборилади. Масалан, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг **1930 йил 17 февралдаги «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида»**ги қарорида республиканнинг 17 районида ялписига коллективлаштиришни амалга ошириш вазифаси белгиланган эди. Ваҳоланки, мазкур районларда бунинг учун ҳали мутлақо шароит етилмаганди. Кўп жойларда қулоқларни тугатиш шиори остида ўрта ҳол, ҳатто камбағал деҳқон хўжаликларига нисбатан ҳам зулм қилинди. Бунинг натижасида 1930 йилда республикада 2648 та қулоқ ва бойлар хўжаликлари деб аталган хўжаликлар тугатилади. Кўпгина жойларда аҳоли жамоалаштириш хавфидан кўрқиб ўз мол-чорваларини керагидан зиёд сўйиб юборади ёки сотиб юборишга мажбур бўладилар. Бу эса аҳолининг ўз мулкига бўлган ишончини анча пасайтириб юборади.

1930 йилда қулоқ хўжаликларини аниқлаш ва уларга турли мажбуриятлар юклаш билан бир қаторда колхоз ичидаги «ёт унсурлар»га қарши кураш ҳам олиб борилди. Колхозларда ўзига хос «тозалаш» ўтказилади. 1930 йилда бундай тозалашлар натижасида 4910 киши колхозлардан чиқариб ташланади. Чиқариб юборилганларнинг 74 нафари қулоқлар, 173 таси бадавлат деҳқонлар, 145 таси руҳонийлар, 215 таси савдогарлар, 55 таси “босмачилик ҳаракати” қатнашчилари, 583 таси колхоз тартиб-қоидаларига бўйсунмаганлар тоифасига мансуб кишилар ва 528 нафари эса бошқа турли сабаблар билан, қолган 2336 нафари номаълум сабаблар билан колхоздан чиқариб ташланган.

Совет тузумининг бутун мамлакат халқларига нисбатан олиб борган қатағонлик сиёсати ҳукуматнинг ички моҳиятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилганлиги маълум. Аслида 20 йилларда махсус тўқиб чиқарилган ва уюштирилган **"Ўн саккизлар гуруҳи"**, **"Иноғомовчилик"**, **"Қосимовчилик"**, **"Бадриддиновчилик"**, гуруҳлари 30 йиллардаги оммавий қатағонликлар учун ўзига хос тайёргалик эди. Хусусан ўша даврда авж олган **"18"** лар гуруҳи амалда Шўролар ҳукумати ва

Компартиянинг Ўзбекистонда олиб бораётган улуғ миллатчилик ва маҳаллий кадрларга нисбатан нописандлик сиёсатига қарши чиққанликдан келиб чиққан эди. 1927 йилда "Иноғомов гуруҳи" фош этилади. Ўзбекистон ССР халқ маорифи коммисари лавозимида ишлаган Рахим Иноғомов ўз даврида «маҳаллий миллатчиликда» айбланиб унинг фаолияти чекланади ва қатағон қилинади.

Ўзбекистонда сиёсий қатағонлик 1937 йилда Ф.Хўжаев, А.Икромов, Д.Манжара, С.Сегизбоев, А.Каримов, Р.Исламов, Цехер ва И.Худойкулов, М.Шермухаммедов, М.Усмонов, Т.Рискулов, И.Ортиқов, А.Исломов, М.Турсунхўжаев, У.Эшонхўжаев ва бошқалар хибсга олинган айниқса кучли тус олган.

1939 йил мартда бўлиб ўтган ВКП(б) XVIII съездининг «назарий хулосаси» асосида Совет Иттифоқида социализм асосан қуриб бўлиниб, ўзининг тараққиётида социалистик жамият қуришни тугаллаш ва аста-секин коммунизмга ўтиш палласига кирган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, 20-йилларнинг бошларида ўлка партия давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига миллий кадрлар жалб қилинган эди. Улар орасида таниқли давлат ва жамоат арбоби **Қайғусиз Отабоев** ҳам бор эди. Ўз сиёсий фаолияти давомида Қ. Отабоев. Марказнинг айирмачилик, шовинистик сиёсатига қарши бир неча бор ўзининг дадил фикрлари билан чиқади.

20 йиллар охири 30 йиллар бошида ўлкада миллий ҳаракатга тазйик кучайган эди. 1929 йилда Ўзбекистон Олий суди раиси Қосимов билан боғлиқ «қосимовчилик», «Мунавварқори тўдаси» «иш»ларини кўриш бошланади. Жумладан, «Мунаввар қори тўдаси» «иши» га 87 киши жалб этилади. Тергов материаллари 18 жилдни ташкил қилган. Шулардан - 18 киши отишга, 21 кинш 10, 13 киши 5 йилга қамалади, 3 киши 3 йилга қамоқ жазосига, 1 киши Омскка сургунга, жами 56 киши жазоланади.

Қатағонлик қурбонига айланганлар қаторида *Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ғози Олим Юнусов, Абдурахим Йўлдошов, Наим Саид, Машиқ Юнусов (Элбек). Усмон Носир, Отажон Ҳошим, Усмонхон Эшонхўжаев, Салимжон Тиллахонов, Фозилбек Отабек ўғли* ва бошқаларнинг номларини келтириш мумкин.

Ўзбек халқининг машҳур ёзувчиларидан Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир Сталин истибдодининг бегуноҳ қурбони бўлдилар. 30-йилларда ўзбек адабиётининг Фитрат ва Чўлпон каби "кекса" авлоди вақлиларининг эркин ижод этишига йўл қўйилмади. Фитрат 1938 йил 4-октябрда "...совет ҳокимиятига қарши акси инқилобий, пантуркистик ишлар олиб борганликда" айбланиб, отиб ташланади.

Маълумки Марказий Осиё халқларининг этник-маданий яқинлиги тарихан ягона муҳитда шаклланган бўлиб, уларни тарихий муштараклик боғлаб турар эди. Шу маънода азалдан ўзбек, қорақалпоқ халқлари биргаликда бир тану, бир жон бўлиб яшаб келганлар. 1924 йилда миллий-худудий чегараланиши натижасида Қорақалпоғистон мухтор вилояти тузилади. Ушбу вилоят Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибида бўлиб,

унга волостлардан иборат Тўрткўл, Чимбой, Хўжайил ва Қўнғирот округлари кирган. 1925 йил 12-19 февралда вилоят маркази Тўрткўл шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон автоном вилояти Советларининг биринчи қурултойи "Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил топганлиги тўғрисида Декларация" қабул қилди ва "қорақалпоқ миллий давлатчилиги" ташкил этилганлигини қонуний расмийлаштирди. Қорақалпоғистон автоном вилояти Ижроия Қўмитасининг раиси этиб А. Қудабоев сайланди.

Қорақалпоғистон Мухтор вилояти ташкил этилгандан сўнг, советлар бу ерда ҳам социалистик қурилишни авж олдириб юбордилар. Жумладан овул ва қишлоқларни советлаштириш кенг миқёсда олиб борилди. Советларга батрак ва камбағаллар сайланиб, уларнинг асосийларини коммунист ва комсомоллар ташкил қилди. Мамлакатда вайрон бўлган саноатнинг турли соҳалари, қишлоқ хўжалиги ва суғориш ишларини тиклаш амалга оширилди. Қорақалпоғистон иқтисодиётининг тараққиёти бир томонлама хусусиятга эга бўлиб, СССРнинг марказий минтақалари саноатини ривожлантириш ихтиёжларини таъминлашга қаратилган эди. Масалан, 1933 йилнинг 3 октябрида СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги Қорақалпоғистонни мамлакатни беда уруғи етказиб берувчи асосий база деб тан олган эди. Бунинг асосий сабаби мамлакат халқ хўжалигида иттифоқдош республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотида Қорақалпоғистонга олий сифатли пахта, беда ҳамда балиқ билан таъминлаб туриш юклатилганлигида эди.

1930 йилда Қорақалпоқ мухтор вилояти РСФСР таркибига киритилади. 1932 йилнинг 20 мартада эса, СССР МИҚ Раёсати "Қорақалпоғистон автоном вилоятини Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш ва уни РСФСРга кириши тўғрисида" қарор қабул қилади. Ўша йилнинг май ойида автоном республика Советларининг I Таъсис қурултойи ҳукуматни тузди. Унда ҚҚАССР МИҚ раиси этиб, К. Нурмухамедов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси этиб эса Қосим Аvezовлар сайландилар. 1936 йилда СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди ва унга кўра ҚҚАССРнинг Ўзбекистон ССР таркибига кириши кўзда тутилган эди. Бунинг асосий сабаби, ҳудудий яқинлик, ягона тарихга эга бўлганлиги деб эътироф этилди. 1937 йил 12 февралда ЎзССРнинг янги Конституцияси қабул қилинди. Ўша йилнинг 6 мартада эса, ҚҚАССРнинг янги Конституцияси қабул қилинади. Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибида бўлганида, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди.

4. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон. Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрда Фашистлар Германияси қўшинларининг Полшага бостириб кириши билан бошланган. Ушбу урушни аслида фашистлар Германияси, фашистлар Италияси ва милитаристик Япония бошлаган эди. Улар орасида Германия фашистлари уюштирувчи, етакчи роль ўйнаган. Фашистлар блоки давлатлари томонидан олиб берилган уруш босқинчилик, адолатсизлик уруш эди. Фашизмга қарши урушган давлатлар адолат учун курашдилар. Маълумки урушининг дастлабки давридаёқ фашистлар Германияси ғарбий ва Марказий Европада ҳукмронликни тўла қўлга киритади.

Германиянинг СССР га ҳужуми **1941 йил 22 июнда** бошланади. Германиянинг иттифоқчилари Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам Совет Иттифоқига қарши урушга кирдилар. Совет халқининг фашизмга қарши уруши бошланади. СССР таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам уруш гирдобига тортилади. Шу тариқа иккинчи жаҳон уруши жаҳондаги 60 дан ортиқ мамлакатни, ер шари аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1.7 миллиард кишини ўз гирдобига тартади.

1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси жами 6.5 миллион кишини ташкил этган, уларнинг ярмини болалар ва кексалар ташкил этган бўлса, яроқли одамларнинг 50-60 фоизи, аниқроғи 1,433,230 киши урушга сафарбар этилган. 1941 йилнинг охиригача 300 га яқин корхона ҳарбий изга солинди, жанговар техника, қуруллар, ўқ дори ишлаб чиқаришга мослаштириб қайта қурилди. Бу корхоналарда фронтга сафарбар этилган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар эгалладилар. Уруш булатган ва душман яқинлаб келатган ҳудудлардан муҳим саноат корхона-ларини колхоз, совхоз ва МТС ларнинг мулкларини маданий бойликлар ва ўқув юрт-ларини Шарққа, жумладан Ўзбекистонга кўчириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. Фашистлар томонидан ёндирилган, вайрон қилинган шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси, оталари урушнинг дастлабки кунларидақ ҳалот бўлган болалар, миллион-миллион кишилар улкан оқим бўлиб кўчиб кела бошладилар.

Уруш йиллари Ўзбекистон ҳақиқий инсонпарвар ўлкага айланган эди. Хусусан 1941-1942 йилларда Ўзбекистонга 15649 нафар бола кўчириб келтирилган. Бу жараён ундан сўнг ҳам давом этди. Кўпгина оилалар икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига оладилар. Жумладан, Тошкентлик **Шомахмудовлар** 14 болани ўз бағрига олдилар. Каттакўрғонлик **Ҳамид Самадов** оиласи 12 болани асраб олган бўлса, Ф. Қосимова 10, М. Жўраева ва Ашурхўжаевалар 8 болани ўз оилаларига олдилар. 1943 йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса, 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди. Уруш арафасида республикада 106 та болалар уйида 12 минг бола тарбияланаётган бўлса, 1945 йилга келиб, уларнинг сони Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 263 та болалар уйида 31300 болага етди. Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчирилиб келтирилган бир миллиондан кўпроқ кишиларни, шу жумладан 200 мингдан кўпроқ етим болаларни ўз бағрига олди.

Халқ фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган аҳолига ҳақиқий инсонпарварлик, бағрикенгликни намоиш этди. Урушнинг дастлабки кунларида Ўзбекистонга **1 млндан ортиқ** киши кўчириб келтирилган бўлса, шулардан 240 000 дан кўпроғи болалар эди.

Маълумотларга кўра, биргина 1941 йил декабрга қадар Ўзбекистондаги шаҳар ва қишлоқларга 525 минг нафар аҳоли келтирилиши ва жойлаштирилиши режалаштирилган. Амалда уларнинг сони 665419 нафарни

ташқил этган. 1942 йил январ ойининг ўрталарида Тошкент тумани маҳаллаларига 2712 киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1252 нафари эркаклар, 1460 нафарини аёллар ташқил этган. Улар руслар - 1913, украинлар - 126, белоруслар-33, яхудийлар -569, арманлар -9, татарлар - 13, поляклар - 6, немислар - 3, греклар - 2, латишлар - 7, молдованлар - 8, шведлар-1, чувашлар - 6, эстонлар – 5, бошқа миллат вакиллари 8 нафарни ташқил этган.

Жами Тошкент вилоятига 1942 йил январ ойининг ўрталаригача келганларнинг сони 5414 кишини ташқил этган. Улардан 2341 нафари эркаклар, 3073 нафари аёллар бўлган.

1941 йилнинг ноябр ойи давомида Украинадан Ўзбекистонга 54029 нафар (жумладан, Одесса областидан -9508, Киевдан- 7528, Днепропетровскдан - 4238, Харьковдан -3490, Винницкдан -2810, Житомирдан -2082 киши) киши эвакуация қилинган эди. Уруш йилларида биргина Сурхондарё вилоятига 20 мингдан ортиқ аҳоли келтирилиб жойлаштирилган бўлса, уларнинг 3.5 мингтаси ёш болалар эди. Эвакуация қилинган аҳоли учун Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Нарпай, Пастдарғом ва бошқа туманларидаги маҳаллаларда ҳам болалар уйлари ташқил этилади. Уларда 4270 нафардан ортиқ бола тарбияланган, Бухоро вилоятидаги маҳаллаларга эса 150 мингдан ортиқ эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган.

1941 йилда Наманган вилояти маҳаллаларига Украина, Белорусия, Болтиқ бўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланган. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон ва Поп туманларида махсус болалар уйлари ташқил қилинади. Қорақалпоғистонга эса 3891 нафар киши кўчириб келтирилган. 900 оила ота-онасидан ажралган етим болаларни ўз тарбиясига олади. Шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ва кўчириб келинганларнинг 20,3 минг нафар болалари болалар боғчасига, яслиларга ва болалар уйига жойлаштирилади.

Республиканинг барча халқлари қатори қорақалпоғистонликлар ҳам эвакуация қилинган аҳолига ўзларининг ёрдамини аямадилар. Шунингдек, Ўзбекистонга кўчиб келтирилган ва ташқил қилинган болалар уйларига ва ўнлаб ҳарбий госпиталларга республика ташкилотлари, маҳаллалар тасарруфига бирикириб қўйилади. Айниқса маҳаллалар ташкилотлар билан ҳамкорликда оталиқ сифатида болалар уйи ва госпиталларни озоқ-овқат, мева-чевалар билан таъминлаб турганлар.

Уруш йилларида катта йўқотишлар саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга ҳам таъсир этганлиги шубҳасиз. Фронт худудларидан минглаб аҳоли, саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва бошқа моддий бойлиқлар мамлакат ичкарисига кўчириш бошлаб юборилади. Улардан 104 та корхона Ўзбекистонга кўчириб келтирилади. Улар орасида *Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, "Красный-Аксои", "Росселмаш", Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги "Электрокабел" ва "Подъёмник" заводлари, Чкалов номидаги авиация заводи, "Красный путь" заводи, Киевдаги "Трансигнал" заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар бор эди.*

Улардан 55 таси Тошкент ва Тошкент вилоятига, 14 таси Самарқандга, 22 таси Фарғона водийсига, иккитаси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. Кўчириб келтирилган завод ва фабрикалар қисқа муддатларда, яъни **"Росселмаш"** 25 кунда, **"Красный Аксой"** заводи бу ерга етиб келганидан кейин орадан 29 кун ўтганда ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. 1941 йил декабрга келиб эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийиб 50 таси ишга туширилади. 1942 йил биринчи ярмида эса барча келтирилган саноат корхоналари маҳсулот чиқара бошлади.

Уруш йилларида республикамизда 280 та янги корхонанинг қурилиб ишга тушурилиши натижасида 1945 йилга келиб, саноат ишлаб чиқариши уруш арафасидагига нисбатан деярли икки баробар ортди, нефт қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4 баробар, кўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 бора кўпайган.

Ўзбекистон темир йўлларининг фидокорона меҳнати натижасида 1941-1942 йиллар давомида кўчирилган саноат корхоналарининг асбоб-ускуналари ортилган 17,5 минг вагон ташиб берилди. Фронт орқаси билан фронт ўртасидаги асосий аълоқа воситаси бўлиб хизмат қилган темир йўл тармоқлари 1941-1945 йилларда 2 баробар узайди. Автотранспорт воситаси ҳам уруш йилларида юк ташиш ва алоқа воситаси сифатида муҳим ўрин тутди. 1945-йилда республика автотранспортида ташилган юкнинг ҳажми 1940-йилдагига нисбатан 2 баробар ўсди.

Ўзбекистон ишчи ва меҳнаткашлари билан бир қаторда фан, маориф ва маданият ходимлари ҳам немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар. **"Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун"** шиорига қарата жавоб берган кўпгина олимлар урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетдилар. Улар орасида Ўзбекистоннинг машҳур олимларидан *У.А. Орифов, А.Х. Тўрақулов, И. Исмоилов, Х. Усманов ва бошқалар бор эди. Т.Н. Қори-Ниёзов, В.И. Рамоновский, Т.З. Зоҳидов, Л. А. Райкова, О.С. Содиқов* каби олимлар натижаси халқ хўжалиги ва фронт зарурияти учун хизмат қилган муаммоларни ҳал қилишда катта куч билан меҳнат қилдилар.

Илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштиришни дастлаб 1940 йилда ташкил этилган СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН), кейин **1943 йил ноябрда** очилган **ЎЗР ФА** амалга оширди. ЎзФА нинг биринчи президенти қилиб **Т.Н. Қори Ниёзов** сайланди. Бу ўзбек халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1943-1945 йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар билан ЎзФА Иттифоқда танилган илмий марказга айланди. Бу пайтда академия таркибидаги 22 та илмий муассасада 818 илмий ходим фан оламининг турли жабҳаларида тадқиқот ишларини олиб бордилар. ЎзФАнинг фаолиятида кўчириб келтирилган илмий ходимларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлди.

Уруш йилларининг қийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистонда Олий ва ўрта махсус юртлари ва маориф муассасаларининг фаолияти ҳам тўхтаб қолмади. Ўзбекистонда 29 та олий ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди, уларнинг сони марказдан кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти

ва 7 та ҳарбий академия ҳисобига яна ортиб борди. Бу ўқув юртларида уруш йиллари мобайнида 11.750 нафар юқори малакали мутахассис ва 6.673 нафар кадрлар тайёрланди.

Ўзбек адабиёти ҳам халқимизнинг ёвуз душманга қарши кураш йилларида ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғофур Ғулом, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ каби шоир ва ёзувчилар уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлари ва мақолалари билан халқни ғалабага руҳлантирдилар. Ойбекнинг "Ёвга ўлим! Шеър", "Навой" романи, «Мен яҳудий», Ҳамид Олимжоннинг "Йигитларни фронтга жўнатиш". "Жангчи Турсун", "Роксананинг кўз ёшлари" ва бошқа асарлар уруш йилларидаги ўзбек адабиётининг ёрқин намуналаридир. М. Исмоилий, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Н. Сафаров, Ибраҳим Раҳим, З. Фатхуллин, Адҳам Ҳамдам каби ёзувчи ва журналистлар фронтда иштирок этиб, "Қизил армия", "Фронт ҳақиқати", "Қизил аскар ҳақиқати", "Суворовчи", "Ватан шарафи учун" каби фронт газеталарида хизмат қилиш жараёнида, Ҳамид Олимжон, Ойбек, А. Умарий, Ғофур Ғулом, Раъно Узоқова ва бошқа шоир, ҳам ёзувчилар ҳукумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб, ўз қаҳрамонлари билан танишдилар, юртдошларининг жасоратларини тараннум этдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамизда 30 дан ортиқ концерт бригадалари ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталдаги ногиронларга 26 мингта концерт кўйиб бериб, жангчиларни руҳлантирдилар, уларни фашизм устидан ғалабага ундадилар. Айниқса, **Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳонов** каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик бахшида этган. А. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, Ў. Тансиқбоев каби рассомлар уруш лавҳалари, бадиий йилномаларни яратиб, халқимизнинг фронт ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнатини маҳорат билан тасвирладилар.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш воқеалардан бири сифатида тарихга кирди. Барча халқлар сингари уруш йилларида минглаб ўзбекистонликлар ҳам фронтнинг биринчи қаторларида душманга қарши жангларда фаол иштирок этдилар. Бундай жасорат халқимизнинг чинакам қаҳрамонлиги ва мардлигининг намунаси эди. Ўзбекистонликлар кенг фронт бўйлаб Беларусияни, Украинани. Россиянинг ғарбий минтақалари, Шимолий Кавказни озод қилишда, Ленинград қамалини ёриб ўтишда, Сталинградни озод қилишда, Брест қалъаси муҳофафасида, ўзбекистонликларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси эди.

Ҳарбий мувафақиятларга эришида Туркистонда, хусусан Ўзбекистоннинг ўзида тузилган ҳарбий тузилмалар катта рол ўйнади. Жумладан генерал-майор И.В. Панфилов кўмондонлигидаги 316-ўқчи дивизия Волоколамск, Дубосеково, Ново-Петровск ёнидаги жангларда қаҳрамонга кураш олиб борди. Ўзбекистонлик **Абдулла Тоғаев, Мамадали**

Мадаминов, Лейтенант Пилюгин бошлиқ жангчилар жасоратларини алоҳида қайд қилиш мумкин. Москва учун олиб борилган жангларда ўзбек халқининг қаҳрамон қизларининг жасорати намунасини кўрсатган Зебо Ғаниева Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Москва остонасида фашист кўшинларини тор-мор қилишда кўрсатган жасоратлари учун 1753 Ўзбекистонлик жангчи «Москва мудофааси учун» медали билан тақдирланди. С. Қосимхўжаев «Қаҳрамон» унвонига сазовор бўлди.

Москва ёнидаги ғалаба совет раҳбарларида 1942 йилдаёқ урушни яқунлаш, мамлакатни озод қилиш фикрини вужудга келтирди ва бутун фронт бўйлаб ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берилди. 1942 йилдаги қишки ҳужумларда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, маҳорат билан жанг қилган **Кўчқор Турдиев**га 1942 йил май ойида «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди. Жангчиларимизнинг жасорати ҳам ўз ҳарбий кучининг асосий қисмини сақлаб душман кўшинларини тамомила йўқ қилишга, совет раҳбарларининг хатолари ўрнини қоплашга камлик қилар эди. Бунинг учун душманниқидан кучли ҳарбий-техника яроғ ва тактика керак эди.

1942 йил май-июн ойларидаги совет кўшинларининг ҳужумкор операцияларини тўхтатган душман 25 июнда Волга ва Шимолий Кавказ йўналишида ҳужумга ўтди. Мамлакатда яна қалтис вазият вужудга келди. Ана шундай бир пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига очиқ мактуб билан мурожаат қилиб, ўз фарзандларини ватанга содиқлик ва жангда кўрқинимизни билмасликка чақирди. Бу чақириққа ўз қаҳрамонликлари билан жавоб берган жангчиларимиздан 1974 нафари "Кавказ мудофааси учун" медали билан мукофотландилар.

Сталинград мудофаасини ёриб, душман устидан катта ғалабани қўлга киритилиши урушнинг боришида туб бурилишга асос бўлди. Бу жангларда кўрсатган жасоратлари учун 2733 та Ўзбекистонлик жангчилар "Сталинград мудофааси учун" медалига сазовар бўлди. Кавказ учун олиб борилган жангларда Тошкентда тузилган **Собир Раҳимов** қўмондонлигидаги дивизия жиддий муваффақиятларни қўлга киритиб, 8 мингдан ортиқ душман жангчиларини қириб ташладилар. Бу дивизия юртдошимиз қўмондонлигида Шарқий Пруссиягача жанговар йўлни босиб ўтди. Кейинчалик Полша ерларини озод қилишда Собир Умарович Раҳимов раҳбарлигидаги 37 гвардиячи Речитск ўқчи дивизияси алоҳида ажралиб турди. Дансиг шаҳрига биринчилардан бўлиб киришди. Оғир ярадор бўлган С.У. Раҳимов 1945 йил 25 мартда ҳалок бўлди. 1965 йил 6 майдагина тарихий ҳақиқат тикланиб, ўзбек халқининг мард ўғли С.У. Раҳимовга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини берилди.

1943 йилда Орёл-Курск йўналиши бўйича олиб борилган шиддатли жангларда кўрсатган жасоратлари учун **Аҳмаджон Шукуров, В. Шаландин, М. Абдулин, А. Солих**лар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовар бўлдилар. Днепрни кечиб ўтишдаги қаҳрамонликлари учун 100 га яқин Ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан

тақдирландилар. Улардан Ж. Усмонов, В. Набиев, Х. Аминов жасоратларини алоҳида қайд этиш мумкин,

1944-1945 йилларда Белоруссия, Украина, Молдавия, Болтиқ бўйи республикалари ва Россия Федерациясининг ғарбий вилоятларида фаолият кўрсатган Ўзбекистонликлар жангчилар фаолияти иккинчи жаҳон уруши тарихи саҳифаларига битилган бўлиб, уларнинг номлариёқ душман кўнглига кўрқув солган эди. Булар орасида **Мамадали Топиболдиев**, Ж. Отабоев, И. Мусаев, А. Ҳакимов, И. Қосимов ва бошқаларнинг мардлик намуналарини таъкидлаш мумкин.

Бу даврда СССР чегаралари бутунлай тиклангач, совет кўшинлари Полша, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Австрияни озод қилиб, Берлинни эгаллашда совет кўшинлари таркибида Ўзбекистонлик жангчилар ҳам ўзларининг байналминаллик туйғуларини намоён қиладилар. Европа халқларининг фашистлар асоратидан озод бўлишларига ўз хиссаларини кўшдилар. Бу мамлакатларни озод қилишдаги жасоратлари учун Б. Бобоев, П. Нурпексов, Т. Назаров, А. Раҳимов, М. Фаёзов ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 2430 нафар ҳамюртимиз "Будапештни озод қилиш учун" медали, 1706 киши "Берлин олингани учун", 109208 киши "Германия устидан ғалаба қозонганлиги учун" медали билан тақдирланганлар.

Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона якунланишида Ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт орқасидаги жасоратлари катта ҳисса бўлиб кўшилди. 120 мингдан ортиқ Ўзбекистонликлар СССРнинг ордени ва медалларига сазовор бўлдилар. 300 га яқин Ўзбекистонликларга «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони берилди, 82 та жангчи «Шуҳрат ордени» билан тақдирландилар. Ўзбекистон урушдан катта йўқотиш билан чиқди. 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон уруши фронтларига сафарбар қилинган 1433230 кишидан 263005 киши ҳалок бўлди, 132.670 киши ногирон бўлиб қайтади.

Ўзбекистонликлар инсониятни фашизм балосидан кутқаришга муносиб ҳисса кўшдилар. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсадида "Хотира" китоблари ташкил этилди, пойтахтимиз марказида Хотира майдони ва мотамсаро она ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Бу ишларга бошчилик қилган юртбошимиз фармони билан 9 май "Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилинди.

5. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Урушдан сўнги йилларда Ўзбекистон халқлари олдида халқ хўжалигини тинч қурилиш йўлига солиш, уни урушдан олдинги даражага етказиш ва янада ривожлантириш каби мураккаб вазифалар турар эди. ВКП (б) МҚнинг 1945 йил 15 июлдаги «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чора тадбирлари тўрисида» ги ва СССР ХКС нинг **1946 йил 2 февралдаги «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирларни тўрисида»** қабул қилган қарорлари ҳам шу мақсадга қаратилган эди. Марказнинг бу кўрсатмалари республика меҳнаткашлари учун пахта экин

майдонларини кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини йил сайин кўпайтириб боришда энг муҳим дастур бўлиб хизмат қилди.

Урушдан сўнг Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган маблағларнинг катта қисми пахтачиликка ажратилади ва унинг билан боғлиқ бўлган тармоқларга сарфланади. Республика трактор парклари сезиларли кўпайди, колхозларга техник хизмат кўрсатувчи МТС лар сони 245 тага етди, улардаги тракторлар сони 1950 йилда 29,5 мингтани, пахта териш машиналари сони 3617 тани ташкил этган эди. Шу маънода республикада пахтачилик ва бошқа соҳалар бутун чоралар билан ривожлантириб боришга эътибор қаратилди. 1947-1948 йилларда пахта тайёрлашнинг давлат режаси бажарилмаган эди. 1949 йилдан бошлаб аҳвол ижобий томонга ўзгаради. 1950 йили давлатга 2 млн. 222 минг тонна пахта етказиб берилади, ҳосилдорлик гектаридан 20,7 сентнерга етди. 1950 йилдан пахтанинг харид нархи оширилиб, 1 тоннасига 2200 сўм яъни аввалгидан икки баравар оширилади. 1950 йилда республикада жами 2282,4 минг тонна пахта етиштирилиб ҳосилдорлик янада ошган.

XX аср 50 йиллардан бошлаб республикада кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ва у ерларда пахтачилик хўжаликларини янгидан ташкил этишга эътибор қаратилади. Шу мақсадда **Қарши, Марказий Фарғона, Мирзачўл, Жиззах** чўлларини ўзлаштириш учун барча кучлар сафарбар этилади. Бу пайтда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга ва шу асосда пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш чоралари кўрилди. Хусусан 1953-1955 йилларда 130 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади, 1956 йили биргина Мирзачўлнинг ўзида суғориладиган ерлар майдони 205.000 гектарга етган эди. Пахта монокультурасининг кучайиб борганлиги яна шунда кўриш мумкинки, агар 1950 йилда 1,1 млн га ерга пахта экилган бўлса, 1985 йилга келиб бу кўрсаткич 2 млн гектаргача етган эди, ҳосилдорлик ҳар гектар ҳисобига 20,1 ц дан 27,0ц. га кўтарилади.

Натижада ғалла, арпа, сули, маказўхори, мева, сабзавот, полиз экинлари майдонлари қисқариб кетди. Хусусан ғалладан олинаётган ҳосилдорлик гектар бошига атиги 5-8 центнерни ташкил этган, холос. 1985 йилда республика бўйича атиги 387,9 минг тонна ғалла етиштирилганлиги Республика аҳолисининг ушбу экин турига бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Чорвачилик, парандачилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантиришда республиканинг имконият даражаси қанчалик кенг ва ва катта бўлмасин, бироқ булар ҳам советлар даврида етарли фойда ва даромад билан ишлайдиган хўжалик тармоқларига айлана олмади.

Совет иттифоқининг таркибий қисми бўлган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлмаган Ўзбекистон Марказ томонидан ишлаб чиқадиган ва беш йиллик режаларда акс этирилган йул-йўриқларга амал қилишга мажбур эди. Режалаштирилган йул-йўриқлар жадаллаштириш ва «қисташ» сиёсатига асосланган бўлиб, Ўзбекистон учун саноатни ҳаддан ташқари оширилган ривожлантириш ҳажмлари ва суръатларида белгиланарди. Ажратилган капитал (70%гача) бўлиб, улар асосан оғир индустрия

тармоқларига мўлжалланарди. Бу нарасоғирсаноатда янги техникани, ишчи кучларини, малакали мутахассисларни жамлаш имконини берарди.

Саноат. Саноатни ривожлантиришда Ўзбекистон метрополиянинг саноат жиҳатидан ривожланган минтақаларининг пахтага бўлган ортиб борувчи эҳтиёжини таъминлашидек ярамас концепцияга катъий амал қилинарди. Бироқ, Ўзбекистон ССР саноатига билдирилаётган юксак талаблар бу ерда янги (илғор) технологияларни, замонавий фан ва техника ютуқларини жорий қилиш билан ҳамоҳанг эмасди. Бу эса муқаррар равишда белгиланган режанинг бажарилмаслигига ва бошқа номуносивбликларга олиб келарди, булар айниқса саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида аниқ кўзга ташланар эди.

Беш йиллик режаларнинг бажарилиши бир томонлама хусусиятга эга эди. Асосий эътибор машинасозликни, металлургия, кимё саноатларини, шунингдек ёнилги-энергетика мажмуи тармоқларини ривожлантиришга, айниқса, газ қазиб олишни кўпайтиришга қаратиларди. Марказнинг фикри ва мўлжалларига кўра, 1970 йилга келиб Ўзбекистон газ қазиб олиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иттифокда учинчи ўринни, машинасозлик ва металлга ишлов бериш ҳажми бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб, иттифокни газ ва бошқа хом ашё билан таъминловчи республикага айланиши лозим эди, Республиканинг етакчи вилоятлари (Тошкент, Самарканд, Фарғона, Бухоро) худудларида ягона энергетика тизими яратилган бўлиб, у иқтисодиётни, биринчи навбатда унинг устивор тармоғи — пахтачиликни юксалтириш учун база яратиши керак эди.

Индустрияга моддий ресурсларнинг қудратли оқим бўлиб келиб туриши, хўжалик-бошқарув тузилмалари механизмини ислоҳ қилишга уринишлар, шунингдек қатор социалистик мусобақалар тизими ва халқнинг зўр бериб қилган меҳнати Ўзбекистон саноати потенциалини сезиларли суръатда ошириш имконини берди. Урушдан кейинги ҳар бир беш йилликда ўрта ҳисобда 100 тагача ва ундан ҳам кўпроқ саноат объекти ишга туширилди. 1985 йилга келиб Ўзбекистонда бир ярим мингдан ортиқ йирик ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинат ва корхоналар бор эди. Бу даврга келиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 20 баравардан зиёдроқ ошди.

Фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган, айниқса пахтачилик эҳтиёжларига мўлжалланган тармоқлар жадал ривожлантирилди. 1980 йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи деярли 75%га етди. Булар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари суръатлари ва салмоғиникисқартириш (1984 йилда 25,2%гача) ҳисобига содир бўлди, бу тармоқлардаги ишлаб чиқариш белгиланган режа марраларига етиш у ёқда турсин, балки амалда турғунликка учради. Хатто уларни ривожлантиришга ажратиладиган арзимас дотациялар ҳам вақт ўтиши билан олиб ташланди ва бошқа (асосан энергия кўп сарфланадиган) тармоқларга берилди.

Аммо янги технологиялар жорий этилмади. Енгил саноатда «қолдиқ принцип» бўйича муносабатда бўлиш жойларда ишлаб чиқариладиган

истеъмол молларининг ўсишини тобора қисқартириб, уларни четдан келтиришни кўпайтирди. Бу холижтимоий муаммоларнинг, аҳоли бандлиги ва миллий муносабатларнинг кескинлашувиغا шарт-шароит яратди.

Енгил ва озик-овқат саноатига қараганда кўп тармоқли машинасозлик индустрияси (шу жумладан, унинг янги тармоғи — тракторсозлик), кимё, нефть, кўмир, газ, кон-руда, олтин қазиб олиш ва айниқса энергетика саноатлари жадал ривожлантирилди. 1960—80 йилларда Ўзбекистонда **Ангрен, Навоий, Чорвоқ, Тошкент ва бошқа йирик электр станциялар** барпо этилди ҳамда ишга туширилди. Шунингдек Чирчик-Бўзсув гидроэлектростанциялар тикланди, унинг умумий қуввати 300 минг квт.дан ортиқроқ эди. Марказий Осиё минтақасида энг йирик бўлган ва қуввати 3 млн.квт. бўлган **Сирдарё ГРЭСи** барпо этилди. Натижада республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 1985 йилда 1940 йилдагига нисбатан деярли 180 баравар кўпайди. Ўзбекистонда энергетика тармоғининг бу даражада ривожлантирилишига сабаб Марказнинг кундан-кунга хом ашёга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, республикахудудидаги ер-ости ва ер-усти бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш учун эса катта миқдорда электр қуввати керак бўлганлигида эди.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш Ўзбекистон саноатининг энг муҳим тармоқларига айланди, улар халқ хўжалигини техника билан қайта қуроилантиришда ҳам етакчи ўрин эгалладилар. Уларнинг улушига республикадаги ялпи маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи (57,7%), асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1/3 қисмидан кўпроғи — 35,1%и тўғри келди. Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолининг 66,3%и машинасозлик заводларида меҳнат қилди. Лекин республикадаги машинасозлик том маънодаги машинасозлик эмас эди. Машинасозлик учун зарур бўлган барча эҳтиёт қисмлар мамлакатнинг Европа қисмидан олиб келинар, Ўзбекистонда эса йиғилар эди. Металлга ишлов бериш соҳаси ҳам шу йўсинда эди. Металл ҳам Ўзбекистонга асосан Россиядан келтирилди эди.

1980-йилларнинг бошларида республикада эҳтиёт қисмлар олиб келиниб йиғиладиган 100 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатди. Улар орасида пахтачиликка мўлжалланган қудратли тракторлар ишлаб чиқарадиган **Тошкент трактор заводи (ТТЗ)**, пахта териш машиналари чиқариладиган **«Тошқишлоқмаш» заводи**, бошқа қишлоқ хўжалик қуроилари ва асбоблари ишлаб чиқарадиган **«Ўзбекқишлоқмаш»** ва **«Чирчикқишлоқмаш»**, Тошкент экскаватор заводи ва бошқа кўпгина корхоналар бўлиб, уларнинг маҳсулотларига республикада ва унинг ташқарисида талаб катта эди.

Машинасозлик корхоналаридан кўпларининг иши бевосита пахтачилик билан боғлиқ эди. Бу корхоналар асосан пахта етиштириш, териб олиш ва бирламчи ишлов бериш жараёнларини бажарадиган механизмлар ишлаб чиқарар эди, холос. Республиканинг тўқимачилик саноати эса, асосан ип-йигирув, қисман тўқув билан шуғулланар бунинг учун эса Ўзбекистонда етиштириладиган пахта толасининг арзимас қисми ишлатилар эди. Пахтага ундан кейинги ишлов бериб, пировард маҳсулотга айлантириш ҳуқуқи метрополия тўқимачилик саноати корхоналарига берилган эди 1970—

80йилларда Ўзбекистон игтифоқда пахтачилик учун мўлжалланган қишлоқ хўжалик машиналарининг бутун мажмуини, тўқимачилик саноати учун деярли 40%ини ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон ССРда боғдорчилик сабзавотчилик ва узумчиликни қайта ишлаб маҳсулот чиқариш учун мўлжалланган машиналар, пиллачилик ва чорвачиликдаги жараёнларни механизациялаш машиналари ишлаб чиқарилмасди. Машинасозликнинг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги кўпгина ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга ҳалақит берарди, бу жараён бошқа республикаларга нисбатан анча-мунча паст эди.

Ўзбекистон метрополия учун бой минерал хом ашё базаси ҳам бўлиб келаётган эди. Бу ерда кўпгина нодир фойдали қазилмалар: олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, уран, табиий газ, кўмир конлари очилди. Ана шу конлар негизида заводлар, нефть ва газ саноати корхоналари қурилди, янги шаҳарлар ва посёлкалар бунёд этилди. 1960—70 йилларда республикада йирик олтин қазиб чиқариш саноати яратилди ва нуфузли тарзда ривожлана бошлади, олтин чиқариш мажмуалари фабрикалари, олтин саралаш комбинатлари, шунингдек мис рудасини қайта ишлаш комбинатлари фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, жаҳон андозаларига жавоб берадиган юқори сифатли олтин олина бошланди. Лекин бу бойликлар тўлалигича Марказга олиб кетилар, Ўзбекистонга эса ҳеч қандай нафи тегмас эди.

Чунки, ўша тузумнинг исканжасида сиқиб қўйилган Ўзбекистон ўз заминидан олинадиган бирорта бойликнинг хўжайини эмасди ва унинг неъматларидан мустақил фойдалана олмасди. Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим тармоқлари ва йирик корхоналарининг аксарият қисми (қарийб 70%), шу жумладан, рангли металлургия корхоналари бевосита игтифоқ вазирликларига бўйсунарди; республика ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг эгаси эмасди. Олтин, уран, рангли металлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ташиб кетиш билан марказий органлар Ўзбекистон раҳбар органларининг розилигисиз ва уларнинг назоратисиз ўзлари шуғулланишар ва тасарруф қилишарди. Олинадиган фойданинг арзимаган озгина қисмигина номига республика бюджетига ўтказиларди.

Ўзбекистон иқтисодиётида кимё индустрияси устивор ўринлардан бирини эгалларди. Ўзбек кимёсининг тўнғичи **Чирчиқ электр кимё комбинати** бўлиб, у уруш арафасида (1940 йил) ишга туширилган эди. Урушдан кейинги йилларда **Кўкон суперфосфат** заводи (1947) ва **Самарқанд суперфосфат** заводи (1955) барпо этилди ҳамда фойдаланишга топширилди, сўнгра бирин-кетин Фарғона азотли заводи, Навоий кимё комбинати ва Олмалик кимё заводи ишга туширилди.

1950—60-йилларда Ўзбекистонда кимё индустриясининг янги тармоғи — гидролиз саноати яратилди. Ана шу йилларда Андижон гидролиз заводи, Фарғонадаги бирикмалари заводи, Янгийўл биокимё заводи барпо этилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб республикада пластмасса, сунъий толалар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган 20

та саноат корхонаси ишлаб турарди. Ўша вақтда биринчи бўлиб Навоий кимё комбинатида ғўза зараркунандаларига қарши курашиш учун самарали восита ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1985 йилларга келиб Ўзбекистоннинг кимё корхоналари умуман (СССРда жойлашган корхоналарнинг 10%ини ташкил этарди).

Кимё саноатининг ривожлантирилиши ижобий натижалар билан бир қаторда республика учун жиддий салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Унинг кўпгина объектлари аҳоли зич яшайдиган шаҳарларда жойлашган бўлиб, айтилиши вақтда атроф муҳитни ифлослантлар, экологик вазиятни мураккаблантлар эди. Атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилардан табиат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси шикаст топарди, ҳаво, сув, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари заҳарланар, бу эса одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, ўлим даражаси орттириб, айниқса, болалар ўлими кўпайишига олиб келди. Буларнинг ҳаммаси кимё корхоналарида чанг сурувчи ва газларни тозаловчи қурилмаларнинг етарли эмаслиги ёки бутунлай йўқлиги, аҳоли хавфсизлиги ва атроф муҳитнинг тозаллигини таъминлайдиган техникавий иншоотларнинг йўқлиги билан боғлиқ эди.

Ўзбекистон иттифоқнинг таркибий қисми сифатида бошқа минтакаларга минерал ва стратегик хом ашё, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари учун зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш билан бир қаторда, республикага металлга ишлов берувчи станоклар ва механизмлар, нефть маҳсулотлари, ёғоч-тахта, дон ва бошқа материаллар ҳам келтирарди. Бу ҳукмрон доираларнинг узокни кўзлаган сиёсати бўлиб, у халқлар ўртасидаги дўстона ва иқтисодий алоқаларни мустақамлаш ниқоби остида ҳақиқатда республика индустриясини унинг чегараларидан ташқарида ишлаб чиқариладиган бутловчи деталларга (масалан, машинасозлик ва авиация саноати учун) бутунлай боғлиқ қилиб қўйиб, бу билан уни ҳар қандай иқтисодий мустақилликдан маҳрум этишни назарда тутган эди.

70—80-йилларда саноат ишлаб чиқариш ривожини, унинг ҳажми ва меҳнат унумдорлигини суръатлари пасайиб, маҳсулотлар сифати, бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлари ёмонлашиб кетди. Марказлашган режалаштириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот Марказнинг қатъий назоратида бўлиши халқнинг ташаббускорлигини ва ижодини тобора бўғиб қўя бошлади, мавжуд қийинчиликларни енгиш имконини бермади, қақриқлар, чиройли шиорлар ва мажбуриятлар билан ниқобланган муаммолар ҳал этилмай қолаверди. Ўзбекистон саноатида ва бутун иқтисодиётида турғунлик тамойиллари муқаррар равишда ортиб бораверди. Умуман, саноат секинлик билан, катта узилиш ва таназзуллар билан ишлаётган эди.

Ўзбекистондаги завод ва фабрикаларнинг кўпчилигини давлат ишлаб чиқариш режаларини бажаришни уйдалай олмасди. Биргина 1975 йилда республикадаги 527 та корхона ишлаб чиқариш режасини бажармади. Асбоб-ускуналар кўп вақт бекор туриб қолар, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмасди. Саноат корхоналарининг кўпчилигини бир маромда ишламас, сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқарарди. Техникавий жиҳатдан қоқлик ва мутаассиблик холлари қийинчилик билан барҳам топтирилди.

Машинасозлик ва бошқа заводлар эскириб қолган конструкциядаги маҳсулотлар чиқаришарди. Енгил ва озиқ-овқат саноати эса «қолдик» принципига боғлаб қўйилган эди.

Булар кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётига етарли баҳо бермаслик ва мустабид тузумнинг ҳуқуқсиз миллий мустамлаканинг мўл, арзон ишчи кучидан фойдаланишга асосланиши билан боғлиқ эди.

Ўзбекистон саноати ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг жуда паст даражаси билан ажралиб турарди. Қўл меҳнати билан банд бўлган ишчиларнинг салмоғи ўрта ҳисобда 48,7%га етарди. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларининг кўпи билан 70%идан фойдаланиларди ва улар ҳам тўлиқ иш билан таъмин этилмаганди. Иш вақтининг ҳаддан ортиқ бекор сарфланишига йул қўйилди, кадрлар кўнимсизлиги юқори эди. Мисол учун, 80-йилларнинг фақат биринчи ярмида саноатдаги иш вақтининг бекор сарф бўлиши оқибатида саноат ўрта ҳисобда бир йилда 100 млн. сўмликдан ортиқ маҳсулотни кам берди.

Бу ҳол саноатга йуналтирилган маблағлардан самарасиз фойдаланишга, меҳнат унумдорлигининг сезиларли пасайишига олиб келди. Меҳнатнинг энергия билан таъминланиши соҳасидаги ютуқларга қарамасдан, кўпгина янги саноат объектлари қурилиши ва фойдаланишга топширилиши, ўртача йиллик суръатлари, меҳнат унумдорлигининг ўсиши 1971 — 1975 йилларда 4,8%ни, 1976-1980 йилларда 2,2%ни ташкил этди, 1981-1985 йилларда эса 1,3%га тушиб қолди. Ўзбекистондаги 180 та корхонанинг меҳнат унумдорлиги 1981 — 1985 йилларда олдинги даражада турди, 270 та корхонада эса, ҳатто сезиларли пасайди.

1970-80-йилларда Марказнинг буйруғи билан пахтага ихтисослашув муносабати билан Ўзбекистонда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмай саноат ишлаб чиқариши таркибида бузилишлар содир бўлди.

Саноат қурилиши даражаси республиканинг шимолий ва жанубий вилоятларида, шунингдек Қорақалпоғистонда айниқса паст даражада қолаётган эди. Бу ҳудудларда аҳолининг 40%идан кўпроғи истиқомат қиларди, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 37%и шу ерда эди, лекин бу ерга миллий даромаднинг бор-йўғи 31%и тўғри келарди, холбуки, Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларига миллий даромаднинг деярли 45%и тўғри келар эди.

Баъзи вилоятларнинг саноати аниқ ифодаланган хом ашё йўналишига эга эди. Бу ерларда асосан қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бирламчи ишлов берадиган тармоқлар (пахта тозалаш, пиллакашлик, кўнчилик, ёғ ишлаб чиқариш) жойлашган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, масалан, пахта тозалаш тармоғига Қорақалпоғистонда 50%, Қашқадарё вилоятида 51%, Сурхондарё вилоятида қайта ишлаш саноати ялпи маҳсулоти бутун ҳажмининг 56%и тўғри келарди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари янада паст даражада эди.

Ўзбекистон саноатининг тузилиши ва ҳудудига жойлаштирилишида йул қўйилган нуқсонлар шунга оқиб келдики, 80-йилларда республика саноат

ишлаб чиқаришидаги деярли барча ўсишлар хом ашё ва ресурс тармоқлари (**пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия**) ҳисобига таъминланди. Уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 60%га етди, холбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноатининг салмоғи фақат 16%ни ташкил этган бўлиб, бу икки банддан камроқ кўтарилганлигини англатарди. Бу хол республикалараро ноэқвивалент, нооқилона алоқаларга олиб келди, бундай шароитда Ўзбекистондан хом ашё ва чала маҳсулотлар ташиб кетилар, бу ерга эса бошқа ресурслар ва асбоб-ускуналар билан бир қаторда ўзи чиқарган хом ашё ва чала маҳсулотларни тайёр маҳсулотларга айлантирилиб кайтариб олиб келинади.

Ўзбекистоннинг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжининг деярли учдан бир қисми бошқа республикалардан келтириш ҳисобига қондирилди. Иқтисодийнинг ривожланишидаги бундай бир томонламалик ишлаб чиқарувчиларга ўз меҳнатлари натижаларини ҳис қилиш имконини бермади, аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлай олмасди, бинобарин, халқ фаровонлигини ошириш имконини бермасди, республиканинг иқтисодий тараққиёти ва изчил ривожланиши оқсаб қолаётган эди.

Собиқ тузуми Ўзбекистон саноати ривожланишини белгилашда бир томонлама ёндашиб, минтақанинг ана шу демографик ривожланиш хусусиятларини эътиборга олмадилар. Республикада аҳолининг ўсиш суръатлари барқарор юқори (йилига 2,5—3%) бўлгани ҳолда бу ерда бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш дастури ишлаб чиқилмади. Шу билан бирга, саноатнинг, кўп меҳнат талаб қилинадиган тармоқларининг чекланганлиги, саноат ишлаб чиқаришига маблағларнинг етарли даражада берилмаганлиги меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келди. Бу хол банд бўлмаган аҳоли сони кўпайишини олдиндан белгилаб берди, янги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди ва илгари мавжуд бўлган муаммоларни янада кескинлаштирди.

Ўзбекистонда пахта етиштириш кўрсаткичларини янада ошириш мақсадида янги экин майдонларини очиш, ирригация тармоқларини барпо этиш компанияси бошланади. Бу режани амалга ошириш мақсадида Амударё ва Сирдарёнинг сув ресурслари пахта экин майдонларини суғориш учун сарфланиб Орол денгизига сув қуйилиши умуман йўқ даражага бориб етади.

Транспорт ва кадрлар тайёрлаш масаласи. Транспорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, узунлиги 400 км масофага эга бўлган Чоржўй-Урганч темир йўли қурилади. Бу билан **Ашхобад, Самарқанд, Душанбе, Тошкент** ва бошқа шаҳарлар темир йўл орқали Россия билан боғланди. Транспорт тармоқлари узлуксиз кенгайиб борди. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти, Туркменистон ва Қорақалпақистон ҳудудларини боловчи Чоржўй-Кўнирот темир йўл магистрали қурилиши муҳим воқеа бўлди.

Урушдан сўнг халқ хўжалигини маҳаллий ишчи кадрларга бўлган талаби қондирилмади. Натижада кадрлар тайёрлашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди, баъзи соҳаларда керагидан ортик

ишчи кадрлар тайёрланди, бошқа соҳаларда, айниқса техника тараққиётини белгилайдиган тармоқларда маҳаллий кадрлар танқислиги сезилиб қолди. Аҳоли таркибида ишчилар сони анчагина ўсганига қарамай, республикамиз бу кўрсаткич бўйича собиқ иттифоқ республикалари ичида 1979 йилги маълумотга кўра, 13 ўринда турар эди. Ўзбекистон ишчилар синфининг миллий салмоғи жиҳатидан орқада қолмоқда эди. Масалан, ўзбеклар 1973-1983 йилларда саноатда 51,1 фоизни, қурилишда 46,5, транспортда 38,6, алоқада-40,6 кимё ва нефт кимёсида 24,9 фоизни ташкил қилган.

Республика саноат корхоналарини малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Турли хунар мактаблари, фабрика- завод таълими тармоқлари, темир йўл билим юртлари ва махсус курсларда 1946-1950 йилларда 216,7 минг ишчи кадрлари тайёрланган. Ўқув юртлари саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқлари учун 2372 та мухандис, ўрта махсус ўқув юртлари эса 5719 та техник кадрлар тайёрлаб берганлар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси кам ривожланганлиги ҳам меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришга фаол жалб қилинишига тўсқинлик қилди. Ўзбекистонга ташқаридан ишчилар ва мутахассисларнинг оқиб келиши тўхтовсиз ўсиб борди, банд бўлмаган маҳаллий аҳоли сони эса тобора кўпайиб борди. Ўзбекистоннинг индустриал ривожланиши ишлаб чиқаришга малакали ишчилар ва мутахассислар доимий равишда келиб туришини талаб қиларди.

Ўқув юртларининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги учун ишчилар тайёрлашга йуналтирилган эди. Саноатда малакали ишчи кадрларнинг танқислиги сезила бошлади. Шунинг учун саноат корхоналари ўзлари учун бевосита корхоналарда кадрлар тайёрлашга мажбур бўлдилар. 60—80-йилларда Ишчиларни ишлаб чиқаришда жадаллик билан тайёрлаш амалда назарий билимлар бермасди, ишчилар факат муайян касблар бўйича шунчаки амалий кўникма олардилар, холос.

Республика халқ хўжалигининг энг муҳим тараққиёти шубҳасиз электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилди. Шу мақсадда урушдан сўнг 1-Оққовоқ, 1-Бўзсув, 2-Бўзсув ва бошқа гидроэлектр станциялар қуриб ишга туширилди. Жумладан республикада 1945 йилда 1.187 млн кв/соат электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткич 2.681 млн. кв/соатга етган.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожидида қатор раҳбарлар кадрларнинг ўрни катта бўлди. **Усмон Юсупов** - (1900-1966 йй)-давлат арбоби. Фарғона вилоят, Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида туғилган. 1916 йил у Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри) даги пахта тозалаш заводида ишлайди ва турли жамоатчилик ишларида фаол қатнашди.

У.Юсупов республика раҳбари бўлиб ишлаган йилларида унинг ташаббуси асосида Ўзбекистонда халқ ҳашари йўли билан йирик сув иншоотлари қурилади (Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори ва б.). Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССРнинг ғарбий районларидан

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган йирик корхоналарни тезлик билан жойлаштириш ва ишга тушириш, янги корхоналар куриш, фронтни озик-овқат, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари билан мунтазам таъминлашда фаол қатнашди. Ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафабар этишда, уруш туфайли бошпанасиз қолган аҳолига, ота-онасиз қолган юз минглаб болаларга меҳрибонлик ва ўзбекларга хос бўлган юксак инсонпарварлик сифатларини кўрсатишда бош-қош бўлди. У.Юсупов 1966 йил 7 майда Тошкент шаҳрида вафот этади.

Шароф Рашидов (1917-1983)-таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. Жиззах шаҳрида туғилган. 1933 йилда Жиззах педагогика техникумига ўқишга киради, уни тугатгач, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилади. 1937-1941 йилларда А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг филология факультетида ўқийди. 1941 йил ноябрда фронтга чақирилади. 1942 йил оғир яраланиб, Ватанига қайтиб келади ва Жиззахдаги ўрта мактабда директорлик қилади. 1943 йил “Ленин йўли” газетасида масъул муҳарир, 1944 йил Самарқанд вилояти партия кўмитасида котиб лавозимларида ишлайди. 1947-1949 йилларда “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги Ўзбекистон овози) газетаси муҳаррири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг бошқарув раиси (1949-1950), 1950 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раиси, СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари, 1959 йилда умрининг охиригача Ўзбекистон ССР КП МҚ биринчи котиби лавозимларида ишлади.

Ш.Рашидов кўпгина муҳим объектлар (кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, сув иншоотлари куриш, Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ва шаҳарни қайта куриш, Тошкент метрополитени курилишини йўлга қўйиш ва ҳ.к.) курилиши, Ўзбекистоннинг кўп қиррали салоҳияти ва ривожланиши унинг номи билан боғлиқдир.

Ш.Рашидов “Ғолиблар” (1951), “Кашмир қўшиғи” (1956), “Қалб амри билан” (1982) қиссалари, “Бўрондан кучли” (1958), “Қудратли тўлқин” (1964) романлари, бир қанча публицистик китоблар ва бошқа асарлар муаллифидир.

Уруш тугугандан сўнг республика маънавий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида, чунончи, халқ таълими, тиббиёт, илм-фан, адабиёт, саънат соҳаларида муайян силжишлар қўлга киритилди. Энг авваламбор республикада халқ таълимини қайта тиклаш ва ривожлантиришга эътибор қаратилади. Умумий ўрта мактаблар сони ортиб борди, уларда фаолият олиб бораётган кадрлар сони ҳам сон ва сифат жиҳатдан ўзгарган.

Таълим, фан ва маданият. 1946-47 ўқув йилида республикада 4483 мактаб бўлиб, уларда 212.000 ўқувчи ўқиган бўлса, 1965-66 ўқув йилида 9716 тага ундаги ўқувчилар сони 2.476.000 кишига етган. Олий ўқув юртларида талабалар сони 21.190 дан 168.800 тага етган. 1958 йил «Мамлакатда халқ маорифи тизимини янада ривожлантириш тўғрисида» қонун қабул қилинган эди. Унда ўқитишни турмуш билан боғлаб олиб бориш, ёшларга умумий политехник таълим бериш вазифалари илгари сурилди. Бу қонун ва ундан келиб чиқадиган вазифалар Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг

ривожланиши учун ҳам асос қилиб олинди. 1962 йилда мамлакатда умумий мажбурий 8 йиллик таълимга ўтиш амалга оширилди.

Халқ таълимининг янада ривожлантириш мақсадида 1966 йилда «Республика умумтаълим мактаблари ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» ва 1969 йилда **«Республика умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»**ги қарорлари қабул қилинади. Мактаблар сони тобора ортиб борган. Хусусан 1965-1985 йиллар давомида республикада умумтаълим мактаблари 8716 тадан 9188 тага кўпайган, ўқувчилар сони эса 3055,8 минг нафардан 6519,6 минг нафарга ортган. 1965-1985 йилларда республика мактабларида ўрта маълумот олганлар сони 5,7 млн. кишидан ошиб кетган эди. Мамлакатда маданий-маърифий ишлар салмоғини кенгайтириш, фуқароларни коммунистик мафкура асосида тарбиялашга ката эътибор қаратилади. Шу мақсадда мафкуравий марказлар, хусусан клублар ва кутубхоналар салмоғи ортган. 1960 йиллар республикада 2.977 клуб бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 3.441 тага етган. Шу йиллари кутубхоналар сони 3.418 тадан 5.822 тага; музейлар сони 14 тадан 26 тага етган.

Фаннинг турли йўналишларида маҳаллий миллат вакиллари орасидан турли соҳаларда олимлар, кашфиётчилар етишиб чиқди. Хусусан математика соҳасида Т.Н.Қори-Ниёзий, Т.А.Саримсоқов, С.Х.Сирожиддинов, физика соҳасида У.О.Орифов, С.А.Азимов, кимё соҳасида О.С.Содиқов, С.Ю. Юнусов, М.И.Набиев, техника соҳасида М.Т.Ўразбоев, Х.А.Раҳматулин, Х.Файзиев, биология йўналишида А.М.Музаффаров, К.З. Зокиров, Т.З.Зоҳидов, тарих, фалсафа йўналишларида И.М.Мўминов, Ҳ.Сулаймонова, Я.Ғ.Ғуломовлар номларини қайд этиш мумкин.

Адабиётда мафкуравий таъсир ўтказишнинг қуроли сифатида қараган бўлишига қарамадан ўзбек адабиётининг янада ривожланишида 60-70 йиллар адабиёти алоҳида ўрин тутди. Шундай адиблар орасида Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбековлар фаолиятини қайд этиш лозим. Ёш ижодкорлардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Омон Матжон, Рауф Парфи каби адиблар етишиб чиқдилар.

80-йилларнинг ўрталаридан адабиёт халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттириш йўлида янгича қадамлар қўя бошлади. Бадий асарларнинг мавзуи доирасига Орол фожеаси, ўзбек деҳқонининг машаққатли тақдири, табиат, тил, маданият ва тарихимизга оид муаммолар шиддатлироқ кириб келди. Янги мазмун ижодда янгича замонавий шакл, халқона оҳангларда кенг йўл оча бошлади.

50-60 йилларда Республика санъатида, хусусан театр ва рақс санъатида илгари силжишлар юз берди. 1947 йили Тошкентда хореография билим юрти очилди. 1957 йили машҳур раққоса М.Турғунбоева томонидан **"Баҳор"** ўзбек халқ рақс ансамбли, 1958 йили Г.Раҳимова раҳбарлигида Хоразм ашула ва рақс ансамбллари тузилади. Улар ўзбек сахна рақсларини бойитдилар. 1964 йил Тошкентда **"Ёш гвардия"**, 1990 йилдан Аброр Ҳидояттов номидаги ўзбек драма театрининг очилади.

Улар репертуаридан кенг ўрин олган ва 60-70 йилларда театр сахналарига олиб чиқилган И.Султоннинг «Номаълум киши» С.Азимовнинг «Қонли сароб», М.Ойбекнинг «Қутлуғ қон», С.Аҳмаднинг «Келинлар Қўзолони» сахна асарлари томошобинлар эътиборини қозонди. Ўзбек театр санъати довруғини кўтариш, уни элга манзур қилишда катта ижодий меҳнати синган, унга бутун умрини башлаган М.Уйғур, Е.Бобожонов, А.Идоётов, С.Эшонтўраева, О.Хўжаев, Ш.Бурхонов, Р.амраев, Н.Раҳимов, А.Бакиров, З.Мухаммаджанов, .Носирова, С.Қобулова, Л.Саримсоқова, Г.Измайлова, Б.Қориева, Я.Абдуллаева, С.Хўжаев, Ҳ. Умаров сингари санъаткорлар,, актёрлар, кинематографлар етишиб чиқдилар.

6. Собик иттифоқдаги маъмурий буйруқбозлик тизимининг Ўзбекистонга таъсири. Урушдан сўнг жамият ҳаётида маъмурий буйруқбозлик тизими кучайиб борди. Хусусан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизимида партиянинг яқка ҳукумронлиги кучайиб борди. Сиёсий катагонликнинг янги босқичи бошланди. Агар 30-йилларда катагонликни ички ишлар халқ комиссарлари (НКВД) олиб борган бўлса, эндиликда бу мудҳиш ишларни коммунистик партиянинг марказий комитети ва унинг қўйи ташкилотлари бажарди. 1949 йилнинг мартида чақирилган Ўзбекистон коммунистларининг X съезди республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда заҳарлаш, миллий кадриятларга. "диний хурофотга қарши курашни кучайтириш вазифаларни қўйди. Бу билан жамиятда социалистик мафқурани вайронкорлик роли яна ҳам кучайтирилди.

1949-1952 йилларда кўпгина машҳур ўзбек ижодий зиёлилари асосиз равишда айбланиб, катагон қилинди. Ўзкомпартиянинг 1949 йил 25 июндаги бюро мажлисида бир гуруҳ ёзувчилар миллатчиликда. Эски феодал маданияти олдида бош эгиш, ўтмишни идеаллаштиришда айбланди. **Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мамарасул Бобоев, Миртемир, Шайхзода** каби ўзбек ёзувчилари бадном қилинди. 1951 йили августда бир гуруҳ атоқли ижодкор зиёлилар "миллатчилар"- деб матбуотда ноҳақ танқид қилинди, "бузғунчиликда" айбланди. Кейинчалик ёзувчилардан Шайхзода, Шукрулло, Шухрат, Саид Аҳмад ва бошқалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Пахта монокультураси ва унинг оқибатлари. Узоқ йиллик Собик иттифоқ даврида пахтага фақат бир ёқлама ёндашиш, уни етиштиришни "рекорд даража"га кўтариш сиёсати натижасида қишлоқ хўжалиги, экология, аҳоли турмуш тарзида салбий из қолдирди. XX аср 20-30 йилларидан бошлаб шакллана бошлаган пахта монокультураси натижасида "Пахта мустақиллиги учун кураш социализм учун кураш" шиори остидаги ғайриэкологик сиёсат оқибатида ҳаво, сув, тупроқ, озик овқат кабиларда тузлар, ҳар хил заҳарли биркмалар ортди. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган маблағларнинг катта қисми пахтачиликка ажратилади ва унинг билан болиқ бўлган тармоқларга сарфланди.

Юқорида айтилганидек, шу мақсадда ВКП (б) МҚнинг 1945 йил 15 июлдаги «Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш чора тадбирлари тўрисида» ги ва Собик иттифоқ ХКС нинг

1946 йил 2 февралдаги «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирларни тўрисида» қабул қилган қарорлари ҳам шу мақсадга қаратилган эди. Марказнинг бу кўрсатмалари республика меҳнаткашлари учун пахта экин майдонларини кенгайтириш, унинг ҳосилдорлигини йил сайин кўпайтириб боришни назарда тутсада, истиқболда минглаб гектар ерларнинг мелиоратив ҳолатини бузилишига, аҳоли саломатлигини ёмонлашишига, экологиянинг аянчли оқибатларига олиб келди.

Айниқса пахтачиликни ривожлантириш учун минерал ўғитлар, турли пестицидлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилади. Бунинг натижасида сунъий равишда пахта хом-ашёси етиштириш 1946-1985 йилларда 5,5 баровар кўпайди, пахта экиладиган майдонлар 1 млн. гектардан ортди, тупроқнинг мелиоратив ҳолати бузилди, ерлар шўрланиб экологияга катта зарар етказилди.

Оммавий равишда қишлоқ хўжалигига эътиборнинг кучайтирилганлиги кўриқ ва бўз ерларнинг юраги ҳисобланган Жиззах, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Фарғона чўлларидаги пахта майдонларини суоғриш учун сув иншоотларидаги манбалардан керагидан ортиқ фойдаланишлар натижасида Орол ҳавзасида экологик вазиятнинг ёмонлашиши, кескин сув танқислигига сабаб бўлди. Ер ва сувнинг шўрланиши аҳоли саломатлигига салбий таъсир қилди. Шунингдек 1960-1970 йилларда унинг сув сатҳи бир йилда 18 см, 1971-1980 йилларда 53 см га, 1985 йилга келиб эса 87 см.га етган эди. 1961 йилдан 1991 йилгача денгиз ҳажми 3 баравар қисқарди, унинг кирғоғи 75-80, баъзи жойларда 100 км.га чекинди. Минтақада экологик ҳолат кескинлашди.

Пахта монокультураси ва у билан боғлиқ аянчли ҳолат XX аср 80 йилларида янада кучайди. Совет тузуми ва у билан боғлиқ Марказ раҳбарлигида Ўзбекистонда навбатдаги ошкора қатағонлар бошланиб кетди. **"Пахта иши"** деб аталган машъум сиёсат ниқоби остида минглаб бегуноҳ кишилар жиноий жавобгарликка тортилди. Марказ кўрсатмасига кўра "Пахта иши" ва "ўзбеклар иши" деб номланган терговлар олиб борилди. Гдлян ва Ивановлар гуруҳи илғор пахтакорлар, давлат бошлиқлари, умуман ўйлаб топилган ва бевосита "пахта иши" билан боғлиқ минглаб кишиларга нисбатан қонунсиз, бешафқат ишларни бошлаб юборадилар. Уларнинг зўравонлиги оқибатида судлар адолатсиз ҳукмлар чиқара бошладилар.

Марказдан юборилган Гдлян ва Иванов гуруҳи минг-минглаб раҳбарлик маҳоратини пухта эгаллаган раҳбар кадрларга нисбатан турли айбномаларни ўйлаб топдилар, қамаш, озоликдан маҳрум қилиш каби ҳоллар кучая бошлади. Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташланган энг мубим қадамлардан бири эса ЎзКП Марказий Комитетининг 1989-йил 25-ноябр пленумида Ўзбекистон ҳукумати аввало пахта монокультураси оқибатида республика ва ўзбеклар бошига ёғилаётган маломат тошларига чек қўйиш, матбуотда пахта монокультураси ва экологик ҳолатга ҳақидаги миш мишларни тугатиш ҳақида эди.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида пахта монокультураси оқибатларини бартараф этиш мақсадида махсус тафтиш қилиш комиссияси икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида 40 минг томлик ишни кўриб чиқди, пахта тажовузи оқибатида айбланган 3,5 мингдан кўпроқ киши оқланди. Қолганларнинг жазо муддатлари камайтирилиб, катта қисми Президентимиз фармонларига биноан авф этилдилар. Хулоса қилиб айтганда пахта монокультураси ва пахтага фақат бир ёқлама ёндашиш, уни етиштиришни кўпайтириш охир оқибат ўзининг салбий оқибатларини қолдирди. Бундай ғайриэкологик сиёсат оқибатида одамлар турмуш тарзида салбий ҳолат вужудга келди. Яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқларидан етарли хулосалар чиқариб иш олиб бориш эса сиз ва бизнинг бурчимиздир.

Тарихий адабиётларда қайд тилишича 1989 йилгача Республикамизда мазкур ишлар бўйича 4,5 мингдан кўпроқ киши судланади. Айбсиз одамларни, уларнинг оила аъзоларини қамоққа олиш, жисмоний ва руҳий кийноққа солиш авж олди. Ҳисобга олинганлар тергов усулларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилишгача бориб етдилар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари беҳад топталаётганлиги ҳақида Москвага хатлар жўнатилди. Афсуски, бу хатлар текширилмасдан, хатто жавоб ёзишга эп кўрилмади. Республикада ўйлаб топилган "Пахта ишлари"ни кўриб чиқиш учун махсус комиссия тузилди. Комиссия иш фаолиятига 40 минг томдан иборат ишни кўриб чиқиш топширилди. 1990 йилнинг июн ойига келиб, комиссия муҳим бир хулосага келди. 1990 йил 13 июн куни Москва шаҳрига СССР Бош прокурори, СССР Олий судининг раиси ва СССР Адлия вазири номига ёзилган хатда комиссия хулосалари батафсил кўрсатилди. Бу хатда "Пахта ишлари" чуқур таҳлил қилиниб, судланганларни оқлаш масаласи қўйилган эди. Бироқ юқоридаги ташкилотлар кўмак ўрнига тайзикни кучайтирдилар.

Орол муаммоси. XX аср Собиқ иттифоқда давом этган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ўзбекистондаги экологик ҳолатга ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Мамлакатдаги маъмурий буйруқбозлик тизими, мафкуравий ҳукмронлик минтақадаги экологик ҳолатга ҳам ўз салбий ўтказди. Зеро, Собиқ иттифоқ даврида тоталитар, мустамлакачилик тузум зўровонлиги Ўзбекистонда юз берган экоижтимоий инқирозлар ўз моҳиятига кўра маънавий фожеа ҳамдир. Экологик шовинизм барча соҳаларда сиёсий ва иқтисодий қарамликлар, миллий маънавий қадриятларнинг топталиши, кадрлар тайёрлашнинг империя манфаатларига мослаштирилиши, табиий бойликларга нисбатан талончилик сиёсати қабиларда намоён бўлди.

Амалга оширилган шовинистик сиёсат натижасида табиатга ваҳшиёна муносабат Орол фожеасига олиб келди, флора ва фауна бузилди, турли хил касалликлар, жумладан, бепуштлик, аёллар ва болалар ўлими ошди. Биргина мисол, ўша пайтда АҚШ ва Японияда туғилган 1000 та боладан 1-2 таси ёшига етмай ўлган бўлса, бу кўрсаткич, Ўзбекистонда 46 тага етганлигини қандай изоҳлаш мумкин?. Экоижтимоий маънавий инқирозлар кўрсаткичи аҳолининг саломатлигининг ёмонлашишида ҳам ўз аксини топди.

Жумладан, 1976 йилдан 1990 йилгача фақат Ўзбекистоннинг ўзида катта ёшдаги ва болалар орасида умумий касалга чалиниш (хар 10 минг киши

ҳисобига) мунтазам ўсиб борган. Республика бўйича катталар ва ўсмирларнинг умумий касалланиш интенсив кўрсаткичи 1976 йилда 2466,5 тадан 1990 йилда 3598,6 тага етган. Ташқи муҳитнинг салбий таъсири туфайли асаб тизими, тери, тери ости касалликлари 1989 йилнинг ўзидан - 1,4, қон айланиш тизими касалланиши - 1,3 марта кўпайган. Сил касаллигига чалиниш 3 фоизга кўпайган. Болалар жумладан, гўдаклар ўлими собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидаги кўрсаткичидан икки марта юқори бўлган. Республикада ҳар йили 200 мингга яқин киши гепатит касалига дучор бўлган.

Ер, сув, ҳавога эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш каби экоқўникмаларимиз миллий кадриятларимиз ва урф-одатларимиз коммунистик мафкура асосида шакллантирилган совет удумларини қарор топтириш орқали унутилди. Экомиллий кўникмаларимизнинг унутилиши эса юз берган фожанинг навбатдаги маънавий инқирози эди.

Айниқса аجدодларимизнинг табиат билан боғлиқ анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари, миллий анъаналари, удум ва маросимлари унутилди. Жумладан, минг йиллар мобайнида шаклланиб, сайқал топиб, нишонланиб келинган "Ҳосил байрами", "Қовун сайли", "Гул сайли", "Наврўз" каби байрам ва удумлар унутилди ёки таъқиқлаб қўйилди. "Наврўз"нинг сунъий равишда "Навбахор"га айлантирилиши ёки унга эскилик сарқити дея қаралиши оқибатида Наврўз билан алоқадор одамларнинг табиатга, ўсимликларга, ерга муносабати ўзгарди, улар билан боғлиқ анъаналар унутилиш арафасида қолди.

Халқимизнинг кўпроқ қишлоқ хўжалиги меҳнатига жалб қилиниши, пахта яккахокимлиги каби салбий ҳолатлар, ўлка асосан хом ашё, айниқса пахта хом ашё базасига айлантирилиши бошқа қишлоқ хўжалик экин турларига нисбатан тескари муносабатни шаклланишига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги майдонларига максимал даражада кимёвий ўғитлар берилиши натижасида халқ соғлом турмуш тарзи айниқса ёш авлод генофонди учун хавф пайдо бўлди.

Кейинги чорак аср давомида муаммо бўлиб келаётган Орол денгизи муоммасини ҳал этиш учун бир қатор лойиҳалар таклиф этилганлигига қарамай, уларнинг бирортаси ҳам жорий этилмади. XX аср 60-йилларидан бошлаб янги ерлар кенг қўламда ўзлаштирилиши, саноат, чорвачилик комплексларининг экстенсив ривожлантирилиши, коллектор-зовур тизимлари қурилсада, улар асосан пахтачилик учун хизмат қилди ҳамда канал, лотоклар сувлари суғориш учун муттасил юқори ҳажмларда олинди. Шу боис ҳавзалардаги сувнинг салмоғи камая бошлади. Орол денгизининг қуриши кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий экоинқироз хавфини кучайтирди.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб халқнинг маънавий ҳамда тарихий анъаналарининг эътиборга олинмаганлиги ва экоинқирознинг келиб чиқиш сабабаларини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, экологияга зарар етказмаслик нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳаллий шарт-шароитларга мослаб жойлаштирилмаганлиги;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида сувни ва меҳнатни кўп талаб қиладиган экинларни, айниқса, пахта экин майдонларининг кенгайтирилиши;

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида сон ортидан қувилиб, сифатига кам эътибор берилиши;

Тўртинчидан, экоинқирознинг яна муҳим кўриниши бу, фуқаролар маънавиятида табиатга оқилона муносабат фақатгина социализм қарор топган жамиятдагина мавжуд бўлади, деган умуминсоний қарашларга зид дунёқараш шакллантирилиши;

Бешинчидан, минтақани иқтисодий ривожлантиришда атроф-муҳитга салбий таъсир этиш мумкин бўлган жараёнлар эътиборга олинмаганлиги ва илмий асосланмаганлиги;

Олтинчидан, маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшлишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг кучсизлиги кабилардир. Буларнинг барчаси табиатга нисбатан маънавий ахлоқий қарашлар, тўғри муносабатни акс эттирувчи одат ва маросимлар унутилишига олиб келди.

Бир сўз билан айтганда, собиқ маъмурий буйруқбозлик тизими, мафкуравий ҳукмронлик минтақадаги экологик ҳолатга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бундай сиёсат халқнинг минг йиллар мобайнида шаклланиб келган атроф муҳитга маънавий-ахлоқий муносабатларини йўқолишига сабаб бўлди, Фақат мамлакатимиз мустақиллиги туфайли халқимизнинг маънавий руҳий тикланиши инсоннинг табиатга бўлган муносабатини ҳам тубдан ўзгаришига имконият яратди.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар

Феврал инқилоби, октябр давлат тўнтариши, Туркистон, ўлка, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, «Туркистон Мухторияти», миллий давлатчилик, ТАССР Ер сув ислоҳоти, коллективлаштириш, иккинчи жаҳон уруши, Ўзбекистон, Собиқ иттифоқ, маъмурий буйруқбозлик тизими.

Мустақил таълим мавзулари

1. 1917 йил феврал инқилобининг ва октябр давлат тўнтаршининг
2. Туркистонга таъсири.
3. Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар.
4. «Туркистон Мухторияти»: миллий давлатчиликда янги босқич.
5. ТАССР даврида Туркистон.
6. XX аср 20-30 йилларида Туркистонда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт.
7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон
8. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар.

Назорат саволлари:

1. 1917 йил феврал инқилоби ва октябр давлат тўнтариши Туркистон халқлари ҳаётига қандай таъсир қилди ?
2. “Туркистон Мухторияти» нинг ташкил топиши ўлкадаги ижтимоий сиёсий вазиятга қандай таъсир қилди. ?
3. Янги ташкил қилинган ТАССР даврида Туркистонда қандай сиёсий ўзгаришлар содир бўлди ?
4. Ер сув ислоҳоти ва коллективлаштириш йилларида Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида гапиринг.
5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонликлар урушга қандай ҳисса қўшдилар ?
6. Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида фикрингиз.
7. Маъмурий буйруқбозлик тизими Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳаётига қандай таъсир қилди ?

Адабиётлар рўйхати

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. –Т.: “Маънавият”. 2000 й.
2. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: «Шарқ», 1998 й.
3. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Т.: 2001 й.
4. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. //Даврий тўплам. (Таҳрир ҳайъати т.ф.д Д.А.Алимова, т.ф.д С.С.Аъзамхўжаев ва бошқалар) Т., 1999.
5. Обломуродов Н. Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т., 2009.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”. – Т. : 2000.
7. Ўзбекистон тарихи. «Дарслик»// Масъул муҳаррир т.ф.д Р.Х. Муртазаева. Т., 2005 й.

11-Мавзу: Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлида (1989-1991 йиллар)

Режа:

- 1. XX аср 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият.**
- 2. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида: президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва мустақиллик декларацияси қабул қилинишининг тарихий аҳамияти.**
- 3. 1991 йил август воқеалари, СССР нинг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши**

1. XX аср 80-йилларининг охири ва 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият. КПСС Марказий Қўмитасининг 1985 йил апрель Пленумида жамиятни «қайта қуриш» орқали иқтисодиётни “тиклаш”, халқнинг турмушини “яхшилаш” сиёсати белгиланди. Бундан қўзланган мақсад жамиятни социалистик асосда ислоҳ қилиш, жамиятнинг барча соҳаларида тўла демократик жараёнларни бошлаш эди. Аммо ҳукуматнинг олиб борган ички сиёсати ва кўпмиллатли мамлакат фуқаролари қарашлари ўртасида ўзига хос номуносивлик содир бўлди. Хусусан 1987 йилдаги мавжуд сиёсий тузумни ва иқтисодиётга партиявий раҳбарликни сақлаб қолган ҳолда, хўжалик механизмини ислоҳ қилиш йўлидаги урунишлар ҳам самара бермади.

Шундай мураккаб ижтимоий, сиёсий вазиятда республикада кенг мунозарага сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Маълумки, шахсга сиғиниш, турғунлик йилларида ўзбек тилинининг мавқеи қўлланиш доираси жуда ҳам торайиб кетди. Ўзбек тили давлат идораларида ҳам, мажлислар, йиғлишларда ҳам деярли ишлатилмай деярли қўйилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб СССРнинг парчаланиши реал объектив ҳақиқатга айланиб қолди. Халқ миллий онгни ўсиши, жамиятнинг ижтимоий қонуниятлари ва талаби ўзбек тили масаласини кўриб чиқишни кун тартибига қўйилишига туртки бўлди. Шу тарзда ҳукумат ва мамлакатимиз илмий жамоатчилиги саъйи ҳаракатлари билан **1989 йил 21 октябр**да халқимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди, ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилди.

Фарғона воқеалари. Маълумки XX асрнинг 80-йиллари охирларига келиб совет тузumi парчаланиши арафасида мамлакатдаги инқирозли вазият миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувида ҳам ўз аксини топди. Чунки, узоқ йиллар давомида ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда тўпланиб қолган муаммолар миллатлараро муносабатларга таъсир этмасдан қолмади. Бундай низолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона вилоятидаги миллатлараро можаролар республикадаги сиёсий вазиятнинг кескин тус олишига олиб келди. Республиканинг ўша пайтдаги Ўзбекистон компартиясининг собиқ биринчи котиби Рафиқ Нишонов бошчилигидаги сиёсий раҳбарияти юзага келган бу

мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмагани учун, ёшларнинг оммавий чиқишлари, миллатлараро тўқнашувлар содир бўла бошлади.

Шу нарса аёнки, дея ёзади **Биринчи Президент Ислом Каримов** “...ўшанда барча воқеаларнинг илдизи - Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан чамбарчас боғлиқ эди. Юзага келган қалтис вазиятни бартараф этиш учун, энг аввало, вилоятда, умуман водий вилоятларида янги иш ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, одамларга таъминот ва даромад манбаини топиб бериш зарур эди. 1989 йилнинг июль ойига қадар Фарғона вилояти аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш, меҳнатга яроқли аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилди.

1989 йил 24 майда Қувасой шаҳрида ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (маҳаллий ёшлар билан месхети турклар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди ва бу можаро Фарғона водийсида оммавий тус олади. Ўша даврдаги республиканинг раҳбарияти юзага келган бу мураккаб вазиятни тўғри баҳолай олмади. Натижада, оддий можаро Фарғона, Марғилон, Тошлоқ, Кўқон, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оммавий чиқишларига айланиб кетди ва миллатлараро тўқнашувларда намоён бўлди.

Мамлакатимизга раҳбар этиб сайланган Ислом Каримов ҳокимият тепасига келгач, энг аввало, мамлакатда тартиб ўрнатишга киришди. Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан чиққан этник низолар ва ижтимоий танглик ўчоқлари шахсан Президент иштирокида бартараф этилди”. Раҳбар нафақат сиёсатчи бўлиши, балки дастлаб унинг иродали, кўркмас шахс сифатида шаклланганлиги ҳам эътиборлидир.

1989 йилнинг 23 июнида Ислом Каримов мамлакат раҳбари бўлиб сайланган кунининг эртасигаёқ яъни, 24 июнь куни Министрлар Советида Фарғона воқеаларига бағишланган катта мажлис ўтказди. Мазкур мажлисдаги чиқишида янги раҳбар сиёсий етакчига хос барча фазилатларини намоён этади. Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида масалани кескин қўяди: “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” дея таъкидлайди.

Эртасигаёқ республика раҳбари жанжал-тўполонлар ичида қолиб кетган Фарғонага боради. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очик гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оҳу нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги яраларига малҳам қўйгандек бўлади.

Аммо воқеалар қалтис тус олган кезларда Фарғона фожиалари ҳақида республика матбуотида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тўғри маълумот берилмаганлиги, бу можароларнинг келиб чиқишида асосан «маҳаллий аҳоли айбдор» деб бир томонлама ва ноҳолис баҳоланиши вазиятни янада кескинлаштиради. Таъкидлаш жоизки, 1989 йил 11 июнда Тошкент шаҳрида ишлаётган ва ўқиётган фарғоналик ёшлардан юзга яқини

оммавий ахборот воситаларининг воқеаларга муносабати ҳақида бир қатор тўғри талабларни кўядилар.

Бундай оммавий чиқишларга, коммунистик мафкура тартибига қарши боришларга «кўникмаган» мустабид тузум сиёсий раҳбарияти намоёишчиларга қарши ҳарбий қисм ташлайди. 1989 йил 8 июнда Қўқонда тинч намоёишчилар ана шу ҳарбий қисм аскарлари томонидан ўққа тутилди, натижада 50 дан зиёд намоёишда қатнашган аҳоли ҳалок бўлади (уларнинг кўпчилиги ёшлар эди), 200 дан ортиғи эса ярадор қилинади. Умуман 3-12 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва уларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши оқибатида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон қилинган.

Воқеаларнинг кенг миқёс ва фожиали тус олганлиги сабабли совет ва маъмурий органлар томонидан месхети туркларини Фарғонадаги ҳарбий қисм полигонидagi лагерга ҳамда Тожикистоннинг Ленинобод (ҳозирги Суғд вилояти) вилояти Ашт туманидаги Новгарзон посёлкасига шошилиш кўчирилади. Минглаб одамларни бундай лагерларда узок сақлаб бўлмас эди. Шунинг учун 16.282 киши Фарғона вилоятидан Россиянинг Смоленск, Орловск, Курск, Белгород ва Воронеж вилоятларига кўчириб олиб бориб жойлаштирилади.

Зеро, ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай буёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди.

Маъмурий буйруқбозлик тизими, кадрлар сиёсати, қатағонлар, саноат, электроэнергетика, машинасозлик, асбобсозлик, ирригация, мелиорация, кўриқ ва бўз ерлар, ижтимоий ҳаёт, маданий ҳаёт, фан, адабиёт ва санъат, таълим-тарбия, «қайта қуриш», пахта иши», пахта якка ҳокимлиги, экологик муаммолар.

1. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида: президентлик бошқарувининг жорий этилиши ва мустақиллик декларацияси қабул қилинишининг тарихий аҳамияти. XX аср 90-йилларининг бошида республикада жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш, мамлакатда яшаётган кўп сонли миллатларнинг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга эришиш Ислом Каримов бошлик сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Чунки, Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, унинг манфаатларини кўзлаб иш юритган эди.

Вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Ислом Каримов

бошчилигида ўзининг асрий орзуси – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари дадил ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими ўз умрини ўтаб, бозор муносабатларига ўтиш ҳаракатлари эндигина рўй бераётган бир даврда, республика Олий Кенгашининг сессиясида тасдиқланган бозор муносабатларига ўтишнинг дастури Ўзбекистонни консерваторлар республикаси деб ноўрин танқид қилинишига сабаб бўлди. Бунга жавобан, республикамиз раҳбари жамият тараққиётидаги “сакраш”ларнинг салбий жиҳатлари, хусусан, Ўзбекистондаги оғир ижтимоий-иқтисодий шароитда инқилобий ўзгаришлар турли хавф-хатарлар билан боғлиқлиги, умуман “сакраб ўтиш” ғояси эса республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлишини асослаб берди.

Шу билан бирга, бошқа республикаларда хусусийлаштириш тўғрисида гап сотилаётганда, айнан муҳолифлар томонидан ўринсиз танқид қилинаётган “консерваторлар республикаси”да биринчилардан бўлиб хусусий корхоналар пайдо бўлди. Республикада дўконларни ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш бошланиб, **1990 йилнинг ўзида 170 минг гектар ер оилаларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижарага берилди.** Бу рақамни ярим миллион гектаргача етказиш белгилаб олинди. Сўнги пайтларгача ерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизда деҳқончилик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизига қадар бергани ҳисобга олинадиган бўлса, ерларнинг умумий салмоғида бундай участкалар ҳажми икки баробардан зиёд ошганда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми сезиларли даражада ошиши муқаррар.

1990 йил 23 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳлил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилди. Пленум янгиланаётган сиёсий тизимда республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабати принциплари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиб, буйруқбозликдан, маъмуриятчиликдан воз кечиш лозимлигини уқтирди. Шу билан бирга, пленум республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни ҳаёт тақозо қилаётганини кўрсатиб, реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан халқ депутатлари советларига берилиши билан боғлиқ барча қийинчиликларни енгиб ўтишлари лозимлигини таъкидлаб, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлади.

Ўзбекистонда президентлик бошқаруви масаласининг кўтарилиши принципиал амалий ва тарихий ҳодиса бўлди. Республикада бошқарувнинг айна ана шундай шакли жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими шундан иборатки, Президент муассасасининг жорий этилиши –

республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдирар эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айти шу пайтда кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат қилиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда эди.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, 1990 йил 24 мартда XII чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия Ўзбекистон тарихида биринчи марта президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия яқдиллик билан Ислон Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда **Президент лавозимининг таъсис этилиши** республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида қўйилган навбатдаги дадил қадамлардан эди.

Республиканинг Президенти сессияда «Бу катта ишонч учун ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман, мен буни, энг аввало, ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир гражданинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш йўлида катта масъулият деб тушунаман», деди.

Ўз фикрини давом эттириб, Президент ўз вазифасига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Ўзбекистон Президенти сифатидаги ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан иборат деб биламан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ўтишини таъминлашдир. Айти чоғда меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш – республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир». Шу тариқа Президент энг қийин, зиддиятли, таҳликали бир пайтда бутун масъулиятни ўз зиммасига олди.

Яна муҳим сиёсий воқеалардан бири, бу 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-сессиясида **Мустақиллик декларацияси** қабул қилинди. У 12 бўлимдан иборат бўлиб, унда миллий армияни шакллантириш билан боғлиқ бўлган айрим бандлар қуйидагилардан иборат эди:

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқлидир ва ҳ.к.

1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонида кўра:

1. Республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВ ва Давлат Хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди.

2. Республика ва унинг фуқоролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутди.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВнинг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди.

4. Ўзбекистон ССР ИИВ, ДХҚ, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилинди ва ҳ.к.

Мустақиллик декларациясида ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинishi уқтирилди.

Мустақиллик декларацияси кириш қисмида қўйидаги принциплар ўз аксини топди: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади».

3. 1991 йил август воқеалари, СССР нинг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши йўлидаги интилишлар. Мустақилликка эришиш йўлида айниқса Ўзбекистоннинг ГКЧП воқеаси пайтидаги қатъий позицияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Шу куни Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон сафаридан қайтгани ҳаманоқ – 19 август куни кечқурун республика раҳбарлари ва Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда ГКЧПга муносабат борасида Ўзбекистон нуқтайи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти: «Марказдан, ким бўлишидан қатъи назар, қонунга хилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас», деб ҳисоблади. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлис бўлди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

Шу куни Президент республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Ушбу мурожаатда Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканини яна бир бор алоҳида уқтирилди. Жумладан, унда шундай дейилди:

«Ўзбекистон жумҳурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумҳуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир», - деб қатъий таъкидланди.

Ана шундай шароитда, яъни Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, Марказ бошқарув қобилятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилиш масаласини кескин қўйди. Чунки ҳар бир миллий республиканинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, республика сўзда эмас, балки амалда *тенглар орасида тенг бўлиши* лозим эди.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент маърузаси тингланди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида марказий ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. **19-21 август кунлари** Москвада Фавқулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг фуқаролар бошига азоб-уқубатлар солишга интильганини, бутун-бутун халқларнинг озодлигини, республикалар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлганини очиб ташлади. Алғов-далғовли кунларда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли ва мақсади борлигини, бу халқ манфаатига мос йўл эканини, қандай қилиб бўлмасин, ундан қайтмаслик лозимлигини айтди.

Шунингдек, маърузада мустақил давлатлар мақомига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Бўлажак Мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйруғисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир».

Мустақил таълим мавзулари

1. XX аср 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият.
2. Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий этилишининг тарихий аҳамияти.
3. 1991 йил август воқеалари ва унда Ўзбекистоннинг позицияси.
4. СССР нинг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилишининг аҳамияти

Назорат саволлари

4. Сиз XX аср 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида СССР даги ижтимоий сиёсий вазиятни қандай баҳолайсиз
5. 80 йиллар охир 90 йиллар бошида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият.
6. Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг жорий этилиши ҳақида фикрингиз
7. Ўзбекистон мустақиллик декларацияси қабул қилинишининг тарихий аҳамияти.
8. 1991 йил август воқеалари ва унинг Ўзбекистонга таъсири қандай содир бўлган ?
9. СССР нинг таназзулга юз тутиши ва Ўзбекистон мустақиллигининг қўлга киритилиши

**12-мавзу: Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши.
Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти
асосларининг шакллантирилиши.**

Режа:

- 1. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилишининг тарихий аҳамияти**
- 2. Сиёсий ислохотлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат асосларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши**
- 3. Республикада маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари: моҳияти, фаолияти ва вазифалари.**
- 4. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг таъминланиши**
- 5. Миллий мафкура-халқимизни бирлаштирувчи куч-қанот.**

1. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилишининг тарихий аҳамияти. 90 йиллар бошидаги муҳим сиёсий ўзгаришлардан бири, шубҳасиз Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши бўлди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этиди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифокда сўнги пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мастақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди. У ўзининг том маънодаги тарихий нутқида қуйидаги фикрларини алоҳида таъкидлади:

Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ўша унутилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсак, айти ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Советининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида”ги Қарори ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Баёноти ҳамда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун, аввало, халқнинг фикрини билиш, мустақилликка муносабатини

аниқлаш зарур эди. Шу мақсадда **1991 йилнинг 18 ноябрида** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар белгиланди:

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»

1991 йил 18 ноябридаги VIII сессиясида умумхалқ референдумини ўтказиш қарори билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгиланди. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, 13 та округ ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссиялари тузилди. Олий лавозимга икки номзод – Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси номзоди Ислон Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди қўйилди.

1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислон Каримов номзодини, 12,3 фоизи Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. 1991 йил 30 декабрда Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан Ислон Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди. Шундай қилиб, мамлакатимизда биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан – тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А. Каримов 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Давлат рамзларининг қабул қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь VIII сессиясида 13 моддадан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 8 моддадан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо куши кумуш рангда, қ-

уёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган. 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 12 моддадан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳар бир мустақил давлатнинг асосий белгиларидан бири – миллий валютадир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритиб ўзининг миллий валютани муомалага киритишга киришди. Бироқ бу жараён учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991 – 1993 йилларда собиқ иттифокдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг қадри ҳам шунга мос равишда тушиб борди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм – купон нусхалари тайёрланади. Ниҳоят, 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда сўм – купон муомалага киритилди, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм-купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб республика ҳудудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютаси – Сўм муомалага чиқарилган.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси **1992 йил 8 декабрда** “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида”ги масалани кўриб чиқди. Сессия иштирокчилари яқдиллик билан янги Конституцияни қабул қилдилар. Қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат қилиб ишлаб чиқилди. Конституциянинг энг муҳим моҳияти шундан иборат эдики, унда “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар” - дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган.

Агар Конституция тарихига эътибор қаратилса, СССР тарихида уч марта Иттифок Конституцияси, Ўзбекистонда ҳам уч марта республика Конституцияси қабул қилинган ва уларнинг қоидалари ҳақиқий аҳволни яширишга қаратилиб, энг адолатли жамият ҳақида пуч ва сохта тасаввурлар ҳосил қилар эди, холос. Бундан ташқари, мустабид тузум давридаги Конституцияларда дастлаб пролетариат диктатураси (зўравонлиги) билан, кейинчалик эса умумхалқ давлати ниқобида остида большевиклар партиясининг яқка ҳукмронлиги очикдан-очик мустаҳкамланган эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Иттифоқ таркибидаги республикаларда ўз мустақиллиги учун курашга интилиш кучайди. Охиросида ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқи ўз давлат мустақиллигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

1989 йилдан бошлаб, халқимиз энди эскича яшаб бўлмаслигини, бирдан-бир тўғри йўл мустақиллик эканини тушуниб етди ва муҳим сиёсий-ижтимоий воситалардан фойдаланиб, мустақилликка эришиш йўлида амалий ҳаракатларни бошлади. Булар қаторига иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бизнинг юртимизда президентлик институтининг жорий қилингани; ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани; Мустақиллик декларацияси қабул қилингани; янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун комиссия тузилгани каби бир қанча муҳим воқеаларни киритиш мумкин.

Бўлажак Конституция ўзбек халқини, Ўзбекистоннинг келажагини белгиловчи ҳужжат бўлиши, шу билан бирга, мустақилликни таъминлаши, уни сақлаб, мустаҳкамлаши керак эди.

1990 йил 20 июнда ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга экани кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон халқи биринчи марта Конституция каби муҳим ҳужжатни ўзи тайёрлаш шарафига муяссар бўлди. Шу билан бирга, бу катта масъулият ҳам эди. Чунки бундай тажриба илгари бўлмаган, халқимиз орасидан ҳеч ким Конституция ишлаб чиқишда иштирок этмаган эди. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқадиган комиссия таркибига энг йирик олимлар, мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, амалиётчилар киритилди.

Конституциямизнинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишига бир неча омилар таъсир қилди, деб ҳозир бемалол айта оламиз. Биринчидан, комиссия олдига вазифаларнинг Президент томонидан тўғри ва аниқ қўйилгани; иккинчидан, комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари ўз вазифасига масъулият билан ёндашгани; учинчидан, Конституция матнини тайёрлашда дунёдаги ривожланган демократик давлатлар тажрибаси, ўзимизнинг қонунчилик борасидаги миллий анъаналаримиз чуқур ўрганилгани, тўртинчидан, лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси тўғри ташкил этилгани ва тушган таклиф-мулоҳазаларга жиддий эътибор билан қараб, улардан лойиҳани янада такомиллаштиришда унумли фойдаланилгани ана шундай омилардандир. Шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг ўз Конституцияси яратилди.

Мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг мустақилликка эришиши Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу даврнинг маъно ва моҳияти Ўзбекистонда миллий ва ғоявий негизларга таянувчи, демократик жамият қуришнинг ўзига хос йўли билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига

кўра «Ўзбекистон - суверен демократик республика, давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади»⁵ деб ёзиб қўйилган. Шу асосда суверен, демократик республиканинг ўзига хос тараққиёти, унинг ривожланиш истиқболлари, биз кураётган демократик жамиятнинг бошқа жамиятлардан тубдан фарқлари, ўзига хослиги ва бетакрорлиги олимлар ва мутахассисларнинг асраларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Жамиятни ғоявий, маънавий ислоҳ қилиш, замонавий бозор иқтисодиётига асосланган, чинакам демократик жамият куришдек вазифани ҳал этиш билан боғлиқ масала бугунги кун талабидир. Бунда мамлакатнинг ўзига хос ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиёт стратегияси муҳим рол ўйнайди. Мамлакатни ижтимоий иқтисодий тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини ўрганиш учун уни алоҳида олинган фан сифатида ўрганилиши долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Бунда Ўзбекистоннинг чинакам мустақилликка эришишдан иборат ўз йўли мамлакатни **ижтимоий-иқтисодий ривожланишга** асосланган қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитлари (яъни жамиятимизда ижтимоий иқтисодий ва ғоявий муҳит)ни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши республиканинг ўзига хос иқлими, табиий шарт шароитлари, географик жойлашуви, халқнинг тарихий турмуш тарзи ва тафаккур даражасидан, анъаналари ҳамд урф-одатларидан келиб чиқилишидир.

Жумладан, илдизи ўтмишдаги анъанавий урф-одат ва миллий менталитетга хос хусусиятларга бориб тақаладиган турмуш тарзи тарихан ўзбек халқига хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туғуси жамиятимизда азалдан кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос анъанавий тизими бўлиб келган.

Иккинчидан, Республикадаги ўзига хос ижтимоий-демографик вазият – ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Республикада аҳоли ва меҳнат ресурслари юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасидаги аҳолиси энг кўп республика ҳисобланади (минтақа аҳолисининг 60% дан ортиғини ташкил этади). Аҳоли сони бўйича МДХ давлатлари орасида (Россия ва Украинадан кейин) учинчи ўринни эгаллайди. Рақамларга мурожаат этилса, 2002 илгача мамлакатда 25,2 млн. киши истиқомат қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилнинг бошида 28,5 млн кишини, 2017 йилда 30 млн, 345 минг кишини ташкил этган. Демографик омилнинг муҳим таркибий қисми сифатида аҳолининг табиий

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2018..

Ўсиш даражаси асосида 2025 йилда мамлакат аҳолиси 35 млн кишидан ошиши тахмин қилинмоқда. Агар аҳолининг ўсиш динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатда аҳоли сони сўнги 35 йил ичида 1,4 баробарга кўпайган. Масалан 1980 йилда Ўзбекистонда аҳоли 15 млн 757 минг кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 20 млн 322 минг кишини, 2001 йилда эса 25 млн 210,8 тани ташкил этган. Аҳолининг тақсимланиши бўйича бир квадрат километрга ўртача 56,1 киши тўғри келади.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг умумий салмоғи тахминан 70%, яъни республика аҳолисининг 2/3 қисмидан кўпроғи ёшлардир.

Аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида яшайди ва асосан деҳқончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Доимо ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойга боғланганлик, бир жойда муқим яшашга мойиллик Республика аҳолисига хос хусусиятдир.

Учинчидан, Республиканинг яна бир хусусияти аҳоли таркибининг моноэтник жиҳатга эга эканлигидир. Аҳоли таркибда туб жой аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ранг-баранглиги халқнинг миллий ўзлигини англаши ва уларда янгича ғоявий тафаккурнинг шаклланиши муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Шу боисдан улар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар учун Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган. Зеро, жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад –ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масаларидан иборат.

Республика миллий таркибининг ўзига хослиги унинг фарқланувчи хусусиятидир. Мамлакатимиз аҳолиси этник таркибида туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг салкам 80 % ни ўзбеклар ташкил этади. Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро ва диний бағрикенгликни шакллантиришдир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айти шу сиёсат барқарор ва тўкин-сочин ҳаётимизнинг пойдевори бўлди. Конституциямизда ва барча қонунларимизда мазкур сиёсат ўз аксини топган.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлашда Республика байналминал маданият маркази кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Республика байналминал маданият маркази мамлакатимизниг барча ҳудудларида ўтказилаётган ёрқин тадбирлари асосида маданий ва ижтимоий ҳаётимизни янада теран маъно ва мазмун билан бойитмоқда,

Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва бағрикенглик муносабатларини мустаҳкамламоқда.

Тўртинчидан, кишиларнинг муайян ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги, онги, руҳияти ҳам Ўзбекистонни ижтимоий-қтисодий тараққиётида муҳим омилдир. Бу аҳолининг ижтимоий тенглик кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, ялпи бепул таълим олиш ва табиий ҳамда бошқа ижтимоий хизмат турларидан фойдаланиш каби яна бир қанча хусусиятларда намоён бўлади. Аммо узоқ йиллик якка ҳокимликдан иборат маъмурий-буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсоннинг мулкка эгалигидан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти билан яшаш халқ дунёқарашида салбий из қолдирди. Эндиликда улардан воз кечиш ва янгича ғоявий дунёқараш асосида яшашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу боисдан одамлар онгида бозор муносабатларига хос, янгича дунёқарашларни шакллантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун хамиша биринчи даражали устувор вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосдагина одамлар онгида эскича дунёқарашни йўқотиш фавқулотда кечиктириб бўлмас вазифадир. Ҳеч муболағасиз бундай қараш ва ғоя шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетиши зарур. Бунда мамлакатни демократлаштириш, ижтимоий иқтисодий ҳамда сиёсий ислохотларни жадаллаштириш нуқтаи назаридан мамлакатни стратегик ривожланишини таъминлаш бошқарув, яъни сиёсий соҳада қуйидагиларни амалга оширилишини таъминлади:

Биринчидан – халқ бевосита, ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятига эга бўлди;

Иккинчидан – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатлари асосида давлатнинг миллий бошқарув тизими яратилди;

Учинчидан – Республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Тўртинчидан – барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга эришилди;

Бешинчидан – барча миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида фаол қатнашишга эришилди;

Олтинчидан – мафкура яккаҳокимлигидан қатъиян воз кечилиб, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) тан олинди;

Еттинчидан – чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийлик қарор топтирилди.

2. Сиёсий ислохотлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат асосларининг шакллантирилиши, мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётининг ўзига хослиги. Жамиятдаги муҳим ижтимоий сиёсий ислохотларни амалга оширишда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни катта. Ушбу тамойилга кўра давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойилида парламент тараққиёти муҳим ўрин тутди. Мустақил тараққиёт йўлининг шаклланиши Ўзбекистонда қонунчилик тизимини шакллантиришда янги босқични бошлаб берди. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили Конституция ва қонунларга мувофиқ қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятидан ташкил топган. Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни Парламент яъни, **Олий мажлис** амалга оширади.

Ўзбекистонда эса Олий Мажлис (1925-1989 йилларда Олий Совет, 1990-1994 йилларда Олий Кенгаш деб юритилган) деб юритилади. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида жорий этилган ва унга биринчи сайлов 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган. Унгача бу ваколатни Олий Кенгаш амалга оширган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – **Қонунчилик палатаси** ва **Сенатдан** иборат. Уларнинг ваколат муддати 5 йил. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 150 депутатдан иборат. Олий Мажлис Сенати аъзолари 100 нафар бўлиб, улар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисида депутатлар орасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда, 6 кишидан сайланади. Сенатнинг қолган 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади⁶.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг мутлақ ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати 5 йил. Ушбу палатани тузиш ғояси Биринчи Президент И.А Каримов томонидан 2000 йил 25 май 2-сессиясида кўтарилган эди. Шундан сўнг икки палатали парламентни тузиш тўғрисида референдум 2002 йил 27 январда ўтказилди. Демак, ана шу Қонунчилик палатаси мамлакат аҳолиси вакиллигини таъмин этади, уларнинг манфаатлари инobatга олади.

Олий мажлисга номзодларни кўрсатиш тамойили қуйидагича. Бевосита сайлов кунигача 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқараси Қонунчилик палатасининг депутати этиб сайланиши мумкин. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2017 25-26 бетлар.

даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғилланишлари мумкин эмас. Унда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, палата муҳокамасига киритиладиган масалаларни кўриб чиқиш учун қумиталар ва комиссиялар тузилади. Юқори палата Сенатга ҳам 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга⁷.

Ижро этувчи ҳокимият. Вазирлар маҳкамаси – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосари, вазирлар, Давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақолпоғистон Республикаси ҳукумати бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради. Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Президент тақдимида кўра Олий Мажлис палаталари тамонидан кўриб чиқилиб тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимида кўра Президент тамонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармоишлари ижросини таъминлайди. Демак, Вазирлар Маҳкамаси ижроия ҳокимият бўлиб, у давлат ҳокимияти бўлиниш принципига кўра иккинчи ҳукумат тизимидир⁸.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар тамонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи тамонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тамонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми тамонидан Ўзбекистон Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

⁷ Ўша жойда.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2017. 52-56 бетлар.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми жами Олий Мажлис аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Суд ҳокимияти – учунчи ҳокимият тармоғи бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд тузими 5 йил муддатга сайланади. Суд фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонун асосида суд ислохотлари ўтказилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда барпо этишнинг дастлабки йилларидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Шундай қилиб, мустақилликка эришиш арафасида ва мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилашга ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Судларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Конституциявий суд, Олий суд, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар судларига бўлинади.

Аслида амалдаги қонунларга мувофиқ мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой ичида, “Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади⁹.”

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган¹⁰.

Омбудсман. Мамлакатимизда мустақиллик туфайли бошланган кенг қамровли демократик ислохотлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчил ва узлуксиз такомиллаштиришда янги даврни бошлаб берди. Инсон эркинликлари ва манфаатларини ифодалашга қаратилган чора-тадбирлар туфайли бир қатор ютуқларга эришилиб, инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари тизими изчил такомиллаштирилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг том маънодаги ҳуқуқий асосини яратди. Асосий қонуннинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланиб, 18-моддасида Республикамиздаги барча фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланди.

Мамлакатимизда Омбудсман институтининг шаклланиши эса ҳуқуқий - демократик давлат қуришда янги босқични бошлаб берди. Авваломбор ушбу тузилманинг шаклланиши ва тараққиёти хусусида сўз юритишдан олдин, унинг мазмун ҳамда моҳиятига тўхталиш муҳим. Умуман «Омбудсман» сўзи шведча “вакил”, “агент”, “делегат”, “адвокат” тушунчаларига ҳамоҳанг, бирор кишининг васийси, бирор кишининг номидан иш кўрувчи маъноларини англатади.

Унинг моҳияти қуйидагича: “Омбудсман инсон ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилади. Агар прокуратура органлари инсон ҳуқуқларига амал қилинишини фақат қонун асосида назорат қилса, Омбудсманлар мақсадга мувофиқлик, виждонлилик, адолат нуқтаи назаридан назорат қилади”.

Олий Мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик (Омбудсман) институтини ташкил этиш зарурати илк бор 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида илгари сурилди. Шу тариқа мамлакатимиз мустақиллик йиллари тарихида илк бор 1995 йилнинг 23 февралда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажаришга кўмаклашиш мақсадида 1995 йил 6 майда Олий Мажлис томонидан “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.. 2018.

¹⁰ Ўша жойда.

комиссиясини тузиш тўғрисида”ги 88-1-сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият олиб борувчи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича 10 кишидан иборат комиссия тасдиқланди.

Омбудсман институти фаолиятининг янада такомиллашувида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1999 йил 14-апрелда Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасидаги қуйидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этди: “Инсоний мезонлар, ҳуқуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Республика минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур”.

1999 йилнинг 12 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 798-1-сонли “Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида” ги қарори билан комиссия таркибига яна 10 нафар комиссия кўшилиб, Омбудсманнинг минтақалардаги вакиллик институти вужудга келиши учун илк «тамал тош»и қўйилди.

Парламент Вакил ва Комиссиянинг асосий фаолияти эса Олий Мажлис Кенгаши томонидан 1995 йил 29 августда қабул қилинган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги низом билан тартибга солинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида эса "Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 20 моддадан иборат бўлиб, қонун инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиди ва унинг асосий фаолият соҳаси ҳамда тамойилларини, лавозимга сайланиш, лавозимдан озод этилиш тартибини, фуқаролар шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича ваколатларини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, унинг дахлсизлиги ва молиявий таъминотлари масаласини белгилади.

Айниқса 2001-2010 йилларни ўз ичига олган давр Омбудсман институти фаолияти учун муҳим қадам бўлди. Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг оёққа туриши учун муҳим аҳамият касб этди. Вакил вазифалари ва функцияларини амалга ошириш механизмлари янада такомиллаштирилди.

Масалан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилиб, 2008 йил 25 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, у 2009 йилнинг 27 мартда Сенат томонидан маъқулланди ва 2009 йилнинг 10 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Шу тариқа мамлакатимизда Омбудсман институтининг шаклланиши ва фаолияти мамлакатимизда қонун ва инсон ҳуқуқлари устиворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса фуқароларнинг тенглиги, эркинлиги каби тамойилларнинг амалда тўлиқ таъминланиши учун ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнларида ҳар томонлама бошқа институтларга нисбатан жамият аъзоларига яқинлиги фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга бўлган заруратни оширишга имконият яратди.

Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари. Ўзбекистонда кейинги йилларда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролик институтлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик кадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучаймоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалби ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечаётган хайрихоҳлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш ўринлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифат шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий принцип ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ёки халқаро ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳуқуқ ўз ичига фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларини ташкил этиш ҳуқуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки улардан чиқиш ҳуқуқини қамраб олади.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишга тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, мамлакатимизнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилинган. Бу қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратади. Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш фурсати етганини таъкидлаш навбатдаги таклиф сифатида майдонга чиқади. Ушбу дастур, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ўз зиммасига юклатилган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиш лозимлигини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратга олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганини аниқлаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик

учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли нормалар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг куйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари мажмуини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда: соғлиқни сақлаш масалалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари; ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари; катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини амалга оширишда *экологик назорат* муҳим ўрин тутуди. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келган.

Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Сўнгги йилларда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонун ва “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил ролини ўтамоқда.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкilotи) институтига ҳуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкilotини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди.

3. Республикада маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари: моҳияти, фаолияти ва вазифалари. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида кўплаб вазифалар белгиланган эди. Энг муҳим вазифаларидан бири бозор муносабатларига

асосланган иқтисодий ва барпо этишга қаратилган бўлса, иккинчиси республикада давлат ҳокимиятининг вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини янги шароитларга мос келадиган тизимини яратиш эди. Ҳозирги амалда бўлган маҳаллий вакиллик органлари янги органлар бўлмасдан, халқ депутатлари Советлари негизида ташкил қилинган. Маълумки, собиқ советлар даврида амалда бўлган маҳаллий халқ депутатлари Советлари аниқ бир ҳокимиятга эга бўлмай, улар ҳуқуқсизлигининг бош сабаби партия органлари тўғридан – тўғри уларнинг ишига аралашар ва уларга сайланадиган депутатлар партия органлари томонидан танланар эди.

1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонун мамлакатимизда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органи – вакиллик ва ижро органлари тизимига бошчилик қиладиган ҳокимлик ва ҳокимлар лавозими жорий этилди. 1992 йил 14 январда ушбу қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий қонун мақомини берди. 1992 йилда Тошкент шаҳрида ва 12 та вилоятда, 163 та қишлоқ тумани ва 18 та шаҳар туманида ҳамда 120 та шаҳарда ҳокимлар тайинланди ва тасдиқланди, уларнинг аппарати — ҳокимиятлар тузилди.

1992 йилдан Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органлари тизимини шакллантириш соҳасида қатор норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш борасида амалий ишлар бошланди. Бу ҳужжатлар орасида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, **1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар**, 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонун ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими, мавқеи, вазифалари, тузилиш тартиби конституциявий даражада мустаҳкамланди. Конституцияга кўра аввалги маҳаллий вакиллик органларининг номини Кенгашлар деб ўзгартилди. Уларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашлари вужудга келтирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд бўлиб, улар:

- 1) вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари (Советлари) — юқори бўғин ҳисобланарди.
- 2) туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари — ўрта бўғин;
- 3) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари Кенгашлари — қуйи бўғин;

Конституция маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизимини мустаҳкамлади, яъни қуйи бўғин олиб ташланди. Улар ўрнига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузиладиган бўлди. Бу қоида

«Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳокимият органлари икки мустақил органларга – вакиллик ва ижроия ҳокимиятига бўлинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги Қонунда вакиллик органларига 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланади. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтади. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 тадан кўп бўлмаган, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 тадан кўп бўлмаган депутатлар 5 йил муддатга сайланади.

Ижроия ҳокимиятига – ҳоким ва унинг ижроия аппарати қиради. Ҳоким тегишли ҳудудда олий мансабдор шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101 – моддасига кўра ҳокимларнинг ваколат муддати – беш йил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102 – моддасига кўра, «Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади».

Вакиллик органлари тузилмайдиган шаҳар таркибидаги туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда ҳам ҳокимиятлар таъсис этилди, уларнинг аппарати — ҳокимият ташкил этилди. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президентининг шу жойлардаги вакили ҳисобланади. Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари эса Тошкент шаҳар ҳокимининг вакиллари ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг фаолияти мураккаб тузилишга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бу органлар суд ҳокимияти органлари, прокуратура, назорати спекцияси, ички ишлар органлари, адлия сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур давлат органларини икки тоифага бўлиш мумкин:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунувчи органлар: ички ишлар, назорат инспекцияси ва адлия органлари.

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайдиган суд, прокуратура органлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу соҳада ўз ваколатларини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир хил муносабатда фаолият кўрсатиши билан бирга уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистонда азалдан ўзини-ўзи бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида шаклланган ҳамда унинг маҳаллий шарт шароитлар билан боғлиқ ўзига хос вазифалари мавжуд бўлган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бугунги кунда маҳалла оқсоқоли томонидан бошқарилади вазифалари жамоатчилик асосида олиб борилади. У ўзининг ёзилмаган ички тартиб қоидаларига эга бўлиб, уларга барча бирдек амал қилади. Мазкур қонун қоидалар гарчанд мажбурий характерга эга бўлмасада, барча уларга бўйсундилар.

Узоқ йиллик совет тузуми даврида фаолияти тўхтатилган ва унинг моҳияти коммунистик мафкурага бўйсундирилган маҳалланинг фаолиятини қайта тиклаш мақсадида **1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.** Чунки, ҳар бир соҳани ислоҳ қилиш учун унинг авваломбор ҳуқуқий асоси бўлиши лозим. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши узоқ йиллар мобайнида фаолияти тўхтатилган маҳалла тизимининг яна қайта тикланиши учун асос бўлди, ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузини кўтарди ҳамда масъулиятини оширди. Қонунда мазкур тузилма олиб борилган ишлар юзасидан ўз ҳисоботларини бериб бориши белгилаб қўйилди. Бу борада кўплаб қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бугунги жадал ўзгаришлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла, унинг бошқарув тизими, ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятини янгича мезонлар асосида таҳлил этишни, бугунги замон талабларига жавоб берадиган ўзини ўзи бошқариш органининг янгича тузилмасини шакллантиришни, унинг иш юритиш тизимини самарали ташкил этишни тақоза этмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги таҳрирда қабул қилинган **«Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони** бу йўлда муҳим кадам бўлди.

Унинг олдинги қабул қилинган Қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фарқи қуйидагилардир:

биринчидан, Фармонга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашида ташкилий ишлар ва услубий масалалар бўйича раис ўринбосари ташкил этилиши белгиланди;

иккинчидан, Республика Кенгаши ва ҳудудий кенгашлар ҳузурида ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар бўйича раис ўринбосари лавозими;

учинчидан, Республика Кенгаши ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари ҳузурида кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари жорий этиладиган бўлди. Айниқса 2017-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини, жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга катта аҳамият берилганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари републикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида яна ўзининг азалий номи, «маҳалла» атамаси билан юритиладиган бўлди. Кўп асрлик тажрибага эга бўлган маҳалла ўзининг бутун тарихи мобайнида ўз ўрнини сақлаб қолди. У ўзини-ўзи ривожлантириш борасида бой тажрибага эгаллиги ва демократик бошқаришнинг энг мақбул шакли эканлиги боис, мустабид тузум йилларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули - маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ваколатларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ».

Жамият ҳаётида амалга оширилаётган жадал ўзгаришлар натижасида барча шаҳар, қишлоқ, ва овулларда янгидан ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар ташкил этилиб, уларнинг сони ортиб, нуфузи янада ошмоқда. Хусусан, 2009 йилгача Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари мажуд бўлган бўлса, уларнинг сони **2018 йилгача 10 мингга** яқинни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳар бирида ўртача уч мингдан ўн минг нафаргача аҳоли истиқомат қилади.

2001 йилда республикада 6790 та маҳаллалардаги “Яраштириш комиссия” лари таркибидаги 49932 нафар аъзолар ёрдамида 17939 та оила-турмуш доирасидаги можаролар ечилган. Агар ушбу кўрсаткичларни Тошкент шаҳри мисолида олиб қарайдиган бўлсак, оила ва маҳалладаги умумий ҳолат 2013 йилда, 2012 йилдагига нисбатан ижобий томонга ўзгарган. Масалан, ноқобил, нотинч, спиртли ичимликларга ружу қўйган оилалар сони 2013 йилда, 2012 йилга нисбатан 49 тага (857-808), хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 481 тага (2512-2031), жиноят содир этган хотин қизлар сони 318 тага (2300-1982), жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 58 нафарга (564- 506), хорижий давлатлардан депортация қилинган аёллар сони 22 тага (27-5), суиқасд ҳолатлари 18 тага (140-122), оналар ўлими 1 тага (9-8), болалар ўлими 2 тага, (212-210), 15-16 ёшлилар туғруғи 7 тага (18-11), абортлар сони 48 тага (724-676) камайган.

2017 йилнинг иккинчи ярмида Республикамиз миқёсида 2304 нафар ажралиш оstonасида турган оилалар маҳаллалардаги “Яраштириш комиссияси”, жамоатчилик ва маҳаллаларнинг аралашуви билан сақлаб қолинган. 2017 йил давомида “Яраштириш комиссиялари” нинг бевосита аралашуви, оқилона тadbирлар самараси туфайли 42 минг 837 та оиладаги муносабатлар барқарорлаштирилиб, ажиримларнинг олди олинган. Шу йили уларга фуқаролардан 85 минг 708 та мурожаат келиб тушган. Улардан 57 минг 448 таси эр-хотин, 11 минг 142 таси қариндошлар, 11 минг 265 таси эса қўни-қўшнилар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар туфайли содир бўлган.

Яна бир қанча сабабалр билан шундай салбий ҳолатлар содир бўлиш кўрсаткичлари куйидагича. Ёки 1039 ҳолатда эркакнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши, 114 ҳолатда гиёҳвандлик моддасига ружу қўйиши, 6338 ҳолатда эса, оилавий ҳаётга қайнона, қайнота ва бошқа шахсларнинг аралашуви сабаб бўлган.

Бундан ташқари, “Яраштириш комиссиялари” томонидан 9 минг 339 та мурожаат асосида қариндошлар, 8 минг 883 та ҳолатда қўни-қўшнилар мурасага келтириб, яраштирилган. 3477 нафар фуқаро ички ишлар бўлимлари томонидан профилактик ҳисобга олинган бўлса, 13 минг 661 нафар фуқаро эса йиғинлар мутасаддилари назоратида турипти.

Олиб борилган ташкилий чора тадбирлар натижасида **2019 йил 1 феврал ойигача** республика маҳаллаларида 12 мингдан зиёд нотинч оилаларнинг муаммолари ўрганилган. Сабий ҳаракатлар натижасида ажралиш арафасида турган оилаларнинг 25 мингдан зиёди яраштирилган, 4 мингга яқин кишилар ФХДЁ ва суддан аризаларини қайтариб олди. Республикадаги 986 та маҳаллада биронта ажралиш ҳолати қайд қилинмаган. 2019 йилда ушбу йиғинларнинг оилалар билан ишлаш бўйича тажрибасини бошқа вилоятларга ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Умуман 2018 йилда республика бўйича 35 485 та қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган оиланинг муаммолари таҳлил қилинди, 3 минг 500 та оила ночорликдан чиқарилган.

Аммо ҳамон маҳаллаларда ёшлар тарбияси билан ишлаш масаласида камчиликлар талайгина. Хусусан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш келин-куёвлар ўртасидаги салбий муносабатлар ва ажириملарни олдини олиш, оила ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлаш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги “Яраштириш комиссиялари” нинг ўзига хос ўрни бўлиши лозим.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғини сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти бобида ўрин олди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятининг, уларга берилган ваколатларнинг демократик, қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹¹, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг муҳим асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топди. Конституциянинг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайланиши”, белгилаб қўйилган.

¹¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2017. 105-модда. 60-бет.

1999 йилда ташкил этилган Республика “Маҳалла зиёси” ўқув-услугий маркази муҳим рол ўйнади. Шу йили мазкур даргоҳда 450 раис ўз малакасини оширган бўлса, 2000 йилда ушбу ўқув марказида 2500 йигин раислари, 445 та хотин-қизлар масалалари бўйича комиссия аъзолари ўз малакаларини оширганлар. 2013 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ўзини ўз бошқариш органлари ходимлари малакасини оширишларини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ шу йилдан бошлаб раис, котиб, диний маърифий, маънавий ахлоқий масалалар бўйича раис ўринбосари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси ўз малакаларини оширадиган бўлдилар.

2016 йилнинг 24 сентябридан бошлаб ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари ўз фаолиятларини бошладилар. Унга мувофиқ Президентнинг Виртуал қабулхонасига 2017 йилнинг феврал ойигача фуқаролардан 509122 та мурожаат келиб тушган ва уларнинг 436408 таси кўриб чиқилган бўлса¹², 2018 йил охиригача 2 миллион 500 минг нафардан зиёд киши ўзини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топганлар. Бу аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берди, давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини яратишга асос бўлди.

2019 йил 1 февралдан бошлаб Президентнинг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармонига кўра Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди.

Таъкидлаш ўринлики, сўнги йилларда маҳалла институтини янада такомиллаштириш юзасида кўрилган чора тадбирлар барча соҳаларда ижобий силжишларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, бу борада мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 3 февралдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ҳамда 2018 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниши муҳим қадам бўлди.

4. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг таъминланиши . Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Шу боисдан улар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар учун Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари,

¹²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услугий рисола. Т., 2017. 66-бет

манфаатлари тўлиқ таъминланган. Зеро, жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масаларидан иборат.

Республика миллий таркибининг ўзига хослиги унинг фарқланувчи хусусиятидир. Мамлакатимиз аҳолиси этник таркибида туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Республикада яшаб турган аҳолининг салкам 80 % ни ўзбеклар ташкил этади. Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро ва диний бағрикенгликни шакллантиришдир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айтишу сиёсат барқарор ва тўкин-сочин ҳаётимизнинг пойдевори бўлди.

Ҳозирга келиб мамлакатимизда миллий маданий марказлар аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаширишда республикада тузилган 137 та миллий маданият марказлари етакчи рол ўйнамоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллат ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан **“Ўзбекистон – умумий уйимиз” альбом китоби**, **“Ўзбекистон – бағри кенг диёр”**, **“Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати”**, **“Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини”** каби тўпламлар чоп этилди.

Айниқса Республика байналминал маданият маркази фаолиятининг 25 йиллигини муносиб нишонланишини юртимиздаги барча миллат вакиллари катта қувонч билан кутиб олишди. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг тантанали йиғилиш қатнашчилари билан учрашуви муҳим воқеа бўлди.

Бугунги кунда республикадаги олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, **Ўзбекистонда таълим 7 та тилда олиб борилади, 8 та тилда газета ва журналлар чоп этилади, 12 тилда кўрсатувлар ва 11 тилда радиоэшиттиришлар эфирга узатилади**¹³.

Тарихдан маълумки, халқимиз бошидан кечирган оғир қатағон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб, камолга етди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

¹³ Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик-халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2017 26 январ.

Миллий марказлар фаолиятининг натижаси сифатида "Ўзбекистон – умумий уйимиз", "Шу азиз Ватан барчамизники", "Қудратимиз-бирлик ва ҳамжиҳатликда", "Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона ", "Ватан ягонадир – Ватан биттадир" ғояларининг асл моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда турли миллат вакилларининг шу муқаддас Ватаннинг буюк келажагини қуриш ва унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик билан сидқидилдан қилаётган меҳнат фаолиятларида, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида ёрқин намоён бўлмоқда.

Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Байналминлал маданият» маркази ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 100 дан ортиқ филиаллар ишини мувофиқлаштириб турибди.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш барча устувор йўналишларни қамраб олган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди. Унда яқин беш йил ичида барча соҳалар қатори Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Кўпмиллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашдир. Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлашда Республика байналминал маданият маркази кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Республика байналминал маданият маркази томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган тадбирлар кўпмиллатли мамлакатда маданий, этник муносабатларни янада такомиллаштирмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда шаклланган миллий сиёсатнинг муҳимлиги алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон Республикаси миллий (этник) сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- Миллатлар ва этник гуруҳлар ўзаро муносабатларидаги ўзаро уйғунликни сиёсий барқарорлик омили сифатида ривожлантириш;
- Барча сиёсий жараёнларда миллий, этник гуруҳлар манфаатларининг акс этишини таъминлаш;
- Миллий ўзликни англаш жамиятни демократлаштиришга ундовчи ғоявий куч эканлигини англаш;
- Мамлакатда этник низолар ва миллатчиликка йўл қўймаслик;
- Республикада миллий тотувликни ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш;

- Давлат этник сиёсатида шахс ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш;
- Сиёсий ҳокимият ва жараёнларда миллатлар, этник гуруҳлар иштироки ҳамда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш;
- Миллатлар ва этник гуруҳлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тотувликни қарор топтириш, демократик, кучли фуқаролик жамият қуриш ва сиёсий барқарорлик омили эканлигини англаш;
- Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқаролари ташкил этиши, кабилардир.

Тилимизда толерантлик сўзи кенг қўлланилади. Аслида толерантлик (лот. *tolerantia*-чидамлик)-ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлик ва бағрикенглик кўрсатишдир. Толерантлик, бу-ҳар хил эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Шу маънода толерантлик миллий ғоянинг муҳим белгиларидан биридир.

Толерантлик, бу хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб яшашини, жамият ва давлат равнақи йўлида биргаликда яшашликни англатади. Бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутди. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озода ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари мавуд бўлган. Шаҳар ва қишлоқларимизда масжидлар, черковлар, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб халқлар, ўз диний амалларини эмин-эркин адо этганлар. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний можаролар бўлган эмас. Бу юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга эканларидан далолатдир.

Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакиллариининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади. Зеро, динларнинг умуминсоний моҳияти, мақсади бир бўлиб, улар аслида бир-бирларига зид эмас.

Умуман виждон эркинлиги инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи хусусиятдир. У БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 йил 25 ноябрда қабул қилинган 36-55-Резолюциясида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида қайд қилинган ва 1998 йил май ойида қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун томонидан тартибга солинади. Ўзбекистонда дин ва диний

ташкilotлар давлатдан ажратилган. Мамлакатда куч ишлатишни тарғиб қилиш, миллатлар ва диний ташкilotлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституцион тузум асосларига қарши қаратилган ҳаракатлар қатъиян ман этилади.

Динлараро бағрикенглик - хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб яшаши, жамият ва давлат равнақи йўлида биргаликда яшашликни англатади. Бу ғоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда туттади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаи диний конфессиялар фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида иштирок этишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкilotлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, улуг ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади. Зеро, динларнинг умуминсоний моҳияти, мақсади бир бўлиб, улар аслида бир-бирларига зид эмас.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар:

Мустақиллик, мустақиллик арафаси, демократик тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, сиёсий ислоҳотлар, ҳуқуқий-демократик давлат, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилишининг тарихий аҳамияти
2. Республикада сиёсий соҳада ва парламент ислоҳотлари.
3. Ўзбекистонда суд тизими ва унинг ўзига хослиги
4. Ижро ҳокимияти: моҳияти ва ваколатлари
5. Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат асосларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши
6. Республикада маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва вазифалари.
7. Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг таъминланиши

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилишининг тарихий аҳамияти қандай ?
2. Республикада сиёсий соҳада ва парламент ислоҳотларига изоҳ беринг.
3. Сизнингча Ўзбекистонда суд тизими ва унинг ўзига хослиги қандай ?

4. Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат асосларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилишига изоҳ беринг

5. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ва вазифалари ҳақида гапириб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2017 йил 23 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2018 йил 29 декабр.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. “Ўзбекистон”. НМИУ. Т., 2008.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. “Ўзбекистон”. НМИУ. Т., 2012.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб, Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.
7. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ., Ғаниев Д). Т.: «Ўзбекистон», 1994 й.

13-мавзу: Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий- маданий тараққиёти. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти

Режа:

1. Тараққиётнинг “ўзбек модели”. Бозор иқтисодиётига ўтилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши.
2. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислохотлар.
3. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт, маданият, таълим ва фан.
4. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти .

1. Тараққиётнинг “ўзбек модели”. Бозор иқтисодиётига ўтилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши. Биринчи Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган мустақил тараққиёт йўли халқимиз томонидан ҳам, халқаро майдонда ҳам тараққиётнинг «ўзбек модели» деб қабул қилинди. Ўзбек модели ишлаб чиқишда, биринчидан, халқаро тажриба асос қилиб олинди. Иккинчидан, хўжалик имкониятлари, шарт-шароитлари, эски тузумдан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳисобга олинди.



14

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Бу барча тамойиллар демократик ва иқтисодий қайта ўзгартишлар жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳаёт синовидан ўтди.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичининг вазифалари бу, мустақил давлатнинг амал қилишини таъминловчи инфратузилмани яратиш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш, нархларни эркинлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, инфляцияга қарши курашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳисобланар эди.

Маълумки тараққиётнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлини танлаган Ўзбекистонда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўтадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта мулкдорлар табақасининг пайдо бўлиши демакдир. Бу борада қатор қонунлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, дастлабки кезларда, **кичик бизнес фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун қўйидаги дастлабки норматив-ҳуқуқий нормалари ва қонун ҳужжатлари қабул қилинди.** Бу борада айниқса 1991 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра мулкчилик шакллари ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудий мақсадга босқичма-босқич ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланган махсус дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди. Албатта, ушбу қонуннинг қабул қилиниши соҳани босқичма-босқич ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, халқ хўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун кенг имконият яратилди, бу борадаги чеклашлар олиб ташланди. Биргина 1992-1996 йилларда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш туфайли 1 миллион 74 минг киши турар-жой эгаси, 2 миллион киши халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, пайларининг эгалари, қишлоқ жойларида эса, 3 миллион киши ёрдамчи хўжалик, 19 минг киши кўчмас мулк эгаси бўлиб қолдилар.

Бу рақамлар, шубҳасиз жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлар қўйилганлигини англатар эди. Амалга оширилган дастлабки ислохотлар натижасида 1991-1996 йиллар мобайнида иқтисодий ислохотларнинг барча йўналишларида салмоқли институционал ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, турар жойлар, савдо хизмат кўрсатиш соҳалари, матлубот жамияти объектлари ва турли тармоқларнинг майда корхоналарини хусусийлаштириш амалда тугалланди, ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни жадал давом эттирилди.

Бу борада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисодиётни барпо қилиш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, аграр муносабатларнинг янги типини яратиш жараёнлари амалга оширилди. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ иқтисодиётда туб

сифат ўзгаришлари вужудга келди. Давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат, яъни хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улуши кескин ошди. Бу сектор 1995 йилда саноат маҳсулотларнинг 44 фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 97 фоизини берди. Барча капитал маблағларнинг 44 фоиздан ортиқроғи унинг ҳиссасига тўғри келди. 2000 йилгача халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 64 фоизи ана шу секторда меҳнат қилган.

Бу эса ўша кезларда бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини синчковлик билан ўрганиб, уларни ҳал этишда эҳтиёткорлик билан ёндашишга эътибор қаратишни тақоза этар эди. Айниқса эндигина бозор психологияси одамлар онгида шаклланиб келаётган бир шароитда республикада биринчи навбатда маиший хизмат, умумий овқатланиш, савдотик, маҳсулотни қайта ишловчи кичик корхоналарни очиш зарур эди.

Республика ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, кичик бизнесга кўмаклашиш мақсадида республика ва ҳудудий миқёсда фаолият олиб боровчи – Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (**Бизнес фонд, 1995 йил июль**), «Мадад» суғурта агентлиги (**1995 йил 26 июнь**), **Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси** (1996 йил март) ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси ташкил этилди.

Аммо ўша кезларда соҳада қатор муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд ҳолати бир неча йиллар тараққиётга тўсиқ бўлиб келди. Хусусан, 1999 йил 1 июнга қадар рўйхатдан ўтган корхоналар таркибида кичик ва ўрта корхоналар салмоғи коммунал хўжалиқда 42,9%, маиший хизмат соҳасида 85,0%, қурилишда 89,3%, қишлоқ хўжалигида 89,9%, саноатда 93,5%, савдода 95,3%, умумий тижоратда 96,6%ни ташкил этган бўлсада, амалда эса рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини давом эттираётган корхоналар улуши 20% ни ташкил этган холос. Қолганлари эса турли сабаблар билан ёпилиб кетган бўлиб, буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди.

Агар рақамларга мурожаат қилинса, республика бўйича 1996 йилда ташкил қилинган 7400 кичик корхонадан 20%, 1998 йили эса 3700 та корхонадан 70% тугатилиб кетган. Шу боисдан кўпгина тадбиркорлар фаолият билан шуғулланишдан секин-секин узоқлашганлар ёки иш бошлаб қўйиб, уни охиригача етказмасдан, жавобгарликни давлатга ташлаб қўйганлар. Масалан, 2000 йилнинг ўзида фақат Тошкент шаҳар бўйича тугатиш жараёнида турган кичик бизнес субъектлари 4666 та бўлиб, улардан **54,7%** ёки **2552** тасида таъсисчилар бўлмаган. Тугатилиш ҳолида турган жами корхоналардан тугатилганлари **25,6% ни ташкил қилган** ёки **1194** та бўлган.

Ушбу муаммоларни тўғри англаган ва унга танқидий асосда ёндошган **Президент Шавкат Мирзиёев** 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Юртимизда тадбиркорлик нима учун кутилган даражада ривожланмаяпти? Чунки бу соҳа вакиллари асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп. **Очиғини айтганда тадбиркорликнинг**

эркин ривожланишига ўзимиз, давлат идоралари йўл қўймаймиз. Хеч кимга керак бўлмаган тартиб-тамоиллар ҳамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда. Бундан буён бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади”¹⁴, дея қайд қилганлиги бежиз эмас, албатта.

Агар яқин тарихимизга иурожаат қилсак, 1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. 2001 йил 22 августда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиб ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга биноан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожтиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига Республика товар-хомашё биржаси, Агросаноат биржаси, «Ўзулгуржисавдо» орқали моддий-техника ресурслари сотилди.

Мустақиллик йилларида соҳа ривожини таҳлилига кўра яна рақамларга муурожаат этилса, 2003 йили юртимиздаги 5 минг 630 та аҳоли яшаш манзилгоҳларида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, қарийб 155 мингта янги иш ўринлари яратилган. Дастур доирасида аҳолига 2003 йилда 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилган. Икки ёшгача бўлган болалар тарбияси билан шуғулланаётган 400 мингдан зиёд аёлга давлат томонидан нафақа пули тайинланган. 180 минг кам таъминланган оилага қарийб 4 миллиард сўм миқдоридан моддий кўмаклар берилган. 2003 йилда 25 мингдан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларга 630 миллион сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилган.

Сўнгги йилларда жойларда кичик корхоналар очиш ва фермер хўжаликларидан иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2007 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2011 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 фоизга кўпайган. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда. 2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига ёки 4,96 марта кўпайган.

Дехқон хўжаликларидан иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745 минг кишига ёки 18,5 % га ортган. Бу эса амалга оширилаётган оқилона иқтисодий тизим туфайли бандликнинг касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик каби аҳолининг тадбиркорлик қобилияти

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2017 йил 23 декабр.

ва бунёдкорлик меҳнати салоҳиятини намоён қилишга кўмаклашувчи самарали шакллари ривожланаётганлигини аниқлашмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг фаол қўллаб қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодийнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсган. 2010-2016 йиллар давомида республикада тадбиркорлик орқали ташкил этилган иш ўринлари сони 3,9 фоизга ортган.

2017 йилда эса дастурга мувофиқ саноатни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди. Келажакда мамлакатда 25 мингта яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилади.

2. Ўзбекистон иқтисодийида қишлоқ хўжалигининг ўрни. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислохотлар. Қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари тугатилиб, жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжаликларнинг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Агар мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг шаклланиш тарихи ва ривожланишига мурожаат қилинса, фермерликни шакллантириш чорвачилик соҳаси ислохотларидан бошланган эди.

Яқин тарихимизда бу борада чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги, 1994 йил 23 февралда «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Бу қарорларга кўра, 1995 йилда жамоа хўжаликларининг зарар билан ишлаётган 1499 қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди. Натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади.

Ушбу даврда аграр соҳа фермерлик йўналишининг шаклланишида давлат тасарруфидаги қўй, эчки, қорамоллар, йилиқи, туя каби ҳайвонларни фермерларга бўлиб бериш, давлат мулкчилигини тугатиш, уларни хусусийлаштиришга катта эътибор қаратилди. Натижада 1990 йилда республикада биронта ҳам фермер хўжалиги фаолият юритмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг хўжалик шакллари бўйича

таксимланишига эътибор қаратилиб, 2000 йилга келиб улар тасарруфидаги ерлар 632,2 минг гектарга, 2010 йилга келиб эса 3 млн 143 минг гектарга етган.

Ваҳоланки 1990 йилда Ўзбекистонда совхозлар, колхозлар, ёрдамчи хўжаликлар махсус ширкатлар, қоракўлчилик фермаларига тегишли ер майдонлари 3 млн 974 минг гектар бўлган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг ерлари фермер хўжаликларига бўлиб берилиб, ўша қишлоқ хўжалик корхоналарининг йирклаштирилиши натижасида 2010 йилда умумий ер майдонлари қисқартирилиб, зарар билан ишлаётган ёки дотацияга тушган хўжаликлар ерлари 93 минг 900 гектарга камайтирилган эди.

2000 йиллардан бошлаб аграр соҳада фермер хўжаликларининг ташкил этилиши барқарор ва мунтазам тус олди. Фермер хўжалигининг юзага келиш асослари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Президент Фармонида батафсил ёритиб берилган.

Агар 2001 йилда республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони 55445 бирликдан иборат бўлган бўлса, 2006 йилга келиб 189235 бирликка етган, ёки 3,4 баравар ошган. Хўжаликлар сонининг таҳлил давридаги ўртача йиллик ўсиши 40,2 фоизни ташкил этган. Жами 428 та ширкат хўжалиги негизида 22 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Республикада фермерликнинг келгусидаги ривожланиши ва янги имкониятларидаги ўзгаришлар 2000 йиллар охирига тўғри келади. Пухта ўйланган дастур асосида 2008-2010 йиллар давомида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми камайтирилди. Амалга оширилган мақбуллаштириш жараёни натижасида, 2011 йил якунига кўра, республикадаги фермер хўжаликларининг сони 215776 тадан 66134 тага ёки 69,4 фоизга камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 80,1 гектаргача кўпайтиришга эришилди. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдонини тармоқлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич ўша даврда пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарга, сабзавотчилик ва полизчиликда 23,5 гектарга, боғдорчилик ва узумчиликда 13,1 гектарга, чорвачиликда 205 гектарга тенг бўлган.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 6-7 фоиздан кам бўлмаган. Биргина 2015 йилда далалардан 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, 12,8 млн тоннадан зиёд сабзавот ва картошка, салкам икки миллион тонна полиз маҳсулотлари, қарийб 2,8 миллион тонна мева, 1,5 миллион тоннадан зиёд узум маҳсулотлари йиғиштириб олинди. Гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилга нисбатан 106,7, сут ишлаб чиқариш 107,1 тухум ишлаб чиқариш 111,1 фоизни ташкил етди.

Бу қишлоқ меҳнаткашлари, соҳа мутахассислари ва мутасаддиларининг қилган меҳнатлари самарасидир.

2017 йилгача юртимизда 160 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 36 мингдан ортиғи кўп тармоқли йирик субъектларга айланди. Бунинг қувонарли жиҳати шундаки, айти пайтда улар фақатгина деҳқончилик ёки чорвачилик билан чекланиб қолмасдан, балки замонавий технологиялар, ихчам қайта ишлаш ускуналарини жалб етган ҳолда, қўшимча тармоқларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишяпти.

Ўзбекистонда етиштирилган мева сабзавотларига бўлган талаб дунё миқёсида талаб ортиб бормоқда. Шу боис ҳам, ҳукумат томонидан истиқболда озиқ овқат екинлари майдонларини кенгайтиришга жиддий еътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентнинг 2015 йил 29 декабрдаги **“2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора тидбирлари тўғрисида”**ги қарори бу борадаги муҳим дастуриламалдир. Чунки, бу ҳужжатда тупроқ унумдорлиги нисбатан паст, сув таъминоти оғир, кам рентабелли екин майдонларига пахта ва ғалла ўрнига мева сабзавот, картошка, мойли, озуқабоп екинлар екиш вазифаси белгилаб берилди. Уларнинг амалга оширилиши натижасида яқин беш йилда бошоқли дон етиштириш ҳажмини 8,5 млн тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35% га, сабзавотларни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоизга, гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 43,7 фоизга, тухум етиштиришни 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5 мартага ошириш мўлжалланмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 40 фоиздан ортиғини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ушбу соҳада ҳам эркин бозор меҳанизмлари шакллантирилгани, кўплаб имтиёзлар берилаётгани натижасида чорва моллари бош сони ва чорвачилик ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб боряпти. Чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларда насли қорамоллар подасини кўпайтириш мақсадида кейинги 10 йил мобайнида Полша, Австрия, Голландия, Германия каби мамлакатлардан 60 мингдан кўпроқ насли қорамоллар олиб келинди.

Бугунги кунда аграр соҳада салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам муҳим ҳисобланади ва ҳали бу борада қатор муаммолар борлиги барчага аён.

Аграр соҳада замонавий фан техникани пухта биладиган тренер-ўқитувчиларни тайёрловчи махсус курсларнинг муттасил ишлаб турганлигига қарамай, юқорида кўрсатилган ўқитиш тизимларида маҳоратли, билимли педагог кадрларнинг етишмаслиги ҳам долзарб муаммолардан биридир.

Шу боисдан **ёшларнинг аграр соҳада бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш**

орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган «Ёшлар – келажакимиз» Давлат дастури қабул қилинди.

Шунингдек, «**Ҳар бир оила – тадбиркор**» дастури доирасида уларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муддатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 % ставкаси миқдорида кредитлар ажратилиши ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий сиёсати. Ижтимоий ҳимоя тизими. Жамиятнинг маҳаллий шарт-шароитлари ҳамда миллий ўзига хослигидан келиб чиқиб, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан шу мақсадда 1994 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги Низом қабул қилинади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарори** муҳим аҳамият касб қилди. Бу борада минглаб оилалар давлатдан ижтимоий ёрдамлар олган.

Аммо ижтимоий ҳимоя механизмининг амал қилиш тажрибасини ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, бу тизимда кўпгина муаммолар, жумладан, қурилиш, ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви, электр токи, табиий газ билан таъминлаш каби соҳаларда кўплаб муаммоларга дуч келинган. Айниқса, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, 1996 йилда Молия вазирлиги томонидан ўтказилган текшириш натижасида республика бўйича 26 маҳаллада 262 минг сўм маблағ қинғир йўллар билан бошқа мақсадларга ўзлаштирилгани аниқланган.

1998 йилдаги текширишлар эса шуни кўрсатганки, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақа белгилаш ва тўлаш тизимида қуйидаги камчиликлар энг кўп учраган. Ҳақиқатдан ҳам муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этиш ва аксинча, нафақа олишга асоси бўлмаган оилаларга қариндошлик белгиси, фуқаролар ўз ўзини бошқариш йиғинларида эгаллаган мансаби ёки бошқа сабабларга кўра нафақа белгилаш ва тўлашда лавозимини суиистеъмол қилиш (бу кўрсаткич республика бўйича 0,3 1,4% даражасида); муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ажратилган маблағларнинг кўзда тутилган бошқа мақсадларида (талабалар стипендияси, суғурта тўловлари, хатто жамоат биноларининг қурилишига) ишлатилиши ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

1997-1998 йилларда кам таъминланган оилаларга нафақалар тайинлаш бўйича Қашқадарё вилоятида 629 та оиллага 2 млн. сўм, Бухоро вилоятида 567 та оиллага 1,5 млн сўм, Самарқанд вилоятида 194 оиллага 992 минг сўм, Наманганда 249 та оиллага 423 минг сўм, Хоразм вилоятида 82 та оиллага 304,6 минг сўм пул маблағлари моддий ёрдам тариқасида ноқонуний тўланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш Бошқармаси ҳисоботида давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ўз эгаларига етказилиши 1997 йилда 93,1 % га, 1998 йилда 98,3 % га, 2001 йилда эса 99,0 % га бажарилган, деб кўрсатилган¹⁵.

Албатта ўша кезларда айрим йўл қўйилган камчиликларни бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида танқидий таҳлил асосида кўриб чиқилиб, муаммоларни рўй рост айтиш вақти келганлиги кўп бора такидланмоқда. Зеро, Президент ўз чиқишларида ва маърузаларида, раҳбарлар, халқ фаоллари, депутатлар ёки оддий халқ билан бўлаётган учрашувларда, қарсақбозликлар даври энди ўтди, биз “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилни амалда қарор топтиришимиз лозимлигини уқдирмоқдалар.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг манзиллилигини ошириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномаларига кўра нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширилмоқда;

- Республика “Маҳалла” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли ўртасида эҳтиёжманд оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойликнинг жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида кенг тушунтириш ишларини амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш ва манзилли ёрдамни кучайтиришга қуйидагилар ҳисобидан эришиш режалаштирилган:

- амал қилаётган имтиёзлар ва нафақа тўловлари тизимини тартибга солиш, манзилли характерга эга бўлмаган имтиёзларни, авваламбор, айрим профессионал гуруҳларга тақдим этиладиган имтиёзларни босқичма-босқич камайтириб бориш ва шунинг ҳисобидан кўпроқ эҳтиёж сезаётган оилаларга имтиёзлар ҳажминини ошириш;

¹⁵ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 167-бет.

- натурал кўринишда бериладиган имтиёзларни тегишли пул тўловлари билан алмаштириш жараёнини тугаллаш;

- норасмий секторда тадбиркорлик фаолиятдан, шунингдек пул ўтказмалари ҳисобидан даромад олаётган оилаларни чиқариб ташлаш йўли билан моддий ёрдамга муҳтожлик сезаётган оилаларни аниқлаш усулини такомиллаштириш. Тежаб қолинган маблағлар энг муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун қайта йўналтирилади;

- жойларда муҳтожларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, шунингдек, маблағларни ижтимоий ҳимоянинг айрим моддалари ўртасида қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишда давлат органлари мустақиллигини кенгайтириш;

- ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловлари тўлашни ташкил қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб қилиш, бу кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар ҳажми ва қамровини оширишга имкон беради;

- айрим нафақа тўловлари ва имтиёзларни тугатиш натижасида бўшаган маблағларни муҳтож оилаларга манзилли нафақа тўловларини молиялаштириш ҳажмини оширишга йўналтириш;

- минимал ижтимоий стандартларни, жумладан, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулини такомиллаштириш;

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳлари, авваламбор, талаб қилинмаган меҳнат салоҳиятига эга, кам таъминланган оилаларни кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа масалаларда имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Бу иш ўринлари янги йирик саноат

объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камида 126 мингта янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этилган.

3. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт, маданият, таълим ва фан. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг асрлар давомида халқнинг орзуси ҳисобланган **маънавий, миллий ва диний қадриятларни** тикланди. Зеро, маънавий-диний қадриятлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни тасаввур эта олмаймиз.

Маданият ва таълим инсоннинг маънавий дунёси, савиясини юксалтиришга хизмат қилувчи соҳалардир. Маданият ва таълим турли усуллар орқали инсонга сингдирилади. Булар оила, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, музейлар, кутубхоналар, кино театр ва мусиқа масканлари, жамоат ташкилотлари ва бошқалардир. Маданият ва таълим том маънода инсон маънавий фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади.

Бу хусусда шуни қайд этиш зарурки, агар ўтмишга мурожаат қилсак, маънавий маданиятнинг асосий манбалари сифатида зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто», ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим, ҳадислар, “Қобуснома”, “Зафарнома”, “Бобурнома”, “Темурнома”, Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар», Абу али Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандийларнинг тариқатлари, Абу Наср ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари, Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғитлари ва бошқа манбаларни келтириш мумкин. “Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи бунга кўп-кўп мисолларда исботлаб беради”.

Маданият ва таълимнинг муҳим асосларидан бири бу илмдир. Маърифий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган кишиларда илм – фанни ўрганишга, ҳалол меҳнат қилиб, хунар эгаллашга иштиёқ бўлмайди. Шу сабабли, жамият тараққиётининг барча босқичларида аввало ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаб, уларни таълимли қилишга муҳим аҳамият қаратилган.

Мустақиллигимиз туфайли муҳим воқелик, бу маданият ва таълим орқали халқ дунёқарашини кенгайтиришга эришилди. Бунда маданият ва таълим масканлари муҳим рол ўйнамоқда. Бунинг баробарида мамлакатимиз, хусусан Тошкент шаҳрида кўплаб маданият ва таълим масканлари,

кошоналар барпо этилмоқдаки, биз улар билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Масалан, Тошкент шаҳрида бунёд этилган ва халқимизнинг маданият масканларига айланган улуғвор кошоналар, жумладан Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Таълим маркази, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, «Минор» масжиди каби ҳар бири миллий ва замонавий меъморчиликнинг ноёб намунаси бўлган ўнлаб бинолар мавжуд. Буларнинг янабир исботи сифатида ўзининг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир” китобида қайд этганидек “Мамлакатимизда 2009-2014 йилларда янги маданият масканлари яъни, 136 та янги муסיқа ва санъат мактаби курилди. Айни вақтда 142 та ана шундай мактаб капитал реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланди. Миқёси ва кўламига кўра ғоят улкан бўлган ушбу ишларни амалга ошириш учун 634 миллиард 4 миллион сўм хажмида маблағ сарфлангани бу соҳага қандай катта эътибор қаратаётганимизни кўрсатади.

2017 йилгача мамлакатимизда 3500 дан ортиқ маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган бўлиб, биргина Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 68 та музей мавжуд, булар 21 та ўлкашунослик, 10 та бадий, 14 мемориал, 5 та адабий-мемориал, 7 та бадий, 1 та табиий-илмий музейлардир. Ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг ўз миллий ўзлигини англашни янада жадаллаштиришни эътиборга олиб, 1994 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолияти тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади.

Маданият ва таълим комил инсонни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси ҳисобланади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одаг ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Барчамизга аёнки, мустақиллик йилларида таълим тизими фаолиятида ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. 1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим тўғрисидаги қонуни”** ва **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»** қабул қилинди. Унда шундай дейилади: «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим

шартидир... Ушбу қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонундан ўзининг мазмун-моҳиятига кўра тубдан фарқ қилар эди.

Жумладан 2003 йилда мамлакатда 9702 умумтаълим мактабларида 6 млн. 272000 ўқувчига 500 минг дан ортиқ педагог ўқитувчилар таълим-тарбия берган бўлса, 51 та академик лицейларда 30620 ўқувчи 419 касб-хунар коллежларида эса 285.685 йигит-қизлар хунар эгаллаганлар. 1991 йили Ўзбекистонда 52 олийгоҳ бўлган бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 63 тага етган. 2014 йилда эса ҳаммаси бўлиб 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланган. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланган. Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажра тилди-дея қайд этади Президент.

2015-2020 йиллар оралиғида эса 500 та умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-хунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилганлиги хусусида ҳам мазкур китобда қайд этилади. Ушбу амалга оширилаётган ислохотлардан олий таълим тизими ҳам мустасно эмас, албатта. Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислон Каримов қайд этганидек "2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Таълимга эътибор, бу маданият ва таълимга эътибордир. "Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох, этишга йуналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу соҳанинг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан зиёд экани, бун- дай курсаткичларни дунёнинг бошқа давлатларида камдан-кам учратиш мумкинлиги бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда".

Миллий мафкура. XX аср охирига келиб инсоният жамиятда содир бўлаётган жадал ўзгаришларнинг янги даврига қадам қўйди. Дунё сиёсий харитасида Ўзбекистон давлати пайдо бўлди. Коммунистик мафкура барҳам топиб, Ўзбекистон ватанимиз тарихининг сифат жиҳатидан янги даврини бошдан кечира бошлади. Бу авваломбор ўзбек ҳалқига ўз она юртида ўзини чинакам эркин ҳис қилиш, барча ҳалқларга уларнинг ҳақиқий миллий ўзлигини, маданиятини, миллий анъаналарини ҳамда маънавиятини тикланишига имкон берди. Мустабид «коммунистик мафкура»дан воз кечилди. Ўзбекистон ҳалқи ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш йўлини танлади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб жамиятни ғоявий, мафкуравий, маънавий йўналишда ислох қилиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйила бошланди. Бу эса Ўзбекистоннинг

илгариги коммунистик мафкура асосида шаклланган эски қараш ва ғояларидан ҳоли **миллий ғоя** ва **миллий мафқура**ни шакллантириш вазифасини қўйди.

Аммо ғоя ўз-ўзидан инсон онгига, тафаккурига сингиб, ишонч ва эътиқодига айланиб қолмайди. Бунга ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Миллий ғояни мазмун-моҳияти, намоён бўлиши, уни халқимиз қалбига сингдириш йўллари ва усуллари ушбу фаннинг асосий моҳиятини белгилайди. Унинг тушунча ва назариялари ҳамда категориялари бир бутун, яхлит фан ва таълимот шаклида намоён бўлади.

Агар узоқ ва яқин ўтмишимизга назар солсак, бугунги юз бераётган маънавий, маърифий ўзгаришлар, ислоҳотларнинг ижобий натижаларига мустақилликнинг илк кунларидаёқ тамал тоши қўйилган эди. Шундай масъулиятли пайтда мафкура масалаларига қўл уриш ва бу хусусда баҳс юритиш катта жасорат ва тинимсиз меҳнатни талаб этди. Таълим тизими олдида турган муҳим масалалардан бири эса, ўз ғоявий ҳамда мафқуравий қарашларига эга бўлган аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган буюк миллий-маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказишдан иборат эди. Бу эса миллий ғоя ва мафкура масалаларини алоҳида олинган предмет сифатида ўқитишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси» кенгайтирилган мажлисининг 2000 йил 30 сентябрда «Миллий ғоя» фанини узлуксиз таълим тизимига жорий этиш ҳақида»ги Қарори эълон қилинди. Унга кўра **2000-2001 ўқув йилининг** 2-чорагидан эътиборан умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув режасидаги 7-9-синфлар учун «Маънавият асослари» ўрнига «Миллий ғоя ва маънавият асослари» ўқув фани жорий этилди. 2000 йил 9 октябрда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бу масалани яна бир бор кўриб чиқиб, уни ҳаётга жорий қилиш учун ўз режаларини белгилаб олдилар.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳам эълон қилинди.

Қарорга биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги “Миллий мафкура илмий тарғибот маркази” Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган “Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” га айлантирилди.

Ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар натижасида қатор йиллар Республика олий таълим тизимида “Миллий истиклол ғояси: асосий

тушунча ва тамойиллар” курси 4-курс бакалавр ва магистратуранинг 2-курсларида ўқитиб келинди. 2010 йилдан бошлаб барча таълим муассасаларида “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани ўқитиб келинмоқда.

Зеро, миллий ғоя биринчидан, ғоялар тўғрисидаги мавжуд қарашларга, назарияларга ҳамда мамлакатимизнинг давлатчилиги, халқимизнинг тарихий мероси билан боғлиқ мутафаккирларнинг ғояларига таянади. Иккинчидан, мустақиллик йилларида миллий маънавиятимиз тўғрисидаги муҳим концептуал ғоялар ва қарашларга, унда Ўзбекистоннинг ўзига хос мафкуравий тараққиёти, ҳамда хусусиятларига таянади. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳам муҳим ўрин тутди. Жамиятимизда миллий ғояни шаклланиши ижтимоий ҳаётимизнинг бирон-бир соҳаси билан чегараланиб қолмайди. Балки, унинг барча жабҳаларидаги ўзгаришларни ўз ичига олади ва ўрганади. Бунда жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги туб ўзгаришлар, миллий маънавиятимиз, тарихимиз, маданиятимиз, динимиз, миллий менталитетимизга хос хусусиятлар асосий ўрин эгаллайди.

Миллий ғояни сингдиришнинг асосий мақсади ва вазифалари шундан иборатки, фуқароларга, айниқса ёшларга халқимизнинг миллий-маънавий негизлари, яъни миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари, унинг ўзига хослиги, мазмуни ҳамда моҳияти, асосий тамойиллари, ҳозирги мафкуравий хуружлар шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши, бунёдкор ва вайронкор ғояларга қарши курашнинг зарурати, бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни сингдиришдан иборат. Шу билан бирга, миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари, оила, маҳалла, таълим тизими ва бошқа тузилмаларнинг ғоя ва мафкурани шакллантиришдаги ўрни, ғоявий таҳдидлар ҳамда уларнинг йўналишлари мафкуравий бўшлиқ, мафкуравий иммунитет тушунчалари ва мазмуни ҳақида маълумотлар ҳақида кенг қамровли маълумот бериш, фуқароларда миллий ғурур, миллий ифтихор, ватнапарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборат. Унинг мақсад ва вазифалари шу билан бирга фуқаролар онгида тарихий меросимиз, маънавий қадриятларимиз, муқаддас динимизга ҳурмат хиссини шакллантиришда ҳам ўз аксини топади.

Ўзбекистон кўп миллатли давлат. Жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳим ўрин тутди. Албатта мамлакатимизда яшаётган халқларнинг ҳам ўз дунёқараши, миллий менталитети, ғоявий ва диний қарашлари мавжуд. Шу боисдан биз шакллантираётган миллий ғоя ўз мазмунида бошқа халқларнинг ҳам қизиқишларини, орзу интилишларини, мақсад ва муддаоларини ўзида акс эттиради. Шу боисдан 7 та асосий тамойилга таянувчи миллий ғоя замирида миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилининг акс этиши, унинг умуминсоний қадриятларга таянувчи, халқчил жамият мафкураси эканлигидан далолатдир. Демак, биз шакллантираётган ғоя мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг тили, дини, миллати, irqи, ижтимоий келиб

чиқишидан қатъий назар ғоявий жиҳатдан бирлаштиришга ва тарбиялашга хизмат қилувчи жамият ғояси ва мафкурасидир.

Миллий ғоя бугунги кунда янада такомиллаштирилиб янгира руҳда “**Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари**” бош ғоясига таянмоқда. Миллий ғоянинг назарий вазифаси: жамиятда ғоявий, мафкуравий масалаларни ҳал қилиш ва фуқаролар онгида илмий, назарий тушунчалар ва дунёқарашни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳужжатлари, Президентнинг Миллий ғояни шакллантириш ва тарғиб қилишга оид фармонлари, қарорлари назарий йўлланма бўла олади. Шу билан бирга тарихий маънавий қадриятларимиз, аждодларимизнинг бизга қолдирган улкан маънавий мероси ҳам биз таянишимиз зарур бўлган муҳим назарий йўлланмадир.

Унинг амалий вазифаси – фуқароларнинг ўз дунёқараши, ғояларини ҳаётда изчиллик ва қатъият билан амалга оширишлари, бузғунчи ва вайронкор ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларнинг ўз мустаҳкам фуқаролик позициясида тура олишлари учун хизмат қилади. Одамлар онгини турли салбий иллатлардан халос қилишда, бунёдкор ғояларни шакллантиришда ва уни амалиётда қўллай билишда, келажак авлодларга етказишда ўз аксини топади. Чунки, бу жараён одамлар онгида амалга оширилмас экан, мамлакатимизнинг, жамиятимизнинг, одамларнинг тинчлиги ва тотувлиги мустаҳкам бўла олмайди, мамлакат хавфсизлиги, барқарорлиги ва халқ бахт-соадатига эришиб бўлмайди.

Диний қадриятлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йил 11 апрель ва 20 июндаги фармонларига биноан “Ийд ал-Фитр” (Рўза) ва “Ийд ал- Адхо” (қурбон) ҳайитлари юртимизда дам олиш кунлари деб эълон қилинди. **Қуръони Карим** бир неча бор нашрдан чиқарилиб 1 миллион нусхада чоп этилди. Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси мусулмонларга туҳфа этилди. Имом Бухорийнинг тўрт жилдлик Ҳадислар китоби ўзбек тилида нашр этилди.

Бугунги кунда Республикамызда минглаб масжидлар фаолият олиб бормоқда. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз ҳаж сафарига бориш имкониятига эга бўлмоқдалар. Муқаддас умра ва ҳаж амалларини бажариб келмоқдалар. XX асрнинг 80-йилларида собиқ Иттифоқ бўйича ҳар йили 25-30 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, 1991 йилда Ўзбекистондан 1500 фуқаро, 2000 йилда эса 4 мингга яқин фуқаро ҳаж зиёратига бориб келди. Бугунги кунда уларнинг сони 6 мингдан ошиб кетди. Энг асосийси – бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувлик таъминланди.

Мустақиллик йилларида қадимий аждодларимизнинг эзгу ғоялари, миллий давлатчилик анъаналари, турмуш тарзи ва менталитетини акс эттирган муқаддас “**Авесто**” ўзининг ҳақиқий кадр-қимматини топди. Мустақиллик йилларида биргина Тошкент шаҳрида “Туркистон” саройи,

Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Миллий академик театр биноси ва ғоят гўзал, маҳобатли кошона – Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат Миллий кутубхонасининг янги биноси, Анжуманлар саройи каби кўплаб иншоотлар барпо этилди. 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида “Шаҳидлар хотираси ҳиёбони” ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август куни юртимизда қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

1. **Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти** Мустақиллик йилларида мамлакатимиз чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқлилик асосида дипломатик, савдо, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳамкорлик қилиш йўлини тутди. Хусусан 2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон дунёнинг 120 дан ортиқ давлати билан дипломатик алоқалари ўрнатди. Тошкентда 42 та давлат элчихонаси, 1 та бош консулхона, 9 та фахрий консуллик, 10 та халқаро ташкилот ваколатхонаси, 5 та халқаро молиявий ташкилот ваколатхонаси, 3 та савдо ташкилоти ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Энг муҳим воқеалардан бири 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. 1993 йил **БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси**да Президент И.А.Каримов маъруза қилдилар. 1995 йил БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг тантанали йиғилишида асосий эътибор бу ташкилотнинг фаолиятини янада кенгайтириш билан бир қаторда, яна минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, экстремизм, терроризм, нарқобизнесга қарши кураш масалаларига қаратилди. Шу билан бирга Марказий Осиё минтақаси халқлари учун ўта долзарб масала Орол муаммосининг кўтарилиши муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга Ўзбекистон жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган халқаро муаммолардан бири бўлган терроризм, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш, диний экстремизм масалаларига ўз эътиборини қаратди. Давлатимиз раҳбари ўтган вақт давомида дунёнинг кўпгина нотинч минтақаларида, жумладан, Афғонистон ҳудудида илдиз отган диний ақидапарастлик ва терроризм хавфидан жаҳон жамоатчилигини биринчилардан бўлиб огоҳ этди. 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, 1995 йил 2 мартда Копенгагендаги халқаро конференциясида бу борада ўз таклифлари билан чиқди.

1995 йил 15 сентябрда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар кенгашида, 1995 йил 24 октябрда БМТнинг 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишда, 1999 йил 18 ноябрда **ЕХХТ**нинг Истанбул саммитида, 2000 йили БМТ Бош Ассамблеясининг саммитида ва бошқа нуфузли анжуманлардаги чиқишларида Ўзбекистон раҳбари И.А.Каримов Афғонистоннинг даҳшатли вайронкорлик кучига эга халқаро терроризм

ўчоғига айланиб қолганидан дунё жамоатчилигини огоҳлантирди. Бу хатарнинг олдини олиш бўйича кўплаб амалий чораларни таклиф қилди.

Биринчи галда халқаро терроризмга қарши курашда барча давлатларни бирлашишга даъват этди. Айнан ушбу ғоянинг амалий натижаси ўлароқ 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши билан у амалда ўз ифодасини топди. Афғонистон минтақа ва халқаро хавфсизлигига энг катта хавфлардан бири эканлигини таъкидлаб, узоқ йилладан буён ушбу масала юзидан илгари сурилиб келинаётган **6+2 дастури**ни 6+3 га айлантириш ташаббуси билан чиқди. Ушбу ташаббуси И. Каримовнинг 2008 йил 3-4 апрел кунлари НАТО нинг Бухаристдаги самитида илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси НАТО нинг коллектив хавфсизликни таъминлашга қаратилган «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» лойиҳасини 1994 йилнинг июлида имзолади ҳамда 1995 йилнинг июль ойида ушбу дастурга кўшилди. 1995-2001 йиллар мобайнида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ўтказилган ҳарбий ўқув машқларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари бўлинмасининг тинчликни сақлаш кучлари ўндан ортиқ ҳарбий ўқув машқларида қатнашдилар.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1999 йил 23-25 апрель кунлари АҚШ га ҳамда НАТО нинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда иштирок этиши мамлакатимизнинг эртанги куни учун муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон - НАТО муносабатларига ва унинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида ҳамкорлик қилиш, бу НАТОга аъзо бўлиш эмас. Ўзбекистон - НАТО муносабатларининг асл моҳияти давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" Дастурида иштироки Марказий Осиё минтақасида коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини вужудга келтиришни режалаштиришда Ўзбекистоннинг иштирокини кафолатлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон беради". НАТО Бош қотиби Х.Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р.Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари Ўзбекистон ва мазкур ташкилот ўртасидаги тинчлик йўлидаги сиёсатининг ҳамоҳанг эканлигини ҳам кўрсатди.

1992 йил 26 февралда Ўзбекистон яна бир нуфузли ташкилот **ЕХХТ** га аъзо бўлди. Шу боис 1994 йилдан Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги ваколатхонаси Венада, 1995 йилдан эса ЕХХТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалари бўйича бюроси Тошкентда фаолият юритмоқда. 1999 йилда ушбу бюрога ЕХХТнинг минтақадаги маркази мақом берилди. Марказ фаолияти назарий жиҳатдан сиёсий-ҳарбий, иқтисодий-экологик ва инсон ҳуқуқлари

каби соҳаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларни кўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг 1996 йил Лиссабон Саммитида иштироки республика раҳбариятининг хавфсизлик доирасига кирувчи қарашларини баён этишга ҳам имкон берди. Анжуманда Ўзбекистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига эга бўлди. Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зона деб эълон қилди. 1999-йил 18-19-ноябр кунлари мазкур ташкилотга аъзо 54 мамлакат раҳбарлари учун Туркиянинг Истамбул шаҳрида Олий даражадаги учрашувда Президент халқаро терроризмга қарши марказини тузиш таклифи билан чиқди.

1996 йилнинг бошларида Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлимининг иш бошлаши ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги янги қадам бўлди. Ўзбекистоннинг *Нидерландия, Финляндия, Австрия, Бельгия, Швейцария, Италия, Испания, Греция, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Хорватия, Болгария* каби Европа мамлакатлари билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалари ўрнатилди ва кенгайтириб бормоқда. Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакат - Швейцариядаги ваколатхонасига ҳам айланди. 1995 йил октябрда Женевада "Ўзбекистонда хусусийлаштириш: ҳамкорлик учун имкониятлар" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Шу йил ноябрь ойида эса Лондонда ўтган "Ўзбекистонда бизнес" конференциясида иқтисодий ислохотларнинг хусусиятлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида интеграциялашиш йўлидан бориб, Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашув ташкилоти ва бошқа молиявий, иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Шу билан бирга Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар *Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТ нинг болалар фонди, Халқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро олимпия қўмитаси* каби яна бир қанча ташкилотларга аъзо бўлди.

Ўзбекистон 2001 йилнинг июн ойида «**Шанхай халқаро ҳамкорлик ташкилоти**» га аъзо бўлди. Унга Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизстон ва Тожикистон Республикалари ҳам доимий аъзодирлар. Бугунги кунда изчил фаолият кўрсатаётган халқаро сиёсий-иқтисодий ташкилотлар ҳақида сўз юритилганда, шубҳасиз, биринчи навбатда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тилга олинмоқда. Дастлаб "Шанхай бешлиги" деб номланган бу ташкилотга 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб қўшилгач, "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти" деб аталадиган бўлди. Айни пайтда унга Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизстон Республикалари расман аъзодирлар.

Ташкилотнинг “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси” имзоланган бўлиб, 2002 йил июлида Санкт-Петербургда у янада мустақамланди. 2003 йил май ойида Москва ШХТнинг ташкилий органи, рамлари тасдиқланиб, Ўзбекистон Ташкилотининг янги раиси этиб белгиланди. 2003 йил сентябрда Пекинда “ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури” қабул қилиниб, маҳсулот, капитал, хизмат ва технологиялар эркин айланиши шартлари белгилаб олинди, ШХТнинг молиявий бюджети кўрилди. 2004 йил июндан Ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йил июлида Остона саммитида Монголия, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон кузатувчи мақомига эга бўлди. 2010 йилда Тошкентда ўтказилган навбатдаги анжуман аъзо давлатлар ташқи сиёсатида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларида бошлаб чет мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан эътиборан мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига киришга интила бошлади. Жумладан мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакат бу Туркия республикаси эди. 1991 йил 16-19 декабрь кунлари Ўзбекистон давлат делегацияси Туркияда бўлди. Сафар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида Протокол, иқтисодий ва савдо соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим, транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ахборот айирбошлаш, телевидение ва радио эшиттириш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида протоколлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатидаги йўналишларини демократик принципларга асосланган ҳолда олиб борар экан, 1991 йил декабрдан 1992 йил июл ойигача бўлган давр ичида республикани 111 давлат, ҳозирги кунга қадар эса Ўзбекистон мустақиллигини 180 дан ортиқ давлат тан олди. Уларнинг 100 дан ортиғи билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Дастлаб Тошкентда **АҚШ, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия** ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг элчихоналари очилди. Шунингдек, Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари очилди. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг элчихоналари дунёдаги 20 дан ортиқ йирик давлатларда фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи навбатда яқин ва ўрта шарқ ҳамда араб мамлакатлари билан давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга киришди. Негаки, Ўзбекистоннинг руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналари Осиёдаги мусулмон мамлакатларига яқиндир.

1992 йил 27-28 июнь кунлари **Покистон** Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий данлат ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларга асос солди. Сафар кунларида Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома, иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризм спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари неча асрлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар янгича мазмун касб этди. Тошкент билан Исломобод ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш имкониятларини очади.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни Ўзбекистон Президента Ислом Каримовнинг 1992 йил 13-14 август кунлари Покистонга расмий ташрифи ва унда имзоланган ҳужжатлар янада янги поғонада кўтарди. Икки давлат ўртасида сув ресурслари, электрлаштириш, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкор қилиш тўғрисида, почта ва телекоммуникация соҳасида, давлат банклари ва миллий банклар ўртасида ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисида, инвестициялар ва сармояларни ҳимоя қилиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто 1995 йил май ва ноябрь ойларида Ўзбекистонга икки марта ташриф буюрди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва Марказий Осиё хавфсизлиги, Афғонистонда биродарқўшлик урушини тўхтатиш масалалари бўйича фикр алмашилди. Иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фан, техника, сайёҳликни ривожлантириш ҳақида битимлар имзоланди. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармоялари 120 қўшма корхона тузган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани инобатга олинса, Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмини (пахта, полиетилен, суюлтирилган газ, кабел, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Мисол учун, Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлатлар орқали сотиб

олади. 2006 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки ҳисса ортиб, 20 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга юборилган Ўзбекистон пахтасининг қиймати бу кўрсаткичдан бир неча карра ортиқ.

Ўзбекистондаги мавжуд қулай сармоявий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатган. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва кўрсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорти ҳажми 4 миллион АҚШ долларига етади. Икки томонлама ҳамкорлик 2007 йилнинг 14-16 март кунлари Ўзбекистонга Покистон бош вазири Шавкат Азизийнинг ташрифи ҳам самарали бўлди. Музокаралар якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳукуматлараро шартнома, Транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Тошкент ислом университети ва Исломобод халқаро ислом университети ўртасида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Карачи шаҳар Савдо-саноат палатаси ўртасида англашув меморандумлари имзоланди.

Ўзбекистоннинг **Ҳиндистон** билан алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йил 23-15-25 май Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Сафар кунларида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисида шартнома, фойда ва мулкка икки томонлама солиқ солмаслик тўғрисида, ҳаво тўғрисидаги ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 1993 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистонга расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, туризм, спорт ва оммавий ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. 1995 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг «ТАТА Прожекте ЛТД» фирмаси томонидан қуриб битказилган 600 ўринли саломатлик зали, мажлислар хонаси, сервис хизмати, ер ости гаражи, сауна барлари қатта ресторанлари бўлган замонавий Мехмонхонанинг очилиши фикримизнинг далилидир. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари Ислом Каримовнинг 2000 йил 1-3 май кунлари Ҳиндистонга қилган сафари янада юқори поғонага кўтарди. Сафар пайтида Ўзбекистон Биринчи Президенти Ҳиндистон Президенти ва Бош вазири билан муҳокамалар олиб бориб, унинг якунида 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида халқаро жиноятчилик, террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилган Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот, жиноят қидирув ишларида ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция

тўғрисидаги шартнома муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, иқтисодий, маданий, таълим, ахборот, божхона соҳалари бўйича ҳамкорлик қилиш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларга хизмат қилувчи 40 га яқин ҳужжатлар қабул қилинган. 2006 йили мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми 59,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Ҳиндистон сармояси иштирокидаги қирққа яқин қўшма корхона ҳамда тўртта ҳинд компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

2005 йил апрел ойида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу саммитлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликнинг, айниқса, иқтисодий соҳадаги қамрови кенг. Мазкур ҳамкорлик савдо ва сармояга оид эллиқдан зиёд ҳукуматлараро ҳужжатга асосланган. Савдо-иқтисодий алоқалар Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Энергетика соҳасида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон Нефт-газ саноати вазирлиги, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Ҳиндистон Тоғ-кон саноати вазирлиги ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган Ҳиндистон сармояси ҳажмини янада оширишга қаратилган.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1992 ва 2006 йилда **Малайзия**га ва Малайзия давлат, ҳукумат раҳбарларининг 1993 ва 2003 йилларда юртимизга амалга оширган ташрифлари доирасида эришилган битим ва келишувлар мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ташрифлар давомида ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳияти ҳақидаги қимматли маълумотлардан иборат кенг кўламли ахборотлар алмашинуви йўлга қўйилаётгани этиборлидир.

Шунингдек, 1998 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамияти ҳам давлатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келаётганини таъкидлаш керак. Ўзбекистон ва Малайзия халқлари ўртасидаги дўстлик, маданий-марифий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Малайзия жамоатчилиги ўртасида Ўзбекистон давлати, юртимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёни ҳақида батафсил ва холис фикрни шакллантириш мазкур тузилманинг асосий мақсадларидан саналади.

Мазкур келишувга кўра 2006-2007 йиллар мобайнида Малайзия жамоатчилигига Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг бир қатор

телемахсулотлари, жумладан «Ўзбекистон сурати», «Ўзбекистон маданияти ва ананалари», «Билдерсой», «Хива», «Бухоро», «Самарқанд» каби хужжатли филмлар туҳфа этилди. Мазкур филмларда юртимизнинг тарихий шаҳарлари, энг қадимий савдо ва маданият марказлари, юксак манавиятимиз ва ананаларимизнинг чуқур илдизлари, халқимизнинг кўп асрлик бунёдкорона меҳнати маҳсуллари ҳамда мустақиллик йилларида кўлга киритган оламшумул ютуқларимиз ҳақида батафсил ва қизиқарли тарзда ҳикоя қилинган.

Ўзбекистон ва Малайзия ёшларининг мамлакатларимиз ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитиш мақсадида дўстлик жамияти томонидан турли марифий-маданий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари иштирокида «Малайзияни ким яхши билади?» деб номланган викторина-танлов бўлиб ўтди. Унда юртимиз ёшлари Малайзия географияси, иқтисодиёти, тарихи ва маданияти, шунингдек, икки давлат муносабатларига оид атрофлича билимларга эга эканини намойиш этишди.

Ўзбекистоннинг Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналиш-ларидан бири Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу мамлакатлар орасида **Хитой Халқ Республикаси** билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритган дастлабки пайтлардаёқ, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилади. 1992 йил 2-3 январь кунлари ХХР ташқи иқтисодий алоқа ва ташқи савдо вазири Ли Ланьзин Тошкентда бўлди.

Хитой Халқ Республикаси 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди. 1992 январда эса икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси дўсту-биродар, яқин қўшни давлатлар ҳисобланиб, бу яқинлик “Ўзаро манфаатли муносабатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Декларацияда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Хитойга 3 марта расмий сафари, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифлари чоғида сиёсий мулоқотни ривожлантириш учун асос қўйилди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бош йўналишлари белгиланди, икки мамлакат етакчилари ўртасида ишончли алоқалар ўрнатилди. 2004 йилнинг июн ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтау давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф чоғида Президент Ислон Каримов ва Хитой Халқ республикаси Раиси Ху Цзинтау Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дўстона муносабатлар, шерикчилик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияга имзо

чекдилар. Шунингдек, қатор ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон "Хавфсизлик белбоғи" тамойилига асосланган Хитой ташқи сиёсатини қўллаб – қувватлайди. Бу қўшма мамлакатлар билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва жараёнини тезлаштириш демакдир. Хитой Халқ Республикаси эса Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли худудга айлантириш, Марказий Осиёни умумий бозорини бунёд қилиш бўйича давлатимиз ташаббусларини олқишлайди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. 2004 йили ўзаро савдо-сотик ҳажми деярли икки мартага ошди ва 600 миллион АҚШ долларига етди. Таълим, фан, техника, адлия, маданият, нақлиёт каби соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Иккала мамлакат ҳам алоқаларни янада кенгайтириш учун заҳираларга эга. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, нефт-газ, кимё, коммуникация соҳаларида ҳамкорлик тобора тивожланиб бормоқда. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари ўртасида алоқаларни рағбатлантириш, савдо-иқтисодий муносабатларни янада либераллаштириш юзасидан чоралар ишлаб чиқилмоқда, бу йўналишда юзага келаётган тўсиқларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

2004 йилнинг ноябр ойида Пекинда савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича **Ўзбекистон–Хитой** ҳукуматлараро комиссиянинг 6 йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўплаб йўналишлар, хусусан, сармоя соҳасида ҳамкорликни босқичма-босқич ривожлантириш қайд этилди. Шунингдек, нефт-газ тармоғи, телекоммуникация, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ипакни қайта ишлаш коммунал хўжалик борасида Хитой компаниялари иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди. Шу йилнинг май ойида Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида Конфуций номидаги ўзбек-хитой институти очилди. Хитой матбуоти маълумотларига кўра, Пекиндаги Миллатлар Марказий университетиде ўзбек тили бўлими очилиши мўлжалланган. 2005 йилнинг апрелда эса Пекинда "Ўзбекистон Фотосанъатининг 125 йиллиги" мавзуида фототўрғазма ташкил қилинди. Унда миллий фотосанъат асосчилари ва усталарининг 150 яқин асарлари ҳавола этилган. Март ойида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси чинаккам ҳамкорликка хизмат қилувчи Тошкент-Шанхай қатновини очди. Ўзбекистонда Хитой маданият кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтау таклифига кўра, 2005 йилнинг 25-27 май кунлари шу мамлакатга давлат сафари билан бўлди. Сафар чоғида ўтказиладиган музокаралардан икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни

чуқурлаштириш масалалари, минтақавий хавфсизлик масалалари, иккала томонни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Агар рақамларга мурожаат қилинса, **2016 йилгача Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 700** дан ортиқ қўшма корхона мавжуд бўлган. Улар асосан енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш олиб боради. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган “Электрон ҳисоблагич” Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонаси бунга мисол бўла олади.

2004 йилдан буён фаолият юритаётган “Электрон ҳисоблагич” қўшма корхонаси “Ўзбекенерго” акциядорлик жамияти ҳамда Хитойдаги “Холлей Групп” корпорацияси ҳамкорлигининг амалий натижасидир. Мазкур корхона сармоясининг 40 % Ўзбекистонга, 60 % Хитойга тегишлидир. Қўшма корхона электр энергияси сарфини ҳисоблайдиган турли хил ва ўлчамдаги бир фазали ва уч фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар хонадонлар ва ташкилотлар учун мўлжалланган бўлиб, юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан ажралиб туради .

Ўзбекистонда Хитойнинг фоизсиз (12 миллион АҚШ доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитлари асосида қатор ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Хитой “Эксимбанки” Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда Тўполанг ГЭС ига агрегат ўрнатиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида иккита кредит битими, “Фарғонаазот” ОАЖ билан “Гринкул” компанияси ўртасида қўшма корхона тузиш тўғрисида таъсис ҳужжатлари, “Мотор заводи” да “Гринкул” компанияси иштирокида двигателлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ҳамкорлигида мобил телефон аппаратлари ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик меморандуми, “Марказсаноатэкспорт” компанияси томонидан Хитойга мис етказиб бериш тўғрисида битим ҳам олиб борилаётган амалий ишлар натижасидир. Шунингдек “Ўзсаноатмашимпекс” компанияси томонидан Хитойга пахта етказиб бериш тўғрисида битим, “Ўзкимёсаноат” компанияси билан “Луянг Ланбин” компанияси ўртасида англашув протоколи, “Ўзкимёсаноат” компанияси билан “Гринкул” компанияси ўртасида қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим имзоланган.

Бундан ташқари, томонлар ўртасида яна бир қатор муҳим битимлар бўлиб, улар икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда. Жумладан, “Хитой ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий битим”, “Икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик тўғрисида” битим, “Хитой ва Ўзбекистон ўртасида инвестицияларни ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги битим “Савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида” меморандум шулар жумласидандир.

Икки тарафнинг умумий саъй-ҳаракатлари билан ҳозирги вақтда иқтисодий ҳамкорликнинг шартномавий - ҳуқуқий негизи шакллантирилган, ўзаро савдо ҳажми фаол ўсиб бормоқда, инвестициялар соҳасида, шу жумладан, иқтисодиётнинг нефт-газ тармоғида ҳамкорлик фаол ривожланмоқда, шунингдек, транспорт - коммуникация жабҳасида ҳам янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, 2009-йилда икки мамлакат ўртасида имзоланган иккитарафлама шартномалар доирасида Ўзбекистонга жами 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида Хитой инвестициялари жалб қилинган. Мазкур маблағлар энергетика, кимё саноати, геология қидирув, коммунал хўжалик, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилмоқда .

ХХР компаниялари билан инвестицион ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ҳисобланган нефт-газ секторини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур тармоқ бўйича ҳамкорлик ҳам ўзининг эволюциясига эга. Масалан, бу борада 2005-йилда «Ўзбекнефтегаз» компанияси ва Хитой миллий нефт-газ корпорацияси (НП) ўртасида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш бўйича ҳажми тахминан 600 млн. АҚШ доллари бўлган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди. 2006-йилда Ўзбекистонда Хитойнинг капитали улуши 100% бўлган «НП Силк Роад» шўба компанияси ташкил этилиб, у ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги Бухоро, Хива, Фарғона ва Устюрт нефт-газ минтақаларида бешта инвестицион блокда геология - қидирув ишларини амалга оширишга киришди. Бунда Хитой корпорацияси Ўзбекистондаги геология-қидирув ишларига 5 йил мобайнида 208,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни инвестиция қилади.

Биринчи Президентнинг 2005-йил Хитойга ташрифи чоғида «Ўзбекнефтегаз» ва Хитой миллий нефт-газ корпорацияси ўртасидаги ўзаро келишувга асосан Бухоро вилоятининг Жондор туманидан бошланадиган Ўзбекистон - Хитой газ қувурини қурилиши 2008-йилнинг июн ойидан бошланди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 2 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва 500 километрлик иккита линияни қурилишини ўз ичига олади. Ушбу линияларнинг биринчиси 2009-йилнинг декабрида, иккинчиси 2011 -йилда қуриб битказилди .

Давлатлараро иқтисодий алоқаларда Буюк Ипак Йўлини тиклаш стратегияси доирасида **Ўзбекистон - Қирғизистон - Хитой темир йўли**ни қуриш ва автомобил магистралини қайта таъмирлаш лойиҳаси яхши имкониятларга эга. Транзит имкониятларини рўёбга чиқариш истиқболлари ҳам Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон темир йўли (Қошғар - Ирқиштом - Ўш - Андижон -Тошкент) лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ. Лойиҳанинг дастлабки қиймати 1,2 -1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дастлабки босқичнинг ўзида ташиладиган юклар ҳажми йилига 5 млн. тоннани ташкил этади, кейинчалик эса, 17-20 млн. тоннани ташкил этиши мумкин. Бу йўл товарларни транспортда ташиш вақти ва масофасини илгари мавжуд бўлган йўлларга

таққослаганда тегишли равишда 7-8 кун ва 900 км га камайтириш имконини беради, бу эса юк ташиш қийматини камайтиради.

Икки давлат ўртасидаги дўстлик ўзаро ишонч ва сиёсий ҳамжиҳатлик савдо-иқтисодий алоқалар ривожиди, ҳамкорликда кўплаб қўшма бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи 2008-йилда 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011-йилда 2,6 миллиард АҚШ долларига етди. Бу борада савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик тобора ўсиб бормоқда. 2003 йилда икки томон товар айирбошлаш ҳажми 216 млн АҚШ долларига тенг бўлди. Ўзбекистоннинг Хитойга қилган экспорт 53 млн, импорт 163 млн АҚШ долларини ташкил этди. 2001-2004-йилларда Хитой билан товар айланиш ҳажми тўрт маротаба ошди.

Ўзбекистонда Хитой инвесторлари иштирокида тузилган 122 корхона рўйхатдан ўтган. Шулардан 102 таси қўшма корхона, 20 таси 100% Хитой сармояси ҳисобидан Хитой компанияларининг 23 та корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 2017 йилга келиб Хитойнинг Ўзбекистонга киритилган сармояси ҳажми 435 млн АҚШ долларини ташкил этади.

2011-2017 йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошган. 2017 йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо янада жадаллашиб, 59 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида жаҳон иқтисодиётидаги умумий пасайишга ва муаммоларга қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо барқарор суръатларда ўсаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инвестициявий ҳамкорлик- Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишидир. Ушбу ҳамкорлик айна пайтда ҳар икки томон учун устувор лойиҳалар ҳисобидан кенгайиб, энг муҳим барча йўналишлар бўйича сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган йирик сармоядорлардан биридир. Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 6,7 миллиард доллардан ошди. Булар қаторида Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводини қуриш ва ишга тушириш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси ва Ангрен кўмир конини техник қайта жиҳозлаш, Хитой компаниялари билан ҳамкорликда нефт, газ ҳамда уран конларини қидириш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга оид қатор қўшма лойиҳалар бундай ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликнинг яққол далиллари дир.

2013 йилдан бошлаб Ўзбекистонда “Жиззах” махсус индустриал зонаси ташкил этилиб, инвесторлар учун мисли кўрилмаган имтиёз ва преференциялар жорий қилинди. Бугунги кунда “Жиззах” махсус индустриал зонасида мобил телефонлар, замонавий қурилиш матераиллари ва бошқа юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон билан **Корея Республикаларини** умумтан олинган тамоиллар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Корея Республикаси Осиё-Тинч

Океани минтақаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди ва бу воқеа 1991 йил 30 декабрга тўғри келди. 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Корея Республикаси мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўхшашлиги, бир-бирига ишонч ва ҳурмати, ҳамкорликдан икки томон ҳам манфаатдор экани муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Мустақил Ўзбекистоннинг олий даражада дастлабки халқаро битимлари қаторида Корея Республикаси алоҳида ўрин тутди. 1992 йил июнда Биринчи Президент Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон раҳбари сифатида расмий сафар билан шу мамлакатда бўлди. 1994 йил июн ойида эса Корея Республикаси раҳбари бунга жавобан Ўзбекистонда бўлди. Мазкур саммит чоғида имзоланган битимлар мамлакатимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиги пойдеворининг тамал тошини қўйди. Иккала мамлакат ҳам сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига катта эътибор билан қарайди. Барча соҳаларда икки томонлама муносабатларни мувоффақиятли ривожлантиришга, мамлакатлар ўртасида ўзаро бирон-бир сиёсий муаммоларнинг ёқлиги ҳамда салмоқли шартномавий-ҳуқуқий негиз мавжудлиги хизмат қилади.

Корея Республикаси Ўзбекистондаги бозор ислохотлари ва демократик ўзгаришлар жараёнини фаол қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг муҳим дастурларини амалга оширишда кенг молиявий – иқтисодий ва техник кўмак кўрсатиб келади. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорларидан ва йирик сармоядорларидан ҳисобланади. Жанубий Корея компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига қўйган сармояларининг йиғиндиси 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Шу сармоялар туфайли Ўзбекистонда автомобилсозлик, телекоммуникация, тўқимачилик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бардавом ривожланмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг йирик кредитори ҳамдир. Иккала томон ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини кўпайтириш фаолиятини ижобий баҳолаб, уни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш юзасидан келгусидаги ҳамкорликда чоралар қабул қилиш тарафдори бўлмоқда.

Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг 2005 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи ва давлатимиз раҳбарининг 2006 йил март ойида Сеулга ташрифи асносида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиб, ҳамкорликни янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон раҳбари икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ўзбек ва корейс халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари учун шундай

шарафга созовор бўлди. Бу сафар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлагани, алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар очиб бергани, уларни янги мазмун билан бойитганлиги боис аҳамиятли. Савдотик, саноат, нақлиёт, сиёсий машваратлар бўйича мавжуд ҳужжатлар президентларнинг муносабатларини янада чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёноти билан бойиди. Турли вазирликлар ва идоралар, фирма ва компаниялар ўртасида, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникациялар, таълим, туризм ва банк-молия соҳасида ҳамкорлик хусусидаги ҳужжатлар имзоланди.

Бугун биз **“УзДЭУ” қўшма корхонаси**ни замонавий маҳсулотларни янгилаш бўйича тўқимачилик саноати ва ипакчи қайта ишлаш соҳасида қатор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартномалар амалга ошаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Давлат раҳбарларининг яқдиллиги иккала мамлакатнинг ҳуқуқонлиги мустаҳкамлашга бўлган интилишларининг катталиги, халқларимизнинг маънавий муштараклиги муносабатларни ривожлантиришда ҳал қилувчи омил бўлди. Жанубий Корея Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бирига айланди. 2004 йилда ундан аввалги йилга нисбатан ўзаро товар айланмаси 41 фоизга ўсди. 904 Миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Корея Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётига қўйган сармоялари миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 127 қўшма корхона, Жанубий Корея фирма ва компанияларининг 28 ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Кўплаб йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. **“УзДЭУ”-Авто** қўшма корхонасининг маҳсулоти нафақат Ўзбекистонда, балки мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг аксарият мамлакатларида харидоргирдир.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан бошлаб у мамлакатимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, юртимиздаги кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бош вазир Жунъичиро Коидзумининг энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида Ўзбекистонга ташриф буюришида чуқур рамзий маъно бор. Бу Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга интилишидан, ўзаро муносабатларни кадрлашидан далолатдир.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон ва Япония, жуғрофий узоқликка қарамай, бир-бирига анча яқин давлатлардир. Япония Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Ўзбекистон учун Осиё-Тинч океани мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатлар муҳим ўрин тутди. Кунчиқар мамлакатнинг юқори технологиялари ва сармояси савдо-иқтисодий алоқаларни раванқ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Япония Бош вазирининг ташаббуси билан бу мамлакат ташқи сиёсатида **«Ипак йўли дипломатияси»**, **«Марказий Осиё - Япония»**

мулоқот механизми шаклланган. Бу мамлакат Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларини кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Япония Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, бу ерда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, бизнес, маданият ва илм-фан намояндаларининг алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билан қарайди. Шунингдек, Кунчиқар юрт Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш ташаббусини ҳам юксак баҳолайди. Афғонистондаги тикланиш ишларида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон қўмиталари тузилган. Улар ҳар йили қўшма мажлис ўтказиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилайди, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, истиқбол режаларини ишлаб чиқади. Япония-Ўзбекистон қўмитасига Ёсиро Мори, Таро Асо сингари таниқли сиёсатчилар, «Мицуи», «Марубени», «Тошиба», «Чори», «Тоёта», «Шимидзу» каби корпорацияларнинг, йирик банк ва молия муассасаларининг раҳбарлари аъзо бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозир мамлакатимизда ўндан зиёд Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), «Мицуи», «Мицубиси», «Сумимото», «Нише Иваи», «НЕК», «Тоёта Сусе» каби 22 йирик корпорациянинг ваколатхоналари очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Масалан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси учун Япония ҳукумати 150 миллион АҚШ доллариға тенг миқдорда имтиёзли кредит ажратган, Боғот ва Қўқонда тайёр экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуалари қурилишини молиялаштириш учун Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) билан жами 90 миллион долларлик кредит шартномалари имзоланган.

Умуман, ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейинги даврда Япониянинг Ўзбекистонга киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ доллариға яқиндир. Япония ҳукуматининг «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида 910 миллион, Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг тижорий кредитлари орқали ёқилғи-энергетика мажмуи ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 820 миллион доллар ажратилган.

Ижтимоий-маданий ҳамкорлик доирасида 2004 йилнинг мартада Япониянинг етакчи олий ўқув юртларидан бири саналган Сока университетида буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийға ҳайкал ўрнатилгани ва ҳар йили 9 феврал куни Навоий кечаси ўтказилиб, ҳайкал пойига гуллар қўйилишини, 2001 йили мамлакатимиз пойтахтида Япон боғи очилганини, 2003 йилда «Тинчлик қўнғироғи» мажмуи барпо этилганини, 2005 йили эса «Хиросима тинчлик тоши» ўрнатилганини, Ўзбекистондаги таълим ва шифо масканлари замонавий техника ва ускуналар билан таъминланиб келаётганини, Япония маданияти кунларини

ўтказиш яхши анъанага айланиб бораётгани ва бу анъананинг қамрови йил сайин кенгаяётганини, таълим соҳасидаги яқин алоқаларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кунчиқар мамлакат Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил қўллаб-қувватлаб келаётир. Хусусан, «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси учун грантлар ажратмоқда. Кўплаб мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида лингафон кабинетлари, компьютер марказлари ишга тушириляпти, таълим муассасалари замонавийлаштирилмоқда. Япониянинг нуфузли университетларига 138 ўзбекистонлик талаба ўқишга юборилган. Кунчиқар юртда малака оширган мутахассисларимиз сони эса мингга яқинлашди. Айниқса, Васеда, Нагоя университетлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Академик доиралар археологик тадқиқотлар ўтказишда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Далварзинтепани тадқиқ қилиш бўйича тузилган Ўзбекистон-Япония қўшма экспедицияси катта муваффақиятларга эришди. Бу ердаги қадимий Будда ибодатхонасидан чиққан I-III асрларга оид топилмалар Японияда ўтказилган махсус кўргазмада катта қизиқиш уйғотди.

Тошкентда Япония маданият маркази, «Ўзбекистон-Япония» дўстлик жамияти, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Юртдошларимиз уларда тил ўрганиб, компьютер ва бизнесга оид билимини такомиллаштирмоқда.

Япониянинг Ватаучи мактабида Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, тарихи, маданияти ва анъаналарига бағишланган тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Хусусан, Ўзбекистон бадий академияси билан ҳамкорликда ёш ўзбек ва япон рассомлари асарларининг кўргазмаси ташкил қилинди. Фукусима шаҳрида «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси фаолият юритмоқда.

Кунчиқар мамлакат уруш йиллари тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ва ўзбек заминида абадий қўним топган япон фуқароларига халқимиз кўрсатган меҳр-муруватни унутмайди. Улар хотирасига атаб Тошкентда, пойтахт вилоятининг Бекобод, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва қишлоқларида қурилган ёдгорликларни ҳар йили кўплаб японлар зиёрат қилади.

2006 йил Ўзбекистон-Япония муносабатлари тарихида катта аҳамият касб этди. 2005 йили икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари ҳар томонлама ривож топгани баробарида ана шу мақсадга хизмат қиладиган қатор расмий ташрифлар ва учрашувлар, халқаро кўргазма ва тақдимотлар, семинар ва форумлар ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари **Малайзия ва Индонезия** билан давлатлараро алоқалари ўрнатилди. Бу борада Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошлиқ давлат делегациясининг 1992

йил июнь ойидаги Малайзия ва Индонезияга сафари муҳим аҳамиятга эгадир. Сафар кунларида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида дипломатак алоқалар ўрнаташ бўйича қўшма ахборот, икки томонлама муносабатлар бўйича қўшма баёнот, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон билан **Сингапур** ўртасидаги муносабатлар тарихи 1992 йилнинг апрель ойига бориб тақалади. Ўшанда Сингапур Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Президентимизнинг 2007 йилнинг 24-26 январ кунлари Сингапурга давлат ташрифи мана шу воқеанинг ўн йиллигига тўғри келди.

Икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро миқёсдаги муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар бир-бирининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ишонч таъминлари асосида икки томонлама муносабатларни ривожлантириб боришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган қўшма баёнотда Ўзбекистон ва Сингапурнинг халқаро террорчилик, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик билан боғлиқ муаммоларга қарашлари ўхшашдир. Бу муаммоларга қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилиш минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлиги борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, БМТ, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги ташаббусини Сингапур томони қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Айни пайтда Жануби-Шарқий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этишда Сингапур муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди.

Икки мамлакат делегацияларининг Ўзбекистон Президентининг Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида саноатга, жумладан, нефть-кимё, фармацевтика ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига замонавий технологияларни жалб қилиш, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни учинчи давлатларга экспорт қилиш билан боғлиқ соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш икки томон учун ҳам фойда келтириши қайд этилди. Сингапур саммитида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга келишиб олинди. Президент Ислам Каримов ва Бош вазир Ли Сянь Лун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Малумки, 1992 йил 10 майда Ашгабадда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Эрон, Туркия, Покистон давлат ва ҳукумат

раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда ТрансОсиё темир йўлини вужудга келтириш мақсадида **Тажан-Серахс-Машҳад** темир йўли куриш ҳақида битимни, божхона хизматини ташкил этиш, шу соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ҳақида ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва АҚШ. Ўзбекистон раҳбариятининг 1995 йил АҚШ вице-президенти Алберт Гор билан учрашуви давомида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожига ҳамда МДХдаги хавфсизликка дахлдор масалалар ҳал этилди. Айни пайтда АҚШ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги етакчилик ролини тан олиб, республикамиз билан терроризм, нарқобизнесга қарши кураш, минтақавий хавфсизлик ва И.Каримовнинг АҚШга ташрифи чоғида муҳокама этилган бошқа масалалар соҳасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон раҳбарининг 1996 йил июн ойида АҚШга қилган ташрифидан сўнг Ўзбекистон ташқи сиёсатида АҚШ ўзига хос ўрин тутди. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалаларида фикр юритилди. Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида минтақа хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий алоқаларга оид масалаларни муҳим рол ўйнайди

Ўзбекистон-Марказий Осиё ва МДХ доирасидаги ҳамкорлик. 1991 йил 8 декабрда Беларусиянинг Беловежское Пушче қароргоҳида уч давлат Россия, Украина, Беларусия Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шартномада СССРнинг мавжудлиги ва СССР Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди. 1991 йил 21 декабрда Алматида Россия, Украина, Белорус, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия давлат бошлиқларининг кенгашида ушбу давлатларнинг МДХ га аъзо бўлганлиги тўғрисидаги баёнот қабул қилинди.

1992 йил 15 май куни Тошкентда МДХ мамлакатлари раҳбарларининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди. Тошкент Кенгашида бир қатор ҳужжатлар имзоланади. 1993 йил январда Минскда МДХ давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Унда МДХ нинг Низоми имзоланади ва МДХнинг ҳуқуқий расмийлаштириш жараёни якунланди. 1993 йил 24 сентябрда Москвада МДХ давлатлари бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида иқтисодий иттифоқ барпо этиш масаласи муҳокама этилди ва иқтисодий иттифоқфни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди. 1994 йил 21 октябрда Москвада МДХ давлат бошлиқларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Иқтисодий иттифоқнинг Давлатлараро иқтисодий қўмитаси (ДИК) тузилди.

Шуни қайд этиш зарурки 1991-2001 йилларда МДХ давлат бошлиқларининг 30 га яқин кенгаши бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

1993 йил МДХ давлатлари билан имзоланган "Иқтисодий иттифоқ" ҳақидаги шартнома ҳам бу давлатларнинг иқтисодий тараққиёти ва ўзаро ҳамкорликларининг янада мустақамланишига катта таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизнинг яқин қўшничилик алоқалари ва ҳамкорликлари Марказий Осиё мамлакатлари билан амалга оширилиб бунда **Қозоғистон Республикаси** муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлиқ, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тўқсондан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг эллиқдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилда 425,9 миллион, 2005 йилда эса 516,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотик миқдори илк бор ярим миллиарддан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотик, озиқ-овқат, доридармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефт-газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши мумкин. Масалан, Қозоғистон жанубий вилоятлари учун йилига Ўзбекистондан 1,5 миллиард куб метр газ олади. Сув-энергетика соҳаси ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси ҳам икки томон учун фойдали. Музокарада Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам барқарор эҳтиёж бўладиган товарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва бевосита савдо-сотикни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва **Туркманистон** ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада (1996 йил), Дўстлик, ишончни мустақамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада (2004 йил) икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркменистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очикдир.

Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефт ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши табиий. Хусусан, 2008 йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркменистон, Россия ва Қозоғистон ўртасида Каспий бўйлаб янги газ қузури барпо этиш ва Марказий Осиёдан Россияга нефт-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасида эришилган келишув муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зеро, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қузури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириш имконини беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоиавий ҳамкорликни назарда тутди. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизида қувур ўтган жойларда инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркменистон-Хитой газ қузурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлади. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистон газининг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов 2007 йил 18 октябр куни Туркменистонга давлат ташрифи, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг 2008 йил март ойидаги Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама ҳамкорлик ривожига таъсир кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик ривожига Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома, Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, 2010 йилгача мўлжалланган ҳукуматлараро маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган хўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол каби ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, ўзаро ҳамкорликнинг гуманитар соҳадаги маданият, таълим, сайёҳлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустақкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган объектларда хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасида ҳам ўзаро келишувларга эришган.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё республикалари билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлигида **"Ягона иқтисодий ҳудуд"** тўғрисидаги шартнома муҳим рол ўнайди. Бу шартномага кейинчалик Қирғизистон ва Тожикистоннинг ҳам кириши Марказий Осиё минтақасида иқтисодий интеграция жараёнининг чуқурлашувига катта имконият яратди.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун Ўзбекистон давлати раҳбарияти қатъият билан ҳаракат қилиб келмоқдалар. Масалан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январ Тошкентдаги тарихий учрашуви ушбу давлатлар ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Учрашувда минтақа тақдирига тааллуқли масалалар биринчи марта муҳокамага қўйилди. Орол денгизини сақлаб қолиш бўйича халқаро жамғарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундай учрашувлар бир йилда икки марта (1993 йил, март, Қизил-Ўрда, 1994 йил, январ. Нукус; 1994 йил, апрел. Чўлпон-ота, 1995 йил, март. Ташхөвүз; 1996 йил, январь. Кўкчатов; 1997 йил, январь, Бишкек; 1997 йил декабрь, Оқмола; 1998 йил март Тошкент) кенгашларида минтақадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий масалалар тўғрисида шартномалар, битимлар имзоланди.

Биргина Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорлик мисолида оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2008 йил 22 - 24 апрел кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлиши мамлакатлар янги тарихида ўзига хос даврни бошлаб берди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда 1997 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги битимга амал қилинар эди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда 39,1 фоизлик ўсиш қайд этилган бўлса, 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63,3 фоиз юксалиб, 1 миллиард 193,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2007 йилда мамлакатларимиз илк бор 1 миллиардлик довондан ошди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бунда Ўзбекистоннинг ижобий салдоси 129,5 миллион АҚШ долларида иборат бўлган.

2008 йил 22 -24 апрел кунлари бўлиб ўтган учрашувлар пайтида мамлакатлар ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникатсиялар, божхона ва инноватсия борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган.

Ислон Каримовнинг 2007 йил октябр ойида Ашхободда бўлиб ўтган учрашувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги янги муносабатларни қарор топтириш, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш учун пойдевор бўлди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва дастур ушбу соҳадаги истиқболли вазифаларнинг ижро этилишини таъминлашига шубҳа йўқ.

Шу билан бирга Марказий Осиё минтақасида Орол денгизи сувидан оқилоана фойдаланиш, минтақада экологик вазиятни асрашга қаратилган позициямиз сўнги 20 йил мобайнида жаҳон жамоатчилигининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. 2009 йил 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашувида у яна бир бор ўз аксини топди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва ушбу масала юзасидан ўзининг қатъий фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Минтақа давлатларнинг тарихий тақдирлари ва геосиёсий ҳолатларининг муштараклиги, уларнинг иқтисодий, савдо-сотик, сиёсий ва маънавий ҳамкорлигини кенгайтириш, инқирозли ҳолатлардан тезроқ чиқиб олиш, МДХ муаммолари бўйича ўз вазиятларини белгилаш йўлларини ахтаришга интилаётганлигини англаш лозим. Бу айниқса, Тожикистондаги фуқаролар урушини тезроқ тинч, келишув йўли билан бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари БМТ ҳамда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олий даражадаги анжуманларида сўзлаган нутқларида ўз аксини топди.

Кейинчалик ушбу ташкилот ЕврАзЭС номи билан юритила бошланди ва **“Марказий Осиё ҳамкорлиги”** ташкилоти айна бир ҳил мақсад ҳамда вазифаларни ўз олдиларига қўйганини кўзда тутиб, бу ташкилот фаолияти осонлаштирилди, харажатлар камайтирилди. ЕврАзЭС – иқтисодий ҳамкорликнинг янги шароитларида янги шакл ва янги йўналишларни топишнинг ижобий мисолларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда. Масалан: 2006 йил давомидаёқ бож тарифларини унификациялаш, учинчи мамлакатлардан киритилаётган маҳсулотларга бож олиш масалалари ҳозирнинг ўзидаёқ 60 фоизга бажарилганлиги бунинг далилидир.

Марказий Осиё республикаларининг диққат марказида турган халқаро терроризмга қарши жипслашиш масаласи минтақадаги республикалар

раҳбарларининг 2000 йил 20-23 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда яна юзага чиқди.

Халқаро терроризмга қарши кураш Халқаро маркази тузиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Тўрт давлат раҳбарлари минтақада халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм ва бошқа таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат олиб бориш ҳақида хужжатни имзоладилар. Шунингдек, учрашувда икки давлат Қозоғистон ва Ўзбекистон республикаси президентлари чегаралар масаласида иккала давлат орасида эркин ҳаракатланиш тўғрисида, йўловчи ва юк ташиш транспортларини кенгайтириш тўғрисида келишиб олинди.

Ушбу мамлакатларни бирлаштириб турган муҳим муаммолар қаторида Орол денгизи масаласи катта ўрин тутди. Шу боис бу масалани тўла қонли ҳал этиш минтақадаги давлатларнинг глобал муаммолари қаторига киради. Президентимиз сўзи билан айтганда "Орол бўйининг барча неъматларини "ягона совет халқи" билан баҳам кўрилган" бўлса, "унинг аччиқ меваси Орол бўйи фожиасидан қутулиш Марказий Осиё халқларининг иши бўлиб қолди."

Афғонистондаги вазият юзасидан Ўзбекистон томонидан 2008 йилнинг апрел ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО самитидаги маърузасида илгари сурилган таклифлари моҳиятан ўта долзарб эди. Унда фақат Афғонистон эмас балки бутун мусулмон оламида оғир вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик муҳимлиги уқдирилади. Шу ўринда мамлакатимиз президентининг 2001 йилгача фаолият кўрсатган **“6+2” мулоқот гуруҳини НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, “6+2”ни “6+3” гуруҳига айлантириш зарурлиги** ҳақидаги ташаббуслари кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинади. Жумладан шу муносабат билан Ўзбекистон ташаббуси билан 1998 йилда ташкил топган 6+2 гуруҳининг Афғонистон масаласини ҳал қилишда ва Тошкент Декларациясининг аҳамияти муҳим эди.

Марказий Осиё давлатлари ҳудудида диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хавфи янада хатарли эканлиги кўп бора қайд этилади. Унинг илдизлари 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990-1996 йилларда Тожикистондаги фуқаролар уруши ва можаролар давомида, 1999 йил 19 февралда Тошкент шаҳрида, 1999-2001 йиллари Қирғизистоннинг Боткент, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятида, 2004 йил март-апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида, 2010 йил Қирғизистоннинг Ош, Жалолобод вилоятларида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари, миллатлараро низолар тимсолида ўзини кўрсатди. Аммо, мамлакат Президентининг олиб борган оқилона ички ва ташқи сиёсати туфайли миллатлараро низоларнинг олди олинди, қардош ўзбек ва қирғиз халқлари орасига раҳна солишга интилан айрим қора ниятли кучларнинг интилишлари асоссиз эканлиги намоён бўлди.

Ўзбекистон билан **Украина** ўртасидаги муносабат ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожланиб келган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон-Украина ҳамкорлигининг кўлами кўплаб йўналишларда янада

кенгайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлари 1992 йил 25 август куни ўрнатилган. 1993 йилда Тошкентда Украина дипломатия ваколатхонаси очилган бўлса, Ўзбекистоннинг Киевдаги элчихонаси 1995 йилда фаолият кўрсата бошлаган.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муваффақиятли тарзда ривожланмоқда. Охириги бир неча йил давомида икки мамлакат ўртасидаги товар айланмасининг ҳажми изчил ўсиб борапти. Жумладан, 2004 йилда мазкур кўрсаткич 280,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2005 йилда у 330,8 миллион долларга, 2006 йилда эса 615,3 миллион долларга тенг бўлди.

Юртимиздан Украинага энергетика маҳсулотлари, пахта толаси, транспорт воситалари, рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, хўл мева, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пластмасса буюмлар ва хизматлар экспорт қилинади. Ўз навбатида, Украина мамлакатимизга механика ва электр асбоб-ускуналари, қора металллар, фармасевтика маҳсулотлари, транспорт воситалари, қоғоз, картон, каучук, резина ва бошқа буюмларни етказиб беради.

2007 йилнинг 19-20 феврал кунлари Киевда Ўзбекистон-Украина Ҳукуматлараро комиссиясининг еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Айни пайтда мамлакатимизда 38 та Ўзбекистон-Украина қўшма корхонаси рўйхатдан ўтган. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Украинанинг 11 фирма ва компанияси аккредитация қилинган. Ўз навбатида Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида ташкил этилган 26 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мазкур мамлакат бозорига юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларини етказиб бериш билан шуғулланадиган «Укр-УзАвто» қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Бугунги кунда Тошкент билан Киев ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини барча йўналишлар бўйича ривожлантириш учун қулай-шарт шароит яратувчи шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик давомида томонлар 147 та ҳужжат имзолаган бўлиб, уларнинг 87 таси давлат ва ҳукуматлараро миқёсда, 32 таси эса идоралар даражасидадир. Қолган 28 та ҳужжат икки мамлакат ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ўртасидаги келишувлардан иборат. 1998 йил 19 феврал куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда 1999 йил 7 октябр кунги Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги 1999-2008 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи асосий ҳужжатлардир.

Мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ҳам фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, икки давлат вакилларининг Ўзбекистон ва Украинада ўтказилаётган турли халқаро танлов ва мусобақаларда

иштирок этишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

2002 йилда Тошкентда украин халқининг буюк шоири **Тарас Шевченко**нинг ҳайкали очилди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан Украинанинг мутасадди ташкилотлари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган. 1998 йилдан буён Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-тадқиқот институти Украинанинг бир қатор тиббиёт муассасалари билан шериклик қилиб келади. Ҳар йили юз нафарга яқин ўзбекистонлик педиатр ва акушер-гинекологлар Киев, Харьков, Запороже шаҳарларидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида малака ошириб қайтмоқда.

2002 йилда Киевда «Дўстлик» Ўзбекистон маданий-иқтисодий жамияти очилди. Бундан ташқари, Украина пойтахтида «Ўзбекистон» маданият жамияти фаолият юритиб келмоқда.

Тошкент ҳамда Киев шаҳарлари, Тошкент вилояти билан Харьков вилояти, Сумск вилояти билан Қашқадарё вилояти, Қрим Автоном Республикаси билан Фарғона вилояти ўртасида биродарлик алоқалари мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 мингга яқин украин миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 40 минги Тошкент шаҳрида. Пойтахтимизда украинларнинг республика миқёсидаги «Славутич» ва шаҳар миқёсидаги «Баткивщина» маданият марказлари фаолият юритмоқда. Бу каби марказлар, шунингдек, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида ҳам ташкил этилган.

Масалан, ўтган даврлар мобайнида Ўзбекистон билан Украина ўртасида сиёсий, иқтисодий, техникавий, маданий алоқалар йўлга қўйилди. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиқ ўзбек-украина қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. **Ўзбекистон - Беларус** Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар асосида 1991 йилдан бошлаб иш юритмоқда. Икки давлат ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқаси бўйича ҳамкорлигини чуқурлаштиришда янги босқич бўлди.

Ўзбекистоннинг Грузия, Молдова давлатлари билан икки томонлама давлат алоқалари йўлга қўйилган. Республикамиз билан Грузия ўртасидаги қадимий алоқаларни тиклаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Икки мустақил давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, фан-техника, банк, қишлоқ хўжалиги, божхона, халқаро транспорт алоқалари, эркин савдо ва ишлаб чиқариш, маориф, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, атроф-муҳит муҳофазаси, почта алоқаси, солиқ, божхона тизими, жиноятчиликка қарши кураш каби 30 дан ортиқ ҳукуматлараро ва муассасалараро битим ва ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистоннинг Болтиқ бўйи давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Бунга Ўзбекистон билан **Литва, Латвия ва Эстония**

Республикалари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма Декларациясининг имзоланиши бу давлатлар билан бундан кейинги алоқаларни ривожланишини янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон бу давлатларга рангли металллар, ипак пахта, нефть ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилади. Республикамиз Литва, Латвия ва Эстониядан электр машиналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, шакар, эфир мойи, қора метал, сут маҳсулотлари, мебел саноати маҳсулотларини сотиб олади. Ўзаро ҳамкорликка асосан Тошкентда бу давлатларнинг қўшма корхоналари иш юритмоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг 2001 йил 3-5 май кунлари, 2004 йил апрел ойида Россияга ташрифи ва Россия Президенти В. Путиннинг 2004 йил июн ойида Ўзбекистонга ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги тоғонага кўтарди. 2001 йили МДХ ташкил топганлигининг 10 йиллигига бағишланган йиғилишда савдо, иқтисодий, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида Россия билан шартномалар имзоланади. Бугунги кунда МДХ давлатлари, хусусан Украина, Белоруссия, Молдова, Болтиқ бўйи республикалари ҳам Ўзбекистон билан тенг шерикчилик асосида ўзаро ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбекистоннинг Россия ва Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. **Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги 1992 йил ўрнатилган дипломатик алоқалардан сўнг сиёсий, иқтисодий соҳаларда 150 дан ортиқ шартномалар имзоланган.** Россия Федерацияси бош вазири В.Черномирдин, кейинроқ Э.Примаков 1998 йил Россия Федерацияси президенти Б.Елсин, 1999-йил декабр ва 2000 йил май ойида Президент В.В.Путиннинг Ўзбекистонга қилган ташрифлари Россия ва Ўзбекистоннинг ўзаро иқтисодий ҳамкорликларини йўлга қўйишда янги даврни бошлаб берди. 2003-2004 йилларда Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар яна ҳам мустаҳкамланди. Жумладан, Россия давлати хавфсизлик кенгашининг раиси, Мудофаа, Ташқи ишлар, Транспорт вазирлари ўзбекистонлик давлат раҳбарлари билан муҳим масалалар бўйича битимлар тузди. 16 июн куни стратегик ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди.

Владимир Путиннинг Россия Президенти этиб сайланиши Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. В. Путин қисқа муддатда Ўзбекистонда икки марта – 1999 йил 10-11 декабрда ва 2000 йил 18-19 май кунларида давлат ташрифи билан келди. Ташриф давомида икки мамлакат Президентлари ва расмий делегациялари ўртасида савдо иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш харбий ва харбий техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғанистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айирбошлаш хажми 2000 йилда бир миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда 520 та Ўзбекистон- Россия қўшма корхонаси, Шунингдек, Россия Ферерацияси

фирма ва компаниялари рўйхатга олинган. Россияда эса Ўзбекистон сармояси иштирокида тушилган 250 га яқин қўшма корхона мавжуд. Ўзбекистон Россиядан машиналар ва жихозлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора метал ва бошқа товарлар сотиб олиб, Россияга турли машина ва жихозлар, пахта толаси, озиқ-овқат молларини экспорт қилади.

2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Россия президентларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалаларига, кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2007 йилнинг январ-август ойларида эса ушбу кўрсаткич 2 миллиард 605,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ҳамда кимё ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йилдаги кўрсаткичдан 3 баравар кўпдир.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз элликдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хонобод шаҳридаги “Андижонкабел” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бугунги кунда самарали натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У турли хилдаги замонавий кабелларни тайёрлаш борасида етакчи корхоналардан ҳисобланади.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда “Газпром” ва “Лукойл” компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистрал қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Авиасозлик соҳасида эса ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш икки мамлакат манфаатларига мос фаолиятдир.

Мамлакатларимиз иқтисодийнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, нефт-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам амал қилади. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, тажриба алмашиш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатларaro дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда **Г.Плеханов** номидаги Россия иқтисодий академияси филиали фаолият кўрсатаётгани, **М. В. Ломоносов** номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларни қабул қилгани бунга ёрқин мисолдир. Пойтахтимизда **И.Губкин** номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг филиали очилгани мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганидан яна бир далолат бўлди.

Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Жамғарманинг ташаббуси билан ўтган йили Москвада Ўзбекистон санъати кечаси, “Иқтисодий мулоқот” Ўзбекистон-Россия ҳамжамиятининг илк ташкилий мажлиси ўтказилди. Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги Антропология ва этнография музейида “Шарқ ҳақида орзу: рус авангарди ва Бухоро ипаги” мавзуида кўргазма ташкил қилинди. Россиялик созанда ва хонандалар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида, рассомлар эса Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесида мунтазам иштирок этадилар.

Москва шаҳри марказида улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаб тургани, у ерда тез-тез ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилиб туриши, айтиб чоғда россиялик санъаткорлар юртимизда ижодий сафарларда бўлиб туриши каби кўплаб мисоллар мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамлигидан далолатдир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади. Икки давлатнинг дўстлиги ва ақсарият масалаларда ҳамфикрлигининг самараси бўлган иттифоқчилик муносабатлари келгусида янада мустаҳкамланишига, икки томон учун ҳам фойдали натижалар беришига шубҳа йўқ. Зотан, мамлакатларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб, ривожланиб боришида ШХТ доирасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши қатъиятлик билан ривожлангирмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари 2005 йил ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Россия Федерацияси ҳукумати раисининг мамлакатимизга расмий ташрифи Ўзбекистон билан Россия ўртасида жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамда сиёсий мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.

Бугун авиация ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар соҳасида ўзаро фойдали алоқалар изчил ривожланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбекистон бой энергия ресурслари захирасига, жумладан, Евроосиё минтақасида углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва транспортировка қилиш соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлар доирасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва энергия хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда Россия компанияларининг Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуидаги инвестицияси миқдори қарийб 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Фан ва техника, таълим соҳасида ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо айланмаси жадал ўсиб бормоқда ва 2006 йилда бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан ошди. Россия Ўзбекистонга асосан машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Бугун мамлакатимиз Россия Федерациясига мева сабзавот, полиз маҳсулотлари, кимё, транспорт воситалари ва бошқа юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилмоқда. Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган кўшма корхоналар сони тўрт юз елликдан ошади. 2017 йилгача Россияда Ўзбекистон сармояси билан тузилган 284 кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари – савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Ўзбекистон бугунги кунда катта илмий-тадқиқот салоҳиятига эга. Жумладан, республикада МДХ ҳудудида энг йирик астрономия обсерваториялари, Ўзбекистон иқтисодиёти ва жаҳон фундаментал илм-фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини берадиган ноёб аэрокосмик ускуналар самарали ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири **Европа Иттифоқи давлатлари** билан бўлиб, 1996 йилда кенг миқёсдаги ҳамкорликни кўзда тутувчи Шериклик ва Ҳамкорлик битимини тузган. Бундан ташқари Европа Иттифоқи ва мамлакатимиз

ўртасида 20 га яқин бошқа турдаги шартномалар мавжуд. Икки томонлама муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий соҳаларда ривожланиб бормоқда.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон орасидаги алоқалар давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ куртак ёза бошлаган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши Европа Иттифоқи ташкилоти олдига ёш давлатни тан олиш ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш масаласини кўйди. 1992 йил 15 январда Лиссабон ва Брюсселда қабул қилинган «ўн иккилар» нинг кўшма Декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эътироф этди¹. Тез орада дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1994 йил ноябр ойида Европа Иттифоқининг минтақамиздаги биринчи ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1993 йил 8 июнь ва 1999 йил 15 сентябрда «Тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим», 1996 йил 14 ноябрда нарқобизнесга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим ва бошқа бир қатор шартномалар имзоланди.

1996 йил 22 июнда икки томонлама муносабатлар ривожиди алоҳида воқеа қайд этилди. Италиянинг қадимий ва гўзал шаҳри бўлмиш Флоренцияда бўлиб ўтаётган Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо давлатларнинг навбатдаги Кенгашида Европа Ҳамжамияти ва уларга аъзо давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида битим имзоланди. ЕИ томонидан Европа Кенгашининг ижрочи раиси, Италия Ташқи ишлар вазири Ламберто Дини ва 15 аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари имзоладилар.

Битим икки томонлама муносабатларнинг жуда кенг кўламини қамраб олган. Унда томонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий, молия, илмфан, технология ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам асос яратиш ўз аксини топган. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш шarti билан 10 йил қилиб белгиланди. У 1999 йил 1 июлдан амалга кирди.

«Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим»да назарда тутилган ҳамкорликнинг устувор йўналишлари хусусида қисқача тўхталсак. Савдо муносабатларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ривожлантириш мақсадида ҳар икки томон ўзаро божхона солиқларидан озод бўлишга келишдилар. «Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг 10-моддаси божхона тўлови ва солиқларини бутунлай тугатишни назарда тутмасида, маълум муддатга киритилаётган товарлар устидан импорт солиғи ва чекловларни бекор қилади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиб, Европа Иттифоқи томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар, ўз навбатида, Европа Иттифоқида ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳар қандай миқдорий чекловлар ва тенг таъсирли чоралардан ҳолидир. Шу билан бирга, антидемпнинг чораларини зарурият тақозо қилганда ҳар икки томон 13-моддага асосан қўллай олиши мумкинлиги ҳам эътироф этилади.

Иқтисодий ҳамкорликнинг асосий соҳаларини белгиланди. Унга кўра «ҳамкорлик ижтимоийиқтисодий тараққиёт, инсон ресурсларини қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, туризм, телекоммуникация, атрофмуҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида кучайтирилади».

Атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик эса битимнинг 43, 44 ва 54-моддаларида ўз аксини топган. Сиёсий жабҳадаги ҳамкорлик битимнинг 68-моддасида ифода этилган. Демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳар томонлама ва изчиллик билан ислоҳотлар олиб бориш, жамоат ташкилотлари, нодавлат уюшмаларнинг мавқеини ошириш каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши кураш Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон учун ҳам ҳамиша долзарб муаммолардан бири саналган. Маълумки Европа Иттифоқи унга қарши кураш мақсадида 1991 йил 5.5 млн. экю ажратган бўлса, 1997 йил бу маблағ 54 млнга етди. 2000 йил 14 февралда бўлиб ўтган Европа кенгаши эса 2000-2004 йилларга мўлжалланган 4 йиллик дастурни қабул қилди. Маастрихт Шартномасининг 29-моддасида Европа Иттифоқига наркобизнесга қарши курашда бир қатор ваколатлар берилганлиги ҳам маълум Шу боис «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг 71-моддасида бу соҳадаги ҳамкорликка алоҳида урғу берилади.

ЕИ ва Ўзбекистон муносабатлари қабул қилинган битим асосида ўзининг ихтисослашган тузилмаларига ҳам эга. Битимнинг 78-79 моддаларига мувофиқ, «Ҳамкорлик Кенгаши» ташкил этилган бўлиб, вазирликлар даражасидаги бу кенгаш йилда бир марта йиғилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этади. Унинг биринчи мажлиси 1999 йил 13 сентябрда бўлиб ўтди. Шунингдек, 80-модда асосида фаолият кўрсатадиган ҳамкорлик қўмиталари кундалик вазифалар билан шуғулланади². Бундан ташқари, Европа Парламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида Ҳамкорликни таъминловчи парламентлараро қўмита ҳам ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ўз навбатида бу ташкилот ҳам Ўзбекистон экспорти учун ҳамиша муҳим бозор ҳисобланади. Чунончи, Европа андозасидаги юксак сифатли sanoat маҳсулотларига мамлакатимиздаги талабни ҳисобга оладиган бўлсак, ўзаро манфаатдорлик мезони савдо алоқаларининг ривожланиши учун етарли асос бўла олишини тушиниш қийин эмас.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар:

Тараққиётнинг “ўзбек модели”, бозор иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қилиш, маънавий ҳаёт, дин, маданият, таълим ва фан, миллат, миллий, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти, ҳамкорлик.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг “ўзбек модели”.
2. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш ва унинг ўзига хослиги
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: моҳияти ва мазмуни.
4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти.
5. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.
6. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислохотлар.
7. Мустақиллик йилларида маънавийат, маданият, таълим ва фан.
8. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти .

Назорат саволлари:

1. Сиз тараққиётнинг “ўзбек модели” деганда нимани тушунасиз ?.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш ва унинг ўзига хослиги хусусида маълумот беринг.
3. Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қандай ишлар қилинди ва соҳада қандай муаммолар юзага келди ?
4. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига баҳо беринг.
5. Айтингчи, мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қандай ютуқлар қўлга киритилди ва қандай камчиликларга йўл қўйилди ?.
6. Мустақиллик йилларида маънавий ҳаёт, маданият, таълим ва фан соҳаларидаги ўзгаришлар хусусида гапиринг.
7. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши борасида қандай ютуқларни қўлга киритди ? .

Адабиётлар рўйхати:

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2018.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2017 йил 23 декабр.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т.. 2018 йил 29 декабр.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. “Халқ сўзи”. Т., 2007 йил 19 май..
12. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. “Ўзбекистон”. НМИУ. Т., 2012.
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб, Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.
14. Обломуродов Н. Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). Т., 2011. 286-287 – бетлар.
15. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ., Ғаниев Д). Т.: «Ўзбекистон», 1994 й.

14 мавзу: Янгиланаётган Ўзбекистон: ислохотларнинг янги босқичи ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегияси

Режа:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши ва мамлакат стратегик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши.
2. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги янгича ислохотлар ва тараққиёт омиллари.
3. Илм-фан, таълим, маданият соҳасидаги изчил ислохотлар.
4. Фаол ташқи сиёсат: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви ва ривожланиш стратегияси.

1. Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши ва мамлакат стратегик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши. 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловларида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг янги Президенти этиб сайланди. Ушбу сиёсий воқеа давлатимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон ва унинг халқи демократик, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мутлақо янги даврига қадам қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлик фаолиятини халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларига эътибор беришдан бошлади. Айниқса узоқ йиллар мобайнида етилиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилиш, хусусан коррупция, раҳбарлар фаолиятига танқидий таҳлил асосида ёндашиш, ҳар бир раҳбарнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, халқнинг дарду-ташвишлари билан яшаш, оддий инсонлар муурожаатлари билан ишлаш тизимини шакллантириш, инсон омилига эътибор масалалари шулар жумласидандир. Айниқса жойларда халқ билан ишлашнинг энг таъсирчан механизми, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ қабулхоналари”, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхоналари” ташкил этилди. 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилинди. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя кундалик иш мезонимизга айланди¹⁶.

2017 йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони имзоланди. Фармонда белгиланган стратегия лойиҳаси ва унда кўзда тутилган муҳим стратегик масалалар республикамиз экспертлари ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди.

Стратегия лойиҳаси ўта долзарб, яъни аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш масалаларини комплекс ўрганиш, давлат бошқарув

¹⁶ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т., 2017 й.

тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатда қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилган эди. Ҳаракатлар стратегиясини келажакда бешта устувор йўналиш бўйича амалга ошириш кўзда тутилди. Улар қуйидагилар:

Биринчи устувор йўналишда давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш, хусусан демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

Иккинчи устувор йўналишда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;

Учинчи устувор йўналишда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;

Тўртинчи устувор йўналишда мамлакатда ижтимоий соҳани ривожлантириш;

Бешинчи устувор йўналишда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим вазифалар белгиланди.

Маълумки сўнги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Инсон ва унинг манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг **биринчи устувор йўналиши** бу, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Яъни давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга эътибор қаратди.

Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган дастур бу **иккинчи йўналиш** ҳисобланади. Яъни суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини

ошириш белгилаб берилди. Унинг муҳимлиги шунингдек суд тизимини ислоҳ қилиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Учинчи устувор йўналиш, стратегик дастурнинг яна муҳим устувор жабҳаси бу, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтиришни кўзлайди. Стратегияда хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари ҳам кенг ўрин олган.

Тўртинчи муҳим устувор йўналиш этиб белгиланган кейинги масалалар ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганлиги аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш инсон манфаатларига йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этди. Уна барча ижтимоий соҳаларни модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ҳам белгиланди.

Бешинчи устувор йўналиш бу, давлатимиз хавфсизлик тизими, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш бешинчи устувор йўналишда белгилаб берилди.

2017 йилдан эътиборан барча соҳаларда давлатимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. **Барча соҳаларда кенг кўламли қайта қуриш ва ислохотларнинг янги даври бошланди.** Ўзбекистон тубдан янгилана бошлади. Барча раҳбарлар фаолияти қайтадан кўриб чиқилди, танқидий таҳлил қилинди, уларга халқ олдида шахсий жавобгарлик юкланди. Асосий эътибор анча йиллар мобайнида етилиб қолган масалаларни ҳал қилиш, халқ манфаатлари ва муаммоларини ҳал қилишга қаратилди.

2. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги янгича ислохотлар ва тараққиёт омиллари. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ислохотлар ва тараққиётнинг

янги босқичига кирди. Чунки, бу давр ютуқларни сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда мамлакат тараққиётининг стратегик омиллари белгилаб берган давр сифатида тарихга кирди. Агар рақамларга мурожаат қилинса, **2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилиниши натижасида, шу йилнинг июль-декабр ойлари давомида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган халқ билан фаол мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида республикамиз шаҳар ва қишлоқларига **“Сайёр қабуллар”** уюштирилган.

Очиқ мулоқотларда 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлардан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва таклифлар ўрганилган. Эътиборли томони шундаки, мурожаатларнинг энг кўпи, яъни 8 мингдан зиёди, ёки 25 % асосан тадбиркорларнинг банк кредитлари билан боғлиқ муаммолардир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар 7 мингдан ортиқ-22%, бандлик ва иш ҳақи тўловлари 3 минг 973 та-12 %, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар 3 минг 350 та-10%, одамларга участка ва уй жой ажратиш 2 минг 473 та-8 % ни ташкил этган.

Инсон омилига эътибор, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида биргина Инсон омилига эътибор, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида 2017 йилда юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган **1100 дан** ортиқ шахсга **Ўзбекистон фуқаролиги берилди**, мамлакатимиз тарихида илк бор **2700** га яқин фуқаролар Президентимиз Фармонида мувофиқ авф этилди.

2017 йилнинг 22 декабрида Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентга қилган Мурожаатномада, биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланди.

Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланиши зарур. Шу маънода 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда, деган эди Президентимиз. Юртимизда сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон тарихидаги муҳим янгиликлардан бири, бу ижтимоий соҳани ривожлантириш, хусусан иш ҳақ, пенсия ва нафақалар олиш тизимини ислоҳ қилингани бўлди. Бу борда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизминини такомиллаштиришга доир қўшимча

чора- тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2753 сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра 2017 йилнинг феврал ойидан бошлаб:

-барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда бериладиган бўлди;

-58 та тоғли ва олис тумандаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақ тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилди;

-олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларни камида 50 фоизи нақд шаклда бериладиган бўлди.

Ўзбекистонда 2010-2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун ўлжалланган 12 та Саховат ва Мурувват интернат уйлари моддий-техника базалари, 14,6 минг ёлғиз кесалар, пенсионер, ногиронларнинг турар жой шароитлари яхшиланди, 5,4 минг одам реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланган, 6,4 минг ногирон ва пенсионер санаторияларда соғлиқларини тиклашди. Кўрсатилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг умумий ҳажми 132.2 млрд сўмни ташкил этган¹⁷. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатдики, сўнги йилларда ижтимоий соҳалар, хусусан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида талайгина муаммолар йиғилиб қолганлиги аён бўлмоқда.

Хусусан, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини, энг аввало, кишлоқ врачлик пунктларини ислоҳ қилиш самарадорлиги таъминланмади? Бугунги кунда уларда 2 минг 500 нафар врач етишмайди, бу масканларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси жуда паст. Диагностика даражаси пастлиги ва врачларнинг малакаси етарли эмаслиги натижасида йилига 30 мингдан зиёд юртдошимиз даволаниш учун хорижий мамлакатларга боришга ва оила бюджетидан катта маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда¹⁸.

2018 йилнинг **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб қувватлаш”** деб эълон қилиниши натижасида мамлакат фаровонлиги ва тараққиётининг асоси бўлган тадбиркорлик соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳозиргача тадбиркорларга тегишли мурожатларнинг 96 фоизи, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат.

Масалан, мамлакат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларига ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатида 4,6 трлн сўмни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич 2016 йилнинг худди шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп. Унинг 1 трлн сўмини микрокредитлар ташкил этади, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп бўлган.

¹⁷ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 173-бет.

¹⁸ Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т., 2017 й.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини трақкий этириш, фермерликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш масалалари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб берилганлиги ушбу соҳалар ривожига давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилаётганлигининг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатда **“Обод қишлоқ” дастури** тўғрисида”ги қарорига кўра узоқ йиллар оғир аҳволга тушиб қолган, ҳатто яшаш учун оддий шароитлар ҳам бўлмаган қишлоқларни тубдан янгилашга киришилди. Хусусан, 2018 йил февралдан бошлаб Жиззах вилояти, Дстлик туманидаги “Манас”, Сирдарё вилояти Ховос туманидаги, “Ховособод”, Самрақанд вилояти Каттақўрғон туманидаги “Жом” қишлоқ фуқаролар йиғинларида кенг кўламли янгитадан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туфайли аҳолига топширилди. Улар намунали қишлоқлар сифатида янгилангандан сўнг, ушбу тажриба республиканинг ҳар бир туманида ҳар йили 2 ва 3 тадан қишлоқлар “Обод қишлоқ дастури” асосида янгиланди. Ушбу тажриба асосида 2018 йил июн ойидан эътиборан “Обод маҳалла дастури” Тошкент шаҳри мисолида оммалаштирла бошланди.

“Обод қишлоқ дастури” доирасида 2018 йилда мамлакатимизнинг 174 та туманидаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини комплекс равишда янгилаш кўзда тутилган. Белгиланган ишларга 3 триллион 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳар бир туманда 2 тадан, 2019 йилдан эса 3 тадан маҳалла тубдан янгиланади.

2018 йил 1 апрелигача Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика **“Жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи”** вакиллари жойларда ижтимоий ҳолатни ўрганиш мақсадида Наманган вилояти Поп, Косонсой туманларида, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон ва Сариосиё туманларида, Фарғона шаҳри ва Қува туманида, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Жиззах шаҳарларида бўлишиб, аҳолини қийнаётган ва “Халқ қабулхона”ларига келиб тушаётган шикоятлар ечими юзасидан сайёр рейдлар уюштирилиб кўпгина муаммолар ўша ерларнинг ўзида ҳал этилган.

2017 йилда эса республикада 789,5 мингта иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлсада, бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг **“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”** номли рисолада ўз аксини топди. Унда қайд этилишича юртимизда йилига 1,5 миллион одамни ишга жойлаштиришга эҳтиёж бўлса-да, 2016 йили Бандликка кўмаклашиш марказлари атиги 248 минг кишини ёки 16,5 фоизини ишга жойлаштирган. Бунинг асосий сабаблари иш фаолиятидаги эскирган шакл ва

усуллар ҳамда бандлик муаммоларини ҳал этишдаги расмийлик билан боғлиқ бўлган дея уқдиради Президент.

Қайд этиб ўтилган ижтимоий ҳимояга оид масалалар орасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳам долзарб масалалар сифатида эътироф этилади. Шу боисдан Президент Шавкат Мирзиёев “... **фақат рақамлар ортидан қувиш оқибатида бу борадаги ишларни ҳам ҳали кўнгилдагидек, деб бўлмайди, дея қайд этади. Аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси кўпдан буён қийнаб келарди. Бу оғир ижтимоий муаммога биз деярли эътибор бермай келганимиз ҳам бор гап. Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришдик**”, дейди. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.

2017 йил 22 декабрда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек “биз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуришни бошладик. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир. Аҳоли, айниқса, ёш оилалар, эски уйларда яшаётган ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, биз арзон ва сифатли уй-жойлар қуриш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз, дея ўз фикрини баён этади Президент.

Шу мақсадда 2018 йилда намунавий ва арзон уй-жойлар қуриш кўламини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган¹⁹. Демак, бу борада жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари ўз навбатида ёш оилалар билан ишлаш тизимини кучайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий ҳокимликлар хузурида “Обод қишлоқ” мақсадли жамғармалари тузилиб, бюджет, тармоқ корхоналари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар грантлари, ташаббускор тадбиркорлар маблағлари, хашарлар ва хайрия тадбирлари айнан шунга йўналтирилади. “Обод маҳалла” дастури доирасида 2018 йил барча манбалар ҳисобидан 3 триллион 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ ишончли ва мунтазам равишда йўналтирилган. Ушбу лойиҳаларнинг меъморий ва техник жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида 190 га яқин тажрибали ва

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”. 2017 йил. 23 декабр.

малакали лойиҳа институтлар жалб этилиши белгиланиб, арзон, сифатли қурилиш материалалари, ишлаб чиқарувчилар учун электр энергияси ва газ етказиб беришда переференциялар назарда тутилди²⁰.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасида Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд қилганидек, “Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳимоя ўзаро узвий боғлиқ тушунчалар бўлиб, уларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда **“...энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тўхмат ва бўҳтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур”**²¹.

Президентимиз суд, миллий хавфсизлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига фақат ва фақат халқимизнинг ўзи баҳо беришини, улар учун ягона ва энг қаттиқ талаб – бу фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборатлиги айтилди. Энг асосийси, биз бир идора кўлида барча ваколат ва ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслигимиз зарурлиги уқдирилди.

Бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. 2018 йилда ушбу йўналишда кўпгина ишлар қилинди. Жумладан, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш мақсадида профилактика инспекторлари учун 6 ярим мингдан зиёд хизмат уйлари, 1 минг 100 та шахсий уй-жой, 7 мингта шахсий автомобиль берилди. Шу билан бирга, Миллий гвардия ходимлари учун ҳам 1 минг 800 та уй-жой қурилади. 2018 йилда 3 минг 205 та маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмаган, дея қайд қилади Президентимиз 2018 йил 28 декабрда қилган Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

Сўнгги уч йил ичида Маҳалла ва Фуқаролар йиғинлари тизимида ҳам улкан ислоҳотлар бошланди. Айниқса ушбу тузилмалар 2018 йилдан эътиборан ўз фаолиятининг янги даврига қадам қўйди, десак муболаға бўлмайди. Ваҳоланки, маҳалланинг фуқаролик жамияти қуриш шароитидаги ўрни, шубҳасиз унинг жамоатчилик тузилмалари билан фаол ҳамкорлигидир. **2018 йил 15 февралда Ҳукуматнинг “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига** кўра эндиликда маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳузуридаги “Яраштириш комиссияси” га Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон мумсулмонлари идораси, “Маърифат ва

²⁰ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т., 2017 й.

²¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т., 2018 йил

маънавият масалалари бўйича комиссия”сига Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги бириктирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси”га Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Молия вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, “Нуроний” жамғармаси, “Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси”га Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия”га Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси, “Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси” га Савдо саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда тижорат банклари, “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш бўйича комиссиясига” Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон экология ҳаракати, “Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси” Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси яқиндан қўмак беради.

Фуқаролар йиғинлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича маслаҳат кенгашига Савдо саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, “Хунарманд уюшмаси” ва тижорат банклари бириктирилган. “Ота-оналар университети» га Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Нуронийлар жамоатчилик кенгаши” га Республика “Нуроний” жамғармаси, “Қайноналар кенгаши” га Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасига ички ишлар вазирлиги амалий қўмак бериши белгиланган.

Бугунги демократик жамият куриш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ҳам катта бўлмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ёшларни китоб ўқишга қизиқиш уйғотиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимини кучайтириш, “Таълим олувчи”, “Давомат” каби тезкор тадбирлар, “Футболимиз келажаги”, “Ота онам ва мен-спортчилар оиласи” каби тадбирлар, “Ҳар бир оила тадбиркор” тамойилини кенг жорий этиш борасида ҳам талай муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳал этишда айниқса

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги **“Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”** ги фармойиши ва 2017 йил 13 сентябрдаги **“Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”** ги қарори халқимиз, айниқса ёшлар ўртасида китоб ўқишни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилди²².

Шу мақсадда дастлаб маҳаллаларда, сўнгра туман ва вилоятлар миқёсида **“Мен севиб ўқиган китоб”**, **“Энг яхши китобхон”** танловлари ўтказилди. Бунинг учун бюджетдан ташқари маблағлар ва хайрия маблағлари ҳисобидан 160 миллион сўм ажратиш кўзда тутилди. Аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида Республика **“Китоб байрами”** ўтказила бошланди.

2019 йил Ўзбекистонда **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”**, деб эълон қилинди. Бу борада Давлат Дастурига мувофиқ, мамлакатда бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари кенг ўрин олганлиги истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттириш вазифасини қўймоқда.

2017 йилда эса кўзланган режага мувофиқ sanoatни (5440 та лойиҳада 131 мингта иш ўрни билан), қишлоқ хўжалигини (8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни билан) ва хизмат кўрсатишни (11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни билан) ривожлантириш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолияти кучайтирилди. Келажакда мамлакатда қишлоқ хўжалик соҳаси билан боғлиқ 25 минга яқин инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига, 256, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этишга эришилиши кўзланган .

Ваҳоланки, мамлакатда **тўғридан тўғри инвестицияларни** жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш мақсадида 2018 йил 1 августда **“Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги Президент Фармони эълон қилинди. Фармонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвестицияларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга асосий урғу берилган.

²² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Т., 2017 январ, сентябр.

Унда шунингдек, қатор йиллар мобайнида соҳадаги долзарб муаммолар кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар орасида айниқса жойларда, инвесторларнинг кўллаб-қувватланмаслиги, бу борада тегишли вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги, солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимидаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган.

Агар рақамларга мурожаат қилсак, 2017 йилгача 90 дан зиёд мамлакатнинг хориж маблағлари иштирокидаги 4 мингдан зиёд корхоналари фаолият юритган эди. Ҳар йили жалб қилинаётган инвестицияларнинг 20 фоизини хориж инвестициялари ва кредитлари ташкил этган. Масалан, мамлакатимизнинг инвестицион лойиҳаларни амалга оширувчи асосий чет эл ҳамкорларига “Дженерал моторс”, “Боинг”, “Хоневелл”, “Эйрбас”, “МАН”, “Клаас”, “Кнауф”, “Лемкен”, “Нестле”, “Текнип”, “АББ”, “Максам”, “Исузу”, “Иточу”, “Митсибису”, “Хитачи”, “Марубени”, “Хьюндай”, “Самсунг”, “Элджи”, “Лотте кемикал”, “Хуавей”, “Си Ен Пи Си”, “СИТИК” ва бошқа кўплаб компаниялар киради.

2017 йилгача Ўзбекистон иқтисодиёти деярли олти мартага, аҳолининг реал даромадлари эса тўққиз мартага яқин ўсди. Аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот улуши 6,9 мартагача ортди, бу еса, Ўзбекистонга ўрта даражадаги даромадли давлатлар қаторига кириш имконини берди.

Ўшанда жаҳон банки рейтингига биноан иқтисодий даражасига кўра, Ўзбекистон 190 мамлакат орасида 63 ўринни эгаллади. Бутунжаҳон иқтисодий форум баҳосига кўра, 2014 ва 2015 якуни ва 2016-2017 йиллар ўсиш прогнозлари бўйича Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта давлатдан бири ҳисобланиши қайд қилинган. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари аҳоли ўртасида даромадларни нисбатан мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, 2002 йилгача республикага 12 млрд АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритилган. Ёки хорижлик фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ташкил қилинган қўшма корхоналарга жалб қилинган инвестициялар улуши 2000 йилдаги 6,9 % дан 2001 йилда 26,0 % га, яъни 3,7 баравар ошган. Республика бўйича 2007-2011 йилларда умумий инвестициялар ҳамжмида хорижий инвестициялар улуши 22-25% ни ташкил қилди.

Лекин ҳали ҳам хорижий инвестицияларни жалб этишни кўнгилагидек, деб бўлмайди. Агар мустақиллик йилларидаги статистик маълумотларга эътибор қаратилса, жумладан, 2002 йилгача республиканинг 31 туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган. Агар 2000 йилнинг бошида 143,5 минг корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2002 йилда юртимизда 240 мингта ўрта ва кичик корхоналар фаолият кўрсатган. Шулардан 85 мингтаси фермер хўжаликларидир. Хусусий сектор аҳолининг 30% ни иш билан таъминлади. Хусусий корхоналарни ЯИМдаги улуши 35% бўлган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли эса бу борада ошиб бормоқда. Жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектларига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилган. Ўзаро тузилган шартномалар асосида 2015 йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинган²³. Жамғарма кўмагида 2016 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилган.

Ушбу кўрсаткич Ўзбекистоннинг бугунги имкониятлари нуқтаи назаридан олиб қарганда албатта паст. Шу боисдан, Президент ўзининг **“Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”** номли китобида муҳим вазифалардан бири сифатида – «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзсаноатэкспорт» акциядорлик жамиятлари, шунингдек, Миллий банк ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси йўналиши бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорти билан боғлиқ камида 1 миллиард 500 миллион долларлик экспортни таъминлаши кераклигини уқдирган эди²⁴.

Айниқса 2019 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун куйидаги вазифалар белгилаб олинди. Биринчидан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш лозим. 2019 йил учун бандликка кўмаклашишнинг янги давлат дастурини тасдиқланди. Бу борада ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ижтимоий ёрдам усулларида кенг фойдаланиш керак. Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур. Унга кўра энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа тўловларнинг энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ бўлишига барҳам беришлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ушбу масалани ҳал этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилиши белгиланди.

Иккинчидан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Зеро, янги қабул қилинган Президент фармонида кўра, **2019 йил 1 январдан бошлаб, ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўлана бошланди.** Зеро, ижтимоий ҳимоянинг янги тизимига кўра, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш бўйича янги тизим жорий

²³ Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами муносабати билан “Мустақиллик дарслари” машғулотларини ўтказиш бўйича ўқув қўлланма. Т., 2016. 52-бет.

²⁴ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т., “Ўзбекистон”. 2017.

этилмоқда. Ислохотларнинг кейинги босқичида ушбу чекловлар ҳам бутунлай бекор қилинди. Айни вақтда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи доимо эътиборимиз марказида туриши керак. Умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа тури жорий этилди.

Шунингдек, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” ги Президент фармони ушбу йўналишдаги ишларни яна бир поғонага кўтарди. Мазкур хужжатга асосан, уруш қатнашчиларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, хусусан, йилда бир марта ўзлари хизмат қилган шаҳарларга бориб келиш, ўзлари учун қулай вақтда санаторий соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволанишлари мумкинлиги ҳамда уларга 5 миллион сўмдан пул мукофотлари берилиши фикримиз исботидир²⁵.

3. Илм-фан, таълим, маданият соҳасидаги изчил ислохотлар. жамиятни ғоявий ислох қилишда таълим тизимида бу борада зарур ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратиш, илмий изланишлар, фундаментал тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш, жамиятнинг маънавий ва илмий салоҳиятини кўтариш муҳим мақсадлардан бирига айлантирилди. Бу хусусда мамлакатимиз **Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган урашув**да шундай деган эди: “Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.”²⁶

2017 йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида илм ва фан соҳасини, ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, таълим муассасаларини компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларининг акс этганлиги соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир.

Зеро, фан соҳасини замон ва давр талаблари даражасига кўтариш, замон талабларига жавоб берадиган ҳамда билимли кадрлар тайёрлаш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтириш стартегияда акс этди.

²⁵ Ўша жойда

²⁶ Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувдаги маърузаси) //”Маърифат” газетаси. 2016 йил 31 декабр. №104-сон

Ўзбекистон **Фанлар академияси** тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига янгидан сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик, деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб қоламиз”, деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

Жамиятни ғоявий, маънавий ислоҳ қилиш, замонавий бозор иқтисодиётига асосланган, чинакам демократик жамият қуришдек вазифани ҳал этиш билан боғлиқ масала бугунги кун талабидир. Бунда мамлакатнинг **таълим-тарбия, маданият ва спорт соҳасидаги туб ислохотлар ва янгиланишлари** муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан мамлакатимиз таълим тизими бакалавр босқичида ўқув фанининг ўқитилиши ва уни ўрганишга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Мамлакатни ижтимоий иқтисодий тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини ўрганиш учун уни алоҳида олинган фан сифатида ўрганилиши долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Бу борадаги фикрлар **2017 йил 22 апрелда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида** ҳам ўз аксини топган. Қарорда бугунги тез ўзгарувчан, шиддатли замонда ёшларни маънавий ва ғоявий руҳда тарбиялаш масаласи долзарб эканлиги таъкидланган.

Жумладан, унда шундай дейилади: “Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш зарур”.

Бу борада сўнги икки, уч йил ичида қатор ташкилий чора тадбирлар кўрилиб, амалий ишлар қилинди. Булар орасида академик илм-фаннинг жамиятдаги ролини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион илмий фаолиятни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора - тадбирлар алоҳида эътиборга моликдир. Бунда 2017 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиянинг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганлиги муҳим воқеа бўлди.

Агар яқин тарихимизга мурожаат қилинса, Фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Шундан буён бу масала эътибордан четда қолиб келгани мазкур соҳада янгича ислохотлар бошлашни тақоза этди. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўтган йиллар мобайнида академикларнинг сони икки мартадан кўпроқ

қисқарганлиги ҳеч кимга сир эмас эди. Ҳатто 2017 йил декабрь ойига келиб академиянинг атиги 63 нафар ҳақиқий аъзоси қолган эди.

Соҳага алоҳида эътибор натижасида қисқа вақт ичида илмий тадқиқот фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси ва молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадли комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилди. Натижада Республикада 9 та илмий-тадқиқот муассаси Фанлар Академия таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди, Фанлар Академиянинг фан йўналиши бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди.

Давлат раҳбари томонидан «2017–2021 йилларда илмий тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» қабул қилиниб, бу соҳада тизимли ишлар амалга оширилаётганлигига урғу берилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илм-фан ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали меҳназимларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда.

2017 йилда сўнгги 22 йиллик узоқ танафусдан сўнг Фанлар академиянинг академиклигига тасдиқлаш учун энг муносиб олимлар танлов асосида саралаб олинди. Президент Фармонига мувофиқ, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатаётган ҳақиқий аъзолари тавсиясига кўра, Фанлар академиянинг 32 нафар янги ҳақиқий аъзоси тасдиқланди. 2018 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ФА нинг ҳақиқий аъзолари ва собиқ Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги фанлар академиянинг ҳақиқий аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг 12 баробари, собиқ Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги фанлари академиянинг муҳбир аъзоларига энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробари миқдорида ойлик гонорар тўланмоқда. Ушбу гонорарлар жисмоний шахслар даромадларига солинадиган даромад солиғидан озод қилинганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори таълимнинг барча турлари ва соҳаларини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Мактабгача, ўрта ва ўрта махсус таълими ҳамда олий таълимни замон талаблари даражасида янгидан ислоҳ қилиш, тубдан қайта қуриш ишлари бошланди. Бунинг яққол исботи сифатида “Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида **11 йиллик таълим қайта тикланди.**

Янгиланаётган Ўзбекистонда **мактабгача таълим тизимини** қайта ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида аҳамият қаратила бошланди. Буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Яъни, сўнгги икки йилда юртимизда болалар боғчалари сони 1 минг 400 тага ортиб, 6 минг 367 тага етди. Бу хусусда шуни қайд қилиш лозимки, кейинги даврларда таълим-тарбия тизимини мутлақо янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган бир неча муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ, юртимизда биринчи марта Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Қисқа даврда 980 дан ортиқ боғча қурилиб, ишга туширилди, у ерда таълим-тарбия ишлари энг илғор усул ва воситалар ёрдамида олиб борилмоқда. «Давлат- хусусий шериклик асосида барпо этилаётган хусусий мактабгача таълим масканлари сўнгги бир йилда икки баробар кўпайди ва 568 тани ташкил этмоқда. Яна мингта шундай боғча очиш бўйича амалий ишлар бошланган». Айниқса давлат раҳбарининг 2018 йил 30 сентябрда қабул қилган «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим рол ўйнади.

Сўнгги йилларда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳозирги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бугунги кун талабаларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатди. Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш, илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида 2018 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизимини, тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Агар рақамларга мурожаат қилинса, бугунги кунда мамлакатимизда 9,7 мингта мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўқитувчиларнинг моддий ҳаёти ва жамиятдаги ижтимоий мавқеини ошириш масалаларига ҳам алоҳида урғу бермоқда, яъни ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Дунё тажрибаси ҳам буни тасдиқлайди, дейди Президент. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойликдан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши умумий ўртача ойликнинг атиги 79 фоизини ташкил этади. Сўнгги икки йил ичида бу борадаги муҳим ислохотлар қуйидагиларда ўз аксини топди:

Бошланғич ва юқори синф ўқитувчиларининг маошлари тенглаштирилди. Шу маънода, бугун ўқитувчилар учун барча қулайликлар яратиш, ўқитувчини уй-жой билан таъминлаш, уларга автокредитлар ажратилиши жуда катта эътибор маҳсули бўлди. Қарорга биноан, ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимида меҳнат қиладиган педагог

ходимларга 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдориди дастлабки баҳолаш даражаси 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида берилиши алоҳида ғамхўрликдир.

Таҳлиллар ва ўрганишлар шуни кўрсатдики, ўқишга ва ишга жойлаша олмасдан, уюлмаган ёшлар қаторига тушиб қолган ёшлар кўпчиликини ташкил этмоқда. Бизнингча буни ҳал этишнинг бош сабаби, авваломбор ёшларни ўқишга жалб этиш муаммосидир.

Жумладан, Давлат статистика қўмитасининг 2017 йилгача бўлган маълумотларига кўра, республикада 25 ва ундан катта ёшли аҳолининг ҳар 1000 нафаридан 163 нафари олий маълумотлидир. Умумий аҳолининг сонига нисбатан мамлакатимиз аҳолисининг бор йўғи 12% олий маълумотга эга экан. Инвестициялар давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 18, 5 миллион ўрта ва олий маълумотли кадр бор. Бу кўрсаткичлар олий таълим қамрови тор эканидан далолатдир.

2018 йил 1 сентябр ҳолатига кўра, 32 миллиондан ортиқ аҳоли учун 81 та олий таълим муассасаси, 15 та ҳудудий филиал, хорижий университетларнинг 7 та филиали фаолият юритган. 2018 йил биринчи чорагига мувофиқ улардаги талабалар умумий сони 260 минг 905 тани ташкил этган холос.

Ушбу рақамлар 2018 йилгача бўлган даврда олий таълим қамрови бўйича кўрсаткичлармиз анчагина паст эканлигини, аҳолини, айниқса ёшларни ўқишга кўпроқ жалб этиш зуруратини туғдирмоқда. Қачонки фуқаро бирор мутахассисликка эга бўлсагина иш ўрни ҳақида ўйлаши мумкин. Дарҳақиқат, ўқишга кира олмаган ёшлар қандай қилиб маҳаллада иш топа олиши мумкин?. Бу савол барчани ўйлантириш шубҳасиз.

Шу боис мамлакатимизда сўнги йилларда олий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш борасидаги қатор Президент Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Айниқса “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида” Президент Қарориди сиртқи ва кечки таълим йўналишларини очиш, улар учун умумий квотанинг 30 % гача белгиланиши, бакалавриат босқича айрим йўналишларида 3 йиллик таълимнинг жорий этилиши ва магистратура айрим йўналишларида 1 йиллик таълимнинг жорий этилганлиги улкан ислоҳотлардан бири бўлди. **2019 йил 1 сентябрига келиб Ўзбекистонда олий ўқув юртлари сони 113 тага етгани ушбу соҳада ҳам жиддий ислоҳотлар кетаётганлигини, соҳани жаҳон таълим тизимига интергациялашаётганлиги тасдиқлайди.**

Тўғри, барчани олий таълимга қамраб олиш имконсизлиги боис, юртимизда энди 9-синфни битирганлар коллежда мажбурий ўқитилмайди, ёппасига мажбуран ўрта махсус таълимга жалб этиш шу пайтгача ўзини оқламади. Шу боис ўқувчи ўрта таълимни ўтагач, ихтиёрий равишда ўзига керакли соҳа бўйича коллежда ўқиш имкониятига эга бўлади. Республикада 11 йиллик ўрта таълимнинг жорий этилиши ҳамда олий таълим қамровининг кенгайиши, ёшларни бўш юришларига ўрин

қолдирмайди. Энг асосийси ўқувчи ота-онадан узоқда эмас, балки унинг бағрида ўқиб, касб ҳунар эгаллаши мумкин бўлади. Бу эса маҳалланинг оила билан ишлаш имкониятларини кенгайтиради.

Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларда ўрта махсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди.

Давлатимиз томонидан соғлом авлод тарбиясида спортнинг муҳим аҳамияти ва уни тинимсиз ривожлантириш ишларига ғамхўрлик ишлари бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2011-2016 йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан 1 триллион 230 миллиард сўм ажратилган.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари билан чегараланиб қолиш керак эмас. Иқтидорли ўсмир ва қизларни танлаб олиш ва тарбиялаш бўйича жиддий селекция ишларини амалга ошириш зарурлигига урғу берилмоқда. Жумладан, 2018 йилда спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, юртимиз ёшлари **Индонезияда бўлиб ўтган навбатдаги Осиё ва Пара-Осиё** ўйинларида, Аргентинада ўтказилган ўсмирлар Олимпиадасида юқори ўринларни қўлга киритдилар.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш яна бир долзарб вазифадир. Бу борада спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга, ёш авлод ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш, 2020 йилда Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпиадага пухта тайёргарликни бошлаш, мамлакатимизда қишки спорт турлари бўйича халқаро талаблар даражасида спортчилар тайёрлаш самарали тизимини яратиш зарурлиги Президент томонидан 2018 йил Олий Мажлис Мурожаатномасида ўз аксини топди.

2019 йил 15 мартда пойтахтимизда **“Хумо” муз спорти** саройи ишга туширилди. Мурожаатномада истиқболда шунингдек, Тошкент вилоятининг **Амирсой** дам олиш масканида ишга тушириладиган замонавий тоғ чанғи спорти мажмуаси ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилади. **2030 йилги Осиё ўйинларини** Ўзбекистонда ўтказиш, мазкур мусобақалардан бирига мезбонлик қилиш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқиш зарурлиги Мурожаатномада қайд қилинди.

Туризм. Бугунги кунда яна бир муҳим масалага давлат аҳамиятидаги муҳим масала сифатида қаралмоқда. Яъни мамлакатда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳиятлардан унумли фойдаланиш, айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради.

Ваҳоланки, 2025 йилга бориб юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш белгиланган.

Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида маданий мерос объектларини асраш, уларни келажак авлодларга етказиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш ҳамда вилоят ҳудудидаги тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни муҳофаза қилиш, илмий, амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бу ишлар шубҳасиз мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2002-йил 29-июлдаги 269-сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро комиссия тўғрисидаги Низом”, “Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тўғрисидаги Низом” ва “Маданий мерос объектларининг тарихий –маданий экспертизаси тўғрисидаги Низом”лар, Вазирлар Маҳкамасининг “Тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва кадамжоларда аҳолига ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари тўғрисида”ги мажлиси баённомаси талабларини бажариш мақсадларига қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги, 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли **“Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги, 2018 йил 15 февралдаги 120-сонли “Муқаддас кадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳимдир. Шунингдек, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли **“Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”** ги қарори ва фармойиши ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

2013 йилгача бўлган маълумотларга кўра, Республикамиз ҳудудидаги жами 3000 дан ортиқ маданий мерос объектлари, тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, археологик манзилгоҳлар, монументал ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган” бўлса, 2017 йилга келиб улар 7 минг 300 дан ортиқни ташкил этган.

Жамиятда миллий ғояни ривожлантириш, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда

археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаганлиги, Фанлар академиясининг Археология ва Санъатшунослик институтлари фаолиятини, олий ўқув юртлари ва музейлардаги археологик изланишларни чет эллик ҳамкорлар билан бирга ташкил этиш зарурлиги белгилаб берилди.

Мустақиллик йилларида буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги. шу мақсадда, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси таркибида **“Ўзбекистон тарихи” телеканални** ташкил этилиши, илмий жамоатчилик, ижодкор зиёлиларимиз билан биргаликда кенг халқ оммаси учун ҳам муҳим воқеа бўлди.

3. Фаол ташқи сиёсат: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви ва ривожланиш стратегияси. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг жаҳон ҳамжамияти орасида муносиб ўрин эгаллашга қаракат қилмоқда. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай жўғрофий-сиёсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташқи сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон бермоқда.

Кейинги йилларда мамлакатнинг фаол ташқи сиёсат борасидаги имкониятлари янада кенгайди. Хусусан, авваломбор яқин қўшни давлатлар билан барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилиши муҳим воқеа бўлди. Жумладан, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон каби давлатлар билан узоқ йиллар мобайнида ёпилган чегаралар очилди. Мазкур давлатлар аҳолисининг чегарадан бемалол ўтиб қайтиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни таъминлашдир. Айниқса қўшни Афғонистон Республикасида сиёсий барқарорликка эришиш учун саъй ҳаракат олиб бориш, асосий ўринда туради.

Биз халқаро ҳамжамиятни Афғонистон ҳукумати раҳбарлигида тинчлик музокараларини бошлаш заруратини қўллаб-қувватлашга даъват этдик, деди Президентимиз. Шу муносабат билан 2018 йилнинг март ойида Афғонистон бўйича ўтказилган юқори даражадаги Тошкент конференцияси замонавий Афғонистон тарихида халқаро миқёсдаги энг қамровли анжуман бўлганини таъкидлаш лозим. Конференция якуни бўйича қабул қилинган, унинг барча катнашчиларининг яқдил позицияси ифода этилган «Тошкент декларацияси» Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўзига хос дастур бўлди. Айнан ушбу конференциядан сўнг Афғонистондаги барча сиёсий кучлар, жумладан, «Толибон» ҳаракати иштирокида музокаралар жараёнини бошлашга қаратилган халқаро ҳаракатлар янада фаоллашди.

Ўзбекистон Афғонистон раҳбарияти ва мамлакатнинг етакчи сиёсий кучлари, жумладан «Толибон» ҳаракати вакиллари билан бир қатор муҳим музокаралар ўтказди. Ушбу сиёсий кучлар афғон муаммосини ҳал қилишда

Ўзбекистон самарали воситачи бўла олиши мумкинлигини эътироф этди. Биз учун энг муҳим пировард натижа – Афғонистонда тинчлик музокараларини бошлаш ва миллий ярашувга эришишдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – **«Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган эди.** Бизнинг таклифимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъйҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътироф сифатида барчамизга катта мамнуният ва ғурур-ифтихор бағишлайди. 2018 йилда жаҳоннинг етакчи давлатлари билан ҳам ўзаро манфаатлари алоқалар сезиларли даражада жадаллашди.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташрифлари ва хорижий давлатлар раҳбарлари билан музокаралари натижасида Россия, Беларусь, АҚШ, Хитой, Франция ва бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Миср, ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси ва Яқин Шарқ давлатлари билан стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга амалга оширган давлат ташрифи (2018 йил 19–20 октябрь) давомида ўтказилган муҳокамалар яқунлари бўйича ядро энергетикаси ва космос соҳаларидаги ҳамкорликни ўз ичига олган турли йўналишларда умумий қиймати 26 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича 20 та ҳукуматлараро ҳужжат имзоланди. Бу ташриф асосида тузилган шартномалар асосида 79 та Ўзбекистон–Россия қўшма корхоналари, 23 та янги савдо уйлари, 20 та улгуржи ва чакана савдо марказлари очилиши режалаштирилган. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида (2018 йил 29 апрель – 1 май) олий даражадаги Ўзбек–Турк стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил этилди. Томонлар яқин йилларда ўзаро товар айрабошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олишди.

Президентимизнинг **АҚШга расмий ташрифи** (2018 йил 15–16 май) Ўзбекистон – Америка стратегик ҳамкорлигини ривожлантиришга кучли туртки берди. Тарихий ташриф давомида савдо, фан, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Икки мамлакат компаниялари қиймати 4,8 миллиард долларлик 20 дан ортиқ йирик шартномаларни имзолашди. Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Ҳалил ас-Сиси 2018 йил 4–5 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Давлатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумлари, таълим,

туризм, археология, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019–2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 та ҳужжат имзоланди. Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давомида (2018 йил 12–14 сентябрь) 19 та келишув ва умумий қиймати 263 миллион долларлик 56 та савдо шартномаси имзоланди. 2 Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи давомида (2018 йил 30 сентябрь – 1 октябрь) 20 дан зиёд ҳукуматлараро ҳужжатлар ва қиймати 3 миллиард 200 миллион долларлик шартномалар имзоланди. Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи (2018 йил 8–9 октябрь) Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев Европа Иттифоқи давлатларига қилган биринчи сафари бўлди.

Ташриф якунида 10 та ҳукуматлараро шартнома ва умумий қиймати 5 миллиард еврога тенг бўлган инвестициявий лойиҳалар бўйича битимлар имзоланди. Умуман олганда, 2018 йил мобайнида 30 дан ортиқ давлатлараро ва халқаро тузилмалар раҳбарлари билан олий даражадаги музокаралар олиб борилди, 180 та икки томонлама шартнома ҳамда келишувлар тузилди.

Шунингдек, ҳукумат, вазирлик, идоралар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари даражасида 360 та ташриф амалга оширилди. Ўзбекистон дипломатиясининг ютуқларидан бири ўзбекистонлик таниқли дипломат Владимир Норовнинг 2019 йил 1 январдан бошлаб ШХТ Бош қотиби лавозимига тасдиқланганлиги ҳам тарихий воқеа бўлди. 3 январда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев В. Норовни ШХТ Бош қотиби сифатида қабул қилди. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ижобий ўзгариш ва натижаларни яна бошқа маълумотлар мисолида кўриш мумкин.

Фаол ташқи сиёсат туфайли мамлакати мизнинг халқаро обрў -эътибори 2018 йил – «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили» Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев дунёнинг турли мамлакатларига 30 га яқин олий даражадаги ташрифлар билан борди ҳамда нуфузли ташкилотларнинг саммитида қатнашди. Кейинги икки йил ичида хорижий мамлакатлар президентлари мамлакатимизга 16 та ташрифни амалга оширди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Унда билдирилган таклифлар халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди; Президентимиз ташаббуси билан, илк бор Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви ташкил этилди; Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги юқори даражадаги Тошкент конференцияси ўтказилди; Президентимиз Хитойнинг Циндао шаҳрида ШХТ Давлат раҳбарлари Кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этди; БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди фаолияти йўлга қўйилди ва ҳоказо.

2018 йил 22 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги «Miran International» меҳмонхонасида халқаро ва маҳаллий экспертлар иштирокида ташкил

этилган «Ўзбекистоннинг Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ташқи сиёсий фаолияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ташкилотчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари билан бир қаторда АҚШ, Россия, Буюк Британия, Швеция, Бельгия, Франция, Хитой, Япония, Покистон ва Ҳиндистондан ташриф буюрган, жами 26 нафар эксперт ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбарида сўзлаган илк нутқидан сўнг ташкил этилиши рамзий маънога эга бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ижобий имижини ошириш, олиб борилаётган ислохотлар билан жаҳон ҳамжамиятини холисона таништириш каби ташаббуслар келгусида янада қўпайиши табиийдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар, биринчи навбатда, Россия Федерацияси билан, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Корея Республикаси ва Япония билан муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган фаол ташқи сиёсат олиб боришда муҳим рол ўйнади. Ўзбекистон 2017 йилдан бошлаб Хитой ташаббуси билан ташкил қилинган **“Бир макон, бир йўл” халқаро форумининг** иштирокчисидир. Мазкур ҳамкорлик икки йўналиш-куруқлик ва денгиз орқали давлатлараро ҳамкорликни мусатҳкамлашга қаратилган. У ҳозирги кунда Осиё, Африка ва Европадаги 65 мамлакатни қамраб олган. **2019 йилда** Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми мазкур форумда нутқ сўзлаб, Ўзбекистон ва Хитой шериклик алоқаларини юксалтиришдан миннатдорлигини қайд қилган эди. Умуман, қайд қилинган малумотларга таяниб, Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу эса келажакда ҳар икки давлат ўртасидаги шерикчилик алоқаларининг стратегик имкониятларидан янада самарали фойдаланишни тақоза этади.

Сўнгги йилларда республикамизда таълим соҳасида ҳам халқаро ҳамкорликда сезиларли ижобий силжишларга эришилди. Агар рақамларга мурожаат қилинса, биргина 2018 йилда мамлакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда «Ипак йўли» туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Пучон университети филиали фаолият бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 сентябрдаги Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **«Эл-юрт умиди»** жамғармаси ташкил этилди. 2018 йилда илк бор халқаро тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтинги яратилди, таълим ва илмий тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мамлакатимизда ўнга яқин олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ташкил этилди. Масалан, Олмалиқ шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиали очилди.

Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Бунинг яққол исботи сифатида 2018 йилда ташкил қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви муҳим рол ўйнамоқда. Унда минтақанинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, атроф муҳти ҳамда хавфсизлик масалаларига оид ўнга яқин масалалар муҳокам қилиниши белгиланганлиги муҳим рол ўйнади. Жумладан, унинг биринчи учрашуви дастлаб Қозоғистон пойтахти Нурсултон шаҳрида бўлиб ўтган бўлса, “**Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашуви**” 2019 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Саммитда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт коммуникация, маданий гуманитар ва бошқа соҳаларда минтақавий ҳамкорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда томонлар шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир долзарб масалалар юзасидан келишиб олдилар. Учрашув сўнггида якуний ҳужжат қабул қилинди.

Мавзу юзасидан таянч сўз ва иборалар

Янгиланаётган Ўзбекистон, ислоҳотлар, стратегия, тараққиёт, ижтимоий иқтисодий ислоҳотлар, янги босқич, жаҳон ҳамжамияти, фан, таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, ташқи сиёсат, интеграция.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши ва мамлакат стратегик тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши.
2. Ўзбекистон ислоҳотларнинг янги босқичида.
3. Давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги янгича ислоҳотлар ва янгиланишлар.
4. Ўзбекистон илм ва фани тараққиётнинг янги босқичида.
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви ва ривожланиш стратегияси.

Назорат саволлари:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши ва мамлакатдаги янгиланишлар хусусидаги билимларингизни баён қилинг.
2. Сиз Ўзбекистон ислоҳотларнинг янги босқичига кўтарилганини қандай изоҳлайсиз.
3. Давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги янгича ислоҳотлар ва янгиланишларга баҳо беринг.
4. Янгиланаётган Ўзбекистонда илм ва фан хусусида фикрингиз қандай ?.
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашуви ва ривожланиш стратегияси нималарда ўз аксини топмоқда ?.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2017 йил 23 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. Т., 2018 йил 29 декабр.
4. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т., 2017 й.
5. Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувдаги маърузаси) //”Маърифат” газетаси. 2016 йил 31 декабр. №104-сон
6. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонида 1-илова. Т., 2017. 7 февраль.
7. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 167-бет.
8. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., 2017. 167-бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони. “Халқ сўзи”. Т., 2007 йил 19 май..
10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб, Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.
11. Обломуродов Н. Ҳазратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). Т., 2011. 286-287 – бетлар.
12. Толипов Ф, Исроилов Б ва бошқалар. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. // Ўқув- услубий қўлланма. Т. 2017. 5-бет.

Тарихий атамалар изоҳи

АББОСИЙЛАР (ар.) — араб халифалари сулоласи (750-1258), Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакилари Аббос авлодлари. Абу Муслим қўзғолони натижасида умавий халифаларидан кейин ҳокимият тепасига келиб, ислом оламининг катта қисмига эгалик қилганлар. Дастлабки пойтахти-Куфа ш. "Саффоҳ" ("Хунрез") лақаби б-н машҳур бўлган Абул Аббос Абдуллоҳ сулоланинг биринчи халифаси эди. Иккинчи халифа Саффоҳнинг укаси Абу Жаъфар Мансур (754-775) пойтахтни Бағдодга кўчирди. А. ҳукмронлигининг дастлабки даврида мулкчилик муносабатлари ўсиб, савдо-сотик ривожланди. Бағдод Шарқнинг йирик савдо марказига айланди, илм-фан равнақ топиб, фалсафа, математика, табиийёт ва б. фанларга оид кўплаб асарлар яратилди, натижада халифаликнинг иқтисодий негизи, сиёсий ва ҳарбий қудрати мустаҳкамланди. Андалусия (Испания)дан ташқари бутун мусулмон мамлакатлари - Мағриб, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр А. қўл остига ўтди. Айниқса, Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун замони А. сулоласининг гуллаган даври эди. 9-а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб А. халифалиги заифлаша бошлади, Африкада аглабийлар, Мисрда тулунийлар, Хуросон ва Мовароуннаҳрда сомонийлар А. халифалигидан ажраб чиқдилар. 10-а.нинг бошига келиб фақат Бағдод ва унинг атрофларидагина сиёсий ҳокимият А. қўлида қолди. Ҳарбий кучлар турк саркардалари қўлига ўтиб кетди. 10-а. ўрталарига келиб А. сиёсий ҳокимиятни тамоман қўлдан бой бердилар. Эрондаги бувайҳийлар (945 й.) Бағдодни ўз қўлига олди, лекин улар А.нинг мавқеи б-н ҳисоблашар эди. Бағдод салжуқий-суннийлар томонидан босиб олингандан кейин А. сиёсий ҳукмронлиги қисман тикланди ва диннинг мавқеи мустаҳкамланди. 1258 й. мўғуллар Бағдодни вайрон қилиб, А.ни тамоман тор-мор келтирди. Мўғул хони Ҳулоку буйруғи б-н Аббосий халифаларнинг сўнггиси-Мустаъсим қатл этилди. А. сулоласининг қолган вакиллари эса Мисрга қочди. Мамлук султонлари даврида (турклар 1517 й. Мисрни олгунга қадар) А. Қоҳирада муқаддас кишилар сифатида яшаб келдилар. 1261 й. мамлук султони Бейбарс А.дан бири ал-Мустансирни халифа деб эълон қилди. 1517 й. А.нинг авлоди Мутаваккил III Истанбулга келтирилиб, у диний раҳнамолик ҳуқуқини турк султонларига топширган. А. дан 37 киши халифа бўлган.

АВЕСТО – Зардуштийлик динининг муқаддас китоби. «Авесто» жуда қадимги китоб бўлиб, унинг ибтидоий қисми милоддан аввалги, яъни қарийб икки минг йил аввал вужудга келган. Зардуштийлик динининг ватанларидан бири Ўрта Осиё ҳисобланган. «Авесто»да Хоразм, Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна сингари давлатлар ва тарихий маданият ўчоқлари тўғрисида кўплаб қимматли маълумотлар мавжуд. Манбаларда айтилишича, «Авесто» 21 қисмдан иборат бўлган. Катта «Авесто»дан айрим муҳим оятлар танлаб олинди, «Кичик Авесто» яратилган. «Авесто» Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон каби мамлакатлар табиати ва халқларининг қадимги даврларини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади.

АВТОХТОН (гр.) – туб жойли аҳоли, мамлакатларнинг ерли халқи.

АЖАМ (ар.) – араблар ўзлари босиб олган ҳудудлардаги бошқа халқларни, жумладан, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларини шундай атаганлар. Шунингдек, араблар яшайдиган ерлардан бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон ва Турон давлатлари ҳам «Мулки ажам» номи билан юритилган.

АЖДОДЛАРГА СИҒИНИШ - ибтидоий дин шакли. А.с.нинг турли шакллари мавжуд бўлган. А.с. дафн маросимлари (ўлган кишиларнинг жони ва руҳи ҳақидаги тасаввурлар), шахсий ҳомий руҳларга, оила-уруғ оқсоқол ҳомийларига сиғиниш қабилар асосида таркиб топган. А.с.да аждодларнинг руҳлари уруғнинг аъзоси бўлиб қолиши, лекин улар одамлардан кучли бўлгани сабабли уруғнинг фаровонлиги шу руҳларга боғлиқ, деган тасаввур катта аҳамият касб этган. Бу тасаввурлар обрў-эътиборли уруғ оқсоқоли тимсолини қабилла худоси даражасига кўтариш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Жамиятда кишиларнинг ижтимоий белгиларига кўра, табақалашувига мос равишда аждодлар руҳларининг ҳам табақалашуви содир бўлади, натижада қабилла бошлиқлари, уруғ оқсоқолларига сиғиниш биринчи ўринни олади. Бунинг асосида қад. динларда қаҳрамонларга сиғиниш, кейин эса, авлиёларга сиғиниш вужудга келган. Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам бу одат мавжуд. Арвоҳларни эслаш, уларга сиғиниб, мадад сўраш, жонлиқ сўйиш, ис чиқариш каби шаклларда намоён бўлади. Исломда А.с. қораланади.

АЙМОҚ (т.-м.) – ўрта аср мўғулларида бир ҳудудда яшовчи, бири-бирига қариндош оилалар бирлашмаси аймақ дейилган. Ўрта асрларда туркий халқларда ҳам бир неча қабилла ёки уруғ бирлашмаси аймақ деб аталган. Бу атама ҳозир ҳам ўз уруғларини яхши билган ўзбек халқи ичида кенг қўлланилади.

АЙҒОҚЧИ (т.-м.) – ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида асосан ҳарбий атама сифатида қўлланилган бўлиб, қўшиннинг маълумот олиб келувчи даракчилари ҳамда қўшиннинг даракчи бўлимлари маъносида кенг қўлланилган. Шунингдек, ушбу атаманинг ёлғон гап ёйувчи, иғво, тухмат қилиб кун кўрувчи шахс маъносида ҳам қўлланилгани маълум.

АЛАФ ПУЛИ (ар.ф.-т.) – Ўрта Осиё хонлиқларида яйлов, бедазор, мевали боғ ва узумзорлардан олинадиган солиқ.

АЛИ ибн Абу Толиб (қв) (тахм. 600-661.21.1, Кўфа) - "хулафои рошидин" ёхуд "чорёрлар" деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси, саҳобийларнинг энг олимларидан, Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари (Фотиманинг эри). Отаси - Абу Толиб ибн Абдулмутталиб, онаси - Фотима бинти Асад ибн Ҳошим. 9 ёшидан Муҳаммад (с.а.в.)нинг тарбиясида бўлган. Лақаби - Ҳайдар. Исломда вужудга келган шиалик ҳаракати бевосита А. (ра) исми б-н боғлиқдир. 7-а. ўрталарида халифа Усмон (ра) сиёсатидан норозилик оммавий тус олган, ва унга фитначилар томонидан 656 й. июнида суиқасд қилингандан кейин А. (ра) ҳокимият тепасига келади. Аммо саҳобийлардан Талха ва аз-Зубайр ҳамда А. (ра)га нисбатан адоватда бўлган пайғамбар (с.а.в.)нинг беваси Оиша (ра) тарафдорлари унга қарши бош кўтардилар. Қатл этилган Усмон (ра)нинг

қариндоши Сурия ҳокими Муовия ҳам А. (ра)га қарши уруш эълон қилди. 657 й. Фурот дарёси ўнг қирғоғидаги Сиффин деган жойда юз берган жангда А. (ра) қўли баланд келган бўлса-да, у рақиблари б-н келишишга кўнди. Бундан норози бўлган А. (ра) аскарларидан 12 минг киши жанг майдонини тарк этдилар ва хорижийлар деб аталган диний-сиёсий оқимни ташкил қилдилар. Хорижийлар рақибларига нисбатан яқка террор усулини қўллай бошладилар. 661 й. 19 янв.да А. (ра) Абдурахмон ибн Мулжам ас-Соримий деган шахс томонидан Куфа масжидидан чиқиш пайтида жароҳатланади ва икки кундан сўнг вафот этди. Жасади ана шу масжид яқинига дафн этилган, кейинчалик Нажаф қасабасига кўчирилган. Расулulloҳдан 586 та ҳадис ривоят этган. Исломда А. (ра) шахсига муносабат турличадир. Хорижийлар унга ўта салбий муносабат билдирган бўлсалар, шиалар аксинча уни илоҳийлаштириб саҳобийлар ва Пайғамбардан кейин энг улуғ киши деб қабул қиладилар ҳатто уларнинг баъзи ғулуга кетган оқимлари уни Аллоҳ, Пайғамбар деб юборганлар. Аҳли сунна А. (ра) шахсига мўътадил ва тўғри баҳо беради. А. (ра) тарафдорлари кейинчалик исломдаги шиалик (араб. - "шиа"-гурух, бу ўринда "Али тарафдорлари" мазмунида) оқимини ташкил этганлар. А. (қв) шиаларнинг 1-имомини ва шиа имомлари шажарасини бошлаб берувчи ҳисобланади. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бир неча қадамжо ва мазорлар А. (ра) номи б-н боғланиб, муқаддаслаштирилган. Ҳақиқатда эса А. (ра) Ўрта Осиё ва Эронда ҳеч қачон бўлмаган.

АЛИ АВЛОДЛАРИ - Али ибн Абу Толиб авлодлари. Манбаларга кўра, Али (ра)нинг турли хотинларидан (8 ёхуд 9) кўплаб фарзандлари - 14 (ёки 18) ўғил ва 19 (ёхуд 17) қизи бўлган. Уларнинг ичида тарихда энг машҳурлари Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда бану Ҳанифа қабиласидан бўлган хотинидан туғилган Муҳаммад ибн ал-Ҳанафийа ҳисобланади. Айнан мана шу уч фарзанддан тарқалган тармоқ олий ҳокимиятга даъвогар бўлишган. Шиаликдаги имомийлар оқими тан оладиган 12 имомдан 9 таси Ҳусайн тармоғига мансубдир. Исломнинг деярли бутун тарихи мобайнида А.а. ёхуд уларнинг тарафдорлари олий ҳокимиятга эришиш йўлида қуролли ва ғоявий кураш олиб борганлар. Улар имоматга фақат А.а. ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайдилар. Кураш жараёнида халифаликнинг турли чеккаларда А.а. бош бўлган имоматлар барпо этилган. Уларнинг ичида энг машҳурлари Мароқашдаги Идрисийлар (789-926), Шимолий Африка, Миср ва Суриядаги Фотимийлар (909-1171), Ямандаги Рассийлар (9-а. бошидан 1281 й.гача), Табаристон (863-64 - 928) ва Яман (1592-1962)даги Зайдийлар сулоласи ҳисобланади. Ҳоз. вақтда кўплаб А.а. барча мусулмон мамлакатларида яшайдилар. Улар имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлиб, яшил салла ўрайдилар ва сайидлар ёхуд шарифлар деб аталадилар. Тор маънода А.а. алавийя деганда "ашаддий" шиалар жамоаси - нусайрийлар тушунилади. Халқ фикрига кўра, Фотимадан тарқалган А.а. Ўзбекистонда "сайидлар" ёхуд "тўралар" деб аталади. Али (ра)нинг бошқа хотинларидан тарқалган авлодлари "хўжалар"га киради.

АЛЛОМА (ар.) – Ўрта Осиё халқларида илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган киши, билимдон шахс аллома деб юритилган.

АМИН (ар.) – бир неча хил маъноларни англатади. 1. Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли. 2. Бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор. 3. Чоризм даврида Фарғона водийси, Самарқанд, Каттақўрғон уездларининг айрим волостларида халқ томонидан сайланиб бир ёки бир неча кичик қишлоқни бошқарувчи амалдор. Бухоро амирлигида амин амлоқдорга, Туркистон ҳарбий губернаторлигида эса волост бошлиғига итоат этган.

АМИНОНА (ар.ф.-т.) – Бухоро амирлиги ҳудудида, Самарқанд ва Фарғона бозорларида XVIII-XX аср бошларида чорва ва озиқ-овқат молларини сотувчи кишилардан ундириладиган махсус бозор ҳақи. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудидаги аминлар фойдасига йиғиб олинадиган солиқ ҳам аминона дейилган.

АМИР (ар.) – Ислом дини қабул қилингунга қадар арабларда амир сўзи қабила бошлиғи, ҳарбий бошлиқ деган маъноларни билдирган. Араблар кўп жойларни босиб олиб, ўз динларига ўтказгандан сўнг Араб халифалигига қарам бўлган мамлакатларни бошқариш учун тайинланган ҳокимни, кўшин кўмондони ва йирик лашкарбошиларни амир деб аташган. Мўғуллар истилосидан сўнг Олтин Ўрдада, кейин Ўрта Осиё ва Эронда мўғул ва турк қабилалари бирлашмаси – улус бошлиғининг унвони ҳам амир деб аталган. Соҳибқирон Темурнинг унвони ҳам амир бўлиб, тарихда Амир Темур деб юритилган. XVIII аср ўртасидан бошлаб, Бухорода манғит сулоласига мансуб бўлган ҳукмдорлар ҳам ўзларини амирлар деб юритишган.

АМИР АЛ-МЎМИНИН (ар.) – мўминларнинг ҳукмдори. Илк ислом даврида халифаларнинг кенг қўлланилган унвони. Бу унвонни дастлаб халифа Умар олган. Кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан юритилган.

АМИРЛИК (ар.т.) – мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат. XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб юритилган.

АМИР УЛ-УМАРО (ар.) – амирлар амири, олий амир деган маънони англатган. Олтин Ўрда, Чиғатой улусида бутун ҳарбий ишлар унинг тасарруфида бўлган. Бундан ташқари, Амир ул-умарога ҳукуматнинг барча бош ижроия идоралари ҳам бўйсунган. Амир Темур ва темурийлар даврида амир ул-умаро фақат олий бош кўмондонлик, айрим ҳолларда, ҳукмдорнинг ҳудайчиси бўлган.

АМИРИ ШИКОР (МИРИ ШИКОР) (ар.ф.-т.) – ов бошлиғи ёки соҳиби. XV–XVI асрларда кўчманчи ўзбек хонлари даврида мавжуд бўлган давлат мансабларидан бири. Бу мансабни олган амирлар зодагонлар ҳаётида, айниқса, хонлар ва султонлар ҳаётида муҳим бўлган хон овини ташкил қилар эдилар.

АМИРИ ЛАШКАР (ар.ф.-т.) – Темурийлар давлатида кенг тарқалган энг юқори олий ҳарбий унвон. *Қаранг:* Амир ул-умаро.

АМЛОҚ (ар.) – катта ер эгалиги; мулклар, ер-сув, киши тасарруфидаги нарса ва буюмлар амлоқ дейилган; Бухоро амирлигида солиқни тақсимлаш бирлиги ҳисобланган; XVI – XIX асрларда Бухоро ва

Қўқон хонликларида феодал ер эгалигининг бир тури бўлиб, давлат олдидаги хизматлари учун шахзодалар, лашкарбошилар ва амалдорларга инъом қилинган ер-сув амлок дейилган.

АМЛОКДОР (ар.ф.-т.) – Бухоро амирлигига қарашли энг кичик бўлинма – амлокни бошқарувчи киши. Амлокдор бой табақа вакилларида бўлиб, бек томонидан тайинланган. Амлокдорга бир неча қишлоқ қарам бўлган. Амлокдор қўлида котиб, мироб, амин, оқсоқоллар хизмат қилганлар. Амлокдорлар ўз ерларини деҳқонларга ижарага берганлар. Амлокдорлар хирож йиғиш, деҳқонлар етиштирган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиш каби ишлар билан шуғулланганлар.

АМЛОКДОРХОНА (ар.ф.-т.) – Бухоро амирлигида аҳолига амлок солиш ва уни ундириш билан шуғулланувчи амлокдорнинг маҳкамаси.

АМЛОК ЕРЛАР (ар.) - Бухоро амирлигида феодал ер мулкининг асосий шакли. Амлок ерлар амир ихтиёрида бўлиб, деҳқончилик қилиш учун айрим кишиларга берилар эди. Амлок ерларга экин эккан деҳқонлар давлатга феодал рентаси – хирож ва бошқа солиқлар, йиғимлар тўлаганлар.

АНБАР БИБИ МАҚБАРАСИ - Занги ота мажмуаси таркибидаги мақбара. Тошкент яқинидаги Занги ота қишлоғида барпо этилган (15-а. бошларида). Занги ота мақбараси қатори бу ёдгорлик ҳам Амир Темур замонаси меъморлик анъанасининг ёрқин намунасидир. Ривоятларга қараганда, мақбара Занги отанинг хотини Анбар бибининг қабри устига қурилган. Мақбара ичидаги иккинчи қабр Анбар бибининг аввалги қайнонаси Улуғпошшоники. А.б.м. кейинги асрлардаги таъмирланиш оқибатида ҳозир ўзининг асли ҳолатини деярли йўқотган. Анбар биби халқ орасида афсонавий шахсга айланган. У кишининг руҳига бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик б-н боғлиқ бўлган.

АНБАР ОНА, Амбар она- халқ оғзаки ижоди ва ислом анъаналарида аёллар машғулотининг ҳомийси, пири. Ривоятларга кўра, у даставвал шайх Ҳаким отанинг завжаси бўлган, у вафот этгач, Занги отага турмушга чиққан. А.о. ҳақида ҳосилдорлик маъбудалари, жумладан Авестодаги Анахита маъбудасига ўхшатиб баён этилган афсоналар ҳам бор. Шунингдек, А.о.ни кўп йиллар сарсон-саргардонликда йўқолган ўғлини қидирганлиги, лекин уни топа олмаганлиги ҳақидаги ривоятлар сақланиб қолган. А.о.га бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик б-н боғлиқ бўлган. Сумалак учун тайёрланган буғдойнинг тез ёки секин униб чиқиши ҳам А.о. номи б-н боғланган. А.о.га бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда отин бибилар, доялар, сеҳргарлар, парихонлар иштирок этиб, улар А.о. ҳақида тўқилган ривоятлар ёрдамида турли ирим-сиримларга ишонган содда кишиларни алдаб, бойлик орттирганлар.

АНБИЁ (араб. набий, пайғамбар сўзининг кўплиги) - қ. Пайғамбар.

АНЖУМАН (ф.-т.) – кенг доирада ўтказиладиган йиғин, йиғилиш, кенгаш ва мажлислар.

АНСОРЛАР (ар.) – Ислом тарихида 622 йилда Маккадан Мадинага кўчиб келган мусулмонларга ва уларнинг Пайғамбари Расулуллоҳ Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламга ёрдам берган ва ислом динини қабул қилган мадиналик авс ва ҳазраж қабилаларининг аъзоларига нисбатан қўлланилган ном. Ансорлар Маккадан кўчиб келган.

АРБОБ (ар.) – XVIII – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги кишлоқ ва шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол, кишлоқ мироблари бошлиғи арбоб деб аталган. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва фан соҳасидаги машҳур кишилар арбоб дейилади.

АРЖУМАНД (ф.-т.) – азиз, қадрли, иззатли, хурматли, мўътабар деган маъноларни англатади.

АРК (юн.) – қадимги давр, ўрта асрларда ҳамда сўнгги даврда Ўрта Осиё худудида шаҳарларнинг ҳокимлар жойлашган ички қисми, яъни «ўрда» ёки “арк” дейилган. Асосан ҳокимлар, подшолар, хонлар, амирлар, уларнинг сарой амалдорлари ва лашкарбошилари уйлари, ҳукумат идоралари, девонхона, танга зарб этадиган зарбхоналар арк ичида бўлган. Арк асосан шаҳарнинг тўрида жойлашган.

АРКНИ ДАВЛАТ (ар.) – давлат устунлари; амирлар, вазирлар, руҳонийлар ва ҳ. к.

АРЛОТ (м.) – Ўрта Осиёда яшаган ва келиб чиқиши жиҳатидан мўғул қабилаларига мансуб уруғ. Сўнгги даврда (XIX – XX асрлар) улар ўзларини ўзбек қабилалари деб ҳисоблаганлар.

АРАФОТ - Макка ш.дан 20 км нарида жойлашган, узунлиги 11-12 км ва кенглиги 6,5 км бўлган водий. Шимол томондан тоғ тепалиги б-н ўралган, бу тепалик ҳам А. дейилади. Қурбон оёи (Зилҳижжа оёи)нинг 9-куни, яъни арафа куни ҳожилар шу тепаликка чиқиб, то қуёш ботгунга қадар ибодат б-н машғул бўладилар. Ислом манбаларидаги ривоятга кўра, Иброҳим (ас)га Жаброил шу тепаликни кўрсатиб: "Шу жой - Арафотдир, билиб олинг, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади, шу ерда гуноҳларингизни эътироф этасиз", деганлар. Бошқа бир ривоятда Одамато б-н Момоҳаво жаннатдан чиқариб юборилганидан кейин бир-бирлари б-н шу ерда учрашган, дейилади. А. тепалигида бир баланд жой бўлиб, у ерни "жабалур раҳма" яъни "раҳмат тоғи" дейилади. Бу тоғ Арафотнинг шимол томондан чегарасида жойлашган. Муҳаммад (сав) вафотларидан 81 кун олдин, хижратнинг 10-йили Мадинадан ҳажга келиб, арафа куни шу тепаликка чиққанлар ва оқ туяларини чўктириб, унинг устида туриб машҳур "Видолашув ваъз"ларини айтганлар. Шу сабабли бу жой узоқдан кўриниб туриши учун устун шаклида кўтарилиб, оқ рангга бўяб қўйилган.

Пайғамбар (сав) “Ҳаж бу арафотдир”, деганлар, яъни арафотда вуқуф қилиб, дуо ва илтижода, ибодатда бўлинади. Арафотда масжид бўлиб, Масжид Намира ёки Масжид Иброҳим деб аталади.

АРСЛОНБОБ (тахм. 11-а.) - туркистонлик машҳур суфий. А.нинг ҳаёти, суфийлик фаолияти ҳақидаги маълумотлар насабнома (шажара)ларда ва қўлёзма манбаларда қисқа берилган. Аҳмад Яссавийнинг биринчи маънавий устози бўлган. Ёш Аҳмад унинг раҳбарлигида суфийлик

тариқатининг мураккаб амалий ва назарий билимларини олган. Ривоят қилинишича, А. Қирғизистон худудидаги шу ном б-н аталувчи қишлоққа дафн қилинган. Мақбараси ҳозиргача сақланиб қолган ва зиёратгоҳ ҳисобланади.

АРШАКИЙЛАР – милoddан аввалги 250 йилдан милodий 224 йилларгача Парфияда ҳукмронлик қилган сулола. Сулолага дай қабиласининг бошлиғи Аршак асос солган. Бу давлатга ҳозирги Шарқий Эрон ва Ғарбий Туркменистон ерлари тобе бўлган. Аршакийлар давлатининг илк пойтахти Ашхобод яқинидаги Нисо шаҳри харобаси ўрнида бўлган. Бу сулоланинг асосий вакиллари: Аршак I (250-248/247 -й.й.), Тиридат I (248/247-211), Артабан I (211-191), Прианат (191-176), Фраат I (175-170), Митридат I (170-138/ 137), Фраат II (138/137-128), Артабан II (128-124/123), Митридат II (124/123-88/87), Фраат III (70/69-58/57), Ород II (57-37/36), Фраат V (милod. ав. 2 – милod. 4), Во-нон I (7/8-12), Артабан III (12-38), Готарз II (38-51), Вологес I (51/52-79/80), Митридат IV (128/129-147), Вологес III (148-192), Вологес IV (192-207/208), Вологес IV (207/208-222), Артабан V (209-224).

АСОТИР (ар.) – қисса, достон, ривоят.

АТРАБОН – оташпарастларнинг ибодатхоналарида доимо ёниб турадиган муқаддас оловга - «азар-хурро»га ўтин ташлаб, кулини олиб турадиган диндорлар.

АФРИҒИЙЛАР – Хоразмда милodнинг IV-VIII асрларида ҳукмронлик қилган сулола.

АХУРАМАЗДА – зардуштийлар худоси. Зардуштийлик дини қадим замонларда ва илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда ва Эронда кенг тарқалган эди. Бу диннинг муқаддас китоби «Авесто»да сахий худо Ахурамазда ёруғлик, ободонлик, фаровонлик, саломатлик каби ҳамма эзгуликларни яратувчи ва бошқарувчи худо сифатида ифодаланган. Шунингдек ушбу асарда Ахурамазданинг барча ёвузликларни – зулмат, қурғоқчилик, очлик, вабо, совуқ, захарли жониворларни яратувчи ва бошқарувчи Анхра-Манъё — Ахриман худоси билан доим кураш олиб борганлиги баён этилган.

АШТАРХОНИЙЛАР – Мовароуннахрни идора қилган сулола (1599-1753). 1556 йилда Астрахан (Ҳожи-Тархон) хонлиги Россия томонидан босиб олингач, Жўчихон наслига мансуб бўлган Астрахан хони Ёрмуҳаммад ўз оиласи аъзолари ва қариндошлари билан Бухорога келади. Бухоро хони Искандар Ёрмуҳаммад ва унинг ҳамроҳларига ўз мамлакатидан бошпана беради. Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек Султонга ўз қизи Зухрани хотинликка беради. Шу никоқдан уч уғил (Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммад) дунёга келади. Бухоро хони Абдулмўмин ўлдирилгандан сўнг шайбонийлар наслидан валиаҳд йуклиги учун Жонибекнинг ўғли Боқимуҳаммад хон тахтига кўтарилади. Шундан сўнг Бухоро хонлигида аштархонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланган.

АХБОР (араб. - хабарнинг кўплиги, хабарлар) - шиаларнинг муқаддас ривоятлари. Муҳаммад (сав) ва Али(қв)нинг сўзлари, фаолияти тўғрисидаги ривоятлар тўплами. А. Қуръондан кейинги муқаддас манбалардан ҳисобланади. Сунна Муҳаммад (сав) ва саҳобаларнинг, А. эса фақат

пайғамбар ва унинг оила аъзолари, Али (қв) ва б. имомларнинг фаолияти ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олади. Ҳадис олимларининг истилоҳида А. сўзи ҳадис сўзининг синоними шаклда қўлланилади.

АШУРО (араб. - ўн кунлик)-1) Муҳаммад (сав) Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг дастлабки пайтда, муҳаррам ойининг 10-кунида тутилган рўза. Кейинроқ рамазон ойида рўза тутиш белгилангач, А. рўзасини тутиш ихтиёрий деб эълон этилган; 2) шиаларда халифа Алининг ўғли Ҳусайннинг Карбало ёнидаги жангда ҳалок бўлганлиги хотирасига бағишлаб муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган мотам маросимлари. Эрон ва Ироқда А. куни масжид ва мадраса ҳовлилари, такяхона ва ҳусайнияхоналарда имом Ҳусайн ва сафдошлари чеккан азоб-уқубатлар ҳақидаги қиссалар жамоат орасида ўқилади. Кўчаларда шиалар юриш қилиб, мотам туғ ва шиорларини кўтариб: "Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн" сўзларини такрорлаб, нола чекишади, мушт ва занжир б-н кўкракларига уришади. А. кунида ислом мамлакатларидан минглаб шиалар Карбало ш.га йиғилишиб, имом Ҳусайн ва сафдошлари қабрини зиёрат этишади. Суннийларда А. куни одатдага табаррук саналардек ўтади, айрим жойларда "ашур оши" улашилади.

АЪЁН (ар.) – Ўрта Осиё феодал жамиятидаги имтиёзли синфнинг энг юқори қатламига мансуб бўлган, ҳукмдорга яқин турган шахс; амалдор.

АЪЗАМ (ар.) – энг улуғ, бош, улкан каби маъноларни англатган; хон, подшоҳ ҳузуридаги йирик амалдорларнинг бошқалардан ажралиб туриши учун амали олдига қўшиб ишлатилган. *Масалан:* Вазири аъзам, яъни бош вазир.

АЪЛАМ (ар.) – диний ва қозихона унвони. Шариат илмида етук бўлган олимларга берилган. Аълам мадрасаларда ҳам дарс беришлари шарт бўлган.

АЪЛО ҲАЗРАТ (ар.) – ҳазрати олийлари. Шоҳлар ва хонларнинг номларини улуғлаш мақсадида уларга мурожаат қилинганда қўлланилган ибора.

АҲАМОНИЙЛАР – милоддан аввалги 558-330 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Аҳамонийлар сулоласига Милоддан аввалги VIII асрда Элам яқинидаги Парса худудида яшаган қадимги форс қабилаларининг бошлиғи Аҳамон асос солган. Кир II даврида Ўрта Осиё худудлари ҳам Аҳамонийлар сулоласига бўйсундирилган. Унинг даврида қадимги Шарқнинг катта қисми ўз ҳукмронлигига бўйсундирилади ва Аҳамонийларнинг Буюк Империясига асос солинади. Аҳамонийлар давлати Александр Македонский томонидан тугатилади. Аҳамонийлар сулоласи вакиллари: Аҳмон (Ҳахоманиш). Чиш-пиш, Кир I, Камбиз I, Кир II, Камбиз II, Доро I, Ксеркс

I, Ортоксеркс I, Ксеркс II, Секудиан II, Доро II, Ортоксеркс

II, Ортоксеркс III, Арсес, Доро III.

БАРИД (ар.) – 1. Чопар, хат элтувчи, почталъон. 2. XIV-XVI асрларда Ўрта Осиё халқларида кенг қўлланилган масофа ўлчови бўлиб, икки фарсах, яъни тахминан ўртача 12 км га тенг йўл бўлган.

БАРЛОС (т.-м.) – ўзбек халқи таркибига кирган йирик уруғлардан бири. Барлослар тоғли ва тоғ районларида яшаб, асосан чорвачилик билан шуғулланишган. Барлослар тарихда машҳур уруғлардан бири бўлиб, соҳибқирон Амир Темур ҳам шу уруғга мансуб. Темурийлар даврида бу уруғдан кўплаб бек ва амирлар етишиб чиққан. Ҳозирги даврда барлосларнинг авлодлари республикамизнинг Китоб, Шаҳрисабз, Чирокчи, Косон, Бойсун, Денов, Саросиё, Фориш, Жиззах, Зомин, Марҳамат, Хўжаобод, Иштихон, Навоий, Нурота, Ургут, Ғаллаорол туманларида ҳамда Тожикистон, Қирғизистон Республикаларида ва Афғонистон ҳудудларида ҳам яшайди.

БАҲРИН (т.) – турклашган мўғул қабилаларидан бирининг номи. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида баҳринлар Дашти Қипчоққа келиб ўрнашган, XVIII-XIX асрларда баҳринларнинг катта қисми Тошкент воҳаси, Фарғона водийсига, бир қисми эса Зарафшон воҳасига кўчиб келиб ўрнашган. Баҳринлар бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари бағонали, қорақалпоқ, уали эди.

БЕГОР, БЕГАР (ф.-т.) – Ўрта Осиёда ўрта асрларда мавжуд бўлган мажбурий ишлаб бериш мажбурияти бўлиб, меқнаткаш халқ хон ва маҳаллий ҳукмдорлар тарафидан давлат ва

БЕК (т.) – Ўрта Осиё хонликларидаги шаҳар ёки вилоят бошлиғи. *Масалан:* Бухоро хонлиги бир неча бекликларга бўлинган. Ҳар бир бекликни амир томонидан тайинлаган бек бошқарган. Бек ўзи бошқарадиган бекликда чексиз ҳуқуққа эга бўлиб, у фақат амирга бўйсунган. Шунингдек, бек сўзи аслзода, ҳукмдор, жаноб маъноларида ҳам ишлатилган.

БЕКЛИК (т.) – Бухоро амирлигида бек томонидан идора этиладиган маъмурий ҳудуд. Бухоро амирлиги XX аср бошларида 27 та бекликдан иборат бўлган.

БЕКЛАРБЕГИ (т.) – Ўрта Осиёда мавжуд бўлган юқори маъмурий унвон ва лавозим. Вилоят, катта шаҳар ҳокимлари ана шу унвонга эга бўлишган. Бу унвон кўчманчи халқлар орасида кўп ишлатилган. Бекларбеги лавозими Ўрта Осиёда XIX аср охиригача сақланган. Бекларбегининг асосий вазифаси солиқ ва турли бошқа феодал мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, хон фармонларини амалга ошириш, тегишли масалаларни бий, оталиқлар, оқсоқоллар кенгаши билан келишиб ҳал этишдан иборат бўлган. Бекларбегилар қўл остидаги вилоятларда алоҳида вазир, шайхулислом, садр, жонишин (бекларбегининг муовини) каби мансаблар ҳам бўлиб, улар бевосита бекларбегига бўйсунганлар.

БИЙ – кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига берилган унвон. Бийлар XVIII – XIX асрларда йирик ўзбек қabila ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат этган. Ўрта Осиё хонлари қabila ва уруғ бошлиқларини итоатда сақлаш учун уларга унвонлар бериб мансабларга тайинлаганлар. Бий унвони авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолдирилган

БОБУРИЙЛАР – Ҳиндистонда 1526 йилдан 1858 йилгача ҳукмронлик қилган сулола. Унга темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад

Бобур асос солди. Чет элларда, Ҳиндистонда, узоқ вақтлар бизда ҳам Бобурни ва унинг авлодларини “Буюк мўғуллар” деб аташ одат бўлиб қолган. Бу нотўғри ғоя асосан европалик олимлар томонидан Темур ва унинг авлодлари мўғуллардан тарқалган деган ғоя илгари сурилиб, Бобур салтанати учун «Буюк мўғуллар» деган ном қўлланилган, уларнинг асарлари орқали шу назария то Ҳиндистонгача кириб бориб, узоқ вақтларгача нотўғри талқин этилиб келди. Аслида эса Темур ҳам, унинг авлодлари ҳам, шу жумладан, Бобур ҳам мўғуллардан тарқалган эмас. «Буюк мўғуллар» деган ибора Чингизхон ва унинг авлодларига нисбатан қўлланилса тўғри бўларди. Бобурийлар, аслида Темур хонадони вакили бўлмиш Бобур авлодларидандир. Улар, манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзларини “Бобурий мирзолар” деб юритишган.

Бобурийлар Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилишган. Бобурийлар сулоласининг вакиллари: 3. М. Бобур (5526-1530), Ҳумоюн (1530-1539 ва 1555-1556), Акбаршоҳ

(1556-1605), Жаҳонгир (1530-1627), Шоҳ Жаҳон (1627-1658). Аврангзеб Оламгир (1658-1707), Баҳодиршоҳ I (1707-1712), Жаҳондиршоҳ (1712-1713), Фарух Сияр (1713-1719), Муҳаммадшоҳ (1719-1748), Аҳмадшоҳ (1748-1754), Оламгир II (1754-1759), Шоҳ Олам II (1759-1806), Акбар II (1806-1837), Баҳодиршоҳ II (1837-1858). *Изоҳ:* Ҳумоюн афғон сур қабиласининг етакчиси Шерхондан мағлубиятга учрагач, то 1555 йилгача ҳокимият Шерхон қўлига ўтди, фақат 1555 йилда Ҳумоюн афғон, чиғатой, эрон, туркман ва кўчманчи ўзбеклардан катта куч тўплаб ҳокимиятни қайтариб олди.

БОЖ (қад. эрон) – 1. Сокинлик, хомушлик, ғул, емоқ ва ибодат вақтидаги зардуштларнинг одати. 2. Бир давлат томонидан иккинчи давлатга тўланадиган ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, феодал ички курашлар кучайган вақтларда эса бир вилоятдан бошқа вилоятга ўтиш учун, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ бозорларида савдогарлардан олинадиган махсус тўлов. Ўрта Осиёда бож олиш ўрта асрлардан бошлаб давом этиб келган. Бож олувчи мансабдор тусқовул деб аталган.

БОТМОН – Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиёда қадимги давр ва ўрта асрларда мавжуд бўлган оғирлик ўлчови бирлиги. Ботмон турли даврларда турли жойларда миқдори ўзгариб турган. *Масалан:* XIX асрда бир ботмон Хивада 20,16 кгдан 40,95 кггача, Бухоро ва Самарқандда – 8 пуд (1 пуд-16 кг.), яъни 131,44 кг, Фарғонада – 8 – 10 пуд. яъни 131,44кгдан 163,800 кггача, Тошкентда – 10,5 пуд, яъни 171,99 кгга тенг бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёда ботмон ер ўлчови сифатида қам қулланилган, яъни бир ботмон оғирликдаги буғдой сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Бу тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов белгиси бўлган.

БОРГОҲ (ф.-т.) – подшоҳ ёки хоннинг қабулхонаси бўлиб, у ерга махсус ижозат билан кирилган. Боргоҳга махсус имтиёзи бўлган кишилар, яъни тархон ва оталиққа ўхшаган кишилардан бошқа барча мансабдорлар фақат подшоҳ ёки хоннинг эшикоғабоши орқали берган рухсаги билангина кира олган. Ҳарбий юришлар вақтида хон ёки подшоҳ чодирининг сарпарда билан ўраб ажратилган қисми боргоҳ вазифасини бажарган.

БОСҚОҚ (м.-т.) – мўғул хонлари тарафидан босиб олинган мамлакатларга юборилган махсус мансабдор. Улар маҳаллий ҳокимлар фаолияти ва хатти-ҳаракатини кузатиб борганлар. Босқоқлар аҳоли ҳисобини олиш, ўлпон ва солиқ йиғиш билан ҳам шуғулланганлар. Улар ихтиёрига махсус ҳарбий қисм ва молия хизматчилари ҳам бириктирилган.

БУДДАВИЙЛИК, БУДДИЗМ – уч жаҳон динларидан (буддавийлик, христианлик, ислом) бири, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлиб, сўнгра Марказий Осиё, Жанубий – Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқда ёйилган. У буддавийлик деган ном билан ҳам аталади. Бугунги кунда буддизм Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби давлатларнинг асосий динидир. Буддизмда Тхеравада (оқсоқоллар йўли ёки қадимги анъаналарга содиқлик) ва Махаяна (катта арава ёки янгича ёндошув) йўналишлари мавжуд. Махаяна жуда кўп секта ва мазҳабларга бўлинади.

Буддавийлик 2500 йилдан зиёд тарихни ўз ичига олади. Унга дастлаб брахманизм ва жайнизмнинг таъсири кучли бўлган. Император Ашока (милоддан аввалги III аср) даврида мустақил дин сифатида шаклланган. Буддавийлик Ҳиндистонда тўққиз аср устувор бўлган кейин инқирозга юз тутган ва пировардида бу ерда унинг ўрнини ҳиндуизм эгаллади. Шри-Ланка ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қуруқлик қисмида буддавийликнинг Тхеравада, Хитой, Корея, Япония ва Тибетда эса Махаяна каби йўналишлари илдиз отган. Ҳозирги пайтда, АҚШга кўплаб япон ва тибет роҳиблари ҳамда олимларининг кириб келиши натижасида, мамлакат бўйлаб йирик буддавийлик жамоалари ташкил топди. Буддизмнинг бир неча халқаро ташкилотлари ҳам мавжуд.

Бошқа динлардан фарқли ўлароқ буддавийликда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, хатто худо ҳам ўзгарувчан, деган ғоя илгари сурилади. Фақат лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян даврда йўқолиб, кейингисига ўрин бўшатиб беради. Будда таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Чунки у, гарчанд бефойда бўлсада, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан халос бўлиш учун кўнгил хуш кўрган барча нарсалардан тийилиш даркор. Ёлғондан, ўғрилиқдан, бошқага зарар етказишдан, зинодан мунтазам равишда ўзни тийиб бориш ҳамда медитация (онгни олий ҳақиқатга етишишга қаратиш) “бодхи”, яъни хотиржамликка, охир-оқибатда нирванага (азоб-уқубатнинг тугашига) олиб келади.

Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас, бир неча ҳаётни тақозо этиши мумкин. Буддавийлик заминида уч нарса Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод мавжуд. Будданинг ўзи – Сиддхартха Гаутама исмли тарихий шахс. Буддавийлик эса – Дхарма-Гаутама қолдирган таълимотдир. Ушбу таълимотнинг энг қисқа баёни қуйидаги “тўрт олий ҳақиқат”дан иборат: азоб-уқубат мавжуд; азоб-уқубатнинг сабаби (истак) мавжуд; азоб-уқубатнинг тугаши (нирвана) мавжуд; азоб-уқубатнинг тугашига олиб келувчи саккиз босқичли йўл мавжуд.

Сангха-Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси тор маънода “олий ҳақиқат”га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангха жамоасига қабул этилган шахс куйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади: ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; ёлғон сўзламаслик; ўғрилиқ қилмаслик; жинсий алоқа қилмаслик; маст этувчи ичимлик ичмаслик; пешиндан то эртаси кун саҳаргача тановул қилмаслик; уч кийимдан бошқа ҳеч нарса билан танани безамаслик; оммавий кўнгилхушлиқларда иштирок этмаслик ва ҳатто томошабин сифатида ҳам қатнашмаслик; баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; пул ишлатмаслик.

XX асрда бутун жаҳон бўйлаб дунёвий кишиларни буддавийликка жалб этиш одат тусига кирди. Ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам буддизм дунёвий шаклда қайта тикланмоқда. Японияда дунёвий кишилар “синсюко” (янги динлар) деб аталган оқимга (Россияда катта шов-шувга сабаб бўлган “Аум синрикё” шулардан бири) асос солмоқдалар. Америкадаги “янги буддизм” жамоалари асосан дунёвий кишилардан таркиб топган. Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунда битта буддавийлик жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатмоқда.

БУРУНҒОР (Буронғор) (м.-т.) – кўшиннинг муқаддима қисми орқасидан борувчи махсус ҳарбий қисм.

БУРҚУТЛАР (т.) – турклашган мўғул уруғларидан бирининг номи. XI-XII асрларда Байкал кўлининг шарқий соҳилларида яшаган. XIII асрнинг бошида Чингизхонга тобе бўлган бурқутларнинг катта қисми XIII-XVI асрлар давомида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган. Бурқутлар асосан Зарафшон воҳасида, қисман Мирзачўлда жойлашган. XVIII 50-йилларида бурқутлар Бухоро хонлигига қарши кўзғолон кўтарган. Кўзғолонни ҳукумат кўшинлари бостиргач, бурқутларнинг бир қисми Зарафшон воҳасидан Ҳцсор водийсига кўчирилган. Ўзбекистон ҳудудида яшаган бурқутлар ўтроқлашиб, ўзбеклар билан аралашиб кетган.

БУРЖ (ар.) – 1. Қуёшнинг йиллик ҳаракат йули бўлиб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркумининг мажмуи ва уларнинг номи Ҳамал (Қуй), Савр (Сигир), Жавзо (Эгизак), Саратон (Қисқичбақа), Асад (Шер), Сунбула (Ўтоқ), Мизон (Тарозу), Ақраб (Чаён), Қавс (Ёй), Жаддий (Эчки), Далв (Қовға), Ҳут (Балиқ), 2. Минора шаклидаги қаровуллар ёки йўл масофасини кўрсатадиган бино. Қалъа деворининг ҳар жойларида қурилган минорага ўхшаган қурилма.

БУХОРХУДОТ – VII-VIII асрларда Бухорода мавжуд бўлган кичик феодал давлати ҳукмдорларининг номи. Бухорони араблар босиб олганидан кейин Бухорхудот ҳукмдорлиги ўз мавқеини йўқотди. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли асарида келтирилган маълумотларга қараганда, VII асрнинг 80-йиллари ва VIII асрнинг ўрталарида Бухорода Бидун, Туғшода, Буниёт ва Суқун исмли бухорхудотлар ҳукмронлик қилганлар. Араблар Бухорога бостириб кирганда Бухорода Туғшоданинг онаси бухорхудот бўлган.

БУҒРОЛАР (м.-т.) – X-XI асрларда Қорахонийлар ҳоқонлигининг ғарбий қисмини (Еттисув, Қашғар ва Жанубий Қозоғистон) ҳоқон номидан идора қилган сулола хонларининг лақаби. Унинг йирик вакиллари

Абдулкарим Сотуқ Буғрохон ва унинг набираси Ҳорун ибн Мусо даврида Еттисув ва Қашғардаги кўпчилик туркий халқлар ислом динини қабул қилганлар. Ҳорун ибн Мусо 992 йилда Мовароуннахрни эгаллаган, аммо шу йилнинг август ойида Бухоро ва Самарқандни ташлаб Қашғарга чекинишга мажбур бўлган. XI аср бошларида буғролар давлатида ички феодал кураш кучайиб кетганлиги натижасида бу давлат инқирозга юз тугган.

ВАЗИР – арабча сўз бўлиб, ёрдам кўрсатувчи, ёрдамчи деган маънони англатади. Биринчи бор вазир унвони VIII асрда аббосийлар сулоласи даврида пайдо бўлган. Шундан бошлаб мусулмон давлатларининг ҳукуматлари таркибида олий мансаб эгаси сифатида вазирлар фаолият кўрсатишган. Улар подшоҳлар, хонлар ва вилоят ҳокимлигига тайинланган шахзодаларнинг ёрдамчилари ҳисобланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати таркибида Бош вазир ва ҳар соҳа бўйича иш олиб боровчи вазир лавозими мавжуд бўлиб, кенг фаолият кўрсатмоқда.

ВАЗИРИ АЪЗАМ (ар.) – улуғ вазир, яъни вазирлар бошлиғи деган маънони англатади. Илк ва сўнгги ўрта асрларда ҳукуматнинг олий идораларини бошқарган юқори мансабдаги шахс бўлиб, вазирлар иш фаолиятини бошқариб турган.

ВАЛИАҲД (ар.) – подшоҳ ёки хоннинг тириклик чоғида ўз ўрнига тайинлаб қўйган тахт вориси. Валиаҳд подшоҳ ёки хоннинг қароридан кейин махсус давлат кенгашида тасдиқланган. Чингизхон ва Амир Темур замонида валиаҳд тайинлашда уларнинг ёшига эмас, балки давлатни бошқара олиш қобилиятига эътибор берилган. *Масалин:* Амир Темур ўғиллари Мироншоҳ ёки Шохруҳни эмас, балки набираси Муҳаммад Султонни, у вафот этгач, Мирзо Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадни валиаҳд қилиб тайинлаган эди.

ВАРДОНХУДОТ (қад.ф.-т.) – VII аср охири -VIII аср бошида ҳозирги Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган кичик феодал давлат – Варданзи давлати олий ҳукмдорларининг унвони, Варданхудоотлар Зарафшон водийсидаги ҳукмдорлар ичида энг кучлиси булган.

ВАССАЛ – илк ўрта асрларда Ғарбий Европадаги кул, хизматкор, бошқа шахсга тобе бўлган эркин хизматчи, феодализм даврида эса катта ер эгасига қарам бўлган феодалга нисбатан ишлатилган атама. Сўнгги феодализм даврида, жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида бир давлат томонидан иккинчи давлатни сиёсий жиҳатдан ўзига тўла қарам қилиб олиб, у ерда ўз сиёсатини юргизиш вассаллик деб аталган. *Масалан:* Россия империяси томонидан 1868 йил июнь ойида Зирабулоқ тепалигида Бухоро қўшинлари тор-мор этилгач, иккала ўртада шартнома имзоланиб, ушбу шартномага мувофиқ Бухоро амирлиги Россия империясининг вассалига айлантирилган.

ВАҚФ (ар.) – давлат томонидан, шунингдек, айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжидлар, мадрасалар ихтиёрига даромаддан фойдаланиб туриш, аммо сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мол-мулк, яъни ер-сув, бино ва бошқалар вақф

дейилади. Вақфдан келадиган даромадлар ўша диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиган дин пешволарига берилган.

ВАҚФНОМА (ар.ф.-т.) – мулк эгаларининг ўз ер-суви, хўжалик бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларини диний муассасалар – масжид, мадрасалар ҳамда айрим руҳонийларга – эшон, муфтийларга, сўфийлик жамоалари измига ихтиёрий суратда ўтказганлиги тўғрисидаги хужжат. Вақфномада мулкнинг вақфга ўтказилиш сабаби, мулк эгасининг номи, вақф қилинган мулкнинг мутаваллиси (бошқарувчиси), вақф мулкидан фойдаланиш тартиби, гувоҳлар аниқ кўрсатилган. Вақфнома қози тасдиғидан кейин қонуний кучга кирган.

ВАҲҲОБИЙЛАР – Марказий Арабистонда тарқалган диний сиёсий оқим. Унга Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб (1703-1787) асос солган. Ислом илоҳиётига, шариатга асосланган. Ваҳҳобийларнинг асосий ақидаси ваҳдоният, яъни якка худоликдир, Улар якка худоликни қатъий талаб этиб, «динни поклаш»га, «Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам давридаги асли ҳоли»га келтиришга, арабларни «чинакам ислом»нинг яшил байроғи остида бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ваҳҳобийлар мусиқани, кўшиқ айтишни қоралаб, маънавий маданиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилганлар. Улар «муқаддас жойлар»га зиёрат қилишни, авлиё ва мазорларга сиғинишни, зоҳидликни қоралайдилар. Улар оддий кийинишни, камтарона ҳаёт кечиришни, айш-ишратга, кўп бойлик тўплашга берилмасликни тарғиб этганлар.

ВОЛГАБЎЙИ ЎЗБЕКЛАРИ – VI-XIX асрларда Волга бўйларида яшаган ўзбекларга нисбатан ишлатилган атама. Асрлар мобайнида Волга бўйларидаги шаҳарлар Ўрта Осиё моллари учун муҳим бозор қисобланган. Хоразм, Бухоро ва бошқа шаҳарлардан Волга бўйларига мол олиб боровчи махсус савдогарлар бўлган. Ўрта Осиё худудида яшаган аҳолининг маълум қисми ихтиёрий равишда Волга бўйларига бориб ўрнашиб қолган. VI аср охирида Волганинг қуйи оқимида вужудга келган Хазар подшоҳлигига Ўрта Осиёликлардан 20 мингга яқин киши кўчиб келиб ўрнашган. Уларнинг кўпчилиги хоразмликлар бўлишган. Хоразмликлар Хазар подшоқлитининг ички ва ташқи савдосида муҳим роль ўйнаганлар. Подшоҳлик вазири хоразмликлардан тайинланган. Ҳатто подшоҳликнинг 1200 кишидан иборат гвардияси ҳам хоразмликлардан ташкил топган. Хоразмликлар Хазар подшоҳлигининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида катта мавқе эгаллаганлар. Мўғулларнинг Олтин Ўрда давлати барпо этилгандан кейин ҳам Волгабўйи ўзбеклари давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта мавқеини сақлаб қолган. Улар Олтин Ўрданинг Сарой Боту ва Сарой Беркадаги пойтахт шаҳарларида истиқомат қилиб, савдо ва хунармандчилик билан шуғулланганлар. Улар Олтин Ўрда давлатида нафақат архитектура, наққошлик, хунармандчилик тараққиёти ва маданий юксалишга, балки Олтин Ўрда адабиёти ва адабий тилининг ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшганлар. Волгабўйи ўзбеклари узоқ вақтлар ўз урф-одатлари, тили ва динини сақлаб қолган. XIX аср ўрталарига келиб, уларнинг маълум қисми ўз

ватанига қайтган, қолган қисми эса ҳозир ҳам Астрахан яқинида яшаб келмоқда.

ГЕОПОЛИТИКА -(грекча гео-ер, politika – давлатни бошқариш санъати)- ташқи сиёсатда бирор давлат ёки минтақанинг географик ўрни, худудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини қисобга олиб юритиладиган фаолият.

Тарихда геополитика жамият тараққиётида географик шароитларнинг ўрнини юқори даражада мутлақлаштирувчи қараш тарзида намоён бўлди. “Каёттий маконнинг торлик қилаётгани” “табиий сарқадларни кенгайтириш зарурати” сингари даъволар геополитикани экспансияни асословчи сиёсий концепция деб бақоланишига олиб келди.

Геополитика атамасини фанга шведиялик сиёсатшунос олим Р.Челлен киритган. Бу атама I жақон уруши арафасида кенг қўлланила бошлади. Ўша даврда яшаган немис олими Ф.Ретцел давлатлар муайян жой ва қудудда мавжуд бўлади, бу эса ўз навбатида уларни зарур қудудларни эгаллашга мажбур қилади, деб қисоблаган. Бундай қараш реакцион бўлиб, дунёни қайта бўлиб олиш учун курашга отланган Кайзер Германиясининг урушга шайланаётган сиёсатчилари учун ниқоятда мақбул бўлган.

XX аср бошларидан геополитика мустақил фан ва сиёсат соқаси, дея талқин этила бошланди. 1923-27 йилларда чоп этилган “Геополитика” журнали географик омилнинг давлатлар, халқларнинг мавжуд бўлишига таъсирини мутлақлаштириш йўлидан борди. Бундай қараш Германия, сўнгра Италияда ҳамда Япония давлати сиёсатининг асосий доктринасига айланди. Ўзга қудудларга нисбатан босқинчилик сиёсатининг устувор қўйилиши ўша пайтдаги мустамлакачилик сиёсатини оқлашга, миллий озодлик қаракатларини бостиришга қаратилган эди.

II-жақон урушидан кейин баъзи йирик давлатлар дунёдаги қатор мамлакатларни ўз манфаатлари доирасига киритиб, уларда мустақкам ўрнашиш ва шу асосда ўзларининг таъсир доираларини кенгайтиришга интилдилар. Натижада дунё сиёсий харитасида қарама-қарши икки кутб юзага келди. XX асрнинг 60-йилларига келиб геополитика икки қарама – қарши система, кўпроқ АҚШ ва собиқ иттифоқ орасидаги курашни асослашга йўналтирилди. Совуқ уруш сиёсати геосиёсий йўллар ва усулларга қам ўз таъсирини ўтказди.

Бугунги дунёдаги геосиёсий жараёнлар, уларнинг минтақамиз ва мамлакатимизга таъсири масалаларининг мазмун-моқияти, бу борада республикаимиз амал қиладиган тамойиллар Президент Ислон Каримов асарларида, айниқса, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида чуқур тахлил қилинган. Ҳозирги даврдаги мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига хос асосий геосиёсий тамойиллар ана шу асосда амалга оширилмоқда.

Жақон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор. Унинг ер усти ва ер ости бойликлари, ғарб ва Шарқ орасидаги алоқалар маркази бўлиш имконияти, Марказий Осиёда ақоли, ишлаб чиқариш имкониятлари, илмий салоқият ва бошқа жиқатлардан етакчи мамлакат эканлиги ривожланган

мамлакатларнинг геосиёсатида Ўзбекистон билан кѳсбланиш, у билан иқтисодий-сиёсий алоқаларни узоқ мақсадни кўзлаб ўрнатиш заруратини туғдиради.

ГЕОСТРАТЕГИК МАНФААТЛАР – муайян мамлакат ѳки минтақанинг жуғрофик жойлашуви билан белгиладиган ѳхтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади.

Ўзбекистон Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, у жуғрофий жиҳатдан жуда қулай геостратегик мавқега эгадир. қадимдан Шарқ билан ғарбни боғлаган Буюк ипак йўли айнан Ўзбекистон худудидан ўтгани савдо-сотик, маданий-маърифий алоқаларни кенг ривожлантиришга сабаб бўлган. 1991 йилда Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейин бу борадаги қадимий алоқалар қайтадан жонланди.

Марказий Осиёда Ўзбекистон алоҳида ўринга эга. Чунки Ўзбекистон кучлар мувозанатини таъминлаш, минтақада ҳамкорликни мустақкамлаш соҳасида муҳим ўрин тутиши учун ҳамма имкониятларга эга. Чунки у ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта куч-қудратга эга бўлган мамлакатдир. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиши, юртимизни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантирди. Бунинг натижасида транспорт, сайёҳлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Ўзбекистоннинг ноёб ва бой табиий хомашё захираларига эга экани, қулай иқлим шароити ва қишлоқ хўжалиги тараққиётидаги улкан салоҳият уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олиши учун шароит яратади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг геостратегик жиҳатдан буюк мамлакатлар қаторидан жой олиши учун ҳамма имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР – худудий-жуғрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизими.

Масалан, Ўзбекистон ўзининг қулай жуғрофий жойлашувидан мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий - сиёсий, маданий, илмий - техникавий салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Бу соҳада, биринчидан, Ўзбекистонда йирик газ, кўмир нефть конлари топилгани ва ишга туширилаётгани мамлакат ѳхтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки унинг экспорт имкониятларини ҳам оширади.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо маъдан захираларига эга бўлган давлатлар жумласига киради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қатор қимматбаҳо маъдан конлари қидириб топилган. Бу эса чет эл инвестицияси ва технологиясини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишни талаб этади.

Учинчидан, мамлакатимиз рангли металлар - мис, қўрғошин, рух, вольфрам рудаларига бой бўлган геостратегик макондир. Айни пайтда рений, молибден, кадмий, селен, индий ва олтингугуртнинг катта захиралари бўлган конлар ҳам мавжуд.

Тўртинчидан, мамлакатимизда мрамар, гранит конлари мавжуд. Уларнинг захиралари тахминан саксон беш миллион кубометр деб ҳисобланади. Ҳозирда ғозғон, Нурота, Зарбанд конларида мрамар блокларни ишлаб чиқариш борасида чет эл замонавий технологияси асосида шериклар билан биргаликда иш олиб борилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимиз фосфоритларга, кадмий ва ош тузи конларига бой ҳудуд ҳисобланади.

Буларнинг барчаси юртимиз тараққиёт истиқболини белгилаб берувчи геостратегик мақсадларни белгилаш ва ҳаётга татбиқ этишда улкан аҳамият касб этади.

ДАВЛАТ МАФКУРАСИ - муайян давлатда амал қиладиган, баъзан расман белгилаб қўйиладиган ғоявий-назарий қарашлар, мафкуравий тамойиллар тизими. Айни пайтда “давлат мафкураси” деганда давлатнинг жамият ҳаётини бошқариш, давлат аппарати ишини ташкил этишнинг ғоявий-назарий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизимини тушуниш кенг тарқалганини ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

Бундай мафкуранинг ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши ва ижтимоий онга сингдирилишида давлатнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. У ёки бу мафкуранинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши эса фикр эркинлигининг бўғилишига, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тотал назорат қилинишига олиб келиши мумкин. ўз вақтида Германияда фашизм, бир қатор мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг давлат мафкурасига айланиши оқибатида келиб чиққан турли салбий жараёнлар буни яққол тасдиқлайди

ДАЙ – милоддан аввалги V-IV асрларда Сирдарёнинг қуйи оқими атрофида яшаган сак (шак) қабилаларидан. Айрим манбаларда уларни даҳлар, тоҳарлар деб ҳам аташган. Сўғдлик Спитамен Искандарга қарши курашиш учун охири маротаба дай қабиласидан қўшин тўплаган. Милоддан аввалги IV аср охири III аср бошида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида яшаган сакларнинг Қанғ давлати вужудга келди. Кейинчалик дайларни Қанғ давлатига кирган қавмлар иттифоқи сиқиб чиқарган ва шундан сўнг улар жанубга, Бактрия ерларига суқилиб киришга мажбур бўлишган. Милоддан аввалги 250 йилда дайлар маҳаллий Бактрия аҳолиси билан биргаликда Бактрияни салавкийлардан ажратиб олдилар ва янги давлатга асос солдилар. Шундан кейин бу ўлканинг номи Тоҳаристон деб атала бошланган.

ДАРАКЧИ (ар. ф.-г.) – Қадимги Шарқ давлатлари армияларида махсус топшириқларни адо этадиган ва турли хабарларни етказиб турадиган шахс. Даракчилар савдогар, қаландар, туякаш қиёфасида узоқ ўлкаларга бориб, чет мамлакатларнинг ҳарбий қудрати, урушга тайёргарлиги, чет эл айғоқчилари, ўз мамлакатидан қочган сиёсий айбдорлар ҳақида дарак (маълумот) топиб келиб, ҳукмдорларга етказганлар.

ДАРБОН (ф.-т.) – сарой дарвозаси посбони. Бухоро хонлигида Амир саройи ёки қароргоҳи эшиги ёнида ойболта, найза, сўнгра эса милтиқ ёки тўшпонча билан қуролланган кўриқчи.

ДАРВИШ (ф.-т.) – тасаввуф маслакларидан бирига мансуб киши, сўфий. Ислолда тасаввуф йўлига кириб меҳнат қилмай дарбадарликни, гадолик ва хайр-эҳсон билан кун кечирувчи, тарки дунё қилган шахс. Дарвишлар турли сўфийлик тариқатларига мансуб бўлганлар. Дарвишларни Ўрта Осиёда қаландарлар деб ҳам аташган.

ДАРВОЗАБЕГИ (ДАРВОЗАБОН) – Ўрта Осиё хонликларида шаҳар, қалъа ва хон саройлари дарвозаларини кўриқловчи соқчи. Илгари бу маҳсус лавозим ҳисобланган.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ – Сирдарёнинг қуйи оқими ҳамда Балхаш кўлидан Днепр дарёсининг қуйи оқимларигача бўлган ҳудудларнинг XI-XVI асрлардаги номи. Бу ерларда кўчманчи қипчоқ қабилалари яшагани учун у ерлар шундай деб аталган. Дашти Қипчоқ атамасини дастлаб Носир Хусрав (1003-1088) қўллаган. Шу даврдан бошлаб араб ва форс тилларидаги асарларда бу атама кенг қўлланилган. Дашти Қипчоқ икки қисмдан: 1) Шарқий қисм – Ёйиқдарёсидан то Сирдарёнинг қуйи оқими ва Балхашгача бўлган ерлар; 2) Ғарбий қисм – яъни Ёйиқ ва Волгадан то Днепргача бўлган ерлардан иборат бўлган. Дашти Қипчоқнинг бир қисмини XIII асрнинг 20-йилларида Жаба Нуйон ва Субутай баҳодир бошчилигидаги мўғуллар босиб олган. 1236 йили Дашти Қипчоқни Чингизхоннинг набираси Ботухон эгаллайди ва бу улкан ҳудудда тарихда Жўчи улуси номи билан машҳур бўлган Олтин Ўрда давлати ташкил топади. XIV асрнинг бошларида Жўчи улуси икки қисмга бўлиниб кетади. Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида Оқ Ўрда давлати ташкил топди. XIV асрнинг 60-йилларидан бошлаб Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмидаги бу Оқ Ўрда давлати тарихий манбаларда «ўзбеклар мамлакати» деб, унинг аҳолиси эса «ўзбеклар», аниқроғи «Дашти қипчоқ, ўзбеклари» деб атала бошланди. XV асрнинг 20-йилларидан бошлаб, Шарқий Дашти Қипчоқни аста-секин Абулхайрхон эгаллади ва у бу ҳудудда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Абулхайрхон вафотидан кейин (1468 йил) Шарқий Дашти Қипчоқда унинг авлодлари ва қариндошлари ҳукмронлик қилдилар. Дашти Қипчоқнинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва кўл бўйларидаги аҳоли эса деҳқончилик, шаҳарлардаги аҳоли ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланган.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИ – қадимдан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида ҳозирги Қозоғистон, Тоболск, Тура атрофларида кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари – арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, қарлуқ, можор, қипчоқ, қиёт, кўнғирот, қурловут, манғит, найман, нукуз, тангут, уйғур, маркит, қушчи, ўтарчи, жот, чимбой, кенагас, уйшин, тубой, тоймас, эски, туман-минг, шод-бахтли, шунқорли ва бошқа қабилалар XIII аср охири ва XIV XVI асрларда яшаб ўтган шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан, яъни «Дашти Қипчоқ ўзбеклари» деб аталган. Дашти Қипчоқ ўзбеклари, Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» асарига

айтилишича, уч тоифадан, яъни шайбонийлар (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), козоқчар ва манғитлардан ташкил топган. Шайбон улуси, манбаларда кўрсагилишича, 1238 йилда ташкил топган бўлиб, Урал (Ўйиқ) тоғининг этакларидан Тобол ва Сарисув дарёларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Манғит улуси Эмба билан Урал (Ўйиқ) дарёлари оралиғидаги ерларда жойлашган. XV асрнинг 30-йилларида манғитлар кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абулхайрхонга кўшилади. Оқ Ўрда хони бўлган Ўрисхон авлоди бўлмиш султонлар – Гирейхон ва Жонибеклар XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхонга бўйсунидан бош тортиб, ўз тарафдорлари билан Чу ва Етгисув воҳасига қочиб кетади ва орадан кўп ўтмай Қозоқ хонлигига асос солди. 1465 йил Абулхайрхондан қочиб кетган бу қабилалар тарихда «ўзбек-қозоқ» номини олган. Дашти Қипчоқ ўзбеклари асосан чорвачилик билан шуғулланган. Улар фақатгина Ўзбекхон даврида ислом динини қабул қилган. Дашти Қипчоқ ўзбеклари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги бир неча халқнинг таркибига кирган.

ДИН (араб. - мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва б.). Араб тилида "Д." сўзи жуда кенг маънода ишлатилади. Қуръонда ҳам "Д." турли маъноларда 100 дан ортиқ мартаба ишлатилган. Ана ўша маъноларнинг ҳаммаси урфдаги "Д."да ҳам ўз аксини топган. Д.да Аллоҳнинг мулки, ҳукми, қиёматдаги ҳисоб-китоби, осийларни жазолаши, тадбир қилиш бор. Шунингдек, Д.да банданинг бўйсунуши, итоат қилиши, ибодати, парҳезкорлиги, Аллоҳ кўрсатган йўлни тутиши, маълум ишларни одат ва эътиқод қилиши каби маънолар бор. Бундан Д. Аллоҳ б-н банди орасида бўлиши керак алоқаларнинг тўплами эканлиги келиб чиқади. Мусулмон уламолар мазкур маъноларни эътиборга олган ҳолда Д.ни "Соғлом ақл эгаларини уларнинг ўз ихтиёрларига биноан бу дунёда салоҳиятга, у дунёда нажотга элтувчи илоҳий кўрсатмалар" деб таърифлаганлар. Д. ақида, шариат ва тариқат бобидаги илоҳий кўрсатмаларнинг тўпламидир. Ақида мусулмон киши имон келтириб ишонмоғи лозим бўлган нарсаларни ўз ичига олади. Мисол учун Аллоҳга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, фаришталарга, қиёмат кунига, яхши ёмон қадар Аллоҳдан эканлигига ишониш ва б. Шариат Д.нинг амалий қисмидир. У ибодат, муомалот ва ҳудудга. бўлинади. Ибодатга намоз, рўза, закот, ҳаж каби нарсалар киради. Муомалотга инсонлар орасида бўладиган савдо-сотик, касб-ҳунар, деҳқончилик каби ҳаётий алоқалар ва ишлар киради. Ҳудудда эса, юқоридаги масалаларда хатога йўл қўйиб жиноят қилганларга белгиланган жазо чоралари ҳақида сўз кетади. Тариқат эса, руҳий ва ахлоқий тарбияни ўз ичига олгандир. Ана ўшаларнинг ҳаммасининг мажмуаси Д. деб аталади. Имом ал-Бухорий ҳадисларида келтирилган Д.га берилган таъриф кенг тарқалган.

Унга кўра Д. - имон, ислом, эҳсон йиғиндисидан иборат. Д. тушунчасини шархлашда бу учликни сақпаб қолган ҳолда ҳанафийлар имоннинг аҳамиятига урғу берадилар, ашъарийлар - диний кўрсатмаларга риоя этиш (ал-ислом) муҳимлигани, ханбалийлар, кейинчалик Ибн Таймия - "ҳақиқий анъана", соф йўлни Қуръон ва суннатга амал қилиш аҳамиятини

айтадилар. Аллоҳ ўзи яратган инсоннинг табиатини билганидан ва унинг ўзи яратган бу дунёда қандоқ яшаб ўтиши учун энг яхши йўлни кўрсатиб, унга Д.ларни юбориб турган. Инсон жамияти содда бўлган даврда Аллоҳ Д. хукмларини ҳам содда қилган. У инсониятни аста-секин тарбиялаб ўстира бориб илоҳий Д.ни ҳам мукаммаллаштирган. Бир Д.нинг вазифаси битгандан кейин унинг хукмини бекор қилиб, ўрнига хукмлари мукаммалроқ бўлган кейинги Д.ни юборган. Ҳар бир илоҳий Д.ни ундан кейинги келган илоҳий Д. амалдан қолдирган. Инсоният камолига етганда Аллоҳ ислом динини охириги, мукаммал ва боқий Д. қилиб юборган. Д. илоҳий-самовийга ва сохта-қалбакига бўлинади. Аллоҳ томонидан инсонлар ичидан пайғамбар танлаб олиб, у орқали диний таълимотлар етказилган бўлса, илоҳий Д. бўлади. Ҳоз. кунда яҳудийлик, насронийлик ва ислом илоҳий Д.лар ҳисобланади. Қолган Д.лар сохта-қалбаки Д.лардир. Уларни турли одамлар ўзлари тўқиганлар ва обрў-эътиборини ошириш учун ўз таълимотларига илоҳийлик нисбатини берганлар. Гоҳида таълимот эгасининг ўзи ўз таълимотларининг илоҳий эканлигани даъво қилмаган бўлса ҳам, ундан кейинги келган шогардлари бу даъвони қилган бўладилар. Кенг маънода Д. "маънавий олам", "маънавият" сифатида "моддий олам" - дунёга қарама-қарши қўйилган. Бироқ бу ҳолат уларнинг ўзаро бир-бирларидан ажралганликларини англатмаган. Бу тушунчалар диалектикаси, уларнинг алоқадорлик ва қарама-қаршилик даражаси, уларнинг ҳар бирини фаолияти доираси азалдан диний ва ижтимоий мунозаранинг муҳим белгиси бўлиб келган (қ. Куръон). Шахсий исмлар (мас., Салоҳад Д., Фахр ад-Д.), шунингдек, илоҳийётга доир адабиётларда Д. сўзи кўпинча "Ал-Ислом"га синоним сифатида қўлланилади.

ДИНИЙ ЖАМОА - диний ташкилотларнинг бошланғич, асосий ва энг оммавий тури. Д.ж.лар диндорларнинг ибодатда, диний маросимлар ва расм-русумларда биргалашиб иштирок этишлари жараёнида уларнинг диний эҳтиёжларини бевосита қондиради.

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР - фуқароларнинг диний таълимотлари, уларнинг қонун-қоидалари ва эътиқодларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатлари йиғиндиси. Д.м. ҳар қайси дин вакилларининг ўз диний таълимотларидан келиб чиқади.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ - диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. Д. т.лар адлия бошқармалар томонидан рўйхатга олинади. Д. т. рўйхатга олингандан сўнг у юридик шахс мақомига эга бўлади. Д. т.лар тасарруфида бинолар (масжидлар), транспорт воситалари, пул ва б. мулклар бўлиши мумкин.

ДЕВОНБЕГИ (ф.-т.) – девон бошлиғи. Ўрта асрларда солиқ йиғувчи муассаса бошлиғи бўлиб, кейинчалик унга мамлакатнинг барча молия ишлари юклатилган. Бухоро амирлигида девонбеги турли давлат иши соҳалари бўйича девонлар ҳамда вилоятлардаги девонларни бошқарган. Қўқон хонлигида девонбеги бирор вилоят ҳокими ихтиёрида бўлиб, четдан келадиган савдо қарвонларидан бож тўплаган. Хива хонлигида эса

девонбегилар кўп бўлиб, улар элчилик, ясовуллик ва бошқа ишларни бошқарган. *Масалан*, Муҳаммад Раҳимхон I даврида (1806-1825) саройдаги меҳтар, қўшбегиларнинг ҳар бири ихтиёрида бир нечта девонбеги бўлган.

ДЕГРЕЗ (ф.-т.) – қозон қуювчи. Умуман чўяндан турли буюмлар қуювчи темирчи уста.

ДЕМОКРАТИЯ – (грекча “demos” - халқ ва “kratos”- ҳокимият) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг овозлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Тарихий тараққиёт давомида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, демократия энг ривожланган давлатларда ҳам юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, айти пайтда ҳар бир давр ўз демократиясига эга. Бошқача айтганда, уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хосликка барча даврларга хосдир. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар билан белгиланади.

Шундай бўлсада, барча миллатлар ва жамиятлар, даврлар ва давлатлар учун мавжуд тузумнинг демократик характерини белгиловчи умумий мезонлар бор. Бу ҳам бўлса демократия тамойиллари(принциплари)га риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Ана шу мезонлар асосида демократиянинг реал ёки формал характери ҳақида гапириш мумкин бўлади. Демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айти пайтда демократия қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб-қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда демократия жамиятнинг яшаш мезонига айланиб қолди. Одатда вакиллик демократияси ва бевосита демократия бир-биридан фарқланади.

Вакиллик демократиясида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни бажарувчи органларни сайлайдилар. Бошқача айтганда, фуқароларнинг ўзлари бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар. Бевосита демократия шаклида эса фуқаролар у ёки бу масалаларни ўзлари тўғридан-тўғри ҳал қилдилар. Плебесцит, референдумлар бевосита демократиянинг намоён бўлиш шакллари дир.

Демократия асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мутаносиблаштириш, мувофиқлаштириш, муроасага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода демократия жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, мамлакат салоҳиятини тараққиёт учун сафарбар қилишга хизмат қилади. Кўриниб турибдики, демократия инсоният бугунги кунгача ўйлаб топган, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг оқилона йўлидир.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР - ижтимоий ҳаётнинг демократик тамойилларга асосланишига хизмат қиладиган ташкилот ва тузилмалар мажмуи. Уларни демократик мазмунга эга бўлган анъанавий ижтимоий сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари,

оммавий ахборот воситалари) ҳамда мавжудлиги ва фаолияти фақат демократик жамият шароитидагина мумкин бўлган махсус институтлар (инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмалари) каби шартли икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Демократик жамиятда давлат ҳокимияти ўзининг асосий тармоқлари - қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларига ажратилган ҳолда амал қилади. Олий қонун чиқарувчи орган умумдавлат миқёсида қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга. қонун чиқарувчи ҳокимият доирасида ҳокимиятнинг барча тармоқлари мустақил равишда фаолият кўрсатади. Улар бир-бирини қисман тўлдириб ва тенглаштириб туради. Ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи ва суд идоралари томонидан назорат қилинади. Айти вақтда ижроия ҳокимияти қонунларнинг амал қилинишини таъминлайди. Судга эса қонунларнинг конституцияга мос келишини назорат этиш, жамият аъзолари ва ташкилотлар томонидан унга риоя этилишини таъминлаш юкланади. Бу жараёнда кенг ваколатлар доирасига эга бўлган ўз-ўзини бошқаришнинг маҳаллий идоралари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Жамиятнинг энг фаол ва уюшган қисмини, унинг ижтимоий қатлам ва гуруҳларини бириктирувчи сиёсий партиялар демократик жамиятнинг муҳим институти ҳисобланади. Сайловлар сиёсий партиялар рақобатининг, уларнинг ҳукумат тизимига таъсири ва ўрнини аниқлаб берувчи бош майдон ҳисобланади. Сиёсий партиялар демократия шароитида, жамиятдаги хилма-хил қарашларнинг намоён бўлишига хизмат қилади. Кўп партияли тизим шароитида демократик институтларнинг муҳим қисми бўлган сиёсий оппозициянинг мавжудлиги таъминланади.

Ижтимоий ҳаракат ва ташкилотлар (ижодий уюшмалар, ёшлар ташкилотлари, хайрия жамғармалари каби) демократик жамиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ташкилот ва бирлашмалар турли ижтимоий гуруҳларнинг хилма-хил манфаатларни намоён қилади, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Улар ўзларининг реал мавқеидан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамоат ишларида, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ечишда иштирок этади. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланаётган оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар борган сари жамиятнинг энг фаол, мустақил демократик институтига айланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда, улар “тўртинчи ҳокимият” деб аталаётгани ҳам бежиз эмас. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига амал қилиниши устидан назоратни таъминлайдиган давлат ва нодавлат ташкилотлари (Омбудсман институти, қонунни ҳимоя қилувчи идоралар) муҳим демократик институтлар ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий ва маънавий ривожланиши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши демократик институтларнинг қанчалик ривожлангани ва улар фаолиятининг қанчалик самарадорлигига боғлиқ бўлади.

ДИНОР (ар.) – ўрта асрларда Араб халифалиги ҳудудида ишлатилган тилла пул. XIV асрда Мовароуннаҳрда бир динар икки мисқол кумушга тенг бўлган. Бир мисқол 4,53-4,55 граммни ташкил қилган.

ДИРҲАМ (юн.) – ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси. XIV асрда Мовароуннаҳрда дирҳам 1/3 (учдан бир) мисқол оғирликдаги кумуш танга бўлган. Оғирлик ўлчови 3,12 гр. тенг.

ДОДҲОҲ (ф.-т.) – Ўрта Осиё хонликларида юқори мартабалардан бири бўлган. Бухоро амирлигида амир саройининг юқори лавозимларидан бири бўлиб, у Бухородаги юқори

хизмат доирасидаги 10 тоифа (даражали) даги амал ёки мансаб ҳисобланган. Унинг вазифасига хон қабул қилган ва фармон этган қарор ва фармойишлардан норози бўлиб, хон олдига келган одамларни қабул қилиш кирган. Одатда, амир номига ёзилган илтимоснома ва арзномаларни қабул қилиб олар ва уларнинг эгаларига ёзма ёки оғзаки жавоб қайтарар эди.

ДОРУҒА (м.) – ушбу атама икки хил маънони англатади. 1. Ҳоким. Мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги даврида доруғалар вилоят, шаҳар ҳокими бўлишган. Уларнинг зиммасига вилоят ва шаҳарни идора қилиш, аҳоли рўйхатини олиш, уни ҳисоб-китоб қилиш ва уларлан солиқ ундириш вазифалари юклатилган. 2. Миршаблар бошлиғи. Сўнгги феодализм даврида Ўрта Осиё хонликларида миршаблар бошлиғи доруға деб юритилган.

ЕВРООСИЁ – Ер шаридаги материк. Икки қитъадан – Европа ва Осиёдан иборат. Қуруқликнинг яхлитлиги, кўпгина иқлимий жараёнларнинг умумийлиги, органик дунё тараққиётининг ва бошқа табиий-тарихий ҳодисаларнинг ўхшашлиги Европа билан Осиёни ягона ном билан аташ заруратини келтириб чиқарди. 1883 йилда Э. Зюссо томонидан геология ва географияга киритилган «Евроосиё» тушунчаси маъкул келди ва шу даврдан бошлаб ҳозир-гача кенг қўлланилиб келинмоқда. Евроосиё энг қадимий маданият масканидир. Евроосиё географик жойлашиши, иқлими, табиатининг ўхшашлиги, морфологияси, гектоникаси ҳамда бир-бирига яқинлиги жиҳатидан қуйидаги районларга бўлинади: 1. Атлантика бўйи ўлкалари. 2. Шимолий Евроосиё. 3. Тоғ-оролли Арктика. 4. Баланд Сибирь ва Мўғулистон. 5. Ички Евроосиё. 6. Шарқий Осиё. 7. Жанубий Осиё. 8. Ўрта денгизнинг Европа соҳили. 9. Олд-Осиё ясси тоғликлари ва Кавказ. 10. Жануби-Ғарбий Осиё.

ЕТТИ УРУҒ – ўзбек халқи таркибига кирган йирик уруғлар гуруҳи. Асосан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида, қисман Тошкент воҳасида яшаган, Етти уруғ ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли каби уруғлардан иборат бўлган. Етти уруғ таркибидаги бу уруғ номлари ўзбекларнинг бошқа йирик қабилалари таркибида ҳам учрайди. *Масалан:* ойтамғали уруғи қўнғирот, дўрмон, қурама қабилаларида, қўштамғали уруғи эса найман, юз, қўнғирот қабилалари таркибида ҳам учрайди. Етти уруғ қозоқ ва қирғизлар таркибида ҳам бўлган. Етти уруғ бугунги кунда ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

ЁЙИҚ (т.) – Урал дарёсининг қадимги ва ўрта асрларда аталган олдинги номи. Ёйиқ аслида туркий сўз бўлиб, «кенг» деган маънони билдиради. Ёйиқ дарёсининг номи 1785 йили Россия императори Екатерина II томонидан чиқарилган фармон асосида Урал деб ўзгартирилган.

ЁРҒУ – суд мажлиси; ҳукм; жазолаш; ўч олиш маъноларида кулланилган. Шунингдек, Бухоро амирлигининг шарқий бекликларида оғир солиқ ва хирожларни тўлашдан бош тортган деҳқонлардан ундирилган жарима ҳам ёрғу деб аталган.

ЁМ (ЖОМ) (т.) – йўловчилар, чопарлар тўхтайдиган, от алмаштирадиган жой, бекатнинг қадимги номи. Ёмда доимо отлар тайёр турган. Ёмда йўловчиларга, чопарларга доимий хизмат кўрсатиш учун бир неча киши хизмат қилган. Дастан ём XIII асрда пайдо бўлган. Чингизхоннинг кичик ўғли Ўқтой қон ём қуришга катта аҳамият берган. Тахминан ҳар 5 фарсахда ём қурилган. Мўғуллар ўзлари босиб олган худудларда, хусусан, Ўрта Осиёда ҳам кўплаб ёмлар қурганлар. Ём хизматчиси чопар ёки ёмчи деб аталган. Ём, жом каби жой номлари ём ўрнида вужудга келган топонимлардир.

ЁМБИ (х.) – қуйма қумуш бўлаги. Дастан пул сифатида йирик савдо муомалаларида ишлатилган. Ёмбмлар биринчи марта Хитойда Юань сулоласи (1279-1368) даврида пайло бўлган.

ЁШ БУХОРОЛИКЛАР – Бухоро жаҳидларининг сўл оқимидан ташкил топган гуруҳ, партия бўлиб, тараққийпарвар ва маҳаллий буржуазия вакилларида ташкил топган. Ёш бухороликлар дастан мавжуд феодал тузумга қарши демократик ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлганлар. Ёш бухороликлар амир ҳокимиятига қарши курашда муайян тажриба орттириб, ўзбек ва тожик тилларида журнал ташкил этганлар.

ЁШ ХИВАЛИКЛАР – Хива жаҳидларининг сўл оқимидан ташкил топган гуруҳ, партия (1917). Ўз сафида савдогарлар, майда диндорлар ва хон хизматида бўлган айрим амалдорларни бирлаштирган. Унинг илғор қисми феодал аристократия ҳокимиятини чеклайдиган ислохотлар ўтказиш, оммани маърифатли қилиш тарафдори бўлган. Умуман ёш хиваликларнинг мақсади хон ҳокимиятини чеклаб, конституцияли монархияга ўтиш, амалдорларга ойлик тайинлаш тартибини жорий этиш, «шариат бўйича тенглик», яъни буржуазиянинг ҳуқуқларини ҳукмрон синф бўлган феодаллар билан тенглаштириш эди.

ЖАБҒУ (ЯБҒУ) – Ғарбий турк ҳоконлигида қабила, улус бошлиғига берилган унвон. Жабғу атамаси Ўрхун -Енисей ёзувларида, Билкатегин, Қултегин обидаларида, Табарий ва Ёқубий асарларида кўп учрайди.

ЖАВОНҒОР (Жувонғор). (т.-м.) – қўшиннинг сўл қаноти.

ЖАДИДЧИЛИК – арабча сўз бўлиб, усули жаҳид, яъни “янгилик”, “янгича” иборасидан келиб чиққан бўлиб, янгилик учун курашганлар ва уларнинг ғояси шундай аталган. Жаҳидчилик XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркияда вужудга келган бўлиб, татар буржуазияси орасида кенг тарқалиб, улар орқали XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёга кириб келган. Жаҳидчилик оқимининг дастанки тарафдорлари мусулмонча ўқитишни

европача таълим бериш йули билан ислоҳ қилиш, капитализмнинг ривожланишига тўсқин қилаётган бир қатор феодал сарқитларни бартараф этиш ва маърифатпарварлик ғояларини илгари суришган.

ЖАДИД МАКТАБЛАРИ – эски мусулмон диний мактабларини ислоҳ қилиб янгича усулда таълим берган ва жадидчилик ғояларини илгари сурган мактаблар. Дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида татар буржуазияси орасида пайдо бўлди. XIX аср охири XX аср бошларида жадид мактаблари Туркистон ўлкасила ҳам пайдо бўла бошлаган. Бу мактабларда диний дарслар билан бир қаторда дунёвий илмлар ҳам ўқитилар эди. Бундай мактаблар дастлаб 1893 йили Самарқандда, сўнг Фарғона водийсида, Тошкентда ўзбек бойларининг пахта заводлари қошида очилган.

ЖАЙҲУН (ар.) – VIII асрдан бошлаб, ҳозирги Амударё араб манбаларида шу ном билан юритилган.

ЖАЛОЙИР – турк ва мўғул қабилаларининг аралашishi натижасида ташкил топган йирик қабила уюшмаларидан бири. Улар ўнта йирик қабилага бўлинган бўлиб, ҳар бир қабилага саркарда, яъни қабила бошлиғи бошчилик қилган. Чингизхон салтанатида жалойирлардан чиққан бир қатор беклар ва саркардалар хизмат қилганлар. Жалойирлар XII аср охири – XIII аср бошларида Еттисув ва Ўрта Осиёга кўчиб келган. Ўрта Осиёда яшайдиган жалойирлар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғизлар таркибига кирганлар.

ЖАРИБ – Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда VII асрдан бошлаб қўлланилган ҳажм оғирлиғи ва ўлчов бирлиғи. Ўрта Осиёда жариб фақат юза ўлчови (10 минг кв²), яъни ер ўлчов бирлиғи сифатида қўлланилган. Юридик ҳужжатларда жариб билан таноб бир хил юза ўлчовини ифода этган.

ЖИҲОД (ар.) (ҒАЗАВОТ) – мусулмонларнинг ғайридинларга, яъни кофирларга қарши олиб борган муқаддас уруши “жиҳод” деб аталган. Жиҳодда ҳалок бўлган киши шаҳид ҳисобланиб, унга жаннат ваъда этилган. Ғалаба қилган мусулмон эса ғозий ҳисобланиб, ҳар қандай гуноҳлардан халос бўлган.

ЖОНДОР (р.-т.) – Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан қорахонийлар ва хоразмшоҳлар даврида мавжуд бўлган амаллардан бўлиб, ясавул бошлиғи маъносини билдирган.

ЖОНИЙЛАР – Бухоро хонлигини 1599 йилдан 1753 йилгача идора қилган сулола. Тарихда у аштархонийлар сулоласи деб ҳам юритилади (*қаралсин*: Аштархонийлар).

ЖУЗЪЯ – дастлаб Араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатларида шариат меъёрларига кўра мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиғи. Жузъя балоғатга етганларга солинган. Қариялар ва аёллар, болалар, кул ва гадолар эса ундан озод қилинган. Жузъя асосан пул ва натура тарзда ундирилган.

ЖЎЧИ УЛУСИ – Чингизхон империясининг бўлиниши натижасида 1224 йили унинг ўғли Жўчихонга теккан мулк, улус.

Жўчи улуси Иртишдан Урал (Ўйик) тоғларигача ва ғарбда мўғул оти тўёқлари етган ергача бўлган ўлкаларни қамраб олган. Жануб томондан

Чигатой улуси билан чегарадош бўлган. Ботухоннинг ҳарбий юришлари (1238-1242) натижасида Шарқий Европа ҳам Жўчи улусига вассал сифатида бўйсиндирилган. Унга Жанубий Россия, Қрим ва Закавказия (Кявказорти) кирган. XIII аср ўрталаридан бошлаб Жўчи улуси Олтин Ўрда деб аталган.

ЗАКОТ (ар.) – Ислом динининг беш асосий талабларидан бири бўлиб, мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон, солиқ. Шариатга мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон закот беради. Закот миқдори пул даромадларининг қирқдан бир улушига тенг. Деҳқонлар ва чўпонлардан олинадиган закот миқдори бирмунча юқори бўлган. Закот камбағаллар, етим-есирлар, касаллар ва ҳеч кими йўқ аёллар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган.

ЗАРДЎШТИЙЛИК – милоддан аввалги VII-VI асрларда Қадимги Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларида пайдо бўлган дин. Унинг номи шу динга асос солган афсонавий пайғамбар Зардушт номи билан боғлиқ. Зардўштиликнинг асосий муқаддас китоби Авестодир. Зардўштиликнинг асосий ғояларида дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ деб тушунтирилади. Зардўштилик дунёни ёруғлик ва эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвузлик худоси Анхра-Манъё ўртасидаги курашдан иборат деб таъкидлайди. Зардўштилик қулдорлик ва илк феодализм даврида Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжонда кенг тарқалган. Бу ҳудудлар араблар томонидан босиб олинган, зардўштиликка сиғинувчилар мажбуран ислом динига ўтказилган.

ЗАХИРА (ф.-т.) — эҳтиёт қилиб, узоқ муддатга мўлжаллаб сақланган нарсалар. Захира озиқ-овқат, пул, буюм, қуро-аслақа, моллар учун ем-хашак кўринишларида тайёрланган. Ўрта асрларда қўшин эҳтиёжлари учун ғамланган нарсалар ҳам захира номи билан юритилган.

ИБН (ар.) — Шарқ халқларида эркаклар исмлари таркибида келувчи сўз. XX аср бошларигача Ўрта Осиё халқлари ўртасида ҳам кенг қулланилган. Ўғли деган маънони ифодалайди. *Масалан*, Олим ибн Зоир. Зоир ўғли Олим.

ИЛОҚ – ҳозирги Тошкент вилоятининг жанубида, Оҳангарон дарёси воҳасида жойлашган қадимги давлат XIII аср бошларигача Илоқ деб аталган. Пойтахти Тункат шаҳри бўлган. Илк ўрта асрларда мустақил давлатга айланган. Илоқ ҳукмдорлари «Илоқ деҳқонлари» унвони билан юритилган ва катта иқтисодий ҳамда сиёсий кучга эга бўлган-лар. Пойтахт шаҳарда танга пул чиқарадиган давлат зарбхонаси бўлган. X аср охирида Илоқ Қорахонийлар давлати таркибига кирган. Чингизхон истилосидан сўнг Илоқ ерлари жалойирлар қабиласи тасарруфига ўтган.

ИНЖИЛ (ар.) — илк христианларнинг муқаддас китоби. Библиянинг бир қисми бўлиб, христианликнинг афсонавий асосчиси Исонинг бу дунёдаги «ҳаёти» тасвирланган асарлар тўплами. 30 тагача номдаги Инжил маълум. Улардан фақат Матвей, Иоанн ва уларнинг шогирдлари Марк ва Лука ёзиб қолдирган 4 та Инжил Библиянинг иккинчи бўлими ҳисоб-ланган Янги Аҳдга унинг муҳим қисми сифатида киритилган. Инжил II асрнинг биринчи ярмида юзага келган.

ИНОҚ (м.-т.) – туркий сўз бўлиб, дўстона, яқин одам, иноқ, ишончли вакил, ишончли мансаб эгаси ёки мансабдор ҳамда ўз ишига ишончли ва садоқатли деган маъноларни англатган. Одатда, иноқлар энг қудратли ўзбек уруғлари амирларидан тайин этилган ва улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган. Бухоро амирлигида иноқ юқори 11- тоифадаги мартабалардан ҳисобланган бўлиб, унинг икки хил тоифаси, яъни катта иноқ (иноқи калон) ва кичик иноқ (иноқи хурд) мавжуд бўлган. Хива хонлигида иноқлар йирик амалдор, яъни қабила бошлиғи ҳисобланган. Иноқлар хузурида қушбеги, меҳтар ва оталиқдан иборат кенгаш бўлган ҳамда улар амалий тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдамлашган.

ИСЛОМ – (арабча – бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Оллоҳ иродасига топшириш) дунёда энг кенг тарқалган уч дин (буддизм ва христианлик билан бир қаторда) дан бири. Ислом динига жаҳонда қарийб 1,3 млрд. киши эътиқод қилади.

Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида ислом манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги таълимот деб уқтирилади. қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, ислом батамом янги эътиқод эмас, балки Иброҳимнинг қайта тикланган динидир.

Ислом динининг келиб чиқиши тарихи (генезиси)ни ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий, диний ва маданий омилларнинг барчасини ҳисобга олиш керак. Ислом дини вужудга келган 6 асрнинг охири – 7 аср бошида Арабистонни бирлаштириб, халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона мамлакатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Марказлашган давлат тузиш билан бир қаторда Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Шундай қилиб, Муҳаммаднинг диний ва сиёсий фаолияти юқоридаги умумий жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Бу фаолиятни юритишда у яқка эмасди. Арабистонда ўзига хос уйғониш даври бошланганди.

Шундай вазиятда Муҳаммад 610 й., яъни 40 ёшида ўзининг диний фаолиятини бошлади ва ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганини эълон қилди. Аммо бир неча нуфузли кишилар ва яқин қариндошларни ҳисобга олмаганда Макканинг кўпчилик аҳолиси, айниқса, қурайш қабиласининг зодагонлари унинг тарғиботларига очикдан-очик қарши чиқдилар. Муҳаммад ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлди. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодгонлари билан маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги бану Авс ва бану Хазраж қабилаларининг вакиллари 622 й. Мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммадни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Мадина в Макка

ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди. 630 йил мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига ислом динини қабул қилди ва Муҳаммад (с.а.в.)ни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка Ислом динини марказига, қадимги Каъба ибодатхонаси эса мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар ва ислом динини ёйдилар.

Исломнинг асосий ақидаси – “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”. Ислом дини 5 “асос” ёки “устун” (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилиқ ва ёмонлиқ Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишига ишонишни ўз ичига олди. Исломда ўзига хос диний маросимчилик таркиб топган. Бундан ташқари, кўпгина ҳолларда маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар ҳам ислом маросимчилига мосланиб кетган.

Илк исломда динийлик ва дунёвийлик бир-биридан айри бўлмагани боис ғоявий баҳслар диний-сиёсий тус олди. Дастлаб суннийлик ва шиалик йўналишлари вужудга келди. Икки тараф (“сунна” ва “шиа”) ўртасидаги кураш асносида “хорижийлар” деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Аммо ислом тарихи узра “сунна” асосий йўналиш бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилигини (90% дан ортиқ) ташкил этади.

ИСЛОМ ХАЛИФАЛИГИ - жамоанинг дунёвий ва диний ҳаётига халифа бошчилик қиладиган ҳокимиятни идора этиш тартиби. Одатда халифалик (ёки араб халифалиги) термини VII асрда араб истилоси туфайли вужудга келган ҳамда Яқин ва ўрта Шарқда XIII асрдаги мўғуллар истилосига қадар, Испанияда XV асрга қадар мавжуд бўлган мусулмон давлатларига нисбатан ишлатилади.

Халифалик-Арабистонда VII асрнинг 20-йилида Муҳаммад (с.а.в.)нинг диний ислоҳотлари натижасида пайдо бўлган ва унинг вафотидан кейин 20 йил ўтиб бутун сосонийлар давлати ва Византиянинг кўп қисмини қамраб олган давлат. Халифалик араб-мусулмон маданияти тақдирини кўп йиллар олдиндан белгилаб берди. Халифалик турли цивилизацияларнинг ўзаро таъсири остида тили арабча, мафкурвий асоси эса – ислом бўлган маданиятни юзага келтирди.

Ислом халифаликлари тарихига назар солсак, пайғамбар вафотидан кейин “хулафо ур-рошидун” халифаликлари ҳукм сурди. Бу халифаликларни пайғамбарнинг энг яқин сафдошлари Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Али (656-661) бошқаришган.

Улардан сўнг Уммавийлар (661-750й), аббосийлар (750-1258 й.), аини вақтда аббосийлар билан замондош тарзда Шимолий Африкада, кейинчалик Мисрда исмоилийлардан чиққан Фотимийлар (909-1171й.) халифалиги вужудга келган.

13 –асрдан кейин айрим мусулмон мамлакатларининг ҳукмдорлари ўзларини диний бошлиқ деб даъво қилиб халифа номини ишлатганлар (масалан, Туркия султонларининг халифа деб аталишлари 1924 йилгача давом этган).

Халифаликнинг амалда қандай бўлиши кераклиги масалалари илк исломда кескин сиёсий курашларга сабаб бўлиб, унда суннийлик, шиалик ва хорижийлик каби асосий оқимларни вужудга келтирган. Бугунги кунда ҳам ислом халифалигини қуриш байроғи остида турли мақсад- муддоларни қўллаётганлар оз эмас.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама. Аслида “фундаментализм” сўзи 20-аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охири пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Ислом фундаментализми турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган ғоялар - гўёки динсиз ёки “соф исломдан чекинган” давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, ва ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда “ширк” (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг руҳи-поklarини хурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида будпарастликка киради. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол кўрсатмоқда.

ИСМОИЛИЙЛАР (ар.) – VIII аср ўрталарида Араб халифалигида шиа оқими орасида шаклланиб, X-XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган диний мазҳаб тарафдорлари. Мазҳаб шиаларнинг имоми Жаъфар ал-Содиқнинг катта ўғли Исмоил номи билан боғлиқ. Имом Жаъфар катта ўғли Исмоилни ворисликдан маҳрум қилиб, кичик ўғлим Мусо ал-Козимни

ворис қилиб тайинлагандан кейин бундан норози бўлган Исмоил тарафдорлари Жаъфар вафотидан

ИҚТОЪ (ИҚТАЪ) (ар.) — ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида хукмдор томонидан феодалга катта хизматлар эвазига инъом қилинган чек ер. Одатда, иқтоъ умрбод берилмай, хукмдор уни истаган вақтида қайтариб олиб, бошқа кишига тортиқ қилиши мумкин бўлган. Иқтоъ ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII аср охирига мансуб араб манба, амирига идора қилиш учун берилган вилоятлар ҳам иқтоъ деб атала бошлаган. Амир ўзи хукмронлик қилаётган ушбу вилоятлар солиғини бутунлай ёки қисман ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлган. Иқтоъ ерлари давлат мулки ҳисобланган. Лекин IX асрдан бошлаб феодалнинг хусусий мулкига айлана бошлаган. Темурийлар даврида иқтоъ ўрнида тиюл ва суюрғол, бобурийлар салтанати даврида эса жогир атамалари қўлланилган.

КАЛТАТОЙ – ўзбек халқининг таркибига кирган уруғлардан бири. Калтатой ўзбеклар таркибидаги «турк» деб аталувчи этник гуруҳнинг бўлинмаларидан бири бўлган. Калтатой яна бир қанча кичик уруғлар (муаззамини, махатори, мирза калтатой)га бўлинган. Шўролар истибдоди ўрнатилганга қадар калтатойлар Фарғона водийсида, Нурота ва Молғузар тоғларининг ён бағирларида, Зарафшон водийсининг ўрта оқимларида, Сурхон-Қоратоғ дарёларининг юқори ва ўрта оқимларида яшаганлар. XIX аср охири - XX аср бошларида калтатойлар батамом ўтроқлашиб ўз уруғ номини унутганлар. Ҳозир фақат айрим кексаларгина ўтмишда калтатой уруғига мансуб бўлганларини эслайдилар.

КЕНАГАС, (КЕНЕГАС) – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Кенагас таркибида бир қанча кичик қabila ва уруғлар бўлган. Шулардан энг йириклари очамаили, кирей, абак кирей, овоқли, тарокли, чуют, қайри солилардир. Кенагасларнинг асосий қисми XVII-XIX асрлар давомида Қашқадарёнинг юқори ҳавзасида яшаб, Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Амирлик тобелигидан чиқиш ва ўз мустақил беклигини ўрнатиш учун кураш олиб борганлар. Бу кураш манғитлар сулоласи хукмронлиги ўрнатилгач, яна ҳам кескинлашди. Манғитлар сулоласининг биринчи хони Муқаммад Раҳимхон (1753-1759) бир неча ўзбек қабилаларини, жумладан, кенагасларнинг катта бир қисмини ўз ерларидан мажбуран Ҳисор вилоятига кўчирган.

Амир Насрулло хукмронлиги даврида (1826-1860) феодал жанжаллар оқибатида кенагаслар яшаган Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари мустақилликка эришди. Кенагаслар ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ниятида 27 йил давомида амир аскарлари билан курашдилар. 1856 йилда Амир Насрулло қушинлари Шаҳрисабз ва Китобни олади, кенагасларни раҳмсиз қиради. Омон қолганлари тоққа қочиб жон сақлайдилар. Насрулло вафотидан сўнг, 1860 йилда кенагаслар яна қўзғолон кўтардилар. Бу курашга Шаҳрисабз ҳокими Бобобек ҳамда Китоб ҳокими Жўрабек бошчилик қилади. Кенагаслар Шаҳрисабз ва Китобни эгаллайдилар. Бирок 1870 йилда чор ҳукумати қўшинлари ёрдамида бу шаҳарларда Бухоро амири хукмронлиги қайтадан ўрнатилади.

КУБРАВИЙЛИК – ўрта асрлардаги сўфизм оқимларидан бири. Нажмиддин Кубро асос солган. Ўрта Осиёда, қисман, Эронда тарқалган кубравийлик оқимиغا мансуб сўфийлар ўртасида овоз чиқармасдан зикр қилиш амалда бўлган. Уларнинг тариқати Қуръони Каримни мажозий ва мистик талқин қилишга асосланган.

ЛАЙЛАТ УЛ-ҚАДР (ар.) – рамазон ойининг 27-кунга ўтар кечаси. Ислом динига сиғинувчилар ҳар йили шу кечада Оллоҳ ҳар бир инсоннинг ибодат пайтида илтижо қилган тилагини ҳисобга олиб, унинг тақдири қақида ҳукм чиқаради деб тасаввур қиладилар. Мана шунинг учун ҳам Лайлат ул-қадр кечасини Қуръон ўқиб, Оллоҳга илтижо қилиб, дуо ва ибодат қилиб ўтказиш расм бўлган.

МАЖОР (МОЖОР) – ўзбек халқи таркибига кирган уруғлардан бири. Мажор уруғи XIX аср охири - XX аср бошларида Самарқанд атрофидаги тоғ ён бағирларида ва Нарпай ариғи бўйларида, Шаҳрисабз воҳасида яшаган. Бундан ташқари, ўзбек-саройлар таркибига кирган уруғлардан бирининг номи ҳам мажор (мажор-сарой) бўлган. Баъзи олимлар ўзбеклар таркибидаги мажорларнинг илк аجدодлари қадимдан Кама дарёси бўйларида яшаб, кейинчалик венгрлар эногенезида муҳим роль ўйнаган мажор қабилалари билан алоқадор бўлса керак деб ҳисоблайдилар.

МАЗДАКИЙЛИК – диний-фалсафий таълимот. Асосчиси – Маздак. Маздакийлар ҳаракати Эронда кенг тарқалган. Маздакийлик таълимоти ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган. Шунинг учун у маздакийлик ҳаракатининг мафкураси сифатида хизмат қилган. Маздакийлар ҳаракати бостирилган бўлса ҳам (VI аср), маздакийлик таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Ўрта Осиё ва Озарбайжондаги деҳқонларнинг ва шаҳар камбағалларининг (Муқанна, Бобак қўзғолонлари) кураш байроғи бўлиб қолган.

МАЗҲАБ (ар.) – шариат мазҳаблари; исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. VIII-IX асрларга келиб, шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик – фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда 4 та мазҳаб – ханафия, маликия, шофиъи, ханбалия; шиаликда битта мазҳаб – жаъфария сақланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний секталардан фарқ қилади. Мазҳаблар умуман диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида энгилроқ ёки каттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир Ўрта Осиёда ханафия мазҳаби ҳукмрон.

МАРОКАНД – Самарқанднинг юнонча номи. Милод. авв. VII-VI асрларда Мароканда ўрнида мудофаа деворлари билан ўралган қишлоқ бўлган. Юнон тарихчилари Арриан, Квинт Курций Руф ва Страбоннинг маълумотларига кўра, Александр Македонский милод. авв. 329 йилда Сўғдиёна пойтахти Марокандани забт этиб, вайрон қилган, сўнгра ўзининг ҳарбий гарнизони учун қалъани қайтадан тиклаган. Сўғдийлар Спитамен бошчилигидаги бу босқинчиларга қарши мардларча курашган. Страбоннинг маълумотларига кўра, қўзғолон бостирилгандан сўнг Александр

Македонский Марокандани яна вайрон қилишни буюрган. Мароканда кейинчалик Симизкент, Самарқанд номини олган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ - Осиё материгининг ички қисмидаги табиий область. Майд. 6 млн. км². Шим. ва ғарбий чеккаси Монголия, ХХР б-н РФ ўртасидаги давлат чегарасигача бўлиб, шарқи Катта Хинган, жан. эса Тибет худўдидаги Цангпо (Брахмапутра) дарёси ва Ҳинд дарёсининг юқори қисми б-н ўралган. М.О. денгиз сатҳидан анча баланд жойлашган. Рельефи кенглик бўйлаб чўзилган тоғ тизмалари (Монголия Олтойи, Хангай, Хэнтэй, Тяньшан, Наньшан, Куньлун) ва кенг ҳамда анча чуқур ботиклар (Жунгория, Ғарбий Монголиядаги Катта Кўллар сойлиги, Тарим, Цайдам)дан иборат. Айрим жойларида мутлақ баландлик денгиз сатҳидан паст (мас, Турфон ботиғи —154 м). Қум ва шағалли баланд текисликлар, кичик тоғ кўп. Иқлими ҳамма ерда кескин континентал, чўл иқлими; ёғин кам, йилига ўртача 100—200 мм, марказий қисмларида 10—30 мм, чеккаларида 300—400 мм, жан.-шарқида, Тибет тоғларининг четларида 1000 мм ва ундан ҳам кўпроқ. Қишда антициклон таъсирида қаттиқ совуқ бўлади, янв.нинг ўртача т-раси —10°, —25°, энг паст т-ра —50°, —52°. Тяньшан, Наньшан, Қоракурум тоғларида музликлар бор. Селенга, Иртиш, Хуанхэ, Янцзи, Брахмапутра, Ҳинд, Меконг, Тарим, Хайдикгол, Кобдо, Тэс, Манас, Урунгу, Эдзин-гол дарёлари тоғлардан бошланади. Чучук сувли энг катта Хубсугул оқар кўлининг майд. 2620 км², энг чуқур жойи —238 м. М.О.да Гоби, Такла-. Макон, Алашань ва б. чўллар катта майдонни эгаллаган. Чўл ва чала чўллар баланд тоғларгача кўтарилиб боради. Баландлик минтақалари Наньшаннинг шарқий қисмида, шарқий Тяньшаннинг шим. ён бағирларида ва Монголия Олтойининг жан.-ғарбий ён бағирларида учрайди. Хангай, Хэнтэй тоғлари ва Тибет тоғлигининг жан.-шарқий четларида анчагина ўрмонлар бор.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ — давлатлараро минтақавий иқтисодий ташкилот. 1993 й. июль ойида Ўзбекистон Республикаси б-н Қозоғистон Республикаси ўртасида www.ziyouz.com кутубхонаси **229** 1994—2000 й.ларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида битим имзоланди. Интеграция жараёнларига шароитлар яратиш мақсадларида 1994 й. 10 янв.да Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисида Шарт-нома тузилди. Шартномага 1994 й. 16 янв.да Қирғизистон қўшилди. 1996 й. 23 авг.да Олмаота ш.да ўтказилган Давлатлараро кенгаш мажлисида Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси кузатувчи (1998 й. 26 мартдан аъзо) сифатида ташкилотга қабул қилинди. 1998 и. 17 июлда Чўлпонота шаҳрида (Қирғизистон) Ягона иқтисодий маконни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома иштирокчилари — Марказий Осиё давлатларининг минтақавий бирлашмаси «Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти» номини олди. 1999 й.дан давлатлараро кенгашда Грузия, Туркия, Украина кузатувчи мақомида иштирок эта бошлади. Минтақа мамлакатларининг ягона иқтисодий маконни шакллантириш, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги масалаларида, минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, интеграцион жараёнларни, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижти-мой маданий ва

б. соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримов томонидан ҳамжамият фаолияти доирасини кенгайтириш ва уни «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти деб аташ таклиф этилди ва бу таклиф Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон Республикалари давлат бошлиқларининг Тошкент баёнотида (2001 и. 28 дек.) ўз ифодасини топди. Давлат бошлиқларининг Олмаота учрашувида (2002 й. 28 фев.) «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотини тузиш ҳақида Шартнома имзоланди. Миллий мувофиқлаштирувчилар институтга ташкил этилди. МОҲни ташкил этишнинг асосий мақсадлари: қатнашувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан ва сув хўжалиги объектларидан рационал фойдаланиш; транспорт тизимининг умумминтақавий инфратузилмасини барпо этиш (қ. Европа—Осиё транспорт йўлаги); ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш; гуманитар соҳада ва экологик муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик; минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш. 2002 й.да МОҲ давлат бошлиқларининг 4 марта учрашуви бўлиб ўтди (Олмаота — 28 фев.; Оқтов — 6—7 июль; Душанба — 5—6 окт.; Остона — 27 дек.). 2002 й. 18 ноябрда Тошкентда МОҲ ташкилоти мамлакатлари парламентлари аъзоларининг давлатлар қонунчилик базаларини яқинлаштиришга қаратилган учрашуви, 2002 й. 28—29 ноябрда МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ва тадбиркорларнинг Марказий Осиё ҳамкорлиги — иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш мавзуида бизнес форуми ўтказилди. МОҲ ташкилоти доирасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган.

МАРҒИЁНА – Мурғоб дарёси водийсидаги қадимий вилоят. Марғиёна ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк ёзма манбалар - «Авесто» ва «Бихустун» қоятош ёдгорлигида келтирилган. Марғиёна ғарбда Парфия, шимоли-шарқда – Сўғд, шарқда – Бақтрия, жанубда – Ария билан чегараланган. Пойтахти Қадимғи Марв ҳудудида жойлашган. Милод. авв. VI аср ўрталарида Марғиёнани ахамонийлар истило қилади. Доро I ҳукмронлиги даврида Марғиёна аҳолиси ўзи сайлаган Фрада исмли лашкарбоши раҳбарлигида ахамонийлар зулмига қарши кўзғолон кўтарган. Доро I кўшинлари кўзғолончиларнинг кўпини қириб ташлаб, кўзғолонни бостирган. Марғиёнанинг маркази вайрон қилинган. Мил. авв. 328 йили Марғиёнани Александр Македонский истило қилган. Милод. авв. III аср ўрталарида Марғиёна Грек-Бақтрия подшолигига тобе бўлган. Орадан 100 йилча ўтгач, бу ерни Парфия давлатининг подшоси Митридат I эгаллаган. Милодий асрдан Марғиёна Кушон подшолиги таркибига кирган. I асрда Эрон босиб олган. Кейинги ёзма манбаларда Марғиёна Марв вилояти ва воҳаси номи билан тилга олинади.

МАССАГЕТЛАР – Каспий орти ва Орол денгизи яқинида Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида милод. авв. V-IV асрларда яшаган қабилалар

гуруҳининг умумий номи. Массagetлар тўғрисида фанда ҳар ҳил қарашлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, массagetлар номи «масуо» - «балиқ» номидан келиб чиққан бўлиб, «балиқхўрлар» маъносини билдиради. Кейинги текширишлар натижасида массagetларнинг «мас», «сака» ва «та» сўзларидан иборат бўлганлиги ва сакларнинг катта уюшмаси деган маънони билдириши аниқланган. Юнон тарихчиси Геродотнинг таърифлашича, массagetлар пиёда ва отда жанг қилганлар, улар отларнинг кўкракларига совут кийдирганлар. Массagetлар ўз подшоси Тўмарис бошчилигида Эрон босқинчиларига қарши қаҳрамонларча курашганлар.

МАҲАЛЛА – (арабча –жой, ўрин, макон) кишиларнинг муайян ҳудудда биргаликда яшашлари туфайли юзага келган бирлиги, уюшмаси, жамоаси. Дастлаб шаҳарларда шаклланган бирлик. Маҳалла –йирик жамоадир. ўтмишда маҳалаларда асосан маълум бир касб-кор одамлари истиқомат қилишган. Маҳаллалар ҳам шунга қараб айтайлик “Заргарлик”, “Мисгарлик”, “Темирчи”, каби номлар билан аталган. Ҳозирги кунда маҳаллаларда бундай “ихтисослашув” йўқ. Шу билан бирга, ҳамкасблар кўпчиликини ташкил этадиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Буни пойтахтдаги “Профессорлар”, “Шифокорлар”, “Ишчилар” каби маҳалла номларида ҳам кўришимиз мумкин.

Оиланинг фаровон ва ҳар томонлама ривожланишида айниқса, ёш авлод тарбиясида маҳалланинг ўрни катта. Зеро, ўсмирлар одобни, муомола маданиятини дастлаб оилада, кейин маҳаллада ўрганадилар.

Халқимизда кўшнилари билан тинч –тотув яшаш азалдан қадрланиб келади. “кўшнинг тинч – сен тинч”, “Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги кўшнинг афзал”, “Ҳовли олма –кўшни ол” каби мақоллар ана шундан далолат беради. Маҳалла-кўй, кўшнилари яхши-ёмон кунларда доимо ёндошдир.

“Маҳалла” хайрия жамғармасининг тузилиши маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи эканини яна бир бор тасдиқлади, унинг зиммасига замон талабларидан келиб чиқиб, янги вазифалар юклади. Кўп қаватли бинолар жойлашган ҳудудларда ҳам янги-янги маҳаллалар тузилгани, республикамизда яшовчи бошқа миллат вакиллари орасида ҳам маҳалла удумларининг кенг ёйилгани қувонарли ҳолдир. Эндиликда илғор фикрли кишилар бошчилик қилаётган маҳаллалардаги жамоатчилик фикри муайян маънавий куч бўлиб қолмоқда. ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида кишилар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла – аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси, деб ҳам аташ мумкин.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд айниқса, миллий кадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни бекиёс.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК - кишиларда ўзлари туғилиб ўсган жой билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ҳудудий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлиши. У кишиларнинг уруғ-аймоқчилик ва қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган бирлигини ҳам англатади. Маҳаллийчиликнинг энг номақбул томони маҳалла, ҳудуд, минтақа манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйишдир. Жамиятда бундай қараш ва муносабатлар тизимининг мавжуд бўлиши давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, барқарорлиги, ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатади. Маҳаллийчиликнинг кучайиши ўз навбатида ҳудудларнинг ўзини-ўзи чегаралаб қўйишига, мавжуд хўжалик ва ижтимоий алоқалар тизимининг кучсизланишига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий таназзулига олиб келиши ҳам мумкин. Шунингдек, давлат ичида муайян ҳудуд ўзининг устунлигини таъминлаш мақсадида, ўзларига бузғунчилик ғояларини шиор қилиб ҳокимият учун курашадиган экстремистик ва қўпоровчилик гуруҳларини вужудга келтириши ҳам мумкин.

Маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият учун хавфлилигини тушунган ҳолда унинг келиб чиқишини олдини олиш ва бинобарин, бу иллатга йўл қўймаслик муҳим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда миллий истиқлол мафкурасининг ўрни бекиёсдир. Бу мафкура ўз аҳамиятига кўра жамиятимизда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларнинг асосий мақсадлари ва орзу-умидларини амалга оширишга хизмат қилади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ғояларига қарши кураша олади. У халқнинг маънавий камолотига, маърифатига асосланиб, кишилар онгида умуммиллий ғурур туйғуси билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшайдиган ватандошларимизнинг маданияти ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашга даъват этади.

МЕХТАР (ар.) – Бухоро амирлигида закотчилар бошлиғи. Қўқон ва Хива хонлиқларида давлат хизматчиси. Шунингдек ўтмишда сарой созандаларининг бошлиғи, етакчи созанда. Темурийлар замонида меҳтарлар ноғорачилардан, кейинчалик сурнайчилардан тайинланган.

МИНГ (т.) – Ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Самарқанд вилояти, шунингдек Фарғона водийси ҳамда Бухоро воҳасида, айрим гуруҳлари тарқок ҳолда Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Музробод, Денов туманларида яшаганлар. Минглар учта йирик уруғга бўлинганлар: 1. Туғали. 2. Боғлон. 3. Увоқ тамғали. Бу уруғлар ўз навбатида яна бир неча майда уруғларга бўлинган. Минглар Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмида кўчиб келганлар ҳамда Ўрта Осиё хонлиқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. Мингларга мансуб йирик феодаллар 1709 йилда Фарғона водийсида янги давлатга – Қўқон хонлигига асос солганлар. Минглар

сулоласи ҳукмронлиги 1876 йилга қадар, яъни Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгунга қадар ҳукм сурган.

МИНГБОШИ (т.) – ҳарбий ва маъмурий унвон. Қўқон хонлигида хондан кейинги мансаб. Асосан ҳарбий ишлар билан шуғулланган. Хива хонлигида мингбошилиқ энг кичик амал ҳисобланган. Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило этилгунга қадар Тошкент, Оқмачит каби шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам мингбоши деб аталган. Россия империяси мустамлакаси йилларида Тошкент даҳаларининг бошлиқлари ҳам мингбоши дейилган. Даҳа мингбошиси аҳоли томонидан сайланиб, вилоят беги тарафидан тасдиқланган. Кейинчалик мингбоши олди-сотди ишларини назорат қиладиган мансабга айланиб қолган.

МИРОХУР (ар.ф.-т.) – Бухоро амирлигида юқори босқичдаги б-даражали мансаб бўлиб, хон отхонасининг бошлиғи бўлган. У саройдаги отхоналар ва от-улов маҳкамасига жавобгар бўлиб, дастурхончи ва парвоначидан кейинги мансабдор шахс ҳисобланган.

МИСҚОЛ (ар.) – оғирлик ўлчови. Шарқ мамлакатларида қимматбаҳо тошларнинг вазнини аниқлаш учун ишлатилган ўлчов бирлиги. VI-VIII асрларда Самарқандда бир мисқол 4,6 граммга, ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудида бир мисқол 4,25 граммга тенг бўлган. XIX-XX асрларда Фарғонада бир мисқол 4,53-4,55 граммга тенг бўлган оғирлик ўлчови ҳисобланган.

МОВАРОУННАХР (ар.) – арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси дарё орқасидаги ер деган маънони билдиради. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Амударёдан шимолгача қараб чўзилган Ўрта Осиё ерларини “Мовароуннаҳр” деб аташган.

МОНИЙ – Шопур даврида милодий 242 йили пайғамбарликка даъво қилган рассом. Муқаддас китоби «Аржанг». Баҳром I даврида ўлдирилган.

МУШРИФ (ар.) – зиммасига амирлар ва мансабдорлар, шунингдек, шахзода ҳамда султонларнинг ҳатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб туриш вазифаси юкланган олий мансабдор. Подшоҳ ва хоннинг кўз қулоғи.

МУХТАСИБ (м.-т.) – мусулмон мамлакатларидаги амалдор. Кўпинча сайидлардан тайинланган. У аҳолининг урф-одатларга амал қилиши ҳамда бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиб турган. XIX-XX асрларда Бухорода мухтасиб раис деб ҳам аталган.

НАЙМАН – ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқларининг таркибига кирган йирик қабила уюшмаси. Ўзбек найманлари Зарафшон воҳаси, Фарғона водийси ва Хоразмда яшаганлар. Ўзбек найманлари XIX аср охирида 3 та йирик уруғга бўлинган: қуштамғали, садирбек ва увоҳ тамғали. Булардан ташқари, найманларда қуйидаги уруғ бўлинишлари ҳам мавжуд бўлган: ағрон, айрончи, бадир, бия, боғонали, болтали, буқалай, бурунсов, жағалбайли, жастовон, жилоили, жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, пўлотчи, сагиз урув, сари найман, тўртуул, тўрт тамғали, ургуч, чанғали, чўмичли, ғозоёқли, қора найман, қора гадой, қора сирак, қарғали, қил тамғали, қўл тамғали ва бошқалар.

НАМОЗГОҲ – мусулмонлар байрами – хайит ва фитр кунлари намоз ўқиладиган жой, масжид. Бундай кунларда намозхонлар шаҳар масжидларида сиғмаганликларидан шаҳар ташқарисида намозгоҳ қурилган. Намозгоҳ анъанавий услубда қурилиб, кўпинча уларда меҳроб деворига тақаб пешайвон солинган ва супача қилинган. Супачада сўфи имомнинг ўқиганларини айвон ташқарисида саф тортиб намоз ўқиётганларга эшитарли қилиб баланд овоз билан такрорлаб турган.

ОЙТАМҒАЛИ – ўзбек халқи таркибига кирган дўрмон, қипчоқ, қурама, кўнғирот, нурота туркманлари ва бошқа йирик қабилалар таркибига кирган йирик уруғлардан бири.

ОЛТИН ЎРДА – тарихий манбаларда Жўчи улуси деб ҳам юритилади. XIII асрнинг 40-йилларида Чингизхоннинг набираси Жўчихоннинг ўғли Ботухон (1208-1255) томонидан босиб олинган Шарқий Европа Жўчи улусига қўшилгач, ташкил топган давлат Олтин Ўрда деб аталган. Олтин Ўрдага Қуйи Дунай ва Фин култиғидан то Иртиш хавзаси ва Обнинг қуйи оқимигача, Қора, Каспий, Орол денгизларни ҳамда Балхаш қўлидан Новгород ерларигача бўлган жойлар кирган. Рус ерлари Олтин Ўрдага вассал, яъни қарам бўлган. Олтин Ўрданинг пойтахти дастлаб ҳозирги Астрахан шаҳри яқинидаги Сарой Боту, кейинроқ эса ҳозирги Волгоград яқинидаги Сарой Берка шаҳарлари бўлган. XV асрнинг 20-йилларида Олтин Ўрдани Сибирь хонлиги, Қозон хонлиги (1438), Қрим хонлиги (1443), Нўғой хонлиги (1440) ва Астрахан хонликлари ажралиб чиққан.

ОТАЛИҚ (т.) – дастлаб салжуқийлар сулоласи даврида (1038-1194) хон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. Оталиқ «Ота ўрнига ота» деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етганларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи оталиқлар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1599-1753) Балхда Маҳмудбий оталиқ (XVIII аср бошлари), Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1753-1920) Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1753—1758) мана шундай йўл орқали ҳокимиятни эгаллаган.

ПОДШОҲ (қад. эр.) – 1. Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мамлакат ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб қадимги Эронда қўлланилган. Подшоҳлар чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган, аммо XX асрнинг бошида уларнинг аввалги мавқеи йўқолган. 2. Ўрта Осиё ва Эронда ёзилган тарихий манбаларда ва ҳар хил адабий тазкира ва рисолаларда қайд қилинишича, Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган туркий халқларнинг лавлат бошлиқлари.

ПОНСАД (т.) – Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган ҳарбий унвон. Понсад 500 кишидан иборат отрядга қўмондонлик қилган. Қўқон хонлигида мавжуд бўлган мансаблар ичида 16-ўринда, ҳарбий унвонлар орасида эса мингбошидан кейинги ўринда турган. Понсад одатда, хон ва бек томонидан тайинланиб, баъзи солиқлардан қисман ёки бутунлай озод қилинган ҳамда унга ҳар йили икки марта маълум миқдорда ғалла, пул ва сарполар берилган.

ПАНИСЛОМИЗМ – XIX асрнинг охирида Ўрта Шарқдаги мусулмонлар мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси Жамол ад-дин ал-Афғоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонлар бирлиги ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Панисломизм тарафдорлари мустамлакачиларга қарши фаол тарғибот олиб борганлар, махфий ташкилотлар тузгандар, рўзнолар нашр қилганлар. Айни вақтда, панисломчилар диний ислоҳчилик мавқеида туриб, ислом динини давр талабларига мувофиқ ислоҳ қилишга ҳам интиланганлар.

ПАНТУРКИЗМ – XIX аср охири – XX аср бошларида Туркиянинг буржуазия-помешчик доиралари орасида ташкил топган оқим. Пантуркизм Болқон ярим ороли, ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказorti ва Волга бўйларида яшаб, туркий тилларда сўзлашувчи халқларни Туркия ҳимояси остида бирлаштириш ва «Улуғ Турон» давлатини тузиш ғоясини олға сурган. Ўрта Осиё, Кавказorti ва Татаристон жадиidlари пантуркизм ғоясидан туркий тилларда сўзлашувчи халқларни мустамлакачиликка қарши кураш йулида фойдаланишга ҳаракат қилганлар, аммо бу ҳаракат натижасиз тугаган. Кейинчалик кўпгина маҳаллий зиёлилар шўролар ҳукумати томонидан пантуркичилик тамғаси билан қатағон қилинган.

РАДДИЯ (ар.) – бирор хабар ёки маълумотни инкор этувчи, унинг ёлғон ва асоссиз эканлигини исбот қилувчи расмий ҳужжат, эълон.

РАИС (ар.) – Ўрта Осиё халқларида XX асрнинг биринчи чорагигача мавжуд бўлган мансаб. Раис баъзида бошқача ибора билан ҳам юритилиб, у мухтасиблик деб юритилган. Бухоро амирлигида диндорлар раёсатида раис лавозими қозикалондан кейин иккинчи ўринда турган. Раиснинг вазифасига бозорлариинг нарх-навоси, торози ва аршинларнинг тўғрилигини назорат қилиш, ҳисоб-китобини аниқлаш, шаҳар атрофидаги аҳолининг шарият қонун-қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини текшириш, даъволарини эшитиш, намозхонлар ва қиморбозларнинг сонини аниқлаш ва улар билан ишлаш, муаззинларни вазифага тайинлаш, йўлларни тузатишлар кирар эди.

РАИЯТ (ар.) – Шарқ мамлакатларида феодализм даврида дастлаб барча фуқаро, кейинчалик солиқ тўловчи табақалар – деққон ва шаҳарликлар; ундан кейинги даврда феодалларга тобе, феодал ерига бириктирилган хирож тўловчи деҳқонлар гуруҳи. Деҳқонларнинг бу тоифаси аввало Мисрда, III асрда Ўрта Осиё, Эрон, Ироқда, XVI асрда Усмонли турк империясида расман эркин ҳисобланган бўлсада, бир феодалдан иккинчисига ўтиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

РУМ – Рим империясининг ўтмишда Шарқ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган номи. Милод. авв. IV асрда Рим империяси парчалангач, «Рум» атамаси Византияга нисбатан қўлланиладиган бўлди. XIII-XV асрларда мусулмон тарихчилари Византияни Рум деб атаганлар.

САКЛАР (ШАКЛАР) – милод. авв. 1-мингйиллик ва милоднинг бошларида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг шимоли-шарқий районларида яшаган чорвадор қабилалар. Массagetлар ва скифларга қардош. Қадимги форс манбаларида саклар уч гуруҳга бўлинганлиги кўрсатилган: 1)

сака-хаумаварка – Ўрта осие вохаларида, дашт ва тоғларида ўтроқ яшаган; 2) сака-тиграхауда (чўкки қалпоқли саклар) ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисмларида яшаган; 3) сака-тиай-тарадарайя – Сирдарёнинг қуйи оқими, Орол ва Каспий денгизи шимолида яшаган. Аҳамоний подшоларидан Кир II ва Доро I сакларнинг турли қабилалари билан уруш олиб борган. Саклар форслар армияси таркибида юнон-форс урушларида қатнашган, Александр Македонский, сўнгра салавкийлар ўзларининг Ўрта Осиедаги мулкларига хавф солган сакларга қарши кураш олиб борганлиги манбаларда қайд қилинган. Милод. авв. II аср ўрталарида саклар бошқа кўчманчи қабилалар билан бирга Парфия подшолиги ерларига бостириб кирганлар. Аммо улар қаттиқ қаршиликка учраб Даранғиёнага сиқиб чиқарилган. Саклар Даранғиёнада ўтроқ жойлашганлиги учун унга Сакистон, яъни саклар мамлакати деб ном берилган.

САРРОЖ (ар.) – I. Ўтмишда от-арава абзалларини сотувчи савдогар. 2. Шундай абзалларни ясовчи уста. Кейинчалик саррожлик касбидан эгарсозлик, югансозлик, тўқимдўзлик, бўйинчадўзлик каби касб тармоқлари ажралиб чиққан.

САРҲАНГ (ф-т.) – XIX асрда Хива хонлигида қўлланилган ҳарбий-тарихий атама. Ўша даврда хонликдаги қалъалар атрофига душман отлиқлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиқлар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик қилган шахс сарҳанг деб аталган.

СОҲИБ БАРИД (ар.) – ўрта асрларда Бухорода ҳукм сурган мансаб. Алоқа, яъни хат-хабар ишлари бошлиғи ҳисобланган.

СОҲИБҚИРОН (ар.) – 1. Қуёш тизимидаги катта сайёралардан иккитасининг бир-бирини тўсиши пайтида туғилган одам. Ривоятларга қараганда. Амир Темур икки шарофатли юлдуз – Зухро ва Муштарий сайёралари бир-бирларига яқинлашган пайтда туғилган экан. Мунажжимларнинг фикига кўра, бундай одам бахтли, улуғ мартабали бўлиши муқаррар саналган. Амир Темурнинг Соҳибқирон деб аталиши ҳам шундан. Соҳибқирон сўзининг асл маъноси «бахтиёр подшоҳ», «қудратли подшоҳ» демакдир. 2. Шарқ мамлакатларида обрўли, ғолиб подшоҳларга берилган унвон. Ўрта Осиеда дастлаб Амир Темурга шундай унвон берилган.

СУЮРҒОЛ (м.-т.) – бирор ҳукмдор томонидаи алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилган инъом. Суюрғолга берилган ер наслдан-наслга мерос бўлиб ўтган. Унинг эгаси давлат солиқларидан озод этилиб, олган даромади ва маҳаллий аҳолидан ўз нхтиёрича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўрта Осиеда суюрғол Амир Темур ҳукмронлиги даврида (1370-1405) кенг тус олган. Амир Темур забт этган мамлакатларнинг айрим вилоятларини шу ерларнинг собиқ эгаларига, ўз ўғилларига, невараларига, шу ерларнинг собиқ эгаларига, ўз ўғилларига, невараларига, баъзан алоҳида хизмат кўрсатган амирларига, қўшин бошлиқларига суюрғол қилган. XVI асрдан бошлаб суюрғолнинг аввалги тартиби ўзгарди. Шайбонийлар ҳукмронлигининг сўнгги йиллари ва аштархонийлар ҳукмронлиги даврида айрим қишлоқлар, ер майдонлари, ҳатто шу ерлардан ундирилсак солиқларнинг бир қисми ҳам суюрғол тариқасида бериладиган бўлди. XVIII-

XIX асрнинг биринчи ярмида суюрғол характери тубдан ўзгариб, унинг фақат меросийлиги сақланиб қолди.

ТАВОЧИ (м.) – XIII-XVII асрларда Ўрта Осиё ва Эронда хон ва подшоҳлар саройида хизмат қилган олий ҳарбий мансабдор. Тавочи зиммасига ҳарбий юриш кўзда тутилганда тобе вилоятлардан озик-овқат, курол-аслаҳа, от-улов билан белгиланган миқдорда лашкар тўплаб келиш, ҳарбий юриш олдидан ҳамма қўшинларни кўриққа ҳозирлаш, ҳарбий юриш вақтида дам олиш ва уни ўтказиш учун қўшинни қулай ўринга жойлаштириш, душман қароргоҳига яқинлашиб, уни қамал қилувчи қўшинларни жой-жойига қўйиш, асирлар ва жинойтчиларнинг жазоланишини назорат қилиш, қамал хавфи туғилганда теварак атроподаги кишлоқлар аҳолисини қалъага кўчириб келиш каби вазифалар юкланган.

ТАРИҚАТ (ар.) – сўфийликка хос атама бўлиб, уч маънода ишлатилган: 1) умуман сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг муайян тармоғи, йўналиши; 3) сўфийлик босқичларидан бири. Тариқатни сўфийлик йўналишлари, тармоқлари маъносида қўллаш кенгроқ тарқалган. Тариқатга кадам қўйиш – тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиш ҳамда ихтиёрни пирга топширишдан бошланади. Ўрта Осиёда нақшбандийлик, кубравийлик, яссавийлик тари-қатлари тарқалган.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” - Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятдан маълумот берувчи, унинг давлат тузилиши ва уни бошқариш хусусидаги қарашлари баён этилган манба. Асар икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан иборат. қўшиннинг жанговар тартиби жадваллар воситасида ифодаланган. Иккинчи қисмдаги 13 кенгаш ва унинг бўлақларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади. Асар муаллифи зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. „Темур тузуклари“ муаллифининг фикрига кўра, ҳар бир тождор ўз давлатининг таянчи бўлган ижтимоий - сиёсий гуруҳларга суянган ҳолда иш олиб бориши, уларнинг ёрдамида раият, қўшин ва давлатни идора қилиши зарур.

Амир Темур давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва вилоят волийларига алоҳида аҳамият берган. Вазирлар, асар муаллифининг фикрича, қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари шарт: 1) асиллик ва тоза наслик, буюклик; 2) ақлу фаросат; 3) сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик ва уларга ҳушмуомалада бўлиш; 4) сабру бардошлилик ва мулойимлик.

Амир Темур ободончилик, кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантиришга катта эътибор берган. Хусусан, асарда “Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафдан обод қилинсин, агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устида

кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар курсинлар”.
– деган фикрларни ўқиймиз.

“Темур тузуклари”ни ўқиб Амир Темурга хос бўлган муҳим фазилатлар билан ҳам танишиш мумкин. Жумладан, “Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим”, - деб ёзади у. Асарда бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Бугунги кунда - миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда “Темур тузуклари” муҳим назарий манбалардан бири сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

ТЕРРОРИЗМ – (лотинча. теггог – кўрқув, даҳшат) – маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. кўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, группавий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай “байроқ” остида амалга оширилмасин, моҳиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқотиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларидадан фойдаланилади.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телеэкранлар орқали доимий намоёиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган “вируслар”ни тарқатиш бунга мисол бўла олади.

ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни қўлга киритишни кўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва қўпоровчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий терроризм нафақат жиноятчи гуруҳлар, ҳатто баъзи реакцион агрессив руҳдаги расмий сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Чоризм империясининг колониал ва шовинистик сиёсати, совет империясининг ғоявий қатағонлари халқимизга қарши ўзига хос террор эди. Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатан ғараз ният билан қаровчи “ёвуз” кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан чалғитишга, бизни қарамликка, асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, террорчиликни “касб” қилиб олган, “буюртма” бўйича қўпоровчилик ва босқинчилик билан шуғулланувчи ёлланма халқаро террорчи, жиноятчи

гуруҳлардан ҳам фойдаланилмоқдалар. 1999 йил февраль воқеалари, Америка қўшма Штатларида 2001 йил 11 сентябрда содир бўлган воқеалар террорчилар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларини кўрсатиб турибди.

Терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин, қандай шиорлар билан ниқобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона моҳиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятини очиқ ташлаш онгли, ҳурфикрли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

ТОТАЛИТАРИЗМ (totalitare- бутунлик, тўлалик, мукаммалик, totalis жами, тўла) – жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам гуруҳ, манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиладиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклланадиган давлат тузуми. Тоталитар бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошқора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бу ғоя тарафдорлари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни ташкил қилиш, мамлакатни бошқаришда яққою ягона куч ёки партиянинг ҳукмронлигини таъминлашга, алоҳида эътибор бердилар. Жамиятда барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан тўла назоратни ўрнатиш, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини марказий ташкилот томонидан белгилаб берилиши, давлатга раҳбарлик қилишни яққо шахс қўлида тўплашдек ғоялар устувор қилади, Тарихдан маълум бўлган фашистик тузумлар ва собиқ Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқдошлари бунга мисол бўлиши мумкин. Тоталитар бошқарув тизимидаги давлатда жамиятнинг барча соҳаларида муайян мафкуранинг яққо ҳокимлиги мавжуд бўлади. Мафкура яққо ҳокимлиги бўлган жамиятнинг эса келажаги йўқ. Тоталитар тузум эрта ёки кеч –ҳалокатга учрайди.

Тоталитар тузум ҳукмрон бўлган собиқ иттифоқ ўрнида юзага келган, ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатларнинг барчаси бу тузумдан, давлатни тоталитар бошқарув шаклидан воз кечди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34- моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимият вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”,- деб ёзиб қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган

парламент туркумидаги қатор сиёсий партия ва ҳаракатлар, турли жамғарма ва институтлар фаолияти кўрсатилмоқда.

Ҳар қандай демократик жамият тоталитар тузумга ва унинг мустабид мафкурасига тубдан қарама-қаршидир. Демократик жамиятда ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бу тамойил Ўзбекистонда ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

Миллий истиқлол ғояси тоталитаризмга зид бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига асосланган ҳолда, бутун Ўзбекистон халқининг умуминсоний кадриятлар устуворлигига таянадиган мақсад ва муддаоларни, орзу-умидларни, эҳтиёж ва манфаатларини ифодалайди. У халқимизни собиқ тоталитаризм асоратларидан, турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирлик ва бошқа асосларда дунёни бўлиб олишга уринаётган зарарли ва бузғунчи мафкуралардан муҳофаза қила олади.

ТОТЕМИЗМ (Жанубий Америка ҳиндулари тилида унинг уруғи маъносини англатади) – одамнинг кўпинча бирор ҳайвон, парранда ёки афсонавий мавжудот билан алоқаси борлиги, баъзан улардан тарқалгани ҳақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиққан диний тасаввурлар мажмуи.

қадимий халқлар от, хўкиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қилганлар ва ўз аجدодлари билан алоқадор деб билганлари туфайли улардан гуёки куч, руҳий мадад олганлар. Шу тариқа бу жонзодлар уруғ ёки қабила, кейинчалик бутун бир халқнинг сиғиниш объекти - тотемига айланган. Тотемистик тасаввур, аввало, халқ иримларида, урф-одатларида ўз аксини топади.

Халқимизда бўрига бўлган муносабат ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Масалан, тиши билан туғилган болага Бўривой деб исм қўйилади ёки бирор яқин кишиси муҳим бир иш билан бир ерга (масалан, совчиликка) бориб қайтаётган одамга “Бўримми, тулкими?!”-деб мурожаат қилинади. “Бўри!”- деган жавоб ишнинг натижаси кўнгилдагидек бўлганидан дарак беради.

Халқимиздаги от, ҳумо қуши, балиқларга топиниш билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларда ҳам айнан шу каби қарашлар мужассам. Бундай қарашлар баъзан, бошқа халқлар эътиқодларидан фарқ қилиши ҳам мумкин. Унинг моҳиятини англаш, урф-одатлар, расм-русмларни билишга, миллий тафаккур ва халқ психологиясини ўрганишга ёрдам беради.

УЛАМО (ар.) – Ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунослари, шунингдек диний муассасаларга, қозилик маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча мусулмон диндорлари уламолар деб юритилган. Уламо сўзи фақат дин соҳасидаги билимдон кишиларга нисбатан ишлатилган ва ишлатилмоқда. Дунёвий фанлар бўйича билимдонларга нисбатан эса олим ибораси қўлланилади.

УММАВИЙЛАР – араб халифалари сулоласи (661 - 750). Асосчиси маккалик йирик савдогар ва курайшийлар зодағони Абу Суфённинг ўғли Муовиядир. Муовия халифа Али ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 йили улар ўртасида уруш бошланган. Уч ой давом этган жанг натижасиз тугаган. Али вафотидан (661)

сўнг араб зодагонлари ва ҳарбий бошлиқлар ёрдамида Муовия ягона ҳукмрон бўлиб қолади. Шу билан уммавийлар халифалик тахтини эгаллайди. Уммавийлар пойтахти Дамашқ бўлган, Уммавийлар даврида араблар шарқда Табаристон, Журжон, Мовароуннаҳр ва Синдни, ғарбда Шимолий Африка ва Испаниянинг катта қисмини босиб олганлар. 747 - 750 йилларда Абу Муслим раҳбарлигидаги кўзғолон натижасида уммавийлар сулоласи вакили халифа Марвон II тахтдан туширилади ва ҳокимият аббосийлар қўлига ўтади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ - иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳақида хилма-хил қарашлар мавжуд. Улар сўнгги йилларда давлат сектори ва хусусий тижорат сектори билан бир қаторда ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг тамоман янги бир қисми сифатида шаклланди.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, кооперативлар, ишбилармонлар уюшмалари, клублар ва бошқалар фуқаролик жамиятининг ядросини ташкил этади. Ҳукумат таркибига кирмайдиган минглаб ихтиёрий гуруҳлар нодавлат ташкилотлар деб номланса, фуқаролик жамияти ташкилотлари маҳаллий фуқароларнинг минглаб турли гуруҳларини - клублар, жамоат уюшмалари, фуқаролар ҳаракатлари, хизмат кўрсатиш марказлари, жамғармалар манфаатларини ҳимоя қилиш тармоқларини ташкил этишларида кўринади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этиш йўлида тармоқлар ташкил этиш, молиялаштириш, хизмат кўрсатиш ва ҳимоя қилиш масалалари устида маълум фуқаролар гуруҳлари номидан фаолият юритувчи минглаб кўшимча нодавлат, нотижорат ташкилотларининг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, фуқаролик жамияти ташкилотлари ўзининг таркибига давлат ва тижорат секторларидан ташқаридаги “учинчи секторга” тегишли бўлган барча ташкилотларни қамраб олади. Шундай қилиб, кишилар ўз турмуш тарзларини яхшилаш мақсадида ташкил этилган барча турлардаги анъанавий уюшмалар, жумладан спорт мусобақалари, регионал ва маданий уюшмалар фуқаролик жамияти ташкилотлари таркибига киради.

ХОНАҚОҲ (ф.-т.) – шайх ва дарвишлар зикру само қиладиган хона, масжид. Ислом дини тарқалиши билан юзага келган. Дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзида қурилган. Дарвишлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик хонақоҳларнинг катта заллари, уларининг атрофларида эса зиёратчилар учун ҳужралар бўлган. Кейинчалик маҳалла, қишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам хонақоҳ деб ағалган.

ЧИҒАТОЙ УЛУСИ — Чингизхон томонидан Чиғатой ва унинг авлодларига мерос қилиб берилган вилоятларнинг умумий номи (1224 йилдан бошлаб). Худуди Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқардан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи мўғуллар ўтроқ аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун Чиғатой ўз улусини

бошқаришни хоразмлик Маҳмуд Ялавоч (1225 - 1238) ва унинг ўғли Маъсудбекка (1238 - 1289) топширган. Ўзи эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш билан қаноатланган. Чигатой вафот этгач (1242), Мункэ билан Ботухон Чигатой улусини мулк сифатида тугатишга қарор қилган. 1251 йили империяда қурултой чақирилиб Мункэ тахтга утиргач, Чигатой авлодларининг қупчилиги қатл қилинган. Чигатой улусини эса Мункэ ва Ботухон ўзаро бўлишиб олганлар. Мовароуннаҳр Ботухон қулига ўтгач, XIII асрнинг 60-йилларида Чигатойнинг набираси Олғу чигатойлар ҳокимиятини тиклаган. Олғу ворислари Муборак ва Барок маҳаллий аҳоли билан яқинроқ алоқада бўлиш учун ислом динига кирганлар. Хон қароргоҳи ҳамла баъзи мўғул уруғлари Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчириб келтирилган. Темурийлар давлати ташкил топиши билан чигатойлар ҳокимияти тугаган.

ЧОРЁРЛАР (ф.-т.) – Муҳаммад Пайғамбар вафотидан сўнг Араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт халифа - Абу Бакр, Умар, Усмон, Алиларни Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда мусулмонлар орасида чориёрлар деб аташ расм бўлган. Улар «Хулафо ар-рошидун», яъни тўғри йўлдан юривчи халифалар дейилган.

ҚАВЧИН (ҚОВЧИН) – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Қавчинлар XIII аср ўрталарида арлот, барлос, жалойирлар билан бирга Мўғулистон худудидан Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида ҳамда Фарғона водийсига кўчиб келишган. Қавчинлар асосан ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Улар бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари бегузув, балхи, кўрпачувиш, бўзчи, кашмири, сулаймон, имом, бўйин, тутал, пўла, шерали, туябўйин қабилардир.

ҚАЛАНДАР – сўфизм йўлига кириб, меҳнат қилмасдан дарбадарлик, гадолик ва хайр-эҳсон йўли билан кун кечирувчи кишилар фаолияти. Қаландарлар муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг ғояларини тарғиб этадилар. Нақшбандия, Яссавия, Кубравия, Қадария қаландарликнинг машхур сулукларидандир.

ҚАНҒЛИ – туркий қабилалар уюшмаси. Ўрхун-Енисей ёзувларида «канхарас» деб аталган. Қанғлилар милод. авв. III аср охирида Сирдарё бўйларида йирик Қанғ давлатини пайдо қилган. X аср охирида уларнинг катта бир қисми шимоли-ғарбга силжиб, Эмба ва Урал (Ёйиқ) дарёлари оралиғида жойлашган. XI асрда уларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария ва Венгрия ерларига ўтиб маҳаллий аҳолига, айрим гуруҳлари эса Волга бўйларига келиб бошқирд, татар халқларига қўшилиб кетган. XI асрнинг охири – XII асрнинг бошларида қанғлиларнинг катта гуруҳи Сирдарё бўйларига қайтиб келган. Ўрта асрларда қанғлилар Ўрта Осиё давлатларининг ички сиёсатида фаол иштирок этишган. Қанғлилар ярим ўтроқ ҳолда яшаб деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Улар бир неча уруғларга бўлинишган. Жумладан, сари-қанғли, қора-қанғли, қизил-қанғли, бобо-қанғли, олтмиш-қанғли, бўқа-қанғли ва бошқалар.

ҚАРЛУҚЛАР – қадимий туркий қабилалардан бири. IV-V асрларгача Олтойнинг ғарбида яшаганлар. VI-VII асрларда қарлуқлар Турк хоқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қарлуқларнинг бир қисми Еттисув худудига келиб жойлашганлар. VIII аср охирларида бу ерда Қарлуқлар давлати вужудга келган, X асрда Қорахонийлар давлатида қарлуқларнинг вакиллари ҳукмрон мавқега эга бўлганлар. X аср охирларида қорахонийлар Мовароуннахрни эгаллагач, қарлуқлар Тошкент воҳасига, Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келишган. Кейинчалик қарлуқлар маҳаллий халқлар таркибига киришган. Ўзбеклар таркибидаги қарлуқлар XIX аср охири - XX аср бошларида Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларида, ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Шўрчи туманларида яшаганлар.

ҚИЗИЛБОШЛИЛАР (т.) – Кичик Осиё, Сурия ва Озарбойжондаги кўчманчи турк қабилаларининг бирлашмаси. Улар 12 шиа имоми шарафига ўн икки йўллик қизил матодан салла ўраб юришган. Қизилбошлилар сафавия тариқатининг асосий ҳарбий таянчи бўлиб, сафавия шайхлари бошчилигида кўшни мусулмон бўлмаган мамлакатларга хужум қилиб туришган.

ҚИЁТ – Қадимги туркий қабилалардан бири. Ўғузлар таркибига бўлган. VIII-X асрларда Дашти Қипчоқда яшаб, кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланганлар. Ўғузлар давлати емирилгач, XI асрда қиёт қабилалари ҳам бўлиниб кетган. Уларнинг катта қисми Туркменистон худудига силжиб маҳаллий аҳолига, бошқа бир қисми эса Болқон ярим оролидаги халқлар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқ чўлларида қолган қисми кейинчалик ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Қорақалпоқлар таркибидаги қиётлар учга бўлинган (учтамғали, тароқли, болғали). **Қашқадарёнинг** юқори оқими Хоразм ва Бухоро воҳалари, шунингдек Зарафшоннинг ўрта оқимида яшовчи қиётлар XIX аср охирларида қорақалпоқлар таркибига кирган. Қиётлар XX аср бошларида асосан ўтроқлашиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

ҚИЙРАТ (юн.-фр.) – мисқолнинг 1/24 (йиғирма тўртдан бир) қисми бўлиб, у 0,195 граммга тенг бўлган.

ҚИПЧОҚЛАР – туркий халқларнинг энг йирик қабилаларидан бири. Қипчоқлар Рус солномаларида «половецлар», Европанинг баъзи халқларида ва Византия солномаларида

«кумонлар» деб аталган. Махмуд Қошғарийнинг «Девони лу-ғотит турк» асарида қипчоқлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Қипчоқларнинг илк аجدодларининг бир қисми VI асрда Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўғулистон ва Тува орлариғига келиб ўрнашган. Иккинчи қисми эса Иртиш дарёсининг яқинидаги даштларга кўчиб ўтиб, кимакларга тобе бўлган.

ҚИРҚ – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. Тарқоқ ҳолда Самарқанд атрофида, Панжикентниинг жанубида, ҳозирги Ғаллаорол, Жиззах, Зомин ва Ўратепа худудларида яшаганлар. Кўпинча ўзбек халқи таркибига Кирган қабилалардан бири – юзлар билан аралашган ҳолда яшаганлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик манбаларда «қирқ-юз» номи

билан ҳам маълум, Қирқ, юз ва минг қабилалари марқа деган умумий ном билан аталган. Қирқларнинг этногенези Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари билан боғлиқ. Қирқлар ўтмишда бир қанча уруғларга бўлинган. Шулардан энг йириклари оқ-қўйли, қора-қўйли, қора-сирок, Қорача, олмасаун, чапарашли ва бошқалар. Улар XX аср бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан шуғулланганлар. Бир қисми тоғ ён бағрида, адирларда яшаб лалмикор ва қисман суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлар.

ҚОЗОҚ – ўз халқи ва қавмидан ажралиб кетган одамлар; тахт учун курашда енгилсада, аммо ўз ҳуқуқидам воз кечмаган на ўз тарафдорларига бошчилик қилиб, муҳолифлари билан қулай фурсат пойлаб курашадиган сулола вакили. XIV-XVI асрларда бундай одамлар «қозоқ» деб аталган. Ўз даврида Султон Ҳусайн Бойқаро ва айрим бошқа темурийлар «қозоқ» бўлганлар.

ҚУРАМА – ўзбек халқи таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Қурамаларнинг айрим гуруҳлари қозоқ, қирғиз ва туркман халқларининг таркибига ҳам кирган. Ўтмишда қурамаларнинг кўпчилиги ўзбек халқи билан аралашиб кетган бўлишига қарамасдан, уларнинг салмоқли қисми XX аср бошларига қадар моддий маданияти, турар жой ва кийимидаги айрим хусусиятлари ҳамда баъзи урф-одатлари билан ўзбеклардан фарқ қилиб, ўзларини азалий этник номлари - «Қурама» номи билан атаб келганлар. Қурамаларнинг аجدодлари XV аср - XVI асрнинг биринчи ярмига қадар Дашти Қипчоқда яшаб келганлар. Уларнинг катта бир қисми XVII-XVIII асрлар давомида Ўрта Осиёга кўчиб ўтган. Дашти Қипчоқда қолган қурама гуруҳлари қозоқ халқи таркибига кириб, уларга аралашиб кетганлар. Қурамаларнинг кичик бир қисми Чу дарёсининг юқори оқимларига кўчиб бориб ўрнашиб, аста-секин қирғиз халқи билан аралашиб кетганлар. Қизилқум орқали силжиб ўтган қурамаларнинг катта бир гуруҳи Амударё қирғоқларигача бориб, кўпчилиги туркманлар таркибига кирган. Ўзбек халқи таркибига кирган қурамаларнинг асосий қисми ҳозирги Тошкент вилоятидаги Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Оқангарон ва бошқа туманларда яшаб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

ҚУРЪОН (ар.) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Муҳаммад Пайғамбарнинг Макка ва Мадинада олиб борган оғзаки диний тарғиботлари тўпламидан иборат.

Қуръонда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари ўз ифодасини топган. Ислом анъанасида Қуръон Оллоҳ томонидан Муҳаммад Пайғамбарга рамазон ойининг 27-куни кечаси ваҳий қилинган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб рўза тутилган. Унинг 27-куни кечаси «лайлат ул-қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳиёт қудрати намоён бўлган кеча деб улуғланади. Қуръон китобини «Қуръони Карим», «Қуръони Масжид» деб сифат-лашади.

ҚУТВОЛ (ф.-т.) – Бухоро хонлигида давлат томонидан тайинланган махсус мансабдор бўлиб, давлат қурилишларига жавобгар шахс бўлган. У

арк қурилишлари, қалъа деворлари ва иморатларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланган ва унга жавоб берган.

ҚУТЧИ – қадимги туркий қабилалардан бири. Қутчиларнинг илк аждоллари Жанубий Сибирда, X-XIII асрлар давомида эса Қашғарда ва Еттисувда яшаб келганлар. XIII -XIV асрларда қутчиларнинг катта бир қисми ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашганлар ва ўзбеклар таркибига кирганлар. Бир қисми қирғизлар таркибида ҳам мавжуд бўлган. Ўзбеклар таркибидаги қутчилар аллақачон ўтроклашиб, ўзбек халқи билан аралашиб кетган. Озроқ қисми эса ўз номларини XX аср бошларигача сақлаб келганлар. Булар асосан Зарафшон тизма тоғ этакларида, Ургут атрофларида Шаҳрисабз воҳасида, Қашқадарёнинг юқори оқимларида жойлашган. Қутчилар бир неча уруғларга бўлинган. Энг йириклари: ших-саёт, моли, мовар, қашқари. Қутчилар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар.

ҚУШБЕГИ (т.) – XV-XVI асрларда подшоҳ ва хонлар кушхонасининг мутасарруфи бўлган. Унинг зиммасига овни ташкил қилиш ва ўтказиш вазифалари юклатилган.

ҚЎНҒИРОТ – ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бири. XX аср бошларида ўзбеклар таркибида бўлган қўнғиротлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида, шунингдек Зарафшон водийсида, Мирзачўл, Хоразм ва Қорақалпоғистонда яшаганлар. Қўнғиротлар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, нўғой ва бошқа туркий халқлар таркибига ҳам кирганлар. XIV асрда қўнғиротларнинг катта бир қисми Хоразм ҳудудига кўчиб ўтган ва Хоразмнинг сў-фийлар сулоласи фаолиятида фаол иштирок этган. XIV-XV асрлар давомида қўнғиротларнинг айрим ғуруҳлари Хуросонга, Шимолий Афғонистонга ва Ҳисор - Шеробод водийсига келиб ўрнашганлар. Қўнғиротлар кейинчалик Хоразмнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этганлар. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср бошларида Хива хонлигини ўзбек қўнғиротлари сулоласи бошқарган. Уларнинг кўпчилиги XIX аср охири – XX аср бошларига қадар ярим ўтрок, холда яшаб, хўжалигида чорвачилик муҳим рол уйнаган. Авлодлари асосан тоғли ҳудудларда жойлашган.

ҚЎШЧИ – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Қўшчи қабилалари XIV-XV асрлар давомида Дашти Қипчоқда яшаб, кўчманчи чорвачилик билан шуғулланганлар. XVI асрда қўшчилар бошқа кўчманчи ўзбек қабилалари ва уруғлари билан бир қаторда Мовароуннаҳрга келиб жойлашганлар. XVI-XVII асрлар давомида қўшчилар ўтроклашиб, кейинчалик ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

ҒАЗНАВИЙЛАР – X-XII асрларда Ўрта Шарқда мавжуд бўлган феодал давлатнинг ва уни бошқарган сулоланинг номи. Ғазнавиёлар давлатида туркий сулола ҳукмронлик қилган. Асосчиси – сомонийлар лашкарбошиси Алптакин. У 962 йили қўл остидаги ғуломларга таяниб, Ғазна вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатди. Сулола ҳукмдорлари: Аяптакин (962), Сабуктакин (977-997), Исмоил (997-998), Маҳмуд Ғазнавий (998-1030), Муҳаммад (1030), Маъсуд I (1030-1041), Мавдид (1041-1048), Маъсуд II (1049), Али Абулҳасан (1049-1051), Абдурашид (1051-1099), Маъсуд 111

(1099-1115), Шерзод (1115-1116), Арслон (1116-1117), Бахромшоҳ (1117-1153), Хусравшоҳ, (1153-1160), Хусрав Малик(1160-1186/87).

ҲАДИС (ар.) – Ислом дини талимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад Пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Муҳаммад Пайғамбар бирор гап айтган ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг ўзларига қилаётган бирор ишини куриб, уни маън этмаган бўлса, шу ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шу хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят ҳадис деб юритилади. Ҳадисларда ислом дини аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар ҳам талқин этилади. IX-X асрларда диндорлар орасида обрўли деб танилган Ҳадиснинг олти тўплами вужудга келган. Булардан айниқса иккитаси - «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» кўпроқ эъзозланади. Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб этувчи шахслар муҳаддис деб аталган, Ислом оламида таниқли муҳаддислардан Исмоил ал-Бухорий, имом ат-Термизийлар ватандошимиз бўлишган.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг кенг кўламли ривожлантиришга мўлжалланган истиқболли махсус Дастур. 2017 йилнинг 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони имзоланди. Фармонда белгиланган стратегия лойиҳаси ва унда кўзда тутилган муҳим стратегик масалалар республикамиз экспертлари ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Стратегия лойиҳаси ўта долзарб, яъни аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, мамлакатни яқин беш йилда тизимли, комплекс ривожлантириш, давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, мамлакатда қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётига асосан маҳаллий шарт шaroитлар ва хорижий тажрибани таҳлил қилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ (ар.) - мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад Пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ. Ҳижрий йил қамария (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсия (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича йил ҳисоби 622 йилнинг 16 июлидан бошланган бўлиб, 12 ойдан иборат, бир қамарий йил 354 кунга тенг, Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11 ойлари 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлари тартиби билан муҳаррам, сафар, рабиул-аввал, рабиул охир, жумодил аввал, жумодил охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввал. зулқадда ва зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан, яъни ҳозирги григорий календаридан 10-12 кун қисқа. Шамсия бўйича йил ҳисоби 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик куни, яъни 21 мартдан бошлаб ҳисобланади. Кейинги йил

бошлари эса 20-21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги жиҳатдан григорий календаридagi каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсия бўйича ойларнинг номлари хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, акраб, қавс, жадди ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг бир вақтларида келади. Ўрта Осиёда олдин қамарий ҳисоби қам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган.

МУНДАРИЖА

- Кириш**.....3-6 бетлар
- 1-Мавзу.** «Ўзбекистон тарихи» фанининг предмети, уни ўрганишнинг назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти.....7 -22 бетлар.
- 2-Мавзу.** Марказий Осиё-жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми.....23-43 бетлар
- 3-Мавзу.** Ўзбек халқи давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.....44-76 бетлар.
- 4- Мавзу.** Илк ўрта аср давлатчилиги: ижтимоий- сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт.77-90 бетлар.
- 5 Мавзу:** IX–XII асрларда ўзбек давлатчилиги тарихи. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.....91-109 бетлар.
- 6-Мавзу.** Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш. Жалолиддин Мангуберди –мард ва жасур аждодимиз.....110-121 бетлар
- 7-мавзу.** Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт.....122-143 бетлар
- 8-Мавзу.** Ўрта осие ҳудудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.....144-173 бетлар
- 9-Мавзу:** Ўрта Осиё хонликларининг Россияси империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий - озодлик ҳаракати. Жаҳидчилик.....174-201 бетлар.
- 10-Мавзу.** Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга ошириган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирлари.....202-241 бетлар
- 11-Мавзу.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш йўлида (1989-1991 йиллар).....242- 249 бетлар
- 12-Мавзу.** Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши.....250- 275 бетлар.

13-мавзу. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий- маданий тараққиёти. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти..... 276- 323 бетлар.

14-Мавзу. Янгиланаётган Ўзбекистон: ислоҳотларнинг янги босқичи ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти стратегияси.....324-348 бетлар.

Тарихий атамалар изоҳи.....349-398 бетлар.